



ИСЛОМ КАРИМОВ

БИЗДАН
ОЗОД ВА ОБОД
ВАТАН
ҚОЛСИН

2

•УЗБЕКИСТОН•

У-13874



ИСЛОМ КАРИМОВ

БИЗДАН
ОЗОД ВА ОБОД
ВАТАН
ҚОЛСИН

2

ТОШКЕНТ - "ЎЗБЕКИСТОН" - 1996

66.3(2)
K 25

ISBN 5-640-02098-5

**К 0804000000-67
М 351 (04) 96**

© "УЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1996 й.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мұхтарам халқ насиблари!

Истиқболимизнинг машаққатли, фидокорона мәҳнат билан ўтган икки йили орқада қолди.

Бу йиллар бой имкониятларга эга бўлган, республика ва унинг аҳолисини танг ҳолатдан, моддий ва маънавий инқизордан чиқариш, миллий давлатимиз пойdevорини қуриш, иқтисодиётимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш йиллари бўлди.

Ўзбекистонни жаҳонга намоён қилиш, ахборот ва иқтисодий жиҳатдан четлашириш ҳолларига барҳам бериш, жаҳон ҳамжамиятиning бошқа мамлакатлари қаторида тенг бўлиб олиш сари интилиш йиллари бўлди.

Мустақилликнинг икки йили — кўхна тарихимизни, тарихда бизга ажратилган ўрнимизни чуқур англаш йиллари бўлди.

Бу йиллар шу ҳолатларнинг сабабларини мафкуравий ақидалардан холи равишда, ақл-идрок билан таҳлил қилиш йиллари бўлди.

Энг муҳими, мустақилликнинг дастлабки йиллари ўз истиқдол ва тараққиёт йўлимизни событқадамлик билан излаш, Ўзбекистонни эркин, қудратли ва гуллаб-яшнаётган мамлакатга айлантириш йўлидаги интилиш даври бўлди. Бу даврда биз ўзлигимизни англаш йўлида улкан қадам кўйдик, ўзимизнинг тарихий йўлимизни танлаб олдик.

Ҳаётимизни, жамиятимизнинг асосий тамойилларини ва давлатимизнинг сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий тузитмаларини ҳал қилувчи, умумисоний қадриятларга асосланган, эркин демократик келажагимизни аниқ белгилаб берган Асосий Конун — Конституциямизни қабул қилдик.

Хурматли дўстлар!

Дунёда умумий йўл-йўриқлар, ўхшаш андозалар йўқ. Шунингдек жаҳонда бир-бирига мутлақо ўхшаш кишилар бўлмаганидек, айнан ўхшаш давлатлар ҳам йўқдир.

Бизнинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўлнимиз республикасининг ўзига хос турмуш тарзини, шарт-шароитлари ва хусусиятларини, ҳалқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган.

Айни пайтда бизнинг йўл жаҳон амалиёти тўплаган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига ўтган мамлакатлар орттирган ижобий тажрибаларни ҳам ҳисобга олади.

Ўзбекистон танлаб олган йўл — республика ва унинг ҳалқининг манфаатларига ниҳоятда мос келадиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисоддир.

Иқтисодий ислоҳотлар сиёсий манфаатларга бўйсундирилган жойларда иқтисодиёт батамом барбод бўлади. Аҳолининг аҳволи кескин ёмонлашади. Ижтимоий зиддијатлар кучая бориб, тангликка олиб келади. Сиёсий кураш ботқоғига ботиб қолган бир қанча мамлакатларнинг аччиқ тажрибаси шундан далолат беради.

Биз иқтисодни ҳар хил сиёсий мафкурадан устун қўйиб, шу соҳада бўлган муаммоларни ҳал қила бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаяпмиз. Бутун жамиятимизни янгилаш асосини ва инсон учун муносиб шарт-шароитлар яратаяпмиз.

Иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга янгича ёндошувларни ҳаётнинг ўзи тақозо этаяпти. Иқтисодий ислоҳотлар мөҳиятини чуқурроқ идрок этиш, уларнинг ҳаётий зарурлигини аниқ-равшан англаб етиш лозим. Республикалаги ҳар бир раҳбар, ҳар бир ходим, илғор фикрловчи ҳар бир одам ислоҳотлар ғояси билан яшаши лозим.

Шундай шароитда иқтисодий дастуримизнинг устувор йўналишларини яна бир бор аниқлаб олиш зарурати туғилади. Бор ҳақиқат шундайки, бу босқичда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бир вақтнинг ўзида, бирдан ҳаммасини ҳал қилиш мумкин эмас.

Шу сабабли ислоҳотларнинг йўналишларини белгилаб олиш вақтида шундай асосий бўғинларни топиш муҳимки, уларнинг ёрдамида яқин давр ичидаги муаммоларнинг бутун мажмунини ҳал этиш мумкин бўлади. Уларнинг кўпини биз сизлар билан бир неча маротаба муҳокама қилгандик. Айни пайтда уларнинг ҳаммасини бир-бири билан ўзаро узвий ҳолда боғлаб, кўриб чиқиши жуда муҳимдир.

Хўш, бугунги кунда республика иқтисодий дастурининг моҳиятини ташкил этувчи энг асосий устуворликлар ва йўналишлар нималардан иборат?

Биринчидан, бозор муносабатларига ўтиш — иқтисодий дастуримизнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бизнинг принципларга мувофиқ бозор иқтисодиётiga босқичма-босқич ўтиш керак. Авваламбор, ўзини оқламаган маъмурий-буйруқбозлиқ бошқарув принципларидан, ўта марказлаштирилган тақсимлаш системасидан, шаклланган текисчилик ва боқимандачилик психологиясидан қатъян воз кечиш лозим.

Бозор муносабатларига ўтиш инсоннинг ижодий ва меҳнат салоҳиятини намоён қилишга, боқимандаликни бартараф этишга, йўқолиб кетган эгалик туйғусини қайта тиклашга имкон беради. Фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ҳукмини бартараф этиб, республиканинг гоят катта бойликларидан самарали фойдаланишини таъминлай олади.

Шу борада бугунги босқичда олдимида турган энг муҳим масалалар:

биринчидан, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли, янги пайдо бўлаётган нодавлат, яъни ишлаб чиқариш фаолияти билан ўзгувланаётган ва аҳолига хизмат кўрсатаётган хусусий, акционерлик, коллектив ва бошқа корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан аралаш, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиришdir;

иккинчидан, нарх-наволарни босқичма-босқич эркинлаштириш, монополияга қарши қаттиқ сиёsat ўтказиш, давлат корхоналарининг фаолиятини тижоратлаштириш ҳисобига рақобат муҳитини вужудга келтириш;

учинчидан, бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш, товарлар, сармоя, иш кучи ва бошиқа бозорларни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, бозор инфраструктурасини вужудга келтириш, бозор шароитида ишлай оладиган малакали кадрлар тайёрлашdir.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш биринчи навбатда ҳаётимизда, иқтисодиётимизда барқарорликка эришиш билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни, молиявий аҳволни барқарорлаштириш — иқтисодий ислоҳотларимизни амалга оширишнинг муҳим шартиdir.

Иқтисодиёт барқарор ишлагандагина бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин. Ҳозирги вазият танг-

ликни бартараф этиш ва пулнинг қадрсизланишини жиловлашни тақозо этмоқда. Аҳолининг турмуш даражаси кескин ёмонлашувига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун тезкорлик билан, қаттиқ, баъзида кўпчиликка хуш келмайдиган чоралар кўрилиши зарур. Иқтисодиётни барқарорлаштириш — бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар босқичидир. Биз иқтисодиётни барқарорлаштира бориб, бозор муносабатларини нормал ривожлантириш учун зарур шартшароитларни вужудга келтирамиз.

Шу мақсад учун:

Биринчидан, қатъий молиявий сиёсат ўтказиш. Бундан буён ҳам бюджет маблағлари қаттиқ назорат остида, давлат томонидан даромад тушишига қарабгина ажратилиши лозим. Солиқ сиёсати ҳам янада такомиллаштирилиши зарур. Иқтисодий вазиятни умумий тарзда согломлаштириш бюджетнинг даромад қисми кўпайишининг асоси бўлиши керак. Бу эса солиқ солинадиган базани кенгайтириш имконини беради. Давлат ва корхоналарнинг молиявий маблағлари алоҳида ажратилиши лозимлиги муҳим қоидадир. Корхоналар ўз маблағларига ёки тижорат банкларининг кредитига умид қилишлари керак;

Иккинчидан, кредит-банк тизимини, пул мусмаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш. Банк кредитлари биринчи навбатда ҳалқ истеъмол моллари, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалик ҳамда бошқа ҳаётий муҳим маҳсулотлақ ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиганларга берилиши лозим. Айни вақтда, асоссиз кредит экспансиясига, заём маблағлари сочиб юборилишига йўл қўймаслик қатъий қоидадир. Бугунги кунда банклар инвестиция дастурларининг қатнашчиларидан бири, ҳар бир тармоққа тўғридан-тўғри қўйиладиган сармояларнинг кафиллари бўлишлари керак;

Учинчидан, ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришга кўмаклашиш, ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш. Ишлаб чиқаришни қайтадан тикламай туриб, ички молиявий ва ижтимоий барқарорликка умид боғлаб бўлмайди;

Тўртинчидан, пулнинг қадрсизланишига ва монополияга қарши таъсирчан чора-тадбирларни ўтказиш, монополист корхоналарнинг улгуржи ва чакана нархларни ошириб юборишларига йўл қўймасликдир.

Иқтисодий дастуримизнинг стратегик вазифаси — иқтисодимизнинг таркибини қайта қуришdir.

Иқтисодиётимизнинг бир ёқлама хом ашёга йўналтирилганлигини қатъян бартараф этиш ички сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналишидир. Стратегик жиҳатдан ўсишга эришмоқ учун ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш зарур.

Бир неча ўн йиллар мобайнида республика иқтисодиёти марказдан бошқариладиган ягона ҳалқ хўжалиги комплексининг таркибий қисми эди. Марказ қабул қиласидан кўпгина қарорлар Ўзбекистоннинг манфаатларидан йироқ эди. Хуллас, чор империяси давридаги, республика арзон хом ашё ва стратегик минерал ресурслар базаси эди. У тайёр маҳсулот сотиладиган қулай бозорга айланаб қолганди. Республиканинг улкан табиий бойликларидан фойдаланилгани ҳолда даромадлар унинг ҳудудидан анча олиса қолиб кетарди.

Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартиришлар бўйича ишлаб чиқилаётган чора-тадбирлар, аввало, қўйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилмоғи лозим.

Биринчидан, қишлоқ хўжалик хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқурроқ қайта ишлаш, уларни тайёр маҳсулот даражасига етказиш, қишлоқ хўжалик ресурсларни чуқур қайта ишлашга алоҳида аҳамият берилиши керак. Янги қайта ишловчи қувватларни яратиш, кенг миқёсларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, трикотаж, тўқимачилик, тикувчилик саноатини, сермеҳнат тармоқларни ривожлантириш, тайёр буюмларнинг хилларини кўпайтириш, уларни ташиб келтиришини камайтириш ва экспортни ошириш имконини беради.

Иккинчидан, асосан пахта тозалаш ва қайта ишлаш саноатидан иборат бўлган ҳалқ хўжалигининг мавжуд таркибининг истиқболи йўқдир. Шунинг учун бизнинг вазифамиз илм-фанга асосланган, техник жиҳатдан мурakkab тайёр маҳсулот улушини кўпайтириш ва унинг рақобат қобилиятини таъминлаш, ақлий салоҳият негизида юксак техникага эга бўлган корхоналарни вужудга келтиришдир.

Учинчидан, илғор технологияларга, замонавий ишлаб чиқариш таркибига ўтишни таъминлаш, минерал ресурсларнинг комплекс қайта ишловчи ўзаро боғлиқ тармоқлар тизимини щакллантиришдир. Республикада рангли металлургия, кимё ва электр техника саноатида, машинасозлик ва асбобсозлик соҳасида юксак технологик ишлаб чиқа-

ришларни ривожлантириш учун қулай имкониятлар бор. Уларнинг маҳсулотларига ҳозирнинг ўзидаёқ Республикадан ташқарида харидорлар кўпдир.

Иқтисодий ўзгартиришларнинг ғоят муҳим бўғини — қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни ўтказишдир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бутун занжирида аграр сектордаги ўзгартиришларга ғоят муҳим аҳамият берилмоқда. Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг айни аграр сектори ғоят катта резервларга эгадир. Уларни ишга солиш ҳозирнинг ўзидаёқ катта натижалар бериши мумкин.

Қишлоқ — миллий даромаднинг энг муҳим манбай. Аммо энг муҳими, қишлоқ — иқтисодий ва ижтимоий турмушдаги, натижада, сиёсатда ҳам шундай бир бўғинки, у орқали бутун Республика фаровонлик ва тўқинликка эришади. Мен илгари ҳам кўп маротаба шуни алоҳида таъкидлаб айтганман: агарки деҳқон бой-бадавлат бўлмаса, ҳеч қандай давлат бой бўла олмайди.

Энг муҳими, қишлоқда хўжалик юритишининг шундай механизмини яратиш керакки, у ҳар бир деҳқонга манфатдорлик билан меҳнат қилиш; ётиштирган маҳсулотига мустақил эгалик қилиш; ўз оиласининг тўқлигини таъминлаш имконини берсин. Фақат деҳқон ердан олаётган даромад унинг ўзига тегишли бўлишини, маҳсулотнинг ҳақиқий эгаси эканлигини ҳис этгандагина ўзини ернинг чинакам эгаси деб билади.

Қишлоқ соҳасида яна бир жуда муҳим, муаммоларнинг муаммоси бор. Ҳисоб-хитобларнинг кўрсатишича, қишлоқда 6,5 миллионк меҳнатга лаёқатли аҳоли иш билан банд. Табиийки, қишлоқ хўжалигига ўзлаштирилган ерларимиз шунча одамни меҳнат билан таъминлай олмайди. Шу сабабли, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришнинг юқори самарали индустрисал услублари, илгор механизация ва агрохимия усуслари ниҳоятда секинлик билан жорий этилмоқда. Бунинг натижасида унумдорлик даражаси ҳам, маҳсулдорлик даражаси ҳам паст бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозирда қишлоқ хўжалигига банд бўлган ортиқча меҳнат қилувчиларни саноатга, хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилиш аграр сиёсатимизнинг ғоят муҳим йўқалишидир.

Қишлоқ жойларига, лўнда қилиб айтганда, саноатни олиб келиш зарур. Замонавий технологияга эга бўлган кичик корхоналарни очиш ҳисобига янги иш жойларини яратиш устувор вазифадир. Булар қишлоқ хўжалик хом

ашесини қайта ишлайдиган корконаларгина эмас, балки сермеңнат, шу жумладан касаначиликка асосланған ишлаб чикаришлар, халқ хұнармандылышлары ҳам бўлиши керак.

Қишлоқда буннинг учун мутлақо янги бўлган тармоқлар — ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани, коммуникациялар тармогини, замонавий маший ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил қилиш лозим бўлади.

Амалда бу соҳа ҳозир ривожланмаган. Республика мизда халқ хўжалигига банд бўлганларнинг атиги 8 фоизи маший хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайди. Хизмат кўрсатиш соҳаси тегищлича ташкил қилинган тақдирда эса, қишлоқдаги барча хоҳловчиларни иш билан таъминлай олади. Натижада, қишлоқнинг қиёфасини, қишлоқ турмуш маданиятини, одамларимизнинг ҳаёт даражасини тубдан ўзгартириб юборади.

Сүгорма деңқончиллик саноатида асосий бойлигимиз бўлмиш ерга муносабатни ўзгартириси билан учун устувор йўналишлардан биридир. Ерларнинг мелиоратив ҳолатига доимо катта зытибор берилмоғи лозим. Агар биз шундай килмасак, истикболимиздан маҳрум бўламиз.

Айтиб ўтилган устувор вазифаларни рүёбга чиқариш биз учун принципиал янги бўлган иқтисодий муносабатларни жорий этишга, маърифатли тараққиёт йўлига ўтиб олишга имкон беради. Айни пайтда иқтисодий мустақилликка эркиншадек кураётда музуким вазифа ҳам шу музакмаларни ечиш билан боғлиқдир.

Вазиятни барқарорлаштиришнинг ғоят муҳим бўгини аҳолини озик-овқат билан таъминлашдир.

Чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш республикада озиқ-овқат муаммосини тубдан ҳал қилишни тақозо этади.

Биз қуладай табиий иқлим шароитларига эгамиз. Аммо истемол қилинаётган қанд-шакар, сут маҳсулотлари ва болалар овқатининг ҳаммасини, доннинг 70 фоизини, гўшт, сут маҳсулотлари ва картошканинг 50 фоиздан кўпрогини четдан келтиришга мажбур бўляпмиз. Бунга йўл қўйиш мумкинми, ахир?

Бундай кечириб бўлмайдиган қарамликни тугатиш йўлида ғоят қатъий қадамлар қўйиш талаб қилинади. Бу иқтисодий аҳамияттагина молик эмас, балки сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир.

Биз табиий бойликларимизни тўла-тўқис ишга солишимиз керак. Экин таркибларини бошқатдан кўришимиз лозим. Дошли экинлар, картошка, қанд-лавлаги бўйича чет элларнинг илғор саноат технологияларини жалб этиш, чорва ва парранда боқишида дэҳқон хўжаликларига, хона-донларга амалий мадад бериш зарур. Шу маҳсулотларни қайта ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш бугунги кунимизнинг талабидир.

Ҳурматли депутатлар!

Базавий тармоқларни ривожлантириш иқтисодий мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Биз тараққиётда асосан ўз кучимизга таянишга мажбурмиз. Шунинг учун энг муҳим базавий тармоқларни биринчи навбатда ривожлантириш ҳаёт тақозосидир. Булар жумласига нефть ва газ саноати, энергетика, олтин қазиб чиқариш ва рангли металлургиянинг бошқа тармоқлари киради.

Ҳозир биз зарур нефтнинг 80 фоизини четдан ташиб келтиришга мажбур бўляпмиз. Бундан ташқари, бензин ва бошқа нефть маҳсулотлари ҳам республиканинг ташқарисидан сотиб олиняпти. Уларнинг нархлари муттасил ошиб бораётганлиги иқтисодиётимизга оғир юк бўлиб тушмоқда.

Айни пайтда эса, биз ўзимизни нефть ва бошқа энергетика ресурслари билан таъминлаш имкониятига эгамиз. Бундан ташқари, мазкур тармоқларнинг кескин ривожланишини таъминлаш валюта тушумларини кўпайтиришнинг ишончли манбай, хорижий сармояларни жалб этиш обьекти ҳам бўла олади.

Экспорт қувватидан тўла-тўқис ва мумкин қадар кўп фойдаланиш ҳамда уни ривожлантириш иқтисодиётимизни мустаҳкамлашнинг гоят муҳим шартидир.

Ўзбекистон собиқ Иттилоқ таркибида ташқи бозорга мустақил чиқмасди. Жаҳон савдосида қатнашмасди. Ўзининг иқтисодий қувватини етарлича ишга тушира олмасди.

Шунинг учун бугунги кунда бутун ташқи иқтисодий фаолиятимизни тубдан ислоҳ қилмоқ зарур. Ривожланган экспорт қувватисиз Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди.

Экспорт таркибида чуқур ўзгартиришларни амалга ошириш лозим. Хом ашёни экспорт қилишдан кўра, Ўзбекистон учун кўпроқ наф келтирадиган йўналишларга ўтиш зарур. Булар жумласига енгил саноатнинг, қайта

ишлиш соҳаларининг, машинасозликнинг илм-фанга асосланган тармоқлари тайёр маҳсулотларини чет элларга сотиш, чет эл туризмини ривожлантириш киради.

Биз хом ашё бойликларига згамиз. Чет эл технологияларини олиб келишимиз ва комплекс замонавий қўшма корхоналарни барпо этишимиз мумкин. Ана шу корхоналар замонавий техникадан фойдаланиб, рақобатга қодир маҳсулот ишлиб чиқара оладилар.

Бу борада икки принципга амал қилиш зарур. Биринчиси, биронта корхона, биронта идора агарда хорижий сармояни чет элга экспорт қилинишига ва қатъий валютада даромад келтира оладиган маҳсулот ишлиб чиқаришга сарфламас экан, бундай сармояни олмасликлари керак. Иккинчиси, чет эллардаги илғор фирмалар билан алоқа боғламаган корхона бўлмаслиги лозим. Ўшандагина жаҳон бозори ва ривожланган мамлакатлар билан очик иқтисодиётни барпо этиш мумкин.

Тайёр маҳсулот ишлиб чиқарувчи қўшма корхоналар барпо этишни рағбатлантириш зарур. Биз қўшма корхоналар ташкил этиш орқали замонавий технологияга ҳамда замонавий ишчилар синфига эга бўламиз. Натижада Ўзбекистонда маҳаллий хом ашёдан ўзининг ишлиб чиқариш базасида тайёрланган юқори сифатли моллар кўпаяди.

Экспортни кенгайтириш билан бирга импортнинг саломгини қисқартиришга қаратилган сиёsatни изчиллик билан ўтказамиз. Ўзимиз ишлиб чиқаришимиз мумкин бўлган товарлар ва маҳсулотлар четдан келтирилишини мумкин даражада камайтириш зарур. Щунинг учун асосий ёътибор озиқ-овқат маҳсулотлари ва ресурсларни четдан олиб келишни камайтиришга қаратилмоқда. Бунинг ўrnига серҳосил экин навлари уруғлари ва уларни етиштириш бўйича саноат технологияси керак. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ҳақида ўйламоқ зарур.

Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислоҳотларимиз стратегиясининг жуда муҳим шартиdir.

Иқтисодиётни таркиби жиҳатдан қайта қуриш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгилаиган йўналишлар кучли инвестиция сиёsatини ўтказиш билангина рўёбга чиқади.

Мана шу устувор вазифани амалга ошириш учун қўйидагилар талаб қилинади:

бириңчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада әркинлаштириш борасида аниқ мақсадни күзлаб сиёсат ўтказиш зарур. Товарларни экспорт ва импорт қилишда хорижий сармоядорлар ўз даромадларидан әркин фойдаланишларида бирмунча имтиёзли тартибни жорий қылмоқ керак;

иккинчидан, хорижий сармояларни, асосан бевосита капитал маблағлар тарздаги сармояларни республика иқтисодиётiga кенг жалб этиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иктисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш лозим;

учинчидан, Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб келадиган, ҳалқ хўжалигининг замонавий структурасини вужудга келтиришда ёрдам берадиган хорижий сармоядорларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини ўтказиш зарур;

тўртнинчидан, маблағларни энг устувор соҳаларга — республика мустақиллигини таъминлайдиган аграр секторни, ёқилғи-энергетика комплексини ҳамда бошқа базавий тармоқларни ривожлантиришга, рақобатга қодир, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфлаш керак!

Хўрматли ноиблар!

Иқтисодий ислоҳотларимизнинг бутун дастурида айтиб ўтилган энг асосий устувор вазифалар билан бир қаторда, бир қанча узлуксиз устувор йўналишларни ҳам аниқ-равшан ажратиб кўрсатиш керак.

Узлуксиз устувор йўналишлар нима? Бунинг маъноси шуки, мазкур йўналишлар ислоҳотларимизнинг ҳамма босқичларида устувор ҳисобланади. Улар жамиятни янгилашдан иборат бутун жараённинг бошқа йўналишларига сингиб кетади.

Ислоҳотлар стратегиясини амалга оширишда биз учун қуйидагилар узлуксиз устувор йўналишлар ҳисобланади:

— таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш;

— ақлий ва маънавий салоҳиятни мустаҳкамлаш;

— ва, шубҳасиз, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.

Чуқур ислоҳотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётiga ўтиш, биринчи навбатда, кадрлар потенциалига, уларнинг касб жиҳатдан тайёрлигига боғлиқ бўлади.

Бу эса бутун таълим ва маданият тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этади. Чунки айни билимдонлик ва

юқори маданийлик озодликдан ҳамманинг бахт-саодати йўлида фойдаланиш имконини беради.

Аввалги йилларда таълим тизимимиз жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқларидан ва халқимизнинг тарихий илдизларидан ажралиб қолган эди.

Бу аҳвол тубдан ўзгартирилиши лозим. Аслини олганда халқимизнинг ақлий бойликларини, жаҳон фани ва маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзига сингдириб оладиган янги авлодни камол топтириш керак бўлади.

Мана шу асосдагина миллиатнинг онгли ватанпарвар бирлиги руҳини вужудга келтириш мумкин. Бу эса айрим мамлакатларнинг тараққиёт сари шиддат билан юришига имкон берган.

Бизнинг диёrimiz буюк алломаларни етиштирган. Бутун жаҳон илм аҳли улар билан фахранади. Улар асос соглан миллий илмий тафаккурнинг анъаналарини давом эттириш ва бойитиш учун бизда ҳамма шарт-шароитлар бор.

Давлат бундан буён ҳам энг асосий устувор тадқиқотларни қўллаб-қувватлаши шарт. Чунки республиканинг келажаги ана шу тадқиқотларга боғлиқdir. Лекин илмий ташкилотларнинг ўзлари ҳам ўз моддий базасининг ривожланиш йўлларини янада фаолроқ излашлари, хорижий мамлакат илмий марказлари билан алоқаларни мустаҳкамлашлари керак. Амалиёт эҳтиёжларига яқинроқ бўлиш, самарали натижалар берадиган ихчам, изланувчан ижодий жамоаларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқdir.

Ақлий ва маданий салоҳиятни ривожлантириш яна бир узлуксиз принцип ҳисобланади. Халқимиз ўзини ҳақиқатан ҳам озод, эркин деб билиб, муҳтоҷлик ва қарамлик исканжаларидан ҳолос бўлган, қаддини ростлаган, эркин нафас олганда иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли ривожланиши мумкин.

Аждодларимизнинг руҳи поклари ва урф-одатлари, бизнинг энг яхши анъаналаримиз қайта тикланганда ислоҳотлар муваффақиятга эришади. Ўта ўқимишли, руҳан бардам ва жисмонан бақувват кишиларгина истиқдол ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади. Сарчашмалари буюк аждодларимизнинг тафаккурлари ва муддаоларидан бошланадиган халқимизнинг маънавий қадриятлари иқтисодий ўзгартиришларимизнинг мустаҳкам пойdevori бўлиб хизмат қиласди.

Демак, бизнинг вазифамиз, авваламбор, мана шу маънавиятимиз сарчашмаларини ва бобокалонларимизнинг бой анъаналарини давом эттиришдир. Маънавиятимизни яратат-ётганларни: ёзувчилар, шоирлар, маданият ва санъат ижодкорларини, халқ талантлари ва иқтидорли ёшларни доимо қўллаб-қувватламоғимиз лозим. Бунинг учун харататларимизни аямаслигимиз даркор.

Ислоҳотлар муқаррарларигининг ғоят муҳим шарти бўлмиш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақиқатан ҳам асосий узлуксиз устувор йўналиш ҳисобланади.

Бозор ислоҳотларининг ҳамма босқичларида олдиндан ўтказиладиган кучли ижтимоий сиёsat Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўлининг етакчи принципларидан биридир.

Бозор иқтисодиётини барпо этиш — шунчаки бир мақсад эмас. Барча иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг пировард мақсадларининг ўзи, бу энг аввали инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир.

Ўз навбатида, аҳолининг энг кам ҳимояланган ва муҳтоҷ табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш ислоҳотларни муваффақиятли ўтказиш кафолатидир. Бу бошланган ислоҳотлар ва покланиш жараёнининг орқага қайтишига имкон бермайдиган ижтимоий таянч бўлиб хизмат қиласди.

Шу туфайли бозор механизмларини жорий қилишдан аввал одамларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича олдиндан кучли чоралар амалга оширилиши лозим.

Ижтимоий сиёsatни амалга оширишда сифат жиҳатдан янги босқичга келдик. Ҳаёт ижтимоий ҳимоялаш механизмини чуқурлаштириш зарурлигини тақозо этмоқда. Ижтимоий ҳимоя чоралари аҳолининг ҳаммасига эмас, балки кўпроқ ҳамда ҳақиқатан ҳам муҳтоҷ бўлган қатламларигагина кўпроқ ҳажмда йўналтирилиши керак.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кишиларнинг моддий аҳволини яхшилаш вазифаларини ҳал этишда давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамсаларининг, жамоат ва хайрия ташкилотларининг ҳамда жамғармаларнинг маблағлари ишга туширилиши зарур.

Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтоҷ табақалари ва гуруҳларини — болалар, қариялар, ногиронлар ва бошқаларни қўллаб-қувватлаш, аввалгидек, ижтимоий си-

ёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолаверади. Аммо у ҳам аниқ йўналишдаги сиёsat тусини олиши лозим. Бу ҳол болалар учун нафақалар ҳамда тўловларнинг мавжуд турлари ва шаклларини ягона тизимга солишни тақозо этади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий соҳа — соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва санъат айниқса мушкул аҳволга тушиб қолади. Биз учун маънавий, тарихий ва маданий қадриятлар, аҳолининг ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш асосий устувор вазифа экан, ҳозирги мураккаб даврда мазкур тармоқларни қўллаб-қувватлаш, уларда ишловчи одамларнинг меҳнатига муносиб баҳо бериш, уларнинг ижодий имкониятларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш зарур.

Азиз дўстлар!

Энди ана шу таъкидланган иқтисодий дастуримизни, асосий устувор йўналишларимизни ҳаётга жорий этиш қандай бораётгани ҳақида қисқача айтиб ўтсак.

Икки йил ичиди босиб ўтилган йўлни таҳлил қилиш, тармоқлар, корхоналар ва ҳудудлар доирасида турмуши миздаги аниқ мисоллар шуни айтиш учун асос бўладики, халқнинг меҳнати ва гайрат-шижоати билан республикани ривожлантириш ва уни янги мэрраларга чиқариш борасидаги иқтисодий ислоҳотлар ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу борада баъзи бир кўзга кўринган мисолларга тўхталиб ўтишга рұксат бергайсиз.

Авваламбор, марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабаларига ўтишга асос қўйилди, тегишли қонунлар бозор иқтисодиётини барпо этишининг ҳуқуқий негизини ташкил қиляпти. Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги юридик жиҳатдан эътироф этилди. Хусусий мулкчилик таң олинди.

Тармоқ вазирликлари ва идораларини бозор шароитларига анча мослашган концернларга, уюшмаларга, корпорацияларга ҳамда бошқа ишлаб чиқариш-хўжалик шакларига айлантириш жараёни деярли ниҳоясига етди.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш таъминланди. Давлат буюртмасининг улуши анча камайтирилди. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодий эркинлик, бозор муносабатларини кенг кўламда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилди.

Бозор муносабатларининг асоси сифатида кўп асосли иқтисодиёт шакллантирилмоқда. Бу жараён икки йўналишда — янги хусусий, акционерлик ва бошқача шакллардаги корхоналарни барпо этиш ҳамда давлат мулкини хусусийлаштириш орқали давом этмоқда.

Республикада қисқа вақт мебайнида 7600 та янги хусусий, 1300 та ижара, 460 та акционерлик ва бошқа давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар ташкил қилинди.

Маҳаллий саноатда, савдо, умумий овқатланиш, аҳолига майший хизмат кўрсатишда кичик хусусийлаштириш жараёни 1993 йилнинг охиригacha тугайди. Матлубот кооперацияси, мева-сабзавот саноати тизимида хусусийлаштириш ишлари олиб борилаяпти.

Ҳозирги вақтгача "Маҳаллий саноат" корпорацияси тизимида 200 дан ортиқ корхона, "Ўзбексавдо" уюшмасида 3 мингтага яқин, "Ўзбекбирлашув"да салкам 4 мингта корхона, "Ўзмаишихизматуюшма" тизимида эса 5 мингтадан кўпроқ обьект қайта ташкил қилинди.

Умуман 15 мингтадан кўпроқ корхона нодавлат мулкчилик шаклларига, шулардан 10500 таси ёки салкам 70 фоизи хусусий ва оиласвий мулкчилик шаклига айлантирилди.

Кичик ва ўрта корхоналарни хусусийлаштириш билан бир қаторда йирик саноат корхоналари, қурилиш комплекси ва юқ транспортини акционерлаштириш ишлари авж олиб кетди.

Тошкентда давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришга оид тажрибани ҳисобга олиб, бу жараён бутун республикада авж олиб кетди. 900 мингтага яқин квартира хусусийлаштирилди. Бу эса хусусийлаштирилиши лозим бўлган уй-жойлар умумий ҳажмининг 82 фоизини ташкил қилади.

Бунда фахрийларга, ўқитувчиларга, тиббиёт ходимлари, ижодий ва илмий ходимларга 300 мингтадан кўпроқ квартира белул топширилди.

Хусусийлаштирилган корхоналарга бир неча марта имтиёзлар берилди. Булар жумласига сотиб олишда нархни пасайтириш, улар учун бирмунча қулай солиқ режимини ва умумак хўжалик мұхитини вужудга келтириш киради.

Республикада Тадбиркорликни ривожлантириш жамғармаси, Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси ташкил қилинди. Якка хўжаликларни,

кооперативларни ва кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун “Тадбиркор” тижорат банки тузилди. Давлат уларга кенг кўламда молиявий мадад берди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш учунгина Вазирлар Маҳкамасининг захирасидан ярим миллиард сўм маблағ ажратилди.

Мана шуларнинг ҳаммаси тадбиркорликни ривожлантиришга кўмак бериши керак. Айрим корхоналар ва тижорат тузилмаларининг таиҳо ҳокимлигини тутгатишда соғлом рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш таъсирчан во-сита бўлиб қолиши лозим.

Бозор инфраструктурасини шакллантириш жараёни бораётти. Халқ хўжалигини моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш тизими шартнома асосига ўтказилди. Савдо уйлари, биржалар, аудиторлик фирмалари, суғурта компаниялари тармоғи таркиб топаяпти. Кредит-банк тизими тубдан ўзгармоқда. Солиқ структураси ва солиқ қонунчилиги такомиллашмоқда.

Ҳозирги сессияда биз қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонунни қабул қилишимиз лозим. Бу қонун сармоялар бозорини вужудга келтиришнинг ҳуқуқий асосларини яратади.

Бугунги вазият халқ хўжалигини макроиқтисодий жиҳатдан барқарорлаштиришни энг муҳим масала қаторига кўтаряпти.

Бунда амалий фаолиятда халқ хўжалигининг бошқарилишини сақлаб қолишига, ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига йўл қўймасликка, аҳолининг турмуш даражасини қўллаб-қувватлашга жиддий аҳамият берилмоқда.

Авваламбор, бу гап молия-кредит тизимига тааллуқдидир. Республика бюджети энг асосий, ҳаётий муҳим вазифаларни бажаришни пул билан таъминлаб турди. Биз даромадга қараб буромад қабилида иш тутишни, маблагга яраша яшашни ўрганиб олдик. Натижада давлат бюджети даромадлари харажатлардан оцирилган ҳолда ижро этилаяпти.

Пухта ўйланган бюджет ва пул-кредит сиёсати, халқ хўжалигини тартибга солиш воситаларининг давлат қўлида сақланиб қолиши ташқи салбий жараёнларнинг иқтисодиётга таъсирини камайтириш имконини берди. Иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг дастлабки белгилари пайдо бўлди.

Ялпи ички маҳсулотларнинг пасайиш суръатлари 1992 йилги 9,6 фоиздан шу йилнинг биринчи ярмида 3 фоизгача, саноат ишлаб чиқаришда эса 6 фоиздан 2 фоизгача тушди. Июль ойида саноат маҳсулотининг ҳажми ўтган йилнинг июль сўйига нисбатан, таққослама нархларда, дебарли 11 фоиз ошди.

Қишлоқ хўжалигига ялпи маҳсулотнинг ҳажми ўтган йилнинг шу давридаги даражадан ошиб кетди.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 12 фоиздан зиёдроқ кўпайди. Ун, макарон маҳсулотлари, ёрма, мол ёғи, иш-газлама ва жун газламалар, бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ошди.

Саноатимизда самарали ўзгаришлар ҳақида гапирав эканмиз, шуни таъкидлашимиз зарурки, агар аввал бошданоқ халқ хўжалиги таркибини такомиллаштириш бўйича қатъий чоралар кўрилмагандан, уни барқарорлаштириб бўлмас эди.

Республика иқтисодиётida амалга оширилаётган илгор таркибий ўзгартишлар стратегик жиҳатдан муҳим мақсадни ҳал қилишта имкон беради. Натижада ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида тайёр маҳсулотнинг улуши 1990 йилги 40 фоиздан ҳозир 61 фоизга кўпайди.

Пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳам анча ошди. Ўзимизда қайта ишланётган тола 10 фоиздан 16,5 фоизга, мис 13 фоиздан 20 фоизга етди. Республикаимизнинг ўзида қайта ишланган мева, сабзавот, бошқа қишлоқ хўжалик хом ашёсининг ҳажми кескин кўпайди.

Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ва аҳоли истеъмол қилаётган товарлар улуши 60 фоиздан 80 фоизгача ошди.

Мудофаа тармоқларида тайёрланаётган буюмларнинг ўзгартирилиши ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар улушкини оширишда муйян рол ўйнади. "Алгоритм", радиоэлектрон аппаратлар заводларида, "Восток", "Ўзэлектроаппарат", "Ўзэлектрокабель" бирлашмаларида ва бошқа корхоналарда аграр сектор учун техника, телевизорлар, радиоприёмниклар, видеомагнитофонлар, хилма-хил электр хўжалик ускуналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "ИЛ-114" самолётини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштириляпти.

Иқтисодий стратегиянинг устувор йўналишлари орасида сизлар билан биз асосий тармоқларни ва аввало ёқилғи

энергетика комплексини жадал ривожлантиришни белгилаб олдик.

Күрилган чора-тадбирлар нефть ва газ қазиб чиқариш пасайишига йўл қўймаган ҳолда тармоқни ривожлантириш суръатларини ошириш имконини ҳам берди. Ваҳоланки, шу давринг ўзидаёқ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг кўпгина мамлакатларида ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасайиб кетди.

Бу йил 44 миллиард кубометр табиий газ, 4 миллион тонна нефть ва газ конденсати ишлаб чиқарилади, 1995 йилга бориб табиий газ 50 миллиард кубометргача, нефть ва газ конденсати 8 миллион тоннагача кўлпайиши керак.

Шу мақсадда ноёб Кўқдумалоқ газ, нефть ва газ конденсати конини жадаллик билан ўзлаштириш борасида кенг миқёсли ишлар авж олдириб юборилди. Мингбулоқ нефть конини қўшимча разведка қилиш ишлари олиб борилаяпти.

Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида ҳозирдаёқ янги нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши учун майдон танлаб қўйилди. Мавжуд қувватларга қўшимча равишда шу заводнинг ишга туширилиши республиканинг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш имконини беради ва ҳатто уларни экспорт қилишини таъминлайди.

Навоий кон-металлургия комбинатининг, янги Ангрен ва Толлимаржон ГРЭСларининг, Муборак газни қайта ишлаш заводининг иккинчи ва учинчи навбатлари қурилаяпти. Бу қурилишлар республиканинг иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Қизилкум фосфорит комбинати қурилиши бошланди. Уни ишга тушириш кимё саноати учун четдан олиб келинадиган хом ашёдан воз кечиш имконини беради.

Бозорнинг шаклланиши коммуникация шохобчаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни талаб қиласди. Ўлар товарлар ҳаракатининг энг муҳим ҳаётий йўллари, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларни бирлаштирувчи ишончли воситалар ҳисобланади.

Шунинг учун биз транспорт қурилишига, ишлаб турган магистралларни техника билан қайта қуроллантиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Фақат кейинги икки йил ичida 150 км дан ортиқ, яъни аввалги 10 йил ичida қанча бўлса деярли ўнчча темир йўл линияси электрлаштирилди. Ховос — Қўқон, Ховос — Жиззах — Суперфосфат участка-

ларида электровозда юқ ташишга ўтиш ишлари олиб борилмоқда.

Навоий — Учқудуқ ва Султонвайстөр — Нукус темир йўл линияларини қайта қуриш, янги Учқудуқ — Султонвайстөр линиялари қуриш ва уларни электрлаштириш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу линиялар ишга туширилиши билан Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятига транспорт хизмати кўрсатиш анча яхшиланади. Хоразм вилояти республиканинг ягона темир йўл тармоғига бевосита боғланади.

Аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш мақсадида республикамиз ҳудудида ўтган икки йил мобайнида 21 минг километрдан ортиқ водопровод ва газ тармоқлари ишга туширилди, яъни шу икки йил ичидаги олдинги, тахминан 10 йил давомида қилинган иш бажарилди.

Мустақиллик учун курашнинг бошиданоқ республикада пахта яккаҳокимлигини бартараф этиш ва экин майдонлари таркибини тақомиллаштириш йўлидан борилди. Бундан мақсад Ўзбекистоннинг энг муҳим озиқ-овқат ресурслари билан ўзини ўзи таъминлашига эришиш эди.

Натижада донли экинлар майдони 300 минг гектарга кенгайтирилди. Голландча технологиядан фойдаланиб, картошка экиласдиган майдонлар кўпайтирилди.

Қанд лавлаги майдонларини кенгайтириш ва бир қанча заводлар қуриш яқин йиллар ичидаги 20 минг тонна қандшакар ишлаб чиқариш, 1997 йилга бориб эса унинг ҳажмини 125 минг тоннага етказиш имкониятини беради.

Энг муҳими эса бўшаб қолган ерлар томорқа участкаларини кенгайтириш учун берилди. Фермер хўжаликларини ташкил қилиш эса аграр секторда йирик иқтисодий ислоҳотларни бошлаб берди. Ҳозирги вақтда 53 минг гектардан кўпроқ майдонда 5300 мустақил деҳқон хўжаликлари ишлаб турибди.

Зарар кўраётган ва паст рентабелли давлат хўжаликлари мулкчиликнинг жамоа ва хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига босқичма-босқич ўtkазиляпти. 640 давлат хўжалигидан 280 таси жамоа хўжалиги, 280 таси кооператив, 70 таси ижара корхоналари бўлиб қолди.

Жамоат чорвачилиги ходимларининг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини ошириш мақсадида фермалар уларнинг меҳнат жамоаларига мулк қилиб берилаяпти.

Ўзгартирилиши мўлжалланган 610 та фермадан 565 таси ёки 93 фоизи жамоа мулки қилиб топширилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ўсмоқда. Бу — ерлар шахсий ёрдамчи хўжаликларга ўз вақтида ажратиб берилганлигининг, қишлоқда фермерлик ва бошқа бозор шакллари ривожланиб бораётганлигининг натижасидир.

Умуман етиштирилаётган гўштнинг умумий ҳажмида иодавлат секторнинг улуши 78 фоизни, сут — 91, тухум — 46, дон — 48, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари деярли 80—85 фоизни ташкил этаяпти.

Ер тақсимлаб берилганлиги қишлоқда ишчи кучининг жуда кўплиги билан боғлиқ кескинликни юмшатди. Қишлоқ меҳнаткашларининг даромадлари ўсишига кўмаклашди.

Биз янги ерларни ўзлаштириш қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш соҳасини кенгайтиришда жуда муҳим роль ўйнайди деб ҳисоблаймиз. 1,5 йил ичидаги 22 минг гектардан кўпроқ янги ер фойдаланишга топширилди. 57 минг гектар майдонда қадимдан сугориб келинган экинзорларни ҳар томонлама янгилаш ишлари бажарилди.

Республика иқтисодиётининг мустаҳкамланиши экспорт қувватини оширишда бир қанча олга силжишларни таъминлаш имкониятини яратди. Техника соҳасидаги сиёсатни ямалга ошириш жаҳон бозорида рақобатга қодир машинасозлик саноати маҳсулотининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини берди.

Бу сиёсат ишлаб чиқариш базаси янгиланиб туришини жадаллаштиришга, янги технологияларни жорий этишга қаратилган. Компрессор станциялари, кўприксимон кранлар, юқ ортиш механизмлари, трансформаторлар, металл қирқиш асбобларининг янги турлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Енгил ва маҳаллий саноат корхоналарини қуриш ҳамда уларни қайта жиҳозлаш борасида кенг миёсдаги ишлар бошлаб юборилди.

Мева-сабзавот тармоғида биринчи марта Андижон вилоятидаги Куйганёр консерва заводида жаҳон талаблари даражасида томатпаста, Самарқанддаги тажриба консерва заводида сифатли олма шарбати ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Хом ашё ресурсларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, экспорт қувватини ошириш борасидаги чора-тадбирлар ташки aloқаларимизнинг структурасини жиддий равишда яхшилашга олиб келди. Олиб кетилаётган маҳсулотлар орасида тайёр маҳсулотнинг улуши 1990 йилга нисбатан 30 фоиздан 43 фоизгача кўпайди.

Экспортга маҳсулот етказиб беришни кўпайтиришга алоҳида эътибор бериляпти. Бу йил экспорт ҳажми салкам бир ярим миллиард долларни ташкил қиласди. 1991 йилда 677 миллион долларни ташкил қиласган эди.

Экспорт таркибини жиддий яхшилаш лозим бўлади. Пахта билан эмас, балки тайёр маҳсулот билан савдо қилишга интилмоқ керак. Маърифатли мамлакатларнинг ҳаммаси шундай қиласди. Валюта ишлаб топиш, шу жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги мамлакатлардан валюта ишлаб топиш зарур.

Шу йилнинг ўзидаёқ, пахта толасининг экспортдаги улуши 82 фоиздан 51 фоизгача қисқаради. Машиналар, ускуналар ва транспорт воситаларининг улуши 2 фоиздан 14 фоизгача, халқ истеъмол қиласиган саноат молларининг улуши 9 фоизгача кўпаяди.

Ҳозир Ўзбекистон валютани ўзи ишлаб топмоқда. Ишлаб топганда ҳам ақл-фаросат билан пухта ўйлаб топаяпти. Агар биз илгари ҳар бир фирмага "ёпишиб" олган бўлсак, эндиликда биз тендер эълон қилиш, шартномаларнинг энг кўп наф келтирадиган шартларини танлаб олиш имкониятига эгамиз.

Биз дунё бўйлаб қўл чўзиб тиланчилик қилаётганимиз йўқ, балки ўзаро манфаатли ҳамкорликни ташкил қилишга интилаяпмиз.

Экспорт маҳсулотларининг 80 фоизга яқини бугунги кунда Бельгия, Буюк Британия, Индонезия, Нидерландия, Корея Республикаси, АҚШ, Финландия, Швейцарияга етказиб бериляпти.

Ҳозирги вақтда собиқ Иттифоқ мамлакатлари билан савдо-иқтисодий муносабатлар самарадорлигини ва ҳисобкитоблар тизимини такомиллаштириш йўлида амалий қадамлар қўйилаяпти, четдан олиб келинаётган маҳсулот ҳажмини камайтиришга эришаемиз. Шундай қилинса, маҳсулот келтириш ва олиб кетиш мутаносиблиги таъминланади.

Биз бундан буён ҳам иқтисодиётимизнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан бирлашишини чуқурлаштира борамиз. Энг муҳим вазифаларни биргаликда куч-тайрат сарфлаб ҳал қиласиз. Қозогистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва бошқа давлатларнинг раҳбарлари билан яқинда ўтказилган музокаралар ҳамкорликка яхши асос солди.

Ўзбекистоннинг қулай жуғрофий-снёсий мавқеидан фойдаланиш бизнинг манфаатларимизга мос тушади. Европа ва Яқин Шарқдан Осиё — Тинч океан минтақасига олиб борадиган йўллар Ўзбекистонда туташади. Ҳозир республика Тежен — Серахс янги темир йўл қурилишига ўз улуси билан қатнашапти. Бу йўл Пекинни Истанбул билан боғловчи Трансосиё магистралининг таркибий қисмидир.

Каспий денгизи соҳилидаги Оқтов портини қайта қуришда, Хитой ва Покистонга чиқиш имконини берувчи Андижон — Ўш — Эргаштом — Қашқар автомобиль йўли ҳамда Ҳинд океанига чиқишимизга имкон берадиган Термиз — Ҳирот — Карочи автомобиль йўли қурилишида ва уларни қайта қуришда ўз улушимиз билан қатнашиш мўлжалланаяпти.

Республикадаги вазиятнинг барқарорлиги, хорижий сармоядорларга имтиёзлар берилганлиги Ўзбекистонга сармоялар келишини кучайтириш имконини берди. Хорижий сармоялар қўйилган корхоналарнинг умумий сони 800 тага етди.

Дунёда ғоят машҳур бўлган Туркия давлати, Хитой, Германиянинг, Жанубий Кореянинг, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа давлатларнинг кўзга кўринган фирмалари билан қўшма корхоналар барпо этилмоқда. Бу шундан далолат берадики, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини жиддий равишда оширмай туриб, юқори сифатли маҳсулотлар олиш, айниқса, жаҳон бозорига чиқиш мумкин эмас.

Германия, Туркия, Корея Республикаси, Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида битимлар тузилди. Ана шу битимлар халқаро инвестиция ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар билан, дунёдаги энг катта банклар ва савдо-саноат

доиралари билан алоқалари мустаҳкамланмоқда. Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Швейцария, Германия ва Туркия банклари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган.

Чет эл инвестицияларини жалб этар эканмиз, биз айни пайтда шуни аниқ биламизки, ички жамғарма манбаларини сафарбар этмай туриб, корхоналарнинг ўзлари фаол инвестиция ишлари билан шуғулланмай туриб, иқтисодиёт структурасини тубдан ўзгартериш вазифасини ҳал қилиш қийин бўлади.

Бутун инвестиция сиёсатида асосий эътибор корхоналарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта қуриш ва техника билан қайта қуроллантириш учун маблағ қидириб топишга рағбатлантиришга қаратилмоги лозим.

Капитал сарфларни маблағ билан таъминлаш манбаларининг структураси ўзгармоқда. Марказлаштирилган тартибда бериладиган капитал сарфлар улуши анча қисқарди. Бугунги кунда капитал сарфларнинг қарийб тўртдан уч қисми корхоналарнинг ўз маблағларидир. Ваҳоланки, 1990 йилда улар 40 фоиздан камроқни ташкил этган эди.

Биз ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва ривожлантириш вазифасини шунчаки бир мақсад эмас, балки узлуксиз устувор йўналиш орқали энг муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш воситаси деб биламиз.

Шу сабабли бизнинг давлатимиз МДҲдаги бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ барқарорлаштириш муаммоларини аҳолининг даромадларини кескин чеклаб қўйиш ҳисобига ҳал қилиш йўлидан бормади. Мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг тамоман янги механизми яратилди. Бунда реал иқтисодий вазият, мавжуд ресурслар ва имкониятлар ҳисобга олинди.

Давлат аввало аҳолининг энг муҳтоҷ гуруҳларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олди. Бу нарса иш ҳақи ва пенсияларнинг энг оз даражаси кафолат топганида, ҳаётий муҳим товарларни норма асосида беришни ташкил қилишда, қоплаш тўловларини ва бошқа тадбирларни амалга ошириша ўз ифодасини топди.

Ярим йил ичидагина шу мақсадлар учун бюджетдан 122 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси жорий этилди. Ҳозир иш ҳақининг энг оз миқдори 11 минг сўмдан, энг оз пенсия миқдори эса 12 минг сўмдан ошади. Бу эса Ҳамдўстликдаги бошқа давлатларга қараганда анча юқоридир.

Шу билан бирга Ўзбекистонда ион, ун ва бошқа кўпгина истеъмол товарларининг энг паст нархлари сақланиб қоялди. Мактабларда 1—5 синфларниң ўқувчилари учун белул нонушталар берилди. Юқори синф ўқувчилари учун ва талабаларниң ошхоналарида имтиёзли овқатланиш жорий этилган.

Шу жорий йилнинг ўзидағина маошларни ва нафақаларни ошириш мақсадида имтиёзлар ва социал жиҳатдан ҳимоялаш учун ажратилган маблағлар, нарху наво даражасини сақлаб қолиш учун сарфланган ҳаражатларни ҳисобласак, давлат ҳисобидан тахминан 800 миллиард сўм ажратилади.

Олдиндан кўрилган чоралар республикада ижтимоий барқарорликни, халқнинг ислоҳотлар йўлига ишончини таъминлаш имконини берди.

Таълим соқасини чуқур ислоҳ қилиш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда барча поғоналардаги ўқув юртларини тубдан қайта қуриш бошланди. Агарда яқин вақтларгача кадрлар асосан Тошкент ва Самарқандда тайёрланган бўлса, эндиликда ҳар бир вилоятда фан ва таълим марказларини ташкил қилиш йўли амалга оширилди.

Энг аввало, бундай ўқув юртлари асосий ядро сифатида зарур. Илмий тафаккур, мутахассислар тайёрлаш ишлари ана шу ядро атрофида ривожланади. Кейинчалик улар етакчи илмий мактаблар билан беллаша оладиган ҳақиқий марказлар бўлиб қолиши лозим.

Шу мақсадда бир қанча университетлар, тижорат, политехника коллежлари ва бошқа ўқув юртлари очилди. Мутлақо янги йўналишлар — жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси, халқаро журналистика ва иқтисодиёт, бозор муносабатлари ва бошқа соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлаш ташкил қилинди.

Бозор шароитидаги ишлар кадрларининг касб маҳоратларига нисбатан қаттиқ талаблар қўяди. Шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига, коллежларга талабалар тест синовлари асосида қабул қилинди. Истевъодли ёшлар танлов асосида, саралаб чет мамлакатларга ўқиш ва малака ошириш учун юборилади.

Ҳозирги вақтда чет элларда 2,3 мингдан кўпроқ ёшлар таълим олайди. Дунёдаги етакчи илмий марказлардан ўқитувчилар жалб этила бошланди.

Шундай қилиб, биз комил ишонч билан айта оламизки, мустақиллик йиллари мобайнида биз янги жамият

асосларини қўйишга, ўзгаришлар муқаррарлигининг негизини таъминлашга муваффақ бўлдик.

Муҳтарам халқ ноиблари!

Янгиланаётган давлатга мутлақо янги иқтисодий асос керак. Бу яққол кўриниб турган ҳақиқатдир. Бунга қўшилмайдиган бирон киши топилмаса керак.

Ислоҳотларни иқтисодиётимиэда татбиқ қилиш йўлида, эришилган ютуқларимиз билан бир қаторда ҳаётимиздаги кўп жараёнларда ислоҳотлар олға силжимай бир жойда тўхтаб қолаётганилигини, кутилган натижага бермаётганилигини кўрсатувчи жуда кўп мисоллар бор.

Биз ҳозир республика даражасида ва босқичида ислоҳот ўтказиш ҳақида дастур ва тасаввурга этамиз. Лекин вилоят ёки район, тармоқ ёки корхона даражасига ўтганимида кўпгина оқсоқликка, тушунмовчиликка, ҳатто қарама-қаршиликка дуч келаяпмиз.

Ислоҳотларнинг олға силжишини тўхтатиб турган сабабларни очиб, бу йўлдаги говларни олиб ташламасак, узоққа чўзиладиган иқтисодий тургунликка дучор бўлишимиз хавфи бор. Бундай ҳолда ислоҳот тушуничасининг ўзи қадрсизланади. Унинг асосий афзаллиги — янги-янги омилларни, ўзгаришларга бўлган кучли рақобатни намоён қилишдан иборат афзаллиги йўқолади.

Ислоҳотлар уларни шунчаки ўтказиш учунгина керак эмас. Уларни маҳсади иқтисодий фаолиятга эркинлик беришдир. Шундай бир механизм ишга туширилиши керакки, бунда ҳар бир киши ислоҳотларнинг афзаллигини яққол сезсин. Уларнинг натижаларидан ҳақиқий манфаатдорлик пайдо бўлсин. Ислоҳотлар жараёни аниқ самара билан боғлиқ бўлиши зарур.

Янги усусларни амалда жорий этиб, бозор иқтисодиёти принциплари асосида яшай бошлаган жойларда ишлаш ҳам қизиқарли, ҳам даромад ва маошлар ортиб бормоқда. Бунда одамларга яқин вақтларгача қилинган мафкуравий ишлов беришнинг ҳеч ҳожати йўқ.

Афсуски, ҳали баъзи бир раҳбарларимиз, фаолларимиз биз қандай яшаётганилигимизни аниқ англаб етишгани йўқ. Улар ҳатто содир бўлаётган жараёнларнинг моҳиятини билиб олишга ҳам ҳаракат қилишмаялти.

Эҳтимол, улар ҳали эски вақтлар қайтади деб, ичida умид қилиб юришган бўлса керак.

Бундан бошқа йўл йўқ эканлигини, шунингдек ўтмишга ҳам қайтилмаслигини англаб олиш зарур. Шуни ҳаммага

аниқ қилиб етказишимиз зарурки, у даврларга мутлақо қайтиши йўқ. Бу — боши берк йўл. Бу қашшоқлик, заарли ва боқимандалик, мутелик йўлидир.

Бугун — катта синов даври. Бугун — Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар бир инсон ўз виждони олдида жавоб берадиган давр. Шундай бир даврда сафларимиз янада жипсроқ бўлиши керак. Эски замон янада қайтса нима қиласмиш деб, юрак ҳовучлаб, тиззалари қалтираб ўтирган ожиз кимсалар билиб қўйсин: эски тузум қайтмайди, қайтиши мумкин ҳам эмас!

Халқимиз ислеҳотлар йўлини, бозор иқтисоди йўлини маъқул деб топган экан, бетоналар бу йўлда ғов бўлиб турмасин.

Узини янги сиёсат тарафдори деб кўрсатиб, истиқлол ва мустақиллик ҳақида олижаноб гапларни сайраб юрган сохта ватанларварлар ҳам орамизда оз эмас. Улар ҳозир пайт пойлаб турибди, агар вазият сал ўзгарса, қийинчиликлар сал ошиб кетса, бир думалаб янги тузум рақибларига айланниб қолишлари ҳеч гап эмас. "Мен айтган эдим, огоҳлантириб қўйган эдим, менинг гапим рост чиқди" — деб минбарларга сапчиб чиқишга тайёргарлик кўраётганлар ҳам бор. Бунақанги иккюзламачилардан жуда эҳтиёт бўлишимиз керак.

Бир нарсани асло эсдан чиқармайлик: бугунги ёруғ кунларимизни кўролмайдиган фитначи ва извогарлар ҳали кўп. Бу ичиқора мансабпааст кимсалар турли фисқу фасод гапларни тарқатиб, элимизнинг жипслигини бузишга, ватандошлар орасига низо ва адовар уругини селишга ҳаракат қилганлар ва бундан кейин ҳам қиладилар.

Уларга нисбатан бепарво, лоқайд бўлишга ҳақимиз йўқ. Негаки, бу жойда истиқдолимиз, Ватанимизнинг тинчлиги осойишишталиги гәровга қўйилган. Фитначилар ва бузғунчилар билан курашиш, уларни бутунлай орамиздан чиқариб ташлаш керак. Извогарларга зиддан тарафдор бўлиб, уларнинг ноғорасига ўйнаб юрган кимсалар англаб олсин: энди у хил найранглар кетмайди, уларга йўл қўймаймиз. Халқимиз кимнинг ким эканини, ким чўнтағида тош ушлаб турганлигини яхши англайди, кимни қўллаб-қувватлаб, кимни бошдан соқит қилишини ҳам билади!

Ғанимлар нималар деб сафсата сотмасин, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг тутган йўли қатъий ва мустаҳкам: биз доимо меҳр-мурувват, меҳр-оқибат, юртимизда тинч-тотувлик, хотиржамликни сақлашга содик бўлиб қола-

верамиз. Ватандошларимиз бир-бирларига елқадош, аҳил-иноқ бўлиб яшашида, етим-есирлар, ногиронлар, қариялар ва болалар, қаровсиз ва муҳтоҷ кишиларимиз ҳимоясини ташкил қилишда ўзимизнинг кучимизни ва меҳнатимизни ҳеч қачон аямаймиз.

Азиз дўстларим, ватандошларим!

Бир ҳақиқатни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур: ўз муқаддас, буюк мақсадларимизга эришмогимиз учун ҳар қайси хонадонимизда, юртимизда тинчлик-осойишталик бўлмоғи, бир-биrimiz билан аҳил, меҳр-оқибатли, ор-номусли бўлиб ящашимиз керак.

Яқдиллик, иймон ва инсоф, сўз ва иш бирлиги, инсон-парварлик — биз қуражак жамиятнинг тамал тошлиридан биридир.

Муҳтарам халқ депутатлари!

Аввал айтганимдай, бугун — ҳар бир инсон ўз виждони олдида ҳисоб берадиган давр. Мустақиллик карвони йўлга чиққан экан, уни ҳеч ким тўхтатишига қодир эмас. Биз албатта манзилга етиб борамиз.

Шу катта улуғвор мақсадлар йўли равон бўлишига ҳуқуқий замин яратиш, бугунги давр талабларига жавоб бера оладиган қонунларни қабул қилиш, Ўзбекистонимиз халқини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, келажакка оид барча йўналишларни аниқ белгилаб олишдаги катта хизматларингизни тарих ва замон албатта эслайди ва муносиб тақдирлайди.

Босиб ўтган йўлимиизга бир назар солайлик. Агар яқин-гинада бошдан кечирган машаққатли кунларимизни яна бир карра эсласак, шуни яққол кўриш мумкинки, бизлар энг қийин даврларда ҳам ўзимизни дадил тутдик, ҳақиқат ва адолат ўз тарафимизда эканига қаттиқ ишондик.

Шу азиз Ватан — барчамизники. Унинг истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш ҳар бир инсон учун катта баҳтдир.

Сизларни шу муқаддас замин — гўзал Ўзбекистоннинг истиқлол байрами билан яна бир бор чин юракдан табриклийман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-осойишталик тилайман.

Аллоҳ таоло ҳаммангизни ўз паноҳида сақласин!

ЯКУНЛОВЧИ НУТҚ

Хурматли ноиблар, дўстлар, биродарлар!

Сессияни якунлашдан аввал бир масалани муҳокама қилиб олмасак, кўлчилликнинг кўнглидаги саволларга жавоб топилмай қолган бўлади.

Аввалимбор, ҳаммамизни ташвишга солаётган пул ва валюта масаласи. Бу масала атрофидаги гап-сўзлар, тортишувлар ҳақида ахборот бермасам, ҳар хил миш-мишлар тарқалиши мумкин. Бу масалада биз доимо бирга кенгашиб, очиқ сиёsat олиб борганимиз. Ўйлайманки, бундан кейин ҳам шундай йўл тутамиз.

Ҳозир вазият қандай? Утган сессияда бу масалани қараб чиққан вақтимизда шундай қарорга келдикки, ҳар бир мустақил давлат, аввало, ўз валютасига эга бўлиши керак. Ҳар бир давлат пул, банк, молия сиёсатини ўз қўлига олмаса, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлолмайди. Бу ҳаммамизга аён. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мустақилликка эришган ҳар бир давлат ҳам шундай йўл тутгани. Бугунги вазият, иқтисодий аҳволимиз, лўжалик алоқаларимиз янги-янги чоралар кўришини тақозо этмоқда. Айтмоқчиманки, Иттифоқ даврида Ўзбекистон асосан хом ашё етказиб беришга мослашган ўлка бўлиб, иқтисодиёти ҳар жиҳатдан Марказга ипсиз боғланган эди. Иқтисоди заиф давлат эмас, бир мустамлака бўлган эди. Ҳозир мустақиллигимизга бор-йўғи икки йил бўлди. Бу қисқа давр ичида мустамлака асоратларига барҳам бериб бўлмайди. Бунга анча вақт керак. Мен аввал айтган эдим: биз учун жуда нозик бўлган, бизни ипсиз боғлаб қўйтган масалаларни ҳал этиш учун яна бир-икки йил вақт керак. Ана шу масалаларни ҳал этганимиздан кейин ўз валютамизга ўтиш имкони пайдо бўлади, деган эдик. Кеча ўз маърузамда нефть маҳсулотлари масаласини, базавий, яъни иқтисодимизга асос соладиган тармоқларни ривож-

лантириш масаласини ҳал этмай иқтисодий жиҳатдан мустақилликка эришиб бўлмайди, деб масалани кўндаланг қўйганимнинг сабаби бор.

Мана, бир ўйлаб кўринглар. Ҳозир Ўзбекистон пахтасининг таҳминан 600 минг тоинасини Россияга беришга мажбурмиз. Россия тарафдорлари ҳам шу ерда ўтиришибди, буни улар ҳам эшитиб қўйса ёмон бўлмайди. Умуман, кўпчилик ҳам эшитиб қўйсин. Биз бу пахта толасини нефть маҳсулотларига алмашишга мажбурмиз. Бу фақат битта мисол. Агар биз тола бермасак, Россия ҳам нефть маҳсулотлари бермайди. Ҳозир пулга нефть сотмаяти. Украинадаги, Беларусдаги аҳволни кўряпсизлар. Шундай экан, бизга нефть маҳсулотлари бериши қандайдир ҳомийлик эмас, кўмак эмас, балки бугунги бир ғалати иқтисодий алоқалар натижасидир. Бундай алоқа "клиринг" дейилади, яъни пахта толасини халқаро нархларда баҳолаб, шунга яраша нефть маҳсулотлари берилмоқда.

Бир фараз қиласайлик: эртага бизга нефть маҳсулотлари келмай қолди. Украина ёки Беларуснинг аҳволига тушиб қоламиз. Саноат корхоналаримиз тақатак тўхтайди. Шундай ҳолга тушмаслик учун бизга озгина вақт керак. Ўртоқ Ҳаққулов ва унинг раҳбарлигидаги идоралар Кўкдумалоқ, Мингбулоқ каби нефть фаввораларини тезроқ ўзлаштириб олса, айни муддао бўлар эди. Ӯшанда иқтисодий жиҳатдан бутунлай мустақил бўлиш, халқимизни бемалол боқиш имкониятига эга бўламиз. Ишонаманки, иншоолло, бу кунлар ҳадемай келади. Шунда мана шу залда яна учрашамиз, ӯшанда мени бемалол кўзингизга қарай оладиган бўламан. Бу йўлда бизга Аллоҳ таоло мадад берсин. Шу кунларга стганимизда дадил айтамиз: "Биз энг оғир қийинчиликларни енгигб ўтдик, биз чинакам мустақил бўлдик".

Мана шу мақсадларга эришиш учун қўшниларимиз билан ҳам "Отанг яхши, онанг яхши" деб муомалада бўлишимиз керак. Ҳеч ким билан алоқаларни узмай, ўз мамлакатимиизда барқарорликни сақлайдиган сиёsat юритиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Иккинчи масала. Дунё бозорига чиқиш биз учун жуда муҳим масаладир. Биз маҳсулотларимизни жаҳон бозорида сотсанак, қатъий валютага эга бўламиз. Ана шунда иқтисодимизга нима керак бўлса, ҳеч кимга ялинмай, ҳеч кимга тиз чўкмай, жаҳон бозоридан сотиб олаверамиз. Ривожланган

давлатлар амал қилаётган тартибга риоя этган ҳолда иш юритаверамиз. Бунинг учун темир йўл, автомобиль йўли, ҳаво йўли каби коммуникацияларимизни жойига қўйиб олишимиз керак. Хитой орқали Шарққа, Эрон ва Туркия орқали Еарбга, Форс кўрфазига чиқиш ҳаракатини қилимоқдамиз. Биз Ҳинд океанига ҳам чиқишимиз зарур. Булар қуруқ гап эмас. Бунинг учун имкониятимиз бор. Оддимизда бир эмас, тўрт дарвоза очилмоқда. Шунда савдо-сотиқни, импорт ва экспортни ривожлантириш, демакки, ҳалқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш имкониятига эга бўламиз. Бу реал имконият. Мен Президент сифатида эмас, сохта обрў-эътибор тоғиш мақсадида эмас, иқтисодчи сифатида айтаяпман. Бу даврлар албатта келади.

Бир фараз қилинг: агар эртага нефть маҳсулотлари билан ўзимизни ўзимиз таъминлай оладиган бўлсак, 600 минг тонна пахта толаси ёнга қолади. Агар бу пахтани жаҳон бозорида сотсак, қанча валютага эга бўламиз? Буни ҳисоблаш учун хўжалик раҳбари ёки иқтисодчи бўлиш шарт эмас. Оддий Фуқаро ҳам бунинг ҳисобини қила олади. Мен биргина пахта толасини мисол келтирдим. Ундан мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Насиб қилса, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари чегарасидаги Қоровулбозор нефть маҳсулотларини қайта ишлаш заводини қуриб олсак, биз ўзимизни ўзимиз таъминлашдан ташқари, нефть маҳсулотларини Афғонистон орқали Покистон ва бошқа давлатларга ҳам сотишимиз мумкин. Қаракт-а, агар биз битта муаммони ҳал этсак, қанча яхши натижаларга эга бўламиз. Ана шунда қаддимизни ростлаб, белимизни бақувват қилиб, бошқалар билан бемалол гаплашишимиз мумкин. Шунинг учун мавжуд қийинчиликларни ҳал этиш йўлида ҳаракат қилиш ўрнига сунъий равишда яна муаммолар келтириб чиқариш биз учун асло керак эмас.

Янги валютага ўтиш ҳисоб-китоб ишларини мутлақо ўзгартириб юборади. Фараз қилинг: ҳозир биз шериклар билан ҳисоб-китобларни қандай қилаяпмиз-у, ўз валютамизни жорий этгандан кейин қандай қиласмиш?! Дейлик, бир одам Москвага, Россияга ёки бошқа бир қўшини мамлакатга бормоқчи. Шунда ўзимизнинг "сўм"ни рублга ёки бошқа пул бирлигига алмаштириш учун қанчалик қийинчиликлар вужудга келади. Ҳўш, ҳозиргилари етмагандек, яна бундай қийинчиликларни сунъий равишда келтириб

чиқаришнинг ҳожати бормикин? Эртага ўз валютамизни қабул қиласак, рублга нисбатан унинг курси қандай бўлади? Долларга нисбатан-чи?

Мана, яқин қўшнимиз Туркманистонда халқقا кўп ваъдалар бермоқдалар. Қўшнинг тинч бўлса — сен тинч, дейди халқимиз. Туркманистон билан ҳам муомалани бузмаслигимиз керак. Лекин, мени кечирасизлар, уларнинг хом нијати ўнвадайки, эртага бир манат бир долларга тенг бўлармиш. Буни ҳаёт кўрсатади. Ҳеч ким бир фармон, бир ҳужжат билан ўз пулининг қадрини ошира олмайди. Бундай тажриба дунё тарихида йўқ.

Мана, Қирғизистоннинг "сом"ини олиб кўрайлик. Бир "сом" кечагина 200 рублга тенг эди. Ҳозир унинг қадри тушиб кетди. Сентябрь ойида Халқаро валюта фонди Қирғизистонга кўмак бериши керак. Шу ёрдам туфайли "сом"нинг харид қувватини сунъий равишда сақлаб қолишига ҳаракат қилишмоқда.

Ўзбекларда ота-бобомиздан қолган бир нақл бор: "Киришдан олдин, чиқиши ўйла". Шунинг учун ҳам, қарз олишдан олдин уни тўлашни ўйлашимиз даркор. Биз бирордан кредит олишдан аввал уни қайтариш ҳақида ўйламоқдамиз. Шунинг учун ҳозир биз ҳеч кимдан қарздор эмасмиз.

Ҳар хил миш-мишлар тарқалмаслиги учун шу минбардан туриб айтишим керакки, ҳозир жаҳондаги учта йирик банкда, хусусан, Германия ва Швейцария банкларида каттагина жамғарма сифатида маблагимиз бор. Бу маблағ йилига 5 фойз фойда келтироқда. Насиб қиласа, 6 фойз бўлиши ҳам мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу маблағ йилига 18—20 миллион доллар фойда келтиради.

Хазинада олтинни бекор сақлаб туриш мутлақо нотўғри сиёsat экан. Бу олтин ҳам ишлаб туриши керак. Хазинамиз катта, деб гердайиб ўтириш мутлақо нотўғри. Ҳозирги замонда бу номақбул иш. Ҳар қандай пул эртага ўзига қўшимча пул олиб келиши керак. Биз шу сиёsatни секинаста ўзлаштириб оляпмиз. Катта-катта банкларда олтинимизни валютага алмаштириб, қўшимча маблағ топаяпмиз. Мен яна такрор айтамаки, биз ҳеч кимдан қарздор эмасмиз. Биронта муддати ўтказиб юборилган ёки қайтарилмаган қарзимиз йўқ. Шунинг учун биз бошимизни бемалол, адл кўтариб қарашимиз мумкин. Мустақил сиёsat олиб

боришимиз мүмкін. Ҳеч кимнің олдида Худо бизларни муҳтож құлмасин.

Шундай экан, бу сиёсатни олиб борища бизлар отабеболардан қолған нақлға амал қилиб, етти ўлчаб бир кесишимиз керак. Бу гапларни нима учун айтаяпман? Россияннің сиёсати ҳозир шунга олиб келаяпти, уларннің 93-йилги рубль намунасини бизларга бериш ҳикоясина (ҳикояга айланиб кетяпты ўзи, әртага масалға айланыб кетади) мен айтиб беришим керак. 26 июля Россия ҳукумати бизни чақириб, биргалашиб рубль ҳудудида, яғни рубль теграсида бўламиз, деб хабар қилди. Бизлар — Қозогистон, Ўзбекистон, Россия раҳбарлари яқында Москвада учрашиб, шу рубль ҳудудини сақтаймиз, Ўзбекистон ҳам 1993 йилги янги рубль намунасини олади, Россия банки бизларни керакли даражада шундай пул билан таъминлайди, деган қарорга келдик. Шу тасдиқланган қарорда шундай топшириқ берилганки, Россия ҳукумати иккى ҳафта ичида бу масала бўйича ўзининг охирги саволларини, айтайлик, синовларини маълум қилиши лозим. Бизларни синаб, олдимизга қандайдир талаб ва масалаларни қўйиб, уларни ечиш учун муддат қўйилган. Ҳали қўшимча саволлар ҳам жуда кўп бўлиши мүмкін.

Яқында Россия вакилдағы томонкадақ катта-катта масалалар кўтарилди, муҳокамалар бўлди, ҳамма берган саволларига жавобини ҳам бердик. Бизнинг вакилларимиз бир ойдан бери Москвада шу муаммоларни ҳал этиш ташвишида.

Энди, азиз дўстлар, сизларга очиғини айтсам, Россиядаги айрим сиёсатдонлар ҳозирги вазиятдан четдан туриб фойдаланмоқчи. Бизларга қўшимча шартлар қўйиб, 93-йилги рубль намунаси беришни катта-катта талаблар билан боғлаб қўймоқчи бўляпти. Мен шахсан шунга ҳам розиман. Шу масалалар бўйича ҳамма талабларга розиман. Лекин юрагингизда нима бор, очиғини бизларга айтинглар, қачонгача бизларни қийнайсизлар, деб Россия раҳбарларига шу саволни бермоқчиман. Яқында Қозогистонда бўлганимизда дўстимиз, менинг шахсан яқин дўстим Назарбоев билан учрашганимизда шу масалалар атрофида бафуржга гаплашиб олдик. Бу масалада у ҳам жуда қийналлаяпти. Қозоқ биродарларимиз ҳам жуда қийналишыпти. Энди, давр зўравонники десак, зўравон дегани ҳукм

қўлида бўлгани учун албатта ўз талабини, ўзининг зўрлигини ўтказишга ҳаракат қиласди. Бу — очиқ гап.

Шу сессияда айтилган гапларни ҳаммамиз тўғри англашимиш керак. Ким ҳозир зуғум қўймоқчи-ю, ким бизларга шарт қўймоқчи, ким бизнинг вақтингчалик қийинчилиги миздан фойдаланмоқчи — буни ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатялти. Лекин бизлар чидамли бўлишимиз керак, охиригача ўз мақсадимизга эришиш учун қизищмасдан, чегарадан чиқмасдан, ҳар томонлама сиёsat олиб боришимиз керак. Биз Ўзбекистонда барқарор сиёsat олиб борища нималарга асосланамиз? Авваламбор, миллатлараро бир-биrimizga ҳурмат, иноқлик шу барқарорликни сақлаялти. Бу — биз учун энг улкан бойлик. Тошкентнинг марказидаги катта бир кўчада: "Ҳозирги ҳаётимида энг катта бойлик — барқарорлик", — деб ёзилган. Мен шунга юз фоиз қўшиламан. Барқарорлик учун ҳамма кучимизни, керак бўлса, жонимизни ҳам беришга тайёрмиз! Шундай экан, нима учун барқарорликни бузишмиз керак! Халқлар орасида бўлган тотувлик, аҳиллик нима учун бузилиши керак? Шу масалада мен Россия раҳбарларига очиқасига айтдим: билиб қўйинглар, биз ўз валютамизга ўтсак, шу қадамдан кейин иккинчи қадам, учинчи қадам қўйишга мажбур бўламиш. Умуман айтганда, бу нарса Россиядан узоқлашишга олиб келади. Шу ерда ўтирган одамларнинг ҳаммаси, ҳайси миллатдан бўлмасин, шуни аниқ тасаввур қилиши керакки, у ҳолда эртага нима бўлади, эртага қандай аҳволда қоламиш?

Ҳаётнинг жуда қаттиқ қонунлари бор. Ҳаёт шундай нарсаки, хоҳлаймизми-хоҳламаймизми, узоқлашиш бошлиниди ва шундан кейин эртага, айтиллик, бир-биrimizга бугунги иноқлик, бугунги аҳиллик билан муносабатда бўла оламиزمи? Шундоқ ҳам ҳозир ўзаро ҳисоб-китоб жуда оғир бўляялти. Бу ерда ўтирган кўпгина хўжалик раҳбарлари (мана ўртоқ Сигедин ўтирибди, бошқалар ўтирибди) яхши билади, нима ҳисобидан баъзи бир корхоналар — трактор заводи, авиация ва бошқа бирлашмаларимиз ишида сунъий қийинчилликлар пайдо бўляялти? Ҳисоб-китоб жиҳатидан бўляялти. Бу масалалар бугун счилмас экан, эртага уларга қўшимча яна қийинчилликлар пайдо бўлади. Шунинг учун сизларга айтидиган асосий фикрим шуки, сизларнииг ваколатингизни олиб, шу масала бўйича, яъни 93-йилнинг рубль намунасини олишга охиригача ҳаракат қилсан. Агар

бу ҳаракатимиз эртага натижага эришмаса, шу масалада уларнинг сиёсатчилари, "ўйинчилари" бизлар қўйған очиқ фикрларни ижобий қабул қиласа, бирга бўлайлик, бирга ҳаракат қиласайлик, деган мақсад уларнинг юрагига кирмаса, ўн йилдан кейин, ўн беш йилдан кейин нима ишлар бўлади, бизлар қай аҳволда қоламиз — буни ҳозирдан ўйлаш лозим.

Биз ёлғиз қолмаймиз, албатта. Шуни тушунмайдиган одамлар агаф эртага устунлик қиласа, эртага ўзининг зўравонлигини, ҳукмронлигини ўтказмоқчи бўлса, мен сизлардан битта ваколатни сўрамоқчиман: менга рухсат беринглар, ҳукуматга рухсат беринглар, ўзимизнинг чора-тадбирларимизни қабул қиласайлик! Агар шундай ваколат берсангизлар, вазиятга қараб биз шу сессиянинг қароридан ва сизларнинг фикрларингиздан фойдаланиб, бошқа имкон қолмаса, ўзимизнинг валютамизга ўтишга ҳаракат қиласайлик.

Албатта, янги валютага ўтиш ҳар қайси оилани, ҳар қайси фуқарони, ҳар қайси минтақани катта ташвишга солади. Катта-катта қийинчиликлар олиб келади. Бизлар шунга ҳам, ҳар эҳтимолга қарши, тайёргарлигимизни кўряпмиз. Яна такрорлаб айтаман: шундай қадам қўйишга мажбур бўлсак, эртага шу қийинчиликларни енгишга ҳаракат қилишимиз керак. Ўзкимиликкага ўзламикини, сиёсатимизни аниқ белгилаб, шу ҳаракатни охиригача етказишига ҳаракат қиласаиз. Мана, 24 сентябрда Москвада яна учрашув бўлади. Агар шу ерда келиша олмасак, у тақдирда, ўз сиёсатимизни охиригача олиб боришига ҳаракат қиласаиз.

Янги валютага ўтган давлатларнинг мисолида кўряпмизки (мана, Қирғизистон, Беларусь, мана, Украина, "карбованец"га ўтган), қийинчиликлар албатта бор. Щунинг учун биз Қозогистон билан келишиб олган ҳолда, агар валютага ўтсак, икковимиз — икки давлат бирга ўтади, деган битимга келдик.

Шу масалада сиз — депутатлар бир нарсага ишонишиниз керакки, Ўзбекистон катта карвондек ўзининг мақсади сари улуғ йўлдан манзилига етиб бориш учун мунтазам ҳаракатда. Мана шу кейинги кунлар, ўтган кунги байрамларнинг асосий холосаси мен учун шуки, одамларнинг кайфияти кўтаринки, одамларнинг ишончи, одамларнинг умиди бор, шу пул ташвиши, валюта ташвиши ҳам

ИСЛОМ КАРИМОВ

ҳамманинг қулогига кирайти, лекин ҳалқимиз ишонаяпти. Ҳалқимиз Ўзбекистоннинг вакиллари, ваколат олган депутатлари, Ўзбекистоннинг ҳукумати, Ўзбекистоннинг раҳбарияти кўп синовлардан бизларни олиб чиқди ва насиб қўлса янги-янги синовлардан ҳам олиб чиқади, деган ўй билан хотиржамликда яшаяпти. Шундай экан, мен мана шу минбардан туриб, бир нарсани Аллоҳ таолодан сўрайманки, бизларнинг куч-қувватимизни кўпайтирсин, йўлимизни очиб берсин. Ҳеч қачон бизларни бир-биримиздан ажратмасин. Бизлар, шахсан мен ўзимни айтмоқчиман, бутун кучимни, бутун борлиғимни шу ҳалқимга беришга тайёрман, демоқчиман.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши XIII сессиясида
сўзланган нутқ,
1993 йил 3 сентябрь

БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН!

Азиз юртдошлар!

Қалби Ватан меҳри билан түлгән ака-укаларим, опасингилларим!

Бугун биз она пойтактимиз — Тошкенттимиз күксіда қад күттарған яна бир кошона — "Туркистан" саройининг очилиш маросимига йиғилдик.

Асрлар давомида күхна Тошкент қанчадаи-қанча обидаларни: саройлару қасрларни, масжиду мадрасаларни күрди. Бугун эса, азизлар, шулар қаторига яна бир маданий кошона құшилди: қадимий Тошкент бағрида, файзли Аңхөр құласида "Туркистан" саройи барпо бўлди.

Буюк Ватанимиз истиқололининг икки йиллик түйи кунларида бу сарой ўз хизматини бошлади. Аввалинбор қалқимизга қучоқ очадиган шу ажойиб қасрни бунёд этишда меҳнати сингтан барча ташкилотларга, барча қўли гул устя мөв模范ларга ғана күнгиздан миннагдорлик ва гасаннолар айтмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Мамлакаттимиз улуғ Мустақиллик байрамини ўтказаётган кунларда "Туркистан" маданият саройининг очилиши том маънода ўзига хос рамзийлик касб этмоқда.

Инсоният тафаккурининг бешикларидан бири бўлмиш Туркистан Марказий Осиё мустақил давлатларининг қадимги номидир. Бу ном ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман учун ҳамиша қадрли.

Улкан маданий меросга эга бўлган Туркистан не-не жафоларни кўрмади, не-не тарихларни бошдан кечирмади. Ўтган етмиш йил мобайнида маънавий қадриятларимиз анча топталди, унуттилди.

Бугун янги Ўзбек давлатини барпо этар эканмиз, биз тарихдан, аждодлар меросидан, уларнинг руҳи покидан, Туркистан халқларининг қадриятларидан, маънавий меросидан, санъатидан баҳраманд бўлишимиз табиийдир.

Ушбу саройда халқимизнинг, шунингдек, жаҳон халқларининг, айниқса, Марказий Осиё халқларининг анъанавий анжуманларини, санъат байрамларини ўтказишни ният қилганимиз. Бу кошона, иншоолло, миллатлар, элзлатларнинг дўстлик, бирдамлик қалъасига айланади.

Бундай обидалар каттаю кичикда Ватандан фахрланиш туйғусини шакллантиради, бундай саройлар Ватан шаъни ва шуҳрати учун курашувчи, истиқолли ҳамма нарсадан муқаддас биладиган соғлом авлодни тарбия этувчи масканга айланади.

Хурматли дўстлар!

Бошимиздан кечираётган бугунги вазият осон эмас, албатта. Аммо сўнгги икки-уч йил мобайнида фақатгина Ўзбекистонимиз пойтахтида барпо қилинган уй-жойлар, Алишер Навоий номидаги миллий боғ, Амир Темур хиёбони, масжиду мадрасалар, кўхна Шарқ усулида қурилаётган бозорлар ва расталар, қад ростлаётган меҳмонхона ва бошқа обидалар, ер ости йўллари юртимизни обод қиласди, ҳаммамида азиз Тошкентимизнинг кўрки ва шукуҳини орттиради.

"Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ қолади", дейдилар.

Бизнинг халқимиз — азалдан ободонлик ошиғи, азалдан боғпарвар, азалдан ўз тураржойини чиройли қилиб яшашга ўрганган халқ.

Кўнглимдагини айтсам, юртимизнинг ҳамма ерида меъморчилик ишлари бирдек ривож топишини, ҳар бир вилоят марказида "Туркистан" саройидек муҳташам саройлар бўлишини истар эдим. Токи, юртимиз гўзал, файзли, эркин ва адолатли юрт бўлсин. Токи биздан элга фойдали ёдгорликлар қолсин, боғ-роғлар қолсин, ҳалбни поклайдиган ибратли сўзлар қолсин. Токи, биздан олис авлодларга озод ва обод ватан қолсин!

Умид қиласизки, "Туркистан" саройи ўзбек халқи билан дунё халқлари ўртасида дўстлик ва меҳр ришталарини боғлайдиган, эзгуликни тарғиб этадиган марказ бўлиб қолади. Ишончим комилки, бу гўзал кошонада бизларни олға етакловчи улуг гоялар туғилади.

Азиз дўстлар!

Янги маънавият маскани барчамизга муборак бўлсин!

Обод бўлсин юртимиз, шод бўлсин кўнглимиз!

*"Туркистан" саройи очилиши
маросимида сўзланган нутқ,
1993 йил 4 сентябрь*

ХАЛҚАРО БАНКЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛИШИДА СҮЗЛАНГАН НУТҚ

Хурматли раис жаноблари!

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Республикамиз давлат ва миллий мустақиллигини қўлга киритганининг икки йиллигини нишонлаётган шу кунларда сизларни ўзбеклар диёрида самимий қутлайман. Мамлакатимиз ва унинг молия ташкилотларининг халқаро молия-кредит муносабатлари тизимиға қўшилишига бағишлиланган бу муҳим конференцияда иштирок этиш таклифини қабул қилганингиз учун барчангизга миннатдорлигимни билдираман.

Мустақил давлат қуриш йўлида ўтган икки йил биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга:

— мамлакатимиз ҳамда хориждаги қатор социолог ва сиёсатчиларнинг башоратларига зид ўлароқ, биз жамиятда сиёсий барқарорлик ва ижтимоий тотувликни мустаҳкамлаш, кишиларнинг тафаккурини янги қадриятлар сари йўналтириш учун барча ишни қилдик;

— республикада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаётийлиги таъминланди, эркин бозор муносабатлари принципларига асосланган демократик жамият қуришнинг мустаҳкам асоси яратилди;

— шу қисқа вақт ичida Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг сиёсий эътирофини қозонибгина қолмади. Жаҳоннинг ишбилармон, хусусан, молиявий доиралари ҳам Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарайдиган бўлиб қолди.

Ўзбекистон сабиқ СССР маркази тазиикидан қутулиб, жадал одимлар билан олдинга қараб бораётган, аммо ҳали халқаро капитал ўзлаштириб улгурмаган бозордир. Республика ноёб табиий бойликларга, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, ақлий ва маънавий салоҳиятга эга. Тарихнинг ўзи Ўзбекистонга Евроосиёнинг Гарбни Шарқ

билан, Жанубни Шимол билан бөглайдиган асосий йўллари чорраҳасидан жой тайин қилган. Республикамиз товарлар, капитал ва хизмат кўрсатишнинг халқаро йўлида ўзига хос марказ бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Янгиланиш ва тараққиётда ўз йўлини танлаш — мураккаб, тарихий аҳамиятга эга ва масъул иш десам, фикримга қўшиласизлар, деб ўйлайман. Ҳозирда ҳаёт кишиларнинг тақдиригина эмас, халқимизнинг келажак авлодлари тақдирити ҳам танлаган йўлимизнинг нақадар тўғрилигига бевосита боғлиқ.

Ўзбекистоннинг танлаган йўли конституцион асосга эга, республика манфаатлари, шарт-шароити ва хусусиятларига тўла мос келадиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган. Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар стратегияси қўйидаги беъз принципга асосланган:

1. Иқтисодиётни мафкура ақидаларидан холи қилиш;
2. Бош ислоҳотчи — давлат;
3. Ҳаётнинг барча жабҳаларида қонуннинг ҳукмронлиги;
4. Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш;
5. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш.

Бугунги кунда бу принципларнинг амалга оширилиши республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими эса, бозор муносабатларини жорий этиш сари изчил ҳаракатни таъминлаяпти.

Ислоҳотларнинг ишлаб чиқилган андозаси мавҳум тадқиқотлар меваси эмас, аксинча, мавжуд воқеаликка асослангандир. Жаҳоннинг 70 мамлакатидан 1500 нафар иирик олим ва ишбилармонлар вакиллари иштирокида Москвада ўтказилган халқаро иқтисодий уюшманинг X жаҳон конгресси қатнашчилари Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш дастури собиқ Иттифоқ республикалари орасида энг самарали эканлигини эътироф этганлари ҳам бу фикрни тасдиқлади.

Умрини яшаб бўлган биронта тузум қаршиликсиз ўз жойини бўшатиб бермаслиги, биронта янги тузум қийинчиликларсиз оёққа турса олмаслиги сизларга яхши маълум. Щундай бўлса ҳам, Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш

йўлидан четга чиқмайди, деб яна бир бор очиқ айтмоқчиман.

Бундай дейиш учун барча асосларимиз бор. Улардан энг муҳимларинигина санаб ўтаман:

— бозор муносабатларини жорий этишнинг ҳуқуқий базаси ишлаб чиқилган, хусусийлаштириш жараёни авж олдириб юборилган,

— давлат дотация берадиган нарх-наво рўйхати қисқармоқда,

— бозор талабларига мос келадиган ишлаб чиқариш ва банкнинг ёрдамчи соҳалари шаклланмоқда,

— ташқи иқтисодий алоқалар эркин йўлга қўйилмоқда.

Энг муҳими эса, одамларнинг руҳияти, тафаккури ўзгаряпти, бозор тушунчаси билан фикрлайдиган кадрларнинг янги авлоди етишиб келмоқда.

Ҳар қандай иқтисодий тизимни, хусусан Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар мавжуд бўлган тизимни чуқур ислоҳ қилиш,— энг аввало ички бойлик ва имкониятлар ҳамда ташқаридан сармояни жалб қилиш ҳисобига жуда катта куч сарф қилишни талаб этади. Шунинг учун ҳам биз ички имкониятларимизни сафарбар қилиш билан бир қаторда хорижий сармояларни жало этишга ҳам аҳамият беряпмиз.

Ўзбекистонда бунинг учун чинакам ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг асосийларигагина эътиборингизни қаратмоқчиман:

— жумладан, валюта бойликларининг бир қисмини чет эл банкларида сақлаш ҳисобига миллий суғурта жамғармаси шаклланяпти;

— хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарни барпо этиш, рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятига анча эркин тус берилди. Ўз маҳсулотини рухсатномасиз экспорт қилиш ҳуқуқи берилган бундай корхоналар сони бугунги кунда 800 га етиб қолган;

— қўшма корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, технологияни янлашга ва ижтимоий дастурларни амалга оширишга сарфланадиган маълум қисми солиқдан озод қилинган;

— четдан келтириладиган барча товарларга солиқ бекор қилинган, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ҳамда уларни ишлаб чиқарадиган жиҳозлар ва хом ашёни четдан келтириш божхона тўловидан озод қилинган.

Табиийки, иқтисодий тараққиётни тезлаштиришда банклар ва бошқа молия ташкилотларининг аҳамияти жуда катта. Банкларсиз саноат бўлмаслигини, банкларсиз экспорт бўлмаслигини, банкларсиз сармоялар бўлмаслигини биз жуда яхши биламиз. Банк соҳалари ва уларнинг тараққиёти Ўзбекистон ҳукуматининг диққат марказида турибди. Бу тараққиёт доирасида биз хорижий банклар ва молия ташкилотлари билан ҳамкорликни маъқуллаймиз ва рағбатлантирамиз.

Шу муносабат билан мен эътиборингизни қўйидаги ўйналишлар бўйича мустаҳкам ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишга қаратмоқчи эдим.

Биринчиси — кон-металлургия саноати. Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда олтинчи ўринни эгаллаши барчангизга маълум. Аниқланган захиралар ва мамлакатнинг иқтисодий имконияти рангли металлар қазиб олишни икки баравар кўпайтиришимизга имкон беради.

Биз ҳозирнинг ўзида "Нъмонт Майнинг" корпорацияси билан ҳамкорликда ҳамда Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки иштирокида олтин қазиб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш тажрибасига эгамиз.

Бу лойиҳада Англиянинг "Барклай" ва "Родтшильд", Швейцариянинг "Креди свисс", "Юбс", "Свисс банк корпорейшн" ва АҚШнинг "Кемикал" ва "Чейз Манхеттен", Германиянинг "Дрезденер банк", "Байерише ферайн", Франциянинг "Креди Лионе", "Париба", Австриянинг "Жирокредит" ва "Банк Австрия" сингари нуфузли банклари ҳам иштирок этаётгани қувончлидир.

Мен лойиҳанинг мұвафаққиятли амалга оширилишига, иштирокчиларга кутилганча наф келтиришига, ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш учун замин яратишига ишонаман.

Рангли, қимматбаҳо ва нодир металларни қазиб чиқариш ва қайта ишлашни кўпайтириш соҳасидаги лойиҳалар ҳам истиқболлидир. Бу лойиҳалар юқори рентабелли бўлиб, тижорат жиҳатидан жуда жозибалидир.

Ўзбекистондаги нефть ва газ конларини ўрганиш ва ўзлаштириш стратегия жиҳатидан муҳим ўйналишdir. Ҳозирги вақтда республикада 150 та нафть ва газ кони топилди, шундан 92 таси ўрганилмоқда. Газ қазиб чиқариш ҳажми ҳозирнинг ўзидаёқ республика эҳтиёжини

тўла таъминлайди ва газни қўшни мамлакатларга экспорт қилиш имконини беради. Ўзбекистон яқин йиллар ичида чет мамлакатлардан нефть маҳсулотлари сотиб олиш заруратидан холи бўлиши, сўнгра эса нефть ҳамда уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳисобига экспорт имкониятларини кўпайтириши лозим.

Ўзингизга маълумки, бу соҳа жуда катта сармоя сарфлашни, катта ҳажмдаги қидирув, лойиҳа-қидирув ишларини, мураккаб технология ускуналарини сотиб олиш ва ўрнатишни талаб қиласди. Айни шу ишда биз учун энг мақбул ечимларни топишга қодир бўлган тажрибали, ишончли ҳамкорлар керак.

Тўқимачилик саноати сармояларни сарфлаш учун учинчи йўналишдир. Ўзбекистон — жаҳонда кўп пахта етиштирадиган давлатлардан биридир.

Бундан ташқари, илак, сунъий тола, жун, калава ишлаб чиқарамиз. Тўқимачилик корхоналарини янгилашнинг дастлабки лойиҳалари Туркия, Швейцария ва Германия фирмаларининг иштирокида амалга оширилмоқда. Биз тўқимачилик тармоғини ҳар томонлама янгилаш лойиҳасини тайёрлашга доир ишни қўллаб-қувватлаймиз. Бу ишни идораларимиз Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки билан биргаликда Швейцария ва англиялик маслаҳатчилар иштирокида бажармоқда. Бу улкан лойиҳа тармоқнинг ва умуман мамлакатнинг имкониятларига тўла мос келади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётида транспорт ва коммуникация алоқалари тизими ҳал қилувчи ўрин тутади. Республикада яқин ва олис хориждаги мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни таъминлайдиган кенг тармоқли транспорт тизими барпо этилган.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг денгиз портларига бевосита чиқа оладиган йўли йўқ. Шу сабабли, юкларнинг кўп қисми давлатлараро савдо-иқтисодий алоқалар асосида бошқа мамлакатлар орқали етказиб берилмоқда. Бу эса минтақалараро алоқа йўлларини ривожлантириши устувор йўналишга айлантиради.

Саёҳатни ривожлантириш учун имкониятларимиз жуда катта. Республика ҳудудида 4 мингдан ортиқ меъморлик ёдгорликлари мавжуд. Уларнинг кўпларини ЮНЕСКО ўз муҳофазасига олган. Бу ерда сайру саёҳат билан боғлиқ

ёрдамчи тармоқларни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор.

Ўзбекистон — саноати ривожланган аграр мамлакатdir. Аҳолининг 60 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Шу сабабли қишлоқ хўжалигини ва деҳқончилик билан боғлиқ саноатни ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳалари ва уларнинг маркетинги ғоят манфаатли ва фойдалидир.

Бизнинг биринчи навбатда саноатни ривожлантиришга доир катта лойиҳаларни пул билан таъминлаш учун ҳалқаро молия доираларининг мададидан фойдаланишга интилишимиз кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда техникавий, технологик янгилаш зарурати билан боғлиқдир. Бироқ, бу — ташқи савдони пул билан таъминлаш муҳимлигини унудиб қўйиш, деган гап эмас.

Экспортни пул билан таъминлаш соҳасида АҚШ даги "Эксимбанк", Швейцариядаги "Юбс" банки ва бошқа банклар билан амалий ва дўстона муносабатлар ўрнатдик. Ўзбекистонга биринчи бўлиб ҳалқаро қарз берган Туркия экспорт-импорт банкини алоҳида миннатдорлик билан тилга оламан. Ислоҳотларимиз амалга оширилгани сари экспорт-импортни пул билан таъминлаш соҳасида Ўзбекистон билан хорижий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик фаол ривожланишига аминман.

Ўзбекистоннинг банк тизими вужудга келиши ҳақида гапирсак, бу — иқтисодиётнинг энг тез ривожланаётган соҳаси, ислоҳотлар яққол сезилаётган соҳа эканлигиги айтиш керак. Биз бошқа банкларни пул билан таъминлаб турадиган давлат банкини, яъни Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкини ташкил этдик. Миллий ташқи иқтисодий фаолият банки эса мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ ташкил этилган эди. Ҳозир мамлакатда ўттизга яқин тижорат банклари ишлаб турибди, деҳқончилик банки, саноат-қурилиш банки ва жамғарма банки шу банкларнинг энг катталариdir.

Бу йил "Тадбиркор" банки ишлай бошлади. У кичик ва ўрта бизнесга доир лойиҳаларни пул билан таъминлашта ихтисослашган бўлиб, шаҳарларда ва қишлоқ жойларида бўлинмалари мавжуд.

Ўзбекистоннинг молияга доир ёрдамчи тармоқларини, мамлакатнинг банк тизимини такомиллаштириш биз учун

бириңчи навбатдаги вазифадыр. Бу соҳада ҳамкорлик қилишимиз учун жуда катта имкониятлар вужудга келмоқда. Мен Европа ҳамжамиятлари комиссиясининг, Европа банки ва Туркия уюшмасининг бугун Тошкентда очиластган банк мактабини барпо этишга құшған ҳиссасини жуда қадрлайман. Бу бутун Марказий Осиё учун катта аҳамиятта молик воқеадир.

Дастлабки қадамлар ҳамиша қийин ва унүтилмас бўлади. Шу сабабли биз Швейцариядаги "Юбс" ва "Креди свисс" банкларининг олижаноб ташаббусини алоҳида миннатдорлик билан эслаймиз. Бу банклар Ўзбекистон тижорати учун бириңчилардан бўлиб қарз йўлини очиб беришди.

Биз АҚШ даги "Эксимбанк" билан ҳамкорлигимиз бошланганидан мамнунмиз. Бу банк бизга жуда муҳим бўлган Америка бозорини очиб берди. Биз Франция, Швейцария ҳамда Италиядаги банк тузилмалари билан ҳам ана шундай муносабатлар юксак суръат билан ривожланишига умид боғлаймиз.

Германияга ташрифимдан сўнг икки томонлама савдо-сотиқни ҳамда молия соҳасидаги бошқа алоқаларни "Гермес" давлат суғурта жамияти, "Ака" тижорат банклари консорциуми, Федерал таъмирлаш маҳкамаси каби ташкилотлар орқали пул билан таъминлашга ишончим кучайди.

Бу ерда нуфузли кишилар тўпланганидан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг ҳозирги замон бозор иқтисодиётida жуда катта ўрин тутган Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки билан ҳамкорлик муносабатлари тўғрисидати мулоҳозаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Валюта жамғармасининг нуфузи деярли йигирма йилдан бўён хусусий сармоядорлар учун йўл очиб бераётган жаҳоннинг йирик банкларига ўзига хос омил бўлиб келаётганлигини тушунамиз.

Шу билан бирга, биз қарз берувчи қўяётган шарт ва талаблар амалий тусда бўлиши ҳамда иқтисодий манфаатлар доирасидан четга чиқмаслиги лозимлигини айтиб ўтмоқчимиз. Бизнингча, энг муҳими — бизнинг асосли кафолатларимиз, тўлов қобилиятимиз, шунингдек, қарз бераётган банкларнинг улар ажратастган маблаг одамлар баҳт-саодати учун хизмат қилишига ишончидир.

Мұхтарам жаноблар!

Мазкур халқаро банк аңжұмани ғоят долзарбелиги туфайли бизга тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлық қилишимиз учун зарур бўлган ижобий мулоқотлар ўтказишга, алоқалар ўрнатишга имконият беради.

Мавжуд мұаммоларни муҳокама этиш ҳамда уларни биргалашиб ҳал қилиш йўлларини излаш учун шу ноёб имкониятдан фойдаланишига ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

1993 йыл 6 сентябрь

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИННИГ 48-СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗА

Жаноб Раис!

Бош котиб Жаноб олийлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Менга тарихда биринчи марта БМТ Бош Ассамблеясида давлат бошлиги ва мустақил Ўзбекистон вакили сифатида билдирилган шараф учун сизларга ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

〔Бизнинг тасаввуримизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилотдир. БМТ — бу ҳалқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тарқиётининг ёрқин нишонаси. 〕

Туб тарихий ўзгаришлар даврида ҳозирги дунёning ўзаро алоқаси ва бир-бираига боғлиқлиги ортиб бораётганилиги равшан кўриниб турибди. Айни шу пайтда умуминсоний муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилишда жаҳон миқёсидаги сиёсий восита сифатида БМТнинг дунё кўламидаги роли ва аҳамияти ошиб бормоқда.

Барча давлатлар тан олган мустақил Ўзбекистон Эндиликда БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолаяпти. Республикада кўпгина мамлакатларнинг элчихоналари, турли ҳалқаро ташкилотлар ишлаб турибди. Ўзбекистонда БМТ ваколатхонаси самарали ишлётганини мамнуният билан таъкидлайман. Бу ваколатхона БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Голий жанобларининг шахсий ташаббуси билан очилди.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимнинг мустақиллигини тан олганликлари ва қўллаб-қувватлаганликлари учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, БМТга аъзо бўлган барча давлатларга ўз ҳалқим ва ҳукуматим номидан самимий миннатдорчилик изҳор қилишни истайман.

22 миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистон жуғрофий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам Марказий Осиёнинг ўзагини ташкил қиласди. Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири мана шу минтақада пайдо бўлган. Қадим замонларда Буюк Ипак йўли шу ердан ўтган.

Халқиминг тарихи ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақалади ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Қадимий Турон, Мовароунаҳр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари жуда қадим замонлардан дунёга машҳур бўлган. Олис асрларда бу шаҳарлар Хитойдан Испаниягача, Европадан Ҳинд океанигача алоқа боғлаган.

Бу шаҳарлар улуғвор меъморчилик обидалари биланги на шуҳрат қозониб қолмай, айни пайтда бутун дунёдан буюк мутафаккирлар ва ижодкорлар интилган жойлар ҳам бўлган. Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилган буюк Темур олимларга, файласуфларга, меъморларга, шоирлар ва машшоқларга ҳомийлик қилиши билан шуҳрат қозонган.

Маънавий, илмий ва эстетик қадриятлар ҳалқимизнинг турмуш тарзида, анъанавий маданиятида муҳим ўрин олган. Биз ўзимизнинг тарихимизни ва жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимиз — Шарқнинг мутафаккирлари Ал-Буҳорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улугбек ва бошқаларни эъзозлаймиз ҳамда улар билан фахрланамиз.

Мустақилликни эълон қилиб, Ўзбекистон ўзининг маънавий қадриятларини ва ақлий салоҳиятини қайта тиклаш даврига, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгартиришлар даврига қадам қўйди.

Биз очиқ бозор иқтисодиётiga ва кучли ижтимоий ҳимоя тизимига эга бўлган ҳуқуқий, демократик ва дунёвий жамият барпо эта бошлидик. Сиёсий институтларнинг ривожланиши, йўналишлари ва шакллари хусусида ҳалқимизда яқдиллик бор. Демократик ўзгартиришлар йўлида сезиларли силжишлар бўляяпти.)

Ўтган йилнинг декабрида Ўзбекистон республикасининг тамоман янги Асосий Қонуни қабул қилинди. Халқаро холис эксперталар унга юқори баҳо беришди. Бизнинг Қомус демократик конституцияларга қўйиладиган юксак

талабларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқаронинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини кафолатлайди.

* * *

Ўзбекистонда давлат бошлиғи ва парламентта эркин ва муқобил асосда умумхалқ сайловлари ўтказилди. Ҳокимият ваколатлари давлат идоралари ўртасида аниқ ажратиб қўйилган. Кўп партиявийлик тобора ривожланаяпти.

Юз йилдан кўпроқ вақт ўтгандан кейин, ҳалқимиз яна озод бўлиб, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, маданиятини бойитиш, маънавий қайта уйғонишини таъминлаш имкониятига эга бўлди.

Республикада юздан зиёд ҳалқлар ва элатлар яшаб турибди. Бизда барча этник гуруҳларга миллий маданиятларини, анъозаларини, тилларини ривожлантиришлари учун катта ва етарли имкониятлар берилаяпти. Ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, тинчлик ва миллатлараро тутувлик сақланиб қолаётганлиги билан фахрланамиз.

Ўзбекистон Республикаси — кучли ва кенг имкониятли, ноёб табиий бойликларга эга, истиқболи юксалётган мамлакат. Аҳолининг 50 фоизга яқини 18 ёшгача бўлган ёшлардир. Республика пахта ётиштириш бўйича жаҳонда учинчи ўринни, олтин қазиб чиқаришда — саккизинчи, мис қазиб чиқаришда ўнинчи ўринни, нодир металлар ва стратегик хом ашё захиралари бўйича салмоқли ўринни эгаллаб турибди. Фоят катта энергетика ресурсларига ва бошқа кўпгина бойликларга, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва десҳончиликнинг қадимий анъозаларига эга бўлиб, саёҳат учун ажойиб бир ўлкадир.

Республика кучли илмий, ақлий ва маънавий салоҳиятга эга. Олимларимиз математика, физика, биология соҳасида олиб бораётган илмий тадқиқотлар минтаҳамиздан ташқарида ҳам яхши маълум. Аммо бизнинг энг асосий бойлигимиз — ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳис эта олиши билан фарқ қиласиган кўнгли очиқ, меҳнатсевар, меҳмондўст ва мағрут ҳалқимиздир.

Озод Ўзбекистон жамиятни ислоҳ қилишнинг бурунги ҳолатидан демократик жамият ва бозор иқтисодиёти қадриятларига ўтишнинг ўзига кос йўлини ташлаб олди. Шу билан бирга биз иқтисодиёти ҳаддан ташқари издан чиқсан

ва экологияси бузилган республика қисқа давр ичидә бундай меросни ўзгартириши ва яхшилаб олиши мүмкін змаслигини биламиз. Бу ҳудуд, аслини олғанда, собық ССР Иттифоқи таркибіда хом ашё манбаи бўлиб, бу ердан арzon хом ашё олиб чиқиб кетилиб, унча сифатли бўлмаган тайёр маҳсулот келтирилар эди. Биз шундан келиб чиқамизки, аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлган, республикада иш билан таъминлаш соҳасида жиддий муаммолар ва талайгина моддий қийинчиликлар мавжуд шароитда жамиятни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожлантириш сиёсий ислоҳотлардан олдинда бориши керак.

Мустаҳкам қонунчилик негизини, ҳуқуқий маданиятни, қарашлар ва фикрларнинг хилма-хиллигига тоқат қилиш ва холислик руҳиятини тайёрлаш зарур. Энг муҳими эса биз кейинги 75 йил мобайнида яшаб келган маъмурий-бўйруқбозлиқдан иборат тоталитар тақсимот тизими юзага келтирган одамлар руҳиятини, уларнинг тафаккурини ўзгартириш лозим.

Биз кейинги вақтларда собық социалистик лагернинг талайгина мамлакатларида бир неча марта кузатганимиздек, зиддиятли ёндашув, воқсаларни ўйламай-нетмай жадаллаштириш кескин можароларга, фуқароларнинг бир-бира га қарама-қарши туришига, миллатлараро тўқнашувларга, муаммоларнинг ҳаммасини ечиш ўрнига уларнинг чуқурлашиб кетишига, эркин бозор иқтисодиёти ва демократик ислоҳот ғояларини йўққа чиқаришга олиб келиши мүмкін.

Эндилиқда дунёда жамият ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳар қандай мамлакат учун бир хилда мақбул бўлган ҳаммабол йўллари йўқлиги равшан бўлиб қолди. "Капиталистик" ва "социалистик" деган тушунчалар ўртасидаги фарқ амалда йўқ бўлиб борајти. Мафкуравий ақидалардан ҳоли бўлган янги Эркин тафаккурни шакллантириш зарурати стилди. Бундай тафаккур ҳар бир мамлакатнинг сифат жиҳатдан янгича ҳолатга ўтишида ғоят хилма-хил шакллар ва йўлларни очиб беради.

* * *

Биз аниқ вазиятга, ўзбек халқининг руҳияти, турмуш тарзи ва аиъаналарига асосланниб, ўз ислоҳотларимизнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқдик.

Биринчидан, биз иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлигини, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларнинг мафкурадан холи бўлишини зълон қилдик.

Иккинчидан, биз ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи ва республикада амалга оширилаётган демократик ўзгартаришларнинг изчил ташаббускори бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, бу — қонунчиликни, ҳуқуқвинг устуворлигини таъминлашдир.

Тўртинчидан, фуқароларнинг, айниқса кам даромадли фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг мададига муҳтож бўлган барча кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қиласидан кучли ижтимоий сиёсат биз учун ниҳоятда муҳим.

Ва, ниҳоят, бешинчидан, бизнинг шароитимида бозор муносабатларига ўтиш босқичма-босқич, эволюцион йўл билан амалга оширилиши керак. Доно ҳалқимиз айтганидек: "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма".

* * *

Демократик ислоҳотлар учун жамиятнинг барқарорлиги ва давлатнинг хавфсизлиги ҳаётий зарурдир. Буларсиз бошқа масалаларни амалда ҳал қилиш мумкин эмас. Ўзбекистон барча минтақаларда ва аввало Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қатъият ва изчиллик билан ҳаракат қилиб келаяпти. Минтақамизнинг хусусияти, унинг жуғрофий-сиёсий мавқеи шундайки, воқеаларнинг салбий ривожланиши оқибатида у бутун дуҷёда бекарорликнинг катта маибаларадан бирни бўлиб қолиши мумкин. Шуни айтиб ўтиш кифояки, Марказий Осиёда ҳар хил этник ва диний гуруҳларга мансуб бўлган салкам 60 миллион киши яшайди. Бу ерда ядро қуроли, шунингдек катта вайронагарчилик кучига эга бўлган оддий қурол-яроғлар тўпланган. Шу минтақадаги тўқнашувлар олдиндан айтиб бўлмайдиган миқёслардаги фалокатларни келтириб чиқара олади.

* * *

Шу муносабат билан Тожикистондаги ва тожик-афғон чегарасидаги вазият тўғрисида гапирмасдан бўлмайди. Унда қатнашувчи кучларнинг сиёсий манфаатлари хусусида

баҳс юритиш мумкин. Аммо шу нарса шубҳасизки, Тожикистондаги қонли можаро томонлардан бирининг гайри-қонуний равишда, қурол ва қўрқитиш йўли билан ҳокимиятни босиб олишга ҳамда уни ташқаридан тўхтовсиз моддий ва мафкуравий жиҳатдан аралашиш йўли билан қўллаб-қувватлашга уринишлар натижасида юзага келди. Бунинг оқибатида кўпгина сиёсий кучлар, жамиятнинг турли табақалари қуролли тўқнашувга жалб этилиб қолди. Бу тўқнашув халқаро тус касб этди. Чунки ҳукуматга қарши кучларнинг жанговар тузилмаларини тайёрлаш, пул ва ҳарбий техника билан таъминлаш манбалари Тожикистондан ташқарида эди.

Ўзбекистон ҳукумати Тожикистонда ва тожик-афғон чегарасида можаронинг давом этаётганлигидан ташвишда. Аввалинбор бунинг сабаби шуки, асрлар мобайнида Марказий Осиё халқлари иқтисадий, маънавий ва маданий жиҳатдан чамбарчас боғлиқ бўлишган. Ҳозирги вақтда мазкур минтақанинг кўпгина мамлакатлари ўртасида аслида том маънодаги чегаралар йўқ. Шу боисдан ҳар қандай нуқтадаги можаро соғ жуғрофий сабабларга кўра бутун минтақани қамраб олиш хавфини туғдиради.

Можаро содир бўлаётган жойларда ғоят кўп миқдорда замонавий қурол-яроғ ҳеч бир назоратсиз тўпланаётганлиги ҳам бизни ташвишга солаяпти. Бу қуролярлар қаердан келаяпти ва улар экстремистлар билан террорчиларнинг кўлига қандай тушиб қолаяпти? Биродаркүшлик уруслари бўлаётган жойларга қуролларнинг бундай оқимини тўхтатиш учун жаҳон ҳамжамияти нима қилаяпти ва нималар қилиши лозим? Ҳалқларнинг манфаатларига, миллатларнинг тақдирига ва миллионлаб кишиларнинг ҳаётига дахлдор бўлган бу саволлар ўз жавобини кутаяпти.

Тожикистонлик қочоқлар муаммоси можаро алангасида мисли кўрилмаган кескинлик касб этди. Ўн минглаб тинч аҳоли тұғилиб ўсган жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Ўзбекистон Тожикистонга озиқ-овқат, энг зарур моллар юбориб турибди. Қочоқларнинг қайтишига ёрдам бераяпти. Инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда БМТ мусасасаларига Термиз Бюроси орқали баҳоли қудрат кўмаклашацияпти.

Ўзбекистон экстремизмни, террорчилликни, ҳар қандай кўринишдаги диний фанатизм ва ақидапарастликни қатъян қоралайди. Биз можарони сиёсий воситалар ёрдамида

тинч йўл билан ҳал қилиш, бир-бирига қарши курашувчи томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш, мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тарафдори бўлиб, тожик ҳалқига ва аввало Афғонистондан қайтиб келаётган қочоқларга бундан бўён ҳам инсонпарварлик ёрдами беришга тайёрмиз.

Ўзбекистон Тожикистондаги можаронинг бошиданоқ вазиятни синчилаб ўрганиш ва унинг БМТ доирасида бартараф этилишини таъминлаш ниҳоятда зарурлигига БМТ Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Голийнинг эътиборини икки марта жалб қилди.

Тожикистондаги можаро хусусида ташвиш билдириб, унга тез эътибор берганлиги ва куч-гайрат сарфлаганлиги учун биз БМТдан, унинг Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Голийдан миннатдормиз ва жаҳон ҳамжамияти тинчлик ишига қўшилган бу ҳиссага муносиб баҳо беришига ишончимиз комил.⁴ Мintaқада БМТ Бош котибининг маҳсус элчиси жаноб И. Киттани раҳбарлигидаги миссия самарали ишлайпти. Бизнинг назаримизда, у тўплаган материал БМТ Хавфсизлик Кенгашининг мажлисида можаронинг характеристири ва ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисида объектив хуносалар чиқариш имконини берди.⁵

Шунга қарамай, ҳозирги вазиятга асосланиб, нафақат Тожикистонда, балки Афғонистонда ҳам тожик-афғон чесгарасидаги аҳволга етарлича эътибор берилаяпти деб айтиш қийин. Ушбу можаронинг миқёслари ва потенциали, бутун дунёга хавф солаётган ҳалокатли оқибатлари ҳали тўла-тўқис англаб етилганий йўқ. Фурсатдан фойдаланиб, мен Бош Ассамблея сессиясининг қатнашчиларини мазкур муаммони ҳал қилиш йўллари тўғрисида ўзларининг амалий фикр-мулоҳазаларини билдиришга чақираман.

Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий ишловчи семинари чақирилишини айни муддао деб ҳисоблади. Тинчлик ўрнатишида қадимий анъаналарга эга бўлган, ҳалқаро ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик руҳи билан йўғрилган шаҳар сифатида Тошкент БМТнинг ана шундай семинари ўtkaziladigan жой бўлишга тайёр. Доимий ишловчи семинарда жаҳонда умумий хавфсизлик сиёсати доирасида ва БМТ Низомининг 52-моддасига мувофиқ манфаатдор мамлакатлар Марказий Осиёда мintaқавий хавфсизликнинг ишончли тизимини вужудга келтириш им-

кониятларини муҳокама қила олур эдилар. Бундай тизим можаролар ва урушлар юзага келган ҳолларда тинчликни сақлаш ва қайта тиклаш борасидаги чора-тадбирларни, жумладан, тинчликни ва чегараларнинг яхлитлигини бузмоқчи бўлганларга қарши дипломатик, молиявий, иқтисолий ҳамда бошқа тусдаги колектив жазо чораларини кўзда тутиши, ушбу минтақада барқарорлик ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш бўйича БМТ учун тавсияномалар ишлаб чиқиши мумкин бўлур **эди!**

Ўзбекистон жаноб Бутрос Бутрос Голийнинг 1992 йил 31 январда Хавфсизлик Кенгашида баён қилган "Тинчлик кун тартиби"да таклиф қилганидек, Ер юзида хавфсизликни таъминлашда жаҳон ташкилоти сифатида БМТнинг янги ролига эришиш йўлларини қўллаб-қувватлади. Биз БМТ Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Голийни Марказий Осиё минтақасига, жумладан Ўзбекистон Республикасига келишга таклиф қиласиз. Ишончим комилки, БМТ ва унинг Бош котибининг обрў-эътибори ушбу минтақада воқеалар салбий ривожланишининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик имконини беради.

"Кун тартиби"да жаноб Бутрос Бутрос Голий ҳозирги ҳунарни олдини олиш дипломатиясининг аҳамиятига катта эътибор беради. Бу эса бизнинг нуқтаи назаримизга тўла мос келади. Мана шу юксак ҳалқаро минбардан туриб, БМТни ўзининг тинчликпарвар фаолиятини, айниқса можаролар чиқадиган жойларда тинчлик ўрнатиш фаолиятини янада кучайтиришга чақиришни истардим.

Шуни эътироф этишга тўғри келадики, кўп ҳолларда нуфузли ҳалқаро ташкилотлар можароли вазиятларга, ифодали айтганда, ёнғин ҳиди эндиғина чиқаётган пайтда эмас, балки батамом ловуллаб кетганда, бартараф этиш қийин бўлиб қолгандан кейингина эътибор бера бошлайдилар. Жаҳон ҳамжамияти можаролар кучайишининг олдини олиш мақсадида кўп ҳоллардаги бефарқ кузатувчи ролидан фаол тинчликпарвар нуқтаи назарига ўта бориши керак.

Шу муносабат билан БМТ Хавфсизлик Кенгashi ҳузурида юзага келаётган ҳалқаро можароларни таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш бўйича маҳсус гуруҳ ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундан мақсад тегищли қарорлар қабул қилиш учун Хавфсизлик Кенгашига, БМТнинг бошқа бўлинмаларига, бутун

жаҳон ҳамжамиятига зудлик билан тавсияномалар тайёрлашдан иборатдир.

Ҳозирги замон воқелиги шундайки, бир мамлакатнинг хавфсизлиги бошқа давлат ҳисобидан таъминланиши мумкин эмас. Минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажралган ҳолда кўриб бўлмайди. Шунга асосланиб, Ўзбекистон ядро қуролининг батамом тугатилиши учун, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартноманинг самарали ҳаракат қилиши ва унинг ҳеч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат қиласди. Бизнинг республикамиз ана шу Шартноманинг ҳаракат қилиш муддатини узайтиришга оид Конференцияга тайёртарлик музокараларида фаол қатнашади. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ядросиз зона деб эълон қилинишининг қатъий тарафдоридир.

Биз кимёвий қуролни тақиқлаш Конвенциясига қўшилиш тўғрисидаги ҳамда бактериология қуролини тақиқлаш муаммолари бўйича зарур музокараларни ҳам масъулият билан ўтказиш ниятидамиз. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида кимёвий ва бактериологик қуролининг тарқатилиши устидан ҳалқаро назорат ўрнатиш зарур деб ҳисоблади.

* * *

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Биринчи навбатдаги муаммолар орасида наркобизнесга қарши қаратилган умумий саъӣ-ҳаракатларни кучайтириш масалаларига алоҳида эътиборни қаратишни истардим. Биз ана шу иллатга қарши курашда кенг қўламли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз. Жаҳонда ишлаб чиқарилаётган ва истеъмол қилинаётган наркотик моддаларнинг талайгина қисми Марказий Осиёда тайёрланаётганлиги ёки унинг орқали ташиб ўтилаётганлиги сир эмас. Наркобизнеснинг транзит йўналишлари бир минтақада жамланишининг ўзиёқ мана шу даҳшатли ҳодисани тугатишида жаҳон ҳамжамияти ўз имкониятларини жамлаб, ишга солиши учун етарли асос бўлади. Ўзбекистон барча манфаатдор мамлакатлар ва ташкилотлар билан бу борада ҳамкорлик қилишга тайёр. Наркобизнесга қарши курашда биргаликдаги куч-ғайратларни мувофиқлаштириш учун Марказий

Осиёда БМТнинг минтақавий Комиссияси тузилишини биз қутлаган бўлур эдик.

Биз атроф мұхитни назорат қилиш ва жаҳон миқёсідаги экологик фалокатларнинг олдини олишда БМТнинг роли кучайтирилишини ҳам ёқлаб чиқаяпмиз. Мана шу олижаноб вазифани амалга оширишда ҳар жиҳатдан кўмак беришга тайёрмиз.

Дунёдаги кўргина минтақалар каби Марказий Осиё ҳам гоят катта миқёсдаги экологик оғатларга дуч келаяпти. Энг аввало бу гап Орол денгизи фожиасига тааллукли. Кейинги йилларда унинг ҳажми уч баравардан кўпроқ қисқарди, майдони икки баравар камайди, қирғоқ 80 километрга чекинди, сувнинг минераллашуви даражаси тўрт бараваргача ошди, ҳайдаладиган икки миллион гектар ерни қум босди, чанг-тўзонлар бўрони 300 километр ва ундан кўпроқ масофага етиб борадиган бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси минтақадаги санитария ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. БМТ экспертларининг фикрига кўра, Орол муаммоси ўзининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари жиҳатидан 20-асрнинг энг катта оғатларидан бири бўлиб қолди.

Орол денгизининг ҳалокати бутун дунё учун олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлар келтириб чиқармоқда. Биз жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, Оролни ва Оролбўйини қутқаришда ёрдам беришга чақирамиз.

Фалокатнинг ҳақиқатан ҳам жаҳон миқёсида эканлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон БМТнинг Орол бўйича маҳсус Комиссияси ташкил қилинишини ёқлаб чиққан бўлур эди. Бу Комиссия минтақадаги ҳукуматлар билан келишган ҳолда ва БМТнинг имкониятлари орқали ҳалқаро кучлар ва маблағларни мана шу экологик фожиани бартараф этишга жалб қилган бўлур эди. Дастлабки қадам сифатида мазкур Комиссия ушбу муаммо бўйича Нукус шаҳрида БМТ ҳомийлигига Халқаро конференцияни тайёрлаши мумкин бўлур эди.

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон "совуқ уруш" тугаши даврида мустақил бўлди. Ана шу давр БМТ ва жаҳон ҳамжамияти олдида йиғилиб қолган муаммоларнинг жамики мажмуига сергаклик билан янгича баҳо беришни тақозо қиласди. Биз Шимолдаги тараққий этган мамлакатлар билан Жанубдаги ривожланаётган давлатлар ўртасида ҳадиксираш кучайган-

лигидан хавотирдамиз. Шарқ билан Farb ўртасида аввал бўлган мафкуравий муросасизлик эндиликда миллий ва диний заминдаги муросасизлик билан алмашаётганилиги хусусида таассуф билдирамиз. Биз ақидапарастлик, экстремизм, террорчилик тамойилларининг кучайганлигидан ташвишдамиз.

Бизнинг назаримизда, вужудга келган шароитда инсоният тараққиётини чигаллаштириб юбориши мумкин бўлган янги можароларнинг олдини олишда айни БМТ асосий восита бўлиши керак. Шу муносабат билан бизга БМТнинг энг муҳим органи — Хавфсизлик Кенгаши ҳозирги дунёнинг ижтимоий-иқтисодий, этник-маданий, диний, маънавий жиҳатдан ғоят хилма-хиллигини баб-бара-вар тарзда акс эттириши, ўзининг таркиб топган консерватив тузилмасини қайта кўриб чиқиши учун ҳам самарали чоралар кўриш зарурати ниҳоятда етилди, деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон ҳалқлари янги минг йиллик бўсағасида турибдилар. Улар ўз келажагининг порлоқ, истиқболли бўлишини истайдилар. Жаҳон миқёсидаги мафкуравий қарама-қаршиликларнинг ағдар-тўнтарлари ўтмишда қолаяпти. Ҳалқларнинг тинчлиги, ҳамкорлиги, ўзаро хавфсизлигидан бошқа йўл йўқ эканлигига қатъий ишонч ортиб бора япти.

Ҳақиқатан ҳам, инсониятнинг эртанги куни қандай бўлар экан? У янги даврга қай ҳолда кириб боради? У ўтмишнинг оғир меросини бартараф эта оладими? Ўзаро ҳадиксираш, ишончсизлик, ҳукм ўтказиш ҳоллари йўқ бўлиб кетганда у давлатлараро муносабатларда рўй-ростлик ва самимийликнинг шундай даражасига эришадими? Миллатлар ҳамжамиятининг келажаги мана шу саволларга бериладиган жавобларга боғлиқ. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг муштарак манфаатлари билан узвий боғлиқ ҳолда, унинг замонавий ривожланиши даражасига хос бўлган чуқур демократик жараёнлар ўзанида устувор миллий мақсадларга эришиш сари қатъият билан бориш ниятидадир. Ўзбек ҳалқини инсониятнинг ягона оиласида осон бўлмаган, аммо буюк келажак кутаётганилигига унинг ишончи комил.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ВАТАН, ЭЛ МАНФААТИ — МУҚАДДАСДИР

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Аввало, фурсатдан фойдаланиб, сиз депутатларга ва сиз орқали Сирдарё вилоятининг барча меҳнаткашларига эзгу ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман. Шу кунларда сизлар ҳам мустақил республиканизнинг барча меҳнаткашлари каби ғоят мураккаб келган хўжалик йилининг сарҳи-собини қилмоқдасиз. Сирдарё вилояти меҳнаткашларининг бағри унинг бепоён замини каби кенг, очиқ ва саховатлидир. Бу ерда ҳар бир мисқол ҳосил нақадар катта меҳнат ва мустаҳкам ирода, ақл ва идрок, сабот ва матонат эвазига етиштирилишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг бугуни ҳамда эртаси ҳақидаги аниқ ва қатъий йўлимизни Бирлашган Миллалар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқимда яна бир марта баён этганимдан хабарингиз бор. Ўшанда таъкидлаганимдек, биз аниқ тарихий вазиятга, ўзбек халқининг руҳияти ва айланаларига асосланиб, ўз ислоҳотларимизнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқдик ва бу йўлда дастлабки самарали қадамлар қўйилди. Ана шу эзгу ниятларни амалга ошириш юргизида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг, айниқса зиммасига масъулият юқлатилган ҳар бир катта-кичик раҳбарнинг муқаддас бурчидир. Шу билан бирга, ҳар биримизнинг Ўзбекистоннинг келажаги йўлидаги фидойилигимизни, ватанпарварлигимизни, имон ва инсофимизни қаттиқ синовдан ўтказадиган тарихий давр келди.

Албатта, Россияда рўй берадиган воқеалар ҳаммамизни ташвишга солмоқда. Чунки уларнинг бизга бевосита таъсири бор. Бу фожиали воқеаларнинг асосий сабаби, илдизи нимада?

Шўро салтанати парчаланиб кетгач, ҳамма мустақил республикалар каби Россия ҳам ўзига хос тараққиёт йўлини таилаб олди. Менимча, ана шу йўл танлашда,

иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда шошма-шошарлик қилинди. Ҳам сиёсатда, ҳам иқтисодда, ҳам маънавиятда одамларнинг руҳияти, дунёқарашига мос йўл танланади. Бирорларнинг гапига кириб, "шок терапияси" деб, ислоҳотлар сунъий равишда тезлаштирилди. Баъзи ижтимоий табақаларнинг эътиқоди назарга олинмади, тарихи оёқости қилинди. Одамларнинг турмуш даражаси пасайди. Натижада одамлар ўртасида зиддият, жамиятда бўлиниш рўй берди. Ҳокимият талашиш, одамларнинг бошини айлантириб ўзига қаратиш бошланди.

Бошқа давлатни, у амалга ошираётган ишларни танқид қилиш нотўғри. Лекин, нима бўлсаем, одамлар озор чекмаслиги, қон тўкилмаслиги керак. Мен Борис Ельцин, Виктор Черномирдин билан телефон орқали суҳбатда ҳам уларга шу гапларни айтдим. Ўзбекистон халқи сизларга, Россия халқига фақат тинчлик тилайди, сизда тинчлик бўлса, бизда ҳам осойишталик бўлади, дедим.

Бизда қўшнинг тинч — сен тинч, деган мақол бор. Тожикистон ҳақида доимо жон куйдирив гапиришимизнинг сабабини ҳам шундай тушунмоқ керак.

Аввал одамларнинг қорнини тўқ, устини бут қилайлик. Аввал иқтисод, кейин сиёсат деганларидек, оч одам мусиқани ҳам қорни билан эшитади. Қулогига гап кирмайди. Ахир, ислоҳотлардан мақсад одамларнинг ҳаётини яхшилаш эмасми? Бошқа гаплар кейин бўлаверади. Хулоса шуки, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишда биз ишлаб чиқсан биринчи, асосий тамойилда қўзда тутилганидек, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Сирдарё вилоятида аҳвол, одамларнинг кайфияти қандай? Афсуски, қониқарли эмас.

Қадрли дўстлар!

Бугунги сессия кун тартибига қўйилган масала, назаримда, ҳаммага бир қадар маълум бўлса керак.

Қисқаси, Сирдарё вилоятидаги вазият ҳаммамизни, аввало Президент сифатида мени ташвишга солмоқда. Вилоятда кейинги пайтларда ижтимоий-иқтисодий масалаларга раҳбарлик бўшаштириб юборилди. Бу эса вазиятнинг мураккаблашувига, жойлардаги маънавий-руҳий муҳитнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Камчиликлар, йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳақида гапи-
пар эканмиз, биринчи навбатда режалар бажарилиши, иш-

лаб чиқаришнинг аҳволи, одамларнинг таъминоти, кайфијати, кун кечириши, хавфсизлигини таъминлаш масалаларига, умуман, Сирдарё вилоятида раҳбарлик ишлари қандай бораётганига эътибор бермоқ зарур. Сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизга ислоҳотлар татбиқ этилаётгани, мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар, фармонлар қайдаражада бажарилаётганини ҳисобга олиб, вазиятни баҳолашимиз лозим.

Вилоятдаги ижтимоий аҳвол, ишни ташкил қилиш, олдимиизда турган муаммоларни, вазифаларни ҳал этиш йўлида ҳалқни, меҳнаткашларимизни бирлаштириш, жипслаштириш, уларга аниқ йўл кўрсатиш, бошчилик қилиш масалалари атрофлича ўрганилди, тегишли текширишлар, суҳбатлар ўтказилди. Кўпчиллик ноиблар, раҳбарлар, ишчилар, фахрийларнинг, умуман айтганда шу эл-юрт жонкуярларининг ҳulosаси шуки — вилоятдаги бугунги аҳвол қониқарли эмас.

Вилоятда ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб бормоқда. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган йили 1991 йилга нисбатан 92,3 фоизга уddeланган бўлса, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 1992 йилнинг шу давридагига нисбатан 90,5 фоизга бажарилган, холос.

Айниқса, шаҳар ва туманларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни назорат қилиш эътибордан четда қолган.

Чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар ташкил қилишдек замон талабига вилоятда етарли эътибор берилмаётир. Ҳозир рўйхатдан ўтган 5 та қўшма корхонадан атиги 2 таси фаолият кўрсатялти. 493 та кичик корхонадан 52 таси, 47 та ширкатдан 12 тасидагина ҳалқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу тизимда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар умумий ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳаммаси бўлиб 5 фоизини ташкил этади, холос.

Бозор иқтисодиётига ўтишда мулкни хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқаришнинг аҳамиятини бир қанча туман ҳокимлари унутиб қўйган. Бунга керагича мисоллар келтириш мумкин.

Капитал қурилиш соҳасида бирмунча ишлар қилинганига қарамай, уй-жойларни фойдаланишга топшириш, янги уй-жойлар қуришни режалаштириш ўта суст амалга оширилмоқда.

Аҳолининг аҳволини ҳисобга олсак, бугунги энг долзарб масалалардан бири — ҳалқни ичимлик суви ва газ билан таъминлашдир. Афсуски, бу соҳада қилинаётган ишлар ҳам ҳеч кимни қониқтиrolмайди — режа атига 50 фоиздан зиёдроқ қилиб бажарилган, холос. Кўпгина туманларда эса аҳолини марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминлаш бор-йўғи 22—50 фоизга удаланган.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасида ташкилотчилик, ташаббускорлик сезилмаётир. Жойларда тузилган меҳнат биржалари аксарият ҳолларда зиммаларига юклangan вазифаларни бажармаяпти. Ўтган давр мобайнида улар 875 нафар кишини ишга жойлаштирган, холос. Ваҳоланки, рўйхатга олинган 17 минг нафар ишсизга йил охирига бориб яна 2 минг киши қўшилиши кўзда тутилмоқда. Айни вақтда ташкилот, корхона ва хўжаликларда 1200 иш жойи бўш тургани меҳнат биржалари ва раҳбарлар эътиборидан четда қолаётганига нима дейсиз?! Ахир, одамларни иш билан таъминлаш, даромад олиш, турмуш даражасини яхшилаш учун қайгуриш бозор иқтисодиётига ўтилаётган пайтда муҳим аҳамият касб этишини раҳбарлар наҳотки тушунмаса?

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам аҳвол яхши эмаслиги кўзга ташланади. Деҳқончилик саноати уюшмаси хўжаликлари ўтган йили қониқарсиз ишлагани сабабли уларнинг молиявий кўрсаткичлари жуда паст бўлди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш режалари 12 асосий турдаги маҳсулотдан 6 таси, яъни 50 фоизи бўйича бажарилмай қолган. Асосий даромад манбаи бўлган пахта 93,7, сабзавот 94,4, узум 76,4, сут 92,8, тухум 72,5, асал 16,4 фоизга бажарилди.

Бунинг асосий сабаби суғориладиган майдонлардан фойдаланиш даражаси пасайиб кетгани ва агросаноат бирлашмасидаги ходимларнинг масъулиятсизлиги, ихтисоси бўйича билими пастлиги, нотўғри танланганидир.

Ўтган йили чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш борасидаги ишлар ҳам талаб даражасида бўлмади. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш режаси биронта турдаги маҳсулот бўйича бажарилмади. Натижада чорва маҳсулотларини сотишдан 160 миллион сўм зарар кўрилди.

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида қилинган ишлар натижаси шуни кўрсатадики, вилоят ҳокимлигидаги деҳқончилик

мажмуига масъул раҳбарлар ҳамда шу соҳада меҳнат қилаётган ходимлар ўтган йилги йўл қўйилган камчиликлардан тегишли хulosса чиқармаган.

Чорва молларининг бош сонини кўпайтиришга етарлича аҳамият берилмагани натижасида шу йилнинг ўтган даври мобайнида барча турдаги молларнинг сони ўтган йилга нисбатан камайтириб юборилди. Шунингдек, давлатга ўтган йилдагига нисбатан 3 минг тонна сут кам сотилди.

Халқимизнинг ризқ-рўзи, асосий даромад манбаи бўлмиш пахтачиликдаги бугунги аҳвол ҳаммангизга маълум. Мен кўп йиллар мобайнида республикада пахта етишириш аҳволини кузатиб келаман. Лекин Сирдарё вилояти ҳеч қачон бу йилгидек оқсамаган, пахта тайёрлашда энг орқада қолмаган эди. Бу нима дегани ўзи? Сирдарё деҳқонлари, миришкорлари ҳар доим бошқалар учун ўринак эди-ку! Мана шу чўлларни ўзлаштирган, обод қилган одамлар қани? Сирдарёликларнинг бошқалардан нима камчилиги бор? Бу юртда жонқуярлар йўқми? Бор! Фақат уларнинг бошини қовуштириш, бир мақсад сари йўналтириш йўқ. Уларнинг меҳнатини қадрлаш, рози қилиш йўқ. Юзингизга айтаман, сизлар меҳнатда тобланган одамларсиз. Бундай заҳматкаш, сабр-қаноатли халқни топиш қийин. Лекин кейинги йилларда қандай янгилик, қандай ташаббус билан чиқдинглар?

Режадаги пахтанинг маълум миқдори ва ортигини хўжаликлар ихтиёрида қолдириш тўғрисидаги фармонни бажаришда ҳам жуда катта камчиликларга йўл қўйилган. Бундан кўп ҳолларда қўли эгри, ноинсоф, қишлоқ хўжалигига умуман алоқаси бўлмаган кимсалар мўмай пул ишлаш учун фойдаланган.

Қачонгacha бойликни деҳқон яратиб, фойдасини бошқалар кўради? Нега уларга жазо бермаймиз? Бунинг сабабини биламиз, кейин айтаман.

Бундан ташқари, вилоят агросаноат уюшмасига қарашли хўжаликларда камомад, ўринсиз харажатлар ва талонторожчилик ҳолларини бартараф этиш бўйича кўрилаётган тадбирлар ҳам қониқарли эмас, 1993 йилнинг 9 ойи мобайнида камомадлар акс этган 38 та тафтиш ҳужжатлари прокуратура ва ички ишлар идораларига берилган бўлсада, ҳанузгача кўриб чиқилмаган. Бунга сабаб нима??!

Жиноят жазосиз қолиши оқибатида хўжаликларда мулкни талон-торож қилиш ҳамда четга рухсатномасиз маҳсулот олиб чиқиб кетиш ҳоллари тақорламоқда.

Республика раҳбариятининг аҳолини дон ва ёнилғи маҳсулотлари билан таъминлаш борасида қилаётган ишига тўсиқлар қўйиляпти.

Дон маҳсулотлари республикамизга валюта ҳисобига олиб келиниб турган бир вақтда туман ҳокимларининг кўрсатмасига асосан 1000 тонна буғдой чорва молларига озуқа ҳисобида бериб юборилган. Бунинг тагида жиноят борлиги ҳаммамизга аниқ бўлиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш тадбирлари тўғрисида" ги ҳамда "Республика чорвачилигига иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорларини бажариш юзасидан қилинаётган ишлар талаб даражасида эмас. Бугунгача 10 та хусусийлаштирилган фермада гўшт ва сут етиштириш режаси бажарилмаган.

Хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг айби билан вилоятда иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда ички механизmlарнинг ишлаб кетиши қийин бўлмоқда. Хўжаликларда мулкка бўлган муносабат деярли ўзгармаяпти.

Бугунги кунда вилоятда 650 фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётир. Булардан 455 тасига 15 минг ўрнига 3 минг гектаргина ер ажратилган. 200 фермерга эса умуман ер берилмаятган. Буни ҳандай тушунмоқ керак?

Аҳолининг соғлигини сақлаш, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш давр талабларига тўла жавоб бермайди. Вилоятда оналар ва болалар ўлимининг олдини олиш учун барча имкониятлар ишга солиняпти деб айта олмаймиз.

Халқ таълими ва мактабгача тарбия муассасалари ишидаги жиiddий камчиликлар баратараф этилмаётир. Мактаб, ҳунар-техника билим юртлари ва мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия бериш шу тизимга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Ўқитиш ҳамон эскича. Умумий таълим мактабларида 100 дан ортиқ фан ўқитувчилари етишмайди.

Халқ таълими соҳасида Президент Фармонларининг бажарилиши талаб даражасида эмас. Уй-жойларни хусусийлаштириш учун ариза берган 5344 ўқитувчидан кўпининг илтимоси қондирилмаган. Нега келажак авлодни тарбия-

лайдиган, унга билим берадиган ўқитувчига бундай муносабатда бўляпмиз? Бу фармонни чиқарганимизга неча йил бўлди? Бунига ким жавоб беради?

Биринчи — бешинчи синф ўқувчиларига бепул нонушта бериш ҳам қониқарсиз аҳволда. Уларга кўп ҳолларда фақат чой ва ион берилмоқда. 1993 йилнинг биринчи ярим йиллигида боғчада тарбияланувчиларга тегишли маҳсулотларининг атиги 30—50 фоизи берилган. Бунга нима деса бўлади? Бунинг ҳаммасига сабаб ўғрилик, юлғичлик эмасми? Нега шундай одамларнинг башарасини очиб ташламаяпмиз? Мактабларни қишики мавсумга тайёрлаш ишлари ҳам қониқарсиз экани нега ҳеч кимни ташвишга солмайди?

“Сирдарёсавдо” концернига қарашли ташкилот ва савдо шоҳобчаларида савдони ташкил қилиш, аҳолини белгиланган миқдордаги моллар билан таъминлашда жуда кўп хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Натижада ажратилган озиқ-овқат ва саноат моллари аҳолига етарли миқдорда етказиб берилмаяпти.

Савдо дўёнклари пештахталарида озиқ-овқат маҳсулотлари йўқ ҳисоби. Бу соҳа бўйича хусусийлаштириши хўжакўрсинга, аксарият ҳолларда кўзбўямачилик билан ўtkазилмоқда. Ваҳоланки, хусусийлаштиришдан туб мақсад — маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўлмоги лозим.

Лекин савододаги раҳбарлар шалоғи чиққан битта газсув дўёнчасини кимгандир бериб, уни хусусийлаштириш рўйхатига киритиб, кўкракларига уриб юрибди. Бунинг ҳаммаси кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас.

Меъёrlанган озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолига етказиб беришда ҳам жiddий камчиликларга йўл қўйиляпти. Аҳолини белгиланган меъёrdаги маҳсулотлар билан таъминлаш, сифатига эътибор бериш, назорат қилиш ёмон аҳволда.

Савододаги тартибсизликлар камаймаяпти. Харидорлар ҳақига хиёнат қилиш, ноёб молларни яшириб сотиш ҳолларининг олди олинмаяпти. Харидорлар ҳақидан уриб қолиб, чўнтагини мўмай пул билан тўлдираётганларга нисбатан кескин чоралар кўрилмаяпти.

Сирдарё ҳалқига ажратилган моллар, жумладан, озиқ-овқат молларининг кўп қисми Тожикистоннинг Ленинобод вилоятига олиб бориб сотилияпти. Мошин-мошин маҳсулот четга чиқиб кетяпти. Буни оддий одамлар кўриб, билиб

турибди. Божхона ходимларининг кўзи кўрми? Буни кўпчилик раҳбарлар ҳам, маъмурий орган ходимлари ҳам билади. Лекин чора кўрмайди. Нима учун десантгиз, тили қисиқ, ўзлари муттаҳам. Одамларнинг ишончидан қолган, бирорванинг юзига қарай олмайди.

Бюджет маблағларининг ўта танқислиги шароитида вилюятда зарур бўлмаган харажатларни камайтириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмаган. Бунинг устига бюджетда кўзда тутилмаган тадбирлар учун кўплаб маблағлар ажратилган.

Айрим ташкилотларнинг раҳбар ходимлари айби билан бюджет ҳисобидан товоң пулларини олишда кўплаб қўшиб ёзиш ҳоллари рўй бермоқда.

Ташкилот, муассаса ва корхоналарда давлат маблағларидан фойдаланишида қўпол молиявий хатоларга, кўплаб талон-торож қилишлар, гайриқонуний сарф-харажатлар, асоссиз тўловларга йўл қўйилган.

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида тафтиш ва текширувдан ўтказилган 303 ташкилот ва муассасанинг 231 тасида, яъни 80 фоизида гайриқонуний харажатлар, камомад ва ўғриликларга йўл қўйилгани аниқланди. Буни қандай баҳолаш мумкин? Тартиб-интизом борми ўзи?

Айтиб ўтилган камчиликлар бошқарма, муассаса ва ташкилотлар фаолияти устидан назоратнинг сусайтириб юборилгани, назорат-тафтиш бўлимларидан ахборот ва маълумотлар талаб қилиб олинмагани ҳамда кадрлағни танлашда қўпол хатоларга йўл қўйилгани оқибатида содир бўлган.

Зарар кўриб ишлайдиган корхона ва ташкилотлар ҳамон кўплигича қолмоқда. Шу йилнинг 1 сентябригача бўлган маълумотга кўра, 331 корхонанинг 38 таси молияхўжалик фаолиятини 568 миллион сўм зарар билан якунлаган.

Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 788 ташкилотда солиқ бўйича қонунчилик бузилган. Қайта назорат қилиш натижасида давлат бюджетига 517 миллион 415 сўм қўшимча кирим қилинди. Бу ташкилот раҳбарлари чүнтакни қапнайтиргунча, давлат билан ҳисоб-китобни тўғрилаб қўйса бўлмайдими? Эртага пенсия, нафақаларни, ўқитувчи ва шифокорларга маошни нима ҳисобидан гўлаймиз? Бу давлатни алдаш эмасми?

Хурматли депутатлар!

Йилнинг бошида республикамизда жиноятчиликка қарши кескин кураш бошланганидан хабарингиз бор. Вақтида кўрилган бу тадбирни ҳалқимиз қўллаб-қувватлади ва енгил нафас олди. Аммо Сирдарё вилоятида жамоат тартибини сақлаш ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш соҳаларида маъмурий, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти талаб даражасида эмас. Соҳа ходимлари ўртасида лоқайдлик, бефарқлик ва маънавий ўпирлиш иллати иллиз отган ҳоллар мавжуд. Сўнгти йилларда вилоятда жиноятчилик, шу жумладан оғир жиноятлар сонининг ошиб бораётгани ғоят ташвишланарлидир. Масалан, қотиллик 1993 йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан республикада 19 фоиз камайгани ҳолда, вилоятда 37 фоиз ўсган.

Жиноятчиликнинг ўсиши маъмурий, ҳуқуқ-тартибот идораларининг суст ишлашига, вазияти тўғри баҳолай билмасликларига ҳам боғлиқдир. Кўпгина жиноий ишлар судгача этиб бормай, жиноят содир этганлар жазога тортилмасдан қолмоқда.

1993 йилнинг 9 ойи мобайнида 1693 жиноят қайд этилган бўлиб, шундан 415 таси фош этилмай қолган. Рўйхатга олинган 52 та қотилликдан фақат 25 таси судда кўрилган, холос. Фуқаролар мулкини ўғирлаган 600 жиноятидан фақат 351 нафаригина жазога тортилган.

Тепор яз суд идораларида леир жиноятларни содир этганларга нисбатан асоссиз равишда енгиллик бериш ҳоллари кўп учрамоқда. Айрим инсофсиз ва диёнатсиз судьяларнинг "марҳамати" туфайли жиноятчилар қонуний жазодан қутулиб кетмоқда.

Халқ ионини тия қилаётганларга нисбатан кескин чоралар кўрилмаяпти. Зиммасига юклатилган вазифани бажармаса бу идоранинг нима кераги бор? Порахўрлик учунми? Оддий фуқарони ҳимоя қилиш учун эмасми? Табиий савол туғилади: милиция ўз бурчини бажармаса, божхона ходимлари порахўр бўлса, прокурор заиф, ўйинчи бўлса, ҳокимларнинг қулоғи кар, кўзи кўр бўлса, оддий фуқаро кимга боради? Уни ким ҳимоя қиласди? Унинг ғамини, ташвишини ким чекади? Қани адолат, қани ҳақиқат? Шу ишни бажармаса елкасига погон тақсанлар нега керак? Нима учун уларга отнинг калласидек ойлик бериб

қўйибмиз? Нима учун шунча шароит яратиб бердик?

Одамларни ҳимоя қилиш учун эмасми?

Оддий одамлар, халқ ана шу воқеаларни, қингирликларни кўради-да, унда ҳаммаси қуруқ гап, адолат йўқ, бўлмаган ва бўлмайди ҳам деган фикр туғилади. Энг ёмони шунда.

Ахир, одамларга яқин бўлишимиз, муаммоларни ҳал этиб беришимиз керак эмасми? Улар бизга ишониб, бизни шунинг учун сайлаган эмасми?

Вилоят ҳокимлиги жамоат ташкилотлари, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган фаоллар билан ҳамкорликда, уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириб, маслаҳатига қулоқ тутиб ишлашни ташкил қилолмаса, албатта, шу юртда аҳиллик бўлмайди, иш ҳам юришмайди.

Оммавий аҳборот воситаладида вилоятда амалга оширилаётган ишлар ўз аксини топмаётир, уларга раҳбарлик эса бўшаштириб юборилган. Истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этувчи тизимлар ҳаракатта келтирилмаган.

Ҳурматли ноиблар!

Шу ўринда биринчи раҳбар, унинг вазифалари ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Мен илгари нутқларимда кадрларни бир неча тоифага ажраттан, кимлар билан қандай ишлаш кераклиги тўғрисида фикримни баён этган эдим. Биринчи тоифа, бу — ҳозирги оғир вазиятдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қиласидиган, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, халқ ғамташвишидан бегона кимсалардир. Иккинчи тоифа эса — бефарқ, лоқайд одамлар бўлиб, уларни "ўйинчи" дегим келади. Бундай раҳбарлар ҳеч кимга қарши гапиришни, душман орттиришни хоҳламайди. Ўйин билан юрибди. Шамолга қараб туради. Хушомадгўйлик билан овора. Неча марта айтдим: менинг номимни улуғлаш керак эмас! Вилоятларга киравериша, чегарада суратимни осиб қўйиш керак эмас! Одамлар нима дейди, ахир! Ҳар бир маъруза, ҳар бир нутқ Каримовдан бошланиб, Каримов билан туғайди. Бу нима деган гап? Каримовни тинч қўйинглар! "Яшасин!" деган даврлар ўтди. Ҳаммаси ўтади. Фақат зимманизга юклатилган ишни бажарсангиз — менга бўлган энг катта ҳурматингиз шу!

Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлини, унинг ўзига хос жиҳатларини одамларга тушунтириш, онгига сингдириб бориш, бу — менинг Президент сифатидаги бурчим. Чунки

биз бу йўлда елкадош бўлишимиз керак. Лекин ана шу фикрлар баён этилган китобларни ҳам улуглаш эмас, ўрганиш керак. Танқидий кўз билан, фикр юритиб ўқиш керак.

Энди кадрларни танлаш масаласига келсак, шуни биллингларки, бу энг нозик иш. Одамлар жойида ўтиrsa, топширилган ишга муносиб бўлса — шунинг ўзи 50—60 фоиз ютуқ демакдир. Ўзи рози бўлса, ундан эл рози бўлса, бундан ортиқ баҳт йўқ. Аммо, вилоятда ҳамон сўзамол, гапга тўн кийдиралиган, ўзини донишманд қилиб кўрсатадиган, лекин халқнинг назаридан қолган кишилар масъул лавозимларда ишлаб келмоқда. Қани вилоят ҳокимиининг кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги ўрни?

Вилоятда кадрларни танлаш, уларни ўрганиш жараёнлари халқ депутатлари, фаолларидан сир тутилган. Кадрларни танлашда уларнинг малакаси, қатъиятлилиги, қобилияти эмас, аксинча, уларни ишга тайинлашда вилоят раҳбарига нисбатан шахсий эътиқоди, садоқати инобатга олинган. Лавозимларни таниш-билишчилик, ошнаогайнигарчилик асосида тақсимлашга йўл очилган. Бу йўл билан тайинланган раҳбарлардан юрт, ватан, истиқол манфаати учун нима кутиш мумкин?

Баъзи раҳбар шахсларни ишдан олиш, уларнинг назидида, жонини олишдай гап. Қўрқади. Hera? Қўлидан бошқа иш келмайдими? Оч қоладими? Йўқ. Сабаби шуки, амалини сунистеъмол қилиб келган бўлади. Мансабдан манфаат топмаса, нега бунча қўрқади?

Сирдарё вилоятида ҳам иккита ҳоким муовини лавозими бўш турди. Баъзи ҳокимлар қўл остида ёш, кучли, ташаббускор одам ишлашини хоҳламайди. Сабаби — заиф раҳбар кучли муовиндан қўрқади. Сирдарёда ана шундай чўлда тобланган ёшлар йўқми? Жуда кўп. Фақат уларни тарбиялаш, ўстиришга эътибор йўқ.

Сизлар фақат ҳамма камчилик, ҳамма "бало" бизнинг вилоятда экан, деб ўйламанг. Афсуски, бу камчилик бу эски касаллик кўп вилоятларга ҳам хос.

Вилоят ҳокимининг эътиборсизлиги ва қатъиятсизлиги туфайли раҳбарлар орасида ақиллик йўқ, бундай аҳвол бошқариш самарасига салбий таъсир қиляпти.

Бу хато ва камчилклар шуни кўрсатадики, вилоят ҳокими раҳбарликни, талабчанликни мутлақо бўшаштириб, вазиятни читаллаштириб юборган. Биринчи

раҳбарликни зиммасига олган шахсга кўп ҳуқуқ берилган, лекин унинг масъулияти ҳам каттадир. Бугунги замон раҳбарлик лавозимида ўтирганлардан қатъият талаб қиласди. Раҳбар бўлиш ҳамманинг ҳам пешонасига ёзилмаган.

Заиф, ўз соясидан қўрқадиган, лекин ўз манфаатини эсидан чиқармаётган шахслар — ўйинчилар билсинки, уларнинг замони — даври ўтди.

Энди ёш, эл-юрт ишига жонини тиккан — мен учинчи тоифага киритган кадрларга умид боғлашимиз керак. Мен Қашқадарёда юрганимда ана шундай ёшларни кўрсам, қани энди, бирон ўрин бўшаса-ю уларни кўтарсам, деб орзу қиласдим. Бунинг учун вилоятдаги ана шуидай ёшларни излаб топиш, яъни ташкилий ишларни яхши йўлга қўйиш керак.

Ҳозир бир куни — бир ойга, бир ойи — бир йилга тенг тарихий даврни бошдан кечиряпмиз. Кечаги ўлчовлар бугунга тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам агар мендан Президент, давлат раҳбари сифатида юрагингдаги энг катта, эзгу ниятинига деб сўралса — Аллоҳ таолога минг шукроналар зйтиб, эл-юртимизга тинчлик-осойишталик сўрадим, халқимизнинг ризқини, насибасини сўрадим, ҳар бир хонадонимизнинг тотувлигини, фарзаандларимизнинг бахтини илтижо қиласдим.

Ана шу мақсад-муродимизга етиш учун нима керак, деб сўралса — аввалимбор эл-юртимизга инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбарлар, фаоллар керак, эл-юрт обрўси учун, ватанимиз манфаати учун жонини тиккан жонкуяр, камарбаста раҳбарлар керак. Қани энди шундайлар ҳар қайси вилоятда, туманда кўпроқ бўлса, дер эдим.

Ҳар қайси шаҳар, туманларимизда, йўлларнинг ҳар бир чорраҳасида мана шу — ҳаммамизнинг қалбимизда бўлган, ҳаммамизни муқаддас ишларга чорлайдиган сермазмун шиорни катта-катта ҳарфлар билан ёзib қўядим: "Бу азиз Ватан — барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиб, керак бўлса жонни фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир".

Хурматли ноиблар!

Нематларга бой еримиз, бағри кенг, меҳнаткаш халқимиз бор. Мана, дунёни кўряпмиз. Бундай халқ, яна

ИСЛОМ КАРИМОВ

такрор айтаман, ҳеч қаерда йўқ. Келинг, йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўзимиз тузатайлик. Ватанимиз, ҳалқимиз баҳт-саодати учун ўзимиз курашайлик. Чунки келажак — ўзимизга керак. Ўшанда Ўзбекистон ўзи тақлаған тараққиёт йўлидан, ёруғ истиқбол йўлидан ортга қайтмайди. Фақат қўлни қўлга бериб ишласак, аҳил бўлсак, иншооллоҳ, барча эзгу ниятларимизга етамиз. Келажак учун хизмат қиласайлик.

*Халқ депутатлари Сирдарё вилояти
Кенгаши сессиясида сўзланган нутқи,
1993 йил 9 октябрь*

**ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ
ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН РАСМИЙ
ҚАБУЛ МАРОСИМИДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Президент жаноблари!
Хонимлар ва жаноблар!

Аввало бизни, Ўзбекистон делегацияси аъзоларини меҳмондўст ва ажойиб Франция диёрида қувонч билан, самимий кутиб олганингиз учун чин қалдан миннатдорлик билдираман.

Президент жаноблари, ёш мустақил Ўзбекистон ва унинг халқи шаънига айтган яхши гапларингиз ва истакларингиз учун Сизга миннатдорлик билдираман. Сизнинг тарих ва маданият соҳасидаги чинакам чуқур билимингиз, Ўзбекистоннинг ўтмиши ва ҳозирги кунига бу ердаги ҳурмат-эътибор бизни ҳайратга солди, Президент жаноблари, Сизга, жаҳон маърифати ва ҳозирги дунё тараққиётига улкан ҳисса қўшган халқингизга миннатдорлик туйғуларини ўйғотди.

Францияда бир неча асрлардан бўён бизнинг тарихи-миз, маданиятимиз, тилимиз, буюк аждодларимиз мероси хусусида чуқур тадқиқотлар олиб борилаётганини мамнуният билан таъкидлайман. Француз шарқшунослари бу соҳада қашшофлик қилдилар ва ажойиб натижаларга эришдилар.

Буюк ипак йўли Франция ва Испаниядан олис Ҳиндистон ва Хитойгача чўзилган бўлиб, қадимий Ўзбекистон шу йўлда мамлакатларни бир-бири билан боғловчи марказий бўғин, Шарқ билан Farb, ислом билан насронийлик бир-бирига туташган жой эди, Шарқ ва Farb маданиятлари бир-бирк билан боғланган жой эди.

Олис ўтмишдаги ўзаро муносабатларимизнинг кўпгина шонли саҳифалари тарихда сақланиб қолган. Сизлар Тамерлан деб атайдиган буюк бобомиз Амир Темур билан XIV ва XV асрлардаёқ мамлакатларимиз ўртасида мус-

таҳкам сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни ўрнатиш зарур деб ҳисоблаган Франция қироли Карл VI нинг ёзишмаларини эслатишнинг ўзи кифоядир.

Ўзбекистон Франция халқига зўр эҳтиром ва ҳурмат билан қарайди. Ўзбеклар ва француздарни эзгулик, меҳмондўстлик, қувноқлик, тинчлик ва фаровонликка интилиш каби муштарак миллий хусусиятлар яқинлаштиради. Биз Вольтер ва Руссонинг ўлмас меросини, француз адиллари Бальзак, Золя асарларини ўзбек тилида ўқиб, таҳсин айтамиз. Француз рассомлари Ренуар, Гоген чизган суратларни кўриб завқланамиз. Жорж Бизе, Морис Равель, Клод Дебюссининг мисллиз мусиқаси, Эдит Пиаф, Шарль Азнавурнинг ажойиб овози кўплаб ўзбекистонликларни мафтун қиласди.

Халқимиз катта эҳтиром билан қарайдиган француз ёзувчиси Виктор Гюгонинг: "Бутун дунёда тинчлик гояси — барча миллиатлар мулкидир. У энг юксак баҳт-саодат сифатида тинчликни талаб қиласди", деган сўзлари кўнглимизга яқин. Буюк инсонпарвар ёзувчининг бу сўзлари ўзбек халқининг маталига ҳамоҳанг; "Элга эл қўшилса, фаровонлик бўлади, элдан эл ажралса — муҳтожлик бўлади", дейди халқимиз.

Бизнинг назаримизда Франция — инсоният руҳи ўзувчиликни ўз ажр экёсж рамзи, жаҳонга кўплаб алоқалар арбоблар етказиб берган буюк мамлакатdir. Франция фақат ноёб маданият ва нағис санъат мамлакати, юксак маърифат, турмушнинг доно фалсафаси, инсонпарварлик билан йўғрилган адабиёт ва шеърият мамлакатигина эмас. Бизнинг назаримизда Франция жаҳонга илк бор эркинлик, тенглик ва биродарлик сингари олий мақсадларни инъом этган замонавий демократия ватани ҳамдир.

Буюк тарих ва ҳозирги замоннинг узвий боғлиқлиги, битмас-туғанмас ақл-зиё ва маънавий салоҳият ҳозирги Францияни жаҳондаги қудратли саноат ҳамда илм-фанга эга бўлган йирик ва нуфузли давлатлардан бирига, истиқболи порлоқ мамлакатга айлантириди.

Франция Умумевропа хонадонини барпо этишда фаол қатнашмоқда. Бу хонадон қоидалари ва хусусиятлари шу ерда пайдо бўлгани ва Париж хартиясида мужассамлашгани чуқур рамзий маънога эга. Эркинлик, демократия,

инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркин ғоялари Ўзбекистон манфаатларига, бизнинг тушунчамиздаги жаҳонда иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, маданий ва ахборот макони яхлитлигига тўла-тўқис ҳамоҳангидир. Бугун мен Париж ҳартиясига имзо чекиб, Ўзбекистоннинг шу ҳартия руҳи ва қоидаларига содиқлигини тасдиқладим.

Президент жаноблари!

Иқтисодий ва сиёсий соҳада Франция билан фаол ҳамкорлик қилиш истагимизни тушуниб, қўллаб-қувватлаёттанингиздан жуда хурсандмиз. Мамлакатларимиз ва ҳалқларимизнинг баҳт-саодати, гуллаб-яшнаши учун, тинчлик ва ялпи тараққиёт йўлида мувафақиятли ҳамкорлик ва меҳнат қила оламиз, деган ишончга қўшиламан.

Ўзбекистон икки йил муқаддам мустақиллигини тиклади. Биз инсонпарварлик ва адолат қоидаларига асосланган очиқ демократик жамият қурмоқчимиз, бошقا — тараққиётнинг мураккаб йўлини босиб ўтган мамлакатлардаги барча фойдали жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган эркин бозор иқтисодиётини барпо этмоқчимиз. Ҳар бир ҳалқ тараққиёт ва янгиланишнинг ўз йўлини танлаб олади. Биз ҳам ҳалқимизнинг миллий ҳусусиятлари ва анъаналярини, тарихи ва руҳиятини ҳисобга олиб, ўз йўлимизни танладик.

Ватанин тиклаш 22 миллион кишидан иборат кўп миллиатли Ўзбекистон ҳалқи ҳаётининг мазмунига айланган. Аммо бизда янги дунёга осонликча ўтиш қусусида ҳеч ким ҳомхаёлга берилмайди. Бунинг устига, ана шу жиҳатдан қараганда, Франциянинг маънавий ва сиёсий мадади катта аҳамиятга молидир.

Бизнингча, Франция Республикаси билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун Европада катта имкониятлар очиб беришга қодир, шунингдек бу ҳамкорлик Франция учун Марказий Осиё минтақасида катта имкониятлар яратади. Биргаликдаги ҳаракатларимизнинг умумий мақсади маълум, у ҳам бўлса, Европа ва Осиёда ҳавфсизлик ва барқарорликини мустаҳкамлаш, эркин бозор савдо-сотигини кенгайтириш, фуқароларимизга муносаб турмуш тарзини таъминлаш, тинчлик, инсонпарварлик, маънавият сари интилишdir.

Улкан иқтисодий, табиий имкониятларга, одамлар салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон ҳамма эътироф этган ҳалқаро месъёрлар асосида сайёрамиздаги барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабат-

ларни ривожлантиришга қатъий аҳд қилган. Ўзбеклар динида улкан минерал-хомашё ва энергетика бойликлари мавжуд. Республика илм-фан, техника, юксак технология, қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа соҳасида жуда катта имкониятларга эга. Бизнинг бойлигимиз, олтин — валюта захираларимиз, сиёсий барқарорлик, хорижий сармоялар юксак даражада муҳофаза қилиниши сўзимизнинг қатъийлиги ва ваъдамизни бажаришимиз, хусусий бизнес ва ишибилармонликка қатъий ҳуқуқий кафолат — жаҳоннинг етакчи компаниялари ва банкларини республика изига жалб қилмоқда.

Ташрифимиз Ўзбекистон — Франция муносабатларига янги омил баҳш этишига, янада самарали ҳамкорлик учун мустаҳкам замин яратишига чин кўнгилдан умид қиласиз.

Президент жаноблари!

Мамлакатингизга келиб, гўзал Францияни ўз кўзимиз билан кўриш насиб этгач, бир-биримизга ўзаро қизиқишимиз мустаҳкам тарихий илдизга эга бўлибгина қолмай, унинг келажаги ҳам порлоқdir, деган фикримиз тобора мустаҳкамланмоқда. Президент жаноблари, билишимча, Корнелнинг "Сид" фожиасидаги "нимадир етилиши учун вақт керак", деган доно фикр сизга жуда ёқади. Ўртамизда тенг ва ўзаро мағбаатли муносабатларни ривожлантириш вақти келганига ишончим комил. Эндиликда ҳамдўстлигимизнинг улкан бунёдкорлик имкониятларини амалга ошириш учун сиёсий ирода ва фаол саъй-ҳаракат зарур.

Президент жаноблари!

Сиз дарахтларни яхши билишингиздан хабарим бор. Бу Сизнинг буюк афзаллигингиздир, бинобарин, Сизга жуда ҳавасим келади. Ҳалқларимиз дўстлик ниҳолларини ўтқазган эдилар, биз имзолаган икки томонлама битимлар шу ниҳолларнинг шохларидир. Сиз каби биз ҳам ана шу ниҳоллар ўсиб, дўстлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкам ва сермева дарахтларига айланишини истаймиз.

Имкониятдан фойдаланиб, Сизни, Франциянинг буюк фарзандини туғилган кунингиз билан табриклийман. Сизга чин кўнгилдан баҳт-саодат, сиҳат-саломатлик, Франция ҳалқи баҳт-саодати йўлида узоқ умр кўришингизни тилайман.

Президент жаноблари, Сизни ўзингиз учун энг қулай пайтда Ўзбекистонга боришга яна бир бор чин кўнгилдан

БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН

таклиф қиласман. Ўзбекистон халқи Сизнинг ташрифингизни сабрсизлик билан кутади. Ишонтириб айтаманки, Сиз ҳаммамиз учун энг азиз мәҳмон бўласиз.

Қадаҳ сўзи айтмоқчиман:

Президент жаноблари учун!

Шу ерда ҳозир бўлганларнинг сиҳат-саломатлиги ва осойишталиги учун!

Ўзбекистон — Франция муносабатларининг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун!

Гўзал Франция учун!

*1993 йил 27 октябрь,
Париж*

ФАН ВАТАН РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Муҳтарам илм-фан аҳли!
Азиз биродарлар!

Узоқ-яқин мамлакатлардан келган қадрли меҳмонлар!
Аввалимбор барчангизни Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академиясининг 50 йиллиги билан чин дилдан
табриклишга ижозат бергайсизлар!

Бу муҳташам залда Ўзбекистон олимлари билан ёнма-ён чет эллардан келган фан арбоблари ҳам ўтирибди. Эл-юртимизни бу қадар иззат қилиб, Ўзбекистон фани байрами шодиёнасини баҳам кўраётганликлари учун ҳукуматимиз, халқимиз, илмий жамоатчилигимиз номидан уларга миннатдорчилик билдириб, чин қалбимиздан: "Хуш келибсиз мўътабар заминимизга, азиз дўстларимиз!" деб айтамиз.

Меҳмонларга ўзимизнинг ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этар эканимиз, улар билан келажакда ҳам ҳар томонлама барча соҳаларда ҳамкорлик қилишга тайёрлигимизни билдирамиз.

Шу ўринда Россия олимларининг Ўзбекистонга, ўзбек халқига замонавий фанни бунёд этиш борасида кўрсатган қимматли ёрдамларини алоҳида таъкидлаб ўтсак арзиди. Мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги бузилмас ва туб алоқаларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш — келажакдаги муваффақиятларимиз гарови бўлишига ишонамиз.

Мен Марказий Осиё давлатлари — бизнинг ён ва жон қўшниларимиз бўлмиш мамлакатлар олимларини ҳам алоҳида қутлашни ўзимизнинг бурчим деб биламан. Қадимий Турон заминида яшаган аждодларимиз бир булоқдан сув ичганлар. Бу муқаддас булоқнинг номи — маърифат, Шарқ илми, Шарқ фалсафасидир. Имоним комилки, бизларнинг истиқболимиз ҳам бир-бирига уйғун, бир-бирига эш бўлиб қолади.

Биз ушбу тантанада иштирок этаётган азиз меҳмонларимиз — германиялик Дорис Ева Шен хонимни, АҚШдан келган жаноб Генрих Лубаттини, швейцариялик Дуглас Морисони зўр миннатдорлик ва самимийлик билан табриклаймиз.

Мустаҳкам биродарлик, дўстлик, биргалиқдаги самарали иш ришталари билан боғланган эски дўстларимиз — олимлар делегациясининг бошлиги, Россия Федерацияси Фанлар академияси президентининг маслаҳатчиси, академик Владимир Котельниковни, Украина Фанлар академиясининг вице-президенти, академик Игорь Скрипникни, Беларусь Республикаси Фанлар академиясининг фаҳрий президенти, академик Николай Борисовични, Озарбайжон Фанлар академиясининг президенти, академик Салаевни, Тожикистон Фанлар академиясининг вице-президенти академик Толбак Назаровни, Туркменистон Фанлар академияси Адабиётшунослик институтининг директори, академик Омонгелди Ўрозовни, Қозогистон Республикаси Фанлар академияси Марказий Қозогистон бўлимининг раиси, академик Жўлдас Мўлдаҳмедовни, Қирғизистон Фанлар академиясининг президенти, академик Илгиз Айтматовни мазкур анжуманда табриклишдан ғоят хурсандман.

Биз ҳаммагизни меҳмондўст Узбекистон диёрида кўришдан ҳамиша хурсандмиз. Биз фаолиятимизда бир шиорга амал қиласиз. Бу шиор шундай жаранглайди: "янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг". Ҳозир бу шиор энг оғир, қаттиқ синов кунларида, ёнимизда кимлар елка дош бўлиб турганини, қийинчиликларимизга ҳам, қувончларимизга ҳам ким шерик бўлганини, Фанлар академиямизни, Тошкент дорилфунунини, бошқа илмий муассасаларни ташкил этишда ким ёрдам берганини унутмаганимизни ва ҳеч қачон унутмаслигимизни англатади.

Бизнинг халқимиз дўстларнинг беғараз ёрдамини, оталаримиз амалга оширган олижаноб ишларни ҳеч қачон унутмайди. Бугун сизларга мурожаат қилиб чин қалдан айтаман: "Узбекистонга хуш келибсиз, азиз дўстлар!"

Хурматли дўстлар!

Биз ҳозир ҳаётимиздаги ҳар бир байрам, ҳар бир қутлуғ воқеани Узбекистон мустақиллиги, истиқдол ғояси ва халқимизнинг истиқболи билан, турмушимиз фаровонлиги ва юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг оразу инти-

лишилари билан боғлаб нишонлаяпмиз. Буни бугунги замон, бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Биз байрамларга байрам санаси бўлгани учун эмас, балки ҳозир айтилган юксак ғоялар нуқтаи назаридан қараймиз. Шу нуқтаи назардан баҳолаймиз ва қадрлаймиз.

Академиямизнинг қутлуг тўйини шу маънода баҳолайдиган бўлсак, у Ўзбекистон, ўзбек миллати тарихида, кўхна заминимиз ҳаётида буюк воқеадир.

Ўзбекистон — бой мамлакат. Буни бугун бутун дунё тан оляпти. Аммо, табиат инъом этган моддий бойликларимиздан ташқари яна бир битмас-туганмас бойлигимиз борки бу мамлакатимизнинг зиёлилари, фундаментал фани, назариётчилик мактаби, интеллектуал ва илмий салоҳиятимиздир.

Шу залда ўтирган, машаққатли ва шарафли меҳнатда соchlари оқарган кекса олимларимиз билан бирга илм йўлига катта ҳавас билан кириб, фан чўққиларини кўзлаётган ёш йигит-қизларимизни ҳам қизғин қутлаймиз, улуғ мақсадлари йўлида омад ва зафарлар тилаймиз.

Қадрли дўстлар!

Бугун Фанлар академиясининг 50 йиллигини нишонлаяпмиз. Лекин жумҳуриятимиз илм-фанининг маркази бўлган бу даргоҳнинг ёши фақат ярим аср билан ўлчанмайди. Улуғ бобокалонларимиз Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино каби умумбашарий маданият ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар бу муборак сарчашма бошида турганлар. Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, фанимизнинг бугунги ноёб ва кўркам биноси пойдевори неча-неча асрлар муқаддам барпо этилган.

Шундай экан, эл-юртимизда фан жуда қадимдан тараққий топгани, унинг илдизлари жуда чуқур ва бақувват экани, юз йиллар мобайнida ўзбек миллатига, бутун жаҳон аҳлига табиат сирларини ўрганишда, тибиёт, фалсафа, ҳуқуқшунослик, илоҳиёт, адабиёт, тишлишунунослик соҳаларида унutilmas хизмат ҳилгани ҳақида фарҳ ва ғурур билан гапиришга ҳаққимиз бор.

Бинобарин, пойдевори шундай бақувват бўлган илму фан муҳташам биносининг қадди-қомати ҳам юксак ва кўркам бўлиши лозим.

Бундай олижаноб мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон олимларининг кучи ҳам, қурби ва жасорати ҳам етарли, деб ўйлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон илм-фани ва шу баробарида ҳар бирингиз ўз соҳангизда маълум ва машҳур бўлишингизни, изланиш ва меҳнат ҳосилини баҳам кўришингизни тилайман ва шу билан ўзбек фанининг обрўсими юксак чўққиларга кўтаришингизни тилайман. Бу борада Президент сифатида сизларнинг энг яқин ёрдамчингиз бўлишга ваъда бераман.

Ҳурматли биродарлар!

Яна икки-уч гоят муҳим масала бўйича сизлар билан фикрлашмоқни хоҳлардим. Мамлакатимизда илм-фан тараққиётини янада юксалтириш вазифаси билан боғлиқ айрим муаммолар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимни баён қўймоқчиман.

1. Маълумки, мустақиллигимиздан олдин, яқин қунларгача ҳамма нарса, шу жумладан илм-фан, унинг ривожи чегараси, миқёси, тармоқлари ҳам Марказ қаричи билан ўлчанарди.

Бошқача қилиб айтганда, ҳақиқатга ҳаммамизга маълум ҳукмрон мафкура кўзи билан қаралган ва баҳо берилган. Атоқли олимларимиз илм соҳасида муҳим янгиликлар, салмоқли кашфиётлар қилганида ҳам уларга баҳо берадиганлар собиқ Марказдаги кабинетларда ўтирадиган кишилар эди. Олимларимизнинг илмий тақдирини ҳам, келажаги ва қадр-қимматини ҳам ўша кимсалар ҳал қилишга уринарди. Уларнинг қарашлари ва ўлчовлари эса бизга мэълум эди:

Фикрни, тараққиётни бўғадиган бу қолипдан чиқиб кетиш катта жасоратни талаб қиласарди. Дунё илм-фанида бўлаётган кашфиётлар, изланиш ва муаммолар билан таничиш учун ўша одамларнинг рухсатига, қўлига қарам эдик.

Энг афеусли жойи шунда эдики, баъзи олимларимизнинг дунёқарашлари, тафаккури, интилишлари ҳам шу иқлимга мослашиб қолган эди. Қуёш Шарқдан эмас, Марказдан чиқади, деб фикрлашга ўргатиб қўйиш, кўндириш учун қилинган ҳаракатларни бугун эсласак ўринли бўларди, деб ўйлайман.

Бизларнинг эндиги вазифамиз — маънавий ҳаётимизни, илм-фанимиз фаолиятини, изланишларимизни мана шу эски мафкура қолиларидан халос этиш, керак бўлса, тафаккуримизни мутелик исканжасидан фориғ қилишимиз

зарур. Олимларимиз ҳар қандай тазийиқдан озод бўлишлари керак.

2. Бугун биз мустақил давлат қураялмиз. Истиқболимиз, тараққиётимиз кўп жиҳатдан фан даргоҳларида ишлаётган олимларнинг изланишларига, уларнинг жасоратига, фидойи эканига, юксак илмий салоҳиятлари ва оқилона тавсияларига боғлиқдир.

Шундай экан, илму фан соҳасидаги ҳаракатларимиз ҳам, илмий ишларимиз ва ютуқларимиз ҳам дунёдаги энг илгор мезонлар билан ўлчаниши лозим.

Олимларимизнинг эртанги ҳаётга татбиқ этиладиган фикр-таклифлари жаҳоннинг илгор тажрибаларини ўзида мужассам этган тавсиялар бўлмоғи керак.

Биз дунёдаги тараққий топган давлатлар сафиға киришни мақсад қиласар эканмиз, авваламбор, олимларимиз, уларнинг илми, обрўси оламда машҳур бўлиши, жаҳон илм-фанининг юксак мезонларига мос бўлиши даркор. Бугун биз олиб бораётган барча илмий изланишлар дунёдаги энг нуфузли илм даргоҳлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши, уларнинг кўмаги, тажрибалари билан бойитилиши керак. Бу мақсадга эришиш учун ҳар томонлама шароит түғдириб беришга барча куч-имкониятларни сафарбар этишимиз даркор.

3. Ҳар бир қасбнинг ўз соҳиби, ўз устаси бўлади. Дунёда қасб-ҳунар кўп, аммо ҳақиқий қасб эгаси, ҳақиқий ҳунар соҳиби кам учрайди. Илму фанда ҳам ҳақиқий олим бўлиш учун кишига Яратганинг ўзи назар қилган бўлиши керак.

Юртимида нодир истеъоддли олимлар кўпайиши лозим, аммо биз уларнинг сонига қараб эмас, сифатига қараб баҳо берамиш. Замон эҳтиёжларини уларнинг олдига вазифа қилиб қўяр эканмиз, албатта бугунги замонга муносаб шарт-шароитлар ҳам яратиб беришимиз зарур. Шундагина биз бошқа эл-элатлар орасида ажralиб турадиган буюк миллатга айлана оламиш.

4. Илму фан тараққиёти биз учун энг устувор соҳалардан биридир. Бу соҳада хизмат қиладиган одамларнинг савиаси, обрўси ҳақида ғамхўрлик қилишимиз, уларнинг ҳаётимизга қўшадиган ҳиссасига қараб эътибор беришимиз шарт. Ўзининг келажагини ўйлайдиган жамият, давлат авваламбор ўз олимларини, илм-зиё аҳлини ҳурмат қилиши керак, уларни юксак даражага кўтариши лозим.

Модомики, илм-зиё аҳли биздан кўра кўпроқ биладиган, узоқроқни кўрадиган, терандроқ англайдиган кишилар экан, демак, уларнинг жойи тўрда бўлиши керак. Шундай илмий шароит, шундай ижодий муҳит яратиш лозимки, токи илм-фан соҳасидаги ноёб истеъдодларни болалик чоғидан танлаб олиш, авайлаб парвариш қилиш, миллатнинг энг катта бойлиги сифатида асрашга имконият туғилсин.

Муҳтарам дўстлар!

Илму фан шундай бир соҳаки, қариб қолиш, кексайиш, сафдан чиқиб қолиш каби ҳолатлар унинг табиатига бегонаидир. Орамизда шундай мўътабар отахон олимларимиз ва онахон олималаримиз борки, улар билан суҳбатдош бўлиш, уларнинг доно фикрлари, насиҳатлари ва тавсияларини олишни биз ўзимизга катта маънавий бойлик деб ҳисоблашимиз лозим. Уларнинг қадрига етишимиз, узоқ умр тилаб дуо қилиб юришимиз биз учун ҳам ҳарз, ҳам фарзdir.

Азизларим!

Барчангизни яна бир бор илм-фан байрами билан, зиё-маърифат байрами билан самимий табриклайман. Маълумки, илм ва маърифат ҳамиша ёш, ҳамиша навқирондир. Ҳаммангизга ижодий навқиронлик, оилавий баҳт, мустақил Ўзбекистонимиз равнақи йўлидаги шарафли ишларингизга ривож тилайман.

Бағча эзгу ишларимизда Яратсанкинг ўзиқ мададкор бўлсин!

Хурматли дўстлар!

Қутлуг байрамларни нишонлаш инсонга шодлик ва ишонч бағищлайди. Мен бугун сизларни табриклиш билан бир қаторда, яна бир шарафли бурчни бажараётганимдан ғоят мамнунман. Ҳозир, рухсатингиз билан Ўзбекистон Фанлар академияси таъсис этган юксак нишонларни топширишга ўтсак.

Биринчи нишон табиий ва техникавий фанлар бўйича буюк мутафаккир Ал-Хоразмий номи билан аталган медаль бўлиб, иккинчиси — ижтимоий-гуманитар фанлар борасидаги улкан хизматлар учун бериладиган, буюк шоир ва олим Мирзо Бобур номи билан аталган медалдир. Бу икки юксак мукофотга муносиб топилган кўзга кўринган олимлар, инсонлар ҳақида жуда батафсил ва ғоят яхши сўзларни гапириш мумкин.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Табиий ва техникавий фанлар соҳасида катта хизматлар қилган жуда кўплаб олимларимиз бор.

Халқимиҳ орасида машҳур, илм аҳли орасида катта обрӯ орттирган, назарий ва амалий ишлари билан тилга тушган, жуда кўп шогирдлар етиштирган оқсоқол олимимиз Ҳосил Фозилов Ал-Хоразмий номидаги медалга сазовор бўлди.

Энди, азиз дўстлар, домламизни шу юксак мукофот билан табриклишга ва мана ўзу чиройли олтин медални топширишга рухсат этгайсизлар!

Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида катта хизмат кўрсатган, илмий меросни ўрганишда алоҳида мактаб яратган зўр олим Убайдулла Каримов Заҳириддин Бобур номидаги медаль билан мукофотланди. Бу кишига ҳам мукофотни топшириб, муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Байрамингиз билан яна бир марта чин қўнгилдан табриклайман, азиз дўстлар!

*Республика Фанлар академияси
50 йиллигига бағишланган тантиданали
йигилишида сўзланган нутқ,
1993 йил 5 ноябрь*

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК — ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

1993 йил 5 ноябрь куни республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар, давлат қўймиталари, концернлар, уюшмалар, корпорациялар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари қатнашиди.

Мажлисда республикада иқтисодий ислоҳотнинг бориши ва ҳалқ хўжалиги тармоқларининг тўқиз ойлик иш якунлари, давлат бошқарув идораларига сарфланадиган бюджет маблағларини қисқартириш, корхоналар ва ташкилотларнинг зарар кўриб ишлашини бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар муҳокама қилинди.

Мажлисда республика Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Асосий мавзуга ўтишдан олдин сизлар билан бир муҳим масала хусусида гаплашсак,— деди Президент.— Даладаги ҳосилни тезроқ йиғишириб олиш лозим. Ҳозир пахта терими масаласида кимгadir айб қўйиш, эътиroz билдиришнинг ўрни эмас, балки вазиятни тўғри тушуниб, қийинчиликларга бардош бериб, деҳқоннинг кўнглини кўтаришимиз даркор. Ҳозир далаларда кўпчилик пахта терими билан банд. Ёмғир ёғяпти. Ана шундай шароитда ишлаётганларни рағбатлантириб, уларга имконият яратиб беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Бу ерда ҳокимлар ўтириби, биз улардан пахтанинг нега бу қадар кеч етилгани сабабини сўрашимиз мумкин, лекин, таъкидлаб ўтишим керакки, бу масалада деҳқонларни эмас, мутасадди раҳбарларни айбласак тўғри бўлади. Пахтакор меҳнатини биламиз, пахтани териш ва ўстришда ҳаммамиз қатнашганимиз. Бугунги қийинчиликларни тўғри тушунадиган раҳбарларга мен миннатдорлигимни билдиromoқчиман.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган олимларимиз нега пахтанинг янги-янги навини яратмаятилар? Мен Қашқадарёда ишлаган вақтимда шундай пахта навлари бўлар эдики, 30—35 йил мобайнида тақрор-тақрор экила-верарди. Ҳозир ҳар қайси хўжалик ҳоҳлаган навини экяпти. Ҳануз бу масалада ягона давлат сиёсати йўқ. Тақрор айтаман: ким нима ҳоҳласа, шуни экяпти, кимки шунинг орқасидан фойда кўраётган бўлса, ўшанинг усули қўлланмоқда. Натижада биз 170 кунда етиладиган пахта навини экяпмиз. Балки бу Бухоро шароитига мосдир. Лекин Тошкент ва Самарқанд шароитини, Фарғона вило-ятини кўринглар. Бу минтақалар иқлимига мос навларни ҳам чиқарсан бўлади, лекин нега чиқармаяпмиз? 170 кун, бу — тахминан 6 ой дегани, 1 апрелда экилган пахта қачон пишиб етилади, ноябрдами? Уни очилганидан кейин териб олишга ҳам вақт керак. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозир 600 минг тонна пахта далада ётибди, бу, ахир, ҳалқимиз-нинг ризқ-рўзи, насибаси эмасми? Нимага бу масалада масъулият ва жавобгарлик йўқ? Истроилдан, Америкадан мутахассислар келяпти. Нега уларнинг тажрибасидан фой-даланмаймиз? Бир марта ёмғир ёки қор ёғса, пахтанинг сифати пасаяди. Пахта бўлса бас, териб оламиз, деган гап тўғри эмас. Пахта етиштиришга масъул олим ва мутахас-сисларимиз ҳам масъулиятни ҳис этиши керак. Майли, 25 центнер бўлса ҳам, лекин даромад берсин, қилинган меҳнатдан фойда келсин.

Яиги мавсумга пухта ҳозирлик кўришимиз, ҳар бир минтақанинг иқлими ва шароитига қараб, деҳқонлар билан бамаслаҳат, қаерга қайси навни экишни ҳозирдан ўйлашимиз зарур. Сўнгги ҳосилни қабул қилиб олишда пахта тозалаш заводлари ҳам деҳқонларга тазиқ ўтказмасин. Ҳар хил баҳоналар билан пахтакорларимизни овораю сарсон қилмасин. Прокуратура ҳам бу масалага эътибор бериши керак. Пахтанинг навини пасайтириш осон, аммо деҳқоннинг косаси оқаришини ким ўйлади? И. Жўрабеков бошчилигига алоҳида комиссия тузилишини таклиф қиласин. Бу муаммоларни ана шу комиссия оди-лонга ҳал этсин.

Ислоҳот масаласида ўзимизга хос ва мос йўлни ишлаб чиқдик. Шароитимизга, урф-одатларимизга, хусусиятлари-мизга монанд мақсадларни аниқлаб олганимиз, деди Ислом Каримов. Эндиги асосий масала амалий ишга ўтишдир.

Ана шу түғрида жойлардаги мутасадди ўртоқлардан, масъул раҳбарлардан сўраш вақти келмадимикан? Ҳар қайси вазир ёки ҳоким ўз масъулиятини аниқлаб олиши керак. Мен боя Андижон вилояти ҳокими К. Обидовга савол берриб, вилоятда иқтисодий ислоҳотни ўтказиш дастури тузилганими, деб сўрадим. Чунки қишлоқ хўжалигидан тортиб, маиший хиамат, саноатда ислоҳотни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар ва кўрсаткичларни аниқ белгилаб оладиган пайт келди. Лекин вилоятларда бу борада ҳеч қандай дастур йўқ. Ҳар қайси соҳанинг қозирги замон талабларига жавоб берадиган дастури бўлиши шарт. Вазирлар Маҳкамаси буни қаттиқ назоратга олиши, талаб қилиши ҳамда бу масалада тартиб ўрнатиши зарур.

Биз сўнгги сессияда ислоҳотнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил гаплашган эдик. У китобча бўлиб чиқди. Энди ҳокимлар ва бошқа мутасаддилар бу масалаларни муҳокама қилиб, улардан тегишли хулоса чиқаришлари лозим. Баён этилган таклиф ва тавсиялардан ҳар бир корхона ўзи учун хулоса чиқариши даркор.

Бу ерда қишлоқ хўжалигининг устун йўналишлари тўгрисида гап борди. Молия, иқтисод ва барқарорлаштириш сўзларини бозор иқтисодиётiga ўтиш жараённида кўп ишлатяпмиз. Ҳар қайси тармоқнинг хусусиятига қараб ислоҳот йўлини белгилаш мумкин. Одамларни озиқ-овқат, тоза сув ва табиий газ билан таъминлаш, ҳаётий эҳтиёжларини қондириш масаласи охир-оқибатда қишлоқ хўжалигига тақалади. Қишлоқ хўжалигини ҳар жиҳатдан барқарорлаштирумасдан бу ишларни ҳал этиб бўлмайди. Ҳаммамиз шуни тушунамизу, лекин ҳисботларни эшишиб, киши қониқмайди, кўп масалалар қоғозда ҳолиб кетмаяпти микан, деб ўйлайсиз. Ислоҳот юзаки ўтмаслиги керак. Қайси соҳа ва қайси вилоятда бўлмасин, бу масала билан жиддий ва узлуксиз шугууланиш лозим.

Бу ерда ҳисбот берган ҳокимлар билан савол-жавобдан шу нарса аёи бўлдики, қишлоқ жойларида саноат корхоналари ташкил этишга етарли зътибор берилмаётир. Ҳолбуки, шундай қилсанкина ҳаётимизда ижобий ўзгаришлар содир бўлади. Андижонда бир дона тухум — 130 сўм, гишт — 250 сўм турса! Бу нима дегани? Ёки вилоятта 42 фоиз тухумнинг четдан олиб келинаётганига қандай чидаш мумкин? Гишт заводи қуриш шунчалик қийинми? Андижонда товуқ боқишининг иложи йўқми? Ёки Сурхондарёда

картошка, дон етиштириб бўлмайдими? Ахир, бу ўша ернинг ўзида ҳал этилса бўладиган масалалар-ку?

Ҳокимлар, каттаю кичик раҳбарлар халқнинг турмушидан, қандай кун кечираётганидан эртаю кеч хабардор бўлиши, аҳолининг таъминотини жой-жойига қўйиши керак.

Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятларини олсак, уларда уриниш — умуман олға ҳаракат бор. Бу ишларда вилоят раҳбарларининг ташаббускорлиги, ҳиссасини кўриш мумкин. Қарор ёки қонун чиқариш билангина иш битмайди, улар оддий фуқаро онгига етиб борса, одамлар ундан манфаатдор бўлсагина кутилган натижа чиқади. Баъзи бир раҳбарларнинг гапини эшитсангиз. Вазирлар Маҳкамасининг қарорини ёки фармойишини бажардик, дейди кўкракка уриб. Биз асосий йўналишларнигина белгилаб беришимиз мумкин. Шуни бажариш билан мақтаниш эса, бу — эски тузум сарқити, аксинча, раҳбар дегани ташаббус кўрсатиши, катта-катта ишларни бошлиши, одамларнинг бу борадаги интилишини жонлантириши керак. Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмоновни мисол келтирсак, у ҳар бир ишни бошлишдан олдин маблағ манбанини қидиради, харажатини нима билан қоплашни ўйлади. Сурхондарёда эса уни қуриб беринг, буни беринг, дейишдан нарига ўтилмаяпти. Қилинаётган ишлар, йўналишлар, хулосаларни, шу билан бирга муаммо ва камчиликларни ҳам айтиш зарур. Одамлар қалбида ислоҳотга ишонч туғдиришимиз ва уни мустаҳкамлашимиз керак. Шуни шиор қилиб олишимиз лозимки, бўйруқ, тазиيқ билан ислоҳотни олға силжитиб бўлмайди. Изланиш, ташаббускорлик, яна такрорлайман, ташаббускорлик зарур.

Одамлар ҳокимларни ҳимоячиларимиз деб сайдайди, бу қуруқ гап эмас. Бир ҳоким сайланганидан кейин маълум вақт ўтади, халқ унинг фаолиятини ташаббускорлик ва жонкуярлик эвазига амалга оширган ишлари билан баҳолайди. Бу гап вазирларга ҳам тегишли. Одамларнинг назарида сиз қилган ишлар қандай кўринади — шуни унумтанд!

Ишлагандан кейин, албатта, камчилик ҳам бўлади. Фақат савобли ишларни, ташаббускорликни қўлдан бер-маслик керак. Эски қонунларга ёпишиб олиш ярамайди. Меҳнаткашларга елкадош бўлиш, нафс ва шахсий фойдани эмас, балки халқни ва жамиятни ўйлаб ишлаш керак. Мен

Президент сифатида ана шундай ташаббускорлик билан ишлайдиганларни ҳар қандай шароитда ҳам ҳимоя қилишга тайёрман. Ташаббускорларга күмак бериш, зарур бўлса, давлат маблағидан уларга имтиёзли кредитлар ажратиш керак. Савдо, майший хизмат соҳаларида ишлайдиганларни раҳбатлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш дозим.

Саводдаги хусусийлаштирилган дўконларни оладиган бўлсак, сир эмас, жойлардаги маъмурӣ орган ҳодимлари, айрим ҳокимликда ишлайдиганлар ўшалар ҳисобидан тирикчилик қилиб юриди. Бир ташаббускорни ўнтаси пойлаб туради. Бизнинг қонимизда шу нарса борки, бирорвга озгина ваколат ва ҳуқуқ берилдими, ҳеч кимни тан олгиси келмайди, юқоридан келганларга таъзим қилиб, қўл остида ишлайдиганларга тазинқ ўтказади. Бу хусусда кўплаб мисол келтириш мумкин. Тафтиш ўтказиш йўли билан зўравонлик қиласидан идоралар кўпайиб кетган. Хизмат соҳаларини текширишни фақат битта ташкилотга топшириш ҳақида фармон тайёрланиши керак. Фақат солиқ бошқармасига ана шу ҳуқуқни берамиз, фақат шулар текширади. Бошқалар, жуда зарур бўлса, республика Прокуратураси ёки Ички ишлар вазирлигининг қароридан кейин текширсии. Ана шунда эркинлик пайдо бўлади, тартиб ўрнатилади, ишимизнинг самараси кўринади.

1994 йил ҳалқ ҳўжалигини ривожлантириш масалаларини ҳозирдан пухта режалаштириш керак. Молия вазирлиги катта, республика тақдирига дахлдор масалалар билан шуғулланиши лозим. Корхоналарнинг молиявий жиҳати билан ҳам ҳокимликлар шуғуллансин. Бу борада вилоят раҳбарларига эркинлик бериш керак, деб ўйлайман. Даромадларини тасарруф этишда ҳам мустақил равишда иш тутсинглар. Ҳўжалик ишларига, тадбиркорлик янада кенг қулоч ёйишига ёрдамлашишимиз, солиқларни қайта кўриб чиқиб, раҳбатлантириш масаласини ўйлашимиз даркор. 1994 йилда бирорта ҳам зарар кўриб ишлайдиган корхона бўлмаслиги керак. Ёқилгини тежашда жиддий чоралар кўрмасак бўлмайди. "Ўзистиқболстат" четдан келадиган хом ашёни қисқартириш масаласини ҳал этсин. Жойларда бу соҳада тартиб йўқ. Айниқса, қишлоқ жойларида шахсий машиналар жамоа ва давлат ҳўжаликлари ҳисобидан ёқилғи оляпти. Уни тежаш масаласига мутлақо эътибор берилмаяпти. Ёқилғи билан таъминлашда озгина узилиш

ИСЛОМ КАРИМОВ

бўлса, барча иш тўхтаб қолади. Нефть маҳсулотларини олиб келиш жуда қимматга тушмоқда. Бошқа республикаларнинг бу борадаги аҳволи ниҳоятда оғир. Ўзбекистонда, шукрки, узилиш йўқ, лекин тартиб бўлиши лозим, 4 миллион тонна нефть маҳсулотини олиб келиш учун 600 минг тонна пахта толаси беряпмиз. Унинг ярмини тежасак ҳам катта фойда олардик, чет давлатларга — валютага сотар эдик.

Шундан кейин Ислом Каримов республика аҳолисини тўлқинлантираётган муаммо— пул, миллий валюта масаласига батафсил тўқталди. Бу борада кўрилаётган чоратадбирларни билишга халқимиз маҳтал, деди Президент. Мазкур масалани атрофлича муҳокама этишини таклиф қилганимга сабаб шуки, бу борада кўп фикрлар бор. Бизнинг олдимиизда учта йўл туради. Шулардан биринчиси — Россиянинг 1993 йилги янги пулидан фойдаланиш эди. Биз охиригى сессияда ҳам бу масалани халқ депутатлари билан муҳокама қилган эдик. Маълумки, 7—9 ойдан бери "рубль миңтақаси"да қолишга ҳаракат қилиб келдик.

Аввало, нима учун биз мустақил давлат бўлатуриб, миллий валютага ўтмасдан "рубль миңтақаси" да қолишга интилдик, деган савол туғилади.

Шуни тўғри тушуниш зарурки, сиёсий мустақиллик, бу — ҳали иқтисодий мустақиллик дегани эмас, унга эришиш учун анча вақт керак. Иқтисодий мустақил бўлиш учун халқ хўжалиги тизимларини бутунлай ўзгартириш лозим бўлади.

Четдан олиб келинадиган озиқ-овқат, дастгоҳлар, хом ашё миқдорини камайтириш тақозо этилади. Биз 60 фоиз хом ашёни Россия ва бошқа давлатлардан келтирамиз. Чет мамлакатлардан келадиган сармояларни ишга солиб, хом ашё етказиб берадиган миңтақадан тайёр маҳсулот чиқаридиган мамлакатга айлансанкнина иқтисодий мустақилликка эришамиз. Айниқса, ёқилғи масаласида биз Россияга боғланганимиз, дастгоҳлар, ёғоч, темирни ҳам ўша сурдан олиб келамиз. Эски тизимнинг сиёсати шундай эдик, Ўзбекистонда бир завод қурилса, бутловчи маҳсулотлар юзлаб жойдан келтирилар эди. Тошкент трактор заводи, авиация заводи бунга мисол бўла олади. Алоқалар узиладиган бўлса, 35—40 минг киши ишсиз қолади. Коммуникация, юқ ташиш масаласида ҳам фақат шимол билан

боғлайдиган темир йўлими бор. Агар вазият ўзгарса, аҳволимиз нима бўлишини кўпчилик тушунади.

Миллий валютани муомалага киритиш, илгари айтганимдек, инқилоб билан тенг. Ўзбекистоннинг ўзига хос сиёсатига содик қолиб, ҳозирги оғир пайтда ҳалқимиз бошига яна бир қийинчлилк тушмасин, дея "рубль мина тақаси" да қолишга ҳаракат қилган эдик. Бу Россия раҳбарларига, мутахассисларига ҳам тушунтирилган, битим ва шартномалар имзоланган, Россия Президенти, Баш вазири ва мутахассислар билан келишилган эди. Лекин бу ҳаракатларимиз кутилган натижани бермади.

Мазкур масалада бир неча марта учрашув бўлди. Биз, ахиди, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан "Бу масаланинг чеки-чегараси борми ўзи" деган саволни кўндаланг қўйдик. Кейин улар ҳукумат аъзоларини тўплаб, шу масалани кўриб чиқиб, шартларини айтди. Улар, хабарингиз бор, матбуотда эълон қилинди. Биринчидан, улар бизга керакли рублни давлатлараро қарз сифатида бермоқчи. Нақд пул билан ёки пулсиз алоқалар учун 1,5 триллион рубль берилса, демак, биз шунга яраша бойлик ёки маҳсулот тўлашимиз керак. Иккинчидан эса, пулни олишдан аввал унинг 50 фоизи миқдоридаги АҚШ доллари ёки Ўзбекистон олтинини гаров тариқасида Россия Марказий банкига қўйишимиз лозим экан. Бундай талабга ким кўнади? Ўзбекистон олтини баъзи бир кимсаларнинг тинчини бузатгани, уларга уйқу бермаётгани аниқ. Бу бориб турган андишасизлик эмасми? Эртанги кунимизнинг замини ва ризқ-насибамиз бўлмиш олтинимизни нима учун уларга қоғоз пул эвазига берар эканмиз? Учинчи шарт шуки, ўзлари бизни шу пайтгача таъминлаган 1961—92 йилги пулларни янги 1993 йил намунасидаги пулга 3 сўмга 1 сўм нисбати билан алмаштириб беришар экан. Тўргинчидан, шартноманинг бирон моддаси бажарилмай қолса, биз яна товои пули тўлашга мажбур эканмиз. Илгари МДҲ кенгашида давлатлараро ягона банк бўлишига келишиб олган эдик. Россия раҳбарлари буни ҳам инкор этиб, бешинчи шартни қўйишли. Унга кўра, Россия Марказий банки барча масалада ҳукмронлик қилас, Ўзбекистон Марказий банки уларга қарам бўлиши, ҳисобот бериши керак эмиш. Бизларни ана шундай ионлож аҳволга туширишга ҳаракат қилинди.

Иккинчи йўл — 1961-92 йилги пул намунасини ҳозирча ишлатиб туриш. Шундай қилишимиз мумкинми? Албатта, йўқ! Чунки Россия ва айрим қўшни давлатлар миллий валютасига ўтиши оқибатида республикамизга кўп миқдорда эски рубллар оқиб кела бошлади. Шундай вазиятда биз пештахталаримиз бўшаб қолишига йўл қўймаслигимиз керак. Четдан келганлар миллион-миллион сўмлик молни қаердан оляпти? Сурхондарёда, Хоразмда шундай ҳоллар бор. Айрим сотувчилар нима учун виждонини ҳам пуллаб юборяпти? Нимага бу борада жавобгарлик йўқ? Дейлик, четдан одамлар ўз манфаатини кўзлаб келади. Лекин ўзимизнинг одамларга нима бўлган? Буни қандай тушуниш керак?

Бундан чиқадиган хулоса шуки, қандай бўлмасин, учинчи йўл — ўз миллий пулимизга ўтишимиз керак.

Миллий валютамизга ўтишда баъзи бир масалаларни ҳал этмоқ керак. Биринчидан, ҳалол топилган пулни ҳалқимизга тўлиқ алмаштириб беришимиз лозим. Одамларнинг харид имкониятларини ҳисобга олиб, зарар етмайдиган харид имкониятларини ҳисобга олиб, зарар етмайдиган қилиб, нарх-навонинг кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолининг эҳтиёжини тўла қондиришимиз керак. Мавжуд ижтимоий ҳимоя тизими — ноchor оиласларга, талабаларга, қарияларимизга берилган имтиёзлар сақланиб қолади. Эски пулни алмаштиришда шов-шувсиз, узоқни кўзлаб, зарур ишларни амалга оширишимиз, жорий этилаётган ўз валютамизни мол билан таъминлашимиз даркор. Ҳалқимизга кундалик молларни етказиб беришда узилишга йўл қўйиб бўлмайди. Олиб келинадиган ва олиб кетиладиган моллар нисбатини бизга мақбул тарзда ўзгартириш учун бир-икки йил вақт керак бўлади. Мингбулоқ ва Кўқдумалоқ нефть конларини ишга туширсан, ўзимизни ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлаймиз. Лекин эртага бизга нефть бермай қўйишса, нима қиламиз, ким билан боғланамиз? Мана шу саволларга олдиндан чора кўриб қўйиш зарур. Кимки шу юртнинг ватанправари бўлса, бу ҳақда бош қотириши керак. Ўзбекистоннинг манфаатини ўйлаб, оғир масалаларни ечишда елкадош бўлишимиз даркор. Нефть маҳсулотларини тежаш тўғрисида ҳали бежиз гапирмадим.

Коммуникация — темир йўл, автомобиль ва ҳаво йўллари, газ тармоқлари демакдир. Уларнинг фаолияти ҳам

БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН

диққат марказида бўлиши керак. Бизда катта-катта корхоналар, самолёт ва трактор ишлаб чиқарадиган заводлар бор. Уларнинг таъминоти чет билан боғлиқ. Владимир ва Ярославлдан маҳсулотлар оламиз, улар билан ҳисоб-китоб қилиш учун эса берадиган маҳсулотимиз тайёр бўлиши лозим. Токи, биз уларга эмас, улар бизга муҳтож бўлсин. Бу — энг муҳим масала.

Биз бу борада ён қўшнимиз — Қозогистон билан биргэлашиб ҳаракат қиласмиз. Дастуримизни биргалашиб ишлаб чиқсан, менимча, тўғри бўлади.

Бу ерда айтилган гапларни тўғри тушуниб, аҳолини ваҳимага солмасдан, миш-мишларсиз иш тутишимиз даркор. Биз ҳар доимгидек, ўз ваъдамизнинг устидан чиқамиз. Оғир пайтда жиплашиб, аҳил бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб ҳамма масалаларни ҳал қиласмиз. Иншооллоҳ, ҳалқимизни қийнаб қўймаймиз. Ўзбекистонда доимо тинчлик ва барқарорлик бўлишига эришамиз.

Биз 1993 йил якунига кўра, ички ва ташқи сиёсатда катта ютуқларга эришдик,— деди Президент лировардида.— Ким қаерда ишламасин, бундан фахрланиши керак. Биз бошқалардан фарқли ўлароқ, келажагимизни аниқ ва равшан кўряпмиз. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон илфор, мутараққий мамлакатлардан бири деб дунё миқёсида тан олинялти. Чет элликлар тарихимизниг терандигини эътироф этмоқда. Жаноб Миттераннинг республикамизга берган баҳосини эшитдингиз. Улар бугунги ва эртанги имкониятларимизни ҳисобга олиб, биз билан ҳамкорлик қилмоқда. Ҳар қайси раҳбар ўзининг ишига ва фаолиятига шу нуқтаи назардан ёндашмоги керак. Эртанги кунга ишонч билан ҳаракат қиласак, муддаомизга етамиз. Иншооллоҳ, ҳамма эзгу ниятларимиз рўёбга чиқади.

БУЮҚ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ХҮҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Ассалому алайкүм, муҳтарам юртдошлар!

Азиз меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун диёримида мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳәтидаги улуғ сана нишонланыпти. Бу — янги түгилган давлатимизнинг, ҳақиқий мустақиллигимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлган ҳур Ўзбекистонимиз биринчи Конституциясининг бир йиллигидир!

Бир йил муқаддам халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюқ воқеа содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси мамлакатимизнинг Асосий қонуни — янги Конституцияни қабул қилди ва 8 декабрь кунини умумхалқ байрами деб белгилади.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз ва халқимиз тарихида абадий қоладиган, келажак авлодлар фаҳр билан эслаб юрадиган Ўзбекистон Конституцияси куни — қуттуғ айём билан барчанғизни чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Муҳтарам дўстлар!

Ҳаммамиз учун азиз бўлган Ватанимиз мустақиллигининг икки йиллигини яқинда нишонладик.

Бугун Ўзбекистон халқи улуғ аждодларининг анъаналарини, урф-одатларини давом эттириб, тақдирини ўз қўлига олиб, қаддини ростлаб, эл-юртимизда осоишталик, барқарорликни, миллатлараро аҳиллик ва фуқаролар тутулигини авайлаб-асраб, янги тарихий шароитда келажагини қурмоқда, миллий давлатчилигини тикламоқда.

Ўзбек миллати азалдан ўз фикри, ўз истиқололи учун курашиб яшаган. Бунга мозий гувоҳ. Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслагидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини қунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзdir.

Шарқни Farb билан боғлаган Буюк Ипак йўлиниң марказида жойлашган буюк Турон — Мовароуннаҳр заминида қадимда ўзга мамлакатлар вакиллари нафақат тижорат билан шуғулланар, балки илм-маърифат, маданият дурдоналари ва давлатчилик асослари билан ҳам танишар эди.

Буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темур барпо этган, илм-фан, маърифат борасида ўрта асрлардаёқ дунёга танилган бир давлат, катта бир миллат гоят чиройли сўзлар билан ниқбланган кўп йиллик мустамлакачилик асоратидан озод бўлганини бугун ҳис этмоқда.

Сир эмас, ҳар қандай жамият келажакни кўзлаб яшайди ва унинг пойдеворини имкон қадар мустаҳкамроқ қуришга ҳаракат қиласди. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз, жамиятимиз эришган буюк ютуқ — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўлди.

Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисбланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга таниладиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.

Асосий қонунимизни баҳолашда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши каби нуфузли давлат ва халқаро ташкилотларнинг олимлари фаол қатнашдилар. Лекин ҳеч ким, ҳаттоқи бизни хуш кўрмайдиган кишилар ҳам унинг демократик моҳиятини инкор эта олмади.

Табиий бир савол туғилади: хўш, бунинг сабаби нима?

Биринчидан, бизнинг Конституция ҳақиқатан ҳам демократик Конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Иккинчидан, бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, у дунё миқёсида ҳам ҳар қандай илғор давлат Конституцияси билан бемалол куч синашмоқда.

Шу билан бирга бу Конституция, умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар, Хўжа Аҳмад Яссавий

бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу кўҳна замин одамлари қўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантлилк каби улуғ хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган.

Дарҳақиқат, у Ўзбекистонимизда — шу азиз ва муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган инсонларнинг дунё-қарашини, уларга хос ўзаро муносабатларни, хусусиятларни, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш, ор-номус, иффат ва ҳаё таъсири эзгу фазилатларни ўзига асос қилиб олган. Бизнинг Конституциямиз эски тоталитар-мустабидлик тузумидан, ўзини ҳаётда мутлақо оқламаган, касодга учраган, миси чиққан тизимдан воз кечиб, янги, замонавий ва эркин ҳаётимизни ҳар тарафлама ҳимоя этишимизга хизмат қиласди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг Конституциямиз умуминсоний ғоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қиласди. Ишончим комилки, буни барча халқимиз теран англайди ва бунга ишонади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, кечаги замонларда ҳам кўп Конституциялар бўларди. Ҳар бир даврга, ҳатто айрим шахсларга ҳам мослаштириб чиқарилган Асосий Қонукларни биламиз. Аммо ўша Конституциялар, улар кимнинг номи билан аталганидан қатъи назар, бир мақсадга — қотиб қолган мафкурага асосланган тузумни ҳимоя этишига ва унинг ҳукмронлигини ўтказишга хизмат қиласди.

Ҳаммамизга маълумки, биз сўнгги 70 йил мобайнида давлатга қарамлик ва сифиниш ҳолатида яшадик. Мамлакатдаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат деб ҳисоблаб келдик. Қайси масалани олмайлик, давлат манфаати биринчи ўринда, фуқаро, шахс манфаати эса деярли ҳисобга олинмаслиги эски Конституцияларнинг ҳар қайси моддасида яққол кўзга ташланар эди.

Янги Конституциямизнинг энг муҳим моҳияти шундан иборатки, унда "Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар" дейилган, яъни, фуқаролар манфаатининг устунилиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган. Собиқ тоталитар

тузум шароитида бундай фикрни ҳеч ким хаёлига ҳам келтира олмас зди. Бугун эса инсон, унинг ҳәёти, эрки, шаъни, қадр-құммати ва бошқа ҳуқық ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир.

Қадрли дўстлар!

Фуқароларнинг ҳуқық ва эркинликлари борасида Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирган. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир шахс фуқаролик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир. Фуқаролик ҳар бир шахсга республиканинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий турмушкида мумкин қадар тўлароқ иштирок этиш имконини беради. Чунончи, шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қиласр экан, бу билан у Конституциямиз ва қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқық ва эркинликларга эга бўлади. Шунингдек, у маълум бурчларни ҳам бажаришга мажбурдир. Табиийки, Ўзбекистон давлати ҳам фуқароларнинг манбаатлари ва эркинликларини республика ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Умум эътироф этган қоидага кўра, ҳар бир шахс фақат бир давлатнинг фуқарөси бўлга олади. Бу ўриндага шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, баъзи бир давлатларнинг айrim сиёсий раҳбарлари муайян бир миллат вакилларига икки фуқаролик ҳуқуқини бериш масаласини олға сурмоқдалар. Бунда айrim миллатга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини тўлароқ ҳимоя этишини кўзда тутмоқдалар. Аслида уларнинг мақсади бошқа — бизнинг ички ишларимизга аралashiш, бизнинг мустақиллигимизни чеклаш, бизга шу йўл билан яна тазиик ўтказишга уринишdir.

Биз бундай ёндашувни рад этамиз, албатта. Бунга ягона Ўзбекистон халқини ташкил этувчи барча миллат ва элатлар рози бўлмайдилар. Демократик ҳуқуқий давлатда фуқаролик фақат биргина миллий тамойил асосида белгиланса, инсонга миллатига қараб турли ҳил ҳуқуқий мақом берилса, бу охир-оқибатда жамият барқарорлигининг бузилишига олиб келади.

Икки давлат фуқаролигига мансублик ачинарли ҳолдир. Бу беватанлик билан баробардир.

Мамлакатимизда муайян кишилар ёки айрим миллат ёхуд этник гуруҳларнинг икки давлат фуқароси бўлиши учун на сиёсий, на ҳуқуқий асос бор. Шунинг учун ҳам, "Фуқаролик тўғрисида"ти қонунимизга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахснинг бирон бир чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди. Бу қонда 1930 йилги Гаага конвенциясида мустаҳкамланган икки фуқароликни тан олмаслик халқаро тамойилига ҳам тўла мос келади.

Бу — бизнинг фуқаромиз республика ва унинг идоралари билан муносабатда ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигини рўкач қила олмайди деганидир. Бундан ташқари, ҳеч ким ўзини Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари мавқеидан фарқ қилувчи ўринга ҳам кўя олмайди.

Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, ирқи, миллатидан ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, тенг ҳуқуқга эгадир. Конституциямиз Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва миллий анъаналари ҳурмат қилинишини кафолатлади.

Муҳтарам дўстлар!

Республикамида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосини иқтисодиётни бошқаришнинг буйруқбозлик, режага қарам бўлиш услубларидан мулкчиликнинг хилма-хил шаклларига, тадбиркорликка, эркин меҳнат қилиш ҳуқуқига асосланган бозор муносабатларига ўтказиш ташкил этади.

Конституцияда хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши таъкидланган. Мақсад — иқтисодиётни ўта марказлаштираслик ҳамда яккаҳокимликка барҳам беришдан, корхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорликнинг мустақиллигини кенгайтиришдан иборат. Унда хўжалик фаолиятига давлатнинг яккаҳокимчилик тарзида аралашувига чек қўйилган, иқтисодий фаолият эркинлиги таъминланган, ишビルармонлик ташаббусига ва эркин бозор муносабатларига кенг йўл очилган. Хуллас, ўз мулкига ўзи хўжайн бўлган кишилар ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг асосий таянчи бўлиб хизмат қиласди.

Конституцияда ҳурфиқрлилик, виждои ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига ҳам катта эътибор берилган. Бу эса республикамизда шаклланган урф-одатларга, халқимизнинг теран маънавий анъаналарига батамом мос келади. Диннинг халқимиз маънавиятига, руҳиятига ўтказаётган ҳаётбахш таъсирини кўриб турибмиз. Инсоннинг покланишида, жамиятни руҳий-аклоқий жиҳатдан соғломлаштириш борасида ислом динининг ижобий таъсири каттадир. Буни ҳаммамиз яхши тушунишимиз лозим. Ўйлайманки, диннинг тарбиявий аҳамияти янада кучайиши керак. Дия ва диний ташкилотларга нисбатан янада мулоҳазали сиёсат юритилиши даркор.

Диний ташкилотлар ва бирлазшмалар, давлатдан ажратилган ҳолда, қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва хоҳлаган динига амал қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.

Янги Конституциямизнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, давлат ҳокимиятининг тузилиши ва фаолият тартиби ваколатларни тақсимлаш тамойили асосида амалга оширилади.

Улуф бобокалонимиз Амир Темур "Қаерда қонун ҳукмронлик қиласа, шу ерда эркинлик бўлади" деган сўзларни тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёздирган эди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — давлатнинг учта асосий таянчидир.

Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг, Ўзбекистон Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг, Суд ҳокимияти идоралари бўлмиш — Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судининг ваколатлари аниқ-равшан белгилаб қўйилган.

Қонун чиқарувчи ҳокимият Олий Мажлис томонидан, ижроя ҳокимияти эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда республиканинг ягона суд тизимини ташкил этади. Конституцияда жойлардаги давлат ҳокимияти органларига алоҳида эътибор берилган. Ўз-ўзини бошқариш тамойилларни мустаҳкамлаш билан бир қаторда, маҳаллий ҳокимиятининг бошлиғи — ҳоким лавозими жорий этилади.

Муайян ҳуқуқларга эга бўлган маҳаллий вакиллик ҳокимияти — халқ депутатлари кенгашларига, шунингдек, ижроия ҳокимиятига вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари раҳбарлик қиласидар.

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда маҳаллий ҳокимият ўз-ўзини бошқариш органлари шаклида амалга оширилади. Фуқароларнинг бундай йигинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳисобланади.

Асосий қонунимиз Узбекистон таркибидаги Қорақалпогистон Республикасининг мақомини тан олади ва унинг суверенитетини муҳофаза этади. Қардош Қорақалпогистон ҳам ўзининг асосий қонунини қабул қилди. Ўзбеклар билан қорақалпоқларнинг абадий бирлиги ва қон-қардошлигини тасдиқлади.

Конституциямизда коммунистик мафкура, синфиийлик, яккапартиявийлик иллатларидан асар ҳам йўқ.

Давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг, шу жумладан, касаба уюшмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади. Бундан ташқари, давлатга жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш вазифаси ҳам топширилган.

Конституцияда жамиятимизда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Олтий Мажлиси тайлов Узбекистон тармоғидан биринчи мурта кўппартиявийлик асосида ўтади. Шунинг учун ҳам бугун сайлов тўғрисидаги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинмоқда.

Асосий қонунимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейилган. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қондай бизнинг олдимизга миллий истиқбол мафкурасини яратиш вазифасини қўяди.

Миллий истиқбол мафкураси халқимизнинг азалий анъ-аналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдиришга хизмат қилиши лозимлигини ҳеч қачон унутмайлик. Унда жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, аҳоли турли табақаларининг ўй-фикрлари, ор-

зу-умидлари ўз ифодасини топмоғи лозим. У давлатимиз фуқароларини улуғ мақсад йўлида қалбан бирлаштиришга кўмаклашиши керак.

Биз эркин демократик жамият қурмоқчимиз. Биз халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан оламиз ва ҳурмат қиласиз. Биз мамлакатларнинг ҳудудий яхлитлигини ва суворенлигини ҳурмат қиласиз. Биз барча можароларни музокаралар, сиёсий йўл билан ҳал этиш тарафдоримиз. Биз тараққиёт фақатгина иқтисод, маданият, савдо-сотиқ ва маърифат соҳаларидағи алоқалар воситасида амалга оширилишини истаймиз.

Бу тамойиллар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг негизини ташкил этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессияси минбаридан халқимизнинг ана шу умумбашарий қадриятларга содиқ эканини изҳор этиш шарафи менга насиб этганидан беҳад баҳтиёрман!

Конституциямизнинг муҳим бир банди Аллоҳ таоло ато этган энг улуғ неъмат — инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳақида. Афсуски, собиқ советлар империяси парчаланиб кетганидан кейин рўй берган ижтимоий портлашлар, турли келишмовчиликлар Марказий Осиё минтақасини ҳам четлаб ўтмади. Гап Тожикистанда, тоҷик-афғон чегарасида бўлаётган хунрезлик хусусида боряпти. Неча асрлардан бери ёнма-ён яшаётган Марказий Осиё халқларининг келажак тақдирини айри-айри тасаввур қилиш мумкин эмас. Биз Тожикистаннинг яхши ишларига аралашмоқчи эмасми, лекин "Қўшнинг тинч, сен тинч" деган кўҳна шарқ мақолини унутмаслик керак. Барчангизга маълум, Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий иш юритувчи семинарини ташкил этишни таклиф қилди. Агар шу ниятимиз амалга ошса, манфаатдор мамлакатлар минтақавий хавфсизлигининг ишончли тизимини вужудга келтирган бўлур эди.

Азиз ватандошлар!

Бугун Конституциямизнинг бир йиллигини нишонлар эканмиз, қилинган ишларга баҳо беришимиз лозим. Ўйлаб кўрсак, бир йил дегани абадият олдида жудаям қисқа фурсатдир. Лекин, сарҳисоб этадиган бўлсак, шу бир йил мобайнида республикамизда қанчадан-қанча воқеалар юз берди.

Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, ўзининг маънавий қадриятларини ва ақлий салоҳиятини тиклаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар, ижтимоий ҳимояни кўзда тутган ҳуқуқий демократик давлат пойдеворини қуриш даврига қадам қўйди.

Бир йилда 40 та янги қонун қабул қилинди. Ўзгариб бораётган шарт-шароитларни эътиборга олиб, илгари қабул қилинган қонун ҳужжатларига тузатишлар киритилди. Қабул қилинган бу муҳим қонунлар миллий давлатчиликни барпо этишга, эркин бозор иқтисодиётини ривожлантиришга, жаҳон ҳамжамиятидаги мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилишга қаратилгандир.

Республикада қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш мақсадида демократик ислоҳотлар амалга оширияпти. Бу ислоҳотлар барча ҳокимият тармоқларининг ваколатларини аниқ белгилаш ва улар ўртасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйишни кўзда тутади.

Конституцияда Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти экани таъкидланган. Ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон халқаро ташкилотларнинг фаол аъзосига айланяпти, жаҳон хўжалиги уйғун ҳолда ривожланяпти ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатяпти.

Ўзбекистонни дунёдаги деярли барча нуфузли, катта давлатлар тан олди. 70 дан ортиқ мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ҳозирги вақтда Тошкентда салкам 40 давлат ўз элчихона ва ваколатхонасига эга. Республикализнинг асрлар мобайнида ташқи дунёдан ажралиб қолганига барҳам берилмоқда.

Биз ташқи сиёсатимизни шакллантиришда Конституциявий тамойилларга амал қилган ҳолда, аввало, ўз куч-қудратимизга, маънавиятимизга, кўп авлодлар меҳнати билан яратилган халқимиз салоҳиятига таянилмиз. Бу — ташқи муносабатларда очиқ, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидаларга риоя этиш демакдир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг ilk даврида кўпгина обрўли халқаро иқтисодий, молиявий ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Жаҳондаги энг катта мамлакатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларини ўрнатди. Республиканинг ишончли, истиқболли ҳамкор сифатидаги обрў-эътибори анча мустаҳкамланди.

Туркия, Германия Федератив Республикаси, Франция, Буюк Британия, Голландия, Австрия, Корея Республикаси, Хитой, Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон билан сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш түғрисида икки томонлама битимлар тузилгани ҳалқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда мұхым ажамият касб этаді.

Ташқи савдо мұомалаларимиз көнгайды. Ҳозир у салкам 1,3 миллиард долларни ташкил этмоқда. Дунёдаги 50 дан күпроқ мамлакатнинг фирма ва ширкатлари билан иқтисодий алоқа ўрнатылды. Ҳозир экспорт маҳсулотларининг 80 фоизга яқини Россия, Украина, Беларусь каби Ҳамдүстлик давлатларидан ташқари Туркия, Бельгия, Буюк Британия, Франция, Индонезия, Корея Республикаси, Америка Құшма Штатлари, Финляндия, Швейцария каби мамлакатларга юбориляпты.

Халқимизнинг олий манбаатларини инобатта олган ҳолда, давлатимизнинг иттифоқлар түзиши, ҳамдүстликтарга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши мүмкінліги Асосий қонунда белгилаб қўйилган. Ўзбекистон ана шу ҳуқуққа амал қилиб, Марказий Осиё давлатлари — Туркия, Эрон, Покистон билан биргаликда ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди. Бу ташкилот доирасида давлатлараро транспорт йўлларини биргаликда қуришга доир лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга фаол қўшилди.

Бунинг маъғоси, бундан мақсад нима? Бизлар бунга алоҳида баҳо беришимиз керак. Агар эсларингда бўлса айтган эдим, яна такрорлайман, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг марказида жойлашган бўлса ҳам унинг йўли, унинг коммуникациялари фақат шимолга чиқади ва шимол орқали бизлар мана 70—80 давлат билан савдо-сотиқ ишларини олиб боряпмиз. Шунинг учун фақат бугунни эмас, балки эртанги кунларимизни ҳисобга олиб, қўшни давлатларнинг ҳамкорлигидан фойдаланиб, ўзимизнинг келажагимизни қуриш ҳаракатини қиляпмиз. Мана, масалан, биз Тажик-Сарахс янги темирйўли қурилишида ўз улушкимиз билан қатнашапмиз. Бу йўл Пекинни Истанбул билан боғлайдиган Трансосиё магистралининг таркибий қисми бўлади. Каспий денгизи соҳилида Оқтобар бандаргоҳини қайта тиклаш, Хитой билан Покистонга бевосита чиқишга имкон берадиган Андижон—Ўш—Эргаштот—Қашғар ҳамда Ҳинд океанига йўл очадиган Термиз—Ҳирот—Каро-

чи автомобиль йўллари қурилишида қатнашиш истагини билдиридик.

Ана шу магистралларнинг барпо этилиши Ўзбекистонни Европага, Форс кўрфазига, Ҳинд ва Тинч океанларига олиб чиқади ва жаҳон ҳамжамияти билан ташқи алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки иштирокида бир қанча йирик лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилапти. Жумладан, куни кечада Буюк Британияга қилган расмий ташрифимиз вақтида Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки билан битим имзоланди. Ушбу битимга кўра республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва олтин қазиб чиқарувчи "Ньюмонт-Зарафшон" қўшма корхонасининг молиявий таъминоти учун 160 миллион доллардан кўпроқ маблағ ажратиладиган бўлди.

Дунёдаги энг катта Жаҳон банки, Дойче-банк, Малайян банки, "Креди коммерсаль де Франс" каби бир қанча банклар Тошкентда ўз ваколатхонасини очган. Бугунги кунда республика 70 дан ортиқ хорижий банк билан ўзаро муносабатлар ўрнатган.

Ўзбекистонда истиқболли инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришда бутун дунёга машҳур бўлган чет эл компания ва фирмалари фаол қатнашмоқда. Уларнинг кўпчилиги ҳозир Ўзбекистонда ваколатхоналарини очиб, қўшма корхоналар барпо этишда иштирок этяпти.

Ҳозир республикада 900 дан кўпроқ қўшма корхона жаҳондаги 65 мамлакатдан келган шериклари билан биргаликда фаолият кўрсатаётir. Шунингдек, фақат хорижий сармоя билан барпо этилган 53 та корхона рўйхатга олинган. 1990 йилда республикада фақат 30 та қўшма корхона қайд этилган бўлса, улар шу йилнинг ўзидаёқ 310 тадан ортди.

Қўшма корхоналарнинг ҳар учтасидан бири ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришига, ҳар тўрттасидан бири эса хизмат кўрсатишга қаратилгац. Бугунги кунда қўшма корхоналар салкам 100 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши билан республика бозорини бойитишга кўмаклашмоқда.

Ички сиёсатимиз тоталитар тузумдан эркин бозор шароитига босқичма-босқич, қўпол инқилобий услублар-

ни истисно этган ҳолда ўтишга қаратилди. Биз бозор муносабатларига ўз йўлимиз билан, беш асосий тамойилга асосланган ҳолда ўтаётганимиз ҳаммага аён. Маълумки, бозор муносабатларига ўтишни сълон қилиш билан янги иқтисодий муҳит ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Энг аввало, тегишли, замин ва шарт-шароитларни, ҳуқуқий асосларни яратиш керак.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, биз мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, бунинг натижаси ўлароқ, турли мулк шаклларини юзага келтириш ва уларнинг ўзаро тенглигини таъминлаш бўйича анча ишларни амалга оширидик.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида хусусийлаштиришга оид 20 та давлат дастури қабул қилинди ва амалга ошириляпти. Шу кунга қадар 41,5 мингта корхона хусусийлаштирилди. Уларнинг 22 мингдан кўпроғи акционерлик ва жамоавий мулкчилик шаклига, 18,5 мингдан кўпроғи эса хусусий ва оиласавий мулкчилик шаклига ўтказилди.

Маҳаллий саноат, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари деярли хусусийлаштириб бўлинди. 22 минг шохобча "кичик" хусусийлаштириш билан қамраб олинди.

Кичик ва ўртача корхоналарни хусусийлаштириш билан бирга енгил саноат, автотранспорт ва қурилиш мажмуидаги йирик корхоналарни акционерлик жамиятларига айлантириш борасидаги ишлар авж олдирилди. Иқтисодиётнинг мана шу ва бошқа тармоқларидаги 423 корхона хусусийлаштирилди.

Кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш жараёни аграр сиёсатимизнинг ҳам таркибий қисми бўлиб қолди. Конституция ва мавжуд анъаналаримизга мувофиқ, қишлоқда ердан фойдаланишнинг энг самарали шакллари қайтадан тикланяпти. Бундай шакллар ижара муносабатларига ва уюшган меҳнатга асосланганандир.

Қайта ташкил этиш йўли билан 715 та давлат хўжалигидан 325 та жамоа хўжалиги, 300 та кооператив ва 90 та ижара хўжалиги тузилди. 735 та чорвачилик фермаси акционерлик жамиятларига айлантирилди. Қишлоқларда 65 минг гектардан кўпроқ унумдор ерга эга бўлган 6,5 мингга яқин мустақил фермер хўжаликлари ташкил қилинди.

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш натижасида республика аҳолисининг кўпчилиги ўзини ҳақли равиша мулкдор деб ҳис қилди. Ҳозирда илгари давлатга қарашли бўлган бир миллиондан ортиқ квартира ёки жами давлат уй-жой фондининг 90 фоизи фуқароларнинг шахсий мулки бўлди. Шу билан бирга ҳар учта квартиранинг бири уларнинг эгаларига текин берилди. Улар уруш фахрийлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, ижод ва илм аҳдларидир.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида республикада янги мулкчилик муносабатлари юзага келяпти. Хусусий мулкчилик ўз ҳуқуқларини қарор топтироқда.

Конституцияга мувофиқ, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Ҳозир қишлоқ хўялигининг хусусий тармоғи аҳолига сутнинг тўртдан уч қисмни, яъни 60 фоизини, гўштнинг салкам 70 фоизини, картошканинг 40 фоизидан кўпрогини ва жами сабзавотнинг ярмини етиштириб беряпти.

Нарх-наво ҳам бирданига эркин қўйиб юборилмади. Босқичма-босқич, кишиларнинг топиш-тутишини ҳисобга олган ҳолда эркин нархларга ўтилди. Энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларига давлат дотацияси сақлаб қолинди.

Давлат, иқтисод, молия бошқарувини замон талабига қараб ўзгартириш ва такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни бозор услубларига ўтказиш ва рағбатлантириш, соглом рақобат муҳитини яратиш, банк тизимини ислоҳ этиш, умуман, бозор муносабатларини шакллантириш борасида бир қанча ишлар қилинди.

Конституциявий қоидаларга мувофиқ, республикада замонавий солиқ ва кредит-банк тизими шаклланяпти, молия-бюджет сиёсатини амалга ошириш механизми такомиллаштириляпти, ўз пул тизимимизни барқарор қилиш, миллий валютага ўтиш йўлида биринчи қадам қўйилди.

Лекин бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим: Ўзбекистон ички сиёсатида фуқаролар тотувлигини таъминлаш, эҳтиёжманд ижтимоий табақаларни ҳимоя этиш доимо етакчи ўрин тутди. Бугунги кунда бизнинг ҳақ эканимиз нафақат собиқ СССР ўрнида ташкил топган янги давлатларда, балки бутун дунёда ҳам тан олинди.

Бозор муносабатларига ўтиш бирдан-бир мақсад эмас. Конституцияда белгилаб қўйилганидек, давлат ўз фаолия-

тини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш тамойиллари асосида амалга ошириши шарт. Республиканинг асосий қонунида фуқароларнинг меҳнат қилиш, ишсизликдан ҳимояланиш, қариганда ёки меҳнат лаёқатини йўқотганда ижтимоий таъминот олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, таълим олиш ҳуқуқлари белгиланган. Шунингдек, илмий ва техникавий ижод эркинлиги ҳуқуқларини ижтимоий жиҳатдан пухта кафолатлаш қайд этилган ва бу ҳуқуқлар оғишмай турмушга жорий этиляпти.

Мустақиллик йиллари мобайнида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишининг моҳият жиҳатдан янги механизми яратилди. Бунда аниқ иқтисодий вазият, мавжуд имкониятлар ҳисобга олинди.

Давлат энг аввало аҳолининг ижтимоий мададга муҳтож бўлган табақаларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олди. Бу иш ҳақи ва пенсияларнинг энг оз миқдорларини кафолатлашда, ҳаётий муҳим маҳсулотлар билан меъёрланган миқдорда таъминлашни ташкил этишда, товон тўловлари ва бошқа чора-тадбирларни амалга оширишда ўз ифодасини топди.

Нархлар эркинлаштирилиши муносабати билан шу йил мобайнида иш ҳақи, пенсия ва стипендияларнинг энг оз миқдорлари етти марта оширилди.

Бошқача қилиб айтганда, уларниг ҳажми 1990 йилга нисбатан — 350, 1992 йилга қараганда — 12,5 баробар кўпайди. Ўртacha маош эса тегишинча — 320 ва 12 баробар ўси. 1 декабрдан бошлаб энг кам иш ҳақи 24 300 сўмни, меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори 26 325 сўмни ташкил қиляпти. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи бошқа мамлакатлардагига қараганда анча юқоридир.

Кечаки матбуотда эълон қилинди: Россияда энг оз иш ҳақининг миқдори 14 минг 200 сўм бўлибди. Ўзбекистонда эса 24 минг 300 сўм. Мана шуни солиштириб, ким ҳалқни қандай ҳимоя қилаётгани ҳақида холоса чиқариш мумкин. Лекин бизлар яхши тушунамизки, ойликни кўпайтириш, албатта, нархларнинг ўсиши билан бақамти бўляпти. Буни ҳам биз ҳалқимизга очиқ айтишимиз Керак.

Чакана нархлар, тарифлар ва пулли хизмат миқдори жорий йилда 1990 йилга нисбатан, мутахассисларимизнинг ҳисоб-китобига кўра, 320 баробар ўсан. 1993 йилда истеъмол молларининг нархлари ва хизматларнинг ҳақлари ўсиб

боришига нисбатан аҳолининг пул даромадлари илдамроқ кўпая бошлади. Вужудга келган бу тамойилнинг барқарорлиги таъминлаб борилмоқда.

Республикамида ўз истиқлол ва тараққиёт дастуримизни амалга ошириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг ва ҳаётимизнинг барча соҳаларида кутилган ижобий самараларни беряпти. Масалан, ялпи миллий маҳсулот ўттан йилги даражада бўлиши кутиляпти, яъни унинг пасайиши тўхтатилди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тахминан 6 фоиз ошади. Нефть (121 фоиз), табиий газ (104 фоиз) қазиб олиш, нефть маҳсулотлари, қора металлар прокати ишлаб чиқариш анча кўпайди. Хом-ашёни ўзимизда қайта ишлаш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш (107 фоиз) миқдорлари ортиб боряпти.

Кицлоқ хўжалигининг ялди маҳсулоти, ўсиш суръатлари билан, 103 фоиз бўлиши кутиляпти. Ҳаммамизга маълум, об-ҳавонинг инжиқлиги туфайли етиштирилган пахта ҳосилининг бир қисми нобуд бўлди. Лекин 1993 йил ҳосилидан тахминан 1 миллион 400 минг тоннага яқин пахта толаси ишлаб чиқара оламиз. Дон, картошка ва узум етиштириш натижалари ҳам ўтган йилгидан анча яхши.

Молиявий аҳволимиз ҳам барқарорлашмоқда. Республика бюджетининг камомади ялпи миллий маҳсулотнинг 5 фоизидан ошмайди, бу эса халқаро мезонларга кўра молиявий барқарорликнинг далили бўлиб хизмат қиласди.

Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган мустақил давлатлар иқтисодининг бугунги ачинарли аҳволи билан таниш одамлар юқорида айтиб ўтилган рақамлар билан таққослаб, тегишли хуласа чиқариши мумкин.

Бир нарсани очиқ айтишимиз керак, албатта, бизларниңг иқтисодимизда, одамларни ижтимоий ҳимоя қилишда, олаётган даромадида, ҳаёт даражасида бошқаларга нисбатан анча фарқ бор. Бизларни яхши кўришадими, ёмон кўришадими, кўролмайдими — ҳаммаси мана шу масалага тақаляпти. Лекин одамлар сўрайапти: ҳозирги қийинчиликлар қачонгача давом этади, деб. Шу нуқтai назардан мен бир нарсани мана шу залда ўтирганларга очиқ айтишим мумкин: 1992 йил оғир келди. 1993 йил ҳам енгил бўлмади. Энди ҳаммамиз 1994 йил арафасида турибмиз. Агар бизлар 1994 йилда ўз валютамизга ўтиб, пул масаласини ҳал қилсак, билиб қўйинглар, 1994 йилда 1993

йилга нисбатан анча енгил бўлади. 1994 йил Ўзбекистон ўзининг ҳақиқий ўсиш суръатларига кўтарилади, деб мен ишонаман.

Азиз юртдошларим!

Ўтган даврнинг натижалари ва якунлари ҳақида гали-
пар эканмиз, биз албатта барча қилган ишларимизга,
фаолиятимизга танқидий кўз билан қарашимиз ва уларни
шу нуқтаи назардан баҳолашимиз лозим. Халқимиз
ҳақиқий ютуқларни ва амалий силжишларни, шу билан
бир қаторда, ҳаётимизда йўл қўйилаётган камчиликлар,
нуқсонларни, бой берилган имкониятларни ҳам кўриб
турибди.

Янгиланаётган давлатга мутлақо янги иқтисодий асос
керак. Бу яққол кўриниб турган ҳақиқатдир. Ислоҳотларни
иқтисодиётимизга татбиқ этиш йўлида эришилган ютуқла-
римиз билан бир қаторда, ҳаётимиздаги кўп жараёнларда
ислоҳотлар олға силжимай бир жойда тўхтаб қолаётгани,
кутилган натижа бермаётганини кўрсатувчи кўп мисоллар
бор.

Бугун биз республика миқёсида ислоҳот ўтказиш
ҳақидаги дастур ва тасаввурга эгамиш. Лекин шуни очиқ
айтишим керак, вилоят ёки туман, тармоқ ёки корхона
даражасига ўтганимизда, кўпинча қолоқликка, тушунмов-
чиликка, ҳатто қарама-қаршиликка дуч келяпмиз.

Ислоҳотнинг олға силжишига халақит бераётган сабаб-
ларни аниқлаб, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этмасак,
узоқ чўзиладиган иқтисодий турғунылкка дучор бўлиш
хавфи бор.

Ислоҳотлар уларни шунчаки ўтказиш учунгина керак
эмас. Улардан мақсад иқтисодий фаолиятга эркинлик бе-
ришдир. Ишни шундай ташкил этиш керакки, бундан ҳар
бир киши ислоҳотларнинг афзаллигини яққол сезсин. Уларнинг натижаларидан ҳақиқий манфаатдорлик пайдо
бўлсин. Ислоҳотлар жараёни аниқ самара берсин.

Ҳозир олдимизда навбатдаги катта синов турибди.
Давлат мустақиллигини ифодаловчи асосий шартлардан
бири — ўз миллий гулимизни жорий этишдир. Биз
халқимизга ҳам, халқаро ҳамжамиятга ҳам илгари бу
масаладаги муносабатимизни бир неча бор айтганимиз.

Дастлабки қадамларни қўйдик: ўзимизнинг "сўм-ку-
пон"ларимизга ўтдик. Бу тўғрисида ҳам алоҳида айтиши-
миз керак. Эътибор беринглар: 1 сўмлик, 3 сўмлик, 5

сўмликларга "1992 йил" деб ёзилган. Савол тушяптики, нима учун бу пуллар энди — 1993 йилда пайдо бўляпти. 1992 йилнинг бошида "катта оға" мизнинг шунаقا ўйинларига тайёр бўлиб, бу тадбирларни кўрган эдик. Бизларга яна бир-икки йил керак эди. Бу ҳақда катта мажлисларда, кенгаишларда, халқ ноиблари олдида айтган эдим.

Нима учун Ўзбекистон ўз пулига ўтмаяпти? Нима учун мустақил давлат, истиқлол йўлига қадам қўйган давлат ўз пулига ўтишга шошилмаяпти, деган саволлар тушарди. Ўшанда айтганман: янги пулга ўтиш бу — бир инқилоб билан баробардир, деб. Мана, энди жуда кўп ўйлаб, етти ўлчаб бир кесишга мажбур бўлдик. Ўзимизнинг "сўм-купон" имизни Россия рублига тенглаштириб олдик. Нима учун? Бунинг тагида катта маъно бор. Халқимизни аяш, асраш, авайлаш учун шундай йўл тутдик. Кучини йўқотган, қоғозга айланиб қолган эски пулни бутунлай муомаладан чиқариб, ўзимизнинг "сўм-купон" имизга ўтиб, аҳолини ҳимоялаб, иқтисодиётимизни ҳимоялаб, чегарамизни ҳимоялаб, шундан кейингина ба- маслаҳат пул-валюта ислоҳотига ўтишга замин туғидирдик. Буни кўпчилик, халқимиз тўғри тушуняпти. Минг раҳмат халқимизга!

Бу қадамимиз — биринчи қадам, энди орқага қайтиш ўйқ. "Сўм-купон"ни чиқардикми, энди албатта ўз валютамизга ўтишимиз керак. Ҳали кўрасиз, қандай чиройли ўз миллий пулимига эга бўламиз.

Келгуси йилнинг энг муҳим вазифаси — ҳозир муомалада бўлган "сўм-купон"лар асосида ўз миллий валютамизга ўтишдир.

Сўмимиз нуфузли, тан олинган валютага айланиши учун ҳаммамиз тер тўкиб меҳнат қилишимиз керак бўлади. Бу — сир эмас.

Иқтисодий ислоҳотнинг бошқа йўналишлари бўйича биз муайян тажриба орттирган бўлсак ҳам, пул муомаласини йўлга қўйиш — энг мураккаб муаммодир. Бугун масалани кўндаланг қўймоқ керак: сўмимизни мустаҳкамлай олсак, умуман иқтисодий ислоҳотларимиз мувваффақиятини таъминлаган бўламиз, ҳақиқий иқтисодий мустақилликка эришамиз. Бу жараён нафақат давлатимизни, балки республикада яшаётган ҳар бир фуқарони синовдан ўтказади. Бунга тайёр туришга даъват этаман.

Жамиятимизни қайта қуриш ишлари қанчалик мұраккаб бўлмасин, биз бундан бўён ҳам ислоҳотларга ва бу соҳада орқага қайтиш йўқлигига ишончни мустаҳкамлаш учун барча чораларни кўрамиз. Халқимизни авайлаб-асраб, пухта ўйлаб, зиммамиздаги улкан масъулиятни ҳис этган ҳолда иш тутамиз.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этмоқчи-ман. Бизнинг саъй-ҳаракатларимиз ҳаммага бирдек ёқмаётганини ўзингиз кўриб-билиб турибсиз. Жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида қудратли Ўзбекистоннинг бўй-бастига ҳасад билан қараётган кучлар ҳали бор.

Улар, аввалгидек, бизга сўзларини ўтказиш, биздан бой хомашё манбаи, ҳар қандай товарни сотиш бозори сифатида фойдаланишни хоҳламоқдалар, ўз сиёсати ва тазийкларини ўтказишга уринмоқдалар. Бунга ҳам тўғри баҳо беришимиз зарур.

Азиз дўстлар!

Ўзбекистон XXI аср арафасида жуда ҳам мушкул ва мураккаб, шу билан бирга гоят масъулиятли ва шарафли даврни бошидан кечирмоқда. Машаққатли шароит бошқа давлатлар ўнлаб йиллар ва ҳатто юз йиллар мобайнида ўтган йўлни жуда тез, саноқли йилларда босиб ўтишни тақозо этмоқда.

Яна бир яхши англаб олайликки, муҳтарам биродарлар, биз жуда мураккаб ва нозик шароитда яшяйпмиз. Мустақиллик йўлидаги ҳастлабки тажқибалағни машаққатлағ билан орттирияпмиз.

Шу муқаддас, азиз заминда яшаётган биродарлар! Эл-юртимиз, Ватанимиз оллидаги фуқаролик бурчимишни яна бир бор англаб олишимиз даркор.

Ватанин севмоқ — иймондандур! Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломнинг ана шу мұхтасар қаломларида инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти, унинг фазилатлари, яшаш тарзи ва мақсади ифода этилган.

Агар шу улуғ фазилат барчамишнинг онгимиздан, қалдымиздан жой топса, муқаддас ақидага айланса, ана шундагина олдимизда турган буюк мақсадларга эришмоғимиз мумкин.

Миллий мағкура ҳақида ҳозир кўп гапиряпмиз. Фикримизни, дунёқарашибимишни ўзгартираётган бу муҳим масалада тезроқ сўздан амалий ишга ўтишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Миллий мағкурани онгимизга сингди-рувчи амалий тарбияни йўлга қўймоқ керак.

Нега шундай деялман? Бунинг сабаби шуки, мафкура-вий масалани ҳал этмасдан, уни амалда татбиқ қилмасдан туриб Конституция белгилаб берган мақсадларга эришиш, у олдимизга қўйган талабларга жавоб бериш мушкул бўлади.

Янги мафкуранинг асл мазмуни — янгича, эркин фикрлайдиган, мутелиқ ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи, мустақил инсонни тарбиялашдир.

Янгича фикрлайдиган фозил инсон, энг аввало, фуқаролик бурчини ҳис этадиган шахс бўлиши даркор.

Тан олишимиз керакки, турли иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ечиш билан овора бўлиб, биз мафкура масаласига етарли зътибор беролмадик.

Агар сезган бўлсангиз, бизлар кўпроқ талаб қиласиз. Ҳуқуқ, эркинлик ҳақида кўпроқ гапирамиз. Бу ҳам аслида тўғри ва жуда адолатли. Чунки, инсон ҳуқуқини қонунда ва амалда таъминлай олмаган, бунинг учун етарли кафолатлар яратиб беролмаган жамият демократик жамият эмас.

Аммо бу ишнинг иккинчи, бизлар кўпинча унугиб кўядиган жиҳати ҳам бор. Демократик жамият қуриш учун, демократик тамойилларни тўла қарор топтириш учун, энг аввало, шу мўътабар заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдиаги, уни катта умидлар билан тарбия этган, зояга етказган жамият олдиаги бурчини адо этиши керак. Бу гап менга ҳам, сизга ҳам — барчамизга бирдай тегишлидир!

Содда қилиб айтганда, ҳар қайси фуқаро, ҳар биримиз: "Шу давлат, шу жамият менга нима берди?" деб эмас, балки: "Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?" деб ўйлашнимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак.

Модомики шундай экан, мафкура зиёсининг тарғиботчилари, яъни тарбиячилар, муаллимлар ва устозлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Тарбиячи-устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идроқини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етишириш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак. Бу унинг зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН

Агар эсласангиз, азиз биродарлар, қадим замонлардан бери бизнинг табаррук заминимизда тарбиячилар билан табиблар энг иззатли ва энг мўътабар инсон саналган. Шундай экан, бугунги сиёсатимизда ота-боболаримизнинг ана шу олийжаноб анъаналарига содиқ қолиб, ёш авлодни ўстиришга, тарбиялашга даҳлдор инсонларга биринчи навбатда, қўлдан келганча эътибор кўрсатиб, уларга эҳтиром билдириб, алоҳида имтиёзлар бериш — давлатимизнинг муқаддас бурчидир. Бу келажаги буюк давлатнинг, эркин ва фаровон яшашга интилаётган жамиятнинг пойдеворига тамал тоши қўйиш билан баробардир. Юртимизга мард ва фидойи фарзандлар керак, азиз ватандошлар!

Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, уларнинг аҳамияти вақт ўтган сари ортиб бораверади. Конституциямизнинг қабул қилиниши, унинг байрами куни ҳам ана шундай воқеалар сирасига киради ва бу мўътабар Комус — Асосий Қонун қабул қилинган кун мустақил Узбекистон тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, бутун бир тарихий даврнинг гултожи бўлиб қолажак!

Мазкур Конституциямизнинг пайдо бўлишига, қабул қилинишига катта ҳисса қўшган фаолларимизга, шу залда ўтирган ноибларимизга миннатдорлигимни билдириб, Асосий Қонунимизни ҳаётга татбиқ этишда омад тилашга руҳсат бергайсиз!

Азиз ватандошларим!

Аждодларимиз ўз фарзандларига ҳамиша тилаб келган сиҳат-саломатлик биз учун олий неъматдир. Агар одам соғлом бўлса, севикли Ватанимиз ҳам соғлом бўлади, орзу-ниятларимиз амалга ошади, хонадонларимиз, эл-юртимиз тинч бўлади.

Сизларнинг ҳаммангизга мустаҳкам соғлиқ тилайман!

Сизларни шу муқаддас замин — гўзал Узбекистоннинг Конституцияси куни байрами билан яна бир бор чин юракдан табриклайман. Барчангизга омад, баҳт-саодат тилайман!

Танлаб олган йўлимизда, улуғ мақсадларга эришишимизда буюк боболаримизнинг ўлмас руҳи ҳамиша ёр, Яратганинг ўзи мададкор бўлсин!

*Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг бир йиллигига
багишланган тантанали йигилишида
сўзланган нутқ,
1993 йил 7 декабрь*

МАРД МАЙДОНДА СИНАЛАДИ

1993 йил 9 декабрь куни Тошкент шаҳрида ҳалқ депутатлари пойтахт вилояти кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Тошкент вилоятининг ҳокими Сайфулла Сайдалиев пенсияга чиқиши муносабати билан аризасига биноан ўз вазифасидан озод этилди. Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига мувафиқ Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Мирзамурод Икромов Тошкент вилояти ҳокими, Бекобод шаҳар ҳокими бўлиб ишлаб келаётган Эркин Рўзиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринbosари этиб тасдиқланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Республикамизнинг бугунги ижтимоий-сиёсий аҳволи, ислоҳотнинг бориши, олдимизда турган катта вазифалар тўғрисида куни кеча Конституциямиз байрамига бағишлиланган мажлисда бафуржа гаплашиб олдик. Ички ва ташки сиёsat ҳақида, мавжуд муаммолар, дастлабки ютуқлар, шу билан бирга катта-катта камчиликлар, бой берилгак имкониятлар тўғрисидаги гаплардан кўпчилик хабардор, деди Президент. Бугунги масала бўйича галирсак, республика миқёсидаги ютуқлар, айрим камчиликлар Тошкент вилояти меҳнаткашларига, раҳбарларига ҳам хос, деб ўйлайман. Лекин, гап шундаки, ана шу камчиликларни биз кўрмасак, уларга тўғри баҳо бермасак, аввало, ўзимизни алдаган бўламиз. Шу нуқтаи назардан қарагандан, Тошкент вилоятининг бу ерда ўтирган вакиллари, ноиблари ҳилинган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар хусусида ўз фикрига эга. Шу муносабат билан бугун мақсади бир, бир-бирига яқин одамлар сифатида, давлат, Ватанимиз келажагини ўйлаб, бир холосага келиб олсак, деган таклифни ўртага қўймоқчиман.

Ҳар бир вилоят, ҳар бир ҳудуднинг республикамиз ҳаётида ўзига хос ўрни бор. Пойтахт вилояти ҳар соҳада илғор бўлиб, ибрат кўрсатиб келганини яхши биламиз. Ўзининг салоҳияти, куч-қудрати билан, саноатда, қурилишда, қишлоқ хўжалигида илғор технологияси, замонавий корхоналари билан ҳақиқатан ҳам етакчи бўлиб юрган десак, янгилилмаймиз. Буни ҳаммамиз ифтихор ва гурур билан таъкидлашимиз мумкин.

Албатта, ҳар қайси вилоятнинг ўзига хос шароити, иқлими, суви, тупроғи бор. Тошкент вилоятининг ҳам ҳавас қиласи мана шундай хусусиятлари мавжуд. Лекин улкан натижаларга эришишда асосий сабаб, маңба фақат табиат, сув, тупроқ эмас, балки мана шу вилоятнинг ажойиб меҳнаткашлари, халқидир.

Лекин, нима бўлди-ю, сўнгги йилларда мана шундай мавқени Тошкент вилояти қўлдан бой бериб қўйди. Бу масалада фақат республика раҳбарияти эмас, балки шу вилоятнинг ватанпарварлари, юртпарварлари, оқсоқоллари, уни елкасида кўтариб юрган одамлар кўпроқ ташвиш чекяпти, десак тўғри бўлади. Улар бу аҳволдан тезроқ чиқиши керак, деган таклифни айтдилар. Демак, биз кечаги эмас, балки эртанги кунга қараб ўзимизнинг ишларимизни муҳокама этишимиз, камчиликларга тўғри баҳо бериб, уларни бартараф этиш йўлларини биргаликда ахтаришимиз лозим. дей таъкиддади. Ислом Кағимов.

Камчиликларга келсак, улар, афсуски, кўп, лекин асосийлари нималардан иборат?

Вилоятда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йилдан-йилга камайиб бормоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 111 корхона зарур маҳсулотларининг 36 тури бўйича ишлаб чиқариш суръатини пасайтириб юборган. Қарийб 24,5 миллиард сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилгак. Ана шунинг 10,3 миллиард сўмлигини халқ истеъмоли моллари ташкил этади. Бунинг устига, вилоятда озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш асосан пиво, вино-арақ ҳисобига оширилаётганини қандай тушунмоқ мумкин?

Ишлаб чиқариш суръатларини камайтириш натижасида Янгийўл ёғ-мой комбинати истеъмолчиларга 32,2 фоиз — 2,5 миллион сўмлик ўсимлик мойи, Ангрен заводи — 33,3 миллион сўмлик сут маҳсулотлари, Фазалкент заводи

ди — 6,3 миллион сўмлик консерва маҳсулотлари етказиб бермаган.

Вилоятда катта-катта машинасозлик заводлари, турли комбинатлар бор. Уларга айб қўйиш, салбий мисоллар келтириш балки, тўғри бўлмас. Нимага деганда, бунинг объектив сабаблари бор. Чирчиқдаги кимё, Олмалиқ заводлари хомашё таъминоти кўпроқ чет билан боғлиқ. Лекин ўзимиздан чиқадиган хомашё билан ишлайдиган корхона ва заводларнинг ишини яхшилаш қўлимиздан келади-ку, ахир.

Сўнгги йиллар мобайнида вилоятда зарар кўриб ишлайдиган корхоналар сони ортиб бораётгани айниқса ачинарли ҳолдир. Бундай корхоналар кўрган зарар 9 ойда 7 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этди. Айрим корхоналар эса ишлаб чиқараётган маҳсулотларига асоссиз равишда юқори нарх қўйиб сотмоқда. Бу билан улар юқори самарадорликка эришиш ўрнига ҳам ўзларини, ҳам ҳалқни алдаш йўлига ўтиб олган. Маҳсулот сифати тўғрисида ҳам кўп салбий мисолларни келтириш мумкин.

Чет эл сармоядорлари билан қўшма корхоналар ташкил этишдек муҳим масалага вилоятнинг кўп шаҳар ва туманларида етарли эътибор берилмаган. Натижада ҳозиргача 54 қўшма корхона рўйхатдан ўтган бўлса-да, уларнинг атиги 13 таси фаолият кўрсатмоқда. Қолганлари эса ҳали иш ҳам бошламаган, улар учун ажратилган майдон ва бинолар бўш ётибди. Вилоятда ширкатлар тузиш ҳаракатига ҳам эътибор йўқ ҳисоби. Бу эса шаҳар ва туманлардаги аҳолини иш билан таъминлаш масаласига салбий таъсир кўрсатишни вилоят раҳбарлари тушуниб етмаганидан далолат беради. Ҳолбуки, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги республика ҳукумати қарорлари вилоятда бажарилмаяпти. Лоқайдлик, масъулиятсизлик оқибатида корхона ва ташкилотлардаги мавжуд уч мингдан ортиқ бўш жой ҳамон ишчи кучи билан таъминланмаган. Ишсизларни бошқа касбларга ўргатиш ва қайта тайёрлаш курсларига жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят бўйича атиги 73 киши юборилган, холос.

Вилоятда бу йил 2252 янги иш жойи очиш учун 32 янги корхонани ишга тушириш, 17 эски корхонани эса қайта жиҳозлаш режалаштирилган эди. Афсуски, ҳозиргача фақат 4 корхона ишга туширилган. Бор-йўғи 418 киши иш билан таъминланган. Демак, вилоятда аҳолини иш билан

таъминлаш дастури йўқ ва бу жиддий муаммо билан ҳеч ким шуғулланмаган.

Ахир, азиз дўстлар, ўйланглар, бошқа вилоятларда сиздагидек имкониятлар борми? Тошкентда қанча каттакатта корхоналар бор. Агар шу масала бўйича битта етакчи бўлса, жонкуярлик қиласа, ҳар қайси жамоа ва давлат хўжаликларида ана шу корхоналарнинг 40-50 киши ишлайдиган кичик-кичик бўлим ва цехларини қуриш қийинми?

Саноатни қишлоқда олиб келамиз деган катта масалани олдимиизга қўйганмиз. Бу масалада қандай ишларни қиляпмиз? Бўка, Пискент туманларини олинг. Ажабланарли жойи шундаки, ҳатто республиканинг узоқ қишлоқларида яшаётган одамларнинг аҳволи ҳам бу ергагидек эмас. Одамларнинг таъминоти, тиббиёт масаласи, мактабларнинг аҳволи бўйича Бўка туманини кўрадиган бўлсангиз, аҳвол энди ташкил этилаётган туманлардан ҳам баттар. Унинг ҳокими, жонкуярлари борми?

Иқтисодий қийянчиликлар исканжасидан тезроқ чиқишимизга, ривожланиш суръатини оширишимизга тўрачилик, эскича фикрлар ва ишлаш иллатлари жиддий халақит бермоқда. Бу ўзини оқламаган иш услубини вилоят раҳбарияти давом эттираётганини ким инкор эта олади? Натижа эса маълум: вилоядта мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари кўнгилдагидек эмас. Туман ва шаҳар ҳокимлари ҳукуматнинг бозор муносабатларига ўтиш борасида амалга ошираётган кенг кўламдаги ишлари аҳамиятини яхши тушуниб етмаётирлар. Йўқса, 797 саноат корхонасидан атиги 29 таси хусусийлаштирилармиди?

Хусусийлаштирилган корхоналар фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш суст ривожланимоқда. Жамоаларни сармоя билан етарли миқдорда таъминлаш, уларга қисқа ва узоқ муддатли кредитлар олиш имкониятлари яратиб берилмаяпти. Кўпгина янги ишбилармонлар шу вақтгача ҳисоб-китоб раҳамлари ва муҳрига эга эмас. Вилоятнинг молия ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари бу масалаларни ҳал этишда уларга зарур ёрдамни кўрсатмаяптилар.

Вилоядта уй-жойларни фойдаланишга топшириш ёмон аҳволда, ўнлаб қурилиш иншоотлари 2—5 йилдан бери

ниҳоясига етказилмаяпти. Айниқса, мактаб, мактабгача тарбия, соғлиқни сақлаш муассасалари, майший хизмат корхоналари биноларини қуришда ҳамон сусткашликка йўл қўйилаётир. Қишлоқ аҳолисини тоза сув ва табиий газ билан таъминлаш давр талабларидан орқада қолган. Айrim ташкилотларнинг ҳамон кўзбўямачилик ва қўшиб ёзиш Эвазига маош олаётганини қандай баҳолаш мумкин? Масалан, Тошкент қурилиш-монтаж бошқармасига қарашли "Обиҳаёт" ташкилоти тоза сув қувури ётқизиш ишларига 6,5 миллион сўм қўшиб ёзган. Қишлоқ хўжалиги маълумки, энг муҳим соҳадир. Бизни боқадиган, бизнинг келажагимизни белгилайдиган жабҳа — бу қишлоқ хўжалиги деганим бежиз эмас. Шундай экан, нега Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги ачинарли аҳволга тушиб қолди? Ўйлайманки, бу ерда асосий гап ташкилий масалада, кадрлар масаласида. Раҳбарлар жойига қўйилса, тартиб-интизом бўлса, ҳамма муаммони ечиш мумкин. Миришкорлар бор, ҳар қандай масалани илдизига етиб борадиган одамлар бор. Олимлар ҳам шу ерда ўтирибди.

Картошка етиштириш ҳам ҳокимлик зътиборидан четда қолган. Шу сабабли валюта ҳисобига Голландиядан келтирилган 3788 гектар майдондаги картошка ҳосилининг деярли ярми қор остида қолиб кетди.

Хуллас, қишлоқ хўжалигининг 12 асосий тур маҳсулотларидан фақат дон бўйича маҳсулот сотиш режаси бажарилган, холос.

Албатта, табиат ўз таъсирини кўрсатди. Ноябрь ёғин сочинли келди. Лекин ўтган йилги аҳволдан сабоқ олиб иш тутмадик. Бу йил куз оғир келишини август ойида айтганимни одамлар билади. Йўқ, яна қайсарлик, яна сентябрь ойида гўзага сув қўйинш. Шу охирги 4—5 та кўсакни пиширамиз деб бундай қилиш инсофданми? Бир марта ҳам терилмаган жойлар қолиб кетди-ку. Бунинг устига суръатни 7 фоиз, 8 фоизга чиқараман деб пахта на машинада ёлчитиб терилди, на қўлда!

Вилоятда чорвачиликнинг аҳволи ҳам яхши эмас. Барча жамоа ва давлат хўжаликларида кейинги уч йилда қорамоллар сони 33 минг бошга, сигирлар сони қарийб 5 минг бошга камайиб кетди. Фермалардаги умумий қорамолларга нисбатан сигирлар сонининг кескин камайиши, наслчиллик билан шуғулланмаслик оқибатида шу йилнинг ўзида қарийб 9 минг тонна кам сут соғиб олинди.

Нима учун биз еримизни қурилиш учун беришимиз керак, деб Тошкент, Қибрай тумани раҳбарлари кўп гапиради. Лекин бўм-бўш ерлар жуда кўп. Қурилиш ҳам кўринмайди. Нима учун? Бунинг сабаби шуки, ўша ерларни талон-торож қилиб, ундан қонунга хилоф равишда фойдаланадиган одамлар бор.

Агросаноат уюшмасидаги хўжаликларда режадаги пактанинг маълум миқдори ва ортигини хўжаликлар ихтиёрида қолдириш тўғрисидаги фармонни бажаришда жуда катта камчиликларга йўл қўйилган. Бундан кўп ҳолларда қўли эгри, ноинсоф, қишлоқ хўжалигига алоқаси йўқ кимсалар мўмай пул ишлаш учун фойдаланган.

Мисол учун Пискент туманининг Калинин номидаги ва "Гулистон" жамоа хўжаликлари бир тонна толани 300 минг сўмдан сотгани ҳолда, "Пискент" давлат хўжалиги, Оксунбобоев ва Навоий номидаги жамоа хўжаликлари 555 тонна толани 60-70 минг сўмдан пуллаганини қандай тушуниш мумкин? Гап шундаки, бу одамлар анойи эмас. Аслида 250-300 мингдан сотган. Қоғозда бошқа нарса, амалда — бошқа, ҳаммаси ўзини ўйлаган. Бу масала бўйича бирор масъулиятли одам борми ўзи? Қачонгача давом этади бундай нопок ишлар?

Агросаноат уюшмасидаги хўжаликлarda камомад, ноўрин харажатлар ва талон-торожлик ҳолларини барта-раф этиш бўйича қилинаётгани ишлар қониқадли эмас. Ҳокимлар, идора раҳбарлари масъулиятсизлиги оқибатида қўшиб ёзишдек кунук ишларга йўл қўйилган. Бекобод туманидаги "Шоликор" давлат хўжалигига (раҳбари Холбеков) 1992 йилда 2963 тонна цолини чиқинди деб расмийлаштирилган ва шундан 561 тоннасини чорва молларга берилган деб гайриқонуний равишда ҳужжатлаштирилган. Мисолларнинг биттаси бу. Инсоф деган нарса борми ўзи?

Агросаноат уюшмасидаги раҳбар ва мутахассис ходимларниң қўнимсизлиги, ўз вазифасига масъулиятсизлиги, билим даражасининг ихтисоси бўйича пастлиги ва нотўғри таълангани оқибатида юқорида кўрсатиб ўтилган хўжасизлик, талон-торожликлар рўй берган. 1991 йил апрель ойидан бошлаб агросаноат уюшмаси раиси беш марта алмаштирилди, вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари лавозими эса ҳамон бўш турибди. Нима, Тошкент вилоятида қишлоқни биладиган одам йўқми?

Нима учун вилоят ҳокими қишлоқ хўжалигини ҳам, маъмурий ишларни ҳам ўзига олиши керак? Битта одам қурилишни, битта одам саноатни, битта одам қишлоқ хўжалигини билиши мумкин. Ҳаммаси бир кишига юклатилса, эртага бебошликка олиб келмайдими? Мана, ёнингизда Тошкент шаҳри турибди. Манаман деган мутахассислар шу ерда. Вилоят ҳокимлигига муовин топиш қийинми.

Деҳқон (фермер) хўжалигига ер ажратиш топшириги атиги 47,4 фоиз бажарилган. Кўп ҳолларда фермерлар ва шахсий ёрдамчи хўжалик эталари етиштирган маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб беролмай қийналмоқда.

"Ўзқишлоқхўжтаъминоттузатиш" қўмитаси эса хўжаликларнинг ҳол-аҳволини сўраш эмас, фақат олибсотарлик билан банд экан. Унинг раҳбарлари вилоятларга чиқсин, ўзи кўрсин. Тиббиёт масаласида бундан ҳам ачинарли ҳолни кўрамиз. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник аҳволи ташвишланарлидир. 62 фоиз даволаш муассасалари мослаштирилган биноларда, ана шуларнинг қарийб 36,7 фоизи тоза сув, 32 фоизи марказлаштирилган иссиқ сув билан таъминланмаган.

Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш бугуниги куннинг жиддий вазифаларидан бири ҳисобланади. Аммо вилоят мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида ва мактабгача тарбия муассасаларида ўқув машғулотларини ўтказиша эскича усулдан ҳамон воз кечилмаяпти. Болаларга бепул овқат беришда уларнинг ҳақига хиёнат қилиш ҳоллари учрайди!

Савдо, майший хизмат тармоқлари фаолиятига ҳам бугун ижобий баҳо бериб бўлмайди. Айниҳса меъёрланган маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бермаслик аҳолининг норозиликларига сабаб бўлаётир. Ўтган давр мобайнида режадагидан 316 тонна шакар, 85 тонна чой, 160 тонна макарон маҳсулотлари аҳолига етказиб берилмаган, деди республика Президенти. Айрим ноинсофлар эса ҳалқ нонини тух қилиб, ўз чўнгатикини ўйлаяпти. Ўтра Чирчиқ тумани матлубот жамияти раҳбари ўз ходими билан тил биринкириб, қарийб 40 тонна шакарни четга сотиб юборгани бу борадаги ишларнинг аҳволини кўрсатиб турибди. Шу йил мобайнида 760 нафар савдо ходими давлатга 45,9 миллион сўмлик зарар келтиргани, 28,7 миллион сўмлик камомадга йўл қўйганига нима дейиш мумкин?

Вилоят матлубот жамияти ҳамда вилоят тайёрлов идораларига озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун давлат қарийб 18 миллиард сўм ажратган. Одамларни боқиш учун берилган пулни вилоятдаги икки ташкилот — матлубот ва савдо идоралари раҳбарлари "ҳотамтой"лик қилиб, 716 миллион сўмига озиқ-овқат маҳсулотлари, 1 миллиард сўмдан кўпроғига эса 69 та "ГАЗ-31" машинаси харид қилганини қандай баҳолаш мумкин?

Ишда турли камчилик бўлади. Лекин бундай мисолларга нима дейиш мумкин? Улар одамларнинг юзига қандай қарайди?

Аҳолининг тинчлигини, осойишталигини сақлаш, ҳар бир ҳудудда барқарорликни таъминлаш мустақил давлатимизнинг асосий вазифаларидан биридир. Вилоятда эса жамоат тартибини сақлаш ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳуқуқий ва маъмурий идораларнинг иш мезонига ҳали тўла айлангани йўқ. Қасддан одам ўлдириш, зўрлаш, ашаддий безорилик, талончилик, гиёҳвандлик, ўғрилик, порахўрлик каби жиноятлар кўпайиб бормоқда. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимлари ўртасида ишларни ҳаспўшлаш, яшириб юбориш ҳоллари юз бермоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 35 нафар мансабдор шахс пора устида қўлга олиниди.

Пора олиб суднинг қора курсисида ўтирганлар сафида ҳуқуқий ва маъмурий идораларнинг ходимлари борлиги эса кечирилмас ҳолдир. Улар муқаддас вазифани бажаришга киришишдан оддин берган қасамёдларини ҳам жигилдонга уриб юборишган.

Бу камчиликларнинг сабаблари кўп, албатта.

Энди раҳбарлар ҳақида, уларнинг вазифалари ва масъулияти ҳақида гаплашиб олсан. Мана, бугун янги ҳоким сайламоқчимиз. Шунча раҳбарлар орасидан бир кишини танлашимиз керак. Шундай экан, у ўзи билан ишлайдиган одамлардан қайсидир фазилатлари билан устунроқ бўлиши керакми ёки йўқми? Хўш, биз бугун катта ишонч билдириб, катта лавозимларга қўяётган кишилардан қайси сифатларни талаб қилишимиз зарур? деди Президент.

Бунинг жавоби оддий. Энг аввало, раҳбардан ақл-идрок талаб этилади. Ақл-идрокли бўлиш билан бир қаторда раҳбар одам мустаҳкам иродали, иймони бутун, ориятли бўлиши шарт. У бағри кенг, айни замонда талабчан бўлиши даркор.

Жасур, матонатли раҳбар элнинг дуосини олади, масъилиятни англамайдиган, мақтовни ўзи олиб, хато ва камчиликни бошқаларга ағдарарадиган, тили бошқа-ю дили бошқа кимсалардан худо сақласин.

Бизга ташкилотчи, ташаббус кўрсатиб, бошқаларни ҳам эргаштира оладиган раҳбарлар керак, чунки бундай инсонлар халқни жипслаштиради, савобли ишларга сафарбар этади.

Ичиқора одамлар раҳбар бўлолмайди. Юксак лавозимли киши кечиримли бўлиши, билмай хато қилган ходимларга хатолар тузатиш имконини бериши зарур.

Иккинчи талаб шуки, раҳбари чинакам юртпарвар, ватанпарвар бўлмаган жойда иш олга силжимайди, эл-юрт ташвишини ўз ташвиши деб қабул қиласидиган, эл дарди билан ёниб яшайдиган инсонгина халқ ҳурматига лойиқ бўлади.

Раҳбарнинг обру-эътибори пўрим кийиниши, савлату салобати билан эмас, балки етим-есирларга, ногиронларга, муҳтожларга, кексаларга меҳрибонлиги билан ўлчанади. Эл-юртнинг маъракасидан қолмаслик керак. Дабдабали тўйларга бормаслик мумкин, лекин азада азадор билан бирга бўлиш керак. Етим-есирнинг бошини силаган, улардан ёрдамини аямаган одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Халққа ва ватанга садоқат ота-онага садоқатдан бошланади. Ота-онаси рози инсондан худо ҳам рози.

Илгари бир "калб" бўйтарди. Унинг номи "гаутия ходими" эди. У замонлар ўтиб кетди. Биз раҳбарлик лавозимларида ўқимишли, илму фанга чанқоқ, изланувчан кишинларни кўрмоқни истаймиз. Раҳбар шахс энг камида битта касбу ҳунар негизини билиши, шу касб эгаси сифатида бошқаларга устозлик қила оладиган даражада бўлиши шарт. Маданият, одоб-ахлоқ бобида ҳам кишилар ўз раҳбарларидан намуна олса нақадар ибратли бўларди!

Чинакам раҳбар енгил-елпи шуҳратга, қуруқ дабдабага учмайди. У ўз қадрини билиши баробарида ўзгаларнинг ҳам қадрига етади.

Раҳбар одамларга ишониши керак. Ўз ўринbosарларига, ўз ёрдамчиларига ишониб, уларнинг ҳар бири ўз соҳасида мустақил тарзда иш юритишига имкон бериши зарур. Акс ҳолда, ҳамма вазифа ва бурчларни битта ўзи гарданига олиб, асосий йўналишдан чалгийди, диққати бўлинади, майда-чуйда ташвишларга кўмилиб қолиб, умумий раҳбарлик жилови-

БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН

ни қўлдан чиқариб қўяди. "Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса-да — донги чиқмас" деган нақл бор.

Бугун ўтказаётган сиёсатимиз аниқ, муддао равшан, тараққиёт дастуримиз мавжуд. Энди уларни амалга оширадиган, мустақиллигимиз ва халқимиз фаровонлиги йўлида фидойилик қила оладиган раҳбарлар керак.

Маълумки, Президентни халқ сайлаган. Унинг сиёсатини қўллаб-қувватламаган, кўнглидан ўтказмаган, иккиланган одам раҳбарлик лавозимида ишлай олмайди. Юраги, тафаккури, мафкураси, нияти бошқа бўлган кимсалар бундан буёғига аравадан тушиб қолаверади, деди Президент пировардида.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗ АСОСИ

1993 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида республикада иқтисодий ислоҳотнинг бориши, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириши масалаларига бағишланган кенгаш бўлди. Унда вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар раҳбарлари, давлатга дахлдор бўлмаган янги тузилмалар вакиллари, фермерлар, тадбиркор ва ишбилармөнлар иштирок этди. Янги йил арафасида шундай кенгаш ўtkазилиши бежиз эмас. Чунки иқтисодиётимизни ислоҳ қилишининг аҳволи, изчиллиги ва мамлакат ҳётидаги муаммоларнинг ечими ушбу кенгаш иштирокчиларининг фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Кенгашда республика Президенти Ислом Каримов катта нутқ сўзлади.

— Мустақиллик йиллари мобайнида қилинган ма-шаққатли, қизғин ва жасоратли меҳнатнинг дастлабки натижаларини кўриб турибмиз,— деди Президент. — Қисқа муддатда жамиятни янгилашнинг иқтисодий, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Бозор муносабатига ўтишнинг зарур шарт-шароитлари яратилди. Булар юртимиздаги сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлади, иқтисодиётда сезиларни натижаларга эришилди.

Ўтиш даврининг аниқ-равшан дастури, бозор муносабатларини шакллантиришнинг ўзимизга хос йўли ишлаб чиқилди ва амалга ошириляпти. У ҳозирдаёқ ижобий на-тижা бермоқда. Айрим "хайриҳоҳлар" бизга қанчалик ғайирлик қилишмасин, биз амалга оширган ишларни қора-лашга уринишмасин, улар ҳақиқий ҳолатни, яъни бизнинг йўлимиз — моделнимиз собиқ СССР мамлакатларида амалга оширилаётган бошқа моделларга нисбатан энг кўп са-марали бўлиб чиққанини инкор эта олмайдилар. Буни

халқаро ташкилотларнинг эксперклари ҳам, ҳатто муҳодифларимиз ҳам тан олишяпти.

1993 йилда нефть, газ, нефть маҳсулотлари, дон экинлари, картошка, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми, қайта ишланадиган хомашё миқдори кўпайди. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари, жумладан, пахта тайёрлашнинг ўсиши таъминланди.

Халқаро иқтисодий алоқаларимиз янада мустаҳкамланди. Жаҳондаги йирик банклар, хорижнинг таниқли олимлари ва мутахассислари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди, молия ва банк фаолиятини жаҳон талаблари даражасига олиб чиқиш борасида кўп ишлар қилинди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини ислоҳ қилишдаги фаолият ҳам салмоқли бўлди. Тармоқ вазирликлари ўрнига концерилар, уюшмалар, корпорациялар тузилгач, мазкур тармоқларни бошқаришда, одамларнинг меҳнатига муносабатида кескин ўзгаришлар рўй берди.

Кадрларга оид сиёsat ҳам изчил юритилмоқда. Кўпгина масъулиятли лавозимларда сергайрат, билимли ёшлар ишлайти. Улар хорижда ўқиб тажриба ортириб келишмоқда. Энг муҳими, одамлар энди эскича ишлаш, эскича ҳаёт кечиришни исташмаяпти. Халқимизда юртга эгалик ҳисси, мустақилликдан фахрланиш туйғуси шаклланмоқда. Бу бошлаксан ислоҳотларимизниң муқаррарлариги ва музабфақиятининг асосий гаровидир, деб таъкидлadi Президент.

Ислом Каримов иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда тараққиётимизга тушов бўлаётган айрим камчилик ва муаммоларга кенгаш иштирокчиларининг эътиборини жалб этди.

Республикада рўй берадиган жараёнларга ҳақоний, сергак назар ташлаш, уларга ўз вақтида муносабат билдириш зарур. Модомики, давлатни бош ислоҳотчи, деб эълон қиласин. Бу йўлда тўсиқ бўлаётган говларни ўз вақтида олиб ташласин, керак бўлса, эски қонун ва қарорларга ҳаёт талаблари асосида ўзгаришишлар киритиш зарур.

Маълумки, бозор муносабатларига ўтишнинг йўналиши ва босқичлари белгиланиб, устувор соҳалар аниқлаб олинган. Жонли, амалий ташаббус маъмуриятчилик ботқогига ботиб қолмаслиги, лоқайдлик, бепарволик, порахўрлик ва таъмагирлик тўрлари билан чирмаб ташланмаслиги керак.

Шундан сўнг Президент ислоҳотларни амалга ошириш йўлида гов бўлиб турган сабаблар тўғрисида алоҳида сўз юритди. Уларнинг биринчиси, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш суст олиб борилмоқда. Кўпгина раҳбарлар мулкни ўз қўлидан чиқариб юборишга қўрқяпти. Мулк эгасини топа олмаяпти. Модомики, мулк давлат тасарруфидан чиқарилмас экан, тараққиёт ҳам бўлмайди.

Иккинчиси, давлат таркибидаги баъзи идораларниң раҳбарлари ўз вазифасини вижданан бажармаяпти. Бюрократия, сансалорлик, масъулиятсизлик ҳамон тўла барҳам топгани йўқ. Айрим раҳбарларда жонкуярлик етишмайди. Улар оғизда ислоҳотчи, янгилик тарафдори бўлишсада, амалда унга йўл беришмаяпти. Бундай кишилар бизга ҳамроҳ бўлолмайдилар. Кўп гапириб, ҳеч қандай иш қилмайдиган "ислоҳотчи" ҳали бу жараённинг моҳиятини англаб етмаган ходимдан минг карра ҳавфли ва жамиятга кўпроқ зарар келтиради. Чунки ислоҳотга тушунмаган кишига ҳётнинг ўзи эртами-кечми буни англаб олишига ёрдам беради. Бироқ ишлаш ўрнига сафсатабозлик билан шуғулланадиган "ислоҳотчи", агар у раҳбар бўлса борми, унайлар ислоҳот ғоясини ҳам, унинг обрўсини ҳам тўқади. Бу каби одамлардан қатъиян ҳолос бўлишимиз керак.

Ўчинчич масала. Беъз янтилганинг ва ислоҳотларга ҳин дилдан интилаётган кишиларга кўпроқ ишонч билдиришимиз, мадад ва кўмак беришимиз лозим. Чунки келажагимиз ислоҳотларга боғлиқдир.

Яна бир масала. Мавжуд имкониятдан тўлиқ фойдаланмаяпмиз. Хорижий шериклар билан фаол мулоқот ўринатиш, чет эл сармоясини, илғор технологияни мумкин қадар кўпроқ жалб этиш зарурлиги тўғрисида мунтазам гапирияпмиз. Чунки бу янги иш жойи, тайёр маҳсулот демакдир. Бу жаҳон бозорига чиқиш ва пировард натижада республикамиз, ҳалқимиз фаровонлигини юксалтиришдир. Биз биргаликда ҳамкорлик қилишга чет элликларни қизиқтира олиши маҳоратини эгаллашимиз, уларнинг сармоясини келтиришимиз зарур. Чет эл сармоялари билан алоқа ўрнатмаган хўжаликнинг келажаги йўқ, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Дунёдаги энг бой давлатлардан бири ҳисобланган Япониянинг құдрати — одамларнинг ақл-заковати, тадбиркор-

лигидадир. Улар бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибалири, янгиликларини тезда илғаб олиб, ўзида қўллагани учун ҳам қисқа муддатда дунёning кучли мамлакатлари сафидан ўрин олди. Шунинг учун ота-бободан қолган меросга кўз тикиб ёки "янги велосипед" ихтиро қилиб юрмай, японлардан ўрнак олиб, дунёдаги энг илғор технологияни, иш усулини ўзимизда қўллашни ўрганайлик.

Жаҳон мамлакатларида юргимиз, иқтисодиётимизга қизиқиш катта. Аммо, афсуски, айрим раҳбарларимизда уларга интилиш, билмаган нарсасини ўқиб ўрганишга иштиёқ етишмайди. Тошкент шаҳри, Самарқанд, Хоразм ва Бухоро вилоятларида чет элликлар билан ҳамкорликда кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилди. Улар яхши ишламоқда. Бироқ, Ўзбекистон саноати маҳсулотининг 44 физини ишлаб чиқарадиган Тошкент вилоятида атиги 13 та қўшма корхона бор. Олмалиқ, Оҳангарон, Бекободда йирик ишлаб чиқариш қувватлари, ривожланган коммуникация тармоқлари, қудратли машина ва механизмлар, малакали муҳандису ишчилар, қазилма бойликлари мавжуд. Лекин вилоядта хорижликлар билан биргаликда корхоналар барпо этиш, уларнинг сармоясини олиб келиш учун иқтисодий-ҳуқуқий имкониятга эга бўла туриб, бунга ётибор берилмаяпти.

Яқин вақтгача қолоқ соҳа ҳисобланган енгил ва маҳаллий саноат тармоқларида қўшма ҳамда кичик корхоналар қуриш бўйича изланишлар олиб борилди, муайян ютуқларга эришилди. Бироқ машинасозлик, кимё саноати тармоқлари раҳбарлари ислоҳотларни жорий этишдек ҳаётий масала билан етарли шуғулланмаяпти. Улардан иш сўрасангиз, Россия билан илгариги алоқалари узилгани, хомашё йўқлигини баҳона қилишади. Эндиликда биз Россияга, илгари иқтисодий алоқа ўрнатилган бошқа давлатларга кўз тикмаймиз, улар билан бизнинг ўртамизда фақат дўстона, биродарлик алоқалари қолди, холос. Аммо изланган, тиниб-тинчимас раҳбарлар янги маҳсулот ишлаб чиқариш имконини топиб, иқтисодий тантликийни бартараф этмоқда. Уларнинг тажрибасини оммалаштириш керак.

Савдо корхоналарини хусусийлаштириш юзасидан анча ишлар қилинди. Бироқ, савдо корхоналари ўртасида ҳамон соглом рақобат пайдо бўлгани йўқ. Хизмат кўрсатиш ма-

данияти юксалмаяпти. Ҳануз ҳалқ учун зарур моллар пештахта остига яшириб қўйилмоқда. Аввалгидай харидор керакли нарса харид қилиш учун савдо ходимига ялиниб-ёлвориши керак. Ахир, дунёда бунинг акси — савдо ходими харидорни қидиради-ку!

Транспорт, майший хизмат кўрсатиш соҳасини хусусийлаштиришдан ҳам кутилган натижа бўлмаяпти. Бунинг сабаби битта. Мулк хусусийлашмоқда-ку, бироқ унинг эгасига эркинлик берилмаяпти. Мулк эгаларининг ҳамон қўл-оёғи боғлиқ. Хусусий мулк соҳибларининг эркинлигини таъминлашимиз зарур.

Республикада бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини ислоҳ қилиш юзасидан катта ишлар бажарилди. Тармоқ вазирликлари ўрнида концернлар, уюшмалар, корпорациялар ташкил қилинди. Лекин айрим тузилмаларнинг номи ўзгарган бўлса-да, уларнинг раҳбарлари ҳамон аввалги маъмурий буйруқбозлик кўчасидан чиқа олмаяпти. Ижара, жамоа корхоналари, давлат акционерлик бирлашмаларининг шаклларининг эмас, балки мазмун-моҳиятини ҳам ўзгартиришимиз лозим.

Илгариги иттифоқ қарамогида бўлган барча йирик корхоналар акционерлик жамиятларига айлантирилиши керак. Ҳаёт бу ишни жадаллаштиришни талаб қилмоқда. Акциялар, қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш, жамғарма биржаларини ташкил қилиш йўлидан дадил бориш керак. Қимматбаҳо қоғозлар ва жамғарма биржаси тўғрисида қонун қабул қилинган эди. Лекин у амалда ишламаяпти. Олий Кенгаш қўмиталари ўзи қабул қилган қонунларнинг ҳаётта қандай татбиқ этилаётгани билан қизиқиши зарур.

Қурилиш мажмунини ислоҳ қилиш муҳим йўналиш ҳисобланади,— деди Ислом Каримов.— Энди бу соҳага марказлаштирилган капитал маблағ ажратилмайди. Давлат фақат янги ер ўзлаштириш, мелиорация соҳаси учунгина маблағ беради. Бошқа қурилишлар бутун дунёда бўлгани каби фақат қайтариладиган кредит асосидагина барпо этилади.

Тажриба тариқасида пудратчи қурилиш ташкилотларини ўз муомала маблағлари билан таъминлаб бориши керак деб ўйлайман, деди Президент. Бинобарин, иншоотларни

уларнинг ўзлари охиригача қуриб, фойдаланишга топширишлари учун имтиёзли кредит бериш ва уларни бундан манфаатдор қилиш лозим. Токи уларнинг ўзлари зарур материаллар, лойиҳаларни сотиб олиб қуришсин ва харидорини топсин.

Баъзи жойларда ҳокимликлар қурилиш ташкилотларига ёрдамлашиш ўрнига уларга зўравонлик қилишяпти. Бунга цек қўйилиши керак. Уй-жой қурилиши учун ҳокимликлар ўз бюджети ҳисобидан маблағ ажратиб, буюртма бериб, муҳтоҷ одамларга уй қуриб беришни ташкил қилиши лозим.

ВАТАНИМИЗНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ОБРУЙИНИ ЯНАДА ОШИРАЙЛИК

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар, биродарлар, халқ ноиблари!

Авваламбор, сизлар билан учрашганимдан, дийдор кўришганимдан хурсанд эканимни изҳор қилмоқчиман.

Мана, қарийб тўрт йил давомида халқимиз бизларга топширган вазифаларни бажаришда, ўз фаолиятимизда бир-биримизга суюниб, таяниб ишлашда, хизмат қилишда шахсан мен сизлардан катта куч-қувват, кўмак ва ёрдам топаяпман.

Шу тўрт йил мобайнида қанча-қанча синовлар, ма-шаққатли тўфонларни, айни замонда шарафли, ҳаётимизда из қолдирган ишларни — воқеаларни бошимиздан кечирдик.

1. Ўзбекистонимизнинг биринчи Президенти биринчилар қаторида сайланди, шу билан бирга мустақиллик йўлида илк қадам қўйилди.

2. Юртимизни, жафокаш халқимизни ноўрин иғво-маломатлардан холос этиш, ўзбек номини тоза-пок сақлаш мақсадида қилинган ҳаракатларимиз ўз иттиҳасини берди.

3. Мустамлакачилик, мустабидлик, мутелик исканжасидан, собиқ марказ тазийиқларидан озод бўлдик, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олдик.

4. Истиқлол йўлида дадил юрдик. Тарихимизга, маданиятимизга, маънавиятимизга, ўзлигимизга таяниб, жаҳонният илғор тажрибасига суюниб ички ва ташқи сиёсатимизни аниқладик, дунё ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирдик ва Ўзбекистоннинг салоҳиятию обрусини камойиш этдик.

5. Маънавиятимизни инқироз исканжасидан олиб чиқдик: аждодларимиз, шу муқаддас заминда яшаган, башарият тарихида улкан из қолдирган алломалар, олимлар — бобокалонларимиздан қолган меросни асрраб-авайлаб, эъзозлаб, халқимизнинг миллий мафкурасини шакл-

лантириш, дину иймөннімизни, аңъаналаримизни қадрлаш, обрўйимизни, урф-одатларимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш борасида катта ишлар амалга оширилди.

6. Эски иқтисодий сиёсат, ўзини оқламаган тизимни кескин ўзгартыриш, янгилаш, замен талабига жавоб берадиган бозор иқтисодиётига ўтишда ўзимизга хос, ўзимизга мөс, беш тамойилга асосланган йўлимизни танлаш ва уни теран англаш, шу тариқа демократик, адолатли жамият, фаровон ҳаёт қуриш жабҳасида қадам-бақадам ҳаракат қиляпмиз.

7. Эришган ютуқларимизнинг пойдевори — эл-юртимизда тинчлик, тотувлик ва барқарорликни сақлашда, ҳалқимизни жигслаштиришда катта-катта савобли ишларни амалга оширидик.

Ҳалқимиз, фаолларимиз, ноибларимизнинг ақл-заковати билан, мashaққатли хизмати билан рӯёбга чиққан ишларимиз, қонунчилик ва ижрочилик соҳасида, жиноятчиликка қарши шафқатсиз кураш, тартиб-интизом ўрнатиш борасида қабул қилинган ҳужжатлар, кўрган чора-тадбирларимиз ҳақида янада кўп гапиришимиз мумкин.

Бутун жаҳонда ва яқин атрофимиздаги давлатлар ва ҳалқлар ўртасида обрўйимизни, ҳурматимизни, салоҳиятимизни юксалтирадиган, миллатни миллат, давлатни давлат қиласидиган, бутун ҳар қанча ғурурлансак арзидиган ишларимиз туфайли бир-биримизни танидик, анча тажриба орттиридик ва мустаҳкам бўлдик.

Албатта, шуни барчамиз яхши тушунамизки, давлатчилигимизни, мустақил иқтисодиётимизни барпо этишда, миллий мағкуруни шакллантиришда, жаҳон даврасида ўзимизга муносиб ўрнимизни топиш йўлида яна кўп мashaққатли синовлардан ўтишимиз ва курашишимиз керак бўлади.

Пекин сизу биз юритаётган фаолиятнинг энг муҳим бир жиҳатини айтиб ўтмоқчиман:

— Бизлар ҳалқимиз, аждодларимиз кўп йиллар, асрлар давомида асраран, интилган, курашган, не-не азоблар кўрган, қанчадан-қанча қурбонлар берган йўлда ўзимизнинг азалий орзу-умидга этиб, мустақилликка эришдик.

— Одамларимизда миллий тафаккур, Ватан туйғуси кучаймоқда.

— Ҳалқимиз мустақиллик, истиқлол қадри ва моҳиятини теран англаб, ўз келажаги — янги демократик, адод-

латли жамият, озод ва обод давлат, ҳам моддий, ҳам маънавий нуқтаи назардан соғлом жамият қуришга кириши, ўзининг кучига қаттиқ ишонди. Энди бу йўлдан уни ҳеч ким ва ҳеч қачон қайтаролмайди — тарихни ортга қайтариб бўлмайди. Бунга биз ҳеч қачон йўл қўймаймиз!

Мана шу улуғ ишларда қилган хизматимиз, қўшган ҳиссамиздан мамнунман. Ҳаммангизга шу шарафли, муқаддас йўлда янги зафарлар тилайман ва барча фаолларимизга, ҳалқимизга таъзим қиласман.

Азиз дўстлар!

Олий Кенгашимизнинг навбатдаги сессияси 1993 йил якунланаётган бир вақтда ўтияпти. Шунинг учун ҳам, кун тартибиға киритилган масалаларни мухокама қилаётганда уларга 1993 йил якунлари асосида қарашимиз керак.

Ўтган давр мобайнидаги фаолиятимиз ҳақида, унинг натижалари, устувор йўналишлари, ҳаётимизга кўрсатган таъсири, шу билан бирга йўл қўйилган камчиликлар, катта хатолар, масъулиятсизликлар тўғрисида яқинда ҳисобот берганимизни назарга олсан, буларни яна бир карра майдалаб ўтирмасдан, муҳтасар бир шаклда эслаб ўтсан кифоя, деб ўлайман.

Конституциямизнинг бир йиллиги айёмида ва ўтган ҳафта Вазирлар Маҳкамасидаги ислоҳотлар масаласига багишланган мажлисларда батафсил, очиқ-оидин, аҳволни танқидий кўз била баҳолаб гаплашиб олдик, тегишли хуносалар чиқардик. Жамоатчиликка, ҳалқимизга бу ҳақда сўйнаи жаҳон ва матбуот орқали маълумот берилди. Шуларни ҳисобга олиб, бугунги анжуманимизда авваламбор, олдимизда турган энг муҳим, долзарб муаммолар, бугунги ҳаётимиз ва келажагимизни белгилайдиган баъзи бир устувор масалалар, ҳалқимизни биринчи навбатда қизиқтираётган ва ташвишга солаётган ишлар тўғрисида гаплашиб олсан яхши бўларди, демоқчиман.

Аввало давлатимиздаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида.

Маълумки, ижтимоий-сиёсий вазият биринчи навбатда, мамлакатда юритилаётган ички ва ташқи сиёсатга, атрофдаги муҳитга, қўшни давлатларнинг таъсирига, республикадаги барқарорликка боғлиқ.

Энг муҳим ҳакам — вақт, замон. Мустақиллик йиллари биз таилаб олган йўл аниқ, очиқ ва равшан

үтказилаётган ички ва ташқи сиёсатимиз тұғри эканини ҳаёт амалда исботлади.

Күлчилік құшнайларымиз биэдаги тинч-тотувликни, сиёсий барқарорликни, иқтисодий ислоҳотларнинг шошил-масдан, босқичма-босқич амалга оширилаётганини эътироф этмоқда.

Лекин ана шу барқарорликни күролмайдиганлар, ҳасад билан қарайдиганлар ҳам оз эмас. Очиғини айтадиган бұлсак, бизнинг иккита чинакам бойлигимиз ғаним-ларимизга тинчлик бермайды, уларнинг уйқусини бузади.

Биринчиси — Ўзбекистондаги миллатлараро, фуқаролараро ҳамжиҳатлик, жипслик ва тотувлик.

Иккінчиси — Ўзбекистоннинг олтини. Бутун жаҳонга машҳур бўлаётган, халқаро бозорда обрў қозонаётган юксак сифатли тилломиз. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир яхши ниятли инсон буларни билиб, тұғри баҳо берив, ана шу бизга куч-қудрат бағишкаётган бойликларимизни асраб-авайлаб, агадий сақлаш учун барча кучини, бутун борлигини бағишкаши ҳам қарз, ҳам фарздир.

Барқарор вазиятни бузиш мақсадида олдимизга ҳар хил сұнъий қийинчиліклардан ғов қўйиши, таъзиқ-пўписалар қилиш, иғво-бўғтон гапларни тарқатиш, баъзи бир иродаси заиф разъбар ва фаолларимизни йўлдан уриш, сотқинликка ундаш, ўртамизга қарама-қаршилик, низо уруғларини сепиш ва ҳоказо нопок уринишлар, хатти-ҳаракатлар кам эмас.

Шулар қаторида таъкидлаш лозимки, баъзи бир давлатларнинг айрим сиёсий кучлари муайян миллат вакилларига икки фуқаролик ҳуқуқини бериш масаласини күттармоқда.

Бу борада жавобимиз аниқ ва равшан. Агар Ўзбекистон шароитини ҳисобга олсак, юртимизда кўп йиллар давомида яшаётган айрим бир миллатга эмас, талай миллат вакилларига икки фуқаролик ҳуқуқини беришга тұғри келади. Унда энг камситилган миллат бўлиб ўзбекларнинг ўзи қолар эканда?

Икки давлат фуқароси қайси Ватанга, қайси замин, қайси тупроққа ўз мәхрини, садоқатини, юртпарварлигини изҳор этиши керак? Агар вазият талаб қилса, қайси мамлакатга жонини ҳам фидо этмоққа тайёр бўлиши керак?

Энг яхщиси — Ўзбекистонда яшаётган фуқаролар, ўзларининг наслу наслаби, ирқи, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқли бўлиши лозим! Шу

юртнинг хурсандчилик кунларида ҳам, бошига синов тушган пайтларда ҳам аҳил бир оила бўлиб яшashi керак, муносиб келажак учун курашиши керак!

Куни кечада Ҳамдўстлик Давлатларининг Ашгабатда бўлиб ўтган учрашувида ўзаро муносабатларимиз ҳақида, иқтисодий иттифоқ битимларини тезроқ ишга солиш, аҳоли мушкулини енгил қилиш, минтақаларимизда тинчликни сақлаш тўғрисида гаплашиб олдик. Россияда яқинда бўлиб ўтган сайловлар, Конституцияни қабул қилиш натижалари хусусида ҳам ўзаро фикр алмашдик.

Сайлов натижалари ва оқибатларини тўлиқ баҳолашга ҳозирча вақт эрта. Лекин бизнинг хавотир олаётганимиз сабаби шундаки, Россияда маълум даражада шовинизм, миллатчилик интилишлари бош кўтараётганини сайловолди ва сайлов якунлари жараёнидаги айрим воқеаларда кўриш мумкин. Бундай кайфиятлар ва интилишларни сезмаслик учун одамнинг қулоғи кар, кўзи кўр бўлиши керак.

Шундан холоса чиқаришимиз, сафларимизни янада жипслаштиришимиз, тинчлик ва барқарорлигимизни сақлаш учун янада оғир ва босиқ бўлишимиз, ҳар хил қўпорувчи ҳаракатларга учмаслигимиз, ҳар нарсага сапчуб-сакрамаслигимиз керак.

Россия халқлари билан, унинг ҳар қайси минтақаси билан алоқа ва муносабатларимизни яхшилаш, бу алоқаларнинг ўзаро манфаатли ва табиий бўлиши учун ҳамма чораларни кўрмогимиз зарур.

Давлатлараро хўжалик алоқаларидаги, ҳисоб-китоб ва тўловдаги муаммоларни тезроқ бартараф этиш, сунъий тўсиқларни олиб ташлаш, божхона ва солиқлар масаласини тартибга солиш, бу — бизнинг биринчи галдаги вазифамиз. Бу интилишларимиз, бу сиёсатимизда Россия раҳбарияти бизни тушуниб етади, деган ишонч-умидимиз бор.

Бугунги вазиятда яна бир муҳим масалани олдимизга қўйишимиз зарур деб ўйлайман.

Марказий Осиё минтақасидаги қўшниларимиз билан, авваламбор, иқтисодий алоқаларни яхшилаш, соддароқ айтганда, пировард оқибатда бозорларимизни бирлаштириб юбориш, ўртадаги сунъий тўсиқларга барҳам бериш керак.

Бу улуғ ва олижаноб мақсадга этиш учун, узоқ келажамишни кўзлаб, қўшни давлатлар билан даставвал шу масаланинг қонунга доир, ҳуқуқий асосларини яқинлашти-

риш, керак бўлса, уларни бирлаштириб юбориш зарур. Шундан кейин амалий ишларимизда — ҳукуматимиз фалиятими ўзаро келишиб олиб, нарх-наво, молия, даромад ва буромад, молия ва кредит масалаларида бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз лозим.

Ўйлайманки, бундай сиёsat ва чора-тадбирлар шу минтақада яшаётган халқларимиз маnфаатига, келажагига, асл муддаоларига сўзсиз жавоб берадиган олижаноб иш бўлур эди.

Шу улуғ мақсад учун — тили, дили, тарихи ва тақдидири бир халқимизнинг бугунги оғир бир замонда асраб-авайлаб, ҳимоялаб, бошини силаб, порлоқ келажак сари етаклаш мақсади учун яшасак арзиди, азиз дўстлар!

Шу буюк мақсад ва муддаолар ҳақида биз яқинда Қозогистон Президенти дўстим Нурсултон Назарбоев билан, Қирғизистон Президенти Аскар Акаев билан Фикр алмашиб олдик. Балки янги 1994 йилнинг аввалидан шундай саъй-ҳаракатларни бошлаймиз, иншоолло!

Энди иқтисодий масалаларга ўтсак.

Биз халқ хўжалигига, иқтисодиётимизда қўлга киритилган ижобий натижалар тўғрисида очиқ-ойдин гапириш учун ҳамма асосларга эгамиз. Бозор ислоҳоти йўлида яна бир муҳим ва масъулиятли босқичга ўтдик.

Шу билан бирга, бугунги кунда тараққиётимиз, ҳаётимизни ижобий томонга ўзгартириш, янгиланиш йўлида, ислоҳотларни амалга татбиқ қилишда кўзга ташлананётган тўсиқлар ҳақида, икки йиллик тажрибамиздан чиқадиган хulosалар ва тегишли вазифалар хусусида яқинда ўзаро келишиб олдик.

Олдимизда турган энг муҳим, энг долзарб, тақдиримизни ҳал этувчи масалаларни яна бир карра таъкидлаб ўтаман:

1. Мулкчилик соҳасидаги ислоҳотларни охирига етказиш; мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, уни ўз эгасига топшириш ва акционерлик, жамоавий ҳамда кооператив мулк шаклларига айлантириш. Кенг кўламда хусусийлаштириш ишларини пировардига етказиш.

Бу вазифа бутун иқтисодиётимиз жараёни билан бир қаторда ҳар қайси тармоқ, ҳар қайси соҳа, ҳар қайси корхона ва хўжаликка бевосита боғлиқдир.

Яқинда бу масалани атрофлича муҳокама қилдик. Ўйлайманки, хоҳ қишлоқ хўжалигига бўлсин, хоҳ саноат

ва қурилишда бўлсин, исталган соҳада мулкни ва бу мулқдан келадиган маҳсулотни ўз эгасига топширмасак, яъни хусусийлаштиришни қенг кўламда амалга оширмасак, ҳеч нарсага эриша олмаймиз.

Халқ хўжалигида, хусусан қишлоқ хўжалигида ислоҳотни номигагина ўтказиш — бу ўзимизни ўзимиз алдаш демакдир. Юзаки ишлар билан ўзгариш қилиб бўлмайди. Давлат хўжаликларини жамоа хўжалигига, фермерларни кооперативларга айлантиряпмиз ёки жамоа мулки шаклига келтирияпмиз. Лекин амалда нима ўзгармоқда? Бу саволга жавоб бериш учун кўп гапириш керак. Куюниб гапириш керак. Лекин бир нарса аниқ: бу ишларда мулкчилик масаласида тубдан ўзгариш қилмасак, унинг асосий маъносини тушунмасак, ишонинглар, қилған ишимиз беҳуда кетади. Бу — менинг юрагимдаги гаплар, азиз дўстлар. Мулк 75 йил давомида давлат тасарруфида бўлди. Хўш, бундан нимага эришдик!

Биз шарқ одамларимиз. Хусусий мулк, шахсий мулк одамларда қизиқиши, рафбат уйғотишини яхши биламиш. Мулк эгалари бўлса, меҳнат унумдорлиги юз марта, минг марта ошади. Мулкдорнинг кайфияти ҳам бошқача бўлади. Интилиши, иш юритиши, ўз фаолиятига, умуман, ҳаётга муносабати бошқача бўлади. Уларнинг тепасида туриб, назорат қилишнинг ҳожати қолмайди. Уларни бирор нарсага мажбурлаш, тазимқ ўтказиш шарт эмас. Мулк эгаси ўз ишини яхшилашга, мулкига мулк қўшишга ҳаракат қиласди. Такрор айтаман: шу залда ўтирган халқ вакиллари мазкур масалаларнинг ҳал этилишини ҳиёмига етказишлари керак. Шундан кейин ҳаётимизда, ўтказаётган ислоҳотларимизда ижобий натижаларга эришишимиз мумкин.

Буни йўлнимизга ғов бўлиб турган одамлар яхши билиб олсин: агар шу гапларга қулоқ солмаса, ўз фаолиятида ўзгаришлар қилмаса, тегишли чоралар кўришга мажбур бўламиш. Ҳозирги талабга, замонга жавоб берадиган ёшларимиз ўсяпти. Уларга оқ фотиҳа бериш вақти-соати келди.

Ўйлайманки, бу залда ислоҳотларни тўла-тўқис рӯёбга чиқаришга бел боғлаган кишилар ўтирибди.

Такрор айтмоқчиман: билмаганин кечириш мумкин, бундан уялмаслик керак. Чунки ҳаммамиз ҳам эски замондан чиққанмиз, ўша замон тарбиясини олганмиз. Осмондан, ойдан тушган одам йўқ. Ҳаммамиз шу ернинг

фарзандларимиз. Шундай экан, халқа етакчи бўлиш учун иш услубимизни замон талабига мослашимиз керак.

Икки йиллик тажрибамиз ва хорижий давлатлар фаолиятидаги ижобий мисолларга асосланган ҳолда бир хулосанни алоҳида таъкидламоқчиман: чет эллик, катта кучқудратга эга бўлган сармоя соҳибларига зарар кўриб ишләётган корхоналаримизни, хизмат соҳасидаги ташкилотларни, меҳмонхоналарни, мәший хизмат, савдо-тижорат корхоналарини мулк сифатида топширишдан асло чўчимаслик керак.

2. Давлат бошқарувида, тармоқ ва хўжалик раҳбарлигига, назорат қилувчи ташкилотларда, жойлардаги ҳосим ва бошқа мансабдор шахсларда масъулиятни ошириш. Таъмадирлик, порахурлик, бюрократизм сарқитлари ботқоғидан чиқиши. Биз тутган йўлни тушунмасдан, нафс балосига мубтало бўлган, нафс гирдобига тушган кимсалардан ҳолос бўлиш ва уларни жавобгарликка тортиш.

3. Яна бир муҳим масала. Фаолларимизни, раҳбарларимизни, Президентдан то оддий фуқарогача, ёши ва вазифасидан қатни назар — ҳаммани бугунги замон талабларига, бозор иқтисодиёти қонун-қоидаларига ўргатиш, малакасини ошириш. Бу вазифани бажариш учун ҳар қанча вақтни ва ҳар қандай маблагни аямаслик зарур. Керак бўлса, республикамиз бўйича шу мақсадга қаратилган маҳсус дастур тузамиз. Узининг кучига, савиасига, билимига танқидий кўз билан қараш ва тўғри баҳо бериш ҳеч кимга зарар қилмаган, айб ҳам эмас. Буни ҳаммамиз тушунишимиз лозим.

Замон талабларига мос бўлиш учун ҳаммамиз қайтадан ўқишимиз даркор. Бунинг айби йўқ. Ўқиш ва ўрганиш ҳеч кимга зарар етказмаган. Агар қайсарликка бориб, масаланинг моҳиятини яхши тушунмасак, унда хато қиласиз. Бирордан сўраб ўрганишнинг айби йўқ. Аммо, биз кўпинча қайсарлигимиз боис, "Мен раҳбарман, катта лавозимда ўтирибман, қандай қилиб билмаганимни ўргатинг, деб айта оламан" деган нотўғри фикрга борамиз. Бирор марта каттароқ лавозимдаги одам мажлис минбаридан туриб: "Мен бу масалани билмайман" деганини эшитганимисизлар? Йўқ. Мени кечирасизлар-у, лекин ҳаммамиз ҳам раҳбар сифатида бир оз қеккайиб, гўдайиб қолганимиз. Лавозим ёки вазифага эга бўлибоқ дарров ўзгариб қоламиз. Бошқаларни назарга илмай қўямиз. Худди атрофдагилар биздан ақли,

савияси пастдек туюлади. Энг катта хатомиз ҳам ана шунда.

4. Жойлардаги ҳокимлар ва мутахассисларга күпроқ ишониш ва уларга әркинлик бериш вақти келди. Келәётган маълумотлар ва текширишлар ўнуни кўрсатадики, масъулиятини яхши англаётган, ваколатлари ва халқ ишончидан тўғри фойдаланаётган ҳокимлар жуда катта ижобий ишларни амалга ошириб, эл ҳурматига саазовор бўлмоқдалар. Жумладан, пойтактдаги Мирзо Улугбек тумани, Тошкент вилоятидаги Ўрта Чирчиқ тумани ва Бекобод шаҳри, Самарқанд вилоятидаги Ургут ва Самарқанд туманлари, Бухоро вилоятидаги Олот ва Фиждувон туманлари, Андижон вилоятининг Марҳамат тумани, Навоий вилоятининг Навбаҳор тумани, Наманган вилоятининг Поп ва Косонсой туманлари, Фарғона вилоятининг Бувайда ва Фарғона туманлари, Сурхондарё вилоятининг Музробод ва Ангор туманлари, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз ва Қамаши туманлари, Хоразм вилоятининг Гурлан ва Хонқа туманлари ҳамда Қорақалпогистонининг Элликқальъа тумани ва бошқа жойларда қилинаётган ибратли ишларни алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Лекин кўпчилик туманларда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, хусусан, аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий хомашёдан фойдаланиб, ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига истеъмол бозорини кенгайтириш ишлари ҳамон суст кетяпти.

Ўтган сессияда биз "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунни қабул қилган эдик. Ҳокимлик бошқарувини, унинг ҳуқуқ ва вазифаларини, шу билан бирга, масъулиятини аниқ белгилаб берган эдик. Энди улардан иш ва ҳисоб талаб қилиш вақти ҳам келди, деб ўйлайман.

Бу масалани пухта ўйлаб кўришимиз керак. Энг аввало, ҳокимлар ҳамма соҳада барчага намуна бўлиши лозим. Ҳокимнинг бурчи ва вазифалари хусусида кўп гапирамиз, чунки уларга катта ҳуқуқ берилган. Айни вақтда уларнинг масъулияти ва жавобгарлиги ҳам жуда катта.

Баъзи вилоятлар, туманлар борки, уларда қилинаётган ишларни кўриб, кўнглингиз тогдек кўтарилади. Худди шу ишларни ўзингиз қилсандек бошингиз кўкка етади. Шахсан мен шундай ишларни кўрсам ёки телевизор орқали хабар топсам, қувониб кетаман. Нақадар олижаноб ишлар!

Уларда худди ўзимнинг ҳам ҳиссам бордек туулади. Қани эди, ана шундай савоб ишлар кўпайса, ана шундай раҳбарлар ҳақида кўпроқ эшиштасак, уларга телевидение орқали, минбарларга чиқиб гапириш имкони берилса! Ютуқларининг сирини ўргансак.

Биз ана шундай одамларга республиканинг олий орден ва медалларини беришимиз керак. Бунинг учун мукофотларни тайёрлаш ишларини тезлаштириш лозим. Баландпарвоз гаплардан амалий ишларга ўтишимиз керак. Ҳақиқий қаҳрамонларининг кўксига муносаб нишонлар тақишимиз керак. Шу кунларга етсак, ўзимни бахтиёр деб ҳисоблар эдим.

5. Ўзимизнинг валютага ўтиш — иқтисодий ислоҳотларининг энг муҳим масаласидир.

Халқимизнинг турмуш даражаси, жамиятнинг, давлатнинг тақдирни ва келажаги нафақат молиявий ва иқтисодий барқарорликка, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, валюта ислоҳоти, унинг куч-қудрати, обрўси, харид имконияти, жаҳоннинг бошқа валюталари билан муносабатига ҳам боғлиқдир.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бирор давлат ўз валютасига ўтаётганда қийинчиликлардан холи бўлгани йўқ.

Илгаридан айтиб юрибмиз: пул зарб этиб, уни муоммалаға киритиш қийин иш эмас. Энг муҳими — унинг кейнати тақдиридир. Янги пул давлат ва халқнинг собит ҳимоячиси бўла оладими? Фуқаронинг "белини бақувват" қила оладими? Ўзга юртларга боргандан тан олинадими ёки пуч қоғозга айланаб қоладими? Ҳамма гап ана шу саволларга жавоб топишда.

Бу ҳақда ҳаммамиз жуда пухта ўйлаб кўришимиз керак.

Сўм-купонга ўтиш бизга катта синов бўлди. Танланган йўлимиз "юмшоқ" услублар билан халқимизга кўп озор ва зарар етказмасдан, ортиқча ваҳима қўзғамай, кучини йўқотган рублдан халос бўлишдан иборат бўлди.

Миллий валютамизга ўтиш йўлида дастлабки ва энг қийин қадам қўйилди. Эндиликда укнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш, сўм-купоннинг обрўсини ошириш вазифаси турибди. Бунинг учун нималар қилишимиз, қандай чоралар кўришимиз даркор?

Авваламбор — молиявий аҳволимизни барқарорлаштириш, бюджет — давлат хазинасини тартибга солиш, даромадга қараб буромад қилиш, бюджет камомадига йўл қўймаслик, ортиқча, бугун ўта зарур бўлмаган харажатлардан қандай бўлмасин вақтинча воз кечиш.

Бундай талаб давлат миқёсидагина эмас, балки барча тармоқ, бирлашма, ташкилот, корхона, хўжалик, вилоят ва туманга ҳам бирдай тегищлидир.

Иккинчидан, ҳисоб-китобни тартибга келтириб, ички имкониятларни ишга солиш, 1994 хўжалик йилини молиявий томондан пухта режалаштириш, хўжалик-иктисодий алоқаларни танқидий назар билан баҳолаш, ишлаб чиқариш технологияси ва таъминот соҳасида тўлиқ ишонч уйғотмайдиган ҳолларда эса алоқаларни қайтадан, арzonлаштириш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш лозим. Янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур барча йўлларни ахтариш ва топиш керак.

Киришдан олдин чиқиши ҳам ўйлаш керак, дейдилар. Шуни назарда тутиб, кредит олишдан аввал уни қайтариш муддатларини ва фоиз ставкаларини ҳисоблаган ҳолда сиёсат юритиш зарур.

Учинчи муҳим масала — молия-кредит сиёсатини танқидий кўриб чиқиш, имтиёзли кредитларни кескин камайтириш, уларни фақатгина ҳалқ таъминотига бевосита боғлиқ тармоқ ва хўжаликларга ажратиш.

Биз қишлоқ хўжалигига кредит беришни давом эттиришимиз керак. Сабаби, бу соҳа асосий соҳа бўлиб, ҳаммамизни боқади. Қишлоқ хўжалигига фойда олиш имкониятини яратиб берсак, бошқа соҳалар ҳам унинг арzonроқ ҳом ашёсидан фойдаланиши мумкин бўлади. Агар кредит ставкаларини осмонга чиқариб қўйиб, қишлоқ хўжалигини қийнасанак, ҳом ашёнинг ҳам, озуқанинг ҳам нархи ошади. Оқибатда иқтисодиётимиз зарар кўради, ҳалқимиз ҳам мушкул аҳволга тушиб қолади. Шу жумладан мелиорация соҳасига ҳам алоҳида зътибор бериш керак. Ер унумдорлигини ошириш учун давлат сиёсатида ирригация масаласи катта ўрин тутиши лозим.

Албатта, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳалардаги аҳволни назардан қочирмаслик керак.

Умуман айтганда, кредит масаласида кескин ўзгаришлар ясашимиз даркор, тармоқлар, бирлашмалар, корхоналар аввало ўз кучига ишониши керак.

Яна бир масала — тўлов муаммоларини ҳал этиш. Умуман, тўловлар масаласи қийин кечяпти. Марказий банк ва бошқа банкларнинг раҳбарлари масъулиятни чуқур ҳис этиши лозим. Нима учун тўлов Фарғонадан Тошкентга 20 кун ёки бир ой ичида келиб тушади? Бу ўтакетган тўрачилик эмасми? Бир шаҳримиздан бошқасига пул ўтказиш шунчалик қийинми, ахир? Бунинг замирида қандайдир нопоклик борга ўхшайди. Бу масалани охиригача ўрганиб, салбий кўринишларнинг илдизини топишимиз керак. Банк тизимида ишлайдиганларнинг орасида қўли эгрилар ҳам йўқ эмас. Одамларнинг қўлига, "шапка"сига қараб турадиганлари бор.

Янги сўмимизнинг "белини бақувват" қилиш учун, биринчи навбатда, бозоримизни кенг истеъмол моллари билан тўлдириш, бунинг учун эса ҳамма имкониятларни ишга солиш керак. Бу молларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариш учун, зарур бўлса, икки-уч йилга барча имтиёзларни берайлик, тегишли рағбатлантирувчи қонун ва фармонларни қабул қиласли. Авваламбор, нарх сиёсати ва солиқлар борасида шундай бир муҳитни вужудга келтириш керакки, истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи, шунча сармояси ва имконияти бор компаниялар, тижоратчи фирмалар ва шахслар юртимизга меҳр қўйиб қолсин. Ҳам ўзининг соф фойдаси ва даромадини топсин, ҳам бозоримизни обод қиласин. Узоқдан ҳам, яқиндан ҳам бизларга керакли мол узлуксиз оқиб келаверсин. Шу мақсадга эришиш учун чет эл валютасига эга бўлган сармоядорларни юртимизга даъват этиш, уларнинг фаолиятини рағбатлантириш, қўшма корхона, тижорат дўконлари очиш зарур. Бозоримизда бундай дўконлар қанча кўп бўлса, ҳаётимиз ҳам шунча обод бўлади.

Дарвоҷе, "Дўкон" атамаси ҳақида... Бундан кейин "Магазин" эмас, "Дўкон" деган иборани ишлатсан. Дўкон деганда қандайдир файз, баракани тушунасан киши. Кўнглинг тўқ бўлади, чунки, унда мол серобдек туюлади. Шунинг учун бозоримизда чет эл дўконларини кўпайтиришимиз лозим. Керак бўлса, чет элликлар дўконларни, меҳмонхоналарни, сервис, яъни хизмат кўрсатиш шохобчаларини бутунлай сотиб олишига қаршилик қиласли керак. Чунки, улар бу биноларни ҳеч қаерга орқалаб кетмайди. Аксинча, ўз молини олиб келиб сотади.

Биз эса, дўконларнинг уругини қуритиш билан оварамиз. Қаердаки бир дўкон пайдо бўлса, ўша ерда камидаги милиционеру бир прокурор ҳозири нозир. Натижада дўкончилар қочиб кетади. Бу хатти-ҳаракатлардан, ножоиз бўлса ҳам айтаман, эски замоннинг нохуш ҳиди келяпти. Савдо-тижорат ишларига эркинлик беришимиз керак. Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда айтганимдек, эркинлик деганда росмана хусусийлаштиришни назарда тутмоқдаман. Биз хусусий мулк эгаларига эркинлик бермаяпмиз. Уларни ҳимоя қилмаяпмиз. Бир дўконнинг згаси бўлса-ю, мустақил иш юритолмаса. Буни қандай тушуниш мумкин? Назоратчиларни, "сўрайдиган"ларнинг сонини камайтирасак, хусусий мулк эгасига тазиик ўтказмасак, уни ҳимоя қилсак — бозоримиз обод бўлади, фаровон ҳаётга замин яратилади. Шундай иш юритсаккина, мақсадимизга эришишимиз мумкин. Акс ҳолда, эскилик ботқогига ботиб ётаверамиз.

Кайфиятимизни, онгимизни ўзгартиришимиз керак. Энг аввало, ҳокимлар ўз иш услубларини ўзлаштиришлари лозим. Мен шуни талаб қиласман.

Мана, янги йил яқин қолди. Иш тартибимни ўзгартиришга мажбурман. Ўзим кўпроқ жойларга бораман. Дўконларга, бозорларга кираман. Шикоят кўп бўлса, жавобгарлигини, энг аввало ҳокимлардан сўрайман.

Янги Ўзбекистон пулининг мустақиллигини таъминловчи энг муҳим омил — чет эл валютасидан иборат, хорижда, дунёнинг энг машҳур банкларида сақланаётган захираларимиздир. Давлатни давлат қиласиган, унинг келажагини таъминлайдиган валюта захираларимиздир.

Бу борада биз кейинги йилда катта ютуқларга эришдик. Бунинг асосий омили — Ўзбекистонга Аллоҳ инъом этган олтин ва бошқа қимматбаҳо бойликларимиз ва уларни ишлаб чиқарувчи салоҳиятларимиздир. Бу масалага мен алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўзбекистоннинг олтини қаерга кетяпти?

Аввало, олтинимиз ҳисобидан озиқ-овқат, дори-дармонларга бўлган эҳтиёжимизни қондиряпмиз. Замонавий технологиялар, ускуналар олиб келиб, катта заводлар қуряпмиз. Ҳоразмда, Андижонда автомобиль заводлари қад ростляяпти. Яна бошқа йирик корхоналар барпо этиляпти. Улар ишга тушгач, дунё бозорига чиқадиган, рақобатбар-

дошли маҳсулот бера бошлайди. Одамларни иш билан таъминлаймиз.

Яна бир нарсани ошкор этай: олтинимиз дунёдаги энг машхур банкларда сақланыпти. Аниқроғи, күпроқ даромад олиш мақсадида банкларда сақлаб, олтинимизни валютага айлантирямиз. "Дойче банк", Швейцариядаги "ЮБС" банки ана шулар жумласидандир. Булар Ўзбекистонга кредит ажратиш учун кафолат беряпти.

Хозир бойлигимиз ярим миллиард доллардан ошди. Бу валютамиз эртага қўшимча фойда-даромад келтиради. Ке-ча вакиллар йигилишида бир нарсани таъкидлаб ўтдим. Агар Президент сифатида сохта обрў топмоқчи бўлсам, ана шу пуллар звазига Ўзбекистонга турли хил керак-нокерак нарсаларни олиб келиб соттирас эдим. "Кўриб қўйинглар" қабилида иш тутар эдим. Лекин менинг фикрим бўлакча: олтин фақат бизники эмас, келажак авлоднинг ҳам насибасидир, давлатимиз фаровонлигининг пойдеворидир. Шундай экан, хорижий банклардаги валютамиз захирасини янада кўпайтиришимиз зарур.

Албатта ана шу кўзлаётган имкониятларимизни тўла ишга солиш учун биз Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ҳамда бошқа нуфузли банк ва халқаро молия ташкилотлари ёрдамига муҳтожмиз. Улар билан узлуксиз иш олиб боришимиз, уларнинг тавсияларини ҳаётга татбиқ қилишда талай чора ва тадбирларни амалга оширишимиз зарур.

Ҳурматли ноиблар!

Миллий валютамизга ўтиш муддатлари ҳақида алоҳида келишиб олишимиз керак. Нега деганда, сўнгги пайтда бавзи бир қўпорувчи ва ваҳима тарқатувчи кимсалар эл орасида ҳар хил миш-мишларни ёйишга уриниб, одамларнинг тинчлигини бузишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бир гапни аниқ айтишим зарур: сўм-купонга ўтгандан кейин, муомалада ўзимизнинг пулнимиз юрганини кўриб, ҳеч ким унга четдан таъсир ўтказа олмайди, унинг сонини камайтириб-кўпайтира олмайди. Бошқача қилиб айтганда, четдан оқиб келаётган ва қадрини йўқотган рублиниг йўлини тўсдик. Чунки сўм-купон — ўзимизники, ўзимиз зарб этяпмиз, шукурки, шундай имкониятга эга бўлдик. Шу боис сўм-кўпондан кейин янги, ҳақиқий валютамизни муомалага киритаётганда ҳам амалга оширилажак ишла-

римизни батафсил белгилаб, режалаштириб олишимиз мумкин.

Барча тайёргарлигимизни кўриб, белгиланган муддатда ҳақиқий пулимиз — ўзбек сўмига бемалол ўтамиз. Бирорвни шошилтириш, ортиқча ташвишга солиш ниятимиз йўқ.

Бир нарсани тўғри тушунишимиз керак: Сўм-купон ўзимизники, чегарамиздан ташқарида муомалада эмас. Сўм-купонни жорий этаётганимизда четдан рубль оқиб келади, деган хабар бор эди. Хавфсирашимиз асосли эди. Пул алмаштириш пайтида бозорда нархлар осмонга чиқди, чунки пул кўпайиб кетди. Тошкент бозорларида бир килограмм гўшт 25 минг сўмгача кўтарилиди. Сўм-купон ўзимизники, уни ўзимиз чиқарамиз. Демак, хавфсирашга асос йўқ.

Гарб мамлакатларида валюта ўзгартирилмоқчи бўлса, эски нусхадагиси ҳам баравар ишлатилаверади. Банкка тушган эски нусхаси қайта муомалага чиқарилмайди. Бизлар ҳам шу тартибда иш тутамиз. Ҳеч қандай қийинчлилик бўлмайди. Мол бўлса — бас. Таъкидлаб айтаман: пул алмаштиришдан ҳеч ким хавотирга тушмасин. Қўлида қанча сўм-купон бўлса, бемалол алмаштириб олади.

Тайёргарлик ишлари 1994 йилнинг биринчи ярмида тутгайди, аниқроғи — ҳедгуси йиғ 1 мюддан янги пулга ўтиш учун ҳамма чораларимиз ва имкониятларимизни ишга солишга ҳаракат қиласиз.

Муҳтарам депутатлар!

Режаларимизни белгилаётганда, ҳеч шубҳасиз, ёш авлод тўғрисида, қариялар, ногиронлар, давлат томонидан мадад ва ҳимояга муҳтоҷ кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш асосий вазифамиз бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ижтимоий ҳимоя чоралари қатъий тарзда муайян табақаларга қаратилган бўлиши, ҳақиқатан ҳам шундай ҳимояга муҳтоҷ одамларга, кўп болали оиласаларга, ногирон, етим-есирларга етиб бориши керак.

Шу масалаларга янада жиддий эътибор беришимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Меҳнатга қобилиятили, соғлом одамга муносиб ҳақ тўланадиган мароқли иш топиш, тегишли маълумот олиш имконини бериш лозим. Бунда ҳам тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур маблағ қидириб топилиши шарт. Жамиятимизни янгилаш ва иқтисодиётни янгича ташкил этиш, республикамизни қудратли ва гуллаб-яшнаган ўлкага айлантириш борасида олдимизга қўйган улугвор вазифаларни жиҳсман ва маънан соглом, ўқимишли авлодгина амалга ошира олишини унутмаслигимиз керак.

Азиз дўстлар, халқ ноиблари!

Сизу бизнинг орзу-умидимиз — Ватанимизни озод ва обод кўрмоқ, эл-юртимизни фаровон қилмоқ, шу мақсадларни амалга оширишда эзгу излар қолдирмоқдир. Ана шу олижаноб мақсад йўлида баҳоли қудрат хизмат қилмоқ фарзу сздатдир!

Худо ато этган қисқагина умри мобайнида инсон қандай синов-тўсиқларни, шиддатларни бошидан кечирмайди!

Бугунги қийинчиликлар ўтар, гирдоблар тинар. Ватан қолади. Халқ қолади. Диёнат, иймон, меҳр-оқибат ўзгармасдир.

Бир ҳолдан ҳаммамизни асрасин: замон ўтиб, қилган ишларимиздан пушаймон еб, виждан азобига дучор бўлмайлик.

Янги — 1994 йил арафасида оддий инсон сифатида ҳам, Аллоҳнинг муқаддас уйи — Каъбани зиёрат қилган одам сифатида ҳам, яратгандан: эл-юртимизга тинчлик-осойишталик, омонлик, ёшларимизга сабр-тоқат, бардош, гайрат ва ишонч, қарияларимизга узоқ умр, куч-қувват, хонадонларимизга бахту саодат, файзу барака ва омад ато этишни сўрайман. Худо хайру бахтингизни берсин, энг эзгу умидларингизни рўёбга чиқарсин!

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши
XIV сессиясида сўзланган нутқ,
1993 йил 28 декабрь.

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Муҳтарам Аркадий Иванович!

Ҳурматли меҳмонлар!

Ўзбекистон ҳукумати номидан мазкур анжуманинг барча иштирокчиларини, саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси, саноатчилар ва ишбилармонлар минтақавий бирлашмалари намояндадарини, директорлик корпуси раҳбарлари ва вакилларини қизғин табриклишга ижозат бергайсиз.

Бу ерда ҳозир бўлган Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехия саноатчилар уюшмалари вакилларини алоҳида мамнуният билан қутлайман. Бу анжуманинг муҳимлиги ва уни ўтказиш заруриятини ҳис қилган ҳамда унда иштирок этишга розилик билдирган меҳмонларимизга ташаккур изҳор этаман.

Аркадий Иванович, биз — ўзбекистонликлар сиз бошқаётган ҳамда фаолияти иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашга, бозор ислоҳотларининг ўйланган ва доно сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган ишбилармон кишилар ҳаракатини юксак қадрлаймиз. Халқаро конгрессининг хўжалик фаолияти муайян жараёнларини ҳис қилишни асос қилиб олган барча илгор кучлар билан ҳамкорликка интилиши айниқса маъқул.

Мен сизнинг саноатчилар ва ишбилармонлар — жамиятнинг "ўйин қоидалари"ни тезроқ тартибга солиш заруриятини ҳис қилган тоифасидир, деган фикрингизга қўшиламан. Бу қоидалар бизнинг Евроосиё иқтисодий мақонимизда ҳам амал қилиши лозим.

Европа ва Осиё мамлакатлари саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро кенгashi йигилишини ўтказиш учун Тошкентнинг танланиши менга алоҳида мамнуният баҳш этади.

Тарихнинг ўзи Ўзбекистоннинг ўрнини Фарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғлайдиган Евроосиё

йўллари чорраҳасида белгилаган. Бизнинг республикамиз Евросиё иқтисодий ва маданий кўпприги бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу кўпприк доирасида товарлар, технологиялар, сармоялар ва маданий қадрияларнинг ҳаракати ва алмашуви учун яхши шароит яратилган.

Қачонлардир ягона бўлган молия ва пул-кредит тизимининг барбод бўлиши, мавжуд хўжалик алоқаларининг узилиши ҳамда пулнинг қадрсизланиши туфайли бундан икки йил бурун Ўзбекистон оғир моддий аҳволга тушиб қолган эди. Бу вазият бизнинг олдимиизга иккита мураккаб вазифани қўйди: бир томондан, бозор иқтисодиётiga ўтиш бўйича теран ислоҳотларни амалга ошириш, иккинчи томондан эса, иқтисодиётни барқарорлаштириш, аҳоли турмуш шаронтининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик зарурати пайдо бўлди.

Бундай шароитда ўтган йиллар қолдирган оғир меросдан қутулиш, иқтисодиётни ҳамма томонлама қайта ташкил этиш, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига эришиш учун халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган ҳаёти, турмуш тарзи, тарихий ва миллий ўзига хослигига асосланиб, шунингдек, бундай машаққатли йўлни босиб ўтган мамлакатларнинг бой тажрибасини ўрганиб, биз тараққиётнинг ўзимизга хос йўлини танладик. Бу йўл беш принципга асосланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак.

Мамлакатнинг ички иқтисодий сиёсати ҳам, ташки иқтисодий алоқалари ҳам ҳар қандай сиёсий мафкура таъсиридан бутунлай ҳалос бўлмоғи лозим.

2. Давлат иқтисодий ислоҳотларнинг ташаббускори ва уларни ҳаётга татбиқ этадиган асосий кучдир.

Давлат иқтисодиётдаги стратегик устувор йўналишларни танлашга, ҳуқуқий асосни шакллантиришга масъул бўлиб, тадбиркорлик тизимларини барпо этиш ва ривожлантириш ҳамда давлат бошқаруви тизимларини, кредит, солиқ ва валюта сиёсатини мукаммаллаштиришга, сармояларни жалб этиш учун шароит яратиш ва аҳолини ислоҳотларга тайёрлашга масъулдир.

3. Ижтимоий ҳаётдаги барча соҳаларда қонуннинг устунлиги.

Бу тамойил республиканинг барча фуқаролари ва юридик шахсларига ташаббускорлик ва ишбилармонликни ра-

вожлантиришда тенг ҳуқуқлар яратиб берилишини билдиради.

4. Аҳолини айниқса унинг ижтимоий начор қисмини, ногиронлар, болалар ва серфарзанд оиласларни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат юргизиш.

Давлат ўз аҳолисини, айниқса машаққатли ўтиш даврида муҳофаза қила олсагина, у инсонпарвар давлат ҳисобланади.

5. Бозорга босқичма-босқич ўтиш.

Мавжуд иқтисодий вазият, мамлакатнинг демографик ўзига хослиги, оиласларнинг кўлчилик қисмидаги паст турмуш шароити бозорга ўтиш даврида "фалаж қилиб даволаш" усули республикамиз учун мос келмаслигини кўрсатади. Ташкилий, иқтисодий, молия-кредит тизимларини ўзгартириш, мос келадиган ҳуқуқий асосни, бозор муносабатларини шакллантириш, кадрлар тайёрлаш учун вақт керак. Зарур шароитларни яратмасдан, одамларни жиддий ўзгаришларга тайёрламай туриб, уларга бозор муносабатларини тиқишилмоқ кутилган натижаларни бермаслигидан ташқари, бозор иқтисодиёти тоясининг ўзини обрўсизлантириб қўйиши ҳеч гап эмас. Халқимизнинг "янги йўни қўрмай туриб, эскисини бузиш керак эмас", деган доно мақоли шу ўринда жуда кўл келади.

Бозорга ўз йўли билан ўтаётган Ўзбекистоннинг нимаси бор эди? Ўзбекистон бой табиий-иқтисодий ва минерал — хомашё ресурсига эга экани сизга маълум бўлса керак, албатта. Аниқланган 750 турдаги минерал ресурслар захиралари қийматини мутахассислар тахминан 3 триллион доллар, деб белгилади. Мис, кумуш, қўрғошин, рух, вольфрам, табиий газ ва бошқа бир қанча фойдали қазилмалар захиралари бўйича мамлакатимиз дунёдаги стакчи ўринлардан бирини эгаллади.

Ўзбекистон жаҳонда олтин қазиб олиш бўйича еттинчи ўринда, олтин захираси бўйича эса, бешинчи ўринда туради. Республика иқтисодиётида рангли металларни қазиб олиш ҳам асосий ўрин тутади, шунингдек, республика ноёб металлар ва стратегик материалларнинг аниқланган катта салоҳиятига эга.

Республика табиий газ, кўмир, нефть каби ёнилғи-энергетика ҳамда сув ресурсларига бой. Газнигина эмас, нефт-

ни ҳам экспорт қиладиган кун яқин эканига ишончимиз комил.

Ўзбекистон яхши табиий шароитга эга. Бизнинг бир йилимиз уч минг қуёшли соатдан иборат бўлади. Бундай шароит йилига бир ярим миллион тоннагача пахта толаси ишлаб чиқариш имконини беради.

Ўзбекистон Марказий Осиёда қора металлар, оғир самолётлар, двигателлар, пахта терици машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқарадиган ягона республикадир. Бизда йирик кимё корхоналари бор. Биз уларнинг фаолиятини замонавий заҳарсиз ўғит ва пестицидлар, бўёқ моддалари, кимёвий толалар, тиббий дори-дармон, пластмассалар ишлаб чиқаришга йўкалтироқчимиз.

Кадрларимизнинг юксак илм-зиё салоҳияти, ҳаётимизда ёшларнинг тутган салмоқли ўрни иқтисодиётимизни янги кучлар билан таъминлашнинг келажагига катта умид билан қарашимизга асос беради.

22 миллион аҳоли (шунинг ярми 18 ёшгача бўлганлар) яшайдиган, ноёб табиий шароитда ўрнашган, энергетика ресурслари ва қазилма бойликларга, бой минерал захиравларга эга бўлган Ўзбекистон энг жўшқин ривожланаётган ёш мустақил давлатлардан биридир.

Шу жиҳатдан қарагандা ўтган 1993 йил бурилиш даври бўлди. Республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиши қоидалари ва шаклларини тўғри белгилаш, бозор муносабатларини аста-секин шакллантириш туфайли Ўзбекистон ўтган йили иқтисодий кўрсаткичлар таназзулини тўхтатди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда эса муайян даражада ўшишга эришди.

1993 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1992 йилга нисбатан 4,1 фоиз, шу жумладан ёқилғи саноатида 12 фоиз, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоқларида 8 фоиз, енгил саноатда 7,5 фоиз юқори бўлди.

4 миллион 200 минг тоннадан ортиқ пахта тайёрланди, катта ҳажмда қимматли металлар, мис, кўрғошин, рух ва бошқа кўп маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Ҳозир республикада ислоҳотни амалга ошириш дастури мавжуд бўлиб, уни қандай ўтказишни етарли даражада аниқ тасаввур қиласиз. Бизнинг ички сиёсатимиз инқиlobий ларзаларга ва халқнинг оммавий равишда қашшоқланницига йўл қўймайдиган, ижтимоий йўналишдаги бозор

иқтисодиётига босқичма-босқич, аста-секин ўтишга қартилган.

Биз учун ислоҳотнинг ўзи мақсад эмас, балки аҳоли кенг табақаларини мулкка чинакам даҳлдор қилиш, эгалик туйғусини қайта тиклаш ва шу асосда ташаббускорлик ва ишбилармонлик учун шарт-шароит яратиш воситасидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бозор муносабатларига кенг йўл очиб беради, эркин ишбилармонликни қўллаб-қувватлайди. Давлатнинг хўжалик фаолиятига аралашишга, монополия ҳуқуқи олдига ғов солади. Асосий Қонунимизда хусусий мулк давлат муҳофазасида экани таъкидланган.

Хуллас, ўз мулкини ўзи тасарруф этадиган кишилар ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг таянчи бўлиб қолиши лозим.

Жаҳон тажрибаси ҳеч қаерда жамиятнинг янги моделга ўтиши осон ва силлиқ кечмаганини кўрсатиб турибди. Бу мураккаб ишда кўр-кўронга андоза олишга, эскичасига ёндашишга йўл қўйиб бўлмайди.

Марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлилка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш хўжалик юритишининг эски усулини янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш эканини биз бир неча бор таъкидладик. Бу ҳаёт фалсафаси одамлар учун мутлақо янгиdir.

Шу сабабларга кўра бозор иқтисодиётига бирданига ўтиш мумкин эмас, янги муносабатларга ўтиш учун бир қанча изчил босқичлардан иборат узоқ тадрижий давр талаб қилинади.

Иқтисодий ислоҳот аста-секин, қадам-бақадам бозор муносабатлари тизимикинг ҳақиқий механизмларини вужудга келтириши керак. Бу механизмлар бирданига ишга тушмайди, улар такомиллашади, аста-секин изга тушади. Ҳар қандай сохта инқилобий қарорлар кутилган натижаларни бермайдигина эмас, аксинча, бозор иқтисодиётини барпо этиш тоясининг ўзини бадном қилиб қўяди.

Ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказишни биз ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолишининг зарур шарти деб биламиш. Лекин шуниси ҳам тўғрики, ўз навбатида барқарор вазият ҳам ислоҳотни пухта ўйлаб, сиёсий мулоҳазалар билан воқеаларнинг кечишини сунъий равишда тезлаштирмай ўтказишга асос бўлади.

Бундай ёндашув республикага таңлаб олинган янгилашиш ва тараққиёт йўлидан дадил боришга, ислоҳотларнинг ҳар босқичида етилган вазифаларни изчиллик билан ҳал қилишга имкон беради.

Кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш, мулкчилик шакллари хилма-хиллигини таъминлаш бозор муносабатларига ўтишининг негизидир. 1994 йилнинг бошланишида республикада 54 мингта яқин корхона давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Бу ислоҳот бошланган тармоқлардаги иншоотларнинг қарийб 80 фоизини ташкил этади.

Ҳосил қилинган миллий даромадда давлат тасарруфида бўлмаган тармоқларнинг улуши деярли 40 фоизни ташкил этади.

Үй-жойларни хусусийлаштириш амалда ниҳоясига етди, савдо, маҳаллий саноат аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида "кичик хусусийлаштириш" тугай деб қолди. Саноат, қурилиш мажмуи, нақлиёт, деҳқончилик-саноат мажмунининг гўшт-сут, озиқ-овқат, пахта тозалаш тармоқларидағи йирик корхоналарни акциялаштириш иши авж олиб кетди.

Ўзбекистон учун асосий тармоқ ҳисобланган деҳқончилик соҳасида ўзгартишлар фаол амалга оширилмоқда. Шахсий хўжаликларни ривожлантириш учун аҳолига қўшимча равишда ер ажратиб берилди, ишлаб чиқаришнинг колектив шакллари тикланмоқда, деҳқон (фермер) хўжаликлари, ижараби оиласидаги жамоаларга кўпроқ эътибор берилмоқда.

Ҳозирги вақтда етиштираётган сутнинг деярли тўртдан уч қисмини, гўштнинг салкам 70 фоизини, картошканинг 40 фоиздан кўпрогини, мева-сабзавотнинг ярмидан кўпрогини давлат тасарруфида бўлмаган тармоқлар бермоқда.

Сармоя мажмуида ҳам муҳим ўзгаришлар бўляпти. Сармоя солишининг бозор муносабатларига мос келадиган тузилмаси вужудга келмоқда. Халқ хўжалигига сармоя ажратища бюджет маблағларининг улуши кескин камайди.

Айни пайтда республикамизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, сув хўжалиги қурилиши, олтин қазиб чиқариш, қисман нефть саноати, шунингдек бир қанча ижтимоий иншоотларни бюджетдан пул билан таъминлашнинг салмоқли ҳиссаси сақлаб қолинмоқда.

Жуда қаттиқ молия-кредит ва пул сиёсатига ўтишни пул қадрсизланишини жиловлаш йўли деб биламиз. Бироқ, бизнинг фикримизча, кредит ва фойда олиш сиёсати ишлаб чиқаришнинг камайишига, айниқса рақобатбардошли, истиқболли ишлаб чиқаришнинг камайиб кетишига ва оборот маблагининг қисқаришига эмас, балки моддий ишлаб чиқаришга кредит сарфлаш учун эҳтиёжнинг кўпайишига ва пировард натижада меъёрий қайта ишлаб чиқариш жараёнига олиб бориши керак.

Давлат ишбилиармонлик фаолиятини ривожлантиришга мадад бермоқда. Республикада ишбилиармонликни ривожлантириш, кичик ва ўртача бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармалари тузилган. Қишлоқ фермерларига пул қарз бериш учун "Тадбиркор" банки тузилган. Бозор муносабатларининг ёрдамчи тармоқлари вужудга келмоқда, монополияга қарши ишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини вужудга келтириш давом этмоқда.

Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозалик тизимидан бозор муносабатларига ўтиш чорига тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар мустақиллигининг анча кенгайиши таъминланмоқда. Давлат буюртмаси ҳажми анча қисқарди, маҳсулотларнинг асосий қисми эркин шартнома нархлари билан сотилмоқда.

Ҳозир моддий ишлаб чиқариш соҳасида бирорта ҳам вазирлик йўқ.

Куни кечада республикада қабул қилинган Фармонда иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк ва ишбилиармонлар манфаатларини ҳимоя қилиш кўзда тутилган. Жумладан, ижозатнома олиш лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини анча камайтириш, давлат эҳтиёжлари учун буюртмаларни қисқартириш, улгуржи ярмаркалар ва маҳсулот — хомашё биржалар мавқеини ошириш, очиқ тусдаги акциядорлар жамиятларини кенг барпо этиш, умри тугаган бошқарув тузилмаларини тугатиш ва бошқа чоратадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Бизда айниқса сўнгги вақтда замонавий солиқ ва банк тизимларини барпо этиш, қаттиқ молиявий ва кредит-пул сиёсатини ўтказиш соҳасида жиддий қадамлар қўйилди. Бу сиёсат пулнинг қадрсизланишини тўхтатишига қаратилган. Биз ўз пул бирлигимизни барқарорлаштириш ва миллий валютага ўтиш йўлида дастлабки қадамларни қўйяпмиз.

Шу билан бир вақтда катта иқтисодиётни бошқаришнинг мўнитар усуллари имкониятларига умид қилмаймиз. Биз ислоҳотнинг "фалаж қилиб даволаш" усулларидан воз кечиб, молия-пул тизимини барқарорлаштиришни ишлаб чиқариш ва халқ турмуши даражасини ошириш билан кўшиб олиб бориш йўлини тутганимиз.

Бундай пухта ўйлаб ёндашув айрим мамлакатлардан фарқли равища, ҳукумат билан саноат — ишбилармонлар доиралари тутган йўлларининг ўхшашиб ўхшига эришиш имконини берди. Уларнинг ўртасидаги сиёсий курашни эмас, балки самарали ҳамкорликни таъминлади, давлат ташкилотлари ҳаракатлари қўйидан бошланган ташаббус билан мустаҳкамланди.

Кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш биз учун ислоҳотларнинг ҳамма босқичларида устун йўналиш ислоҳотлар муқаррарлигининг гарови бўлди. Аслида мустақиллик йилларида аҳолики ижтимоий муҳофаза қилишининг янги воситалари вужудга келтирилди, у бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолининг эҳтиёжманд табақаларига аниқ-равшан мадад бериб боришга қаратилган.

Бу сиёсат иш ҳақи ва пенсиянинг кафолатли энг кам миқдорида, энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан белгиланган миқдорда таъминлаб туришни ташкил этишда, компенсация тўловлари ва бошқа чораларда ўз ифодасини топди.

1 январдан бошлаб бизда иш ҳақининг энг кам миқдори 30 минг, меҳнат пенсиясининг миқдори 32,5 минг сўм-купонни ташкил этади. Ҳамдўстликдаги мустақил давлатлар орасида бу энг юқори кўрсаткичидир.

Ўзбекистонда ташқи муносабатларнинг очиқ бўлиши тамойили қабул қилинган, бу ҳам иқтисодиёт ички таркебини қайта қуриш талабларига мос келади. Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг бошланғич даврида ёқ кўпгина нуфузли халқаро иқтисодий ва молия ташкилотларининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки иштирокида ишлаб чиқилган бир қанча катта лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Сайёрамиздаги Жаҳон банки, Дойч банки, "Креди коммерсиаль де франс" банки каби катта-катта банклар Тошкентда ваколатхоналарини очган. Республика бугунги кунда 70 дан ортиқ хорижий банклар билан алоқа ўрнатган.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо обороти кўпайиб, ҳозир деярли 1,7 миллиард долларни ташкил этади. 50 дан ортиқ мамлакат фирмалари ва компаниялари билан иқтисодий алоқалар ўрнатилган.

Республикада хорижий сармоя иштирокидаги 900 дан ортиқ корхона рўйхатга олингани. Ўзбекистонда сармоя сарфлаш билан боғлиқ истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда машҳур хорижий компаниялар ва фирмалар фаол иштирок этмоқда. Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Голландия, Австрия, Корея Республикаси, Хитой, Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон билан сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида икки томонлама битимлар имзоланган.

Биз жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўяр эканмиз, ўзимиз учун янги бозорларни очар эканмиз, айни пайтда сабиқ Иттифоқдаги анъанавий шерикларимиз билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантиришидан манфаатдормиз.

Тенг ҳуқуқли савдо-иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш, четга маҳсулот чиқариш ва четдан маҳсулот келтириш, янги бозорларни ўзлаштиришга доир фаол ишимиз, импорт ва экспорт нисбатини тубдан ўзгартиришга имкон берди. Агар 1990—1992 йилларда сабиқ Иттифоқ республикалари билан савдо-сотиқда нисбат биз учун салбий бўлиб, мамлакатимизга ташқарига чиқарилганидан кўра кўпроқ маҳсулот келтирган бўлсак, ўтган йили четга чиқарилган маҳсулотнинг келтирилган маҳсулотдан жорий нархларда 300 миллиард сўм кўп бўлиши таъминланди, яъни савдо баланси биз учун ижобий бўлди.

Ўзбекистон сабиқ Иттифоқ республикаларининг қўп ёқлама негиздаги ҳамкорлигини ривожлантиришга катта аҳамият бериб, аввалбошданоқ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш гоясини қўллаб-қувватлади. Биз Ҳамдўстлик имкониятларидан ҳали тўла фойдаланганимиз йўқ, деб ҳисоблаймиз. Иқтисодий иттифоқ тўғрисидаги шартнома бу хусусда яхши истиқболлар очади. Ҳозирги вақтда бу шартнома қоидаларини амалда рўёбга чиқариши таъминлаш вазифаси турибди.

Биз МДҲ таркибида ҳамкорлик қилиш билан бир вақтда Марказий Осиё минтақаси доирасида иқтисодиётни бирлаштириш жараёнларига катта аҳамият берамиз. Қозоғистон

Республикаси ва Қирғизистон Республикаси билан муносабатларимизда бу йүлда анча илтарилаң кетдик.

Гап ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш, божхона түсікәларини олиб ташлаш, ўзаро келишилгән кредит, солиқ ва нарх сиёсатини ўтказиш түғрисида, хуллас, самарали ҳамкорлик қилиш учун зарур бўлган чора-тадбирлар ҳақида бормоқда. Қозогистон ва Қирғизистон билан тузилган, мазкур туб чора-тадбирларни кўзда тутадиган шартнома, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришдан, ўз иқтисодиётини барқарорлаштиришдан чинакам манфаатдор бўлган ҳамма давлатлар учун очиқ.

Бизнинг ҳамма муаммоларимиз ҳал бўлмаган, албатта, биз жуда қийин даврда ящаяпмиз. Бундан олдинги ўн йилликлар давомида республика иқтисодиётини жуда кўп хилдаги маҳсулотларни ва истеъмол молларини четдан келтиришга қарам бўлиб қолган.

Хўжалик алоқаларининг узилиши, айрим доираларнинг рубл зонасини парчалаб ташлаш юзасидан қилган бир томонлама ҳаракатлари муносабати билан тўловлар муаммосининг кескин тус олиши кўпгина корхоналаримиз аҳволига ва умуман иқтисодиётга салбий таъсир қилмоқда. Кўпларингиз шундай мушкулотга, эҳтимолки, бундан ҳам оғир қийинчиликларга дуч келаётганингизга аминман.

Ҳозир саноатчилар ва ишбилармонлар ҳамкорлигини чуқурлаштиришнинг бир қанча йўналишларини, биргаликда хуҷ-тайраг сарфлаб, ганглий ҳолатларини бартараф этишга, ҳалқ хўжалигини ривожлантиришда барқарорликка эришишга имкон берадиган ислоҳотчи давлат тузилмаларини таъкидлаб ўтмоқчиман. Мисол учун ёнилғи-Энергия мажмуи ривожига миңтақалараро ўзаро таъсир масалаларини олиб кўрайлик. Россияда нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш камайиши муносабати билан бу масала ҳар қандай мамлакатда устувор аҳамият касб этади.

Биз ҳамкорлигимиз йўналишини биргаликда лойиҳалаш, сармоя солиш, қурилиш, энергия обьектларидан фойдаланиш, жиҳозларни ишлаб чиқариш ва улар билан таъминлаш, ёнилғи ва энергия етказиб бериш, кадрлар тайёрлашда саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда кўрамиз. Бу муаммо барчамиз учун ўта мұхым аҳамият касб этади.

Анъанавий алоқлар узилиши ва тўловлар ўтишидаги қийинчиликларга қарамай, бизнинг машинасозлик корхоналаримиз собиқ Иттифоқ республикалари, Шарқий Европа

па мамлакатлари ва бошқа давлатлар билан қўшма корхоналар тузишга майл билдиримоқда.

Бугунги кунда республикада Қозогистон, Украина, Россия билан ҳамкорликда уй-рўзгор техникаси учун электродвигателлар, кўпприк кранлари, экскаваторлар, эмаль ўтказгичлар, олмос асбоблари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 16 та корхона ташкил этиш борасидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Бизнинг авиасозлик бирлашмамиз ҳамда Россия ва Украинанинг ана шундай фирмалари иштирокида давлатлараро авиаисозлик корпорацияси ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Ҳозирги пайтда Россия, Беларусь, Қозогистон ҳудудларида айирбosh хомашё эвазига Ўзбекистонга етказиб бериладиган тақчил моллар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар ташкил этиляпти. Илгари бу маҳсулотларнинг кўпчилигини республикамиз эркин муомаладаги валютага сотиб олар эди.

Бизнинг металлургия мажмуимизда, кимё саноатимиз ва бошқа соҳаларда ҳам кооперация ва қўшма сармоядорлик фаолияти учун кенг имкониятлар мавжуд.

Ҳозирги шароитда илгари иттифоқ бўйича меҳнатни тақсимлаш тамойили асосида бунёд бўлган барча хўжалик алоқаларини бутунлай қайта тиклаш масаласини ўртага қўйиш уччалик тўғри бўлмайди, албатта.

Бугунги кунда гап ўзаро фойдали соҳаларда шерикчиликни сақлаб қолиш, ҳар бир давлатнинг иқтисодиётини барқарор қилиш жараёнини енгиллаштирибгина қолмасдан, бу иқтисодиётни жаҳон бозори ўртага қўяётган талаблар асосида қайта қуришга ёрдам берадиган янги алоқалар ўриятиш ҳақида бормоғи керак.

Бу ўринда бозор муносабатлари ривожлангани сари товар ишлаб чиқарувчилар учун буйруқбозлик иқтисодиётiga хос бўлган таъминот масаласи эмас, маҳсулотни сотиш масаласи мухимроқ аҳамият касб этишини эътибордан соқит қилмаслик лозим.

Шу жиҳатдан мұхим омилларнинг бири — бозорнинг ҳудудий торайишига ёки майда-майда бўлакларга бўлинишига, хусусан Россияда маҳаллий бозорчаларга бўлинниб кетишига йўл қўймасликдан иборат. Анъанавий шериклари олиб чиқиб кетишига мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришини камайтираётган корхоналар узоқни кўрмасдан

иши тутајатти. Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ қийинчиликлар бозор жуғрофиясини Кенгайтиришга барибир мажбур қилади. У пайтда ўзгалар ташлаб кетгандык бозорни забт этишгә түгри келади. Бу эса жуда мураккаб ишдир.

Иккинчидан, иқтисодиёттинг очиқлиги даражаси ошиб бориши билан кучли хорижий рақобатчиларнинг пайдо бўлиши кўпгина корхоналар учун ўзларининг анъанавий бозорларини йўқотишга олиб келиши мумкин. Бу ўринда танланиши лозим бўлган энг муҳим йўл — маҳсулот сифатини ошириш ҳамда ишлаб чиқаришда хатоларга йўл қўймасликдан иборат бўлиши керак. Бу эса янги технологияларни жорий этишини, сармоядорлик фаолиятини янада жонлантиришни тақозо қилади.

Бу муаммо бағоят жиҳдий бўлиб, сиз бу хусусда жиҳдий муҳокама юритасиз ва тажриба алмашасиз, деб ўйлайман.

Учинчидан, шу пайтгача кўпгина корхоналар бозор муносабатларига ўтишни, энг аввало, нархни ошириш деб тушунди. Бироқ бозорда сифатли хорижий моллар пайдо бўлаётган пайтда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни нархни туширишгина қутқариб қолишиб мумкин. Бунга ҳозирданоқ тайёргарлик кўриш керак.

Ҳам саноатчилар ва ишбилармонлар, ҳам давлат тузилмаларининг биргаликдаги ҳаракатларини талаб қиладиган энг қийин муаммолар орасида тўловлар ва ўзаро ҳисоб-китоб тизимида тартиб ўрнатиш муаммоси ҳам бор. Тўловлар танглигининг сабаблари кўп. Ҳамма корхоналар самараадорлиги даражасидан қатъи назар, молиявий қийинчиликларга ва пул айланишининг кескин секинлашиб кетишига дуч келди.

Рубл зонаси барбод бўлгач, ўзаро ҳисоб-китоб муаммоси жуда кескин тус олди. Мен миллий валютани жорий этиш иқтисодиёт учун, умуман ижтимоий турмуш учун аҳамияти жиҳатидан инқилобга тенгдир, деб бир неча бор айтган эдим. Бу — шошмашошарликка йўл қўйиб бўлмайдиган, узоқ ва пухта тайёргарликни талаб қиладиган мураккаб жараёндир.

Ўзбекистон янги тусдаги рубл зонасига тенг ҳуқуқли шароитда, барқарор иқтисодий аҳволимизга муносаби равишда кириш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишин қилди. Бизни сунъий равишда миллий валютани муомалага киритишга мажбур этишди.

Эндиликда янги воқеликка асосланиш керак. Ўзаро ҳисоб-китоб қилиш муаммосини ҳал этишнинг асосий йўли — тўлов иттифоқини тузишdir, шу иттифоқ доирасида миллий валюталар холисона баҳоланиши ва ўзаро тўловлар амалга оширилиши мумкин бўлур эди.

Ваколатли банкларнинг корреспондентлик ҳисоб варақалари орқали ҳисоб-китоб қилиш билан бирга бу муаммони бартараф этишда МДҲ давлатлари бошлиқлари қарорига мувофиқ тузилган давлатлараро банк тагин ҳам фаолроқ иш қилиши лозим.

Ҳисоб-китоб қилишнинг ҳалқаро қоидаларига ўтиш Шарқий Европа мамлакатларидаги бир вақтлар мавжуд бўлган кенг алоқаларимизни анча қисқартириб юборди. 1990 йилда Ўзбекистон экспортида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаси мамлакатларининг улуши салкам 60 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда 8 фоиздан ҳам камроқ.

Хўжалик алоқалари йўналишларининг ўзгартирилиши маълум даражада ҳар қандай мустақил мамлакат учун табиий ҳисобланган изланиш — хомашё ва машина-ускуналарни етказиб берувчиларни, маҳсулотни сотиш учун бозорни излаш билан боғлиқ.

Бироқ иқтисодиётимиз бир-бирига мураккаб даражада қарамлигини менсимай, ишончли ва ҳалол ҳамкорлардан воз кечиш хато бўлур эди. Биз Чехиядан транспорт воситаларини, Венгриядан дори-дармон ва озиқ-овқат, Хитойдан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг айrim турларини сотиб олишдан воз кечмоқчи эмасмиз.

Бундан ташқари ташқи савдо билан бирга сармоя соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларнинг негизи бўлиши керак. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон иқтисодиётининг foят хилма-хил тармоқларида: автомобилсозлик ва кимё, қурилиш ва рангли металлургия, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва соғлиқни сақлаш, савдо-сотик ва хизмат кўрсатиш соҳасида Хитой, Болгария, Венгрия, Польша, Чехия, Словакия билан барпо этилган қўйшма корхоналар ишлаб турибди. Ўтган йили улар 6,5 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарди.

Чехия саноат ва савдо вазири жаноб Владимир Длоугининг Ўзбекистонга яқинда қилган сафари муваффақиятли бўлди. Тошкентда жойлашган XXR ва Чехия Республикаси савдо ташкилотлари икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга фаол кўмаклашмоқда.

Иқтисодий ислоҳотнинг ҳозирги босқичи ташқи иқтисодий алоқаларга анча эркин тус бериш билан боғлиқ. Республикага келтириладиган ҳамма турдаги моллардан бож олишни бекор қилиш ва экспортдан олиниадиган божни камайтириш, республикадан ташқарига олиб кетиладиган маҳсулотта ижозатнома олишнинг танлов тартибини жорий этиш кўэда тутилмоқда, ички ва хорижий сармояларни сугурта қиласидиган давлат компанияси тузилмоқда, унга Ўзбекистон давлат ҳазинаси бойликларининг бир қисми берилади.

Буларнинг ҳаммаси ҳамкорлигимизни кенгайтириш, та-назул жараёнларини бартараф этиш муаммоларини бир-галикда ҳал қилиш учун яхши асос яратади.

Қадрли дўстлар!

Вакиллари бу ерда иштирок этаётган ҳар бир мамлакатнинг ҳаётий манфаатларига даҳлдор бўлган ана шу мураккаб вазифаларнинг ечимини топишда саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси ғоят фаоллик билан иштирок этиши мумкин. Бу турли давлатлардаги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўргасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиши орқали ҳам, шу давлатлар ҳукуматлари билан алоқаларнинг йўналишлари ва шаклларини ишлаб чиқиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Давлатлар ўргасидаги иқтисодий муносабатларни сиёсий ва мағкурулакий мақсадлардан ҳоли қилишга, ҳударни тенг ҳукуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, тижорат турмушидаги мустаҳкам алоқалар негизида қуришга қаратилган саъй-ҳаракатларда халқаро конгресс мұхим ўрин тутиши, ишбилармонлик тузилмаларининг самарали фаолияти учун шароит яратиши мумкин.

Саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси кенгашининг Тошкентдаги мажлиси ижодий вазиятда, самарали ўтади, бозор муносабатларини қарор топтириш йўлида турли мамлакатларда тўпланган тажрибаларни ўрганишда, иқтисодиётни барқарорлаштириш йўналишларини ишлаб чиқишида, инсон эҳтиёжларини кўзда тутадиган ишбилармонлик қоидаларини қарор топтиришда олға силжишга ёрдам беради, деб ишонаман.

Саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро
конгресси кенгашининг Тошкентда
бўлиб ўтган йигилишида сўзланган нутқ,
1994 йил 26 январь

ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ — ФАРОВОНИЛИК МАНБАИ

Ҳурматли ўртоқлар!

Қишлоқ хўжалигининг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида кўп гапирамиз, мунозара қиласиз.

Бугун жамиятимиз шуни англаб олдики, ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, ҳалқимизни боқиши, истиқболимизни режалаш — хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи наебатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Ҳаммамизни боқадиган, озуқа берадиган соҳа — қишлоқ хўжалиги тармоқларидир.

Мана шунинг учун ҳам, модомики, фаровон ҳаёт қурмоқчи эканмиз, олдимизга ҳалқ турмушини яхшилаш мақсадини қўйган эканмиз, иқтисодий ислоҳотни аввало қишлоқ хўжалиги, қишлоқ ҳаёти соҳасидан бошлишимиз зарур.

Ислоҳот ҳақида гапирганда, мақсадларимизни белгилашда кейинги бир-икки йил мобайнида муҳим бир ҳақиқатни англаб олдик: ислоҳот ислоҳот учун қилинмайди, ислоҳот номига қилинадиган иш эмас, ҳар қандай ислоҳот биринчи наебатда инсон манфаатларини кўзлаб, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш учун амалга оширилади.

Маълумки, ҳалқимизнинг 60 фойздан кўпроғи қишлоқ жойларида яшайди. Шундай экан, ҳамма ташвишларимизни, муаммоларимизни ечишни қишлоқ хўжалиги соҳасидан бошлаш керак эмасми?

Мақсад — қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, қишлоқда яшаетган ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини кўтариш, улар учун муносиб шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлмоғи керак.

Бунинг учун нима қилиш лозим?

Аввало, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, ишсиз юрганларни ва доимий унумли иш билан банд бўлмаганларни (ҳисоб-китоб бўйича, бундай кишилар икки миллионга яқин) ишлаб чиқариш соҳаларига жалб этиш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш зарур.

Бир қарашда бу вазифа инсон хаёлига сиғмайдиган даражада улкан ва оғир кўринади. Аммо бизда бу муаммони ечиш йўли аниқланган.

Республикамизда ишлаб чиқариш соҳасида 6 миллион 300 минг киши банд. Шулардан 3 миллион 700 минг киши қишлоқ хўжалигида ишлайди. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган одамларнинг барчасига ер, сув, техника воситаларини етказиб бера оламизми? Уларнинг барчасига иш топиб бера оламизми?

Бу масала нафақат иқтисодий, балки сиёсий масалага айланмоқда. Менинг фикримча, бу муаммони ҳал қилишнинг йўли битта: қишлоқ хўжалигида унумли ишлайдиган кишилар қолиши керак, қолтанлари бошқа соҳаларга — саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этилиши лозим. Бизда аҳолининг 9 фоизигина хизмат кўрсатиш тармоқларида машғул, чет элларда эса бу рақам 60—70 фоизни ташкил этади. Энди бизга бир пайкалга юз кишини қўйиб унумсиз меҳнат қилишнинг кераги йўқ. Қишлоқ хўжалигида 10 фоиз одам банд бўлса кифоя. Шундагина биз кўзлаган мақсадларимизни амалга ошириш учун заминга эга бўламиз,

Биринчи навбатда саноатни, хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоққа олиб келишимиз, маҳсулотни қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қишлоқ заминига жойлаштиришимиз керак.

Бизлар бир вақтлар одамларни қишлоқ жойларидан саноат марказларига олиб борганимиз. Бухорода, Фарғонада, Андижонда катта-катта тўқимачилик комбинатларини Қурдик, шу кунга қадар бу корхоналарга 60—70 километр узоқдан ёш қизларимизни, йигитларимизни олиб келиб ишлатаяпмиз.

Бугун биз бутунлай бошқа сиёсатни тарғиб қилишимиз керак. Саноатни қишлоқ хўжалигига олиб келиш керак. Буни илгари ҳам кўп марта айтганман, ҳозир яна бир марта тақрор айтаман: саноатни қишлоққа олиб келиш керак. Шунинг ҳисобидан ер меҳнатидан бўшаётган одамларни саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида

банд этиб, фермерларга жой бўшатиб беришимиз лозим. Бизнинг олдимизда шундан бошқа йўл йўқ.

Бирор қишлоқда қурилаётган ёки қурилиб ишга тушган бирорта қайта ишлаш корхонасини кўрсам, гўё шу нарсани ўз қўлим билан қургандай хурсанд бўламан. Ўйлайманки, ҳар қайси ватанпарвар инсон, Ўзбекистон келажагини ўйлаган инсон бундай ишларни кўрганда қувонади.

Лекин биз бошлаган бу ишлар катта муаммони ҳал этиш йўлида ташланган дастлабки қадамлардир. Буни очиқ тан олишимиз керак. Бу олижаноб мақсадни ўз зиммасига олган хўжалик ва жонкуяр инсонларга давлат ва ҳукумат ўз ёрдамини, кўмагини бериши лозим.

Айни пайтда сув ва иссиқлик, электр нури, темириўл ва автомобиль йўллари, умуман коммуникация ва қулайликлар этиб бормаган бўм-бўш чекка қишлоқларимиз ҳам мавжуд. Уларни обод қилиш учун давлатимиз марказлаштирилган жамғармалардан маблағ ажратиши керак. Қурувчилар кучини ана шу ёқقا йўналтиришимиз зарур. Бу иш дастлабки берадиган ёрдамимиз бўлур эди.

Бу ҳаракатни жонлантириш ва кўмак бериш мақсадида, ўйлайманки, бугунги вазиятда эндигина иш бошлаб, кучга кираётган кичик корхоналарга солиқ масаласида ҳам му айян имтиёзлар берсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Биз кўпинча ўзимизга ўзимиз муаммо туғдирнимиз. Юқорида айтганимдек, саноат комплексларини шаҳард барпо этиб, ишли кучини қишлоқдан ташиб келтирамиз. Энди саноатни қишлоқ хўжалигига олиб келишимиз керак. Бунинг учун лозим бўлган сув, йўл, коммуникация, электр энергия ва бошқаларни давлат йўли билан бунёд қилиб, сўнгра иш талаб қилишимиз даркор. Имтиёзли солиқларни йўлга қўйиш зарур. Кичик корхоналарга солиқидаган солиқни 50 фоизга камайтириш керак. Солиқдан йўқотганимизни маҳсулот ҳисобидан қоплаймиз. Шундаги на ишлаб чиқариш ривожланади, маҳсулот кўпаяди. Солиқ устига асоссиз равишда солиқ солавериш нотўғри сиёsat дир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини кўпайтириш, шу тармоқ самарасини юксак даражага кўтариш имкониятларининг чегараси йўқ, деб ўйлайман.

Биз чет элларда бўлганимизда гўзал диёrimизни, она заминимизни таърифлар эканмиз, "Бизнинг юртимизда йилига уч марта ҳосил олса бўлади", деб айтамиз. Ажна-

бий дүстларимиз ҳар гал ҳайратта тушадики, бундай жаннат жой қаерда экан, деб!

Аслида ҳам шундай. Дунёда ўзбек заминига тенг келадиган заминнинг ўзи йўқ. Ўзбек деҳқонига тенг келадиган заҳматкаш ҳам дунёда топилмайди!

Лекин, азиз биродарлар, шундай имконимиз бўла туриб, ўша айтилган уч карра ҳосилни оляпмизми? Афсуски, йўқ. Ҳалигача ўша даражага етишни орзу этиб юрибмиз, холос.

Биз ишлаб чиқариш унумдорлигини ўстириш, иш жараёни самарасини ошириш ва пировард натижаларга эришишни жадаллаштириш мақсадида кўп муаммо ва масалаларга танқидий кўз билан қарашимиз лозим.

Биринчидан, бизни боқадиган — мана шу ер, мана шу тупроқ. Унинг унумдорлигини оширишимиз керак. Бунинг учун эса, энг аввало, сүғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни, ирригация ишларини устувор мақсад деб қарашимиз шарт.

Иккинчидан, қишлоқ ҳўжалигини замонавий технология, техника ва ускуналар билан таъминлаш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш имконияти ва сифати деҳқонларни қониқтирадиган даражада бўлиши керак. Агар лозим бўлса, уларни техника, ўғит ва бошқа керакли жиҳозлар билан арzonроқ, имтиёзли тарзда таъминлашимиз зарур.

Лекин, ўртоқлар, бугунги кунда аграр соҳа ходимлари олдида турган энг муҳим вазифа, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бутун иқтисодиётимизни ҳал қилувчи масала — одамларимизнинг ишга, меҳнатга муносабатини тубдан ўзгартиришdir.

Бу масаланинг ечими — мулкчилик шаклларини ўзгартиришда, мулкни ўз эгасини топиб, унга беришдадир.

Қисқа қилиб айтганда, мулк деган нарса, ишлаб чиқариш воситалари ўзининг ҳақиқий эгасини топиши керак. Деҳқон ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга ўзи тўлиқ эгалик қилиши даркор.

Ана шундагина ишлаб чиқаришнинг шакли, мазмuni, туб маъноси ўзгаради, унинг самараси ва натижалари кўзланган мақсадларга жавоб беради. Яъни ривожланган, тарақкий топған давлатлар қаторида ўзимизни кўришни истасак, унда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш учун халқимизнинг 55—60 фоизи эмас, 5—10 фоизи банд бўлиши кифоя қиласди. Шунда ҳам

биз кутган даромад чиқади, ҳам фаровон ҳаёт таъминла-
нади. Деҳқон бадавлат бўлса, юртимиз обод бўлиши
муқаррардир. Бу ҳақиқатни ҳаммамиз қулоғимизга яхши-
лаб қуйиб олишимиз керак.

Охиригги икки йил бекорга кетмади, у биз учун катта
мактаб бўлди. Шу вақт давомида республикамиз ҳаётида,
жамиятимизнинг ижтимоий ҳолатини ўзгартириш, бозор
иқтисодиётига ўтиш жараённида эришган тажрибамиз ва энг
муҳими, қўлга киритган ижобий натижаларимиз Ўзбе-
кистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли борли-
гини, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам
амалга оширилаётган тадбирларимиз тўғри эканини тас-
диқлаяпти. Буни ҳалқимиз, кенг жамоатчилик яхши анг-
лаяпти.

Айрим чет эл арбоблари ва матбуот вакиллари ҳам
буғунги кунда Ўзбекистон тутган йўли эски маъмурий-бўй-
руқбозлиқ тизимидан бозор муносабатларига ўтишда энг
маъқул, энг пухта ўйланган ва энг ижобий йўл эканини
очиқ тан оляпти. Мен бу гапни мақтаниш учун эмас,
аксинча, сизу биз танлаган ва оғишмай амалга ошираётган
ислоҳотдан фахрланишимиз учун айтяпман.

Республикамида қабул қилинган қонунлар, фармон ва
қарорлар қишлоқ хўжалиги соҳасида мулкчилик шаклла-
рини ўзгартириш, хўжаликларга кўпроқ эркинлик бериш,
деҳқон (фермер) хўжаликларининг тадбиркорлик фаолия-
тига кенг йўл очиш масалаларида муҳим омил бўлиб,
ҳаётимизда ўз самарасини бераяпти.

Асосан охиригги икки йил мобайнида ташкил қилинган
14 мингдан зиёд фермер хўжалиги фаолияти, кўпчилик
давлат хўжаликларининг, фермаларнинг мулкчилик шак-
линни кусусий, ҳиссадорлик, жамоа ва ижара мулки шак-
лига ўзгартириш ўз афзаллигини исботлади. Улар бу
йўлнинг тўғрилигини унумли меҳнат натижалари билан
оқлаяпти.

Бугун республика қишлоқ хўжалиги, шу жумладан,
чорва, пилла, полиз, узумчилик, картошка етишириш
тармоқлари маҳсулотининг 60—70 фоизини давлат тасар-
руфидан чиқарилган хўжаликлар тайёрлаб берәётгани ана
шу ҳақиқатнинг яққол далилидир.

Иқтисодни эркинлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя
этиш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида яқинда
қабул қилинган фармон республикамида ўтказилаётган

иқтисодий ислоҳотни сифат жиҳатидан юксак босқичга кўтарадиган, ҳар бир ишбилармон ва тадбиркор учун кенг имкониятлар очадиган, жаҳон бозорига чиқиш йўлимизни кенгайтирадиган, эски маъмурий-буйруқбоззлик замонидан қолган тўсиқларни олиб ташлайдиган муҳим бир қарор бўлди, деб айтсак янгишмаймиз, албатта.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотни мазкур фармон кўзи билан танқидий таҳлил қиласак, бу ерда ўтирган кўпчилик раҳбар, мутахассис ва фаолларимизда жуда кўп фикрлар пайдо бўлиши табиий деб ўйлайман.

Қишлоқда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва меҳнат самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилаётган ислоҳотнинг кўпгина нуқсон-камчиликлари, ҳал этилмаган муаммолари ҳақида хулоса чиқариш ва шу масалалар бўйича замон талабларига мос келадиган, пухта ўйланган қарорларни қабул қилиш вақти келди.

Авваламбор, ислоҳотни жорий қилишдаги тўсиқ ва жиддий нуқсонлар ҳақида.

1. Бу борадаги энг катта душманимиз, бу — ҳар қадамда учраётган расмиятчилик, кўзбўямачилик, ишимиизга юзаки қараандир.

Кўп жойларда, хўжаликларда бозор иқтисодиётини, унинг асл моҳиятини, шарт ва талаблари, маъно ва мазмунини англамай туриб, давлат мулкини шунчаки номига, расмиятчилик учунгина жамоа, ширкат, ижара, ҳиссадорлик ва хусусий мулкка айлантириш ҳолларига дуч кела япмиз.

Айрим вилоят ва туманларда ҳисобот бериш учун, кўрсаткич учунгина қилинаётган бундай ишларни катта афсус билан таъкидлаш мумкин.

Янги ном ва шаклга эга бўлган хўжаликларда иш услуби ва меҳнатга муносабат ўзгармаётгани, ишчиларни рагбатлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш бошқариш эскича қолганини, энг ёмони, ицловчилар ўзларини ишлаб чиқариш воситалари ҳамда чиқарган маҳсулотларининг эгаси сифатида ҳис этмаётганилари, бунииг оқибатида ишга муносабатлари ва топилган даромадга қарашлари мутлақо ўзгармаётгани энг ачинарли ҳол деб биламан.

Барча камчилик ва самарасизликлар айни мана шундай ақвоздан келиб чиқиши турган гап.

Расмиятчиликнинг, тўрачиликнинг, бюрократликнинг энг тарқалган бир кўринишини олиб қарайлик.

Кўпчилик туман ва хўжалик раҳбарлари Президентнинг маҳсус фармони чиққанидан кейин, шунчаки рапорт учун фермерлар сонини кўлпайтиришга киришдилар. Бешта қорамоли бор одамларнинг барчаси "фермер" деб ёзилди. Сўнгра, фермерлар сони шу тарзда сунъий кўпайганидан кейин, умумий ҳисоб-китобга келганда, ўртача кўрсаткич жуда паст бўлиб қолаверди. Ана ундан кейин айrim ўтмишни қўмсаган раислар: "фермерликнинг самараси кўнгилдагидек эмас!" деб нолишга ўтдилар.

Бугун ҳақиқий, ишнинг кўзини биладиган, насл танийдиган, унумдорлик нималигини амалда исботлаган фермерларнинг ўзи талаб қиляптики, барака топгурулар, келинглар, бизларнинг мақом ва низомларимизни аниқ белгилаб беринглар, лоақал ўттизта йирик қорамоли бўлган одамгина фермер деб ҳисоблансан!

Бу жуда ҳақли талаб, бешта қорамоли бўлиб, ўзини фермер сонига қўшган одам билан элликта, юэта бўрдоқи ёки сермаҳсул соғин сигирни боқаётган ҳақиқий фермерни бир ўринга қўйиш адолатдан эмас. Муносабат меҳнат ва маҳсулот кўламига яраша бўлиши керак.

Ҳукумат қарори билан фермерларга ер ажратилди, лекин маҳаллий ҳокимлар ва хўжалик раҳбарлари бу ерни ўзларича аяган бўлдилар. Кўпинча фермерларга тупроғи унумсиз ёки тошлоқ жойлардаги ташландиқ ерларни ажратдилар. Бу нарса айrim раҳбарларнинг ҳалига қадар бозор иқтисодиёти қонунларини тушуниб етмаганидан, уларнинг фермер аҳлига яхши кўз билан қарамаётганидан дарак беради. Бугун бу ҳолга чек қўйиш муддати келди.

Фермер — бугунги жамиятнинг энг фаол аъзоси. Фаолгина эмас, энг ишончли аъзоси. Бу ҳақиқатни раҳбарлар ўнг қулоги билан ҳам, чап қулоги билан ҳам эшишиб олсин. Агар керак бўлса, айrim хўжалик раҳбарлари иш юритишни фермер ҳалқидан ўргансин. Қайси кунги кенгашда бир сурхондарёлик ёш фермер айтди: "Колхоз менга ер бермади, қўшни туманга бориб сомоннинг килосини икки ярим сўмдан сотиб олиб келдим, колхознинг 450 гектар бедаси бор, лекин бугун уларнинг ғамлаган озуқаси тугади, менга келиб, сомоннинг килосини юз сўмдан сот, деб ялиниб ўтирибди!"

Бундай ҳолларни күп жойларда күриш мүмкін. Бир томонда — бепарвонлик, лоқайдлик, әгасиэлик, иккінчи томонда — ташаббус ва изланиш, ҳар қандай оғир ақвоздан ҳам чора топиб чиқиб олиш қобиляти!

Мана, боя сүзга чиққан фарғоналик укамиз — "Умид" шахсий хұжалигининг раҳбари айтди: мол түқ бўлса, очдан ҳам, касал бўлиб ҳам ўлмас экан. Семиз мол қисир ҳам қолмас экан. Ҳаётий тажриба туфайли келган бу холосада муҳим иқтисодий маъно бор. Яъни чорвачилик давлат қўлида бўлар экан, ҳеч вақт фойда бермайди, аксинча, ўпқон сингари миллион-миллион маблағларни ютиб юборади. Уни әгасига топширгандан кейингина фойда бериши мүмкін. Ҳаммамиз бу ҳақиқатни яхши биламиз, лекин нима учун шу ўзгаришларни қилмаймиз? Қачонгача озиқовқат сўраб чет элларга бориб юрамиз?

Яна тақрорлаб айтаман: мулк әгасини топган тақдирдагина ишда унум бўлади, натижа бўлади, фойда бўлади!

Еки банклар билан фермерлар муносабатини олиб кўрайлик. Фермер молининг яхшисини фақат бозордан олиши мүмкін. Ўз ҳисоб счётидан нақд пул сўраб банкка борса, у ерда "Перечисление йўли билан берамиз", деб айтишади. Бозорда нақд пулсиз савдо қилиб бўлмаслигини банк ходими билмайди, деб ўйлайсизми? Билади, жуда яхши билади, Нақд пул беради ҳам, лекин аввал "шапка"сини олиб кейин беради!

Бу ақволга ортиқ чидаш мүмкін эмас. Биз бу ақволга чек қўямиз. Керак бўлса, таъмагирларнинг нафсини живоловлаш учун Миллий хавфсизлик хизматини жалб этамиз, жиддий, қаттиқ, аёвсиз чораларни кўришдан ҳам қайтмаймиз.

2. Ислоҳот йўлидаги барча ҳаракатларимизни йўқса чиқарадиган яна бир сабаб, бу — республика давлат бошқарув идоралари, иқтисодий ҳукмрон ташкилотлар, вазирлик, концерн ва уюшмалар, шу жумладан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, "Ўзмевасабзавотузумсаноат" концерни раҳбарияти, вилоят, туман ҳукмдорлари фаолиятида хўжаликларга нисбатан эскидан қолган маъмурий-буйруқбозлик, қотиб қолган зўравонлик усулларини ишлатиш, ҳисбот сўраш, янгича иш юритмоқчи бўлган хўжаликларни эски қолипларга киритиш ҳаракатлари барҳам топмаганидир. Бунга ҳам биз тегишли баҳо беришимиз зарур.

Биз махсус қарор билан давлат буюртмасини бекор қылсақ, баъзи вазирликлар ва идоралар ўзларининг буюртмасини ўйлаб чиқариб жорий этяпти. Совет тузумидан қолган бундай иш услубидан воз кечиш керак.

Бундай иш услублари ва ҳаракатлар, авваламбор, жойлардаги масъул вазифаларда ўтирган раҳбар ва мутахассисларнинг ўз билимини оширмаганилигидан, бугунги замон талабларига жавоб бермаслигидан, малакаси етишмаслигидан, суюги эски тизим пайтида қотиб қолганидан далолат беради.

Биродарлар, мен яна такрор айтаман: эски тузум сарқитидан қайтинглар. Фикрингизни ўзгартиринг. Ишлаб чиқаришга, ҳаётга бўлган муносабатингизни ўзгартиринг. Бусиз ислоҳотларни амалга ошириш мумкин эмас.

Биз яқинда шундай қарорга келдик: ҳар қайси вилоят ва туман раҳбарларини чет элларга юборамиз. У ерлардаги хўжалик юритиш тарзини, фикрлаш йўсинини, меҳнатни ташкил қилишни кўришимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз керак. Манфаатли, фойдали битимлар тузиш даркор. Мабодо бу ишлар бугун натижа бермаса, эртага самара бериши муқаррардир.

Шуни очиқ айтиш керакки, расмиятчилик, кўзбўя-мачилик ва билим ҳамда масъулият етишмаслиги билан бирга айрим жойларда масъул ходимлар томонидан янгиликларга мутлақо зид ёндашувлар содир этилаётганини кузатиш мумкин. Ҷозор иқтисодиёти йўлида қиласаётган ҳаракатларимизнинг афзаллигини ва обрўсини оддий меҳнатчилар кўзи олдида пастга уришга ҳаракат қилиш ҳоллари ҳам кам эмас.

3. Қишлоқ хўжалиги тармогида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳот борасидаги яна бир муҳим масалага алоҳида эътибор бериш керак.

Деҳқон (фермер) хўжаликлари сонини кескин оширишда, уларнинг меҳнат самарадорлигини ва пировард натижаларини кўпайтиришда ечимини кутаётган муаммо ва масалалар бор.

Шулардан бири, фермер (деҳқон) хўжалиги ва шу хўжалик ташкил қилинган ерда фаолият кўрсатаётган давлат ёки жамоа хўжаликлари, совхоз, колхоз ширкатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқ бир йўлга қўйиш, уларнинг алоқаларини ҳуқуқий замин асосига қуриш зарур.

Биз буни хоқлаймизми ёки йўқми, лекин кўпчилик жойларда ислоҳотни татбиқ этишда ҳамма нарса айрим юқори поғонада ўтирган бюрократ шахсларга, уларнинг кайфиятига боғлиқ бўлиб қолган.

Иқтисод, моддий манфаат четда қолади-ю, жумбоқларнинг ечилиши баъзи бир раҳбар шахсларнинг дунёқарашинга, бозор иқтисодиётига ва замон талабига қарашларига тақалиб қолаётган ҳолларни кўриш мумкин.

Хусусий мулк эгаси ёки ҳиссадорлик мулкига ўтган хўжалик фаоллари ҳукмдор остонасида ялиниб, сўраб юрмасдан, ҳар доим қонундан мадад топгани маъқул.

Ҳаётимиз, иқтисодиётимизнинг манфаати ва келажаги чамбарчас боғлиқ бўлган ислоҳот ўтказилаётган бир пайтда, тақдиримизни айрим расмиятчи шахс қўлига топшириб қўймасдан, у ким ва қайси ловозим эгаси бўлмасин, барча ҳолларда қонуний асосга, аксарият жамиятимизга маъқул бўлган низом ва бошқа қарорларга таяниб иш юритишимиш даркор. Бу — ҳар қайси ҳуқуқий давлатнинг тажрибасидир.

Айни масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Агар биз ўз вазифасини сунистеъмол қилиб, ўз манфаатини ўйлаб, нафс балосига гирифтор бўлиб юрган айрим мансабдорларнинг сонини камайтироқчи бўлсак, уларнинг насибасини кесиб қўймоқчи бўлсак, қонуний, ҳуқуқий ҳужжатларимизни тез тайёрлаб, тезроқ қабул қилишимиз керак.

4. Ечилмаган муҳим муаммолардан яна бири, бу жамоа, ширкат, фўсомеर ҳўжаликлари учун деҳқонларимиз учун қишлоқ жойларда қулайлик яратиш; хизмат кўрсатувчи ташкилотларни, кооперация асосида ишлайдиган тижоратчиларни уюштириш, бир сўз билан айтганда, қишлоқда керакли шарт-шароитни бунёд этишдан иборатdir.

Бундай ташкилотлар ишини — банк ва сугурта муассасаларидан бошлаб, майший хизмат, савдо хизмати, техника ускуналари ва мосламалари, уруғ ва ўғит таъминоти, ветеринария ва зоотехника хизматини йўлга қўйиш каби муаммолар ҳам ўз ечимини кутиб турибди.

Агар тайёрлов ташкилотларини олиб қарасак, уларнинг кўпчилиги ҳамон эски, марказлаштириш давридан қолган сарқит услубларда ишлайти. Улар аввал ўзининг фойдасини, ўзининг даромади ва манфаатини ўйлайди, холос.

Шу борада қўйидаги масалаларни ечиш лозим:

— ким кимга хизмат қилиши керак?

— ким кимнинг ортидан юриши лозим?

- асли ким кимни боқади?
- ким кимдан манфаатдор бўлиши керак?
- деҳқонлар улар учун меҳнат қиласидими ёки буларнинг барчаси деҳқонга хизмат қилиши керакми?
- ким кимнинг орқасидан кун кўради?

Агар хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайдиган кўпчилик раҳбар ва фаоллардан шуларни сўрасангиз, аксарияти тўғри жавоб беролмайди. Нима деганда, уларнинг кўпчилиги эски тизим заминида тарбия олган. Улар бир муҳим ҳақиқатни англамайдики, агар деҳқон бақувват, бадавлат, кучли бўлса, деҳқоннинг ошиғи олчи келса, бундан хизмат ташкилотларининг ҳаммаси ҳам ўз манфаатини кўриши мумкин.

Мана. биргина ўтган мавсумнинг аччиқ тажрибасини олайлик. Республикализминг барча туманларида, хўжаликларида, Фарғона водийсини оласизми, Тошкент, Жиззах, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларини оласизми, деҳқонларнинг пешона тери ва маҳорати билан мўл ҳосил етиширилган эди. Аммо табиат инжиқлиги уларга зарар етказди, ҳосилнинг кўп қисми далада қолиб кетди. Етказилган зиённи, йўқотилган даромадни ким қоплади?

Бугунги давлат сугурта бошқармаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари агар қопласа ҳам, худди ўзининг қисасидан бергандек, товоннинг маълум бир қисмини катта азоб-уқубатдан кейин хўжаликларга қайтариши мумкин, лекин буям гумон.

Тараққий топган давлатлар тажрибасини олсак, эркин иқтисодиёт шароитида яшовчи хўжаликларни мисол келтирсак, сугурта тизимининг нохуш келган мавсумларда етказилган зарарни қоплаш тажрибаси ва тартиби мутлақо бошқача.

Чорвадор-фермерларимиз билан кўп гаплашамиз. Уларга ихчам сут заводлари, пишлоқ цехлари, колбаса чиқардиган тармоқлар жуда керак. Сир эмас, сутчиликка иктинослашган айрим фермерлар сутга харидор тополмай, топширмоқчи бўлган сути йўлда ачиб қолиб, ноиложликдан гўшт етишириш йўлига ўтишга мажбур бўлди. Нима, халқимизга сут гўштга нисбатан камроқ керакми?

Ҳамма нарса керак. Ҳамма нарсанинг ўз харидори топилади. Аммо маҳсулотни қайта ишлаш учун шароит яратилмас экан, фермерларимизнинг оворагарчилиги тугамайди. Ҳар ким ўз ишини қилиши керак. Фермер сут

етиштирадими, отасига балли, у етиштирган сутни ўз вақтида харидорга етказиб берадиган ёрдамчи тайёрлов ташкилотлари, воситачи сервис ширкатлари бўлмоғи шарт. Бу мақсадни тўлиқ амалга оширишни биз ўзимизнинг қаттий вазифамиз деб билишимиз лозим.

Бугунги кунда аҳвол қандай? Фермерлар "Ўзинг учун ўл, етим!" деган қабилда ҳаракат қилишга мажбур. Ахир, ўзингиз ўйланг, у согин сигирларга қарасинми ёки соғилган сутига харидор излаб у ёқдан-буёқча юурсинми? Агар унинг сутни қайта ишлаб, сариёғ, қаймоқ, пишлоқ, сузма каби маҳсулотлар чиқарадиган ихчамгина цехи бўлса, олам гулистон эди!

Деҳқон (фермер) хўжалигига, янги тузилаётган ҳиссадор ташкилотларга техника керак, қурилиш материаллари керак, ем керак, хашак керак, эҳтиёт қисмлар, гаров эвазига ва узоқ даврга бериладиган чекланмаган банк кредити керак. Кенг кўламда ишни бошламоқчи бўлган ёки ишни бошлаб қўйган шундай хўжаликлар айни пайтда хизмат кўрсатадиган ташкилотлар кўмагига муҳтоҷ.

Туманлардаги агросаноат уюшмалари фаолиятини олиб қарайлик. Улар бюрократик ташкилотга айланиб қолгани аниқ. Нуқул ҳисобот сўрайди, вазифа беради, буйруқ беради, амалий ёрдамдан асар ҳам йўқ. Аслида биз бу уюшмаларни бутунлай бошқа ниятлар билан, хўжаликларга кўмак берадиган ташкилот бўлади, деб тузган эдик.

Эски совет замонида обкомларнинг қишлоқ хўжалик бўлимлари бўларди. Бугунги агросаноат уюшмалари ҳокимликларнинг қишлоқ хўжалик бўлимларига айланиб қолди. Ўртада ҳеч қандай фарқ йўқ.

Аксарият деҳқонлар, "Бизларга бу агропромнинг ҳеч қанақа фойдаси йўқ, биз кутган натижани бермади", деб айтишмоқда.

Бугун эски бюрократик услубда ишлаган, аниқроғи, ёлчитиб ишламаган агросаноат уюшмаси ўрнига хўжаликлар ва деҳқонлар эҳтиёжига хизмат қилувчи, улар билан шартнома асосида фаолият кўрсатувчи мазмунан янги бир ташкилот яратиш зарур.

Уларга ёрдам бериш учун бурчли ташкилотлар, хусусан, Моддий-техника таъминоти қўмитаси, "Тадбиркор" банки ва бошқа банклар, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, "Ўзмевасабзавотузумсаноат", "Узсельхозхимия", Қишлоқ хўжалик фанлари академияси ва бошқалар, шулар қатори-

да ва балки биринчи навбатда маҳаллий ҳокимликлардан ҳам ҳалоллик ва чинакам холислик талаб этилади.

5. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишилаётган иқтисодчи олимлар ҳақида алоҳида гапириб ўтсак, ўринли бўлар деб ўйлайман.

Иқтисодчи олимларимиздан биз қишлоқда кўп тармоқли иқтисодиётни барпо этиш, деҳқонларнинг юқори унумли меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш йўллари ва усууллари тўғрисида аниқ таклифлар кутамиз. Афсуски, бундай тавсиялар бугун йўқ.

Энг қизиги шуидаки, Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг юздан ортиқ хўжалиги бўла туриб, бирортасида йирик иқтисодий тажриба ўtkазилгани йўқ. Буни қандай тушунса бўлади?!

6. Яна бир фикрга тўхталиб ўтишимиз керак. Давлат маблағи билан хўжаликлар топган маблағни ажратиб қўйиш лозим. Деҳқон топган маблағ ва бойликларга кўз олайтириш, деҳқон бўйнига ҳар хил боқиманда ташкилотларни мажбуран осиб қўйиш, уларни деҳқон ҳисобидан боқиши асло чидаб бўлмайдиган ҳолдир!

Фермерлар — аграр ислоҳот тизимининг биринчи қалдиргочлари. Уларнинг қанотини синдиримайлик. Уларни асрарш, авайлаш, парваришилаш керак. Фермерларимиз кўрсатилган бир яхшиликка минг яхшилик билан жавоб қайтарнишинга имоним комил.

Хурматли дўстлар!

Юқорида айтиб ўтилган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иқтисодий ислоҳотнинг муҳим масалалари, муаммолари ва уларнинг ечими бўйича бугунги мажлис муҳокамасига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари тайёрланган. Шу қарорларнинг лойиҳалари мутахассислар ва мутасадди ташкилотлар иштирокида вилоят ва туманларда кўриб чиқилди.

Бу қарорларнинг асосий мазмуни ва мақсади нималардан иборат? Келинглар, бир нарсани яхшилаб, узил-кесил англаб олайлик.

Биз кўп тармоқли хўжалик юритишнинг афзалликлари ни амалда синаб кўрдик. Энди бу тажрибани мамлакат миқёсида ёйиш пайти келди. Янги аграр таркибларда меҳнаткашларнинг ўрни ва таъсири янада ошиши, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва энг муҳими, уни сотишдаги мустақиллиги тўла таъминланиши лозим.

Шу нүқтәи назардан қишлоқ хўжалигини бошқариш таркибида тегишли ўзгаришлар қилишни ҳаётнинг ўзи ва ортирган тажрибамиз талаб қилмоқда.

Хўжаликларнинг молия-хўжалик фаолиятларига аралашмаслик ҳақида қўйган талабларимиз бугун фақатгина қоғозда қолиб кетяпти.

Шунинг учун ҳам, вилоят ва туман деҳқончилик-саноат уюшмалари ва бошқа қишлоқ хўжалик органларининг ҳуқуқларини ва умуман, ички моҳияти ва шаклини қайтадан кўриб чиқишимиз зарур, деб ўйлайман.

Уларнинг ўрнига хўжаликлар билан шартнома асосида ишлайдиган, хўжаликларга малакали ва моддий ёрдам берадиган ҳиссадор ташкилот хизматларини ташкил этишини замон тақозо қилмоқда.

Ҳақли бир савол туғилади: эски деҳқончилик-саноат уюшмалари агросервис хизматига айлантирилса, улар деҳқонлар билан шартнома асосида ишлаб, уларга техникаю ўғит ва бошқа нарсаларни етказиб беришни зиммасига олса, булар ўз хизматлари учун осмон баравар нарх қўймайдими? Рақобат бўлмаган жойда техника ёки ўғит арzonлашадими?

Йўқ, бундан хавотир олмаслик керак. Талаб бўлган жойда рақобатчи кучлар ва ташкилотлар албатта пайдо бўлади. Яна бир нарсани айтиш керакки, агросервис ташкилотлари учун шу кунгача мавжуд бўлган ички чегараларни олиб ташлаш мумкин. Дейлик, фермер ёки жамоа хўжалиги ўз туманида агросервис тузган шартнома нархидан қониқмаса, қўшни туман агросервиси билан шартнома тузади. Масалани ечишнинг бошқа йўллари ҳам бор. Умуман, биз тадбиркорлик йўлига қўйилган турли ҳудудий говларни йўқотиш, мамлакат ҳудудини яхлит ҳис этиш йўлидан борсак, мувофиқ бўлур эди.

Қолаверса "Ўзқишлоқхўжатъмиоттузатиши" қўмитасининг вилоят ва туман ташкилотлари очиқ ҳиссадорлик жамиятларига айланади ва хўжаликлар ўз наебатида бу жамиятларнинг акцияларини сотиб олиши ва унинг фаолиятида бевосита иштирок этиши мумкин.

Қарорда ҳар қайси туманда шартнома асосида техника хизмати кўрсатиш ва барча қишлоқ хўжалик ишларини бажариш бўйича сервис (хизмат кўрсатувчи) пунктлар очилиши белгиланган.

Ҳар бир туманда жамоа хўжаликларига, кооперативларга, деҳқон хўжаликларига ва шахсий хўжаликларга бир

хил күз билан қарайдиган, моддий-техника ресурслари, әктиёт қисмлар сотадиган икки-учтадан ихтисослашган дўконлар барпо этиш назарда тутилган.

Аҳолига қишлоқ хўжалиги экинлари уруғи, кўчатлар, минерал ўғитлар сотувчи дўконлар ташкил этиш ҳам қарорда кўрсатилган.

Жамоа, ҳиссадорлик ва хусусий хўжаликларнинг яна бир муаммоси, ташвиши — кредит масаласини ечиш!

Қарорда тегишли банкларимизга биринчи навбатда деҳқон (фермер) хўжаликларига, кичик корхоналарга, ко-оперативларга керакли моддий-техника, уруғлик, мол, озуқа ресурсларини сотиб олишлари учун, уларнинг мол-мулкларини гаровга қўйган ҳолда, имтиёзли, чекланмаган миқдорда ва 10 йиллик муддатга кредитлар ажратиш топширилган. Олдинги қарорларда белгиланган кредитлар олиш чегаралари олиб ташланади.

Жуда муҳим масалалардан бири, бу — деҳқон (фермер), ҳиссадорлик ва хусусий мулк эгалари этиштирган маҳсулотларни эркин (келишилган) нархлар бўйича тўсиқсиз қабул қилиб олишдир. Бу масалани ечишда ҳам мутасадди ташкилотларга етарли ҳуқуқ берилган.

Азиз дўстлар!

Ҳаётимизда кўп учрайдиган яна бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Бозор муносабатларининг мазмунни шуки, зарар кўриб ишлайдиган хўжаликлар ўз-ўзидан синади. Агар мавжуд мулкчилик шакли иқтисодий самара бермаса, хўжалик аъзолари қачон нонсиз қолишини кутиб ўтирмасдан, айни хўжаликларни мулкчиликнинг бошқа, фойда ва унум берадиган шаклларига ўтказишга имкон бор. Яна такрорлаб айтаман: қолоқ хўжаликнинг синишини кутиб ўтиришга ҳам, давлат томонидан касалнинг оғзига сув томизгандай дотация бериб ўтиришга ҳам имкониятимиз йўқ. Бундай қилиш бозор иқтисодиёти тамойилларига хиёнат бўлур эди!

Уларни бошқа мулк шаклларига ўтказиб, одамларининг тадбиркорлик ва меҳнат лаёқатларига кенг йўл очиб беришимиз зарур.

Яна бир муҳим гап: биз шу кунга қадар чорвадор фермер ва паҳтакор деҳқон хўжаликларига кўпроқ аҳамият бердик. Богдорчилик соҳасида ҳам ўзгаришлар бўлди, лекин улар нисбатан кам. Янги ҳужжат бу

бўшлиқни ҳам тўлдиради. Беғлар ва узумзорларнинг кичикроқ участкалари асосий фонdlарини сотиб олиш шарти билан хусусий мулк этиб берилади. Ўйлайманки, бу тадбир ҳам иқтисодий эркинликлар кенгайишига жонли мисол бўла олади.

Чорвадор ва дехқон фермерларнинг, умуман, қишлоқ хўжалик ташкилотларининг техника таъминоти масалалари қарорларда муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда техника чиқарувчи завод билан хўжаликлар орасида воситачи, эскича айтганда, даллол кўп. То техника дехқонга бориб етгунча унинг нархи осмонга чиқиб кетади. Қарорга кўра завод билан харидор ўртасида бевосита алоқа ўрнатилиши лозим.

Давлат буюртмалари ҳақида. Хўжаликларнинг эркинлигини кучайтириш, уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида давлат томонидан белгиланган буюртмалар, пахта, дон, гўшт ва сут маҳсулотларидан ташқари барчаси бекор қилинади.

Давлат буюртмаси пахта ва ғалла учун 75 фоиз, гўшт ва сут учун 50 фоиз қилиб белгиланади. Келажакда бу кўрсаткичлар яна камайиб боради.

Қишлоқларда жойлашган қайта ишлаш билан машғул кичик корхоналар, ёрдамчи хўжаликлар учун даромад солиги миқдори тенг яримга қисқаради. Бу имтиёз эгалари сони яна кенгайиши мумкин. Айни шу тадбирлар, шубҳасиз, ишлаб чиқарувчининг моддий манфаатдорлигини ва иш унумини оширади.

Энг муҳими, ўртоқлар, биз бу қарорларда, бозор муносабатларига ўтиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда назорат этувчи, буйруқ берувчи ва ҳисбот сўровчи турли ташкилотларнинг, биринчидан, сони кескин камайиши, иккинчидан, иш услуби қатъяян ўзгариши кераклигини назарда тутганимиз.

Эски замондан қолган, юқоридан туриб кўрсатма бериб юрган ташкилот ва уларнинг раҳбарларини огоҳлантириб қўймоқчиман:

— Улар қонунга ва замонга хилоф иш ҳамда тажрибалардан воз кечсишлар, ўша эски пайтларни ҳавас ҳам қилмасинлар! Жазоси қаттиқ бўлади. Буни олдиндан айтиб қўйишимиз керак.

Қишлоқ хўжалигида бевосита ишлаб чиқарувчининг ўзи хўжайин бўлиши шарт. Унинг хўжалик ва молиявий

ИСЛОМ КАРИМОВ

фаолиятига бирорларнинг ортиқча аралашувига йўл
қўймасликни қаттиқ назоратга олишимиз керак.

Муҳтарам дўстлар!

Кейинги икки йилда ҳаёт бизни кўп мащаққатли си-
новлардан ўтказди, кўп қийинчиликларга дучор қилди.
Бунга чидаганлар ҳам бўлди, чидамасдан ўзини четга
олганлар ҳам бўлди. Бир чеккада, тўшакни қалинроқ
солиб, ўтмиш қачон қайтаркин, деб кутиб ётганлар ҳам
бўлди.

Эски тизим ва эски ҳаётни қўмсаётган шахсларга аниқ
жавоб беришимиш керак, деб ўйлайман.

Бугун биз ўзимизни анча тутиб олдик, қаддимизни анча
ростладик, анча тажрибага эга бўлдик. Ўзбекистон учун
олга юришдан, ислоҳотни изчил амалга оширишдан ўзга
йўл йўқ. Буни каттаю кичик — ҳаммамиз англаб олиши-
миз лозим.

Халқимиз ислоҳотни қўллаб-қувватлаб, фаровон ҳаётга
эришиш мақсадида белини қаттиқ боғлаб меҳнатга ки-
ришиди.

Ислоҳотларимизнинг муваффақияти барчамизнинг
таҳдиримизни ва хелажагимизни ҳал этади. Мана шу
олижаноб меҳнатингизда ҳаммангизга доим омад ёр
бўлсин! Юртимиз тинч ва омон бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси йигилишида сўзланган нутқ,
1994 йил 18 февраль

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ: МАСЬУЛИЯТЛИ БОСҚИЧ

Муҳтарам халқ ноиблари!
Азиз дўстлар!

Сизлар билан муқаддас Наврӯз арафасида, дунё маданияти ва илмига, мусулмон маънавияти ҳазинасига буюк ҳисса қўшган Бухорои шариф заминида кўришиб турганимиздан ғоят мамнун эканимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Сизларга юксак ишонч билдириб, ноиб этиб сайлаган инсонларнинг барчасига мамлакат раҳбариятининг байрам табригини ва энг эзгу тилакларини етказасиз, деб умид қиласман.

Хурматли ўртоқлар!

Ҳозир Ўзбекистон ўз тарихининг шу қадар масъулиятли ва шарафли даврини бошидан кечирмоқдаки, арафа кунлари ҳам, байрам кунлари ҳам иш ва келажак режалари хусусида ўйлашга тўғри келяпти. Ҳар кун, ҳар соат ва ҳар бир дақиқа бизлар учун ганимат.

Бугун биз Бухоро вилоятида юзага келган вазиятни муҳокама этиш учун йигилдик. Лекин бу ерда йигилган одамларни мамлакатдаги аҳвол, унинг ички ва ташқи сиёсати масалалари қизиқтиради, албатта. Шу сабаб рухсатингиз билан асосий мақсад ва муддаолар ҳақида, ўзимиз тутган йўл ҳақида, устувор йўналишлар ҳақида, орттирилган тажриба ва дастлабки холоса ҳамда натижалар хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Ички сиёсат ҳақида. Бу борада барча ишларимиз мамлакат мустақиллигини, жамиятнинг яратувчилик салоҳиятини кучайтиришга қаратилган.

Мустақиллик хусусида жуда кўп гапирилади ва ёзилади. Ғоят баландпарвоз, ғоят чиройли гаплар айтилади. Мустақилмиз, дея кўкракка уриб бир гапиргандада дунёнинг бу бошидан кириб, у бошидан чиқадиган биродарларимиз ҳам бор.

Лекин, азиз дўстлар, мустақилликни мен жуда содда тушунаман. Унинг маъноси жуда оддий. Мустақиллик дегани шуки, бизлар, асрлар оша бирорларнинг оғзига қараб яшаган халқ, ниҳоят, ўз тақдиримизни, ҳаётимизни, келажагимизни ўз қўлимиизга олдик. Энг муқаддас вазифа — шу буюк неъматни қўлдан бермаслик.

Биз бугун она-Ватанимизнинг иқтисодий құдратини ошириш, ҳар бир оиласининг турмуш тарзини ўзгартириш ва юқори даражага күтариш, фарзандларимизнинг баҳтли келажагини яратиб бериш имкониятига эгамиз. Агар бу имкониятни қўлдан бой берсак, бизни асло кечириб бўлмайди. Қисқача айтганда, мустақиллик авваламбор иқтисодиётимизни юксалтириш, шу заминда яшаётган ҳар бир оила ва инсонни фаровон, эркин ҳаётга етказиш, шу мақсадда келажагимизни қуриш учун керак.

Ўзбекистонни ардоқлаган ҳар бир инсон мустақиллик тушунчасига ана шундай муқаддас муддао нуқтаи назаридан ёндашиши лозим.

Хўш, муддао аниқ экан, мақсадимиз равшан экан, уларга қайси йўл ва қандай сиёsat билан эришамиз?

Иқтисодий, сиёсий ва маънавий тангликтан чиқиш учун бозор иқтисодиётини танладик. Бунинг сабаби — ўзимизнинг 74 йиллик аччиқ тажрибамиз. Дунёдаги мутараққий давлатларнинг тажрибаси маъмурий-буйруқбозлиқ *йўли билан иқтисодиётни ривожлантириб бўлгасигигина* исботлайди.

Бизлар воз кечган эски тизимнинг энг катта қусури шу эдик, унда хусусий мулк ман қилинган эди. Ҳаётий тажрибамиз шуни кўрсатди, мулкдан жудо бўлган одамда изланиш, интилиш ва ташабbus йўқолар экан. Бу — объектив ҳақиқат ва буни асло инкор этиб бўлмайди.

Биз юритаётган иқтисодий сиёsatнинг негизи шуки, мулк албатта эгасини топиши керак.

Собиқ совет замонида мулк давлатники эди. Халқ мулки деб жар солинарди, лекин аслида бу мулкнинг тайинли эгаси йўқ эди. Бизлар мустақилликка эришгандан кейин мулк шаклларини ўзгартириш борасида кўп ишларни амалга оширдик. Мулкнинг барча шакллари, шу жумладан, хусусий мулк ҳам ҳуқуқий жиҳатдан баробар деб эълон қилинди.

Хусусий мулкнинг ўз ўрни ва давлат тарафидан ҳимоя этилиши — Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Конституцияси саҳифаларида зикр этилган.

Биз хусусий мулкнинг ҳуқуқий асосларини пухта яратдик. Навбатдаги вазифа — хусусий мулкчиликни ривожлантиришнинг механизмларини ишлаб чиқишдан иборат эди.

21 январда чиқарилган Президент Фармони ана шу олижаноб ниятнинг маҳсали бўлди. Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичини мантиқан якунловчи бу фармон билан биз янги, ўта масъулиятли даврга қадам қўйдик.

Янги босқич ҳақида гапиришдан олдин аввалги босқичнинг мазмуни ва якунлари ҳақида фикр юритмоқ мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Мен бир нарсани фахр билан айтишим мумкинки, биз бозор иқтисодиётига ўтишда ўз йўлимизни танлаб олдик ва бу йўлдан бир қадам ҳам чекинмадик. Ўзимизни гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ташлаб, ора йўлда тентираб юрмадик. Қайси ишни бошлаган бўлсак, уни изчил туриб, босқич-ма-босқич амалга ошира бордик.

Хурматли дўстлар!

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги беш тамойили ҳаммангизга маълум. Ҳаёт ва ортирган тажрибамиз шуни кўрсатдики, бизлар бу беш тамойилга асосланиб като қилмадик.

Биринчи тамойилларнинг аввали — иқтисод, кейин — сиёсат деган шиорни олға сурдик. Ҳўш, нега шу принципни танладик? Нега шу тамойил бошқа шиорлардан, бошқа тамойилларга нисбатан устунроқ деб тан олинди?

Бунинг маъноси жуда теран, азиз дўстлар.

Ҳалқимизда "аввал — таом, кейин — калом" деган ҳикмат бор. Яъники, аввал одамларнинг қорнини тўйдир, бола-чақасининг ҳаётини таъмин этиб бер, ана ундан кейин сиёсатингни гапир!.. Ҳавоий гап билан одамларни алдаб бўлмайди. Ҳалқа изчил ва аниқ иқтисодий дастур керак.

Масаланинг яна бир муҳим тарафи шуки, биз қураётган янги тизим энг шижоатли, ишнинг кўзини биладиган, меҳнаткаш, юртпарвар, фидойи ва қўли гул одамларга шароит яратиб бериши керак. Ҳақиқий меҳнаткашга муносиб шароит яратиш — Президент сифатида менинг вази-

фам, ҳукуматнинг, давлатнинг, ҳар бир раҳбарнинг, бутун жамиятнинг вазифаси.

Ҳалол меҳнат учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит керак. Меҳнатни баҳолайдиган мезонлар керак. Жамиятни янгилаш деганда, меҳнаткаш ва ташаббускор инсонларни бошга кўтаришни тушунмоқ лозим.

Энди, ҳурматли халқ ноиблари, иккинчи тамойилга ўтамиш.

Маълумки, бозор иқтисодиётiga ўтишда ҳалқнинг туб манфаатларини кўалаб, энг устувор ва энг муҳим йўналишларни давлатнинг ўзи танлаб олиб, уларни амалга оширишда ҳам унинг ўзи етакчилик қиласи.

Шу билан бирга, бундай қарашнинг иккинчи томони ҳам бор. Биз меҳнатга яроқли ва иштиёқли одамлар ҳақида галирдик. Лекин меҳнатга иштиёқи бўла туриб, лаёқати бўлмаган инсонлар ҳам оз эмас. Ногиронлар, кексалар, серфарзанд оналар, миллионлаб вояга етмаган норасида болаларимиз бор. Адолатли давлат қурмоқчи эканмиз, салтанатнинг ночор ижтимоий табақаларга муносабати қандай бўлади?

Бу ўринда ҳулоса битта: бундай кишиларни давлат ўз паноҳига олиши керак. Иккинчи тамойилнинг мазмуни, яъни: "давлат — бош ислоҳотчи" деган ақиданинг мөҳиятига кўра, давлатимиз ишга лаёқатсиз, ногирон одамларни, кўп болали оиласарни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаши зарур.

Ўтиш даврида давлат жиловни қўлдан бермаслиги керак. Шундагина у давлат бўла олади. Жилов қўлдан кетган жойларда аҳвол қандай аянчли эканини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Яна такрорлаб айтаман: давлат давлатчилигини қилмоқчи бўлса фуқарони ўз паноҳига олиши зарур.

Одамзод унумли меҳнат қилиши учун, тинч ва осойишта ҳаёт кечириши учун нималар даркор? Умуман, жамият тинч яратувчилик фаолияти билан шуғулланиши учун нималар керак?

Бунинг учун ҳар бир фуқаронинг кўнгли тинч бўлиши лозим. Хотиржам одамгина унумли меҳнат қила билади. Бешқача айтганда, давлат ҳар бир фуқаросини ҳимоя этиши, унга ҳуқуқий ёрдам бериши шарт.

Учинчи тамойилнинг, яъники, қонун устуворлигининг магзи ва маъноси ҳам ана шунда. Қонун олдида барча

баробар. Мамлакат қонунларига жами фуқаро — ёшидан, мансабидан, миллати, ирқи ва динидан қатын назар — барча баробар бўйсунмоги фарз.

"Қайта қуриш" деган қуруқ кампания ҳаммаёқни бузиб, ит эгасини танимай қолган кезларни, бақир-чақир кучайиб, бетайин кимсаларнинг ошиғи олчи бўлган пайтларни бир эслаб кўрайлик, ўртоқлар. Ўрилил, бузуқлик, қотиллик авжига чиқиб кетган эди-ку!

Шунни очиқ айтишинм керакки, бугун биз қонунбузарларнинг таъзирини беряпмиз. Жиноятчилик кескин камайиб боряпти. Бир вақтлар кечқурун кўчага чиқишдан чўчиб қолган одамлар бугунги кунда, Худога щукур, тунда ҳам бемалол ва бехавотир юра бошлади.

Милициянинг, суд ва прокуратуранинг фаолияти кучайди, хавфсизлик хизматининг вазифалари, янги шароит нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди. Гапнинг қисқаси, давлатимизнинг ҳуқуқ-тартибот органлари ўз вазифаларини адо этишга жиддий киришди.

Мамлакатимиздаги аҳволки бошқаларга қиёс этсак, бизда тинчлик ва осойищталик барқарор экани намоён бўлади. Хўш, қўшниларимизда қонун ва қонуний ҳужжатлар йўқ деб ўйлайсизми? Уларда ҳам бор. Лекин ҳақиқат бутунлай бошҳа томонда. Қонун қоғозда қолиб кетса, жамият асло равнақ топмайди. Қонун амалда бўлиши керак. Қонун қабул этилдими, унинг ижроси ҳам талаб этилиши зарур.

Тўртинчи тамойил ҳақида.

Ўзларинг ўйлаб кўриинглар, агар биз Ўзбекистон шароитида Гайдарнинг "шок терапияси"ни қўлласак нима бўларди? Тасаввур этинг, бу услугуб аҳолисининг ярми болава ўсмирлардан иборат мамлакатда қандай оқибатларга олиб келарди?

Эҳтимолий оқибатни тасаввур қилиш қийин эмас. Гайдарона иқтисодиёт натижаси ўлароқ ҳалқ таъминоти издан чиқар, одамларимиз ризқи-рўзидан жудо бўлар эди.

Бизлар эски тузумни қоралашга ўрганиб қолганимиз. Унинг номаъқул тарафлари жуда кўп бўлиши мумкин, лекин ўша вақтдаги одамларни ижтимоий ҳимоялаидиган жиҳатларнинг маълум ва айрим қисмларини сақлаб қолиш асло зиён қилмайди. Биз буни ўз тажрибамида синааб кўрдик.

Бешинчи тамойилнинг мазмуни ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ. Бешинчи тамойил олдинги тўрт тамойилнинг

мантиқий ва узвий давоми бўлиб, унда ислоҳотларнинг изчиллик билан, босқичма-босқич амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичи тугади. Биринчи босқич эски тузумнинг онгимизда ҳукмрон бўлган ақидаларини яхон қилиб, янги тузум учун пухта пойдевор қўйиш вазифасини бажаришга қаратилган эди.

Бир ўйлаб кўринглар, эски замонда нима устун эди? Жавоби аниқ: ҳамма жойда, ҳамма соҳада назорат устун эди. Битта ишловчига ўнта назоратчи тўғри келарди, десак, асло муболага бўлмайди.

Биринчи босқичда биз назорат органларининг сонини кескин камайтирдик. Даромад чекланмаганидан кейин мингта назоратчининг нима кераги бор? Ишини қилиб, фойдасини кўриб, давлатга солиғини тўласа бас эмасми?

Эски замондан қолган яна бир сарқит шу эдики, хусусий мулк ҳақида бир сўз эшилсан, осмон баробар сапчиб тушардик. Хусусий мулк эгаси бўлишни истаган одамларнинг юраги хавотирга тўла эди. Исталган пайтда оддий бир милиционер келиб, пешона тери билан топилган мол-мулкини мусодара этиши мумкин эди.

Биринчи босқичнинг моҳияти шундаки, ўтган даврда одамларнинг психологияси, дунёқараши ўзгарди. Меҳнатга муносабати ўзгарди. Хусусий мулк ва шахсий манфаатнинг, социализм маддоҳлари айтганидай, "гуноҳи азим" эмаслиги аён бўлди.

Ниҳоят, азиз дўйстлар, 21 январдаги фармон дунёга келди. Бу фармон нафақат ўзимизда, балки қўшниларимизда ва ҳатто узоқ чет элларда ҳам диққат билан ўрганилаётгани бежиз эмас.

Бу фармоннинг мазмунини лўнда қилиб, иқтисодий эркинликнинг кучайиши, деб ифодалаш мумкин. Мазкур фармон бизга нималар беради?

Биринчидан, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни юксак босқичга кўтаради.

Иккинчидан, ҳар бир ишбилармон ва тадбиркорга кенг имкониятлар очади.

Учинчидан, жаҳон бозорига чиқиши йўлимизни кенгайтиради.

Тўртинчидан, эски маъмурий-буйруқбозлилк замонидан қолган тўсиқларни йўлимиздан олиб ташлайди.

Янги фармон асосида ҳукуматнинг қишлоқ хўжалик соҳаларига оид икки қарори қабул қилинди. Бу қарорлар агарар соҳадаги иқтисодий ислоҳотларни кескин ривожлантиришни кўзда тутади.

Мен илгари кўп марта таъкидлаганимдек, бизда жамиятнинг янгиланиши биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги соҳасидан бошланиши зарур. Аҳолининг асосий қисми ҳам, иқтисодий салоҳиятимизнинг катта улуши ҳам қишлоқда.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичи қишлоқда фермерлик ҳаракатини вужудга келтирди. Натижалар ёмон бўлмади. Ҳукуматнинг янги қарорлари дехқон (фермер) хўжаликлари йўлида гов бўлиб турган эски тўрачилик кайфиятини, сунъий тўсиқларни бартараф этишга имкон беради. Фермерларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлади. Уларнинг бошқа ташкилот ва маҳкамалар билан муносабатига сайдинлик кирилади. Ер ва сувдан фойдаланиш имкониятлари доирасини кенгайтиради.

Янги қарорлар қишлоқ хўжалиги соҳасида зарап кўриб ишлайдиган давлат хўжаликларини бартараф этишни кўзда тутади. Иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаган хўжаликлар мулкчиликнинг бошқа, иқтисодий самараси юксак шаклларига ўтказилади. Оила, жамоа хўжаликлари ривожига шарт-шароит яратилади.

Бу қарорларнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, турли мулкчилик шаклидаги хўжаликлар назорат этувчи туман ташкилотларининг исканжасидан қутулади, уларнинг ўрнига келадиган сервис, яъни хизмат кўрсатиш корхоналари билан шартномалар асосида ишлай бошлайди.

Қишлоқда кичик ва ихчам корхоналар сони кўпаяди. Илгор технология келтириш, чет эллик шериклар билан ҳамкорлик қилишининг ҳуқуқий асоси кенгаяди.

Ана шу фармон ва қарорлarda кўзда тутилган имтиёзлар ҳақида сўзлаб ўтирумайман. Буни фермерларимиз ва қўшма корхоналар меҳнаткашларининг ўzlари очиқ-ойдин тан олиб турибди.

Бу ҳужжатларнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, корхоналар устидан ўрнатилган назоратчи органлар сони камаяди, уларнинг салбий таъсири йўқолади.

Янги ҳужжатларнинг аҳамиятини кўпчилик гапиряпти. Мана, биргина мисол: 7 февралда Москва телеканалининг "Московский телеграф" деган кўрсатуви "Ўзбекистон иш-

билиармонарларга Россияга нисбатан кўпроқ эркинлик берди", деб эътироф этди.

Мен "инқилоб" сўзини яхши кўрмайман. Лекин Россия телевидениеси мухбирининг сўзларини келтиришга мажбурман: "Иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон Президентининг Фармони иқтисодий ислоҳотлар йўлида нафақат кескин, балки инқилобий қадам бўлди".

Хурматли халқ ноиблари!

Биз катта бир фармон ва иккита ҳукумат қарорини чиқариб, ана энди ишларимиз ўз-ўзидан юришиб кетади, деб қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Яна изланялмиз. Янги тадбирларни белгилаб оляпмиз.

Мана, уч-тўрт кун олдин имзоланган фармонни олиб кўрайлик. Уни барчангиз ўқигансиз, шу сабабли фақатгина бир жиҳатига эътиборни қаратмоқчиман.

Бу фармон мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаб беради. Аввалги фармонда кўзда тутилган мақсад ва муддаоларни амалга ошириш йўлларини кўрсатади. Яъни олдинги ҳужжатда ёпиқ акционерлик жамиятларини очиқ акционерлик жамиятларига айлантирган бўлсак, бу ҳужжатда акцияларнинг қайси қисмлардан иборат бўлишига аниқлик киритдик.

Низомдаги маблагни жамлаш чоғида:

- давлатга тегишли;
- меҳнат жамоасига тегишли;
- хорижий шерикка тегишли;
- фонд биржаларида ва қимматбаҳо қоғозлар бозорида, шу жумладан, чет элларда эркин сотишга мўлжалланган қисмдан иборат акциялар муомалага чиқарилади.

Яна бир муҳим гап: акцияларни чиқариш пайтида меҳнат жамоаси ва умуман Ўзбекистон фуқаролари учун имтиёзли шарт-шароитлар яратилади.

Хуллас, ишлашни хоҳлайдиган, хусусий мулк эгаси бўлиб, Ватан равнақи учун хизмат қилишга бел боғлаган мардлар учун кенг фаолият майдони очилади.

Хурматли дўстлар!

Иқтисодий муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида галирар эканмиз, Ўзбекистонни ташқи дунёдан уэйлган ҳолда тасаввур этиб бўлмаслиги табиий.

Ташқи дунё билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларимиз қандай? Ташқи сиёсатимизда қайси тамойиллар устувор, деган саволлар сизларни ҳам қизиқтиради, албатта.

Бу соҳадаги тамойилларимиз ҳам аниқ, бу — тенглиқ ва ўзаро фойдали ҳамкорликдир.

Бугун Ўзбекистонни дунё таниди. Жаҳоннинг энг йирик давлатлари билан борди-келдимиз бор. Тошкент шаҳри харитасида қўплаб мамлакатларнинг элчихоналари пайдо бўлди. Ўзбекистон етакчи мамлакатларнинг барчаси билан иқтисодий, сиёсий ҳамда ҳуқуқий ҳамкорлик тўғрисида муҳим ҳужжатлар имзолади. Бу ҳужжатларнинг амалий натижалари яхши бўляпти.

Америка Қўшима Штатлари, Буюк Британия, Франция, Германия, Нидерландия Қироллиги, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Туркия ва бошқа бир қанча давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлигимиз кун сайин ривожланиб боряпти.

Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидламоқчиманки, дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг ўз ўрни ва нуфузи бор. Бизнинг дунёда ва ўз минтақамизда тинчлик ва тартиб ўрнатиш бўйича Олга сурган ташаббусларимиз жаҳоннинг энг обрўли сиёсатчилари ва жамоатчилик тарафидан қўллаб-қувватланаяпти. Ҳусусан, қўшни Афғонистон ва Тожикистон чегарасидаги танглиkn тинч йўл билан бартараф этиш ҳақидаги фикрларимизни мисол қилиб кўрсатса бўлади.

Энг яқин қўшниларимиз, собиқ иттифоқдош республикалар билан алоқаларимиз қандай, деган савол туғилади.

Шу кунларда ўзаро интеграция масаласи олдинги ўринга чиқмоқда. Иқтисодий ҳамкорликсиз, ҳар бир давлат ўзи билганича мустақилликка зришолмаслиги аён. Шу сабабдан, Ўзбекистон қўшни Қозогистон билан ягона иқтисодий ҳудуд барпо этиш ҳақида шартнома тузди. Кейинчалик бу шартномага Қирғизистон ҳам қўшилди. Ўртада сунъий гов бўлиб турган божхоналар олиб ташланди, төвар, капитал, ишчи кучининг bemalol чегарадан ўтиб юришига имкон яратилди.

Бу муҳим ҳужжатнинг аҳамиятини чегарадош вилоятлардаги одамлардан бориб сўрасангиз, ўшалар жуда яхшилаб тушунтириб беради. Ўзаро мол алмashiш бирданига ўсади. Бир мамлакатнинг бозори иккинчи мамлакат фуқароларига ҳам очилди. Ҳалқларимиз ўз давлат раҳбарларининг бу қароридан мамнун.

Яна бир ганин айтиб қўйяй: яқинда давлат ташрифи билан Москвага борганимизда Борис Николаевич Ельцин: бизлар ҳам шу ягона иқтисодий ҳудудга кирсак бўладими, деб мендан сўради. Шундан билингки, уч Марказий Осиё мамлакатининг ўзаро интеграция ҳақидаги битими катта мазмунга эга экан.

Энди буюк қўшнимиз Россия билан ўзаро муносабатларимиз ҳақида тўхтасак. Хабарингиз бор, шу ойнинг бошида Ўзбекистон давлат делегацияси Россияда бўлиб, жуда кўп муҳим ҳужжатларни имзолади.

Ҳужжатларнинг мазмунига ўтишдан олдин айтиб қўйишим керак: сабиқ СССР республикалари ичida биз биринчи бўлиб Россия билан энг олий мақомда музокара олиб бордик. Бу — Россия бизни тенг ҳуқуқли иттифоқчи сифатида тан олгани, бу — Ўзбекистоннинг минтақада тутган муҳим ўрнига берилган одилона баҳодир.

Биз Россияга сабиқ мустабид тузумнинг мероскўри деган шубҳа билан эмас, балки тенг иқтисодий ва сиёсий шерик сифатида қарашимиз керак.

Иқтисодиётимиз Россия билан чамбарчас боғлиқ. Биз Россиядан жуда кўп нарса оламиз. Ўз навбатида Россия иқтисоди ҳам Ўзбекистон ёрдамига муҳтоҷ. Буни Россия раҳбарлари ҳам ниҳоят тушуниб етди.

Шу муносабат билан биз кейинги вақтда Ўзбекистоннинг Россия билан яқинлашувининг қандай сабаблари бор, деган саволларга дуч келяпмиз.

Қисқа қилиб айтганда, бунинг учта сабаби бор.

Биринчи сабаб шуки, биз мамлакатимизнинг хавфсизлигини, ички вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш учун улкан қўшнимиз Россия давлати билан барча соҳаларда самарали ҳамкорлик қилишимиз зарур. Россиянинг иқтисодий қудратига, Россия салоҳиятига, керак бўлса, Россиянинг ҳарбий имкониятларига суюнишимиз лозим. Шу тариқа ўз ҳаётимизни, келажагимизни ҳимоялашга мустаҳкам замин яратишими керак. Бугунги реал ҳаётни билмайдиган, осмони фалакда хомхаёл билан парвоз қилиб юрган баъзи одамларга шу ҳақиқатни тушунтириб қўйиш даркор.

Жаҳон майдонида бизнинг мустақиллигимизни, буюк давлат қуриш йўлидаги ишларимизни кўролмаётган, умуман, бизнинг ҳозирги ҳаётимизни ўзгартиришга қаттиқ уринаётган ғаразли кучлар ҳам йўқ эмас. Бинобарин, биз

ава шундай сиёсий кучларнинг ниятларини олдиндан билдиб, уларга муносиб жавоб чораларини кўриб қўйишимиш шарт. Бугунни ёки фақат эртаниги кунни эмас, балки ўн-ўн беш йилни олдиндан кўриб ҳаракат қилишимиз лозим. Негаки, бутун дунёда ҳар бир давлат ўзини ҳимоя қилиш учун, бехатар тараққиёт йўлидан бориш учун нимагадир суннади, ҳамкорлик қиласди.

Яхши биласизлар, мен Россия Ўзбекистон учун, умуман, Марказий Осиё учун барқарорликнинг гарови, деб тақрор-тақрор айтаман. Бунга эътибор беринглар, бунинг тагида жуда катта маъно бор. Агар биз шу барқарорликнинг гаровини топмасак, мамлакатимизга ёмон ният билан қаровчи кучларнинг жиловини тортиб туришга кўмаклашадиган ишончли ҳамкорга эга бўлмасак, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш қийин бўлади. Албатта, буни ҳаммангиз тўғри тушунасиз.

Мен яқинда Швейцарияда бўлиб, катта халқаро иқтисодий анжуманда иштирок этдим. Туркия Президенти жаноб Сулаймон Демирэл, Покистон Бош вазири Беназир Бхутто хоним, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов билан биргаликда матбуот конференцияси ўтказдик. 500—600 га яқин журналист қатнашган шу учрашувда американлик бир мухбир менга: "Бу гаров сиз учун қимматга тушмайдими? Ахир, сизлар ҳам, мана, БМГта аъзо бўлдингиз, шунинг ўзи кифоя эмасми?" деб савол берди.

Бу саволга қандай жавоб бериш керак?

Яқинда кичкинагина Қувайтни кучли бир давлат — Ироқ забт қилиб олишга уринганини яхши биласизлар. Агар шу пайтда Қувайтга дўст давлатлар ёрдам бермаганида, унинг аҳволи нима бўларди? Мана, ҳозирги вақтда НАТОга аъзо бўлаётган давлатлар сони кўпайиб қолди. Латвия, Литва, Эстония каби Болтиқбўйи мамлакатлари ҳам НАТОга кириш учун ҳаракат қиляпти. Нима учун? Нима деганда, биз мустақил давлат деймиз, лекин аслида юз фоиз мустақил бўлган давлатнинг ўзи йўқ, ҳаммаси бир-бири билан шартнома орқали, ҳамдўстлик орқали ёки манфаатли ҳамкорлик орқали ўзаро боғлиқ бўлади.

Бу дунёда мутлақо эркин давлат йўқ. Олдин иккита буюк давлат бор эди: СССР билан Америка. Энди эса битта қолди, яъни дунё "бир қутбли" бўлиб қолди. Аслида жаҳонда икки-учта қутб, айтайлик, икки-учта марказ

бўлса, қандайдир сиёсий мувозанатни ушлаб туриш мумкин. Нисбий бир адолат ўрнатиш мумкин. Борди-ю дунёда ягона сиёсий куч ҳукмронлик қиласидиган бўлса, унинг тазиёкни ким тўхтата олади? Ким унинг гапини ўз вақтида қайтаради ёки дунё миқёсида адолатни ҳимоя қилиб чиқади?

Шу нуқтаи назардан мен америкалик мухбирнинг саволига жавобан айтдимки, биз кимгадир, қайсиadir катта давлатга суюнишимиз лозим. У билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ўрнатишимиш керак. Бизнинг, шахсан менинг бу борадаги фикрим шу: бундай давлат Россия бўлиши зарур.

Иккинчи сабаб. Биласизлар, Ўзбекистон халқи — баҳтили халқ. Аллоҳ таоло бу халқни ноёб бойликлар билан сийлаган. Бу бойликларни ишга солиш учун фақат вақт керак, тинчлик керак. Бизда бирор корхона йўқки, Россия билан боғланмаган бўлса. Бухоро мисолида ҳам буни яққол кўрса бўлади. Ускуналар ва жиҳозларнинг, саноат молларининг кўпчилик қисми Россиядан олиб келинади. Шунинг учун ҳам биз бир-биришимиз билан тил топишиб ишлашимиз керак.

Биз Россия билан қандай ҳамкорлик қиласимиш?

Аввало, биз Ельцин ва Черномирдин билан ўзаро тўловларни тартибга солиш, хомашё ва маҳсулот етказиб беришни аниқ йўлга қўйишни келишиб олдик.

Учинчи сабаб шундан иборатки, юз йиллар давомида қўшни бўлиб, ҳамкор бўлиб келган Россия ва Ўзбекистон халқи ўртасидаги дўстлик ва маданият алоқаларини янада кучайтириш ҳар икки томоннинг ҳам манфаатларига мос келади. Боя айтганимдек, бизлар муносабатда тенг ҳуқуқли бўлишимиз лозим. "Катта оға" деган гапларнинг бизга кераги йўқ. Улар ҳам бизга ҳурмат билан, биз ҳам уларга ҳурмат билан қарашимиз зарур.

Шундай экан, бу борада ўзимнинг бир-иккита мулоҳазаларимни сизларга айтиб ўтмоқчиман. Сўнгги вақтларда ўша "катта оға"нинг ўрнини эгаллашга урина-ётгани айрим кучлар ҳам пайдо бўлмоқда. Баъзи қўшни давлатлар ана шундай даяволарга зўр бермоқда. Иқтисодий соҳадаги муносабатларда бизнинг соддалигимиздан, нисбатан тажрибасиалигимиздан фойдаланиб, ҳалол ҳамкорлик ўрнига ғирромлик йўлига ўтиш ҳоллари ҳам сезилиб қолаётир. Эскирган технология ва ускуналарни олиб келиб,

хўжалик раҳбарлари ва ишбилармонларимизничув туширишга уриниш ҳоллари ҳам намоён бўлмоқдаки, биз бундан ўз вақтида тегишли хуносалар чиқаришимиз шарт.

Биз ахир кўчада қолиб кетган ҳалқ эмасмиз-ку! Бизнинг буюк, бебаҳо меросимиз, қудратли ақл-заковат салоҳиятимиз бор. Биз билан найрангсиз, беғараз муносабатда бўлиш керак. Такрор айтаман, бизга "кatta оға" ҳам, "кичик оға" ҳам керак эмас. Бизга теппа-тeng, манфаатли ҳамкорлик билан ишлайдиган шериклар керак.

Божхона тўловлари бескор қилинади. Бир соҳада ишлайдиган рус ва ўзбек корхоналари ягона трансмиллий уюшмаларга айланишига шароит яратиласди. Масалан, Тошкент Трактор заводи билан Ярославль Мотор заводи бирга акция циқариб, маҳсулот даромадини баҳам кўриши мумкин.

Ҳарбий соҳада ҳам Россия билан тенг ҳамкорлик қила-миз. Россия Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва осо-йишталикни сақлаш борасида Ўзбекистонни ўз иттифоқчи-си деб очиқ тан олади.

Одамларнинг ўзаро борди-келдиси, виза масалалари ҳам ҳал қилинади.

Биз Президент Борис Ельцин билан минтақадаги хавф-сизлик масаласини, хусусан Тожикистондаги аҳволни ҳам муҳокама қилдик. Бу масалада фикримиз бир хил. Чега-радаги жанжал ва Тожикистондаги фуқаролар урушини фақат тинч йўл билан, музокара йўли билан ҳал этиш мумкин.

Тошкентда минтақа хавфсизлиги масаласи юзасидан БМТ доимий семинарини ташкил этиш бўйича биз киритган таклифни Россия томони тўла-тўқис маъқуллайди.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масаласи бўйича ҳам Ўзбекистон билан Россиянинг қарашлари бир хил.

Бевосита ўзбек-тожик муносабатларига келсак, биз қўшини Тожикистонда тезроқ тинчлик ўрнатилишини истаймиз. Оғир аҳволга тушган дўстларимизга қўлдан келга-ничча ёрдам бериб турибмиз. Яқинда тожик раҳбарлари билан Тошкентда шартнома имзоладик. Бу йил баҳорда экиш ишларини ташкил этишда уларга ёрдам беришни, яъни уруғ, техника ва ёнилғи билан таъминлашни ҳам ўз зиммамизга олдик.

Марказий Осиёдаги мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, энг йирик сиёсий ва иқтисодий масалаларда яқдил бўлиш — бизнинг энг муҳим вазифаларимиздан би-

ри. Бу дўстлик ва аҳиллик неча асрлар мобайнида тинчтотув яшаб келган ҳалқларимизнинг туб манфаатларига мос келади.

Ҳурматли дўстлар!

Биз бир ижтимоий тизимдан иккинчи бир тизимга ўтишдек мураккаб ва мешаққатли жараённи бошдан кечирмоқдамиз. Албатта, бу йўлда турли-туман тўсиқ ва ғовларни сенгиб ўтишга тўғри келади. Ҳузур-ҳаловатдан, ором ва фароғатдан воз кечиб, қаттиқ меҳнат қилиш зарур. Ҳозир ҳаётимизда дуч келаётган қийинчиликларни шу маънода табиий деб баҳолашимиз керак. Ақл-идрок, меҳнат ва тадбиркорлик билан бу муаммоларни ечиш даркор.

Модомики, тақдир ҳалқимииз олдига шундай бир тарихий синовни қўйган экан, ундан мардоналик билан ўтишимиз лозим.

Муборак ҳадислардан бирида "Аллоҳ таоло қайси бандасига яхшиликни право кўрса, ўшанга бирор мусибатни юборгайдир", деган гап бор. Фаровон турмушга мешаққат чекмасдан, синовлардан ўтмасдан, ўз-ўзидан эришиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин танлаган йўлимизнинг натижасига қачон, қандай қилиб зришамиз, деган саволга жавоб топиш зарур. Бусиз биз олиб бораётган сиёсатимизга одамларнинг ишончини жалб қилолмаймиз, ўз муддаомизга етолмаймиз.

Таҳтаган йўлнинг тўғрилатигига, унинг манзилга бехато олиб чиқишига, аввало етакчиларнинг ўзлари қаттиқ ишонган бўлиши керак. Карвонни бошлаб бораётган сарбон йўлнинг пасту баландини, ҳавфу хатарли жойларини яхши билиши, уларга яраша олдиндан ҳозирлик кўриб қўйиши шарт. Ортидан келаётгайларнинг тинчлигини, оромини таъминлаш учун у ўз ҳузур-ҳаловатини қурбон қилиши керак. Шунга тайёр одамгина сарбонлик, раҳбарлик масъулиятини бўйнига, зиммасига олиши лозим.

Ҳалиқ ишонч билдирган раҳбарнинг сўзи ва иши, яъни тили ва дили бир бўлиши бугун энг муҳим ҳаётий заруратга айланди. Баландпарвоз, ҳавойи гапларнинг даври ўтди. Бундай вазиятнинг энг ҳавфли жойи шундаким, сўзи бошқа-ю, иши-қилмиши бошқа раҳбарларнинг ва иккюзламачи шахсларнинг "фаолияти" туфайли эзгу гояларимиз, ҳалқнинг олижаноб умидлари ўз қадр-қимматини йўқоти-

ши мумкин. Одамларнинг улуғ мақсадларга бўлган ишонч, интилишлари сўнади.

Эл-юрт катта ишонч билан сайлаган раҳбарлар, фаолларимиз, ҳокимларнинг масъулияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Бу савол бугунги мажлисимишинг асосий масаласи, асосий мақсади.

Биз ўз йўлимизни таълаб олдик. Шу йўлдан боришга аҳду паймон қилдик. "Кемага тушганинг жони бир", деган нақл бор. Фараз қилингки, Ўзбекистон бамисоли бир кема, Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Фарғона, умуман, вилоятлар, барча туманлар шу кемага тушган жон. Демак, уларнинг мақсади ҳам, ниятлари ҳам, ҳаракатлари ҳам бир бўлиши керакми-йўқми? Бирортаси агар ўзини у ёқقا-бу ёқقا ташлайдиган бўлса, бу кеманинг тақдири нима бўлади?! Гирдобларга, тўғонларга дош беролмай чўкиб кетади.

Шундай экан, амалга оширилаётган ислоҳотлар аввалимбор раҳбарлар учун ҳаёт-мамот масаласига айланиши шарт. Бугунги куннинг сиёсий талабларини англаш, уларга муносиб бўлиш керак.

Биз ҳеч кимни мажбуран раҳбарликка қўяётганимиз йўқ. Бу борада ҳеч кимга зуғум ҳам қилинаётгани йўқ. Агарки, қайси бир раҳбарга шу сиёсат маъқул бўлмаса ёки ўзи шу сиёсатга муносиб бўлмаса, мардона келиб, энди, бу талаблар жуда кучайиб кетди, мени ўз ҳолимга қўйиниqlар, мен бу мақсадларга лойиқ эмасман, деб айтиши лозим эмасми?!

Мен, мана, тўрт-беш йилдан бўён ишлайпман, лекин бундай мард одамларни жуда кам кўряпман.

Минг афсуски, айрим раҳбарларимиз айттаётган гапларига, юритаётган сиёсатларига ўзлари ишонмайди. Гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга шоҳ ташлаб, "Ўйин" қилиб туради. Иродаси мўрт, иймони суст бундай раҳбарларнинг хатти-ҳаракатларига қатъият билан муносиб баҳо бериш лозим. Шу нуқтаи назардан Бухоро вилоятидаги ишларни таҳлил қиласидиган бўлсак, кўпгина ноxуш ҳолатлар, номақбул ишлар кўзга ташланади.

Нуфузли комиссиялар вилоятда иқтисодий ислоҳотларнинг боришини, фармон ва ҳукумат қарорларининг ижросини атрофлича таҳлил этди ва тегишли хуносалар чиқарди. Шу хуносалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Вилоятда кўплаб корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмини, ўнга яқини эса ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш суръатини пасайтириб юборган.

Вилоят ҳокимлиги томонидан савдо тармоқларида тартиб ўрнатиш, аҳолини зарур озиқ-овқат ва истеъмол моллари билан таъминлаш борасида жиддий ишлар олиб борилмаган. Чакана товар оборотининг умумий ҳажми охирги икки йил давомида таҳминан 35 фоиз камайган. Айниқса, меъёрланган озиқ-овқат фондлари таъминоти етарли назорат қилинмаган.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда ўтган йил имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмади. Мавжуд 80 та саноат корхонасидан 29 таси, "Мевасабзавотузумсаноати" концернининг вилоят бирлашмасига қарашли 111 та савдо ўчоқларидан атиги 6 таси давлат тасарруфидан чиқарилган холос. Шуниси ачинарлики, кўпчилик хусусийлаштирилган корхоналар номларинигина алмаштириб, иш услуби, шакли ва шароитларини ўзгартирамай, ҳамон эскича услубда фаолият кўрсатмоқда. Жами ҳисобга олинган 1211 та кичик ва шахсий корхонанинг атиги 14 фоизи ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқармоқда. Бу билан аҳоли эҳтиёжини қондириб бўладими? Бу ишнинг бошида турган раҳбарлар қаёққа қарамоқда?

Капитал қурилиш борасидаги ишлар ҳам талабга жавоб бермайди. Режалаштирилган биноларнинг қурилиши ҳар йили уddaланмасдан барбод бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалик тармоқларида ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг суст бораётгани ачинарлидир. Раҳбариятнинг бу масала билан жиддий шуғулланмаётгани натижасида вилоятда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга камайиб кетмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида давлатта 1992 йилга нисбатан 6,5 минг тонна дон, қарийб 28 минг тонна сабзавот, 11,5 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1,5 минг тонна сут, 642 тонна пилла кам етказиб берилди. Қишлоғга пухта тайёргарлик кўрилмагани оқибатида эса ўтган йили 1200 бosh қорамол, 4300 чўчқа, 18 минг 600 қўй-эчки нобуд бўлди.

Жамоа мулки қилиб берилган фермаларда маҳсулдорлик кутилган натижаларни бермаётгир. Бу ерда гўшт сотиши ўтган йилдагидан 113 тонна, сигирлар сони эса 407 бosh камайиб кетган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш тадбирлари тўғрисида"ги қарорини амалга ошириш борасида вилоят ҳокимлигининг аниқ чора-тадбирлари белгиланмаганини қандай тушуниш мум-

кин? Хусусийлаштириб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган жамоалар фаолиятини раҳбарлар назорат қилмаса, уларни ривожлантириш йўл-йўриқларини изламаса, айтинг-чи, қанақа тараққиёт бўлиши мумкин?

Фиждувон туманидаги "Халқобод" жамоа хўжалигининг "Қорабоғ" чорвачилик-ҳиссадорлик жамияти фаолияти билан ҳеч ким шуғулланмаган. Натижада сигирлар сони 25 бош камайиб, 13 бош бузоқ нобуд бўлди. Давлатга сут сотиш 80 фоиз атрофида қолди. Худди шундай аҳвол Бухоро туманидаги "Истиқлол" ҳиссадорлик жамияти фаолиятида ҳам юз берди.

Вилоятда ғаллачиликни ривожлантиришга эътибор ниҳоятда суст. Раҳбарликни бўшаштириб юборилгани оқибатида қариб 11 минг гектар майдонга кузги бошоқли дон экилмай қолиб кетди. Баҳоланки, ҳозирги кунда аҳоли таъминоти учун керак бўлган ғалла ва картошканинг қариб 80 фоизга яқини, гуручнинг эса 100 фоизи четдан олиб келинаётганини вилоят раҳбарлари ўйлаб кўрмайтилар.

Мана шу масалаки чуқурроқ ўйлаб кўрайлик. Халқни боқиши учун ғалланинг 80 фоизи четдан келтирилар экан. Шундай экан, ўтган йили 11 минг гектар ерга бошоқли дон экилмаганини қандай баҳолаш керак, буни қандай тушуниш керак?!

Айтинглар, нима бу??

Бу — сиёsat!

Мен бу ишни фақат саботаж деб биламан!

Бунга раҳбарият албатта жавоб беради. Кимки шу ишлар билан шуғулланган бўлса, вақтида чорасини кўрмаган бўлса, улар ҳам жавоб беради. Албатта, Бухорода бошқаларга нисбатан шароит бошқача, буни ҳаммамиз тушунамиз, лекин нима учун 1993 йилда 1992 йилга нисбатан 6 минг тонна ғалла кам олинганд? Ва 1994 йилнинг тақдирини ўйламасдан 11 минг гектар ерга ғалла экилмаган?

Сабаб?! Сабаб — кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш!

Бу ярамас иллатни Бухоро вилояти тажрибасидан топиб бериш мумкин. Ўйлайманки, пахта экилаётган майдонлар белгиланган рақамларга нисбатан кўпроқ. Мана, ҳамма ҳокимлар ўтирибсизлар, айтинглар, қачонгача чидаймиз бундай кўзбўямачиликка?! Ахир сизлар ҳам шу ишларда қатнашыпсизлар-ку?!

Бир пайтлар, дейлик, 80-йилларда бизларни паҳтага қўшиб ёзишга кимлардир мажбур қилган. Жаноб Брежнев Рашидовга буюрган, 5 миллионни б миллионга кўтарасан, деб. Бўлган шу замон, ҳаммамиз бошимиздан қечирганимиз.

Бу ерда ўтирган фахрийлар яхши билади: Бухоро биринчи бўлиб ўша қўшиб ёзишларнинг жабрини кўрди-ку! Шу ишлар биринчи бўлиб сизлардан бошланди-ку! Энди сизларни ким мажбур қиляпти ахир?

"Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикада ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармоннинг бажарилиши ҳам қониқарсиз аҳволда. Масалан, "Мевасабзавот-узумсаноати" бирлашмасига қарашли 11 та ихтисослашган хўжаликнинг бирортасида бугунги кунга қадар боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчилик соҳалари бўйича ақалли битта ҳам фермер хўжалиги ташкил қилинмаган.

Вилоятда амалдаги Ер, Деҳқон хўжаликлари ҳамда Шартнома тўғрисидаги қонунларни ижро қилиш қониқарсиз аҳволда қолмоқда. Айрим хўжалик раҳбарлари турли баҳоналар билан деҳқон хўжаликларига республика ҳукумати томонидан белгиланган миқдорда ер майдони ажратишни пайсалга солмоқдалар. Дунёда ўзбек заминига тенг келадиган заминнинг ўзи йўқ. Унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланган юргазасининг дастурхони баракали бўлишини ҳамма раҳбарлар ҳам тушуниб етмаслиги ачинарли ҳолдир. Тушуниб етганида вилоятда қишлоқ хўжалик ерларини қонунга зид равишда эгаллаб олишга йўл қўйилармиди? Айниқса, Бухоро шаҳри атрофидаги ерлар фуқаролар томонидан шахсий уй-жой қуриш учун қонунсиз эгаллаб олинаётгани раҳбариятни безовта қилмаётганини қандай баҳоласа бўлади? Агар улар ер ҳақида бироз бўлса ҳам қайғурса эди, Бухоро Темир йўл бўлими раҳбарияти томонидан уй-жой қуриш учун икки йил муқаддам ажратилган 26 гектар ер бугунги кунга қадар фойдаланилмасдан, қаровсиз ҳолда қолиб кетармиди? Мазкур аҳвол ҳақидаги вилоят прокурорининг 1993 йил 26 июнданги ахборотномаси эса вилоят ҳокимлиги томонидан ҳануэзгача кўриб чиқилмаган ва тегишли чора кўрилмаган. Бу ҳол ўта масъулиятыздан бошқа нарса эмас.

Вилоятда аҳоли саломатлигини сақлаш ҳақида ғамхўрлик қилиш давр талабларига жавоб бермайди. Тиббиёт

муассасаларининг моддий-техника базасини яратишида ҳокимларнинг ташаббуси, тадбиркорлиги сезилмаётир.

Қишлоқ шифокорлари ва врачлик пунктларининг 80 фоизи номигагина мослаштирилган биноларга жойлаштирилган. Бухоро шаҳрида аҳолининг 81 фоизи ичимлик сув билан таъминланган бўлса, қишлоқда бу кўрсаткич борйўғи 15 фоизни ташкил этади. Чиқинди сувларнинг чиқиб кетиши шаҳарда 44, қишлоқда эса ҳарийб 9 фоиз таъминланган. Бу эса юқумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Хўш, бу ўринда бухоролик мутасадди раҳбарларнинг соғлом авлод тарбияси йўлидаги баландпарвоз, ҳавоий гапларига, жаннат ваъда қилишларига ким ишонади? Гап уларнинг қўйлари етадиган, имкониятлари ва масъулиятлари доирасидаги ишларни бажармасликлари ҳақида кетяпти.

Халқ таълими ва мактабгача тарбия соҳасидаги амалга оширилаётган ишларда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Мактаб, ҳунар-техника билим юртлари ва мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия шу тизимнинг талаблари асосида ташкил этилмаяпти. Янги мактаб ва болалар боғчаси қуришда ички имкониятлардан кенг фойдаланилмаяпти. Ўқувчиларни бепул нонушта ва овқат билан таъминлашда улар ҳақидан уриб қолиш ҳоллари рўй берәётир.

Савдо, маишӣ хизматни яхшилаш чоралари давр талблари асосида қайта қурилмаётир. Харидорлар ҳақидан уриб қолиш, ноёб молларни яшириб сотиш, савдо маданийини қўйпол равишда бузиш ҳолларига ҳарши кескин кураш олиб борилмаяпти. Савдо дўйонларини хусусийлаштиришдан мақсад — маҳсулот турларини кўпайтириш, аҳоли тадабларини қондириш йўлларини излашдир. Лекин вилоят раҳбарлари унинг моҳиятини тушуниб етмаяпти. Акс ҳолда "Бухоросавдо" вилоят бирлашмаси ва вилоят матлубот жамияти раҳбарлари давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятларига аралашиб, кўп жойларда щахсий мағфаатни кўзлаб ишлармиди? Уларнинг бу гайриқонуний хатти-ҳаракати корхоналар, жамоаларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Вилоятда қонунбузарлик, давлат ва молия интизомини бузиш ҳолларига йўл қўйилган. Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан аниқланган камомад ва талон-торожликлар ҳақидағи ҳужжатлар тергов органларига ўз вақтида

юборилмагани ҳар бир кишида шубҳа түғдириши табиий ҳолдир.

Вилоят ҳокимлигининг божхона бошқармасида давлат ҳисобига мусодара қилинган моддий-товар бойликларни ҳисобга олиш ва баҳолаш масаласида қоидага хилоф ишларга йўл қўйилган. Мисол учун, комиссия томонидан давлат ҳисобига мусодара қилинган 160 та "Сино" ҳолодильнигининг ҳар бир донаси 58 минг сўмдан баҳоланганига қарамасдан, вилоят ҳокими ўзининг 1993 йил 16 апрелдаги фармойиши билан ҳолодильникларни қайтадан паст баҳода (38 минг сўм) баҳолатгани оқибатида давлат бюджетига 2,6 миллион сўм зарар етказилган.

Иккинчи мисол, "Омега — Ситора" қўшма корхонасидан АҚШнинг "Аббос-корпорейшн" компанияси орқали 142 миллион сўмлик мўйна ва қоракўл теридан тайёрланган маҳсулотлар республика ташқарисига божхона рухсатисиз олиб чиқиб кетилган. Натижада 13,4 миллион сўмлик солиқ тўланмаган, давлат бюджетига эса 25400 доллар ҳажмида зарар етказилган. Бирлашмага эса шартномада кўрсатилган жиҳозлар слив келинмаган ва тўланган маблағ қайтарилмаган.

Хўш, етказилган бу зарар учун бугун ким жавоб беради? Ахир, қонунбузарликнинг чеки борми ўзи!

Вилоятда чет элдан валюта ҳисобига олиб келинаётган халқ истеъмоли молларини, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларини четга чиқаришга уринишнинг олди олинмаёттир. Ўтган йил мобайнида қарийб 683 миллион сўмлик маҳсулот ушлаб қолингани шуни кўрсатадики, айрим раҳбарлар ўз манфаатларини ўйлаб, эл-юрт ризқига хиёнат қилмоқда.

Маъмурий, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда, жиноятчиликка қарши курашда етарли қатъият кўрсатмаганлар. Бунинг оқибатида оғир жиноятлар 5 фоиз, вояга етмаганлар орасида оғир тан жароҳати етказиш эса 50 фоиз ортган.

Прокуратура органлари ва судлар томонидан йўл қўйилаётган хатоларни бартараф қилиш бўйича иш олиб борилмагани сабабли республика Олий суди томонидан вилоятда кўрилган ишларнинг 60 фоизи бекор қилинган.

Жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳолининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларни

турли хил тажовузлардан сақлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари олиб бораётган ишлар бугунги талабга жавоб бермайди.

Ахир, вилоятда 1992 йилга нисбатан қасддан одам ўлдириш 20 фоиз, номусга тегиши 26 фоиз, талончилик 36 фоиз, безорилик 51 фоиз, товламачилик 51 фоиз ортганини қандай баҳолаш мүмкин? Бу вилоят раҳбарларини ташвишга солиши, ўйлашга мажбур қилиши керак эди. Афсуски, биз бунинг аксини кўрмоқдамиз.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Албатта, бугун замон оғир, ўтиш йўли мурakkab, аниқ бир таянч нуқтасини топиш мушкул. Аммо республикамизда сиёсий ва ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўли ишлаб чиқилди. Халқимиз уни маъқуллади. Бу йўлни жаҳон эътироф этди. Ҳатто ашаддий мухолифларимиз ҳам уни тан олишга мажбур бўлмоқда. Эндиги вазифа — шу сиёсий йўлни оқиллик ва аҳиллик билан амалга оширишдан иборат.

Бироқ, таассуфки, бальзи жойларда, айрим раҳбарлар орасида иккиланиш, беқарорлик кайфиятлари мавжуд. Қаршисида бирон-бир тўсиқ, жиддий бир синов пайдо бўлганида ўзини буткул йўқотиб қўйиш ҳолатлари сезилмоқда. Шундай вазиятга тушиб қолганда халқидан, Ватанидан, иймон-эътиқодидан осонгина кечиб юбораётган кимсаларни ҳам кўриб турибмиз.

Ҳаётда учрайдиган аччиқ тажрибалардан мек ўзимга бир хулоса чиқариб олдим.

Садоқатли бўлиш учун инсон аввало мард бўлиши керак экан.

Буниям англантар. Тагига етиб боринглар. Садоқатли одам бошига қилич келганда ҳам сўзидан, аҳду қароридан қайтмайди. Инсон аввало оиласига, халқига, Ватанига садоқатли, вафодор бўлиши зарур.

Бугунги замонда садоқатли бўлиш қийин. Оқим у томонга тортади, нағс бу томонга, "ўйинчилик" бошқа томонга. Шундай лайтда одам агар мард бўлса, иродаси бақувват бўлса, иймони бутун бўлса, у ёқ-бу ёққа оғиб юрмайди.

Нима учун бизларда ўйин бўляпти? Нима учун ҳар эҳтимолга қарши тоғ униси билан ўйнаймиз, тоғ буиниси билан?

Сабаб шундаки, күлчиллик масъул раҳбарларда изчил ҳәёттій позиция, фуқаролик бурчини теран англаш, бугунғи давлат сиёсатига аниқ муносабат етишмайды. Бухоро вилоятидаги басын ҳокимлар фаолиятида ана шундай бекәрорлык изларини кузатиш мүмкин. Раҳбар бўлиш учун аввалимбор курашчи бўлиш керак, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиши даркор.

Етакчи, раҳбар шахс биринчи галда пок ва шиҷоатли, азму қарор соҳиби бўлиши лозим. Амир Темур бобомизнинг бу борадаги ўғитлари ҳар биримизга ибрат бўла олади.

Тажрибамдан кўрайпманки, улуғ бобомиз айтганидек, иш билармон, тадбиркор, ҳушёр, азми қатъий, мардлик ва шиҷоат соҳиби бўлган бир одам минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд қишилардан яхшидир. Чунки, масъулиятсиз ва бепарво раҳбар минг қишига ортиқча иш орттириши муқаррар.

Айтайлик, раҳбар одам бугунги иқтисодий ислоҳотларга ўзи ишонмаса, уларнинг моҳияти ва оқибатларини билмаса, тасаввур қилолмаса, бунинг устига иродаси бақувват бўлмаса, бир сўз билан айтганда, "ўйинчи" бўлса, қандай қилиб бошқаларни бунга ишонтиради? Қандай қилиб уларни ўз ортидан эргаштира олади?!

Биз ҳаммамиз эски замон тузумини бошимиздан ўтказдик ва ундан аччиқ, аммо зарур хуносалар чиқардик.

Энг асосий хуноса шу бўлдик, маъмурий-буйруқбозлиқ йўли билан иқтисодиётни ривожлантириб бўлмас экан. Бутун жаҳон тажрибаси ҳам, ўзимизнинг тажрибамиз ҳам шуни исботлаб турибди.

Иқтисодиётни ривожлантирмасдан туриб, асло озод ва фаровон жамият қуриб бўлмаслиги аниқ. Шунинг учун ҳам биз давлат тизимини ўзгартиришга киришдик.

Табиийки, эски тузумнинг ҳам бир қанча маъқул жиҳатлари бор эди. Биз бу тузум устидан ўз ҳукмимизни чиқарар эканмиз, иложи борича унинг маъқул томонларини сақлаб қолишга интилдик. Номаъқул жиҳатларини босқичма-босқич ўзгартириб боришни мақсад қилиб қўйдик.

Албатта, ҳаммамиз ҳам ўша тизимда шаклланган одамлармиз. Ҳеч биримиз осмондан тушган эмасмиз. Мен бу фикрни кўп марта айтганиман, ҳозир яна такрорламоқчиман.

Лекин бир масалада ўзимизнинг аниқ қароримизга келишимиз зарур. Эски мустабид, ҳукмронлик, зўравонлик, буйруқбозлил замонига қайтиш йўқ. Эски тизимда суюги қоттан, шу замонни қўмсаб юрган, истаб, ҳавас қилиб юрган раҳбарларга орамизда ўрин бўлмаслиги керак. Буни ҳаммамиз англаб олишимиз зарур.

Яқин ўтмишимизда катта мавқега эга бўлган, мълум бир сиёсий гурухга мансублиги билан гердайиб юрган айрим масъул раҳбарларни қандай тушуниш мумкин?!?

Уларнинг бундай бачқана ва калтабинлик билан қилаётган хатти-ҳаракатларини қандай изоҳлаш мумкин?!?

Бу вазиятнинг хавфли жойи шундаки, бундай раҳбар ўз атрофида, теварагида ўзига ўхшаган кимсаларни йигиб олади ва уларни бор кучи билан ҳимоя қиласди.

Билиб қўйинглар, халқ, жамият кимнинг қандай партия ё ҳаракатга мансуб бўлганига қараб эмас, эл-юрт манфаати йўлида қилаётган амалий ишларига қараб баҳо беради.

Тарихий умрини тугатган тузумга мотам тутиб ўтиришга бизнинг фурсатимиз ҳам, имкониятимиз ҳам йўқ. Шу иш билан машғул одамларга яна бир марта эслатиб қўймоқчиман: ортга йўл йўқ. Ортга қайтамиз, деб овора бўлманглар. Мабодо олға юришни истамас эканлизлар, марҳамат, бошқаларни тинч қўйинглар, овора қилманглар. Ишимизга халал берманглар.

Маъкумки, дин ва дин аҳли ижтимоий ҳаётимизда муҳим ўрин тутади. Бизнинг бу хусусдаги сиёсатимиз аниқ. Ислом дини — ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида маънавияти, бой мероси ва ўзлигини омон сақлаб келган.

Дин халқ табиатини пок асрарашда, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат ўрнатишда катта хизмат қилган. Одамларни доимо яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келган.

Хўш, бугунги кунда, биз барпо этаётган янги жамиятда давлат ва дин муносабатлари қандай асосда қурилиши лозим?

Бу масала Конституциямизда очиқ-оидин ифода этилган. Яъни, республикамизда дин давлатдан расман ажратилган. Бироқ, биз яхши биламизки, дин давлатдан ажратилгани билан жамиятдан ажратилган эмас. Бинобарин, жамиятнинг маънавий ҳаёти билан диний муносабатларни уйғунлаштириш тақозо этилади. Назаримда, улуғ аждодимиз, Бухорои шарифнинг буюк фар-

занди Хожа Баҳовуддин Нақшбанд таълимоти бу борада бизга бениҳоя қўл келади. Ул зотнинг "Оллоҳ дилингда, қўлинг ишда бўлсин" деган ҳикматли шиорини биз бу соҳада дастуриламал қилиб олсак, янглишмаган бўламиз деб ўйлайман.

Давлатнинг иши — давлатники, диннинг иши — динники бўлиши лозим. Бу нозик ва мураккаб масалада муносабатларнинг ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида қурилиши ягона мақбул йўлдир.

Давлат диндор фуқароларининг диний-эътиқод ва ҳақ-ҳуқуқларини қанчалик ҳурмат-эҳтиром қилса, диндорлар ҳам давлат қонунлари ва сиёсатини шунчалик ҳурмат-эҳтиром қилишлари шарт. Шундагина ҳеч кимнинг ҳеч кимдан кўнгли қолмайди.

Шу муносабат билан бу борада баъзан кўзга чалиниб қолаётган айрим ножӯя ишлар ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтиш жоиздир.

Кейинги пайтда ҳалқа берилган диний эркинликлардан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишга уриниш ҳоллари ҳам сезилиб қолдики, бу нарса барчамизни беҳад ранжитмоқда ва ташвишга солмоқда. Сохта обрў, сохта шон-шуҳрат ортириш учун инсонларнинг диний нафсонияти билан ўйнашиб бўлмайди. Айрим жойларда баъзи нопок кимсалар томонидан ҳаром-хариш топилган пуллар эвазига ҳашаматли масжидлар қуриш пойгаси бошлангани сир эмас.

Ахир масжиднинг ободлиги ундаги номозхонларнинг сероблиги, ихлос ва эътиқоднинг покизалиги билан белгиланадими ёки унинг қуруқ савлати биланми?!

Динимиз бизни ҳамиша ҳалол-пок яшашга, камтар-камсуқум турмуш кечиришга ўргатиб келади. Тўй-ҳашамларимизни, маърака-маросимларимизни дабдабасиз, меъёр доирасида адо этишни буоради. Афсуски, бу соҳада ҳам одамлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган мисоллар Бухоро вилоятида учраб турибди. Масалан, Вобкент туманида қандайдир шубҳали пуллар ҳисобидан ҳашаматли масжид қуришга киришган, ҳозирда Москвада яшаётган кимсанинг бошига оилавий мусибат тушибди. Унинг ёш вафот этган хотинининг маъракаси вилоят раҳбарларининг кўмаги ва бевосита иштирокида улкан бир тўйга айланиб кетганини қандай баҳолаш лозим? Тошкент ва бошқа вилоятлардан келган тумонат одам, "Чайка" ва

чет эл машиналарининг хизмат қилиши, чинни фабрика-сидан таҳи бузилмаган чойнак-пиёлаларнинг қути-қути олиб келиб ишлатилгани, маъраканинг ўзига миллион-миллион пул сарфлангани — булар наҳотки мусулмончиликка тўғри келса?

Раҳбар одам — юртнинг отаси, катта-кичикка, бою камбағалга бирдай муносабатда бўлиши лозим. Сохта обрў, асьасаю дабдаба қетидан қувган, босар-тусарини билмай қолган ҳар турли шахсларга ҳушёр кўз билан қараб, ўз шаънини пок сақлаб юриши керакми-йўқми?

Мўмин-мусулмонларнинг диний ҳиссиётлари билан ўйнашиш, такрор айтаманки, бандасига ҳам, Яратганга ҳам хуш келмайди. Ишончим комилки, юртимиздаги диндор фуқаролар ҳалол-ҳаромни жуда яхши англайди, кимнинг аслида ким эканини ҳам яхши фарқлайди.

Азиз дўстлар!

Бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсати иқтисодга эркинлик берилишини, тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқий асосланишини тақозо этади. Биз бу хусусда бир қанча қонуулар чиқардик. Тижорат ва бизнес ишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда. Бу соҳада ишлаётган — яъни меҳнатидан ўзини ҳам, элни ҳам баҳраманд қилаётган мулкдорлар аста-секин кўпайиб бормоқда.

Аммо бугунги қийинчиликлардан фойдаланиб, қонунга зид равишда халқни талаш ҳисобига бойлик орттираётган баъзи шахслар ҳам борки, улар давлат ва жамият учун жиддий хавф туғдирмоқда. Биз бундай ҳолат ва шахсларга қарши муросасиз кураш олиб боряпмиз. Бу — мавсумий бир иш эмас, бизнинг изчил, қатъий сиёсатимиздир.

Борди-ю, бундай ишларга раҳбар шахслар аралашиб қолган бўлса, сўров ҳам, жазо ҳам шунга яраша қаттиқ бўлади. Мен бу ҳақда яна бир карра кескин огоҳлантириб ўтаман: бундай кимсалар шафқат кутмасин!

Бир тизимдан янги тизим шароитига ўтиш даврида энг катта хавф — коррупция деб ҳисоблайман, яъни давлат, ҳокимият ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар фаоллари нафс балосига гирифттор бўлиб, ўз мансабини сунистеъмол қилиш йўлига кириб, жиноятчилар билан тил бириктиришга ўтишидир.

Бундан давлат манфаатига, халқимиз насибасига етказиладиган зиённи тасаввур қилиш ҳам қийин. Шунинг учун таъмагирлик, порахўрлик, коррупцияга қарши биз

энг кескин, аёвсиз чораларни ишга соламиз. Бунга қурбимиз ҳам, кучимиз ҳам етади.

Агар айрим кимсаларнинг ўз нафсини жиловлашга кучи етмаса, уларнинг нафсини жиловлаб қўйиш давлатнинг қўлидан келади.

Шуни унутмаслик керакки, таъмагирлик, тўрачилик, порахўрлик, кибр-ҳаво, коррупция ниҳоятда юқумли ва хавфли касалликдир. Ўз вақтида унинг олди олинмаса, бу мараз бутун жамият танасига ёйилиши ҳаширишни ҳалок қилиши мумкин. Бу иллат, аввало, шу касалга мубтало бўлган одамнинг ўзини еб ишдан чиқаради. Унинг иймонини, охиратини хонавайрон қиласиди. Сўнгра, бошқа инсонларни, аста-секин бутун жамиятни емиришга ўтади.

Эҳтимол, дастлабки вақтда бу касалликни одамлардан яшириш ҳам мумкин бўлар. Аммо халқни алдаб бўлмайди. Қингир одамнинг қилиғини ўзи билдириласа, боласи билдиради. Боласи билдириласа, хотини билдиради. Хотини билдириласа, ёнидаги малайлари билдиради.

Эҳтимол, нопок раҳбарнинг қилмишларини назорат органлари билмаслиги ҳам мумкин. Аммо халқ билади. Халқ билган куни бундай раҳбар назардан қолади.

Халқ назаридан қолиш эса — агар жиндек виждони бўлса, ўлим билан баробардир.

Ҳеч биримизни эл-юрт назаридан қолдирмасин!

Қадрли дўстлар!

Олдимизда турган мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун биздан нима талаб этилади?

Мен бу ҳақда Конституциямизнинг бир йиллигига бағишиланган тантанали йигилишда сўзлаган нутқимда ба-тафсил тўхталиб ўтган эдим. Ҳозир шу масаланинг энг муҳим нуқталарини эслатиб ўтишни ўринли деб биламан.

Агар сезган бўлсангиз, бизлар кўпроқ талаб қиласиз. Ҳуқуҳ, эркинлик ҳақида кўпроқ гапирамиз. Бу ҳам аслида тўғри ва жуда адолатли. Чунки инсон ҳуқуқини қонунда ва амалда таъминлай олмаган, бунинг учун етарли кафолатлар яратиб беролмаган жамият адолатли жамият эмас.

Аммо бу ишнинг бизлар кўпинча унтиб қўядиган иккинчи жиҳати ҳам бор. Адолатли жамият қуриш учун энг аввало шу табаррук заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз ҳалқи олдидаги, уни катта умидлар билан

тарбия этган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адо этиши керак. Бу гап менга ҳам, сизга ҳам — барчамизга бирдек тегишлидир!

Содда қилиб айтганды, ҳар қайси фуқаро, ҳар бир раҳбар, ҳар биримиз: "Шу давлат, шу жамият менга нима берди?" деб әмас, балки: "Мен ўзим Ватанимга, әл-юртимга нима бердим?" деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак.

Агар шу улуғ фазилат барчамизнинг онгимиздан, қалбимиздан жой топса, муқаддас эътиқодга айланса, ана шундагина олдимиизда турган буюк мақсадларга эришмоғимиз мумкин.

Яна бир бор ҳаммангизга ўз ҳурматимни билдириб айтмоқчиманки, шу юрт ҳаммамизники. Шу Ватан ҳаммамизга керак. Үнинг фаровон келажаги, фарзандларимизнинг баҳт-саодати бизнинг қўлимиизда. Ишонаманки, буни барчамиз тўғри англаб, шу орзу-ниятларга етиш учун сидқидилдан бел боғлаб меҳнат қиласиз.

Бу эзгу ишда ҳаммангизга яна бир карра куч-қувват тилайман.

*Халқ депутатлари Бухоро вилояти
Кенгашин сессиясида сўзланган нутқ,
1994 йил 18 марта*

ЕТАКЧИЛИК — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

1994 йыл 26 марта кунин Ташкентда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов вилоят туман ва шаҳар ҳокимлари билан учрашиди.

Мулоқот чорига иқтисодиқ ислоҳотнинг бориши, бу борадаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинди.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг катта гурӯҳи тажриба алмасиши, бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритиш усувларини янада пухта ўрганиш мақсадида хорижий давлатларда бўлган эди. Учрашувда ана шу сафар натижалари ҳақида ҳам фикр юритилди.

— Бугунги мулоқетдан асосий мақсад жойлардаги вазијат ҳақида сизларнинг фикрингизни билишdir,— деди Ислом Каримов. — Ўзбекистонниң ҳозирги ижтимоий-сиёсий аҳволи, ички ва ташқи сиёсати, умуман айтганда, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ҳаётимиздаги ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги муаммолар, уларни ҳал этиш масаласида фикрлашиб олмоқ зарур. Бизни сизлар билан ишлаётган одамларнинг кайфияти, ислоҳотга муносабати, дунёқараси ва ёндашуви қизиқтиради. Биз ҳозир иқтисодиётимиз тизимишни тубдан ўзгартиряпмиз, янги ижтимоий тузумни барпо этяпмиз. Яъни, эски маъмурий-бўйруқбозлик услубларидан воз кечиб, ўзимизга хос ва маъқул тузумни шакллантиряпмиз.

Ислоҳотни ҳаётга татбиқ этиш, унинг одамларга манфаат келтиришига эришиш энди жойлардаги ҳокимларнинг дунёқараси, билими, ақл-закоғатига боғлиқ бўлиб қолди, дея таъкидлади Президент. Шу маънода ҳоким, яъни етакчи ўзини сайлаган, унга ишонч билдирган одамлар назарида обрўли бўлиши, бошқаларга нисбатан билимлироқ, узоқни кўра оладиган, эл-юрг дардини чуқурроқ тушунадиган, азму қарори қатъий, курашчи бўлиши керак.

Яна бир мулоҳаза. Барчамиз ҳам Аллоҳ таолонинг бандаларимиз. Демоқчиманки, раҳбар ҳам одам. Унинг ҳам қариндош-уруғи, дўстлари, ўзига яраша шахсий ташвишлари бор. Лекин раҳбарлик масъулияти шундаки, у аввало эл-юрга тақдиди учун жавобгар. Ҳадиси шарифда таъкидланганидек, раҳбарликнинг мақоми элу юртга оталикдир. Оқил ота эса фарзандларини ҳеч қачон яхши-ёмонга ажратмайди. Барчасига тенг кўз билан қараб, уларнинг бошини қовуштириб, пировардида хонадон ободонлигига эришади. Бунинг акси бўлган жойда ҳалқ орасига адоват тушади, қарама-қаршилик кучаяди, иш эса орқага кетади, одамларнинг бир-бирига ишончи йўқолади, турли қинғир ишларга йўл очилади.

Биргина мисол. Ўтган йили Бухоро вилоятида пахта ҳосилдорлиги 34 центнерни ташкил этди, дейилди. Айрим бригадалар, балки баъзи хўжаликлар бундай ҳосилни олиши мумкиндир. Лекин вилоят миқёсида ҳар гектар ердан 34 центнердан пахта териб олиш хомхайлдан бошқа нарса эмас. Ҳақиқатни аниқлаш учун икки марта комиссия юборилди ва 17,5 минг гектар ер яшириб қолингани аён бўлди.

Маълумки, ҳукумат қарорига мувофиқ ўтган йилги режасини муваффақиятли бажарган хўжаликлар режадаги ҳосилнинг 20 фоизини ва режадан ташқари етиштирилган барча пахтани ўзи мустақил тасарруф этади. Лекин Ромитон ва Вобкент туманларида белгилангандан ташқари 2—2,5 минг гектар ортиқча ерга пахта экилиб, катта миқдорда ҳосил ўзлаштирилган. Кимга, нимага керак бу кўзбўямачилик?! Буни ҳалқ, давлат олдидаги жиноят деб баҳолаш керак. Ҳуқуқ-тартибот органлари бу ишни охирига етказиши лозим.

80-йилларда ҳалқимиз пахта яккаҳокимлигидан катта азият чекди, деди Президент, ўша пайтлардаги қўшиб ёзишларга бутунлай барҳам бериш учун мустақилликнинг дастлабки давридан бошлабоқ енг шимариб ишга киришган эдик. Кўплаб туманлар умумий экин майдонларида пахтанинг ҳиссасини 60, ҳатто 56 фоизга туширишга муваффақ бўлди. Шу ҳисобдан ўтган йили ғаллазорларни янада кенгайтириш соҳасида катта тадбирлар белгиланган эди. Лекин таассуфки, айрим жойлардаги ишга эскича қаровчи раҳбарлар бу хайрли ишни бўғишга уринмоқдалар. Жумладан, Бухоро вилоятида кузги ғалла майдонларини кен-

гайтириш амалда барбод қилинди. Самарқанд вилоятида 35 минг гектар, Қорақалпоғистон Республикасида 22 минг гектар, Жиззах вилоятида ҳам 22 минг гектар майдонга кузги ғалла экилмади. Бу ишбузуқиликни қандай тушунмоқ керак?

Пахта нархи юксак эканини барча билади. Давлатни, халқни алдаб, ғалла ўрнига пахта экиб, юзлаб-минглаб гектарларни ҳисобот ҳужжатларига киритмай, қалбаки рапорт билан чүнтакни қаппайтирган кимсаларни асло кечириб бўлмайди. Бу иш ватан манфаатларига хиёнат қилишдан бошқа нарса эмас. Бухоро вилояти аҳолиси эҳтиёжи учун зарур ғалланинг 80 фоизини четдан сотиб олиб келинаётган бир шароитда ғалла экиш режасини амалда йўққа чиқарган кишиларнинг ишини фақат шундай талқин этиш мумкин.

Шахсий манфаатини пахта панасида ҳимоя қилиб юрган хўжалик раҳбарларини паноҳига олган ҳокимларнинг қилмишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди, деб қайта таъкидлади Президент Ислом Каримов, бу гаплар Китоб ва Шаҳрисабз каби кўплаб туманларнинг ҳокимларига ҳам тегишли. "Кемага тушганинг жони бир", деган гапни халқ депутатлари Бухоро вилоят Конгаши сессиясида тилга олган эдим. Вилоят, туман раҳбари ўзича "ўйин" кўрсатаверса, ҳар ким ҳар ёққа тортаверса, Ўзбекистон аталмиш умумий кемамиз тақдиди нима бўлади?! Шунинг учун мустақил Ўзбекистон Республикасининг ягона давлат сиёсатини қўллаб-қувватламайдиган раҳбарларни бу кемадан тушириб қолдирмоқ керак. Чунки вақт, айни шароит бизни ана шундай кескин хулоса чиқаришга мажбур этмоқда.

Ўтган йили куз об-ҳавоси деҳқонларимизни унчалик сийламади. Бу йил ҳам баҳорнинг серёғин келиши кутилмоқда. Бундай шароитда чигитни, бошқа баҳорги экиниларни ҳафта-ўн кун мобайнида экиб олишга шай туриш керак. Афсуски, айрим жойларда аҳвол тамомила бошқача бўлиб чиқмоқда. Қорақалпоғистон шароитида ернинг шўрини ювмасдан пахта олиб бўлмаслиги равшан. Бироқ қорақалпоғистонлик биродарларнинг тўй-томушадан қўли бўшамаётир. Баҳорги экишда қатнашадиган техника мавсумга шайланмаган. Алмашлаб экиш режаси амалга ошмаган. Дон ҳосилдорлиги ерга сепилган уругни ҳам қопламайди. Ерларнинг мелиоратив ҳолати тобора ёмонлаш-

моқда. Агар тезда бу камчиликлар тузатилмаса, ишдан чиққан тупроқ биздан ўзига хос тарзда ўч олиши муқаррар.

Хозирги сұхбатимизга бошқача, замонга хос ва мос нигоҳ билан назар солсак, деди Ислом Каримов сүзини давом эттириб, ҳокимларни бир жойга түплаб, уни қилмадинг, буни қилмадинг, деб оғир гапларни гапириш, қисувга олиш аслида ўша эски маъмурий-буйруқбозлик давридан қолган иш услуби эмасми? Ҳокимлар ҳам ўз вилоятiga, туманига бориб, құл остидаги одамларни худди шу йўсинда тергайди. Яна эскича маъмурий-буйруқбозлик ҳукмронлик қила бошлайди. Бунга йўл қўймаслик учун нима қилишимиз керак? Аввало ҳар бир раҳбар, ҳар бир инсон ўз дунёқарashi билан ислоҳот талабларига жавоб берадиган бўлиши шарт.

Қиёслаш учун ҳозир сизларда имконият бор, деди Президент. Олмония, Франция, Голландия ва бошқа бир қанча ривожланган мамлакатлардаги ҳаётни, хўжалик юритиш услугубларини ўз кўзингиз билан кўриб қайтдингиз. Қани, айтинг-чи, қайси давлат Президенти ёки ҳукумат раҳбари қўл остидаги кишиларни чақириб, нега уни экмадинг, нега буни экдинг, деб ўтиради. Ҳеч қаерда бундай алмисоқдан қолган услугуб билан ишламайдилар. Агар сафарда кўрганларингиз асосида ўз фаолиятингизни танқидий баҳолаб, керакли хулосалар чиқара олсангиз, биринчи вазифа бажарилди, деб ҳисоблайман.

Яна бир муддао, бу ҳокимларнинг ана шу сафар чоғида кўрган, билган нарсаларни ўз туманида жорий қилишига даҳлдордир.

Кўнглингизда озгина ҳавас уйғонган бўлса, мен — улуг аждодларимнинг муносиб вориси, наҳотки шу олмон ёки французлар каби яшаш ва ишлашни уddaрай олмайман, деган хаёл юрагингизни жизиллатган бўлса — шунинг ўзи катта гап!

Эътибор қилган бўлсангиз, у ерда фермерлар ўғитни қаердан оламан, техникани қандай созлайман деб, ҳеч кимдан сўрамайди. Сигирнинг сути нега камайиб кетди, деган сўроқлар ҳам йўқ. Ҳар қайси одам ўз ишини билиб қилаверади. Аммо, қаерда яшашнинг ва қайси мамлакатда ишлашнинг фарқи йўқ уларга. Биз, ўзбеклар эса бошқачамиз. Ўзбеклардек ватанин севадиган, юртига боғланган халқ жаҳонда йўқ. Бундай танти халқни тўғри йўлга

бошлаш, унга етакчи бўлишнинг ўзи катта баҳт! Ажойиб тупроғи, жаннатмакон иқлими, сахий қуёши бўлган юртда сени ҳеч қаҷон доғда қолдирмайдиган фидоий халқ билан тоғни талқон қилиш мумкинлигини асло эсдан чиқармайлик!

Ҳокимлар — Президентнинг жойлардаги вакиллари. Президент олга суроётган сиёsatни одамлар онгига етказиш, уларни белгилаб олинган тараққиёт йўлидан бошлаш, улуғвор ишларга даъват этиш ҳокимларнинг муқаддас бурчидир. Шундай экан, халқ билан бирга бўлиш керак. Улуғ мақсад — Ўзбекистоннинг мутараққий давлатлар сафидан ўрин олиши, халқимизнинг фаровон турмушга эришуви йўлида бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиш зарур. Ҳеч кимни оёғи ердан узилгулик, эл назаридан қолгулик қилмасин.

Ўзбекистон — ягона оила. Мақсад ҳам, унга эришиш йўли ҳам аниқ. Ана шу йўлда жипслашмоқ учун ўзаро меҳр-оқибатли, ўзаро кечиримли бўлиш керак. Дўст ачишиб, душман кулдириб гапиради дейдилар. Камчиликларни, хатоларни рўй-рост айтмасак, улар учун кенг йўл очиб берган бўламиш.

Давлатнинг ички ва ташқи сиёsatини белгилаш ва бу сиёsatни амалда юритиш, адаштанларни тўғри йўлга солиш, муштарак сиёsatни қўллаганларга қўлдош бўлиш Президентнинг зижмасида, дэди Молҳом Қаримов аутқожа шировариди, яъни менинг зижмамда экан, бас, ҳокимлар давлат бошлигини техника нега созланмаган, нима учун шўр ювиш кечикмоқда қабилидаги ташвишлар билан ўралаштириб қўймасинлар. Хуллас, ҳар ким ўз ишини — деҳқон деҳқончилигини, қурувчи қурувчилигини, ҳоким ҳокимлигини қиласин.

"СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН" ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДА СҮЗЛАНГАН НУТҚ

Қадрли дўстлар!

Айни дақиқаларда барчамиз ҳаяжонли ва тантанали бир воқеага гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун бу ерга мустақил давлатимиз тарихидаги илк юксак нишон — "Соғлом авлод учун" орденини топшириш маросимига йигилдик.

Маълумки, ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамият ҳам ўз бойликлари билан қудратли ҳисобланади. Ҳар бир халқ мамлакатнинг табиий замини, ер ости ва ер усти захира-лари, тоғлари ва ўрмонлари, дарёю денгизлари, улкан шаҳарлари, гўзал иншоотлари билан ўз куч-қудратини намоён этишга ҳаракат қиласди.

Лекин, кўп асрлик тарихий тажриба шундан далолат берадики, жамиятнинг ҳақиқий бойлиги, бу — инсон, инсон авлодидир. Кишилик жамияти эл-юргита, ватанига садоқатли, иймон-эътиқоди бутун, мард ва жасур, малака-си стук, маънавияти юксак инсонлар билан ҳақли равишда фахрланади. Бу улуғвор, бетимсол бойлик ҳар қайси давлатнинг қудратли салоҳият манбаидир.

Ана шундай ноёб фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказаётган халқ келажакка очиқ кўз, катта ишонч билан қарashi мумкин.

Табиат ато ётган олий моҳиятга кўра, биз — ўзбеклар ҳаётимизнинг, умримизнинг мазмунини фарзандсиз тасаввур этолмайдиган халқмиз. Дунёга келиб муносиб фарзанд кўриш, иморат қуриш, ишол экиб боғ яратиш — ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб-қолган эзгу тилак ва қутлуғ инсоний бурчидир.

Шуни алоҳида шукроналик билан таъкидлаш лозимки, халқимиз тарихнинг машаққатли синовлари оша ўзининг ана шу олижаноб хусусиятларига завол етказмай сақлаб келмоқда. Аждодларимиз ўз наслларини умумбашарий туйғулар, ўлмас Шарқ фалсафаси, миллий қадриятларимиз Руҳида тарбия қилиб келгандар. Ота-боболаримиз асрлар

давомида тилимизни, дилимиз ва динимизни, ўзбекнинг ўзлигини ҳар томонлама асраб-авайлаб, баркамол авлодларни вояга етказдилар. Бундай фазилатлар асл эътиборига кўра бизнинг заҳматкаш ҳалқимизга муносибдир ва бу билан ҳар қанча ғурурлансан арзиди.

Олдимида мустақил буюк давлат қуришдек мураккаб ва шарафли вазифа турган бир пайтда бу маънавий қадрятларнинг аҳамияти минг карра ортади. Нега деганда, ҳар қандай улуг мақсадларга этишиш, янги жамият, фаровон турмуш қуриш, инсон зотига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлгани комил одамларга, келажак баркамол авлодга боғлиқдир. Шу босидан ҳам ҳозирги кунда ҳалқимиз фарзандларимиз иқболини ўйлаб, қаттиқ бел боғлаб меҳнат қилаётган масъулиятли бир даврда мазкур тушунчалар янада терав маъно касб этади.

Азиз биродарлар!

Одамзод дунёда жуда кўп касбу ҳунарнинг эгаси бўлиши мумкин. Қурувчи, деҳқон, бозбон, шоир, олим бўлиб ном қозониш, мол-мулк, бойлик орттириш мумкин. Лекин Аллоҳ таоло инсонга ато этган энг катта бойлик, энг улуғ бурч борки, уни дунёдаги ҳеч бир нарса билан ҳиёслаб бўлмайди. Бу — фарзанд кўриб, ота бўлиш, она бўлиш бахтидир. Бу фақатгина бахту саодат эмас, балки Яратганинг олдида, элу юрт олдида жуда катта масъулият ҳам демакдир.

Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ста-онасига, ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатdir.

Шу маънода давлатимизнинг биринчи юксак нишони бўлмиш "Соғлом авлод учун" ордени ҳам инсон тақдирини, жамият тақдирини, келажак тақдирини, олдимида турган улуғ мақсадларни кўзлаб таъсис этилди.

Бинобарин, унга сазовор кишиларни бу вазифаларни сидқидилдан адо этадиган, ёш авлод камолоти учун ўзини бағишлийдиган фидойи инсонлар деб биламиз. Уларни улкан давлат вазифасини бажараётган одамлар сифатида ҳар томонлама ҳурмат-иззат қиласиз.

Улуг халқимизга муносиб ҳалол, меңнаткаш, билимдон, она юртимизга, элимизга садоқатли, баркамол ёш наслларни тарбиялаш ишониб топширилган жамиятимиз аъзолари аввало ана шу фазилатлар соҳиби бўлмоқлари даркор.

Мен мана шу залда ўтирган, биринчи галда бу юксак мукофотга лойиқ кўрилган барча ҳурматли юртдошларимизни ана шундай инсонлар деб ҳисоблайман. Айни пайтда мамлакатимиз тарихида илк марта шу орденга сазовор бўлган ака-ука, опа-сингилларимизни муборакбод этишини ўзимга улкан шараф деб биламан.

Муҳтарам дўстлар! Бизга Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш каби масъулиятли даврда яашаш насиб этди. Истиқлолдек буюк неъматнинг қадрига етадиган, уни мустаҳкамлайдиган, ўз қадр-қимматини биладиган соғлом авлодни тарбиялаш ҳаммамизнинг зиммамизга тушди. Ишонаманки, бу олий ва масъулиятли вазифани астойдил адо этамиш.

Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги қийинчиллик ва тўсиқларни енгишда, озод ва обод Ўзбекистон давлатини барпо этишда бутун эл-юрт аҳлига куч-ғайрат тилайман.

Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойdevорини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир. Биз тарихан қисқа фурсат ичидан бошқа соҳаларда бўлгани каби бу борадаги мақсад ва бурчимишни ҳам яхши англаш етдик. Бизга шу вақтга қадар ҳасад билан қараганлар ҳам энди ҳавас билан қарамоқда, танлаган йўлимиз тўғри эканини тан олмоқда.

Давлатимизчиниң олжий чишонки — "Соғлом авлод учун" орденини топширас эканман, сизларни яна бир бор муборакбод этаман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, омонлик тилайман.

ЙЎЛИМИЗ — МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Муҳтарам халқ ноиблари!
Азиз дўстлар!

Диёримизнинг серфайз кўклам фаслида сизлар билан яна бир бор юз кўришганимиздан бағоят мамнунман. Сизларни юртимиз истиқолининг учинчи баҳори билан чин юракдан муборакбод этишга, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, куч ва ғайрат, баҳт ва саодат тилашга рухсат этгайсизлар.

Сўнгги сессиядан бери тўрт ой ўтди. Шу вақт мобайнида мамлакат ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон ўз тараққиёти ва истиқолининг янги босқичига дадил қадамлар қўйди.

Бу йўлда орттирган оз бўлса-да тажрибамиз шуни кўрсатадики, ҳаётимизнинг, иқтисодиётимизнинг ўзгаришлари, олға силжишлар ўз-ўзидан, бирданига бўлмас экан. Бу жараённинг пасту баланд ўринлари, машаққатли синовлари жуда кўп. Шу туфайли, танланган йўлни гоят пухта ва теран ўрганиш, ҳар бир ўтилаётган босқични — қўйган қадамларимизни англаш, онгимизга сингдириш, мақсад этган ва етиб бораётган манзилимизни аниқ тасаввур этиш, бу — барчамизнинг, машаққатли йўлга бел боғлаб чиқсан инсонларнинг, авваламбор, фаолларимиз ва етакчи раҳбарларимизнинг муқаддас бурчидир.

Мажозий маънода айтсак, ҳозирги бозор иқтисодиёти — бамисоли бир денгиз, унинг тинч ва саёз жойлари ҳам, чукур, жўшқин мавжлари ва пўртаналари ҳам бор.

Ҳаммамиз яхши англашимиз керак: шоша-пиша, манзилни билмай, юмуқ кўз билан бу денгизда эркин сузиб бўлмайди. Авваламбор, сузиб ўтиладиган сарҳадни пухта аниқлаб, мустаҳкам кема танлаб ва ишончли қўмонда тузиб, уни нотинч уммонда сузишга ўргатиб, ана ундан кейин йўлга чиқиш керак. Бу шундай мураккаб ва қийин вазифа!

Ана шу хулосаларни ҳисобга олиб, биз мустақилликка эришганимиздан бери ўтган даврда иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ қилиш учун назарий ва амалий дастурларни ишлаб чиқиши билан шуғулландик.

Бугун мамнуният билан таъкидлашимиз мумкин: гарчи бошда ким нима демасин, қанчалик сайрамасин, ҳаётимизнинг ўзи кейинги икки йилда биз ташлаган, ўзимизга хос ва мос йўлнинг тўғри ва асосли эканини исботлади. Собиқ Иттифоқ ўрнида ташкил топган бир қанча давлатлардан фарқли ўлароқ, Яратганига микр қатла шукурки, юртимиз тинч, ҳалқимиз меҳнат билан банд, иқтисодиётимизда катта ўпирилишларга ва қулашларга йўл қўймадик.

Бугунги кунда Ҳамдўстлик мамлакатлари билан иқтисодий ва хўжалик алоқалари қанчалик мураккаб эканини яхши биласизлар. Шунга қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиётида ақвол барқарор бўлиб туриди. Саноат маҳсулоти январь ойига нисбатан 20 фоиз, февралга нисбатан 19 фоиз кўпайди. Бюджетдаги камомад ялпи ички маҳсулотнинг 4,8 фоизини ташкил этди, яъни чамалангандаражадан ҳам озроқ бўлди.

Саноатнинг тармоқ тузилмаларида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, ун, ёрма ва омихта ем ишлаб чиқариш кўпайди. Ун, нон, ўсимлик ёғи, маргарин ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш миқдори ортди. Ниҳоят, илгари четдан олиб келинадиган кўпгина маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Самарқанд вилоятида тоза спирт чиқарадиган завод, Хоразм вилоятида қанд заводи қурилиши бошланди.

Электр Энергияси, нефть ва газ қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш, кўмир кончилиги соҳаларида ҳам маҳсулот ҳажми кўпайди. Бухорода нефть маҳсулотларини қайта ишлаш заводи қуриляпти. Юртимизда янги коммуникациялар — темир йўллар ўтказиш, янги қурилишлар, ер ўзлаштириш, ободончилик ишлари кенг миқёсда бораётир.

Агар соҳада ҳам ақвол ёмон эмас. Бу йил ғаллазорлар икки маротаба кўпайди. Экиш ишлари жадал суръатлар билан ўтказилди. Ҳаммамиз Аллоҳ таолодан, она табиатимиздан сўрашимиз даркорки, бу йил ҳам меҳнаткаш ҳалқимизнинг насибасини мўл-кўл қилиб берсин!

Шу билан бирга, ўтган давр бизни кўп масалалар бўйича тажрибали қилди, кўзимиз очилди. Бугунги кунда

ташқи ва ички сиёсатимизни дадил ва бардам юритиша астайдил бел боғлаб меҳнат қилаётган ҳалқимизнинг ўзи бизларга катта мадад багишлайти.

Ҳурматли дўстлар! Бугун иқтисодий ислоҳотнинг янги босқичи бошланди. Авваламбор, ижобий ўзгаришларни ҳам маънавий, ҳам моддий ҳаётимида кўриш мумкин. Одамларнинг руҳияти, дунёкараши, мулкка ва меҳнатга муносабати ўзгаряпти. Ишбилармонликка ва тадбиркорликка нисбатан ижобий фикрлар уйғонди.

Үй-жойларни хусусийлаштириш, савдо, маҳаллий саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидағи хусусийлаштириш жараёни амалда тугаш арафасида, саноатда, қурилишда, транспортда, деҳқончилик-саноат мажмуининг гўшт-сут, озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларида йирик корхоналарни ҳиссадорлик корхоналарига айлантириш ишлари фаол давом эттирилмоқда. Молия ва банк тизими қайта тузилмоқда.

Лўнда қилиб айтганда, ислоҳотнинг янги босқичига ўтиш учун керакли шарт-шароит яратилди. Бу борада шу йил 21 январда чиқарилган Фармонни алоҳида эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Унинг аҳамиятини илгари ҳам батафсил баён этган эдик, бугун яна бир карратъикидлаш лозим, деб ўйлайман.

Хўш, 21 январь Фармони бизга нималар берди?

Биринчидан, у мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада юксак босқичга кўтарди, уларга янгича сифат йўнилишларини ва кафолатларини берди.

Иккинчидан, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш ва уни ҳимоялаш, мулкнинг барча шаклларидағи ҳар бир корхона ҳамда ишбилармонларнинг тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш учун янги имкониятлар очади.

Учинчидан, бизнинг жаҳон бозорига чиқиши имкониятларимизни кенгайтиради, чет эл сармоялари учун юритимизга йўл очади, уларга ҳуқуқий ва иқтисодий имтиёзлар беради, пировардида Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти ва имкониятларини кескин кўпайтиради.

Шу билан бирга, бу Фармон миллий валюта обрўсини кучайтиради, бир сўз билан айтганда эса, давлатимизнинг иқтисодий ҳудратини оширади.

Тўртинчидан, у яқин келажакда маъмурий-буйруқбозлиқ замонидан қолган барча тўсиқларни барта-рафт этади, иқтисодий ҳаётимизга эркинлик баҳш этади.

Хұрматли ноиблар!

Хәёт ва тажриба шуни күрсатдикі, мулк әгали бүлмаган жойда инициация, ташаббус ва изланиш бүлмас экан. Биз бугун хусусий мулкчилік ривожи учун яхши замин тайерладык. Ҳалол ва ташаббускор мәжнатта ҳуқуқий ва иқтисодий кафолат жуда зарур. Масаланинг яна бир томони шуки, хусусий мулк әгалари, яның ўз мулкини ўзи тасарруф этадиган кишилар ижтимоий ва сиёсий барқарорлықдан ўта манфаатдор бўлиб, жамият осойишталиги учун зўр таянч сифатида хизмат қиладилар.

Зикр этилган Фармоннинг яна бир энг эътиборли жиҳати шуки, мамлакатимизда мулкчилік шаклини кескин ўзгартириш ва бу муҳим масалани счиш, жонлантириш, ниҳоясига етказиш учун тегищли давлат бошқармаларининг таркиби ва низомлари ўзгарди.

Бугун бу масала билан шуғулланаётган вазирлик фақатгина давлат мулкини хусусийлаштириш билан эмас, балки тадбиркор тоифаларга жиддий ёрдам ва кўмак бериш билан ҳам машғул бўлиши зарур.

Ўтиш даврида асосий ишлаб чиқариш тармоқларида давлат концерклари фаолият күрсатди. Бу ҳол, бир томондан, бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг кўпроқ ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишини таъминлади. Шу билан бирга, ақоли турмушини таъминловчи соҳаларни бошқариш ва уларнинг батартиб иш юритишига имкон берди. Энди давлат концернлари, бирлашмалари ва йирик корхоналарни очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш бошланди.

Хусусийлаштириш жараёни республикада қабул қилинган дастур бўйича икки босқичда ўтказилади.

Биринчи босқичда давлат корхоналарини, ишлаб чиқариш бирлашмаларини ва ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларини очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш кўзда тутилади.

Иккинчи босқичда ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган давлат корхоналари акцияларининг тегищли қисмлари мәжнат жамоаларига, юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан, чет эл фуқароларига сотилади.

Бу чора-тадбирлар ва қабул қилинган қонун ҳамда қарорлар иқтисодиётимизни сифат жиҳатидан янги

босқичга кўтармоқда. Товар ва хом ашё сотувчи биржалар, кўчмас мулк ва қимматли қоғоз бозорлари шаклланмоқда.

Умуман, республика бўйича ҳозирга қадар 50 мингдан, шу жумладан, йилнинг дастлабки кварталида 800 дан ортиқ корхона хусусийлаштирилди. Ўрта ва йирик корхоналарни очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантириш йўли билан уларни хусусийлаштириш бошланди.

Шуни айтиб ўтишни истардимки, республикада амалга оширилаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари, Ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, амалда ялпи ишсизликка олиб келаётгани йўқ. Айни замонда, бугунги кунда турли корхоналарда 30 мингдан ортиқ иш жойлари бўш экани маълум.

Бунда тадбиркорлик фаолиятини, кичик ва ўртача корхоналарни, авваламбор — қишлоқ жойларда янада ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Бугунги кунда кичик корхоналар сони 22 мингдан ошиди. Ваҳоланки, йил бошида улар 18 мингта эди. Хусусий корхоналар сони икки маротаба кўпайиб, 11 мингтага етди. Янги бозор тузилмаларида банд бўлган одамлар тахминан 400 минг кишига етди. Ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг учдан бир қисми давлатга қарашли бўлмаган сектор улушкига тўғри келади. Бундай натижа бозор иқтисодиётига ўтишда катта қадамдир.

Ташқи иқтисодий алоқаларимиз кўлами ҳам кенгаймоқда ва таркиби ўзгармоқда. Бу йил экспорт қилиш 40 фоиздан ортиқ кўпаяди. Сотиш учун четга чиқариладиган моллар таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар бор. Ўтган йиллардагидан фарқли ўлароқ, машина ва ускуналарни импорт қилиш ҳажми 45 фоизга етди.

Хўрматли дўстлар! Айни вақтда шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, биз зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг анча қисмини ҳозирча хориждан олиб келишга мажбурмиз. Ақоли эҳтиёжини қондириш мақсадида 1994 йилнинг ўзида бир миллиаррдан ортиқ Америка доллари ажратишга тўғри келади.

Тасаввур этиш ҳам қийин бўлган бу рақам Узбекистонда изчиллик билан юритилаётган сиёсатнинг бошқа маъно ва холосалари билан бир қаторда, тағин бир

муҳим масалага эътиборимизни жалб қиласди. Яъни — жамиятни янгилашни биринчи навбатда қишлоқ хўжалигидан бошлаш тўғри эканини исботлайди. Агар биз мақсадимизга — фаровонликка эришмоқчи бўлсак, агар ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали ҳалқимизни тўлиқ таъминламоқчи бўлсак, иқтисодий ислоҳотни, энг аввало, қишлоқдан бошланишимиз даркор.

Агар соҳада иқтисодий ислоҳотнинг энг биринчи, энг муҳим босқичи, бу — қишлоқ хўжалигига мулк шаклини ўзgartиришdir. Фермерлик ҳаракатини оёққа турғазишидир. Ҳозир мамлакатимизда тахминан 15 минг деҳқон (фермер) хўжалиги ишлаб турибди. Бу эса бир йил олдингига нисбатан 5 мингта кўпdir. Уларга берилган ер майдони ҳам икки баробар кўпайиб, 105 минг гектардан ошиди.

Деҳқонларимизнинг томорқа майдони ҳам кенгаймоқда. Чорвачилик фермалари хусусийлаштирилмоқда, давлат хўжаликларининг шакли ўзgartирилмоқда.

1000 га яқин чорвачилик фермалари жамоа мулки қилиб берилди. Фермер хўжаликларига ва кичик корхоналарга солинадиган солиқ икки ҳисса камайди.

Аҳолига уруғ, кўчкат сотувчи, фермерларга хизмат кўрсатадиган 100 та дўкон очилди.

Қишлоқда кичик ва ихчам корхоналар сони кўпаймоқда, илгор технологияларни жорий этиш учун ва чет эллик шериклар билан ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асос кенгаймоқда.

Хўжаликларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида давлат буюртмалари йил сайин қисқартириб борилмоқда. Пахта ва ғаллага давлат буюртмаси 75 фоизгача, гўшт ва сутга — 50 фоизгача камайтгани ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа барча турларига нисбатан батамом бекор қилиниши бозор ислоҳотини чуқурлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Мен яна такроран айтмоқчиман: келажагини кўзладиган ҳар бир давлат, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги ишларига алоҳида эътибор беради, кўмаклашади, тўсиқларни бартараф этишга ёрдам қиласди, молиявий, агротехник, илмий ва сервис соҳаларида қўмагини аямайди. Шундагина қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган азаматлар нималарга қодир эканини тўла кўрсатади.

Ана шу борада қилаётган ишларимизда жуда күп камчилик мавжуд.

Қонунлар, фармон ва қарорлар бор, етарли ҳуқуқ ва имкониятлар берилған. Лекин шу қарорларни бажариш, фаолиятимизда пировард натижаларга эришиш, эски, қотиб қолған бошқарув усулларидан воз кечиш — күп жойларда муаммо бўлиб турибди.

Халқимизда бир мақол бор: "Минг ишчига — бир бошчи". Бундан шундай ҳулоса чиқадики, агар секторимизда ҳам самарадорликка эришмоқ учун, биринчи навбатда, ҳар погонага раҳбарни тўғри танлаш, иш тизимини оқилона ташкил этиш керак.

Бугунги иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард натижалари раҳбар ходимларнинг изланувчанилиги ва тадбиркорлигига, поклиги ва қатъиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди.

Бугун шундай замон келдики, мана шу муаммони ечмасдан, етук раҳбарларга, ёш ва иқтидорли тадбиркорларга ва мутахассисларга кенг йўл очиб бермасдан, уларга таянмасдан туриб асло олға юрлмаймиз. Бу ҳаммамизга маълум ва равшан бўлиши керак.

Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, ишсиз одамларни тўла ёки қисман ишлаб чиқариш тармоқларига жалб этиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш доимо диққат-эътиборимизда бўлиши лозим. Саноат ва хизмат кўрсатув корхоналарини қишлоқ жойларига кўчириш, кичик ва ихчамгина тижорат шоҳобчалари қуриш даркор.

Бизда тоза сув, иссиқлик ва электр қуввати билан таъминланмаган, темир йўл ва автомобиль йўлларидан узоқда жойлашган, коммуникациялар ва қулайликлар этишмайдиган айrim қишлоқлар бор. Яна бир бор мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг эътиборини шунга жалб этмоқчиман. Ана шундай қишлоқ жойларини обод этиш учун давлат марказлашган фонддан ва ҳокимиятлар имкониятларидан маблағ ажратмоги керак.

Мен бу муаммолар ҳақида кўп гапираман. Аммо, яна бир бор гапириш ва талаб қилишни, шу савоб ишни охирига етказишни бурчим деб ҳисоблайман. Чунки бу ерда гап аксарияти қишлоқ жойларда яшаётган халқимизнинг тақдери, келажаги ва фаровонлиги, жамиятимизнинг истиқболи ҳақида кетаяпти.

Биз ҳозир Ватанимизнинг куч-қудратини ошириш, ҳар бир оиласининг турмуш тарзини ўзгартиш ва юксак даражага кўтариш, фарзандларимизга бахтили келажак яратиш ҳаракатидамиз. Қисқача айтганда, мустақиллик бизга иқтисодиётимизни яхшилаш, шу муқаддас заминда яшовчи ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг фаровонлигини ошириш учун хизмат қилмоқда.

Мұхтарам дўстлар!

Бизнинг олға юриш учун қилаётган бугунги саъй-ҳаракатларимиз муҳим бир масалага тақалиб турибди.

Мана, ярим йилдирки, сўм-купонимиз муомалада. Бу, очиқ тан олиш керак, кўп жиҳатдан мажбурий чора эди. Мен миллий валютани жорий этиш инқилоб билан тенг, деган иборани ишлатган эдим. Ҳақиқатан ҳам, бу — шошқалоқликни хуш кўрмайдиган ғоят мурракаб жараён бўлиб, узоқ ва пухта тайёргарликни талаб этади. Айrim кишилар, муваққат валюта шартми, бирданига доимий валюгага ўтган маъқул эди, деб юрганини биламиз. Аммо, бу масалада ҳам ўтиш даври бўлмоғи фойдадан холи эмас. Негаки, биз сўм-купон орқали миллий пул бирлигини жорий этиш стратегияси ва механизмини ўргандик. Сўм-купон орқали инфляцияга қарши чоралар ишлаб чиқилмоқда ва синаб кўрилмоқда. Сўм-купон орқали ўзаро ҳисоб-китоблар механизми тайёрланмоқда ва жаҳон валюталари билан муомалада пулимизнинг кучи, қадри ва ҳарид қуввати аниқланмоқда.

Албатта, Ҳамдўстлик мамлакатларининг миллий валюталари, шу жумладан, Россия рубли каби сўм-купон ҳам инфляция жараёнини бошдан кечирмоқда. Биз нарх ошаётгани аҳоли елкасига оғир юк бўлиб тушаётганини биламиз ва бу юкни енгиллаштириш чораларини кўряемиз.

Муаммони узил-кесил ҳал этиш йўли — инфляцияга қарши кенг миқёсли, яхлит ва таъсирчан дастур ишлаб чиқиц ва амалга оширишдан иборат. Шу мақсадда сўнти пайтда сўм-купоннинг қувватини мустаҳкамлаш, уни товар ва олтин-валюта захиралари билан таъминлаш чоралари кўрилди. Валюта биржасида дастлабки савдолар бўлиб ўтди. Улар сўм-купоннинг курси доллар ва бошқа "қаттиқ" ва "юмшоқ" валюталарга нисбатан анча барқарор эканини кўрсатди.

Миллий валютага ўтиш ва бугунги молиявий сиёсатни юритишида биз жаҳондаги обрўли, етакчи халқаро ташкилотлар билан бамаслаҳат иш олиб боряпмиз. Инфляциянинг олдини олиш учун молия-кредит ва пул сиёсатини қаттиқ ушлаш, иқтисодиётимиздаги айрим номутаносибликларни бартараф этиш, умуман, харажатларни камайтириш тадбирлари шулар жумласидандир.

Муҳтарам халқ депутатлари!

Барча фуқароларни, фаолларимизни қизиқтираётган муҳим муаммолардан бири — Ўзбекистон давлатининг миллий валютасини муомалага киритиш, уни жорий этиш тартибидир.

Ҳаммамизга маълум: миллий валюта — мустақил, эркин давлатнинг асосий белгиларидан биридир. Мустақил давлатнинг валютаси ҳам, Марказий банки ҳам, молия ишлари ҳам мустақил бўлиши шарт.

Молия-кредит сиёсати, ички бозорни нақд пул билан таъминлаш, пул чиқариш миқдори, унинг харид кучи, келажак истиқболимиз учун сармоя ажратиш, кимга қарз бериш ва кимдан қарз олиш, қарзни тўлаш ва ундириб олиш муддатлари, фоиз ставкалари ва шунга дахли бор масалалар — буларнинг барчаси ҳам ташқи ва ҳам ички иқтисодиётнинг асосий омиллариdir.

Лўнда қилиб айтганда, ана шу ҳуқуқлардан ва имкониятлардан жудо бўлган давлат ҳеч қачон ўзини мустақил деб ҳисоблаши мумкин эмас ва уни ҳеч ким мустақил деб таҳ олмайди.

Мен нима учун бу масалаларга алоҳида диққатингизни жалб этяпман?

Барчамизга аён бўлиши керак: қайси давлатки ўз миллий валютасига эга бўлолмаса, ўз манфаатини кўзлаб мустақил равишида молия-кредит, банк сиёсатини аниқ юргизолмаса, у давлат ҳеч қачон ўз тақдирини, ташкилотлар, хўжаликлар ва инсонлар тақдирини белгилай олмайди ва пировардида бошқа кучли давлатлар кўрсатмаларига муте бўлиб қолади, оқибатда мустақиллигидан муқаррар тарзда жудо бўлади.

Шу хulosани инобатга олсак, бир фикрни яхши англешимиз керак: модомики биз мустақил давлат қурмоқчи эканмиз, ўз келажагимизни ўзимиз тузмоқчи эканмиз, бунинг асл пойдевори — миллий валютадир.

Шуни яна бир карра тақрорлаб айтиш ва онгимизга сингдириш зарурки, миллий валюта — биз учун олий мақсаддир. Ва бу валюта ўзини мустаҳкам тутган, бошқа валюталар, аввалимбор, кучли валюталар орасида обрўли ва қадри баланд валюта бўлмоги даркор.

Шу билан бирга, аниқ билмоқ керакки, бу олий мақсадга эришиш — бир кунлик вазифа эмас, албатта. Дунё тажрибасини кўз олдимизга келтиrsак, бунга эришмоқ учун давлатлар жуда узоқ ва машаққатли йўлларни босиб утган ҳамда бор қудратини сафарбар этган.

Азиз дўстлар!

Бир нарсага эътибор берсак, бугунги вазиятни кўз ўнгимизга келтиrsак, табиий бир савол туғилади: нима учун Россия рублига эҳтиёж катта-ю, ўзимизнинг сўм-купонга эътибор паст? Бунинг асл сабаб ва омиллари нималардан иборат?

Сабаб шуки, бизнинг минтақамиз, жумладан, Ўзбекистон ҳам, асосан ҳом ашё ҳудуди сифатида ҳар томонлама собиқ марказга боғлаб қўйилган эди. Бу жуда пухта ўйлаб ва ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилиб юритилган, жуда кўп йиллар давомида уюштирилган сиёсатdir.

Тайёр маҳсулотларга, шу жумладан, озиқ-овқат молларига бўлган эҳтиёжимизни қондиришда ҳам, ишлаб турган ва янги қурилаётган заводу фабрикаларни дастгоҳлар ва ускуналар билан жиҳозлашда ҳам собиқ марказга қарам эдик. Биз шундай кун кечиришга мажбур эдик. Негаки, республикамизга мол олиб келиш ва олиб чиқиш йўллари ҳам, коммуникациялар қуриш сиёсати ҳам худди шу мақсадга мослаштириб қўйилган эди. Буни кўпчилик бугун англаб етди.

Хўш, биз эски тузумдан қолган бу "мерос"дан қандай қутулишимиз, мушкулларимизни қандай енгиллаштиришимиз мумкин?

Аввалимбор, истиқлол йўлидан чинакам иқтисодий мустақилликка эришишимиз лозим. Жаҳоннинг энг йирик ва қудратли давлатлари билан алоқаларимизни мустаҳкамлашимиз керак.

Ички бозоримизни халқ истеъмоли моллари билан тўлдиришимиз ва шу молларни ишлаб чиқарувчи корхоналар салоҳиятини кучайтишишимиз ва кўпайтишишимиз зарур.

Ишлаб чиқарадиган молларимиз сифатли ва рақобатга бардошли бўлиши керак. Молларимизни, энг аввало, ташқи бозорда, айниқса кенг жаҳон бозорида қанчалик кўп сотиб олишга интилишса ва эҳтиёж билдиришса, оқибатда мамлакатимизга шунча кўп чет эл валютаси кириб келади ва шу баробари миллий валютамизнинг ҳам кучи ошади.

Бу фикрларни оддий бир мисол билан изоҳлаш мумкин. Бугунги кунда турли бозорларда бизнинг сўм-купонни рус рублига алмаштиришда нисбат паст бўлишининг сабаби нима? Биринчи навбатда, бунинг сабабини, одамларимизда Россия рублига эҳтиёж катта бўлганини рублга четдан, аввалимбор керакли мол, ускунга ва жиҳозлар олиб келиш имкони ва зарурати билан тушунириш мумкин.

Хулоса шундай: қачонки, Россиядан мол келтиришга эҳтиёжимиз камайса ёки, бошқача айтганда, шу молларнинг энг керакли турларини етарли даражада, ички бозоримизда ҳам муҳайё этсак, яъни саноатимиз имкониятлари кенгайиб, ўша молларни ўзимиз ишлаб чиқарсак ва четга, керак бўлса, Россиянинг ўзига ҳам кўпроқ сотсак, масала ўз-ӯзидан ечилиши муқаррар.

Бугунги кунда эса мавжуд қийинчилликларни енгиш учун давлатимиз ўз закираларида маблагни рублга алмаштириш йўли билан корхона ва кўжаликларнинг талабларини бажо көггишмайт ҳаракат қилимокда.

Ҳурматли халқ депутатлари!

Энди икки оғиз гап янги валюта жорий қилиш муҳлати ва унинг услублари ҳақида.

Очиқ айтиш керак: бугунги кунда миллий валютамиз чоп қилинганди. Қоғоз тул билан бир қаторда металл тийинлар ҳам зарб этилянди. Бу йирик тадбирнинг ҳамма томони ҳисоб-китоб қилинган ва насиб этса, тайёргарлик ишлари шу йилнинг биринчи ярмида тутталланади.

Муваққат валюта ўз заминимизда қўлланаётгани ва ўзимизда чоп этилганини ҳисобга олсак, уни янги, замонавий, бекиёс даражада чиройли миллий валютамизга алмаштиришда — ишонтириб айтишимиз керак — катта муаммолар бўлмайди.

Тегишли курс ва нисбат билан бугунги сўм-купонлар эндиликда — ҳақиқий миллий валютамизга бемалол алмаштирилади. Ўйлаймизки, бу тадбир яна жамғарма банклари орқали амалга оширилади. Чунки бу тажриба 1993

йил ноябрь ойида ўзини оқлаган эди. Фикримиәча, бу нарса одамларимизга ҳам маъқул бўлади.

Азиз юргдошлар! Жамоат фикрини ўрганиш шуни кўрсатдики, мамлакат аҳолисининг кўпчилик қисми янги ислоҳотларни қўллаб-қувватламоқда. Бизнинг асосий таянчимиз, муваффақиятларимиз гарови—ана шу юксак ишонч.

Ислоҳотлар ривожи халқ ўз тақдирини ишониб топширган раҳбарларга ҳам боғлиқ. Биз жамиятни қонун асосида ва қонун ёрдамида бошқаришга аҳд қилган эканмиз, ислоҳот қисматини айрим расмиятчилар қўлига топшириб қўймаслигимиз зарур.

Баъзида шундай бўладики, қонун асосида қабул этилган жорий ҳужжатлар қонуннинг ўзидан ҳам кучлироқ бўлишга интилади. Бундай заарали тажрибадан воз кечиши шарт. Қонун устуворлиги таъмин этилса, ҳуқуқий маданият тезроқ юксалса, жамиятнинг равнақи ҳам шунчалик тезлашади.

Жиноятчиликка қарши қаттиқ кураш натижасида шу йилнинг уч ойида ҳуқуқни бузиш ҳолларининг умумий сони учдан бирга, қотиллик ва талончилик каби оғир жиноят турлари деярли икки маротаба камайди. Аммо фоиз камайгани жиноятчилик бутунлай йўқолиб кетди дегани эмас.

Демократик давлат ўз фуқароларига тинч яашаш ва меҳнат қилиш имконини тўла таъминлаб бермоги керак. Лекин, айни замонда, жиноятчиликка қарши кураш шунчаки кампанияга айланниб кетмаслиги лозим. Бу иш — давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири бўлмоги зарур.

Аммо илгари ҳам таъкидланганидек, жиноятнинг ёпиқ ва энг қабиҳ тури бор. Бу — коррупция ва порахўрлик. Жиноятнинг бу тури бошқарув аппаратини издан чиқарибгина қолмай, бозор асосларини ҳам барбод этиши мумкин.

Бюрократ кимса ҳадик ёки масъулиятсиалик туфайли жараённи секинлаштириб қўйса, порахўр кўпинча кўра-била туриб, ўз манфаатини ўйлаб давлат ва халқ манфаатларига зид қарорларни қабул қиласи.

Шу муносабат билан, мен тадбиркор ва ишбилармонларнинг ўзларига ҳам мурожаат қилиш зарур, деб ўйлайман. Порахўрлик, қонунни четлаб ўтиб чайқовчилик

қилиш, энг аввало, тижорат аҳлининг ўзини обўсизлантиради, аҳолининг қарғишига дучор этади. Шу сабабли, бозор муносабатларининг вижданли ва софдил тарафдорлари турли ўғри ва муттаҳамларга ўз ораларидан ўрин бермасликлари керак.

Ҳурматли ҳалқ депутатлари!

Аэзиз дўстлар!

Бизнинг буюк ўтмишимиз бор. Миллий маданиятимиз жаҳон цивилизациясининг энг ёрқин саҳифаларидан жой олган. Ўтмишимиз неча ўн йиллар мобайнида ҳўрланиб, камситиб келинди. Ниҳоят истиқдол қуёши чиқиб, миллий қадриятивизни тиклаш йўлига ўтдик.

Ўзбекистоннинг буюк келажаги ҳақида жуда кўп гапириляпти. Бу ҳам тўғри. Негаки, фақат ўтмишни эслаш ва ўтмиш билан фахрланишининг ўзи натижа бермайди. Мақсадни тўла англамай, истиқболни кўрмай, яшаб ҳам, ишлаб ҳам бўлмайди. Янги давлат биноси қурилар экан, унинг ҳам ҳар бир жиҳатини пухта режалаштириш зарур.

Дўстлар! Бир нарсага зътиборингизни тортмоқчимаҳ. Айрим шахслар ўтмиш ва келажак ҳақидаги чиройли сўзларга маҳлиё бўлиб, бугунги кунни, бугун яшаётган кишиларнинг, фарзандларимизнинг, ёшларимизнинг маънавий ва ахлоқий жиҳатларини унутиб қўймаяптими?

Келажак ўз-ўзидан келмайди. У бугунги мashaқатли меҳнат билан яратилади. Бугун яратган нарсамиз келажакка ҳам ўтади. Агар бугун шошилиб ниманидир унучтасак, келажак авлодлар ўша нарсалардан маҳрум бўлади.

Жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди. Уларни писанд қилмаган жамият пировардоқибатда таназаулга юз тутади. Афсуски, шу оддий ҳақиқатни айрим раҳбарларимиз, тадбиркор ва ишбилармонларимиз етарли даражада тушуниб олмаганга ўхшайди. Баъзя жойлардаги мактабларга, болалар боғчаларига, касалхона, кутубхона ва музейларга бир назар солинг. Улар анча ичор аҳволда. Давлат қўлидан келганича ёрдам беряпти, лекин бу ҳали озлик қиласди. Бунинг устига, айрим корхона раҳбарлари турли баҳоналарни рўкач қилиб, корхоналарга қарашли ижтимоий муассасалардан қутулишга уринмоқдалар.

Хўрматли халқ ноиблари! Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, вилоят ва туман ҳокимларининг асосий вазифаси нималардан иборат? Биз уларнинг қўлини хўжалик ишларидан анча бўшатиб қўйдик. Бу ишларни жойлардаги корхона раҳбарлари, мутахассисларнинг ўзлари ҳал қилсин. Уларга етарли эркинлик берилиши лозим.

Ҳокимларнинг бурчи — халқ тақдирини ўйлаш, майдачуїда ташвишларга ўралашиб қолмасдан, энг йирик вазифаларни ҳал этиш, маданий ва маърифий ишларга тўғри йўналиш бериш. Ҳокимлар одамларнинг ташвишларидан, юмушларидан хабардор бўлиб, ўзаро бирлаштириб, руҳларини кўтариб, зарур шарт-шароитлар ва маънавий иқлим яратиб, уларни олдимиизда турган мақсадлар ижро-сига сафарбар этишлари лозим.

Албатта, турли хўжаликларга бориб кўрсатмалар бериш осон. Вилоят, туман ва қишлоқларнинг истиқболини кўра билиш эса, гоят мураккаб ишдир.

Жойларда йўл қўйилган камчиликларни, бепарволик ва лоқайдлик ҳолатларини кўриб, раҳбарлардан изланувчаник ва тадбиркорликни талаб этишга тўғри келади. Лекин бу талабларнинг бажарилиши амалда кўринмаса, оғирроқ қарорларни қабул қилишга мажбурмиз.

Мен бугун шу минбардан ҳокимларимизга яна бир марта мурожаат қилиб шу гаплардан тегишли ҳулоса чиқаришни сўрайман. Такрорлаб айтаман: биз ким нима қилишини узил-кесил аниқлаб олдик. Хўжалик раҳбари ўзишини қиласди, қурувчи — ўзишини! Деҳқон ҳам ўзишини ўзи эплайди, зиёлининг ҳам ўзи бурчи ва ўзи юмуши бор. Ҳулоса шуки, ишини билиб қилаётган одамларга халақит бермаслик керак.

Менинг бу масалада куйиб-пишиб гапираётганимнинг боиси нимада? Ҳозир ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва ҳам маънавий соҳаларда олиб бораётган сиёсатимизнинг тақдири бир нарсага — жойлардаги раҳбарларнинг масъулиятига, ўзишини билиб бажаришига боғлиқ бўлиб қолган,

Халқ ва мамлакат раҳбарияти ишонч билдирган кишилар ўзи вазифасини пухта ва ҳалол бажарса бас, бугунги мушкулоглар ўзи-ўзидан счилади. Бунинг учун ҳокимлар маънавий уйғоқ бўлишлари керак.

Чет эл зиёрати билан боғлиқ давлат ишларини сарандом этиб, кейинги ойларда вилоят ва туманларга бориб, маҳаллий ҳокимларнинг иши билан албатта яқиндан танишамиз.

Албатта, уларнинг ҳар бирни билан бафуржа гаплашамиз: қани, оғайни, бир чеккадан гапиринг-чи, нима ишлар қиляпсиз? Халқнинг кўнглини топдингизми? Одамлар ишингиздан розими? Ободончилик қандай? Ижтимоий ва маданий соҳалар қандай? Норозилик йўқми?

Қуруқ баландпарвоз гаплар билан қутулиб кетишни ўйлаганлар хато қиласди. Аслида туман ёки қишлоқ марказини бир сидра айланиб чиқилса бас, бутун ақвол аён бўлади-қолади. Ҳақиқий ҳолатни билиш учун текширишлар, тафтишлар, терговлар ўтказишнинг ҳеч ҳожати йўқ.

Ҳокимларимиз орасида ҳалол ва пок инсонлар кўп. Афсуски, баъзида уларда ташаббускорлик етишмайди. Инсон изланувчан бўлиши керак. Бақтни аямасдан, халқ орасида бўлиб, унинг ташвишини билиб, мавжуд муаммоларни ечиш йўлини ахтариш лозим. Билиб қўйинглар, кимдир бирор бошқа жойдан келиб, бизнинг ишларимизни бажариб бермайди. Энди турли баҳоналар билан, ўз ташвишимизни ўзгаларнинг елкасига ташлай олмаймиз. Ўз таҳдиримизни ўзимиз ҳагт этишмиз керак.

Бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз — инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир.

Бу нарса айниқса ёш авлодга тегишли. Келажаги буюк давлат, энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоги зарур. Илм ўрганиш ва маънавий-аклоқий қадриятлар ўринини турли "Сникерс" ва сигарет савдоси эгаллашига асло чидаб бўлмайди.

Шу сабабли, мен барча ватандошларимизга мурожаат қилиб айтаман: бугун ҳаёт қанчалик оғир бўлмасин, маънавиятимиз ва маданиятимизни унутмайлик!

Бу ўринда сўз фақат ҳомийлик ва раҳнамолик тўғрисида эмас, балки ижтимоий-маданий соҳадаги яхлит давлат сиёсати ҳақида бормоқда. Ўйлайманки, яқинда Президент Фармони билан тузилган "Маънавият ва маърифат"

республика маркази фаолияти бу борада кенг күламли дастур ишлаб чиқиши имконини беради.

Хўрматли депутатлар! Рухсатингиз билан ташқи сиёсатимиз ва ташқи фаолиятимиздаги муҳим воқеалар ҳақида гаплашиб олсан. Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, ўз мавқеи ва ўз обрў-эътиборига эга. Давлатимиз, мамлакатимиз кун сайин оёққа туриб, кучга тўлиб бормоқда. Бунинг далилини кейинги уч-тўрт ой мобайнида кечирган ҳаётимизда яққол кўришимиз мумкин.

Жаҳондаги энг йирик ва қудратли давлатлар расмий делегацияларининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатимизнинг мавқеи ошаётганидан дарак беради.

Яқинда Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Ли Пэн ва Франция Республикаси Президенти жаноб Франсуа Миттеранни иззат-икром билан кутиб олдик. Хитой ва Франция каби буюк давлатларнинг раҳбарлари билан бўлган музокаралар, сұхбатлар, тасдиқланган ҳужжатлар ҳақида, келажакдаги ҳамкорлик режаларимиз тўғрисида фуқароларимиз матбуот, радио-телефидение орқали хабардор деб ўйлайман.

Ташрифлар якуни ҳақида қисқача гапирганда, пойтахтимиз Тошкентда, Хива, Самарқанд заминида бўлган учрашувлар, ҳеч шубҳасиз, самарасини беради, ўзаро алоқаларимизни янги босқичга кўтаради.

Мен бугун, рухсатингиз билан, юксак мартабали меҳмонларни мустақил Ўзбекистон тупроғида илк бор тўлиқ расм-русуми билан кутиб олиш маросимлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Тантанали маросимларни кўп кўрганмиз. Бизлар хорижий мамлакатларга боргандан мезбон тараф делегацияларимизни зўр эҳтиром билан кутиб олган.

Бундай иззат ва эҳтиромни Ўзбекистоннинг тобора ўсаётган обрўсига, меҳнаткаш халқимизга, унинг буюк тарихи, маънавияти, салоҳият ва келажагига билдирилган ҳурмат намойиши деб қабул қиласиз.

Афсуски, ўзимизда бу нарсалар йўқ эди. Ўзгаларда кўриб ҳавас қиласидик. Худога минг қатла шукр, эндиликда бизлар ҳам чет эллик юксак мартабали меҳмонларни энг олиймақом халқаро қоидалар даражасида кутиб олиш имкониятига эгамиз.

Эътибор қилган бўлсангиз, аэропортда энг сара ва энг забардаст йигитларимиз саф тортиб турди. Йигитларнинг ҳандай виқор ва фахр билан саф тортганини, уларнинг адл қадди-қоматини кўрган бўлсангиз керак.

Олий мартабали меҳмонларни аэропортдаги янги бино олдида ва ичкарида кутиб олдик. Бу бино аслида янги ҳам эмас, эскисини кенгайтириб, таниб бўлмайдиган даражада безатиб таъмирладик. "Яиги уй қурмай туриб, эскисини бузманг" деган тамойилимиз бу ерда ҳам қўл келди. Шу сабаб, харажатлар ҳам кўп бўлмади.

Мен "Тошкент — 2" ҳаво бандаргоҳи ҳақида бу қадар батафсил гапиришимга сабаб шуки, ҳар ҳандай мустақил, ўз қадрини билган давлатларда бўлгани каби, бу бино — юртимизнинг ўзига хос дарвозаси. Ҳаво йўлидан келган меҳмонлар шу дарвозанинг савлатига қараб мамлакатнинг ўзига ҳам баҳо беради.

Бино залларидан бирида буюк бобомиз Алишер Навоининг қаҳрамонлари — Фарҳод ва Шириннинг сурати бор. Бу тасвир юртимизда ўтмишга ҳурмат ва бугунги кун масъулияти узвий эканини яққол намоён этади. Фарҳод сиймосида эркакларимизнинг шижиоати ва меҳнати, Ширин сиймосида аёлларимизнинг вафодорлиги, иффати ва гўзаллиги акс этади.

Нега миллий онг, миллий ғурур, миллий мафкура ҳақида жон куйдириб гапирамиз? Бунинг сабаби шуки, биз Ўзбекистонимизни буюк давлатлар қаторига қўшишга аҳду паймон қилдик. Болаларимизни, йигит-қизларимизни шу ғояга қаттиқ ишонадиган буюк давлат фуқаролари, буюк давлатга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашимиз лозим.

Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири ана шу буюк ғояга, миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири — катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир.

Ҳурматли депутатлар!

Давлатимиз ташқи сиёсатининг диққат марказида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидағи мамлакатлар билан ўзаро тенг ва манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш вазифаси турибди.

Чунки кейинги етмиш йил давомида ҳукм сурган марказлаштирилган буйруқбозлик сиёсати, мустабидлик сиёса-

ти барчамизни узлуксиз тарзда, биринчи наубатда, иқтисодий жиҳатдан ўзаро ипсиз боғлаб қўйган эди. Бунинг таъсирини бугунги ҳаётимизда ҳар қадамда сезиб турибмиз. Охирги икки-уч йилда бир нарсани яхши англаб олдик: агар собиқ Совет Иттифоқи таркибидан чиққан мустақил давлатлар бугунги қийинчиликларни енгис, иқтисодий инқироздан қутулиш мақсадида бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсалар, бу нарса барча халқларга маъқул сиёsat бўлур эди.

Бинобарин, Ҳамдўстлик давлатлари орасида энг кучли ва қудратли, катта салоҳият ва имкониятларга эга бўлмиш Россия Федерацияси билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфатли алоқалар тузиш Ўзбекистон учун жуда муҳимдир. Ва бу мақсадимиизга эришиш учун биз кучимиз ва имкониятларимизни аямаймиз. Чунки буюк рус халқи ўзбек халқи билан ҳар доим дўст ва елкадош бўлган, энг оғир дамларда ёрдамга тайёр бўлган халқдир.

Россия Президенти Б. Н. Ельцин таклифига биноан Ўзбекистон расмий делегациясининг Москвага ташрифи, Россия пойтахтидаги қабул маросимлари, музокаралар, учрашувлар, имзоланган ҳужжатлар — ўзаро ҳурмат ва дўстлик, ўзаро ёрдам ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг тимсоли бўлди. Энг қувончли жиҳати шуки, бу муҳим воқеани ҳам рус, ҳам ўзбек халқи катта курсандлик ва мамнуният билан кутиб олди.

Хурматли дўстлар!

Марказий Осиё ҳудудида Ўзбекистон, Қозогистон ва Қирғизистон алоқалари дўстона ривож топмоқда. Ўтган давр мобайнидаги ғоят муҳим ва, шуни ишонч билан таъкидлашимиз керак,— асосий ютуғимиз, бу — Ўзбекистон, Қозогистон ва Қирғизистон ўргасида товар, иш кучи ва капитал ҳаракати йўлидаги ғовлар олиб ташланганидир. Халқ истеъмоли молларига бож тўлови бекор қилинди. Рухсат ва лицензия талаб этиладиган маҳсулотлар рўйхати кескин камайтирилди, ўзаро сармоя ётқизиш учун ҳуқуқий ва иқтисодий кафолатлар кучайтирилди.

Имзоланган қарорлар ва шартномалар ўзаро ишончимизни мустаҳкамлади, корхона ҳамда одамларимизнинг ишлаш ва ҳаёт кечиришига, ўзаро борди-келдисига анча енгиллик берди, десак адашмаймиз, албатта.

Шахсан мен ўзим қилган ишларимизни Турон заминида, Туркистон заминида яшаётган халқларнинг азалий интилишларига ва талабларига жавоб берадиган ажойиб илк қадамлар деб биламан.

Кимки ўзини шу муқаддас заминнинг асл фарзанди деб билса, шу ерда яшаётган, оғир синов дамларида бир-бирига елқадош, ҳамдард бўлиб келган, томири ва тақдири муштарак халқларимизни ўзаро бирлаштиришда бор куч-қувватики аямаслиги керак, деб ўйлайман.

Ва, азиз халқ ноиблари, сизларни ҳам шунга даъват этаман!

Муҳтарам биродарлар!

Мамлакатимиздаги вазият ҳақида гап кетаркан, атрофимиздаги мустақил мамлакатлардаги аҳвол ва сиёсий кайфиятлар билан ҳисоблашмасдан бўлмайди. Умуман, бугунги кунда илгари собиқ Иттифоқ таркибида бўлган кўпчилик мустақил давлатлар ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва ҳам маънавий ҳаётларида гоят мураккаб бир даврни ва шу давр билан боғлиқ катта қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Бунинг сабаби нима?

Баъзи мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, бир вақтлар мустақиллик шабадасидан боши айланган айрим сиёсатчилар, раҳбарлар иқтисодий ва ижтимоий қонуниятларни, умуман ҳаётни билмасдан, унинг машиқатли синовларидан ўтмасдан, қуруқ гаплар билан, бақириқ-чақириқлар билан овора бўлиб қолдилар. Шу тариқа оёклари ердан узилиб, нуқул осмони фалакда парвоз қилиб, одамларнинг бошини айлантириб ёлгон ваъдалар бериб, бугун нима қилишни билмай бошлари қотиб туриди.

Ўзлари қийналса майли эди, лекин бундай раҳбарларга ишонган халқ ҳам оғир аҳволда.

Қуруқ ваъдалар ва баландпарвоз сиёсат бошқа-ю, амалий ҳаёт ва иқтисод бошқа. Халқимизда бир ибора бор, ҳозир шуни ишлатсак ўринли бўлар деб ўйлайман: Ишқ бошқа — ҳавас бошқа.

Энг долзарб масала — одамларнинг қорнини тўйдириш бўлса, бу ниятни қуруқ гап билан эмас, балки иқтисодий ўзгаришлар ва амалий ишлар билан рўёбга чиқариш мумкин.

Инсонларни ҳимоялаш, боқиши, зарур товарлар билан таъминлаш ва энг муҳими, уларнинг қалбида келажакка ишонч уйғотиш қуруқ ваъдалар ва жарангдор баёнотлар билан амалга ошмайди.

Сүнгти пайтда ҳаётдан олган аччиқ сабоқларимиздан бири ҳам аслида шу. Бунинг устига Россиядаги воқеалар ривожи ҳаммамизни қайтадан ташвишга солмоқда. У ердаги айрим бесаранжом кучлар сиёсий, иқтисодий ва ҳатто давлатчилик инқизозига дучор бўлиб, эски Россия империясини қўмсаб қолгани гоят ачинарли ҳолдир.

Кейинги пайтларда Евроосиё иттифоқини тузиш ҳақидаги шов-шувлар кўпчиликнинг диққатини тортди. Бундай "иттифоқ" да ягона парламент, ягона давлат тили, ягона фуқаролик, марказий бошқарув органлари бўлар эмиш.

Хўш, айтинг-чи, бунинг собиқ СССРдан нима фарқи бор?

Яқинда Қирғизистон заминида бўлиб ўтган уч давлат — Қозогистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг учрашувида шу мураккаб масалани ҳам муҳокама қилдик. Биз шахсан дўстим Нурсултон Назарбоев билан фикр алмашиб, орани очиб олдик ва бу масалага муҳим бир аниқлик киритдик. Яъни Евроосиё иттифоқи ҳақидаги масалани кун тартибидан олиб ташлашга келишилди. Ва Қозогистон — Ўзбекистон дўстлигини кўз қораочигидай асрарш, қўпорувчи кучларга имкон бермасдан, ўзаро ҳурматимизни ва жисслигимизни янада кучайтиришга аҳд қилдик.

Муҳтарам дўстлар! Эски тузумни қўмсаганлар бугунги қийинчиликларни рўкач қилиб, улардан фойдаланиб, ўзларининг қабиҳ ниятларига эришмоқчи бўладилар.

Орта қайтиш йўқ энди. Олдинда битта йўл бор: истиқлол йўли, мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли. Эски тузумга қайтици, бўйнимизни яна ўша эски бўйинтуруққа тиқиб бериш, яна тақрорлаб айтаман, минг йиллик тарихимизга, халқимизга, бугун бизга умид билан боқиб турган фарзандларимизга хиёнат, келажак авлодларимиз асло кечирмайдиган гуноҳ бўлади!

Ота-боболаримиз асрлар мобайнида орзу этган истиқлол йўлига чиқиб олдик. Энди йўлимиз очиқ. Келажагимиз,

албатта, ёруғ бўлажак. Зийрак одам ҳозирнинг ўзидаёқ бу келажакни яқол тасаввур этиши, ҳатто қўриши мумкин.

Бугун ёши мўътабар отахонларимиз ва онахонларимиз қўлларини дуога очиб: "Илойим, юртимизга тинчлик-осо-йишталик берсин, халқимизнинг омадини берсин!" деб сидқидилдан тилак ва илтижолар қиласидилар.

Агар юртимизнинг дардларини англамасак, аждодларимизнинг озодлик ҳақидаги муқаддас васиятларини амалга оширмасак, айтинглар, азиз биродарлар, биз нима деган одам бўламиз? Агар юртимизнинг чин маънода мустақил бўлишини таъмин этолмасак, кейин қандай бош кўтариб юрамиз?!

Шу йўлни танладикми, аҳду паймонни бир қилиб, қўлни қўлга бериб, гина-кудуратларни четга суриб, юртимиз, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва муқаддас диёrimизнинг равнақи учун бутун борлиғимизни ва ҳатто жонимизни баҳшида этишимиз керак.

Муҳтарам дўстлар! Мен сизларга очиқ айтишим зарур, қўшни мамлакатлардаги айрим эски замонни қўмсанган кучлар тағин бош кўтаргач, шунинг шабадасини сезиб, бизда ҳам баъзи эскича фикрловчи, мутелик асоратидан қутула олмаган кимсалар ўзларича ҳаракат бошлайдиганга ўхшайди. Бир ҳисобда, буни ҳам табиий ҳол деб қараш керак. Чунки уларнинг кўнгли аламга тўла. Чунки уларнинг кўпчилиги эски тузум берган мансаб ва имтиёзлардан маҳрум бўлган. Улар тақдирга тан бериб, индамай яшайверса маъқул бўларди. Аммо мансабпастлик ва шуҳратпастлик балосига мубтало бўлган бундай кимсаларнинг тинч ўтириши қийин. Албатта, бугун замон ўзгача. Шу боис улар ўзларининг асл башараларини яшириш учун турли баландпарвоз шиорлар никоби ортига бекиниб, яна эски зўравонлик тузумини, коммунистик партияни тиклашга уриняпти. Агар бизлар миллат манфатларини шиор қилиб кўчага чиқиши мўлжаллаётган миллат ганимларини кўриб-кўрмасликка олсак, уларнинг асл башарасини бугуноқ фош этмасак, уларнинг янгича русумдаги никобларини йиртмасак, эртага булар яна "эски ҳаммом, эски тос" қабилидаги ҳаётга қайтаришга уринишлари тайин.

Қани, айтинглар, азиз дўстлар, агар одамларда яхши, олижаноб ният-умидлар, эзгу фикрлар бўлса, нега уларни коммунистик байроқ остига чорлаш керак экан?! Яна кимлар билан шафқатсиз курашамиз? Яна кимларни тазийқ остига олмоқчимиз? Яна кимларни гумдөн қилмоқчимиз? Синфий гуноҳлари учун яна неча миллион одамни хонавайрон қилиш керак? Умуман, бу интилишларни қандай баҳолаш мумкин? Яна асрий урф-одатларимизнинг, ўзлигимизнинг томирига болта урамизми? Наслу насабимизни қайтадан унутамизми? Фарзандларимизни яна динсиз ва тилсиз этиб тарбия қиласизми?

Ана шу хавфни ҳозирдан англамоғимиз зарур. Шу муқаддас заминда яшаган, юртга фарзандлик бурчини ўйлаган ҳар бир инсон бу хатарни ўз вақтида англаб, "ўйинчи"ларга ўз вақтида зарба бериши керак.

Ҳурматли депутатлар! Бу масаланинг яна бир томони бор: эски замонни қўмсаబ юрганлар собық СССР тарафдори бўлиши муқаррар. Яъни, Москвада ўтирган ва бугун бош кўтараётган эски дўстлари, ҳамтовоқлари ва "мураббий" ла-рига қўшилиб, ўзлари хоҳласа-хоҳламаса, мустақиллигимизга албатта қарши чиқади. Бу — табиий ҳол. Улар, турган гапки яна мустабид ҳаётга қайтиш, ҳалқимизни яна эски ва ягона мағкура исканжасига солиш пайдан бўлади.

Бундай интилиш ва ҳаракатда бўлганлар сони, ўйлайманки, бизнинг мамлакатимизда унчалик кўп эмас. Биз уларга тушунтириб айтишимиз керак: келинглар, биродарлар, агар сизларда юрак тоза ва ниятлар соғ бўлса, эски тузумдан қолган бесамар гояларни четга сурисиб, шу муқаддас замин равнақи учун биргаликда хизмат қилайлик, Ватанимиз чин маънода озод ва обод бўлиши учун курашайлик!

Тарихни ортга қайтариб бўлмайди. Бу — табиат ва жамият қонуни. Шундай экан, бу қонунларга хилоф иш тутган кишилар като қиласиди. Ҳалқимизнинг яқин ўтмишда чеккан заҳматларини билатуриб, эски бўйинтуруқни қайтадан бўйинга илиш — соғлом ақлга зиддир. Елкамизни қайтадан яғир қилмайлик. Эркин ҳаёт учун бир жону бир тан бўлиб курашайлик.

Азиз дўстлар!

Биз келажакка катта ишонч билан қараймиз. Ҳар биримиз шу муқаддас заминга фарзандлик бурчимишни

ИСЛОМ КАРИМОВ

тұғри ва тұлық англаб, үз иш жойимизда ва үз масъулиятынан бўйинга олиб, фидойилик билан меҳнат қилсак — марра бизники.

Бизнинг ниятимиз пок. Мақсадларимиз улуғ ва олижабоб. Халқимизнинг меҳнати ва муддаосини Аллоҳ таолонинг ўзи қўллашига имонимиз комил.

Сўзимни якунлар эканман, сизларнинг ҳар бирингизга, сизлар орқали бутун Ўзбекистон аҳлига сиҳат-саломатлик, тинчлик, баҳт-саодат тилайман.

Ўн иккинчи чакирик
Ўзбекистон Республикаси Олий Конгасининг
XV сессиясида сўзланган нутқи,
1994 йил 5 май

ТАРИХИМИЗ ҲАМ, КЕЛАЖАГИМИЗ ҲАМ МУШТАРАК

Ассалому алайкум, азиз биродарлар!

Мұхтарам Нұрсултон Абишевич!

Қадрли қозоқ дүстларимиз!

Әнг аввало, Сизларниң барчанғизга қадимий ва ҳамиша навқиран Үзбекистонға ташриф буюрганингиз учун чин дилдан миннатдорчилик билдириштегі рухсат этгайсизлар.

Юртимизга хуш келибсиз, қадамингиз құтлуғ бўлсин!

Халқларимиз бундай учрашувларни ҳамиша зўр ҳаяжон ва иштиёқ билан кутади. Ҳар иккала мамлакат раҳбарларининг, расмий делегацияларниң турли хил учрашув ва сұҳбатлари ўзбек ва қозоқ халқида доимо катта қизиқиш, келажакка умид ва ишонч уйғотади.

Шу маънода Үзбекистон ва Қозоғистон раҳбариятининг Алматида, Тошкент ва Туркистанда, Ашхабод ва Бишкекда, Ўрдабоши ва Чўлпонотада ўтказилган самимий ва қизғин учрашувлари тарихий аҳамиятга эгадир. Ана шу учрашувларниң самараси сифатида бугун ҳаммамиз меҳр-муҳаббат билан дийдәрлашиб турибмиз.

Бизлар Буюк Турон диёрида униб-ўсан икки оға-ини халқмиз. Тилимиз ҳам, дилимиз ва динимиз ҳам муштаракдир.

Қадим-қадим замондан Туронзамиң деб аталған бу поёнисиз кенгликларда қозоғи ўзбек, қирғиз туркман — барчамизнинг ота-боболаримиз от суриб ўтганлар. Ям-яшил, серҳосил далаларда чорва боққанлар, деҳқончиллик қилғанлар.

Не-не босқинларни, қирғинларни кўрган бу тупроқни боболаримиз ёнма-ён туриб ҳимоя қилғанлар. Бинобарин, бизнинг тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам бирлашиб кетган ва бу Аллоҳ таоло берган азалий ва абадий насибамиздир.

Яхши биласизлар, ўтмишда орамизда айирма чегаралар бўлган эмас. Умид қиласизки, иншооллоҳ, бундан кейин

ҳам бўлмагай. Қозогистоннинг улкан ҳудудида ўзбеклар неча асрлардан буён яшаб келаётган бўлса, Ўзбекистон бағрида ҳам бир миллиондан ортиқ қозоқ дўстларимиз истиқомат қиласди.

Улар ҳамиша бир-бирларига оға-ини, қуда-қудагай бўлганилар, ҳозир ҳам ягона оила фарзандлари каби тотув ҳаёт кечирмоқдалар. Ҳалқларимиз орасидаги бу дўстлик ва ахилликни биз бениҳоя қадрлаймиз. Бу — бизнинг энг катта бойлигимиз, қудрат ва шаън-шавкатимиз манбаидир.

Бизнинг иқтисодий, маданий ва маънавий муносабатларимиз жуда қадим замонларга бориб тақалади. Тарихий маълумотларга қараганда, ўтган асрнинг 60-йилларида биргина Тошкент шаҳридан Қозогистон томонга ҳар йили 40—50 минг туядан иборат савдо карвонлари муутазам қатнаб турган.

Бухоро ва Фаргона водийсидан борадиган карвонларни ҳам қўшиб ҳисобласэк, бу рақам янада ортади. Ўзбекистондан қозоқ оувулларига газмоллар, кийим-кечак, ўй-рўзгор буюмлари олиб борилган бўлса, қозоқлар юртидан ўн минглаб қўй, от-тuya, қорамол, кигиз, палос, жун, тери, озиқ-овқат, пистакўмир ва бошқа моллар келтирилган.

Кўриниб турибдики, донишманд ота-боболаримиз бугун биз "Ягона иқтисодий макон" деб атаётган иқтисодий тизимни ўша пайтдаёқ шакллантириб ултургандар.

Бизнинг бугунги вазифамиз тарих синовидан ўтган шу қардошлиқ ришталарини янада такомиллаштириш, унга янгича моҳият бағишлишдан иборатдир.

Шу муносабат билан бугун тантанали вазиятда бошланётган Қозогистон кунларининг мазмуни, мақсади ва аҳамияти ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтишга ижозат бергайсизлар.

Маълумки, биз илгарилари ҳам Ўзбекистонда қозоқ адабиёти ва санъати ёки Қозогистонда ўзбек адабиёти ва санъати кунлари ўтганини биламиз. Аммо бу галги дийдорлашув — мустақиллик замонидаги илк анжуман аввалиларидан тамоман фарқ қиласди.

Бугун бизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз янгича бўлганидек, ушбу мулоқотимиз ҳам янгича бўлиши табиий ҳолдир. Яъни бу анжуманни "Қозогистон кунлари" деб атадик, бирон бир соҳани устун қўймадик. Бунда маданият аҳли маданият аҳли билан, ижод аҳли ижод аҳли

бидан, илм-фан аҳли илм-фан аҳли билан, ишбилармонлар эса ишбилармонлар билан бевосита мuloқотга киришадилар. Бу учрашувлар чоғида турли соҳа вакиллари бир-бирлари билан фикр алмашадилар ва икки мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий тараққиётига биргаликда ўз ҳиссаларини қўшиш учун замин яратадилар, деб ишонамиз.

Хурматли дўстлар!

Қозогистон билан Ўзбекистон Марказий Осиёнинг икки улуғ давлатидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мўътабар даргоҳида озод Қозогистон ва мустақил Ўзбекистон байроқлари ҳилпираб тұрганидан барчамиз фахрланамиз. Шу ўринда мен бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим. Қозогистон Республикасининг тұнгич Президенти, дўстим Нурсултон Назарбоев билан ҳар бир учрашувимиз бизни ғоят нурли орзу-умидлар, улуғ режалар, янги ғоялар, сари илҳомлантиради. Ҳар сафар бу учрашувлардан сўнг юрагимизда ўзимизга янада қатъийроқ ишонч пайдо бўлади.

Бунинг сабаби шундаки, азиз дўстлар, биз қалбимиз тўрида улуғ халқларимизнинг буюк ишонч туйғусини, меҳру муҳаббати ва азму шижоатини ҳамиша ҳис қилиб турдиклар.

Ана шу ишонч, ўзаро меҳр-оқибат туфайли биз давлатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, мол айирбошлаш, тўлов воситаларини бир маромга солиб олишга ва чегараларимиздаги сунъий тўсиқларни олиб ташлашга эришдик. Маълумки, бу ҳаракатга қирғиз биродарларимиз ҳам қўшилдилар.

Уч мамлакат ўртасида барпо этилган ягона иқтисодий маконга кўпчилик давлатлар, жумладан, Россия ҳам катта қизиқиши билан қарамоқда. Бу бизнинг ишларимиз, режаларимизнинг келажаги порлоқ эканидан далолат беради.

Аввалги учрашувларимиз чоғида мен бир гапни қайта-қайта айтган эдим. Бугун икки халқнинг Сиз, муҳтарам вакиллари олдида шу фикрни яна бир марта такрорлашни ўринли деб биламан: агар қозоқ ва ўзбек миллати бир бўлар экан, тарихимиз, тақдиримиз ва келажагимизни ўйлаб ҳамкор-ҳамқадам бўлиб яшар экан, бу бирликни, бу дўстлик қўргонини енга оладиган куч дунёда бўлмайди.

содий эркинликка эришиш ҳеч қаерда ва ҳеч қачон осон кечган эмас.

Ўзбекистоннинг жамиятда ислоҳот ўтказиш, эски буйруқбозлиқ тизимидан ҳуқуқий давлат ва бозор муносабатлари тизимига ўтиш борасидаги йўли халқимизнинг миллий хусусиятлари, руҳияти, дунёқараши, табиий шароитлари ҳамда мамлакатнинг бошқа ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда зўр қатъият билан амалга оши ёилмоқда.

Шу билан бир қаторда биз жаҳон ва баъзи давлатлар амалиётидаги барча ижобий тажрибалардан ижодий фойдаланмоқдамиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз мана шу учрашувимиэга, Сизларнинг ташрифингизга ҳам катта умид боғлаймиз, азиз дўстлар!

Ишончим комилки, Қозогистон давлатининг ҳурматли раҳбари, дўстим Нурсултон Абишевич Назарбоев бизнинг юртимизга ўз мамлакатининг энг етук кишиларини, етук мутахассисларини, илгор замонавий билимларга эга бўлган одамларни, катта ҳаётий ва хўжалик тажрибасига эга, ўз ишининг ҳақиқий усталарини бошлаб келган.

Ўзбекистоннинг дарвозалари Сизлар учун ҳамиша очиқ, азиз меҳмонлар. Бизнинг гаплашадиган гапларимиз кўп, ҳамкорлигимиз уфқлари кенг. Келинглар, ўзаро борди-келдиларимиз мунтазамлик касб этсин, биргаликда меҳнат қиласайлик, тажриба ва билимларимизни ўртоқлашайлик.

Ҳамкорлигимиз ажойиб самаралар беришига ишончим комил. Келинглар, олдимизда турган қийинчиликларни қўлни-қўлга берган ҳолда енгиб, бозор иқтисодиётини биргаликда қарор топтирайлик. Жаҳон аҳли бизнинг улкан имкониятларимизни кўрсин, бир-биримизга оға-ини, ишончли шерик ҳамда ҳаммаслак эканимизга амин бўлсин!

Қардош Қозогистоннинг муҳтарам Президенти!

Ҳурматли меҳмонлар!

Ўзбекистон ҳозир қудратли саноат барпо этиш, амалдаги обьектларни тубдан қайта қуриш юзасидан катта ишлар қилимоқда. Шу маънода қозогистонлик мутахассисларга ўзаро ҳамкорлик учун жуда катта имкониятлар бор.

Энг аввало иқтисодий мустақиллигимизни таъминлайдиган саноатнинг бутун негизини ривожлантириш, бой хом ашё, моддий ресурсларимиз асосида тайёр маҳсулот олишга қаратилган юксак технологик лойиҳаларни амалга ошириш — мамлакатларимиз олдида турган муҳим вазифадир.

Устувор йўналишимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни амалга оширишдан иборат. Чуники иқтисодиётни ривожлантириш ва ҳалқимиз фаровонлигини оширишнинг энг асосий манбалари қишлоқда жойлашган.

Халқларимизнинг энг оғир, азобли дарди — Орол фожиасидир. Бу муаммо ўзбеклару қозоқлар ҳаёти ва тақдирига бевосита алоқадорлигидан ташқари, оламшумул аҳамият касб этмоқда. Орол бўйи, унинг бойликлари, Сирдарё ва Амударё саковат билан инсонларга ҳадя этган инъомлар илгари сабиқ Иттифоқники бўлгани барчангизга яхши маълум.

Афсуслар бўлсинки, Оролбўйининг неъматларини барча "ягона совет ҳалқи" билан баҳам кўрган бўлсак, унинг "аччиқ мева"си — Орол ва Оролбўйи фожиаси, бу ҳалокатнинг экологик оқибатлари, ҳалокатдан қутулиш йўлларини қидириш — ёлғиз ўзимизнинг, Марказий Осиё ҳалқларининг иши бўлиб қолди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, асрлардан бери бу улуғ дарсларимиздан сув ичиб келган ва бугунги кунда ҳам ичаётган қардош ҳалқларимиз бу ўта машаққатли муаммони ҳал қилишга биргаллашиб киришди. Давлатларимиз бу йўлда ташлаётган муҳим қадамлар барчангизга яхши маълум.

Бугунги учрашувда барча муаммо ва масалалар хусусида гапирмоқчи эмасман. Сизлар жойларда бўлиб, одамларимиз, уларнинг ишлари билан танишасизлар. Сизлар бизнинг тажрибамизни ўрганишнингиз билар сизларнинг тажрибангизни ўрганганимиздек фойдали бўлишига ишончим комил. Бу учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги истиқболли, мунтазам, бузилмас алоқаларни ривожлантиришда муҳим қадам бўлишига шубҳа йўқ.

Муҳтарам дўстлар!

Биз ҳозир ижтимоий янгиланишнинг мураккаб ва қийин жараёнини бошдан кечирмоқдамиз. Оддимизга қўйган мақсад ва вазифаларимизни бажариш учун биринчи навбатда тинчлик ва барқарорлик зарур. Аммо, таассуфлар бўлсинки, ер куррамиз турли ташвиш, безовталик ва зиддиятларга тўла. Дам у ерда, дам бу ерда уруш олови ловиллаб турибди. Афсуски, бизнинг минтақамиз ҳам бу кулфатлардан холи эмас. Ҳалқларимиз ўртасида қўшни Тожикистон ва Афғонистонда юз берётган воқеалар катта ташвиш туғдирмоқда.

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг минтақада ялни тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги доимий саъй-ҳаракатлари бутун дунё аҳлига аён. Биз бундан кейин ҳам бу йўлда қўлимиздан келган барча ишни қиласиз.

Орамизга рахна солишга уринаётганлар шуни билиб қўйсинки, бизнинг қондошлигимиз, қардошлигимиз ва аҳиллигимиз абадийдир. Бироқ биз бирон сония бўлса-да, қушёрликни йўқотмаслигимиз, ҳалқнинг "ўзингга эҳтиёт бўл..." деган доно мақолини унумаслигимиз керак.

Қозоқ ва ўзбек ҳалқлари тарихнинг барча даврларида бирга бўлган, ёнма-ён қадам ташлаб, турмушнинг бор шодлигу ғанини бирга баҳам кўрган. Асрлар ўтган, ижтимоий тузумлар ўзгарган, бутун-бутун салтанатлар вужудга келган ва емирилиб кетган, ҳукмдорлар ўзгарган, бироқ қозоқ билан ўзбекнинг қондошлиги, қардошлиги ва дўстлиги барқарорлигича қолган. Янглишмасам, қозоқ ҳалқнинг "девор бузилар — пойdevor қолар, беклар кетар — ҳалқ қолар" деган мақоли бор.

Ҳозир дўстлигимиз, қардошлигимизнинг янги даври юз очди. Мустақил миллат, ўз мустақил ватанининг эгаси бўлган ҳалқларимиз янги тарихини бошлади. Бу тарих — эрк тарихи, балоғатга етиш, иқтисодий ва маънавий қад ростлаш, жаҳон ҳамдўстлигига ўз номи ва нуфузини барқарор этиш тарихи бўлажак.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда мен бизнинг юксак даражадаги учрашувларимиздан бирини эсладим. Биз ўшанда дўстим Нурсултон Назарбоев билан ҳалқларимизнинг буюк маънавий падари бузруквори Хожа Аҳмад Ясавийнинг хоклари жой олган муқаддас Туркистон заминда учрашган эдик.

Ўша учрашув бизнинг қалбларимизга шу қадар кучли ҳарорат ва ёғду баҳш этдики, бу ҳарорат ва ёғду бугунги кунда ҳам бизни олижаноб мақсад ва ишларга унда бурибди.

Дўстлигимизни, умумий хонадонимиздаги қондошлик ва аҳилликни, ҳалқларимизнинг тинч, осойишта ҳаётини кўз қорачиғидек асраш — барчамиз учун шараф ва бурч иши деб ўйлайман. Яна шуни айтишим лозимки, бу иш бизнинг инсоний бурчимиз, ўзларини ўзбегу қозоқقا ажратмаган аждодларимиз васиятига садоқатимиздир.

Ҳақиқатан ҳам ҳалқларимиз орасидаги қондошлик шу даражадаки, мамлакатларимиз ўртасида қандайдир чегаралар, турли иқтисодий ва бошқа тўсиқлар бўлишини тасав-

вур қилиш қийин. Шу маънода дўстим Нурсултон Назарбоев билан халқларимиз ўртасидаги фарзандлик бурчимишини адо этишимиз лозимлигини вақтида англаб, ягона иқтисодий маконни барпо қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни имзолаганимиз, кейинчалик бу фикрга яна бир дўстимиз, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ҳам қўшилгани бешиз эмас.

Адолат юзасидан эътироф этишим ва барчага маълум қилишим лозимки, бу ташаббус нафақат Қозоғистон, балки бутун Марказий Осиёда атоқли давлат арбоби, хизматлари бутун дунёда эътироф этилган Нурсултон Назарбоевдан чиққан эди.

Миллатларнинг ўзаро яқинлиги уларнинг оила қуриш масаласи билан ҳам белгиланиши барчага маълум. Бироқ, назаримда, қардошлиқ бўйича жуда катта билимдон дўстим Нурсултон Абишевич Назарбоев ҳам мамлакатларимизда ўзбеклар ва қозоқлардан туэилган нечта оила борлигини аниқ айтиб беролмаса керак. Албатта, у киши ҳам, мен ҳам мамлакатларимизда қанча қозоқ ёки қанча ўзбек яшашини айтишимиз мумкин. Бироқ, рости, мен ҳеч қачон Ўзбекистондаги қозоқларни ўзимизнинг миллатдан айри қўйишни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Биз — битта халқмиз. Мана шунинг ўзи ҳамма нарсани айтиб турибди.

Мен қозоқ халқининг Ўзбекистонни ўз ватани деб билган, бутуни ҳаётини уига баҳшида этган ўйлаб ва юзлаб фарзандларини санашим мумкин. Улардан бири — Қарши даштини ўзлаштиришдаги меҳнатларини биронта статистика бошқармаси ҳисоблай олмайдиган ажойиб чўлқувар, машҳур Султон Чегебоевдир.

Ёки бўлмаса, жамиятимизни маънавий қайта тиклаш юзасидан жуда кўп иш қилаётган Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Жондор Туленов, шунингдек, ёзувчи-олим, бизнинг қозоқча газетамизнинг муҳаррири Қолдиган Сейдановни олайлик.

Қозоқ миллатига мансуб биродарларимиз — Конимех туманидаги "Қарақат" жамоа хўжалигининг чўпони Жахсимиурод Сирманов, шу тумандаги интернат-мактаб ўқитувчиси Гулзира Аҳметова, томдиллик Абдурасул Пўлатов ва Тураги Сулаймонов, учқудуқлик Ҳайлигул Жанаева ва Айтбой Турдимуродов биз билан ёнма-ён яшаб, меҳнат қилаётганидан ҳақли равишда фахрланамиз.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Тошкент вилоятида истиқомат қилаётган қозоқларнинг ҳам кўпчилиги жуда машҳур бўлиб кетган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Комил Қўлдошев, хизмат кўрсатган ҳалқ таълими ходими Тожибек Бойирбеков, хизмат кўрсатган қурувчи Абдулла Опоқхўжаев, хизмат кўрсатган ўқитувчи Жамила Бексултонова шулар жумла-сиандир.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган, Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқаролари бўлмиш қозоқ ҳалқининг бу ажойиб ўғил ва қизлари ўзларининг фидокорона меҳнати билан бизнинг умумий бойлигимизни кўпайтирмоқда, маънавий қардошлигимизни мустаҳкамламоқда.

Азиз дўстлар, азиз меҳмонлар!

Мен яна жуда кўп ўзбекистонлик қозоқларнинг номини тилга олишим мумкин эди, бироқ дўстим Нурсултон Назарбоев уларни Қозогистонга олиб кетиб қолишидан қўрқиб, санашни бас қиласман. Чунки улар бизнинг ўзимизга керак.

Эҳтимол, дўстлар, менинг хавотирим ортиқчадир. Қозогистондаги ўзбеклар қозоқ замини билан туташиб кетгани сингари Ўзбекистондаги қозоқлар ҳам бизнинг замин билан туташиб кетган. Дўстлигимиз, маънавий қондош-қариндошлигимизнинг кафолати ҳам шулардир.

Муҳтарам дўстим Нурсултон Абишевич!

Азиз қозоқ биродарларим!

Бугунги зўр анжуманимиз — катта йўлнинг ибтидоси, бошланишидир. Туркистон озодлигини юз йиллар давомида орзу қилиб ўтган ота-боболаримизнинг руҳи бугун шод бўляпти.

Бу қутлуғ кун барчамизга муборак бўлсин!

Яна бир бор хуш келибсиз, қозогистонлик бовурларимиз!

Үйимизнинг, қалбимизнинг тўри сизники!

Сизларга сиҳат-саломатлик, омонлик, баҳту фаровонлик, ишларингизга зафар тилайман!

Яшасин улуғ қозоқ ҳалқи! Қозогистон ва Ўзбекистон ҳалқларининг дўстлиги дунё тургунча барқарор бўлсин!

Ўзбекистонда Қозогистон
кунларининг очилишига багишланган таштанали
йигилишида сўзланган нутқ.
1994 йил 23 май

ТОШКЕНТДАГИ 1 ХАЛҚАРО ТЕННИС ТУРНИРИ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА СҮЗЛАНГАН НУТҚ

Азиз дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Халқаро тенис беллашувининг ҳурматли қатнашчилари ва меҳмонлари! Спорт мухлислари!

Сизларни мустақил Ўзбекистонда ўтаётган биринчи халқаро тенис мусобақалари муносабати билан самимий қутлашга ижозат бергайсизлар.

Бугун, Ўзбекистонимизни дунёга танитган кўпгина тарихий воқеалар қатори, биринчи бор Халқаро тенис турнири бўлиб ўтапти. Бу мусобақага атаб қисқа вақт ичидаги қурилган ҳашаматли тенис спорти саройи ҳам илк бор дунёning кўплаб мамлакатларидан келган азиз меҳмонларни ўз бағрига оляпти.

Мана шу муҳташам спорт саройини бунёд этган инсонларга ва бугунги катта спорт анжуманини ташкил қилишда фаоллик кўрсатган дўстларимизга, хусусан, жаноб Сасон Какшурига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Ушбу турнирда дунёning 20 дан ортиқ мамлакати, жумладан, Германия, Америка Қўшма Штатлари, Италия, Багам ороллари, Россия, Испания, Швеция, Чехия, Австрия ва бошқа бир қанча мамлакатларнинг вакиллари қатнашмоқда.

Очиқ чеҳра ва очиқ кўнгил билан она диёrimизга, гўзал Ўзбекистонимизга келган барча спортчилар ва меҳмонларимизга: "Хуш келибсиз, азиз дўстларимиз!" деб айтамиз.

Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди. Бизнинг бу халқаро турнирдан кўзлаган мақсаду муддаомиз — Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги катта салоҳиятини юзага чиқариш, бунинг учун етарли шарт-шароитлар борлигини кўрсатиш.

Спорт — ўзбек халқига қадимий анъана. Ўзбекистонимизда юзлаб халқ миллий спорт ўйинлари билан бир қаторда замонавий спорт турлари ҳам ривож топаяпти.

Биз ёзи ва қишки Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Осиё биринчиликлари, чемпионатларида энг юксак гала-баларга эришган юртдошларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Спорт — тинчлик элчисидир. Бизнинг мақсадимиз ҳам — тинчлик, осойишталик ва шу асосда жаҳон аҳли билан ҳамкорлик қилиш.

"Соғлом танда — соғ ақл", дейдилар. Бизнинг яна бир мақсадимиз — ҳар томонлама камол топган, етук соғлом авлодни тарбиялашдир. Шу туфайли мустақил давлатимизнинг биринчи ордени ҳам "Соғлом авлод учун" деб аталди.

Соғлом авлодни эса спортсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ишончим комилки, мамлакатимизда сўнгти йилларда ўтаётган кўпгина халқаро мусобақалар қатори, тенис турнири ҳам бу хайрли ишимизга салмоқли ҳисса қўшади.

Фурсатдан фойдаланиб, мен яна бир нарсани алоҳида тарькидлаб ўтишни истардим. Спорт — спорт учун эмас, энг аввало, одамлар учун, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан комил инсонлар этиб тарбиялаш учун, ер юзидағи барча кишиларнинг тинчлик-осойишталиги, дўстлик ва ҳамкорлиги, баҳт-саодати учун хизмат қилиши даркор.

Мана шу маънода бугунги турнирнинг азалдан дўстлик ва тинчлик шаҳри деб донг таратган Тошкентда очилаётгани айниқса диққатга сазовордир.

Бу халқаро тенис мусобақалари Ўзбекистонда ондасонда эмас, балки ҳар йили ўтади ва дунёдаги шу хил турнирлардан қолишмайдиган бўлади, деб ишонаман.

Ҳурматли турнир қатнашчилари ва меҳмонлар! Спорт мухлислари!

Сизларга яна бир бор "қадимий ва навқирон Ўзбекистонимизга хуш келибсиз!" деб айтаман, мусобақаларда ва ҳаётингизда янги зафарлар, сиҳат-саломатлик, баҳт-саодат тилайман.

Рұксатингиз билан Ўзбекистонда ўтаётган биринчи халқаро тенис турнирини очиқ деб эълон қиласман!

ЭЛ МАНФААТИ — ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ

1994 йил 25 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида йигилиши бўлди. Унда Тошкент шаҳрида, шу жумладан, шаҳар бозорларида савдони ташкил этишининг аҳволи ва Давлат солиқ қўймитасининг савдо-сотиқ фаолияти билан машғул юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан амалдаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш борасидаги ишлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги, шунингдек алоқадор вазирликлар, идоралар, концерн ва уюшмалар раҳбарлари ушибу йигинда иштирок этдилар.

Йигилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Ислом Каримов йигилишни очар экан, мамлакатимиз катта тарихий воқеа арафасида турганини, мустақиллик нинг белгиларидан бири бўлган миллий валютага ўтиш жуда масъулиятли ва мураккаб иш эканини қайд этди. Ана шу сабабли биз миллий пулимиини жорий этиш олдидан у амалга киритилганда вазият қандай бўлишини яна бир карра чуқур ўйлаб кўришимиз, тегишли чораларни амалга оширишимиз лозим, деди Президент. Утган даврда бу борада катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Биз миллий пулни мустаҳкамлаш учун бажариладиган ишларнинг уч йўналишини аниқлаб олдик. Булар — истеъмол бозорини сифатли моллар билан тўлдириш, пул муомаласи, молия тизимини тартибга солиш ҳамда мамлакатимизнинг экспорт имкониятларини кенгайтира борищдан иборат.

Йигилишда янги пул жорий этилиши осон кўчиши учун тушунтириш ишларини янада кучайтириш лозимлигига

зътибор қаратилди. Маълумки, жаҳон тажрибасида янги валютага ўтишнинг дастлабки пайтида фуқароларда беҳаловатлик, таҳлика зоҳир бўлиши қузатилган. Янги пул барқарорлашгач, бу ҳолат тезда ўтиб кетади. Ислом Каримов мамлакатимиизда бу даврнинг ғоят қисқа кечишини таъминлашга эришиш зарурлигини таъкидлади. Ана шу сабабли бозордаги нархларнинг кескин кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик, ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи орасига тушиб олган баъзи олибсотар ва чайқовчиларнинг фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш, уларнинг пайини қирқиш лозимлигини уқтириди.

Бозор иқтисодиёти савдо тизимиға эркинлик берилишини, унинг хусусийлаштирилишини тақозо этади, деди жумладан Президент. Шу боис, биз бу соҳага қулай имкониятлар яратиб бердик. Ишлаб чиқариш, савдо хизматини яхшилаш борасида талай ишлар қилинди. Буларнинг бари истеъмолчи, яъни мамлакатимиз фуқароларига яратилган қулайликлардир. Бироқ, бу эркинликдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, олибсотарлик йўлига ўтиб олган баъзи нопок кимсалар дўконлардаги маҳсулотларни олиб, уларни бир неча карра қимматига пуллаш, шу йўл билан текин даромад топишга уринмоқдалар. Бунинг оқибатида дўконларда сотилиши лозим бўлган моллар ўша "чаққон"лар қўлига ўтиб кетаяпти. Бунга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Чунки бу с尔да оддий меҳнаткашнинг, истеъмолчининг манфаатларига катта зиён етказилияпти.

Кўчаларда ёш-ёш болалар олибсотарлик билан шуғулланётгани ғоят ачинарлидир. Бу ёшлар ўзларининг маънавий камолини ўйлаши лозим бўлган бир пайтда ана шу ишлар билан машғулдирлар. Бунга табний ҳол деб қараш маънавиятимизга катта зарар етказиши ҳеч гап эмас. Ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳалла қўмиталари фаолияти орқали бундай кўнгилсиз ҳолларнинг олдини олишга эришиш даркор.

Айрим шахслар тегишли ҳужжатсиз, давлат санитария идораси рухсатисиз сифати ноаён озиқ-овқат маҳсулотларни сотиш билан шуғулланмоқда. Бу фуқароларимиз соғлигини хавф остига қўяётир. Йиғилишда шу ўринда Давлат солиқ қўмитаси ўз вазифасини кўнгилдагидек бажармаётгани таъкидлаб ўтилди. Ваҳоланки, бу қўмита ўз ишини амалга ошириш учун етарли ваколатларга эгадир.

Бозорларда ҳақиқий дәхқоннинг савдо қилишига йўл қўймаётган, у етиштирган маҳсулотларни арzon-гаровга сотиб олиб, бозорни атайин қимматлаштиришдан манфаатдор гуруҳлар пайдо бўлмоқда. Айрим маҳаллий ҳокимликлар, бозор қўмиталари бувдай салбий ҳолга панжга орасидан қараб келяптилар.

Ислом Каримов юқорида қайд этилган вазиятни ўнглаш учун бозор қўмиталари ва Давлат солиқ қўмиталари ишини зудлик билан яхшилаш лозимлигини таъкидлади. Уларнинг фаолиятларини ўйғунлаштириш, керак бўлса, бу ишга милиция органлари ходимларини жалб этиш зарурлигини уқтириди. Мазкур масалага ғоят эҳтиёткорлик билан ёндашиш, амалдаги қонунчиликдан чекиниш ҳолларига йўл қўймасликка даъват этди.

Бозор — ҳаётимиз кўзгуси бўлиб қолиши керак. Биз бозорга бефарқ қарамаслигимизнинг боиси шундаки, фуқароларимиз маошларининг кўп қисмини шу ерда сарфляптилар, деди Президент. Айрим фуқароларимиз бизга нархларни эркин қўйиб юбориш мақсадга мувофиқ эмаслигини маслаҳат бериб мактуб ёзяптилар. Мен уларнинг ташвишини тушунаман. Дарҳақиқат, бозорни сифатли моллар билан тўлдирмасдан, ишлаб чиқаришда рақобатни қарор топтирмасдан бу ишни қилиш хатарли. Бироқ, биз бозор иқтисодиётини таиладикми, нархларни эркинлаштиришга мажбурмиз, охир-оқибатда шунга келамиз. Буска маҳсулотг ўйл-кўйлтигига, фуқароларимиз ҳаётининг фаровонлашувига эришиб бўлмайди. Аммо шуни унумаслик керакки, эркин бозор иқтисодиётига ўтиш бозорни ўз ҳолига ташлаб қўйишни англатмайди. Биз Давлат солиқ қўмитаси ва бозор қўмиталари ёрдамида уни назорат қилиб, бу ерда тартиб ўрнатишимиш керак. Ислоҳотни амалга оширишда давлат ташаббускор бўлар экан, у ислоҳотнинг муваффақиятини таъминлашга масъуллар.

Йигилишда Тошкентда ва республикамизнинг бошқа вилоятларида яхна ичимликлар билан савдо қилишдаги нуқсонлар кўрсатиб ўтилди. Айниқса, ёз мавсумида эҳтиёж юқори бўлгани бу каби маҳсулотларни аҳолига етказиб бериш, уларнинг олибсотарлар қўлига ўтиб кетмаслиги чораларини кўриш лозимлиги уқтирилди. Бунинг учун ихтисослаштирилган дўконлар тармоғини кенгайтириш, хорижий фирмалар билан ҳамкорликда ушбу муаммони ҳал

Этадиган қўшма корхона қуриш, мавжуд корхоналар цехларини кенгайтириш имкониятлари ўрганилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

"Ўзбексавдо", "Ўзозиқовқатсаноат", "Ўзбекбирлашув", республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа тегишли ташкилотларга бу борадаги камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондирин чора-тадбирларини кўриш, турли йўллар билан шахсий бойлик орттириш пайида ислоҳотга тўсиқ бўлаётган айрим нопок гуруҳларнинг фалиятига чек қўйиш вазифаси топширилди.

ИЛМУ ФАН МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Мұхтарам дүстлар!

Абвало, сизлар билан, Ўзбекистон фани ва келажаги учун катта хизмат қилаётган, әл-юрт орасыда таниқли ва ардоқлы инсонлар билан учрашганимдан бениҳоя мамнун эканимни изҳор этишга, ҳамманғизга сиҳат-саломатлик, мамлакатимиз равнақи йўлида қилаётган меҳнатингизда омад ва янги зафарлар тилашга ижозат бергайсиз.

Маърузани бошлишдан олдин, кейинги сайловда менинг камтарона хизматларимни юксак баҳолаб, Фанлар академияси каби улуғ ташкилот аъзолигига яқдиллик билан номзодимни тасдиқлаганингиз учун сизларга чин қалбимдан самимий миннатдорлик изҳор этаман. Бу мен учун катта ишонч ва буни мамлакатда ўтказилаётган сиёсатни илму фан аҳли қўллаб-қувватлаётгани белгиси деб биламан.

Одамзод ҳаётида шундай қувончли воқеалар бўладики, улар ҳеч қачон унутилмайди, умрбод ёдда сақланади, унинг авлодлари томонидан ҳам фахр билан тилга олинади. Ана шу маънода академиклик илмий унвонита сазовор бўлишимни — менга ишонч билдирган атоқли олимларимиз олдида узилмас қарз, деб тушунаман.

Сизлар — зукко илм аҳли билан учрашишим, ҳаётимизда рўй бераётган тарихий воқеалар, бошимиздан ўтаётган катта-катта муаммолар, уларни счишга қаратилган режалар, дастурлар ва ҳаракатлар ҳақида фикр алмашиб, сизлардан маслаҳат олиш, керак бўлса, мадад олиш ҳар қайси раҳбарнинг вазифаси деб ҳисоблайман. Негаки, бу маслаҳатлар инсонга куч-қувват бағишлайди, иродасини тоблайди.

Албатта, сизлар давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлардан хабардорсиз. Бугунги ҳаётимизни ҳам яхши биласиз. Шу сабабли, мен энг муҳим масалалар билангина чекланмоқчиман.

Мустақил Ўзбекистон амалга ошираётган сиёсат хусусида гапиар эканмиз, мамлакатимиз ҳәтидаги энг муҳим ўзгариш — дунё ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирганимиз бўлди. Ўзбекистон давлати ундан ўзининг муносиб жойини эгаллади. 130 дан ортиқ давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Дунёнинг энг йирик ва энг нуфузли давлатларининг элликдан ортиқ элчихонаси пойтактимиз Тошкентда фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг салоҳияти, унинг порлоқ келажаги ҳамма тарафидан тўлиқ эътироф қилинмоқда ва очиқ тан олинмоқда. Дунёда Ўзбекистонни билмаган давлат қолмади, деб айтсак, ҳеч муболага бўлмайди.

Қолаверса, Ўзбекистон бугун Марказий Осиё минтақасида нафақат жуғрофий, балки ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан марказий ўринини эгаллади. Бу ҳақиқатни фақатгина қўшиларимиз эмас, балки бизнинг бугунги сиёсатимизни кузатиб турган узоқдаги давлатлар ва уларнинг раҳбарлари ҳам тан оляпти.

Мамлакатимизнинг ташқи дунё билан сиёсий ва иқтисодий алоқалари кун сайин ривожланиб бормоқда. Мана, шу йилнинг олти ойини олиб қарайлик, шу вақт мобайнида Хитой Давлат Кенгашининг Раиси Ли Пэн, Франция Президенти Франсуа Миттеран, Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам жаноблари Ўзбекистон меҳмони бўлди. Ўзбекистон давлат делегациялари эса Ҳиндистонда, Японияда ва Туркияда бўлиб қайтди.

Расмий, норасмий музокара ва учрашувлар чоғида кўплаб халқаро масалалар, ўзаро сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорлик масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Ўнлаб муҳим ҳужжатлар имзоланди. Чет эллик ҳамкорлар билан тенг ҳуқуқий ва ўзаро фойдали йирик лойиҳалар тузилди ва амалга оширила бошланди.

Ўзбекистоннинг 2-3 йил мобайнидаги халқаро фаолияти, имзоланган муҳим халқаро ҳужжатлар, жаҳондаги энг йирик, нуфузли давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манбаатли алоқалар ўрнатилиши, мамлакатимизга оқиб келаётган йирик сармоялар давлатимизнинг ҳақиқатан ҳам келажаги буюк, деб комил ишонч билан гапиришга асос бўла олади.

Ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатимиз, ҳаракатларимизнинг асосий мақсади — халқимиз манбаатларини ўйлайдиган,

уига фаровонлик ва эркинлик ато этадиган адолатли демократик жамиятни барпо этишдир.

Халқимиз, жамиятимиз қўллаб-қувватлаган мана шу кейинги икки-уч йил давомида қандай ишлар амалга оширилди?

Энг аввало, халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқариб, ўзимизнинг мустақил давлатчилигимизни шакллантиридик. Мустақил, озод суверен давлатнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Мамлакат Конституцияси, давлат ва жамиятнинг мақсад ва вазифаларини белгиловчи ва йўлга солиб турувчи бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Ижтимоий муносабатларнинг жамиятимиз учун мутлақо янги асослари, хусусий мулк ва кўп укладли, дунё сари юз тутган очиқ иқтисодиёт пайдо бўлмоқда ва ривожланмоқда.

Жаҳондаги энг илғор тажрибани инобатга олган ҳолда, бозор муносабатларига хос янги иқтисод, молия, банк-кредит, тижорат тизимлари барпо этилаяпти.

Биз эски мустабид, маъмурӣ-буйруқбозликка асосланган тақсимотчилик тизимидан воз кечдик. Ягона мафкурачилик, ҳаётнинг барча соҳаларида КПССнинг мафкуравий тазиёки ва зўравонлигини йўқотдик, янги тарихимиз, ҳаётимиз саҳифаларини очдик.

Буюк аждодларимизнинг бекиёс маънавий мероси, минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизни тиклай бошладик. Динимиз ва тилимизга қайтдик, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, хулас, инсон маънавиятига дахлдор барча бойликларимиз қайтадан қад ростлаяпти. Одамларда ўзлигини англаш, миллий ғурур, орият, ўтмишдан фахрланиш, порлоқ келажакни барпо этишини ўз қўлимига олганимиздан ғурурланиш каби туйғулар камол топаяпти, уларнинг бугунги ва эртанги кунга ишончи ортиб бораяпти.

Ўз олдига демократик давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этишини мақсад қилиб қўйған давлат, жамоат ташкилотлари ва тизимлари шаклланмоқда.

Мамлакатимизнинг дунё иқтисодиётига интеграцияси кучайиб, чет эллик сармоя эгаларининг Ўзбекистонга қизиқиши ва улар олиб келаётган инвестициялар ҳажми кенгаймоқда.

Энг муҳими, кишиларнинг дунёқараси, меҳнатга муносабати, меҳнатни рағбатлантириш манбалари, сабаблари,

ҳаётга муносабати ўзгармоқда, улар демократик давлат ва бозор иқтисодиёти қадриятларига кўпроқ дохил бўлмоқдалар.

Янги валютага — миллий пулимизга ўтишимиз ҳаётимизда катта тарихий воқеа бўлди. У тақдиримизда ўчмас из қолдиради, келажагимизда улкан аҳамият касб этади. Энг муҳим вазифа — ана шу миллий валютамизниг кучини, қудратини, хариц қобилиятини белгилаш, унинг жаҳон миқёсидаги ўрни, обрўсини жойига қўйишдир. Шу мақсадда зарур дастурлар амалга оширилаяпти. Бу борадаги биринчи вазифа — унинг ички конвертациясига эришишдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, муддао ва мақсадимиз аниқ. Шу мақсад ва муддаоларга эришиш учун пухта ишланган дастурларимиз ва амалга оширилган ишларимиз, ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўл — сиёсатимизнинг халқимиз томонидан қўллаб-қувватланиши — бизнинг энг катта ютуғимиздир. Халқимиз мамлакат олдида турган вазифаларни қанчалик самимий қабул этса, уларни ўзларининг хусусий манфаатлари билан чамбарчас боғласа, шу мақсадларни амалга оширишга бел боғлаб ҳаракат қиласа, бунинг ҳосили — самараси ҳам шунчалик тез кўзга кўринади.

Яна бир бор таъкидлаб айтаман, халқнинг келажакка ишончи энг катта куч, энг катта бойлик, истиқлоннинг энг буюк гаровидир. Барча режаларни амалга оширувчи, тақдиримизни ҳал қилувчи мақа шу омилдир.

Мана шу билдирилган, зикр этилган фикрларнинг маъноди ва аҳамияти жуда катта деб ўйлайман. Агар мендан бугунги ҳаётимизда аниқ сиёсатимизни ўтказиша энг оғир муаммо нима, деб сўралса, аввало, шу сиёсат учун, керак бўлса жонини фидо этадиган раҳбарларни, жонкуяр ижро-чиларни топиш, деб жавоб берган бўлур эдим. Энг муҳим вазифа — шундай одамлар сафини кенгайтириш, ҳар қайси соҳада, бошқарувда, тармоқларни идора этишда, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда ана шундай фидойи ва жонкуяр одамларни топиб, жой-жойига қўйишдан иборатдир.

Бу масаланинг бугунги ҳаётимизда аҳамияти ортиб бораётгани, алоҳида ўрин тутаётгани бежиз эмас.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, 70—75 йил давомида бизга бутунлай бошқача тарбия берилган. Кўпчилик фаоллари-

мизнинг ҳам суюги ўша тарбия билан қотган. Биз энди янгича фикрлайдиган, замонавий талаблар асосида ишлайдиган кишиларни тарбиялашимиз, вояга етказишимиш зарур. Яқин ўтмишишимизга танқидий кўз билан қараб, ижобий ишларни саралаб олиб, бугунги кунга мос келмайдиган ва йўлишимизга тўсиқ бўладиган ишлардан ва сиёсатдан возкечишимиз лозим.

Албатта, эски сиёсатдан воз кечиши жуда осон. Аммо янгича сиёсат юритиш, янгича фикрлаш — ғоят мураккаб ва бу бир кунда ҳал бўладиган иш эмас. Буниинг учун анча вақт ва катта масъулият керак. Замон олдида, халқ олдида, жамият олдида масъул эканимизни ҳар дақиқа теран ҳис этиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам жамиятни ислоҳ этишда янгича, замонавий фикрловчи кишиларга таянишни мен ҳал қилувчи омил деб ҳисоблайман. Бу масаланинг ҳайётимизнинг барча тармоқларига, шу жумладан, илму фан соҳасига ҳам бевосита дахли бор.

Муҳтарам дўстлар!

Бизда келажакка катта умид ва ишонч бор. Ўзбекистон келажакда буюк давлат бўлади, деган сўзлар дабдабали шиор эмас, балки теран ўйлаб, ҳисоб-китоблар негизида чиқарилган асосли холосадир.

Биринчидан, бизда буюк тарих ва буюк маънавий мерос бор. Халқимиз ва давлатимизнинг тарихий илдизлари ғоят чуқур, қурилаётган муҳташам иморатимизнинг пойdevори жуда бақувват. Буюк маданиятга эга бўлган миллатнинг истиқболга умид билан қараши мутлақо табиий ҳолдир.

Иккинчидан, мамлакатимизнинг беҳисоб ер ости ва ер усти бойликлари, табиати, иқлими қулай экани ҳам шундай холоса чиқаришга имкон беради.

Учинчидан, меҳнаткаш, гайратли, бунёдкор халқимиз бор.

Лекин яна бир буюк хазинамиз борки, бу — мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳияти, ақлий бойлигидир. Бу бойлик бизга ўтмиш аждодларимиздан мерос бўлиб қолган. Сиз, муҳтарам олимларимиз, ана шу буюк бойликнинг ворисларисиз.

Республика мустақиллиги ва келажаги ҳақида тапирадиган бўлсак, бу, энг аввало мамлакатимиздаги интеллектуал бойликдан оқилона фойдаланишимизга боғлиқ экани аён бўлади.

Ақлий меңнат туфайли тарақкий топган давлатларни олиб қарайлик. Япония ёки Жанубий Кореяning бизникидек улкан табиий бойликлари борми? Йўқ. Лекин дунёнинг энг илғор технологияси ана шу мамлакатларда жойлашган. Мен бу давлатнинг бугунги бойлиги ва тез ривож топиши, энг нуфузли ва энг құдратли давлатлар сафига кириши сабабларини, аввало, шу жамиятнинг, шу халқларнинг ўз интеллектуал бойлигидан оқилона фойдаланиши, бу мамлакатларда яшаётган инсонларнинг ўз бурчига, ўз вазифасига вижданан ва масъулият билан қарашида, деб биламан.

Ўз тарихи, ўз меросига юксак ҳурмат, шу билан бирга, жаҳондаги энг катта ҳазина ҳисобланмиш интеллектуал салоҳиятни ўз ҳаётида, ўз иқтисодида мужас-самлаштириш — ана шу давлатларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий бойлиги асосини ташкил этади, деб айтсак, янгишмаган бўламиш.

Лекин бир ҳолни очиқ айтишимиз керак. Япония ва Жанубий Корея тажрибасини, ҳаётини ўрганяпмиз. У ерга фаолларимиз ва мутахассисларимиз бориб келяпти. Уларнинг вакиллари ҳам юртимизга тез-тез келиб турибди.

Шундай бир табиий савол туғилади: ўзгаларнинг, жумладан, Япония ва Жанубий Корея тажриба-хулосаларини билиб-кўриб туриб, нега ўз интеллектуал бойлигимизга бошқача кўз билан қараймиз? Нега шу бойликдан тўғри фойдаланмаймиз?

Буни энг катта камчилик, бепарволик ва саёз фикрлашнинг яққол тасдиғи деб тушунмоқ керак.

Қани, айтинглар: академияда тўпланган илмий потенциални, мамлакатдаги илмий салоҳиятни, ҳеч бўлмаса, назарий жиҳатдан бирор бир киши ҳисоблаб чиқсанми? Шунинг аниқ ва тўлиқ ҳисоб-китоби борми?

Ахир Ўзбекистонда дунё кашфиётларига муносиб ҳисса қўшган олимлар кам эмас. Тўғри, Россия, Украина ва Белорусда йирик илмий мактаблар мавжуд. Лекин Ўзбекистон илмий салоҳиятнинг айрим соҳаларида улардан қолишадиган жойи йўқ, деб ўйлайман.

Бизнинг яна бир устунлик тарафимиз шуки, катта билим ва тажриба эгалари, баъзи мамлакатлардагидек, чет элларга кетиб қолаётгани йўқ. Олимларимиз Ватанга хизмат қилишга доимо тайёр. Уларда Ватан туйғуси барча нарсадан устунроқ. Мен бирорта йирик олимимизнинг четга кетиб қолганини билмайман. Бундан фахрланиш керак,

азиз биродарлар! Мен буни миллатнинг нуфузи, буюк фазилати деб ҳисоблайман.

Мұхими — мавжуд илмий потенциалдан фойдаланиш, шу потенциални тезроқ ишга солиш. Гапнинг рости, кейнги 3—4 йилда бу масалалар ечилиши у ёқда турсин, умуман, у давлат назоратидан четда қолди. Ақвол жиғдийлашиб кетди. Буни очиқ тан олишимиз керак.

Албатта, масаланинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Масаланинг объектив томони шундаки, түпланиб қолған муаммолар бугун бошимиздан кечәётган умумий инқироз билан бөзлиқ. Чунки фан ҳам мамлакатимиз сингари сабиқ Иттифоқ таркибида эди. Айтмоқчиманки, мавжуд муаммоларни биргина академиянинг фожиасига айлантиrmасдан, уларга умумий инқироз доирасидан туриб қарашимиз лозим. Ана шунда унинг объектив сабабларини түғри англаймиз ва бу соңадаги олдимизда турған муаммоларни ечиш йўлини топишимиз мумкин.

СССР даврида Фан ва техника комитети бўлиб, у фанга буюртмалар берар ва маблағ билан таъминлар эди. Академия эса жорий иқтисодий муаммолар хусусида бош қотирмасдан, йирик илмий лойиҳалар ва дастурлар устида ишлар эди.

Энди бугунги ақволимизга бир назар ташласак. Республикада сабиқ Госплан ўрнига Истиқболстат деган ташкилот тузилди. Бу ташкилот мамлакатнинг истиқбол режаларини белгилаб бериши керак эди. Республика истиқболидан келиб чиқиб, устувор йўналишларга боғланиб, қисқаси, давлатимизнинг тараққиёт стратегиясини инобатга олиб, илму фан, техника олдига, жумладан, академия олдига ҳам аниқ давлат буюртмаси — закази бериши, ана шу буюртмага қараб академия институтларига етарли маблағ ажратилиши керак эди. Амалда эса, ақвол мутлақо бошқача.

Фан соҳасидаги сиёсатга келсак, узоқ муддатни қўя турайлик, ҳатто 5—10 йилга мўлжалланган оддий бир стратегия ҳам йўқ. Демак, олимлар ўз билганиларича ишляяптилар. Лекин бундай тарқоқ тадқиқотлар самарасиз бўлиши табиий. Илмий йўналишлар орасида узилишлар юзага келган. Натижада ҳар ким ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ҳар ким ўзича ишляяпти.

Режалар аниқ қўйилмаган, бунинг устига, ташкилотчилик ва талабчанлик паст бўлган жойда ҳар кил эътиroz ва тушунмовчиликлар пайдо бўлиши муқаррар.

Умуман, фикримча, академия тизимидағи барча норозилик ва келишмовчиликлар турли гурухларнинг пайдо бўлишидан, режалаштириш ва маблағ тақсимлашдаги хатолардан келиб чиқади. Адолат бузилган жойда норозилик кучайиши табиий.

Энди мамлакат Фан-техника давлат қўмитаси хусусида тўхтальсак. Бу ташкилотни биз катта орзу-умидлар билан тузган эдик. Орадан анча вақт ўтди. Бироқ у ҳақиқий давлат идораси даражасидаги нуфузга эга бўлолмади. Бу ерда ўтирган мансабдор олимлар фан соҳасида давлат сиёсатини белгилаш ўрнига, мавжуд давлат буюртмалари ни ўзларига яқинроқ бўлган олимларга бериш билан овора бўлди. Майда манфаатлардан воз кечиб, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини кўзлаш, Ўзбекистон илм-фани ва техникаси тараққиёти билан шуғулланиш ҳозирча Фан-техника қўмитаси қўлидан келмаяпти.

Ўйлайманки, Фанлар академияси Фан-техника давлат қўмитаси билан ҳамкорликда илмий-техникавий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш, янги изланишларни йўлга қўйиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида ҳамкорликни ташкил этса, аҳвол ўзгариши мумкин. Акс ҳолда улар ўртасидаги жарлик қанчалик чуқурлашса, ислоҳотларимизга щунчалик зарар етади.

Биз кучларни бирлаштирмасак, илмий изланишлар са-марадорлигини оширмасак, илмий муассасаларда соғлом ижодий муҳитни барқарор қилмасак, эришган ютуқларимизни мустаҳкамлай олмаймиз. Халқимизнинг олимларга, зиёлиларга азалдан меҳр-муҳаббати бекиёс. Улар билан фаҳрланиб юради.

Ўзбекистоннинг келажаги тўғрисида ўйлаганимизда, уни Фанлар академиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Академия эса миллат фаҳри, мамлакат обрў-эътиборининг рамзига айланиши керак.

Мамлакатимизнинг турли вилоятларида ҳар хил даражадаги илмий муассасалар фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз минтақаларида мавжуд бўлган муаммоларни ўрганиш ва шу минтақа тараққиётига боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш билан шуғулланмоқда. Ана шу минтақавий илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги номутаносибликни ҳам бартараф этиш алоҳида эътиборни талаб қиласди.

Минтақаларда мавжуд илмий ташкилотлар, олий ўқув юртлари ва корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш яхши самара беришини унутмайдык.

Академик фанни ривожлантириш қанчалик зарур эканини ҳаммамиз тушунамиз. Агар давлат ўз манфаатини кўзлаб, илму фан тараққиётининг аҳамиятини түғри англаса, ўз бюджетидан керакли ҳажмдаги маблағни ажратиб бериши даркор.

Модомики, мустақиллик, истиқлол тақдири илмий-техника тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ экан, илму фан аҳволига ва келажагига бефарқ қарай олмаймиз. Республикализмининг кучли илмий ва техникавий салоҳиятини назарда тутсак, халқ хўжалигининг барча тармоқларига даҳлдор бўлган илмий йўналишларни янада аниқроқ белгилаб олишимиз талаб этилади.

Дунё тажрибаси кўрсатиб турибдики, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда фан ва техникани тараққий эттиришда, аввало, бу соҳани давлат томонидан бошқариш ва кўмак бериш муҳим ўрин тутади.

Лекин, шу билан бирга, биринчи навбатда фундаментал, назарий тадқиқотлар-изланишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳсус академик жамғарма ташкил этиш керак. Унинг маблағлари ҳам миллий, ҳам қадри баланд хорижий валютадан иборат бўлиши керак.

Албатта, асосий кўмак давлат томонидан берилади. Лекин мамлакатимизнинг иирик концерн ва уюшмалари, масалан "Ўзбекнефтгаз", "Ўзмевасабзавотузумсаноат", "Ўзбекенгилсаноат" каби бадавлат ташкилотлар ҳам бу жамғармага ҳомийлик қиласи, деб ишонамиз.

Жамғармани бошқариш ва ундаги маблағларни тақсимлаш Фанлар академияси президиумига топширилади. Унинг ҳайъатини тузищ ҳам президиум ихтиёрига берилади. Ўйлайманки, бундай маҳсус жамғарма жуда кўплаб илмий муаммоларни ечишда фаол кўмакчи бўлади.

Азиз дўстлар!

Табиийки, биз бугунимизни ҳам фан-техника тараққиётисиз тасаввур эта олмаймиз. Жаҳон цивилизациясига даҳлдор бўлган энг замонавий илмларни эгалламай туриб мамлакат тараққиётини таъминлаш қийин. Шунинг учун ҳам бугун сиз билан академия ва унинг фаолиятига доир масалалар ҳақида очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз зарур, деб ўйлайман.

Бириничи навбатда, илму фаннинг ривожи ва ўсишига тўсиқ бўлаётган баъзи субъектив сабаблар ҳақида, академияни, унинг институтларини бошқариш, бу борадаги тушунмовчиликлар, баъзан пайдо бўлаётган зиддиятлар ҳақида ҳам гаплашиб олсак.

Бир ҳақиқатни барчамиз теран англаб етишимиз керак: давлат, жамият ва жамоа манфаатларини ўз шахсий манфаатларимиздан устун қўймасак, ишимиз олға силжимайди ва баракаси бўлмайди.

Ўзбек фани, ўзбек техникасининг оламшумул обрў-эътибори барча шахсий икир-чикирлардан, майда-чуйда гаплардан, ўзаро келишмовчиликлардан юқори туриши лозим.

Таассуфки, ҳозиргача ҳам бир-биридан аразлашиш, бир-бирининг йўлини тўсиш каби ҳолларни учратиш мумкин.

Бугунги йигилишдан муддао камчиликларни очиб ташлаш, бир-бирилизни фош этиш эмас, балки масалага холислик билан ёндашиб, академия фаолиятини тубдан ўзгартириш, юз берган инқироздан чиқиб олиш йўлларини излашдан иборатдир.

Умуман, Фанлар академияси шундай бир даргоҳки, у ўзига нисбатан алоҳида ёндашувни талаб этади. Унга ишлаб чиқариш корхонаси эмас, илмий тафаккур, ихтиро-чилик ва яратувчиликнинг йирик маркази сифатида ёндашиш ҳамда ҳар бир олимнинг ўзига хос эҳтиёжидан келиб чиқиб муносабатда бўлиш тақозо этилади.

Ҳар бир олим — ўзига хос бир дунё. Илмий ишни ҳеч қачон буйруқ, топшириқ ва кўрсатмалар билан бажариб бўлмайди. Умуман илму фанни ҳеч қачон қолипга солиб бўлмайди. Унинг ўзига хос ривожланиш қонуниятлари борки, биз буни албатта, инобатга олишимиз керак.

Мамлакат тараққиётида фундаментал фан муҳим ўрин тутади. Бу борада, яъни фундаментал фанни ривожлантириш учун Фанлар академиясида яхшигина тажриба ва имкониятлар бор.

Агар фанни улкан бир дарахт деб тасаввур қилсак, тадқиқотлар унинг илдизини ташкил этади. Зоро, илдиз қанчалик бақувват, чуқур кетган бўлса, дарахт шунчалик барқ уриб яшнайди, кўп ҳосил беради.

Мамлакатимизда фундаментал тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, узоқни мўлжаллаб, олис истиқбол тараққиётини кўзлаб иш тутиш лозим. Фундаментал фанга

умид билан қарашимиз, унга кенг йўл очиб беришимиз даркор.

Мисол тариқасида бўлса-да, пахтачилигимиз келажаги учун генетик олимларимизнинг қўшган ҳиссаси ва шу фаннинг аҳамиятини таърифлашга зарурат йўқдир.

Замон қишлоқ хўжалигига, жумладан, пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, пиллачилик ва бошқа соҳаларда, айниқса, мелиорация ва ирригация, тупроғимизнинг унумдорлигини ошириш бобида мавжуд изланишларни, агротехника ва агробиологик усулларни жиддий ўзгартиришни, жаҳоннинг энг илғор тажрибаларини қўллаб-куватлашни ва жорий этишни тақозо қилмоқда.

Деҳқончилик ва умуман ишлаб чиқаришни фан негизида, айниқса, назарий, фундаментал фан асосида қайта қуроллантирмас эканмиз, мамлакат тараққиётини тезлаштиришимиз амримаҳол.

Яхши биламизки, илму фан даргоҳларида, жумладан академия институтларида энг оқсоқ ва энг начор жой, энг ечилмаган муаммо, бу илмий-тадқиқотлар натижаларини ҳаётга татбиқ этишдир.

Бу масалани ҳал этишда олимларимиз зими масига ҳам худо берган иқтидори билан кашф этишни, ҳам шу кашфиётларни амалга оширишдек икки вазифани баробар юкласак, ўта адолатсизлик бўлур эди.

Очиқ айтиш керак: илгари ишлаб чиқариш соҳаси, корхоналар илму фан, илмий-тадқиқотлар натижаси билан мутлақо қизиқмасди. Илмий кашфиётларни излаш, уларни дунёning бирор бурчагидан топиб келиб амалда қўллаш, унинг ортидан фойда кўриш эски ишлаб чиқариш тизимига мутлақо ёт эди. Нега деганда рақобат бўлмаган, боқимандалик, давлат ҳисобидан кун кўриш кайфияти устун бўлган жойда бундай илғор тартиб ва ёндашув мутлақо бўлмаслиги табиийдир. Оқибатда илму фан билан ишлаб чиқариш ўртасида жуда катта узилиш, жарлик пайдо бўлди. Зиддиятнинг асосий сабаби ҳам шунда. Бу масалани ечмасдан, ишлаб чиқаришда банд бўлган фаоллар ва жамоаларни илму фан тараққиётига қизиқтирмасдан илмий изланишлар натижаларини ҳаётга татбиқ этишни ҳал қилиб бўлмаслиги аён ҳақиқатдир.

Бугун академия институтларида, жумладан техник ва табиий фанлар соҳасида изланишлар олиб борадиган физика, химия, биология, геология, математика, механи-

ка ва бошқа институтларда жорий этилишини кутиб турган илмий ишларни танқидий кўз билан қараб чиқиш зарур. Уларнинг ҳаётга жорий этилмасдан қолиб кетишига давлатимиз иқтисодига зиён етказувчи заиф жойимиз деб қарасакгина иш жойидан силжийди.

Яна бир гап: олимларимиз, биринчى навбатда, ижтимоий фан вакиллари олдида турган улкан вазифалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Мамлакатимиз мустақиллигини мустақкамлаш, миллий давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини қарор топтиришдек улуғ оразу-умидлар билан яшар эканмиз, ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бермаслик мумкин эмас.

Кимки, миллатни ўзига қарам қўлмоқчи бўлса, аввало унинг маданиятига чанг солади.

Ислом динимизнинг муқаддас мероси — фалсафа илми ни, хусусан, Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва қадрияларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишимиздан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аждодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий-умумбашарий руҳ билан бойитиши ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир.

Тарихчи олимларимиз томонидан олти жилдан иборат "Ўзбекистон тарихи"нинг яратилиши, темурйлар даври ва маданиятига доир кўплаб рисолаларнинг вужудга келиши халқимиз маданий ҳаётида катта воқеадир. Бу асарлар ҳозирги замон тарихий жараёнларини ўрганишга бўлган эҳтиёжни қанчалик қондирса, янги тадқиқотларни давом эттиришни ҳам шунчалик тақозо этади.

Тилшунослик соҳасидаги илмий изланишлар, аввалимбор, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва унинг қўлланиш соҳасининг анча кентгайтирилгани, ҳалқаро муносабатларда ишлатиладиган тиллар қаторига киритилиши кейинги йилларнинг бу борадаги улкан ютуғидир. Шу муносабат билан мамлакатда Атамашунослик қўмитаси тузилди. Бир қанча луғатлар чоп этилди. Ўзбек тилининг лотин ёзувига асосланган орфографик қоидалари ишлаб чиқилди.

Мустақилликнинг ўтган уч йили мобайнида ижтимоий фанлар соҳасида, айтиш мумкини, бирмунча ютуқлар кўлга киритилди.

Бироқ шиддат билан ўсаётган халқ онги, тобора кенгайиб бораётган дунёкараши олис ўтмиш, бугун ва келажакка бўлган қизиқиши, мазкур соҳани тубдан ривожлантиришни, унинг фаолият доирасини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Маънавият ва маърифат, маданият ва ахлоқ ҳақидаги асарларни кўплаб чоп этиш, айниқса маданий мерос билан бирга янгиланаётган бугунги турмуш тарзини ва янгича тус олаётган жамиятимиз мазмун-моҳиятини терарроқ ёритиш, кенгроқ ўрганиш муҳимдир.

Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт — жамиятимизнинг та-наси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир. Буюк давлат, буюк келажамиизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак. Бундай инсонни тарбиялаш эса ижтимоий фанимизнинг муқаддас бурчидир.

Ўз ишини ақл билан, тушуниб бажарадиган кишида меҳнатидан фахрланиш, ҳаётидан завқланиш туйғуси кучли бўлади. Ана шундай одамларни тарбиялашимиз, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ана шундай туйғу билан яшашга эришишимиз керак.

Иқтисод фанлари соҳасида амалга оширилаётган ишлар дикқатга созовордир. Биз иқтисодиётни ривожлантиришда ўз йўналиш ва йўлларимизни бирмунча аниқлаб олдик. Ҳозиргача эришган ютуқларимизга жаҳон жамоатчилиги юқори баҳо бермоқда. Бироқ бу билан кифоялансан, орқада қолиб кетишимиз шубҳасиз.

Тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланишимиз лозим. Бироқ бу тажрибаларга кўр-кўронча ёндашмасдан, ўзимизнинг миллий эҳтиёжларимиздан ва маҳаллий имкониятларимиздан келиб чиқиб, энг мақбул шаклларини таъниб олишимиз даркор.

Лекин шуни очиқ таъкидлаш керакки, иқтисодиёт фани ҳам ҳали жамият тараққиётидан бирмунча орқада қолаёттирир.

Фанлар академияси иқтисод илмида, иқтисодий йўналишлар ва йўриқлар ишлаб чиқишида ўз имкониятла-

рини тўла кўрсата олмаяпти. Шундан тегишли хуносалар чиқариш керак, деб ўйлайман.

Фан тараққиёти ҳамма вақт ёш авлодга таянади. Олимнинг нуфузи эса ўзига шогирд тайёрлаш, муносиб ўринбосар стиштириш билан баҳоланади. Академияда ана шу оддий ақидалар унтилиганин кўринади. Ёши улуғ олимлар билан ёшлар ўртасида узилиш пайдо бўлганга ўхшайди. Кўплаб янги ғоялар, янги фикрлар тўсиққа учраб, ёш муаллифларнинг қалбидаги сўниб кетмоқда.

Бунга сабаб нима? Ким ёки нима истеъододли, катта ишонч ва умид билан меҳнат қилаётган ёш олимларимизнинг ўсишига, уларнинг тан олинишига халақит бераяпти?

Бу табиий саволларга жавоб топишимиз даркор. Мана шу анжуманда давлатимиз, халқимиз илму фанимизга катта меҳнати сингган, номини жамоатчилик катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладиган устоз алломалар — академикларимиз ўтирибди.

Уларнинг жамиятимиз учун қилган меҳнатларини юқсак баҳолаймиз. Устозларнинг бой тажрибаларидан, илмий ғояларидан озиқланган ёш олимларимиз ҳам улар билан фахрланиши, меҳнатидан руҳланиши лозим.

Бу масалани ечиш учун академиядаги Эскириб қолган баъзи бир қоидаларни, одат тусига кирган айрим тартибларни ўзгартириш вақти келди, деб ўйлайман.

Бугунги кунда ўз илмий изланишлари билан илму фан аҳри: ғағлида ганинган; ўз ишғарли билган яхин ваг узоқ мамлакатларда катта обру топган ёш олимларимизни академия аъзолигига қабул қилсан ва уларга ишлаш учун тегишли шароит яратиб берсак, бу ўзбек фани ва унинг келажаги учун жуда олижаноб иш бўлур эди.

Агар бизнинг миллат фанини ривожлантириш, мамлакатимизни илгор давлатлар қаторига қўшиш ниятимиз бўлса, ҳамжиҳатлик билан ишлашимиз керак. Бир ёқадан бош чиқариб, қўлга кириттан ютуқларимизни мустаҳкамлаб, маънавий етуклигимизни намоён этишимиз лозим.

Бизда ҳали-ҳануз эски замондан қолган бир камчилик мавжуд: академияга вазирлик сифатида қарашга ўрганиб қолганимиз. Масалага расмиятчилик билан қараш оқибатида ҳатто вазирликларда штат қисқариши ҳақида гап кетса, Молия вазирлиги академияга: "Ҳайъат аъзолари фалонтага қисқарсин", "Вице-президентлар фалонта бўлсин!" деган буйруқларни юборишга одатланиб қолган.

Ёки бугунги ақвонни олиб қарайлик. Ижтимоий фанлар бўлимида 12 соҳа фанларини бирлаштиришни қандай тушуниш мумкин? Яна бир мисол: Ўзбекистонимизнинг истиқболини белгилайдиган икки муҳим соҳа — химия ва химиявий технология бўлими билан геология ва кончилик бўлимлари бирлаштириб қўйилганини қандай баҳоласа бўлади?

Бир ҳолни қиёслаб кўрайлик. Геология вазирлигидага 11 нафар, енгил саноатда эса 15 коллегия аъзоси бор. Айни вақтда нега Фанлар академиясида фақат 9 та президиум аъзоси бўлиши керак? Ахир, академия ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиши лозим-ку!

Фикримча, академиянинг нуфузини кўтариш, унга кўпроқ ҳуқуқ бериш керак. Академия нафақат ўзидаги, балки бутун мамлакатдаги фан масканларига ўз таъсирини ўтказиши лозим.

Бугунги кунда академия бўлимларида деярли ҳуқуқ йўқ. Умуман, президиум аъзолари, аввало етакчи олим, кейин эса амалдор бўлиши керак.

Президиумнинг бўлажак таркибига худди шу нуқтаи назардан қараш зарур. Президиумга амалдорлар эмас, ҳақиқий олимлар аъзо бўлиб, келажак учун жон куйдириб хизмат қилсин.

Президиум аъзолари доимий бўлиши шарт эмас. Бу ерда ҳам, айтайлик, ҳар икки аъзоларнинг маълум қисми алмашса, мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман.

Президиум бугун колектив фикрини ифода этмайдиган бўлиб қолганга ўхшайди. Янги президиум илму фан жамоатчилиги фикрини одилона ифода этиувчи холис ва объектив бўлиши зарур. Президиумга энг етук фан соҳиблари йиғилиши талаб этилади.

Президиум билан институтлар ўртасидаги алоқа жисп бўлиши шарт. Шу нуқтаи назардан қараганда кўпчилик олимларнинг фикрича, академиянинг низоми кўп жиҳатдан замон талабларига жавоб бермайди.

Бир ҳолга эътибор беришимиз керак. Ҳозирча ҳақиқий аъзолар билан мухбир аъзолар ўртасида узилиш борлиги ҳақида фикрлар мавжуд. Шуни ииобатга олиб, кейинги сайловда ҳақиқий аъзолар сонини кўпайтиришни назарда тутиш зарур, деб ўйлайман.

Яна бир мулоҳаза: ҳақиқий аъзоликка номзодларнинг барчаси мухбир аъзо бўлиши шарт эмас. Ўз соҳасининг энг

етук вакиллари бўлган фан докторларининг номзодларини ҳам олға суриш керак. Ана шундагина Фанлар академияси ёшаради, кучлироқ ва гайратлироқ бўлади.

Менимча, янги сайдланган президиум аъзоларига академия низомини обдон қайта ишлаб чиқиш ва йил охирида уни қабул этиш вазифаси топширилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Муҳтарам дўстлар, биродарлар!

Илмда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик, тугилган янги гояларни вақтида тўғри баҳолай билиш, энг мақбул ва самарали гояларни қўллаб-қувватлаш олий фазилатdir. Бу — ижод кишисининг нуфузини оширадиган ноёб имконият.

Бугун академиямиз ва унинг тақдирни билан боғлиқ бўлган масалалар хусусида фикр юритдик. Мамлакат тараққиётида ва ислоҳотлар самарадорлигини оширишда фан-техниканинг муҳим ўрни ҳақида гаплашиб олдик. Эндиги вазифа ҳаммамиз бор иқтидоримизни, истеъодидимизни, куч ва гайратимизни миллат шаъни ва мамлакат шавкатини ошириш йўлида сафарбар этишдан иборат.

Умид қиласманки, олимларимиз улуғ аждодларимиз вазиятларига амал қилиб, ворисларга ҳос иш тутадилар. Янги-янги ихтиrolар билан мамлакатимиз шуҳратига шуҳрат қўшадилар. Ана шу масъулиятли, мешақатли ва шарафли ишда ҳаммангизга куч-қувват, жўшқин илҳом, кашfiётларингизга омад тилайман.

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси умумий йигилишида
1994 йил 7 июлда сўзланган нутқ

ҲАЛОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ БЎЛСИН

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Аввало, фурсатдан фойдаланиб, сиз, депутатларга ва сизнинг сиймонгида пойтахтимиз — Тошкентнинг барча фаолларига ва меҳнаткашларига юксак ҳурмат-эҳтиромими ни изҳор этмоқчиман.

Ҳаётимиздаги ўзгаришлар, ютуқларимиз, шу билан бирга, катта-катта муаммоларимиз, ташқи ва ички сиёсатимизнинг одимларидан хабардорсиз, албатта. Мамлакатимиз меҳнаткашлари келажакларини, тақдирларини ўз қўллари билан бунёд этмоқдалар. Мустақиллигимиз зълон қилинганидан бўён ўтган давр нисбатан қисқа бўлса-да, ҳалқимиз ва давлатимиз тарихида гоят катта ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Миллий давлатчилигимизни қайта тиклашда, кўп асрлик бекиёс маънавий меросимиз, тариху маданиятимиз, дину тилимиз, муқаддас урф-одатларимизнинг яна қад ростлашида сезиларли қадамлар қўйилди. Миллий ғуруримиз, ориятимиз тикланмоқда, қалбимизда асл ватанпарварлик туйғулари уйғонмоқда. Узбекистон ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб, ўз ҳаётини қуряпти. Биз жаҳондаги тараққий этган мамлакатларнинг ривожланиш йўлларини диққат билан ўргандик ва ўрганиб бораётгимиз. Улардан ҳалқимиз руҳияти, табиатига мос келадиганларини танлаб олиб, фойдаланяпмиз. Шу билан бирга ўз тарихимизни жиддий ва синчиклаб таҳлил қўлмоқдамиз.

Ўрта асрларда ўлкамизда шакулланган бозор муносабатларининг андазаси ўз даврида Европа мамлакатлари тараққиётига улкан таъсир кўрсатгани тарихдан маълум. Шу боисдан ўз ривожланиш йўлимизни аждодларимизнинг турмуш тарзи ва ҳозирги пешқадам давлатларнинг иқтисодиётда эришган ютуқлари асосида белгиламоқдамиз. Биз ишлаб чиққан иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлининг беш тамойили ана шу тажрибаларга асосланади. Яна так-

порлайман: муҳими, биз турмуш тарзимизни ўзгартирувчи ислоҳотларни инқилобий сакрашларсиз, босқичма-босқич, меҳнаткашлар манфаатини муҳофаза қилган ҳолда, тадрижий — эволюцион равишда амалга ошираётирмиз.

Хўш, танлаб олинган йўлнинг дастлабки босқичида қандай натижаларга эришилди?

Мен бугун тўла ишонч билан айта оламанки, мазкур қоидаларнинг рўёбга чиқарилиши минтақада барқарорликни, жамиятда осойишталикни, фуқаролар тотувлигини сақлаб қолишга имкон берди. Тотувлик бор жойда эса баракали ва самарали меҳнатга пухта замин бўлади.

Ижтимоий муносабатларда жамиятимиз учун мутлақо янги бўлган асослар яратилмоқда, давлат бошқаруви, иқтисод қонунлари ўзгаряпти. Хусусий мулкчиликка асосланган кўп укладли, дунё сари очиқ юз тутган иқтисодиёт пайдо бўлаётir. Жаҳондаги энг илғор тажрибаларга таянган ҳолда, бозор иқтисодиётига хос янги молия, банк-кредит, тижорат тизимлари барпо этиляпти. Шуниси қувончилики, қўшни мамлакатлар бизнинг бу тажрибамиздан фойдаланмоқда. Куни кеча Қирғизистонда "Ўзбекистон" — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" китобининг чоп этилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугун биз тарихий воқеани бошдан кечирмоқдамиз. 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб мамлакатимизда миллий валюта — сўм муомалага киритилди. Сўмни муомалага киритиш юзасидан чиқарилган фармон ва қарорларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, уларда серфарзанд оиласлар, нафақахўрлар, қаровчиси йўқ кишиларни ижтимоий ҳимоялаш кўзда тутилган.

Халқимиз сўм-купоннинг 1 августга қадар янги пул билан баравар муомалада юришини давлатнинг яна бир ғамхўрлиги сифатида мамнуният билан қабул қилди.

Миллий пулга эга бўлиш ҳам бир саодат. Энди ҳамма гап — ана шу саодатнинг қадрига етишда. Тўғри, пулиниг қадр-қиммати унинг тайёр маҳсулот, олтин захираси билан қай даражада таъминлангани ва яна бир қанча мезонлар орқали белгиланади. Аммо унинг нуфузини кўтарадиган яна бир муҳим омил борки, бу — биз ўз пулимизни мустақиллигимиз белгиларидан бири сифатида асраб-авайлашимиз, унинг куч-қудрати, қадри баланд бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилишимиз лозимлигидир. Зоро, миллий пулимиз миллий ғуруримиз демакдир. Мен бугунги

учрашувдан фойдаланиб, эътиборингизни яна бир муҳим масалага жалб қилмоқчиман. Албатта, ҳар қайси одам, фуқаро бозорга, магазинга чиққанды қўлида, чўнтағида бўлган пулнинг харид имконияти кучли, қиймати баланд, бақувват бўлишини истайди. Шу мақсадга зришиш учун республикамида бугунги кунда миллий валютани муомалага киритиш билан бирга қўйидаги муҳим дастурларни амалга оширишимиз зарур:

1. Ички бозоримизни истеъмол моллари билан тўлдириш.

2. Давлат харажатларини кескин қисқартириш, қатъий молия, банк-кредит сиёсатини ўтказиш.

3. Экспорт имкониятларини кескин кучайтириш. Шу йўл билан чет мамлакатлардан, аввало, эркин валюта олиб келиш. Чунки биз четдан маҳсулотни ана шу давлатларнинг пулига харид қиласмиз. Яъни четга қанча кўп маҳсулот чиқарсан, шунча ўзимизга керакли мол, асбобускуналар сотиб олишимиз мумкин.

4. Республикада пул эмиссиясига, яъни мол билан таъминланмаган ортиқча пул муомалада бўлишига йўл қўйимаслик. Аҳолига берилган пулни товарлар сотиш, хизматлар кўрсатиш орқали, уларнинг эҳтиёж ва талабини қондириш билан давлат хазинасига қайтариш.

Пул муомаласини барқарорлаштириш ҳақида гапирад эканмиз, биринчи навбатдаги энг муҳим масала — пулимилий қисқартириш, содда тикъа билан ҳамма, миллий пулимилий эркин валютага (доллар, марка, иен ва ҳоказо) алмаштиришга зеришиш. Бу борада алмашиш курсини Марказий банкда ўтказилаётган биржаларда аниқла наётган даражада ташкил этиш, яъни эркин бозорнинг асосий талабларини қондириш, шу орқали дунё бозори таркибига кириш мақсади қўйилияпти. Айтмоқчиманки, бугунги кунда шу тадбирларни амалга ошириш учун катта ва пухта тайёргарлик кўряпмиз.

Бундай муҳим вазифаларни бажариш халқимиздан кўп синовларни бошдан кечиришни, ишимида ҳалоллик ва фидойилик бўлишини талаб қиласди.

Ўзбекистон собиқ СССР парчаланганидан кейин мустақилликни осонгина қўлга киритди, деганлар қаттиқ янглишади. Озодлик, эркинлик шундай буюк неъматки, уни бирор ҳадя қилолмайди. Озодликка фақат курашиб зеришилади. Бино тепасига ўз байроғимизни тикиб, биз — мус-

тақилмиз, дейиш ўта соддалиkdir. Сиёсий мустақиллик пухта ва мустаҳкам иқтисодий заминга эта бўлмаса, у ҳали тўла мустақиллик дегани эмас. Том маънода мустақил бўлиш учун давлатимизнинг иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлашимиз зарур.

Яна бир ҳақиқатни такрорлаб ўтишга тўғри келади: мустақиллик, танланган истиқлол йўли, авваламбор, ҳар қайси инсон, фуқаро бутун жамият келажаги учун муносаб ҳаёт, фаровоилик, барқарорлик баҳш этган тақдирдагина ҳалқимиз учун маъқул бўлиши муқаррардир.

Азиз биродарлар!

Тошкент шаҳрининг Ўзбекистондаги мавқеи ва аҳамияти ҳаммамизга аён. У мустақил давлатимизнинг пойтахти, йирик илмий ва маданий марказигина бўлиб қолмасдан, таъбир жоиз бўлса, унинг юраги ҳамдир. Шу сабабли, Тошкентдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликка, ишларнинг аҳволига қараб бутун республикамиздаги вазијат ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Юрак соғлом экан, мамлакатимиз ҳам тез ўсиб улгаяди, тараққиёт йўлидан дадил олға бораверади.

Бу шаҳри азимда Ўзбекистон қудрати, салоҳиятининг энг сара, танланган кучлари — етук ва бой тажрибага эта ташкилотчи раҳбарлар, илму фан ва маданиятимизнинг таниқли намояндадари, ҳар ишга қодир мутахассислар жамланган.

Тошкентликлар ҳақиқий фидойи ватанпарвар эканликларини доимо амалда исбот қилиб келганлар ва келмоқдалар. Кўпгина ибратли ишлар, ташаббуслар, янгиликлар одатда пойтахтдан бошланади.

Шаҳарликларниң заҳматкаш қўллари билан зилзила вайроналари ўрнида қайтадан қад ростлаган Тошкент афсоналардагидек яшариб ва яшнаб, бутун кўрки, чироий, муҳташамлиги билан чинакамига Шарқ юлдузи ва Шарқ дарвозаси бўлиб ном қозонди.

Сизларниң заковатингиз туфайли саноатда ва бошқа мухим соҳаларда илму фан тараққиётини белгилаб берувчи энг замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш қувватлари яратилди. Низо ва адоватларга чек қўйиш, ҳалқларни яраштириш ва дўстлаштириш, тинчликни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш каби савобли ишларга бошқош бўлгани туфайли "Тошкент руҳи" деган тушунча

пайдо бўлди ва жаҳонга тараги. Бугун ҳам бу руҳ тирик, у тобора янги маъно ва мазмун билан бойиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳукумати Тошкентнинг талаб ва эҳтиёжларига ҳамиша катта аҳамият бериб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Биргина мисол: фақат 1994 йил бошидан бери аҳолики меъёр бўйича бериладиган маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш, гўшт, ун, шакар, болалар озиқ-овқатлари, бошқа кундалик эҳтиёж моллари харид қилиш учун 1 миллиард 300 миллион сўм миқдорида маблаг ажратилди. Шаҳар жамоат транспорти эҳтиёжини қондириш мақсадида янги автобус, трамвай ва троллейбуслар, эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун имконият даражасида валюта берилмоқда. Аҳоли учун уй-жой қуриш, шаҳар коммунал хўжалиги сарф-харажатларининг асосий қисми ҳам давлат казинаси ҳисобидан қепланяпти.

Тошкент шаҳрига бундай катта имтиёз ва ҳуқуқлар берилган экан, пойтактдаги ишларнинг аҳволи масаласида талабчанлик ҳам юксак бўлиши табиийдир. Биз шаҳар аҳли ва фаолларининг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, туб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги ҳалол меҳнатлари, саъй-ҳаракатлари, изланишларини зътироф этган ҳолда, ҳамма соҳаларда ҳам иш буғуниги мураккаб ва масъулнитли давр талаблари даражасида эмаслигини тан олмасдан иложимиз йўқ.

Камчилик ва нуқсонларга ўзимиз холис баҳо бермасак, уларни бартараф этиш юзасидан шошилинч чоралар кўрмасак, кейинчалик "касалнинг иситмаси" ошкор этиб қўяди.

Тошкент саноати — мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч устунларидан бири, деб айтсан, асло муболага бўлмайди. Агар унинг фаолиятида камчилик юз берса, бу ҳолнинг оқибатлари бутун ҳалқ хўжалигида сезилади, бошқа соҳаларни орқага тортади, муаммоларни кескинлаштиради. Шундай экан, пойтакт саноатининг барқарор ишлаши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини муттасил кўпайтириб бориш — энг долзарб вазифадир.

Тўғри, шаҳар саноатида бирмунча ижобий силжишлар бор. Бир қанча корхоналарда янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Америка Қўшма Штатлари, Италия, Олмония, Чехия, Болгария ва Туркия ишбилармонлари билан қўшма корхон-

налар барпо этилиб, уларнинг кўпчилиги ҳозир маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Лекин, бу — шаҳар саноатчилари нинг ҳамма ишлари ҳам жойида экан, дегани эмас.

Ачинарли жойи шундаки, шаҳардаги деярли барча корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча пасайди. Машинасозлик саноати комплекси корхоналарида энг асосий маҳсулотлар — экскаватор ишлаб чиқариш 84,3 фоизга, автомобиль прицеплари ва ярим прицеплари 64,3 фоизга, компрессорлар 57,2 фоизга, пахта териш машиналари 58,3 фоизга, тракторлар эса 85,9 фоизга тушиб қолди.

Албаттa, биз тўғри тушунамиз, буларнинг асосий сабаби кўп ҳолларда — Ҳамдўстлик мамлакатларидан хом ашё келтириш қийин бўлаётгани, хўжалик алоқаларининг узилиши деб айтиш мумкин. Бу бор гап ва жуда жiddий муаммо бўлиб турибди. Лекин бугунги кунда нуқул ана шу сабабларни рўкач қилаётган корхона раҳбарларини мен "баҳона изловчилар" деб атаган бўлардим. Ахир, ўзингиз ўйланг, Ҳамдўстлик мамлакатлари билан алоқалар узилганига уч-тўрт йилдан ошиди. Нима, энди қўл қовуштириб ўтиравериш керакми? Кўриб турибсиз, Ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарлари билан бўлган олий даражадаги учрашувларда биз ҳар тал иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласини кўрмоқдамиз, қўлимиздан келганича чорасини кўряпмиз. Афсуски, айrim давлат ва ташкилот раҳбарлафи бу борада қуруқ ваъдалардан нарига ўтолмаяпти. Уларнинг тушунчаси, дунёқараши, иш услублари эски замонда қотиб қолган, деб айтсан адашмаймиз. Чунки уларнинг асосий иш услуби — боқимандалик. Гўё уларнинг ишини давлат бажариши, муаммоларини кимдир ҳал қилиб бериши керак. Бундай эскича фикрлайдиган раҳбарлар билмайдики, ҳақиқий тадбиркорлар аллақачон янтича услугда ишлашга ўтган. Боз устига, узоқни кўрадиган раҳбарлар ўз корхоналарига чет эл сармояси ва илғор технологиясини олиб келяпти ва иқтисодий самарага эришяпти.

Маъмурий-буйруқбозликни ақида этиб олган уқувсиз кишилар эса ҳали-ҳануз "олма пиш — оғзимга туш" деганичарича, хом ашё ва зарур қисмларни давлат олиб келиб беришини кутиб ўтирибди. Масалан, Тошкент трактор заводини олинг. Бундай раҳбарлар фақат ўзига зиён кел-

тирса майли эди, лекин уларнинг бундай фаолияти оқибатида корхона бенкротга йўлиқиб, жамоа аъзолари ишсиз қолиши мумкин.

Мен ана шундай ҳолатларни таҳлил қилиб, бир хуло-сага келаман: корхонаси, меҳнат жамоаси тақдирини ўйламайдиган катта-катта корхоналарнинг раҳбарлари республика ташқарисидан ҳар эҳтимолга қарши ўзига бошпана, бошқача айтганда, "эҳтиёт жой"ларни ҳозирлаб қўйганга ўхшайди. Иш талаб қилсанг, "кетишим мумкин" қабилидаги гапларни айтади. Қўлида ишлайдиган меҳнаткашларнинг тирикчилиги, уларнинг тақдирни ҳақида эса ўйлаш йўқ.

Ўзбекистонни ўз ватаним деб ҳисобламайдиган, унинг қийинчилкларини шахсий қийинчилигим деб ҳис этмайдиган раҳбарлардан не наф? Лекин бу муаммо билан шаҳарда бирор киши шуғулланадими? Бу масалани кўндаланг қўядиган одам борми?

Бозор иқтисодиётининг қонун ва талаблари бир жиҳатдан қатъий ва аёвсиз бўлса-да, улар ҳаммани ўз қўлидан келадиган иш билан шуғулланишга, топширилган вазифа, одамлар тақдирни учун масъулиятни теран ҳис этишга ўргатади. Боқимандалик кайфиятида бўлганлар бозор йўлидан четга чиқиб қолаверади.

Тошкент шаҳрида ҳозир 70 дан зиёд зарар кўриб ишлаётган корхона борлигини шаҳар ҳокимлиги билармикан? Хўш, агар билса, унда қандай чоралар кўриляпти? Бу борада қандай амалий таклифлар бор? Бу саволнинг жавоби ҳаммага маълум: муҳим ишда сезиларли ўзгаришлар бўлаётгани йўқ.

Ҳолбуки, уларнинг тақдирини ҳал этиш керак. Қачонгача бу корхоналар давлат елкасида юк бўлади? Яқинда "Бенкрот тўғрисида" қонун қабул қилдик. Ўйлайманки, агар давлат шу корхоналарни тарқатиб юбориб, ишчиларга нафақа тўласа ҳам ҳозиргидан камроқ зарар кўрар эди.

Уларни хусусийлаштириш, керак бўлса, тадбиркорларга шахсий мулк қилиб бериш керак, деб ўйлайман. Ишона-манки, бу корхоналарни ўз өгасига топширсак, иқтисодий аҳволи яхшиланади, гуллаб-яшнаб кетади.

Минг афсуски, бугунги ўтиш давридан фойдаланиб, баъзи бир нафс балоси гирдобига тушган раҳбарлар ўз

манфаатини кўзлаб, нопок йўлларга, ҳатто жиноят йўлига ўтиб кетаётган ҳолларни учратиш мумкин.

Кейинги вақтда айрим ташкилот раҳбарларининг порахўрлик, молиявий хатолар ва талон-торожлик йўлига кириб қолгани фош бўляпти.

"Ўзбеккабель" бирлашмасининг раҳбарлари қандай қўпол хатоларга йўл қўйгани сизларга матбуотдан маълум. Бу бирлашмага ўтган йили 12 минг тонна қимматбаҳо маҳсулот — мана шу Ўзбекистон заминидан чиққан мис мақсадли йўналиш, шу жумладан, мамлакат эҳтиёжи — давлат буюртмасини бажариш учун ажратилган эди. Натижада эса унинг маълум қисми талон-торож қилинган. Бу ерда сўм-купон, рубл ва доллар ҳисобидаги миллионлаб пул маблағлари соврилиб кетди. Бунда бевосита айбор бўлган, нафси ҳакалак отган кимсалар бугун қонун олдида жавоб бермоқда. Афсуски, Тошкентдаги бошқа завод ва ташкилотларда ҳам шунга ўхшаш воқеалар рўй берган.

Ишлаб чиқариш корхоналарини хусусийлаштириш ва акциядорлик жамиятларига айлантириш билангина бугунги иқтисодий инқизордан чиқиши қийин. Энг аввало, ишлаб чиқаришга тадбиркор, ақлли, ташаббускор, иш ва жамоа манфаатлари ҳақида жон куйдирадиган инсонлар етакчилик қилиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Лекин, минг афсуски, ишлаб чиқариш соҳасидаги айрим раҳбарларнинг суюги эски замонда қотган, ишга муносабати ўзгармаяпти. "Бугунги вазиятдан фойдаланиб қолиш керак, эртага ким билади, нима бўлади", деб юрганлар ҳам кам эмас.

Хўш, бундай кимсалардан ва умуман, бундай аҳволдан қандай қутулиш мумкин? Менинг фикримча, қутулиш чораси битта — ишчан, ақлли, иродали, иймони бут, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганишга ичтилувчи, юрагида Ватан туйгуси кучли бўлган ёш кадрларга ишониш ва ишни уларга топшириш керак.

Биз бугун фақат Тошкент шаҳри ҳақида фикр юритяпмиз. Лекин бу хил нохуш вазият мамлакатининг бошқа шаҳар ва вилоятларида ҳам мавжуд. Нуқсанларнинг асосий сабаби — ўша жойларда ўтирган мансабдорларнинг ўз вазифасини бажаролмаслигига, деб тушунаман. Яна ўша оддий ҳақиқатни эслашга тўғри келади: ҳар қайси корхона, ташкилот, даҳа, туман, керак бўлса, шаҳар ва вилоятнинг эгаси бўлиши керак, жонкуяри бўлиши керак.

Минг афсуслар билан айтишимиз керакки, олижаноб ва улуғвор ниятлар, одамларнинг ғам-ташвишлари, муаммо ва юмушлари четда қолиб, вазифада ўтирган айрим мансабдорлар ўйинчига айланиб, бир-бирининг жойини олиш, амал талашиш билан овора бўлаётган ҳолатларни кўриш мумкин. Шу каби иркит ҳаракату интилишда юрган кимсалар бу беш кунлик дунёни, охиратни мутлақо ўйламайдилар. Уларга инсоф, меҳру оқибат тушунчалари мутлақо бегона.

Транспорт ва алоқа хизмати ёмонлиги пойтахт аҳолисининг ҳақли эътирозига сабаб бўляпти. Бу соҳа мутасаддилари хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш ҳақида бош қотирмаяпти. Ҳамма билади: бугунги кунда юриб турган автобус, трамвай ва троллейбуслар сони анча камайиб қолган ва уларнинг аҳволи ачинарли. Лекин ижара усулида ишлаётган кўплаб автобус ҳайдовчилари назорат йўқлиги туфайли маршрутдан чиқиб кетиб, ўз чўнтакларини ўйлаб, истаган томонларига сафар қилишга одатланиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин.

Биз шаҳар ва туман ҳокимлиги раҳбарларига соат 18 дан кейин, оддий фуқаролар сингари шаҳар транспортида юришни маслаҳат берган бўлур эдик, чунки улар хизмат машиналарининг пардали деразалари ортидаги ҳаётдан анча узилиб қолган кўринадилар.

Бугунги кунда шу соҳадаги кадрларнинг қўнимсизлиги туфайли корхоналарда 580 нафар автобус ҳайдовчиси, 160 нафар трамвай ҳайдовчиси, 200 нафарга яқин троллейбус ҳайдовчиси стишмайди.

Ана шундай сабаблар оқибатида шаҳар аҳолисининг бекатларда узоқ вақт қолиб кетиши, манзилига вақтида етиб боролмаслик ҳоллари рўй бермоқда.

Метро ишчиларининг фаолияти ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ёрдам бериш, ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирлари мутлақо раҳбарлар эътиборидан четда қолган.

Биз шаҳар транспортининг бир маромда ишлиши учун ҳамма чорани кўряпмиз. Яқинда Чехиядан 50 та трамвай вагони, 100 та троллейбус, Туркиядан 500 та замонавий автобус келтирилиши кўзда тутилмоқда. Уларни пахтамиз эвазига сотиб оляпмиз.

Лекин шу соҳанинг мутасадди раҳбарлари ҳам жон куйдириши керакми-йўқми? Қачонгача шаҳар транспортидаги тартибсизликлар давом этади, хизмат савияси

ниҳоятда ачинарли ақволда қолади? Яна бир табиий савол: кўп жойларда корхона раҳбарлари енгил замонавий мосин — "иномарка" сотиб олиш билан банд. Шуларнинг ўрнига меҳнаткашларни, аҳолини олиб юрадигак автобуслар сотиб олишни уларга ким ман этган?

Эски шаҳар ҳудудида яшаётган аҳолининг нима айби бор — бунисини билмадим-у, лекин ободончилик масаласида, умуман, инсонга муносиб шароит яратиб беришида уларга ўғай кўз билан қаралаётгани аниқ. Эски шаҳар аҳли жуда қаноатли ва олижаноб халқ, газ ва канализация ўтказилганидан боши осмонга етиб юрибди. Лекин, азиз биродарлар, бизнинг улардан ҳали қарзимиз кўп. Модомики, транспорт масаласи хусусида гапирав эканмиз, келинг, бу ишнинг эски шаҳар қисмидаги ақвони билан ҳам қизиқайлик.

Қарийб 700 минг киши истиқомат қилаётган эски шаҳар кўчаларини яна бир карра кўз ўнгимиздан ўтказайлик: ахир, бу кўчалардан автобус ёки троллейбус юрса — одам юролмайди, одам юрса — автобус ёки троллейбус юролмайди. Жазирама ёз иссиғида ёки қаҳратон қиш совуғида одам боласи жон сақлаб турадиган бирорта тузукроқ бескат ҳам йўқ. Менимча, шаҳар ҳокимлиги бу масалани жиддий ўрганиб, зудлик билан чора кўриши лозим.

Энди қурилиш масаласини олиб кўрайлик. Шаҳарда якка тартибда уй қуриш ниятида қарийб 12 минг талабнома берилган. Шундан атиги 4800 тагина талабнома қондирилган, ҳолос, қолган 7200 талабнома шу кунга қадар эътибордан четда турибди.

Якка тартибдаги уй-жой қурувчилар учун кредит маблағлар ажратиш жуда муҳим масаладир. Шуниси ачинарлики, кредит сўраб берилган 14 минг талабномадан шу йилнинг ўтган 6 ойи мобайнida бор-йўғи 60 таси қондирилган, ҳолос. Ана шу талабномаси қондирилганларга ҳам қарийб 3 миллион сўм ўрнига 1,5 миллион сўмгина ажратилганини қандай тушунмоқ керак?

Бизда ота-боболардан мерос ажойиб фазилат бор: маҳаллий миллат топганини, аввало, уй қуришга сарфлайди. Эртага ўғлимни уйлантирсам, қайга жойлайман деб ташвиш чекади.

Оғирлигини давлат зиммасига юкламай, ўзим уй қуриб оламан, деган аиа шундай одамларга нега имтиёзли кредитлар бермаймиз? Нега уларни овораю сарсон қиласми?

Қараңг, 14 минг мурожаат бўлибди-ю, шундан 60 таси қондирилибди. Бу ўтакетган расмиятчилик, лоқайдлик эмасми?

Одамларга ғамхўрлик қилиш, 20—30 йилга, керак бўлса, 40 йилга кредит бериш лозим, ўзи тўламаса фарзандлари тўлайди.

Хуллас, шаҳарликларга кўпроқ имкон бериш, уларга уй-жой қуриш борасида ёрдам қилиш шаҳардаги раҳбарларнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлмоғи керак! Ҳақли савол туғилади: шаҳарда бу масалалар билан шуғулланувчи раҳбарлар борми ўзи ёки йўқми? Бор бўлса, улар ҳозиргача нима иш билан шуғулланган?

Тошкент шаҳар телефон алоқаси хизматида кейинги уч йил мобайнида ишнинг сифати ёмонлашаётгани аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётир.

1994 йил июнь ойида Тошкент шаҳар алоқа тармоқларида ишламайдиган телефонлар 25 фойизни ташкил этди. Станциялараро тармоқнинг 1820 йўналишидан 132 тасида умуман алоқа йўқ. Тармоқда материал-техник ҳолатнинг оғирлигини баҳона қилиб, ўз камчиликларига танқидий қарамаслик, ташаббуснинг йўқлиги ва лоқайдлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Ҳатто бирор жойга қўнғироқ қилмоқчи бўлсанг, мақсадинга етишинг амримаҳол. Кабелларнинг сув ичиди қолиши, аппаратларни вақтида профилактик таъмир қилиш раҳбарларнинг эътиборидан мутлақо четда қолган. Республика раҳбарияти талаб қилганидан кейин алоқа хизматидаги йўл қўйилган катта хатолар учун Тошкент шаҳар телефон алоқалари бирлашмаси бошлиги П. Умаров, унинг ўринбосарлари, бир қанча телефон тармоқларининг бошлиқлари ишдан олинди. Савол туғилади: шаҳар ҳокимлигига шу соҳа билан шуғулланувчи раҳбарлар нимага бунчалик масъулиятсизликка йўл қўйди? Ҳокимлик уларга ўз вақтида нега талаб қўймади? Нега уларнинг масъулияти вақтида эслатилмади?

Бир ҳолат кишини ажаблантиради: айрим раҳбарлар кимни ишдан олса, Президент номи билан олади. Ишга эса ўз номидан қўяди. Бозордаги битта паттачини ишдан бўшата олмайдиган ҳоким ҳокимми? Бунақа ҳоким нега керак? Фақат савлат тўкиб юриш учунми?

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш тизимида 60 та стационар ва 156 та амбулатория-поликлиника мавжуд бўлиб, уларнинг 3 фойизи ҳанузгача марказий иситиш тармоғига

уланмаган. Шаҳарда қарийб 52 фоиз тиббий "тез ёрдам" шифокорлари, участка терапевти, педиатр етишмайди. Натижада "тез ёрдам"ни соатлаб кутилади. Бунинг устига, уларнинг машинаси ишламайди, телефони ишламайди, турли-туман баҳоналари эса беҳисоб.

Профилактика ишларининг ёмонлиги туфайли, айниқса, ўткир ичак касаллиги билан сөриганинг 70 фоизини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Шу кунгача шаҳарда майший корхоналарнинг чиқинди ва аклатларни ўз вақтида олиб кетиш масаласи ҳал қилинмаган. Ҳар куни шаҳар ҳудудида минг тоннадан ортиқ чиқинди тўпланиб қолаётганини шаҳар раҳбарлари кўрмайдими?

Тошкент даволаш муассасалари, дорихоналари ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида кўпдан-кўп шикоятлар тушмоқда. Шаҳар аҳолиси дорихоналарда ҳеч топа олмаётган дори-дармонларнинг бозордаги чайқовчилар қўлида ақл бовар қилмайдиган нархларда исталганча топилиши тоқат қилиб бўлмас ҳолдир.

Биз дори-дармон сотиш масаласида куни кеча маҳсус Фармон қабул қилдик. Ана шу Фармонни қатъият билан амалга ошириш зарур. Кимки кўча-кўйда ёки бозорда дори-дармон сотаётган бўлса, қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши керак.

Ўзингиз ўйланг, катта миқдордаги пулга дори сотиб олсангизу, кафолати бўлмаса, у даво бўлиш ўрнига соғлиққа зиён етказса, ҳатто одамнинг ўлимига сабаб бўлса! Бу нима деган гап, ахир?

Шу йил июль ойида бозорларда 135 шахс 150 турдаги 837 кути дори-дармонни гайриқонуний сотаётгани аниқланди. Биргина Ринат Бахтиев деган кимсанинг уйидан 2 миллиард сўм-купонлик дори мусодара қилинди. Ваҳоланки, 1994 йилнинг биринчи ярмида шаҳар дорихоналари эҳтиёжнинг 10 фоизи миқдорида дори-дармон билан таъминланди, холос.

Бу ҳолат шуни кўрсатадики, шаҳарда соғлиқни сақлаш масаласи билан мутлақо шуғулланмай қўйилган. Акс ҳолда бозорда сотилаётган дори-дармон қаердан олинаётганини, олибсотарларни кимлар дори билан таъминлаётганини аниқлаш қийин эмас эди. Лекин бундай ишларни охиригача етказиш учун одам масъулиятли бўлиши керак.

Муҳтарам биродарлар, айтинглар, умуман хизмат соҳаларини назорат қилиб туриш, аҳоли талаб ва

эҳтиёжларини ўрганиш, хизмат савиясини оширишни талаб қилиш кимнинг иши ўзи?

Бизда мансабдор, амалдорлар, шунга мутасадди шахслар етарли эмасми?

Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда "Ҳой, барака топкурлар, саратон келди, кунлар иссиқ, одамларга сув беринглар!" деган эдик, мана, барча жойда минерал сув ва бошқа чанқовбосди ичимликлар пайдо бўлиб қолди.

Ақлли одамга биргина ишора кифоя, деган ҳикмат бор. Наҳотки, мутасадди кишилар шуни ҳам тушуниб етмаса? Энди шаҳар транспорти ва бошқа хизмат соҳалари билан ҳам Президентнинг ўзи шуғулланиши керакми?

Ҳар ким ўз ионини ҳалол топса, ўз вазифасини тўғри бажарса, олам гулистон бўлмайдими, ахир?

Мен, одатда, масъулиятли лавозимга тайинланаётган одамдан: шу иш қўлингиздан келадими, билимингиз, тажрибангиз етадими? деб сўрайман. Кўпчиликнинг жавоби шундай бўлади: мен солдатман, қаёққа юборсангиз бора-вераман, содиқман ва ҳоказо. Бу ерда битта "шарт" бор: агар катта лавозим таклиф қилинаётган бўлса.

Нега ҳеч ким ўзига баҳо бериб, имкониятини чамалаб кўрмайди? Йўқ, бу иш қўлимдан келмайди, деб очиқ айтмайди?

Аслида ҳар соҳанинг бевосита раҳбари, халқимиз тилида айтганда, ҳар соҳанинг ўз эгаси бор. Афсуски, улар кўпроқ тантанали маросимларда кўриниш берадилар ва савлат тўкиб ўтирадилар, холос. Топширилган иш учун жавоб бериш талаб этилганида эса, ҳеч кимни топиб бўлмайди. Ҳамма айбни бир-бирига ағдараверади. Ҳуллас, муаммо кўп-у, ҳал қилувчи йўқ, раҳбар кўп-у, жавобгар йўқ.

Кўпчилик хафа бўлмасин-у, айрим раҳбарларнинг галати хислатлари ҳақида гапирмоқчиман. Улар қўйл остидаги одамларга етарли эътибор бермайди, ўзидан юқори амалдорлар олдида эса, саккиз букилиб салом беради. Ишни билмайди десангиз, ўз манфаати йўлида калласини шундай ишлатадики, ҳайрон қоласиз! Ана шуларни кўриб, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда янгилиши нақадар мушқул оқибатларга олиб келиши мумкинлигига амин бўласиз. Тошкент шаҳрида иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бир назар таштайлик. Ҳозир шаҳарда 500 дан зиёд қўшма корхона рўйхатга олинган.

Уларнинг кўпчилиги ҳали тўла ишга тушмаган. Бундай корхоналар, айниқса, Мирзо Улугбек, Юнусобод ва Яккасарой туманларида жуда ҳам кўп.

Хўш, ички бозоримизни сифатли маҳсулот билан таъминлайдиган ва ҳорижга мол чиқариб, мамлакат валюта захирасини бойитиши лозим бўлган бу қўшма корхоналар фаолияти билан бирор қизиқяптими?

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳам ниҳоятда суст амалга оширилмоқда. Ваҳоланки, шаҳарда зарар кўриб ишлаётган савдо, умумий овқатланиш, маданий-маший хизмат шоҳобчалари, кичик ва ўртача саноат корхоналари жуда ҳам кўп. Уларни ўз эгаларига тезроқ топшириш керак.

Ишончим комилки, боя айтганимдек, тадбиркор ва ишнинг кўзини биладиган одамлар бундай корхоналарни тезда гуллатиб-яшнатиб юборади. Ўз шаҳрини обод қилишга аҳд қилган ҳар бир ҳоким бозор иқтисодиётининг энг муҳим шарти — мулкчилик шаклларининг хилма-хиллигини, маҳсулот ишлаб чиқаришда ва хизмат соҳаларида ўзаро рақобатни вужудга келтиришга алоҳида аҳамият беради.

Бозор муносабатлари маълум дараҷада ишсизликни келтириб чиқариши табиийдир, корхона ва ташкилотлар берган рўйхат бўйича шу йилнинг биринчи чорагида 4 мингдан зиёд одам ишдан бўшаган. Лекин шу пайтнинг ўзида 14 минг 736 иш жойи бўш турган. Йш жойлари асосан саноат, қурилиш, транспорт, алоқа хизмати каби соҳаларда мавжуд. Бу муҳим масалада корхона ва тегишли идораларнинг бошини қовуштирадиган раҳбар борми-йўқми, деган савол туғилади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз одатда иқтисодий қудратни фақат ишлаб чиқариш қувватларида деб тушунамиз. Аммо жаҳонда бошқа тажрибалар ҳам бор. Оқилона йўлга қўйилган банк тизими, биржалар фаолияти ҳам ўз давлатларига жуда катта фойда келтирмоқда.

Кейинги пайтларда Тошкентда бир неча машҳур ҳорижий банкларнинг ваколатхоналари очилди. Шунга қарамай, биз банкларимиз фаолиятида кескин ўзгаришларни сезмаяпмиз. Очигини айтганда, уларнинг молия бозоридаги "шогирдлик" даври анча чўзилиб кетмоқда.

Банкларимиз фақатгина мамлакатимиз ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришни таъминлабгина қолмасдан,

хорижий мижозлар маблағи билан ўзаро маңбаатли ҳамкорликни йўлга қўядиган пайт келди. Яқиндагина Алматида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозогистон раҳбарларининг аҳдлашуви асосида Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг таъсис этилиши бунга янги имкониятлар очиб беришига аминмиз. Қардош дўстларимиз билан алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтиришнинг аҳамияти катта. Тошкент шаҳрида бу борада хайрли ишлар қилинаБтганини айтишимиз керак. Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Жанубий Қозогистон вилояти ўртасида тузилган шартнома бунинг ҳуқуқий асосларини яратади. Шу билан бирга, ҳамкорлик кўлами ҳозирча Тошкентдек шаҳри азим имкониятлари даражасида дея олмаймиз.

Агар ўзаро талаб ва эҳтиёжлар батафсил ўрганиб чиқилса, ҳамкорлик йўлидаги бюрократик тўсиқлар олиб ташланса, ҳозир ярим қувват билан ишлаётган шаҳар корхоналари имкониятини анча ошириш, Тошкент бозорларидаги дәҳқончилик маҳсулотлари нархларини анча арzonлаштириш мумкин бўлур эди.

Бизнинг асосий вазифамиз — ҳалқнинг турмуш даражасини кўтариш учун иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни жадаллаштириш ва ички бозорни маҳсулот билан тўлдиришда тадбиркорларга кенг йўл очиб беришдан иборатdir.

Шу ўринда яна бир карра раҳбарлик масъулияти ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки бугун ислоҳотнинг қай даражада амалга ошиши раҳбарларнинг дунёқарашига, ҳалол ва пок, тадбиркор ва ташаббускор бўлишига боғлиқдир.

Раҳбарлик — лавозим, мансаб эмас, аввало, одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олмоги зарур. Раҳбар дегани ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрти равнақи учун елиб югурадиган фидойи инсон бўлиши керак.

Ҳалқ ҳамиша ўз дастурхонига, туриш-турмушига қараб раҳбарларнинг ишига баҳо беради. Ҳалқимиз сабр-тоқатли, чидамли ҳалқ. Уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш — ўта масъулиятсизлик, воинсофликдир. Ўзининг хатти-ҳаракати билан ҳукумат шаънига дод туширадиган раҳбарлар орамизда бўлмаслиги керак.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, бирор масалада ҳалқда мурожаат қилинса, "Эй, ҳалойиқ, мана шундай масала, тўсиқ бор, шуни ечишга ёрдам беринглар" дейилса,

халқ доимо "лаббай!" деб жавоб беради. Халқ — катта күч. Ҳамма гап — шу кучдан оқилона фойдаланиш, одамларни савобли, ижобий ишларга жалб қила билишда. Агар мансабдор, раҳбарлик лавозимида ўтирганлар ташаббус кўрсатиб, жонкуярлик қилиб, курашга аввало ўзи бел боғласа, қолаверса, халққа мурожаат қилса, ҳар доим халқимиз ёрдамга чиқади.

Жамиятда адолат тамойилларини тиклаш борасидаги ишларимизни, жиноятчиликка, порахўрликка, тамагирликка, зўравонликка қарши муросасиз чора кўраётганимизни халқимиз қўллаб-қувватлаётир. Акмал Икромов туманидаги "Пахтакор" маҳалласи оқсоқолларининг мактубида шаҳар ҳаёти ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ачиниш билан баён қилинади. Улар бозорлардаги, кўчалардаги аҳволдан бениҳоя ранжиб, шаҳарда мустаҳкам тартиб-интизом ўрнатишни сўрайдилар. Ана шундай камчиликларни бартараф этиш фурсати етди, деб ўйлайман.

Инсон самарали ишлаши учун, энг аввало, хотиржам яшashi керак. Шаҳар осойишталигини таъминлаш мақсадида бирмунча ишлар қилинмоқда. Тошкентликларнинг ўзлари пойтахтда жамоат тартиби сақлаб турилганини, шаҳар тинч ва осойишта бўлиб қолганини эътироф этмоқдалар. Тошкент милицияси жиноятчиликни сезиларли даражада пасайтиришга, унинг оғир турларини анча камайтиришга муваффақ бўлди.

Мен кечқурун ишдан қайтар эканман, кўча-кўйларда бола-чақасини етаклаб, бемалол сайр этиб юрган одамларни, айниқса аёлларни кўриб қувонаман.

Шу билан бирга, бу масалада сал бўлса-да хотиржамликка берилиш жуда хавфлидир. Ҳали ҳам шаҳарда давлат ва фуқаролар мулкини ўғирлаш, жиноятчиликнинг баъзи бошқа турлари содир бўлиб турибди.

Маъмурий, ҳуқуқ-тартибот органлари шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда яна ҳам қаттиқроқ ишлаши шарт. Шаҳарда жиноятнинг олдини олиш борасида янада кўпроқ иш қилинмоғи, коррупция, порахўрлик ва рэкетга нисбатан бешафқат кураш олиб борилмоғи лозим. Бу борада Тошкент шаҳри бутун мамлакатга намуна бўлиши керак, деб ўйлайман.

Тошкентда 2 миллион 200 мингдан зиёд одам яшайди. Келди-кетди ҳам ниҳоятда кўп. Ўзбекларда, шаҳар бедарвоза эмас, деган гап бор. Шундай экан, Тошкентнинг дарвозаси бўлиши керак. Шимолдан, турли ёқлардан ке-

лаётган ҳар хил дайди ва муттаҳамларни ушлаб, келган жойига қайтариб юбориш керак.

Тошкентда жиноят оламининг машҳур намояндадари — "авторитет"лар кўп эди. Уларнинг аксарияти тугатилди. Баъзилари ҳозир тижорат йўлига ўтган. Лекин ёш, ҳаётни тушуниб етмаган, халқ тили билан айтганда, "ўпкаси йўқ" зўравонлар пайдо бўлаётгани аҳолини ташвишлантиришмоқда. Ана шу жиноятчилар билиб қўйисин, уларга қарши шафқатсиз кураш тўктамайди. Ҳар қандай зўравончининг танобини тортиб қўйиш қўлимидан келади.

Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усули — маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Зоро, маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ.

Мен яна бир бор маҳаллалар фаолиятига аҳамият беришга, уларнинг даражасини кўтаришга даъват қиласман. Зоро барчамиз маҳаллада ўсганмиз. Унинг нуфузини кўтариш, билингки, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу — сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир. Биз маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим. Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурбӣ етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенгглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди. Энг зўравон, манаман деган одам ҳам маҳалла аҳли олдида ювощ бўлиб қолади. Нега деганда ҳамма — у қандай одам бўлмасин, қайси лавозимда ўтирасин, маҳалла аҳлига бўйсунишга мажбур. Шунинг учун тақрор айтаман, айрим "бели бақувватлар" ҳам, қутурик кетаётган баъзи кимсалар ҳам маҳаллага қулоқ солади Қулоқ солмай ҳам кўрсин-чи! Шундай экан, барча масалада маҳаллаларга суюнган ҳолда ишлашимиз, келажагимизни улар ёрдамида қуришимиз лозим.

Ўзбекистон ҳукумати маҳаллаларга катта эътибор билан қарайяпти. Тошкент маҳаллаларида, айниқса, эски шаҳар қисмida амалга оширилган ишлар бунга гувоҳлий бериб турибди. Биз амалда барча маҳаллаларни ичимлии сув ва табиий газ билан таъминлаб бўлдик. "Маҳалла" жамғармасининг ташкил этилиши, пойтактимизда ишлағ

чиқилган махсус "Маҳалла" дастури шаҳардаги кўпгина муаммоларни изчил ҳал этишга кўмаклашмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, маҳалла аҳлига, фаолларига ўз миннатдорчилигимни ва ҳурмат-эҳтиромимизни билдиromoқчиман.

Азиз ҳамشاҳрлар!

Тошкент — Ўзбекистоннинг кўркидир. Уни жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантириш сиз билан бизнинг муқаддас ва шон-шараф ишимиздир.

Муваққат иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, Тошкентимиз — жонажон пойтахтимизнинг муаммолюмушларини ҳал қилишда, мушкулини енгиллаштиришда ҳеч ким меҳнатини аямайди деб ишонаман.

Хабарингиз бор, яқинда давлатимиз пойтахтини келажакда янада ривожлантириш вазифалари тўғрисида маслаҳатлашиб олган эдик. Ҳозир ишлаб чиқилаётган бош режага кўра, аҳоли учун ҳамма қулайликлар яратилган кўпдан-кўп тураржой бинолари ва бошқа ноёб иншоотлар қурилади, янги боф ва хиёбонлар, кўча ва йўллар барпо этилади. Тошкентда жамоат транспорти, айниқса, унинг атроф-муҳитга зарар келтирмайдиган турларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари ҳам кўзда тутилган. Умуман, қўриладиган ва қилинадиган ишлар кўлами катта.

Мен дунёниг кўп жойларида, Осиё, Европа, Америка қитъаси мамлакатларида бўлдим. Лекин қаерга бормай, Тошкентга, Ўзбекистонимизга тезроқ қайтсан дейман. Ўйлайманки, бу ҳол, жонажон шаҳримизга муҳаббат ҳеч бирингизга бегона эмас.

Тошкент аҳли азалдан меҳнаткаш, бир сўзли, оқибатли, бағри кенг, юрт ва миллат учун бутун борлиги билан хизмат қилишга қаттиқ бел боғлаган фидокор инсонлардир.

Ишончим комилки, улар йўл қўйилган хато-камчиликларни биргаликда, аҳиллик ва ҳамжиҳатликда бартараф этадилар.

Ана шу улуғ мақсад йўлида сизларга, бутун шаҳар аҳлига сиҳат-саломатлик, омонлик ва баҳт-саодат тилайман.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ,
1994 йил 15 июль

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ БОҚИЙ БҮЛСИН!

Азиз ватандошлар!

Мұқтарам юртдошлар!

Сизларни буюк сана — Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги байрами билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Ана шу құтлуг айёмда ватаним деб, элим деб, бугунғи озод Ўзбекистон учун ҳәётини — жонини фидे қылғанларни ёд этиш, улуғ аждодларимизнинг руҳларини шод қилиш барчамизнинг инсоний бурчимиз деб биламан.

Ушбу муборак кунда улуғ тарих ва маңнавият заси бўлмиш, мустақиллик учун кураш йўлида не-не аёвсиз бўронларни бошидан кечирган, бугунғи мاشаққатли синовларга мардона бардош бераётган сабр-тоқатли, матонатли ва доно ҳалқимизга таъзим қиласман. Биз учун мустақиллик — энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимиизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топтиришдир.

Биз учун мустақиллик — Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эвалик қияниш, ҳалқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносаб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод ватан қолдиришдир.

Биз учун истиқдол — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкатини кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва баҳтини кўришдир. Ҳар бир фуқаромиз учун — миллати, ирқи ва

диний эътиқодидан қатын назар — эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир.

Биз учун истиқлол — давлатчилигимизни мустақамлаш, буюк келажагимизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фахримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашдир.

Шу мақсадларга эришиш учун юртимизнинг барча аҳолиси Ўзбекистонни ягона ва азиз юртимиз деб билиши, ўз тақдирини Ватан тақдири билан узвий боғлаб курашмоғи, меҳнат қилмоғи даркор.

Азиз дўстлар!

Она юртимиз учун, унинг порлоқ келажаги учун барча эзгу ниятларимизни баҳшида этайлик!

Азиз ватанимизни асраб-авайлайлик, улуғлайлик!

Ватанимиз олдида ўз инсоний ва фуқаролик бурчимишни сидқидилдан бажо келтирайлик!

Илоҳим халқимизнинг тинчлиги ва тотувлигига кўз тегмасин, хонадонимиздан файз, қут-барака аrimасин!

Мустақиллигимиз боқий бўлсин!

Шу муқаддас мақсадлар йўлида бизга Парвардигорнинг ўзи мададкор бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг уч йиллиги
муносабати билан 1994 йил 31 августда
байрам қатнашчиларига қарата
сўзланган нутқ

ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинганинг уч йиллиги муносабати билан Президент Фармонига биноан бир гуруҳ ватандошларимиз республиканинг орден ва медаллари билан тақдирланган эди. 1994 йил 20 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамасида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Уни Президент Ислом Каримов очди.

Муҳтарам ватандошлар! Бугун биз қувончли ва ҳаяжонли бир воқеа муносабати билан учрашиб турибмиз, деди Президент.

Маълумки, мустақиллик байрамининг уч йиллиги арафасида ватанимиз истиқололини мустаҳкамлаш йўлида алоҳида ўрнак кўрсатган юртдошларимиздан бир гуруҳи олий нишонларга сазовор бўлган эди.

Бугун биз "Дўстлик" орденини дастлабки соҳибларига топшириш ва уларни муборакбод этиш учун йигилдик.

Лекин, ижозатларингиз билан, аввало сўзни ўша Фармонда биринчи бўлиб зикр этилган "Мустақиллик" орденидан бошласак.

Хабарингиз борки, "Мустақиллик" ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва унинг моддий-маънавий ҳаётини мустаҳкамлашга, республикада тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган инсонлар мукофотланади.

Бу юксак мукофотга биринчи бўлиб, буюк адид ва улуғ инсон Абдулла Қодирий сазовор бўлди. Ўзбек халқининг маънавият ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлида у зотнинг қилган хизмати бекиёсдир.

Юртимизда Абдулла Қодирий асарлари кириб бормаган бирорта ҳам хонадон бўлмаса керак. У фақат ўзбекларнинг

эмас, балки Туркистон халқарининг ҳам севимли адаби, озодлик ва истиқлол күйчисидир.

Бу буюк зот ўз жонини, ўз истеъодини ватанимиз эркинлиги ва мустақиллиги, халқимизнинг бахту саодати йўлида фидо қилди. Унинг ҳаёт ва ижоддаги саботи ва ҳалоллиги авлодлар қалбida ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбия этиб келмоқда. Абдулла Қодирий — бизнинг замондошимиз. Унинг муборак номи ва руҳи ҳамиша биз билан бирга.

Насиб этса, яқинда Ўзбекистон халқи Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлади. Ўша тантанали кунларда буюк ёзувчимизнинг зурриётларига Абдулла Қодирий оразу этган ва азиз жонини бағишилаган буюк мақсад — мустақиллик номи билан юритиладиган энг биринчи орденни топширамиз деган эзгу ниятимиз бор.

Муҳтарам дўстлар!

Бобомиз Амир Темур: "Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир" деб авлод-аждодларимизга васият қилган эканлар, дейди Ислом Каримов, бугун юрт дарди билан яшаш, элга ҳалол меҳнат қилиш — улуғ бобомизнинг насиҳатларини бажаришдир. Шундай гоя-мақсад билан яшетган инсонлар бугун шу залда тўплангандар.

Бугун сизларга — "Дўстлик" орденининг ilk соҳибларига ана шу мукофотларни топшириш шарафидан беҳад мамнумман.

Бугун Ўзбекистонимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида биродарлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва то тувиликни мустаҳкамлашда катта хизмат кўрсатган, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантиришга, шундай олижаноб фаолияти билан эл-юртимизнинг равнақи, порлоқ истиқболи учун улкан ҳисса қўшаётган — адаблар, олимлар, давлатимиз ва жамиятимиз арбобларини, кўп миллатли зиёлилар ва ишчилар — халқимиз вакилларини бағримтга босмоқчиман ва уларни "Дўстлик" ордени билан чин қалбимдан табрикламоқчиман.

Ишонаманки, сизлар бу орденни фахр ва ғурур билан кўксингизга тақиб юрасиз. Ишонаманки, бу орденлар ҳаммамизни сизлар каби элга сидқидилдан хизмат қилишига руҳлантиради.

Бугун сизларга ушбу мукофотларни топширар эканман, ватанимиз тараққиёти йўлидаги фаолиятингизга кучгайрат, ташаббускорлик, шижаот тилайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, омонлик, силавий фаровонлик тилайман, ишларингизда доим омад ёр бўлсин!

Ота-боболаримиз бир орзу билан яшаган, деди Ислом Каримов маросим сўнгига. Бу ҳам бўлса, шу юргни баҳтли-саодатли қилиш. Илоҳим, шу уйимиз, ягона хонадонимиз — Ўзбекистонга қўнган баҳт қуши — тинчлик, осо-йишталик, барқарорлик бизни тарқ этмасин. Юрт тинч, ҳалқимиз ризқ-рӯзи тугал, фарзандларимиз омон бўлсин. Мен иродаси бақувват, иймони бутун ҳалқимга яна бир марта таъзим қиласман. Ҳаммамизга Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўриш насиб этсин. Ана шу йўлда барчамиз елкадош бўлайлик.

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

1994 йил 21 сентябрь куни Президент Ислом Каримов иштирокида республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар, иборалар, давлат қўймиталари, уюшма ва корпорациялар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Конгаси раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари қатнашиди. Ўзбекистонда республика ҳалқ ҳўжалигини қиши мавсумига тайёрлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кун тартибига қўйилган масаланинг ҳалқ ҳўжалигидаги ҳар қайси соҳа учун долзарб жиҳатлари хусусида гапирди.

Қиши ҳар гал эшик қоқиб остононда тургандагина унга тайёргарлик кўриш зарурлиги ҳақида ўйлай бошлаймиз. Ваҳоланки, ҳар йили ҳалқимишни айнан бир хил муаммолар қийнайди. Гоҳ кўмир етмай қолади, гоҳ иссиқ сув қувурлари ишдан чиқади ёки чироқ ўчади, кўчада транспорт қатновининг мароми бузилади. Нега шундай? Нега масъул раҳбарлар бурчини тушуниб етмаяпти? Ҳокимлар одамлар ташвишини олдиндан ўйлаши лозим эмасми?

Ислом Каримов мажлис қатнашчилари эътиборини қиши мавсумига тайёргарлик кўриш борасидаги муҳим муаммоларга қаратди. Сўнгти икки йил қиши фасли мобайнида қандай қийинчиликларга дуч келганимизни таҳлил этиш, қиши тайёргарлиги билан боғлиқ доимий муаммоларни аниқлаш лозим. Ҳали кўпгина вилоят ва ҳўжаликларда қишига тайёргарлик ишларида жиддий нуқсонлар бор. Баъзи вазирлар, бирлашма ва корхоналар раҳбарлари ташкилотчилик ишларини етарли даражада йўлга қўймаган.

Аҳолини қиши давомида иссиқлик билан таъминловчи қозонхоналарнинг узлуксиз ишлашини ташкил этиш зарур. Ҳар йили қиши даврида истеъмолчиларни ва хонадонларни иссиқлик билан узлуксиз ва сифатли равишда таъминлаш

ишлирида кәмчиликлар аниқланганига қарамасдан ушбу ишларни ўз вақтида бажаришда бу йил ҳам сусткашликка йўл қўйилган. Биргина Тошкент вилоятида ташкилотларга қарашли 507 уй-жойдан атиги 71 таси қишига тайёр қилинган, 136 мактаб, 141 болалар боғчаси ва 716 та турли муассасалар иссиқлик қабул қилишга шай эмас. Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига қарашли уй-жойлар асосан хусусийлаштирилди, деди Президент. Шундай экан, бу уйларда истиқомат қилувчи аҳолининг сув ва газ таъминоти билан жойлардаги ҳокимликлар ҳам шуғулланиши керак. Ҳокимликларнинг ўз ресурслари, маблаги, ишчи кучи, мутахассислари бор. Улар катта ҳуқуқ ва масъулиятга эга. Демак, давлат таъминотини кутиб турмасдан, таъмир ишларини бажариш, қувурлар келтириш учун мустақил ҳаракат қилмоқ лозим эмасми? Баъзи раҳбарларимиз эса республикада иқтисодий ислоҳот, хусусан, мулкни хусусийлаштириш борасида қилинган ўзгаришлардан мутлақо бехабардек ҳамон эскича фаолият юритмоқда. Мутахассислар маълумотига қараганда, бу йил қиши қаттиқ келади. Ёгин-сочин давригача кўмири ташвишини ҳам ҳал этиш зарур. Аҳолини кўмири билан таъминлаш ишлари шу йилнинг октябрь-ноябрь ойларида тўла бажарилиши керак.

Электр энергияси таъминотини ҳар жиҳатдан ижобий ҳал этиш учун Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги зудлик билан, ишчанлик ва тадбиркорликни кучайтириб, энергия блоклари, қозонхона агрегатларини вақтида таъмирлаш ишлари ва уларни қиши мавсумида узлуксиз ишлатишни таъминлашлари керак. Президент қиши бўйи хонадонларга, ташкилот, муассаса ва корхоналарга нур ҳамда иссиқлик узатадиган марказларнинг узлуксиз ишлаши учун мутасадди раҳбарлар кафолат бериши, жавобгарликини зиммасига олиши лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон собиқ СССР ҳудудида газ ишлаб чиқариш бўйича учинчи ўринни эгаллагани ҳолда, газлаштириш атиги тўрт фоизни ташкил қиласр эди, деди Ислом Каримов. Сўнгти уч йил ичиди ана шу кўрсаткич 40 фоизга кўтарилди. Яъни халқимизни газ билан таъминлаш дараҷаси ўн баравар ортди. Аммо, айрим вилоятларда газдан тежамкорлик билан фойдаланилмаётир. Хусусан, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари шартномада кўзда тутилганидан кўп газ олган. Хўш, нега исрофгарлар

ортиқча ишлатадиган газга, керак бўлса, 10 баравар юқори нарх қўймаймиз? Нима учун замон талаб қилаётган мана шундай иқтисодий чораларни қўлламаймиз? Ҳадемай, қиши келиши билан ҳамма жойда, жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам кишилар уй иситиш учун газ ёкиб қўяди. Қачонгача одамларни шундай яшашга мажбур этамиш? Ким бу ҳақда қайғуради? Мутасадди раҳбарлар ушбу масалаларга жиддий эътибор беришлари зарур, деб таъкидлади Президент.

Мамлакатимиз раҳбари чорвадорларнинг қишлови масаласига алоҳида тўхтади. Тоғли жойлардаги, чўл ва дашт зоналаридаги кишиларни, чорвадорларни, чўпонларни табиат қийинчилкларидан муҳофаза этиш, уларни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда иссиқ кийимлар билан таъминлаш мутасадди раҳбарларнинг муҳим ишларидандир. Шунингдек, чорвачилик фермаларини ва бошқа обьектларни қишига тайёрлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Бугунги иқтисодий тақчиллик шароитида мол туёғини сақлаш ва кўпайтириш муҳим масаладир. Эртанги қиши аёзларида чорва нобуд бўлмаслиги учун зарур чораларни кўриш долзарб муаммолардан биридир. Бу борада республикада аҳвол қандай? Жойларда қандай ишлар амалга оширияпти? Қиши мавсумида чорва нобуд гарчилигига йўл қўймаслик, молларни емиш билан таъминлаш борасида аниқ нормативлар бўлиши зарур. Амалда эса қиши мавсумига тайёргарлик 1 сентябргача 50-53 фоизга бажарилган, холос. Бу масалаларни пухта таҳлил қилиш ва аниқ чора-тадбирлар белгилаш зарур.

Транспорт — мамлакат иқтисодиётининг қон томиридир, деди Президент. Шу маънода мазкур соҳа раҳбарлари ҳам катта ишларни амалга оширишлари керак. Ҳозирги куз кунларида ёқ кечга бориб йўловчи ташувчи транспорт воситалари камайиб кетмоқда. Қиши даврида жамоат транспортининг ҳар куни бир маромда йўлга чиқишини таъминлаш зарур. Хорижий мамлакатлардан янги автобус, троллейбус ва трамвайлар олиб келяпмиз. Лекин нима учун бескатларда ҳали ҳам тумонат одам? Сабаби шундаки, автобуслар ҳайдовчиларга бериб қўйилган, хоҳласа — юради, коҳламаса — йўқ. Жамоат транспортининг хўжайини ким? Мутасадди раҳбарларми ёки қўрс муюмалали ҳайдовчиларми? Транспорт соҳасида ишлайдиганлар қачон оддий тартиб-интизомга бўйсунадилар? Соҳада иш тарти-

БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН

бини бутунлай ўзгартириш зарур. Ҳайдовчиларнинг ишига қараб маош тўлашни йўлга қўйиш керак.

Хуллас, қишига тайёргарлик ишларини тўла-тўкис ва вақтида тугатиш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ислом Каримов ҳар қайси мутасадди раҳбар ўз тармоғининг қиши мавсумида узлуксиз ва мунтазам ишлашига кафолат бериши, жавобгарликни зиммасига олиши кераклигини яна бир карра таъкидлади.

ИЖОБИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ОХИРИГА ЕТКАЗАЙЛИК

Ассалому алайкум, муҳтарам халқ ноиблари!
Қадрли дўстлар!

Олий Кенгашнинг бугунги XVI сессияси давлатимиз ва жамиятимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга моликдир.

Аввало, бу сессия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги санасига тўғри келгани билан эътиборга сазовор. Куни кеча бўлиб ўтган байрам тантанаси бутун халқимиз ва жаҳон аҳлига таълаган йўлимизнинг тўғрилигини, мустақил тараққиётнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини яна бир бор намоён этди.

Бу байрамни мамлакатимиз барқарорлик ва фуқаролар тотувлиги ҳукм сурган бир шароитда, бозор иқтисодиёти сари амалий қадамлар қўйилаётган, аҳоли ижтимоий жиҳатдан ҳар тарафлама муҳофаза қилинаётган, давлатимиз халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётган бир вазиятда нишонлади.

Уч йил — тарих учун қисқа фурсат. Аммо жамият тараққиётини ҳал қилувчи замонда давр календарь варақлари билангина эмас, балки жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги амалга оширилаётган ўзгаришларнинг теранлиги ва аҳамияти билан ўлчанади.

Тўла асос билан айтиш мумкинки, биз ўз миллий давлатимиз ривожининг бутун бир тарихий даврини босиб ўтдик, давлат тизими ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муҳим ўзгаришларга эришдик.

Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, халқимиз иродаси ҳамда ваколати билан сайланган дастлабки Олий Кенгаш давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётидаги тарихий бурилишга асос солди, пойdevor қурди ва бошқарди.

Ўйлайманки, ҳозир ҳар биримиз, ҳар бир депутат бугун тарих бўлиб қолган фаолиятимиздаги биринчи қўйган қадамларимизни, ўша унтуилмас кунларни хаёлда қайта-

дан яшаб турғандекмиз. Шу боис ўша мураккаб, чигал, айни вақтда шарафли кунларнинг мазмун-моҳиятини яна бир карра кўз ўнгимиздан, юрак ва тафаккуримиздан ўтказишимиз табиий ҳолдир.

Чунки, биз бу қисқа муддат мобайнида асрларга тенг долғали бир ҳаётни бошимиздан кечирдик. Тарихда асло ўхшаши бўлмаган ижтимоний жараёнларга дуч келдик.

Тақдир бизнинг авлодимиз, сизу бизнинг зиммамизга мисли кўрилмаган синов ҳамда вазифаларни юклиди.

Шунинг учун ҳам бугун босиб ўтган йўлмизга колисона назар ташлаш, уни даврнинг асосий хусусиятлари нуқтаи назаридан идрок этиб баҳолаш зарур, деб ҳисоблайман. Баҳолаганда ҳам шунчаки расмий кўз билан эмас, балки инсонийлик нуқтаи назаридан тўғри ва ҳалол баҳо бериш лозим.

Нега деганда, жамиятдаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш аввало инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун амалга оширилмоғи даркор. Биз бу гояни ўз фаолиятимизнинг бош мақсади деб белгиладик ва шу йўлдан оғишмай интилмоқдамиз.

Аслини олганда, биз ҳисботни халқимиз олдида, давр олдида беришимиз даркор. Қилган ишларимиздан элу юртимизга нима наф тегди, депутат, раҳбар ёки оддий фуқаро сифатида Ватанга қандай фойда келтирдик, деб ўзимизга савол берсак, менингча, адолат юзасидан иш тутган бўламиз.

Чунки оқир-оқибатда бизнинг барча ишларимизга ҳаққоний баҳо берадиган одил ҳакам — бу халқ, шу азиз юртдошларимиздир.

Шу маънода ўтган даврни, аввало, дунёнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ўринлидир.

Маълумки, XX асрнинг сўнгти ўн йиллиги улкан ва унтилмас воқеаларга ниҳоятда бой бўлди. 70 йилдан зиёд вақт давомида дунё икки қарама-қарши лагерга бўлинниб, инсоният доимий таҳлика остида яшади. Жаҳонда ўзаро таҳдид ва қўрқув муҳити ҳукм сурди.

Айни пайтда ер юзининг турли минтақаларида миллий озодлик ва мустақиллик ҳаракатлари кучайиб борди. Мазлум халқларнинг эрк учун кураши асрнинг гоясига айланди. Ўзга давлатларга тобе бўлиб келган кўплаб мамлакатлар биринкетин эркинликка эриша бошлади. Мустамлакачилик сиёса-

ти ижтимоий ҳодиса сифатида ҳалқаро майдонда ҳалокатга маҳкум этилгани тобора аён бўла борди.

Айтиш мумкинки, бу жараён XX асрнинг энг асосий, энг муҳим ижтимоий-сиёсий тамоилии сифатида ажралиб туради.

Ва ниҳоят, аср адабига келиб тарих тақозоси билан оламдаги йирик ва сўнгти империялардан бири бўлмиш СССР емирилди. Ҳар қанча олижаноб шиорлар билан бежаб-бўялса-да, моҳият эътиборига кўра мустамлака салтанати бўлган Совет Иттилоғи бесамар коммунистик тажриба қурбони бўлди.

Дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан мамлакатда мутелик ҳолатида яшаган ҳалқлар қарамлик кишланаридан холос бўлдилар. Уларнинг ҳар бири ўз имконияти, ўз ақл-заковати даражасида миллий давлатларни барпо этишга киришди.

Ўзбекистон ҳалқи ҳам асрий орзусига эришди. Азиз Ватанимиз узра истиқдол байроғи ҳилпиради.

Ҳурматли депутатлар!

Юртдошлар!

Кейинги тўрт-беш йилда орттирилган озми-кўпми тажрибамиз, жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар, мамлакатимизда кечётган жараёниларнинг хусусиятлари дастлабки якунлар, ютуқ ва хатоларимизнинг сабоқлари ҳақида айrim хulosаларни чиқаришга имкон беради.

Лекин бундай хulosаларни баён этиш ва таҳлил қилишдан олдин, бир зумга бўлса-да, тўрт-беш йил муқаддам бошимиздан кечган 1989—1990 йилларга хаёлан қайтайлик.

Баъзи бир ғоят қийин, лекин табиий саволларга жавоб берайлик:

— Ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, ўшанда бизлар ким эдик?

— Ўша йиллар умуман қандай давр эди?

— Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?

— Каъба деб қаерга сифинар эдик? Ҳар тонг "Ассалом!" деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?

— Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Ат-Термизий, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур ва бошқа

улуг бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларга қоришиб ётган эди?

— Миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?

— Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармилик? Қандай мўътабар замин, улуг аждодларимизнинг ўлмас мерослари билан озиқланган ер ўғлонлари эканимизни англармилик?

— Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда бирор билармили? Бирор биэлар билан ҳисоблашармили? Жаҳон миқёсида бирор киши бизни назарига илармили?

— Юртимиз қандай ва қанча беқиёс бойликлар хазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?

— Гуё миллий ифтихор бўлмиш пахта, ҳақиқатда миллий ғурур ўрнига бўйинтуруқ бўлиб, ҳалқимизни ялангоёқ ҳилишдан, бошимизга азоб-уқубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтиради?

— Яна бир бор эслаб кўринглар, азиз юртдошларим, куни кеча эмасмили бошимизни кўтармасдан яшаганимиз? Кремлнинг ҳар бир имосига маҳтал бўлиб, ярим қуллик ҳолатида кун кечирганимиз?..

У кунларни унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ. Буни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур.

Ёки истиқолонинг дастлабки чоғларини ёдга олайлик. Ўша пайтларда шундай чигал, хатарли вазиятлар рўй бердики, агар биз салгина янгишсак, ҳушёрлик ва қатъиятни озгина бой берсак, бальзи бир бақириқ-чақириқ йўлига ўтган "доҳий"ларнинг гапига кирсак, ўта хотиржамлик ва ғафлатга берилсак, эҳтимол, бугунги кунда ҳалқимиз тақдиди, ватанимиз тақдиди бутунлай бошқа йўлдан кетиши, боши бўрк кўчаларга кириб қолиши мумкин эди.

Буниям аниқ тасаввур қилишимиз керак.

Шукурки, Аллоҳ барчамизга шундай қийин фурсатларда ақл-идрок берди, сабр-матонат ато этди, бир-биримизга бўлган меҳр-оқибатдан айирмади. Ҳалқимиз, миллатимиз шу мушкул синов кунларига том маънода бир тану бир жон бўлиб бардош берди, ўзининг улуг фазилатлар соҳиби эканини яна бир кара намойиш этди!

Бунинг учун мен шу элу юртнинг бир фарзанди сифатида мана шу юксак минбардан туриб ҳалқимизга таъзим қиламан.

Бизнинг бугун эришган энг катта ютуғимиз, энг катта бойлигимиз — халқимизнинг ақл-заковати, унинг танлаган йўлимизга ишончи, мамлакатимизда ҳукм сурәттган халқлараро дўстлик, фуқаролар тотувлиги, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигидир.

Чунки фақатгина шу йўл билан халқимизни, миллатимизни таҳликали дунёда омон сақлаш ва камолга етказиш мумкин.

Азиз дўстлар!

Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштиrsак, бугунги кунимизни тўқсонинчи йил билан солишиrsак, қиёсласак, ҳётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг, эришилган ютуқларимизнинг асосий мезони деб:

Биринчи навбатда, одамларнинг дунёқараши ўзгариши, ғурур, орият, шаън ва номус туйғулари кучайиши, ҳётга ва меҳнатга муносабати, Ватанга, юртимизга меҳри, эгалик ва масъулият ҳисси кучайишини кўрамис.

Қайта қуриш даврида кишилар онги бузилганини бир марта эслаб кўрайлик. Ўшандада бизлар ҳам юқумли бир касалга мубтало бўлган эдик. Яъни, сохта демократия ниқоби остида қилинган узоқни кўзламаган турли ҳаракатлар ҳали ҳам ёдимизда. Биз шундай касалликдан бошқаларга нисбатан анча осон қутулдик.

Мамлакатимиз — ягона оила, деган ақида қарор топди. Жамоаларда, маҳалла-кўйда, оиласда маънавий иқлим соғайганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Бу янги даврнинг олижаноб хусусиятларидан биридир.

Бугунги кунимизга хос ёрқин хусусиятлардан яна бири миллатнинг ўзлигини англашидир. Ниҳоят, қайси заминда яшаётганимизни ҳис этиш, қандай гўзал ва қадимий юрт фарзанди эканимизни тугал англаш фурсати келди.

Ҳётимизда, умуминсоний қадриятларга интилиш билан бирга, Шарқ фалсафаси муносаб ўрин топяпти. Орамизда яна қайтадан мусулмончилик, халқимиз соддагина қилиб "ўзбекчилик" деб атайдиган меҳру оқибат, ўзаро чидам ва ҳурмат, ўзгаларнинг дардига ҳамдард бўлиш каби олижаноб фазилатлар қарор топяпти. Бу улуғ ақидалар қалбимиз тўридан тобора кўпроқ жой олаётгани катта аҳамиятга эга.

Ота-боболаримиз дини бўлмиш Ислом динимизни қадрлаш, унинг таълимоти ва таъсири ҳётимизни, маънавияти-

мизни янги маъно билан тўлдиришга хизмат қилмоқда. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди. Неча ийлар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан ғофил этишга уриндилар.

Аммо биз ҳурриятни орзу этишдан, ҳуррият учун курашидан чарчамадик. Маслагимизни, наслу насабимизни доимо ёдда сақладик.

Улуф бобокалонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улуг аждодларимизга, улар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйнилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан мустаҳкам жой олиши — бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусияти.

Ўзбекистон — муқаддас Ватан. Ота-бобомиз хоки ётган ер. Ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш — буғунги куннинг энг устувор фазилатларидан бирига айланётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Тарихий шон-шуҳратимизни, буғунги кунимизни, жаҳонда тутган ўрнимизни англаб, порлоқ келажакка муносиб соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказишга эътибор берадиганимиз ҳам — буғунги кунимизнинг ёрқин белгисидир.

Янги жамият ва давлат қуришда дадил қадамлар қўйдик.

Тоталитар тузумдан ва унинг бошқарув услубларидан батамом воз кечдик. Республикада жаҳон тажрибасига жавоб берадиган, ўзимизнинг дунёқарашибимизга мос сиёсий тизим қарор топяпти.

Вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳудудида миллий онгимиз ва анъаналаримизга хос ҳокимлик институти барпо этилди. Айни замонда, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришга, яъни маҳаллага катта эрк ва ҳуқуқлар берилди. Янги бошқарув тизими халқимиз табиатига, халқимиз талабига мос келиб, юртимизда тинчлик ва тотувликни сақлаш гарови бўлмоқда.

Бошқарувга янги ва ёш, жисмоний ва маънавий соғлом авлод вакилларининг кўпроқ жалб этилаётгани ҳам — буғунги куннинг яна бир фазилатидир.

Катта ютуқларимиздан яна бири шуки, биздан олдинги авлодлар озиқланган муборак заминда янги юксак бино —

буюк давлат қуриш ва жаҳон давлатлари орасида муносиб ўрин эгаллаш учун ҳаракат бошланди.

Бу улуғвор мақсад сари сабот билан интилиш ҳам — янги давр аломатидир.

Юртимизда бошланган бундай ҳаракатларда фахрийларимиз, нуроний отахонларимиз ва онахонларимизнинг ҳиссаси катта бўлгани бизни беҳад қувонтиради. Уларнинг биз билан бирга, ёнма-ён, елкама-елка туриб, бизларга ақл ўргатиб, онгимизни бойитиб, керак бўлган чоғларда, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрини тўғри тушунтириб, савобли ишларимизга оқ фотиҳа бериб тургани бизга доимо мадад бўлади, кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшади.

Яъники, бизнинг жамиятда бўлиниш, парокандалик юз бермади. Аҳиллик ва умум маслаҳати қарор топди. Бу ҳам бизнинг энг муҳим ютуғимиз ва кучимиздир.

Айни замонда, ўз миллий мафкурамизни шакллантириб, ўзлигимизни тобора кўпроқ англаб бораётган бир шароитда бошқа миллатларга ҳурмат, юртимизда яшаётган ҳар бир инсонга — унинг ирқи, миллати, диний зътиқодидан қатъи назар — муносиб шароит яратиб бериш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳам бугунги даврнинг энг олижаноб фазилатидир.

Ҳурматли депутатлар!

Бугунги ҳаётимиздаги энг долзарб вазифа, бу — иқтисодий ислоҳотларни тез суръатлар билан пировардига етказиш, уларнинг самарасидан баҳраманд бўлишидир.

Бунинг учун бошлаган ишларимизни жадал давом этиришимиз керак. Бугунги қундаги энг муҳим ва ҳал қилувчи вазифа — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ишларини охирига етказиш, мулк шаклини ўзгартириб, уни ўз эгасига топшириш деб биламан.

Бу вазифани бажаришда — хоҳ саноатда ёки қурилишда, хоҳ савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳасида, хоҳ қишлоқ хўжалик тармоқларида бўлсин — ҳеч қандай расмиятчиликка, хўжакўрсиналикка, "мендан кетгунча — эгасига етгунча", деган бенарволикка йўл бермаслик керак.

Белгиланган тадбирларимизда энг катта зътибор — мулкчилик шаклидан қатъи назар — корхона, ташкилот, хўжалик меҳнат жамоаларининг иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, уларнинг масъулиятини оширишга қаратилади.

Яна бир муҳим масала. Шахсий ва хусусий мулк эгала-рига, уларнинг даромадига кўз олайтирмасдан, кенг йўл очиб бериш. Қонун ва фармонларимизда белгилаб қўйилган дахлсизлик ва кафолатларнинг қоғозда эмас, амалда бўлишига эришмоқ даркор! Афсуски, ҳозирча ҳаётда шундай бўлмаяпти. Аввалги — ҳаммани сунъий равишда тенглаштириш даври ўтди. Бу масаладаги қарашимизни ўзгартишишимиз даркор. Чунки бир одам ҳалол меҳнати орқали бойиса, бошқаларга ҳам нафи тегади. Ҳалқ бой бўлади. Барчамиз баробар бўлиб, барчамиз ҳароб бўлиб яшаганимиз етар. Энди ақд-заковат билан, ҳалол меҳнат қиласидаган одамларнинг косаси оқарадиган вақт келди.

Маълумки, меҳнат жамоаларига биз талай Эркинликлар бердик.

Ҳалқ хўжалигини бошқариш тизими қайта тузилди. Вазириклар ва уларнинг органлари маъмурий бошқарув тизимининг жойлардаги бўлими сифатида тутатилди.

Давлат буюртмалари бекор қилинди ёки кескин қисқартирилди. Эркин нархга ўтдик. Бор ҳуқуқ ва имкониятлар бевосита ишлаб чиқарувчининг ўзларига бериб қўйилди.

Бу тадбирларимиз илк самарасини бермоқда. Лекин ислоҳотлар йўлидаги фаолиятимизни танқидий кўз билан холисона баҳоласак, кўп ачинарли ҳолатларни кўриш мумкин.

Аввало, ишлаб чиқсан дастуримиз, тадбирларимизни ҳаётга татбиқ қилишда айрим раҳбар ва ходимларнинг тушунчаси, ислоҳотта муносабати ва масъулияти, иш бажариш интизоми кўп жойларда талаб даражасида эмас.

Бир нарсани жуда яхши ўрганиб олганмиз: минбарларда, мажлисларда сўзга чиқиб, ислоҳотларни мақтаймиз, иш қиляпмиз, деб одамларни ишонтирамиз, баландпарвоз ваъдалар берамиз, амалда эса — бутунлай бошқа ҳолат.

Бундай юқумли касалликдан, хўжакўрсинга вайсашдан, расмиятчиликдан тезроқ қутулиш керак. Бундай ҳолатнинг чўзилиши, аввало, ислоҳотнинг ўзига, аҳамияти ва обрўйига дод тушириши, охир-оқибатда эса, одамларимизнинг ислоҳотлардан ихлоси қайтишига сабаб бўлиши мумкин.

Бугунги энг муҳим вазифа — ҳалқимизнинг, ишчилари мизнинг бор кучини бунёдкорликка сафарбар қилиш.

Албатта, ҳаммамиз ҳам, биринчи навбатда, раҳбарлик лавозимида ўтирган кишилар, бугунги кун талабларига жавоб бериш учун билим ва малакамизни оширищимиз,

замонавий тажрибаларни қунт билан ўрганиш, изланиш ва тадбиркорлик йўлида ўзимизни аямаслигимиз лозим.

Албатта, тайёр раҳбар ва мутахассисларни топиш қийин. Аслида бу — энг мураккаб масала. Чунки раҳбарлик қобилияти ҳам одамнинг пешонасига битилган бўлади. Агар раҳбар эгаллаган лавозимига муносиб бўлса, ўша жойда ҳалқ ўз ҳимоясини толади. Лекин, минг афсуски, раҳбарларимизнинг кўпчилиги ҳануз боқимандалик кайфиятидан қутулгани йўқ, эски тизимнинг қотиб қолган услуб ва асоратларидан ҳалос бўлмаяпти.

Кимдир юқоридан келиб уларга ҳамма шарт-шаронтларни ташкил қилишига умид боғлаб, ўз масъулиятини сезмасдан ўтирган раҳбарларни учратиш жуда ачинарли ҳолдир.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз: бугунги қийинчиликларни енгиш, тўғри йўл топиш, бу — жуда мураккаб ва қийин вазифа. Лекин, шу билан бирга, раҳбарлик қобилияти бўлган, керак бўлса, қаттиққўллик хусусиятларига эга, инсофли, диёнатли одамларнингтина раҳбарлик тўнини кийишга маънавий ҳаққи бор. Элим, юртим деб ёниб яшаёт керак деган шиор энг аввало ана шу раҳбарларнинг ҳаётини маслаги бўлмоғи лозим.

Раҳбарлик қобилияти ҳам, менинг фикримча одамзодга Аллоҳ таоло берадиган ноёб бир инъомдир. Бинобарин, раҳбар шахс ана шу юксак талаб ва мезонларга муносиб бўлиши зарур. Кўп ҳолларда раҳбарлик лавозими таклиф этилган. Қинчлағдан, "чашенчинги" учун "раҳмат", "челингриғингизни бажараман" деган гапларни эшитамиш. Афсуски, бу одамларнинг барчаси ҳам зиммасига олаётган масъулиятини теран тушунавермайди. Баъзан беихтиёр ўйлаб қоламан: шундай бир асбоб-ускуна бўлсанки, у билан раҳбарликка номзоднинг ўй-фикрини, билимини, диёнатини яққол кўриб, кейин фармонга имзо чексам!..

Ҳаётий тажриба шуни кўрсатдики, инсофли, янгиликка интигувчи, кучли раҳбар атрофида соглом фикрловчи, изланувчан, тадбиркор ва ишбилармон кишилар кўпаяди. Қарабсизки, бундай иш қайнаб турган жойда муҳит ҳам соглом, одамларнинг кайфияти ҳам яхши.

Муҳит қаерда носоғлом? Бу саволга аниқ жавоб бериш мумкин.

Қўлидан иш келмайдиган, манманликка берилган, гўдайдиган, атрофидагиларни менсимайдиган, уруғчилик,

маҳаллийчиликни авж олдирган, аввало ўз манфаатиниң күзлайдиган раҳбар шундай носоғлом аҳволга, жанжал, тўполон, қарама-қаршилик ва адоватга тўла муҳитга сабаб бўлади.

Халқимиз "бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетади" деб бежиз айтмайди, муҳити носоғлом бундай хўжалик ва туманларда ҳақиқатдан ҳам файзу барака ва омад йўқолади. Шунга қараб, хулосани ўз вақтида чиқарсак, ишмиз ҳам ўнгидан келиб, тезроқ юришиб кетади.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Ҳаммангизга маълумки, бизга эски тузумдан мерос бўлиб қолган носоғлом иқтисод асоратларини йўқотмасдан, айниқса, ҳом ашё минтақасига айланган бир ёқлама ривожланган ишлаб чиқаришни ўзгартирмасдан туриб, тўла мустақилликка эришиш қийин.

Ўтмишнинг бундай оғир асоратларини ҳали-ҳамон сезиб турибмиз.

Шу боисдан ҳам эски хатоларни тузатиш билан бир вақтда, бутунлай янги иқтисодиётни шакллантиришимиз керак.

Соҳа тизимлари жиддий ўзгартиришларга муҳтоҷ. Қисқа вақт мобайнида кескин ўзгаришларга эришиш, биринчи навбатда, ихчамгина замонавий технологияга суюнган тайёр маҳсулот чиқарувчи корхоналарни бунёд этиш ўта мушкул экани равшан ва бу кўплаб маблағ ҳамда инвестицияларни талаб этади.

Лекин бугуннинг ўзидаёқ халқ хўжалигини жумҳурият эҳтиёжлари ва халқ талаблари томон буриш учун бутун кучимизни сарфлашимиз зарур. Бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Энди уларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш керак.

Маълумки, ҳар қандай давлат, шу жумладан, жумҳуриятимиз ҳам энергетика мустақиллигига эришгандаги на чин маънода мустақил бўла олади. Яқин-яқингача биз ҳаёт-мамотимизга дахлдор нефть, нефть маҳсулотлари ва энергия ресурсларини асосан Россиядан олиб келишгага мажбур эдик. Лекин кейинги икки-уч йил мобайнида бу соҳада мустақилликка эришиш йўлида кўп иш қилинди. Мен бугун Мингбулоқ, Кўкдумалоқ конларини ўзлаштиришда матонат кўрсатаётган инсонларга яна бир бор ташаккур айтаман.

Бугун эса вазият ўнгланмоқда. Ёқилғи-энергетика мажмуи яхши ишламоқда. Нефть, табиий газ, кўумир қазиб

олиш ҳажми кўпайди. Нефть қазиб олиш ҳажми икки баробар ортди, мамлакатимизнинг ўзида мазут, дизель ёнилғиси, нефть мойларини ишлаб чиқариш сезиларли даражада ортди. Бу борада Мингбулоқ ва Кўқдумалоқдаги нефть конлари яхши истиқболлар очмоқда. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш ишлари жадал давом этмоқда.

Бутун ёқилғи-энергетика комплексини бундан буён ҳам жадал ривожлантириш сиёсатимизнинг устувор вазифаси бўлиб қолаверади.

Жумҳуриятимиз ҳамиша ўзининг қишлоқ хўжалик соҳасида етишириладиган ҳом ашёси билан донг таратиб келган. Шу нуқтаи назардан, қайта ишлаш соҳаларида ихчамгина ва тижорат талабига жавоб берадиган корхоналарни қуриш ва уларни замонавий технология билан таъминлаш, сифатли ва рақобатга бардошли ҳалқ истеъмол маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйиш муҳим стратегик вазифа бўлиб қолмоқда.

Энди биз ҳом ашё ёки арzon-гаров ярим тайёр маҳсулотлар эмас, аксинча, замонавий, ўта харидоргир тайёр моллар сотишни ўрганишимиз даркор.

Худудий тизимни такомиллаштиришга ҳам алоҳида зътибор бериш зарур. Вилоятлар ва Қорақалпогистон Республикасининг салоҳияти ва меҳнат имкониятларидан етарли даражада ва самарали фойдаланилаётгани йўқ.

Юртимизда ҳалигача ишлаб чиқариш базаси ривожланмаган. Имфраструктураси қолоқ аҳоли пунктлари ва қишлоқлар кўплаб топилади.

Афсуски, айрим жойларда одамлар сифатли ичимлик сув, табиий газ ва майший хизмат турларидан баҳраманд бўла олмаяти. Галдаги вазифа қишлоқ аҳолисига ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган шарт-шароит яратиб беришдан иборатdir.

Бунинг учун ҳудудларни комплекс ҳолда ривожлантириш, қишлоқнинг ижтимоий қиёфасини тубдан ўзгартириш — бугунги долзарб вазифамиздир.

Илгари бир неча бор таъкидлаган гапни яна бир марта қайтариб ўтмоқчиман: ўзининг келажагини ўйлайдиган ҳар бир давлат, аввало, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга кўмак бериши зарур. Унга ҳар томонлама: иқтисодий, моддий ва илмий-техник жиҳатдан ёрдам қилмоғи шарт.

Қишлоқ иқтисодимиз ва халқимиз фаровонлиги пойдеворидир.

Биз шу пайтгача қишлоқ ҳўжалигига асосий эътибор бериб келдик ва шундай бўлиб қолажак. Бу соҳага кўп имтиёзли иқтисодий шароит яратилмоқда. Пахта ва галланинг харид нархлари бир неча марта оширилди. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг деярли барчаси эркин нархларда сотилмоқда. Давлат буюртмасини пешма-пеш камайтириб, ҳўжаликларнинг ўзига кўпроқ иқтисодий эркинлик беряпмиз. Давлат ҳўжаликлари жамоа ва ижара ҳўжаликларига айлантирилмоқда.

Деҳқон-фермер ҳўжаликлари сони, улар ихтиёридаги ср майдонлари ва томорқалар кўпаймоқда.

Шу билан бирга, қишлоқдаги ислоҳотлар тоқат қилиб бўлмайдиган даражада суст кечётгакини ҳам тан олиш керак.

Билмадим, сиз ҳурматли депутатлар буни қандай баҳолайсиз, лекин, менимча, қишлоқда ўтказилаётган ислоҳотларни охиригача етказиш йўлида тўсиқ-ғов бўлиб турган расмиятчилик, лоқайдлик, ўтакетган бепарволик, боқимандалик ва порахўрлик каби иллатларга қарши жиддий кураш бошлаш вақти келди, деб ўйлайман.

Токайгача ислоҳот йўлида қонун-қарорлар қабул қилиб, уларни амалга оширишга турли логоналарда тўсиқ бўлиб турган масъулиятсиз, ўз манфаатларидан ўзга ҳеч нарсани билмайдиган одамларга чидаб юрамиз?

Токайгача тили бошқаю, дили бошқа бўлган одамларни сафимизда сақлаймиз?

Бугунги вазиятга бир назар ташласак, юқорида — Республика даражасида қабул қилинган фармон ва қарорлар жойларга етиб боргунча, айрим мунофиқ амалдорлар уларни амалга ошириш у ёқда турсин, мазмунини ҳам ўзгартириб юборади. Айтинглар, токайгача бу аҳволга тоқат қилиб турмиз?

Ҳурматли юртдошлар!

Ўзбекистон учун, халқимиз учун, иқтисодий мустақиллигимизга эришиш учун галлага бўлган эҳтиёжимизни ўз кучимиз билан қондиришининг аҳамияти ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Оддий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, халқимизни боқиши учун 3 миллион 800 минг тоҷнага яқин ғалла керак. Шунча ғалла тайёрлаш учун Ўзбекистонда тўла шарт-ша-

роит ва имконият бор. Шу йилнинг ўзида ғаллакорлик учун 650 минг гектар сугориладиган ва 550 минг гектар лалми ер ажратилган эди.

1995 йилда эса бу мақсадларга, лалми ердан ташқари, сугориладиган ернинг ўзидан I миллион гектарга яқини ажратилиши белгиланди. Ўзингиз бир ҳисоб-китоб қилиб кўринг, қадрли дўстлар.

Агар шунча сугориладиган ернинг ҳар гектаридан 35—40 центнердан ғалла олсак — марра бизники.

Лалми ерлардан эса ўртача 10 центнердан ҳосил олинса, бу — яна қўшимча 500 минг тоннадан ортиқ ғалла демакдир.

Бир пайтлар ота-боболаримиз шундай ҳосил кўтаришган. Биз нима учун бугун унга эришолмаймиз?

Бунинг сабаблари бор.

Аввалимбор, "пахта, пахта" деявериб, ғалла етиштиришдан бутунлай чиқиб кетдик. Унинг технологиясини ҳам унтиб қўйдик. Уруғчилик масаласида мутлақо иш олиб борилаетгани йўқ. Қисқа қилиб айтганда, ғаллачилик бизда ўгай соҳа бўлиб қолган.

Яна такрорлаб айтаман, республика бўйича ўртача 40 центнердан ғалла олиш, бу — қўлимиздан келадиган вазифа. Ахир, қачонгача олтинимиз, пахтамиз эвазига четдан ғалла олиб келамиз. Токи, ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча.

Лекин, бугунги кунда аҳвол жуда ачинарли. Ўзларинг айтинглар: нега Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида айрим бригада ва хўжаликлар 60—65 центнердан хирмон кўтаради-ю, Тошкент вилоятида ва бошқа қолоқ туманларда бу кўрсаткич ўртача 22 центнердан ҳам ошмайди?

Қорақалпоғистонда сувли ердан олинган ўртача ҳосил 8 центнер бўлса, буни биз қандай баҳолашимиз керак?

Бунинг сабабини, биринчи навбатда, раҳбарларнинг масъулияти ва ерга муносабати сустлигидан кўриш керак.

Нафақат СССР, балки бутун дунёдаги социалистик давлатларнинг пахта мустақиллигини таъминлаган мамлакатимиз, нима учун нон ва ғалла масаласида ўзининг мустақиллигига эриша олмайди??!

Мустақиллик, истиқлол ҳақида баландпарвоз гаплар билан юрган айрим ҳокимлар ва хўжалик раҳбарларига шу саволни беришимиз керак:

Барака топкурлар, халқимизнинг асосий озиқаси бўлмиш нон билан таъминлашда белни қаттиқ боғлаб, ўзларингни кўрсатинглар. Ҳақиқатда ҳам Ватан ва юрт мустақиллиги ва истиқболига садоқатли эканингизни сўзда эмас, амалда исбот қилинглар!

Ҳамма, айниқса ҳокимлар билиб қўйисин: бу масала бўйича сўроқ жуда қаттиқ бўлади! Бундан бўён ҳар бир раҳбарнинг фаолияти Ватаннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга нечоғли ҳисса қўшгани билан ўлчанади.

Шу маънода ўзимизни картошка билан таъминлаш масаласини олиб кўрсак, ҳеч қандай ақлга сифмайдиган аҳволга дуч келамиз. Утган йили Голландиядан келтирилган 12 минг тонна уруғлик картошканинг 3 минг тоннаси чириб кетган. Сабаби — ишга масъулиятсизлик, халқ мулкига хиёнат. Аввало, технология талабига кўра июнь-июль ойларида экилиши лозим бўлган картошка, бир ой кеч — августда ерга тушган. Қолаверса, ихтисослашган сабзавотчилик институтимиз бўллатуриб, уруғликнинг бизнинг шароитимизга мос келадиганини тавлаб олиш учун ҳеч ким сафарбар қилинмаган. Бу ҳол бу йил ҳам такрорланганига нима дейиш мумкин? Бу иқтисодий қўпорувчиликка ким жавоб беради? Ким айбордларни жазолайди? Бундай ҳолатларни кўриб одам ёниб кетади!

Муҳтарам дўстлар!

Халқимиз бекорга "Ерии боқсанг, ер сени боқади", деб гапирмайди. Афсуски, ерга муносабатимизни ижобий баҳолаш қийин. Бошқа давлатлар билан солиширганда, бизда ер унумдорлиги, ҳосилдорлиги бир неча марта кам эканини ҳаммамиз яхши биламиз-у, лекин нега тегишли чора кўрмаймиз?

Яна бир мисол: бугунги кунда одамларнинг эҳтиёжини қондириш учун ажратилган сувли томорқа ерлари майдони тахминан 700—750 минг гектарни ташкил этади. Томорқага ишлов бериб, катта даромад топиб, рўзгорини обод қилаётган миришкор дәҳқонларимиз жуда кўп.

Шу билан бирга, айрим жойларда ҳар қаричи олтинга тенг бебаҳо томорқа ерларини ажриқ босиб ётганини кўрган одам: "Ажабо, ер эгаси ҳам шунчалик ишшукур бўладими?!?", деб ҳайратдан ёқасини ушлайди.

Қиссадан ҳисса шуки, томорқани ерни севган, ерга меҳри баланд, ерни улуғлайдиган дәҳқонларга беришимиз

керак. Ени төпган, ени хор қилиб қўйган одамларни томорқадан маҳрум қилиш зарур.

Агар замонавий юксак деҳқончилик маданияти нуқтаи назаридан қарасак, Ўзбекистон шароитида 4 миллион 200 минг гектар сувли ер бўлса, ана шу майдонда аҳолининг бор-йўғи 7—10 фойзи ишлаб, иқтисодимизнинг, ҳалқимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ҳар томонлама таъминлаши мумкин.

Қишлоқда истиқомат қилаётган аҳолининг қолган қисмини бошқа етарли даромад берувчи тармоқлар, саноат, қурилиш, савдо ва ҳалқимизга хизмат қилувчи бошқа соҳаларга жалб этиш масаласини ҳал қилишимиз даркор.

Мисол учун, Жанубий Корея Республикасида 2 миллион гектар сугориладиган ердан, яъни Ўзбекистонга нисбатан икки марта оз ердан олинадиган маҳсулот, 42 миллионлик ҳалқини таъминлаб, яна экспортга ҳам жўнатилади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида бор-йўғи 5—7 фойз ишловчи аҳоли банд, кулосани ўзингиз чиқараверинг.

Ҳурматли ҳалқ ноиблари!

Шу йилнинг 1 июлидан жумҳурият ҳаётида, иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш соҳасида янги босқич бошланди. Янги миллий пул бирлиги — сўмни муомалага киритдик. Биз бу муҳим ишга узоқ ва пухта тайёргарлик кўрдик. Миллий валюта — бу миллий ғуур, давлат мустақиллиги ғамзак қамда этамек давлат белгисидик. Ў юксак қадр-қиммат ва куч-қувватга эга бўлмоғи керак.

Бунга эса рақобатга бардошли маҳсулотларнинг, шунингдек, захираларнинг етарлилиги билан эришилади. Асосий вазифа миллий пул бирлигимизни мустаҳкамлаш ва уни дунёда ҳамма бирдай қадрлайдиган валютага айлантиришдан иборатdir.

Жумҳуриятимиздаги ҳар бир кишининг, корхонанинг фаровонлиги муомаладаги миллий валютанинг барқарорлигига боғлиқ эканини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Ўз валютамизнинг барқарорлиги ва эркин муомаласини таъминлаш учун ишлаб чиқилган ва ҳукумат қабул қилган тўртта дастурни амалга оширишимиз зарур.

Биринчидан, сўмнинг харид қувватини ошириш учун тез орада бозорларни харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш зарур. Асосий вазифа ҳалқнинг энг зарур эҳтиёжларини қон-

дириши керак бўлган ўз маҳсулотларимизни ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат.

Бунинг учун биз ҳалқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарга ҳар томонлама ёрдам бериб борамиз, инвестицияларни биринчи навбатда ўша тарафга йўналтирамиз, уларни хом ашё ва кредит ресурслари билан таъминлаймиз. Ушбу йўналиш бўйича сезиларли ижобий ўзгаришлар бор. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш йилда-йилга кўплайшиб бормоқда. Бу — *енгиз, озиқ-овқат ва маҳаллий саноатлар хизматидир*.

Аҳолига сотилаётган истеъмол товарларининг умумий ҳажмида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар улуши ортиб бормоқда. Бу ҳол, шубҳасиз, барчамизни қувонтиради, лекин хотиржамликка берилмаслигимиз керак.

Биз ҳали кўплаб зарур озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини четдан олиб келишга мажбур бўляпмиз. Бу муаммони тезроқ ҳал этиш лозим.

Иккинчидан. Биз тақрор-такрор таъкидлаганимиздек, ислоҳотнинг асосий йўналишларида бири — экспорт имкониятларини кенгайтириш, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришга мувофиқлаштириш, жаҳон бозорида ўзимизнинг мустаҳкам мавқемизни эгаллашдир. Бундан кейин ҳам экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш йўлини белгилаб олган корхоналағра хом ашё билан таъминлашда ҳам, инвестиция олишда ҳам имтиёзлар бериб борамиз. Биз шундай имкониятлар, шундай механизмлар яратайликки, токи корхоналаримиз жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга тўла юз тутсин.

Улар ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқиб, қатъий валюта ишлаб топишни ўрганишлари ва республика ҳазинасини тўлдиришлари шарт. Бу уларнинг давлат олдидаги, ўз жамоалари олдидаги, бутун ҳалқ олдидаги вазифаси, муқаддас бурчидир.

Учинчидан. Молия-кредит счёсатини изчил ўтказиш шарт. Биз ўз молиявий қувватларимиздан тежаб-тергаб, ҳисобдонлик билан фойдаланишни ўрганайлик, унинг сочилиб кетишига йўл қўймайлик. Ҳалқ хўжалигига сарфланган ҳар бир сўм катта фойда билан қайтиши ва республиканинг эртанги куни учун, келажаги учун ишлаши шарт.

Корхоналар, ишбилиармонлар давлатдан олган маблағлари, кредитларини фойдали ва аниқ мақсадлар учун йўналтириш масъулиятини таъминлаш ёзилмаган қонунга айланиши шарт. Айни пайтда кредитларни ўз вақтида қайта-ришга ҳам ўрганиш керак. Ва ўз навбатида кредит бериш шартлари шундай бўлсинки, корхона қарз олиш масъулиятини доим ҳис этиб турсин. Ундан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун самарали равишда фойдаланишга ҳаракат қиласин.

Тўртингчидан. Энг муҳим масала — ички бозоримиздаги истеъмол моллари ва муомаладаги нақд пул ҳажмининг мутаносиблигини таъминлаш — пул қадрини сақлаш ва кучайтиришнинг асосий гарови ва шартидир. Фақатгина шу йўл билан инфляцияга қарши курашиш ва унинг даражасини кескин пасайтириш имконига эга бўлишимиз мумкин. Фақат шунинг ҳисобидан миллий валютамиз саломатлигини сақлаймиз.

"Сўм"имиз қандай куч билан ишлай бошлаганини биз ҳаммамиз ҳис этиб улгурдик. Деҳқон бозорида нарх-наво кескин тушди, пулнинг қадрсизланиши кескин даражада пасайди. Ва бу ижобий жараённи мустаҳкамлаш керак.

Зикр этилган фикрларнинг асосий маъноси шуки, муомаладаги пул ҳажмини кўпайтираслик, яъни пул эмиссиясининг ошишига, пулнинг аҳоли қўлида ушланиб қолишига йўл қўймаслик керак. Ҳаётдаги оддий бир қоидага эътибор берайлик: аҳолининг қўлидаги нақд пулнинг ҳажми кўпайтиши билан одамларнинг қаёт даражаси ўсмайди.

Дастгоҳ — ўз қўлимизда деб, миллий пулимиини кўпроқ босиб чиқариш, шунинг ҳисобидан, аҳоли қўлига кўпроқ қуруқ пул етказиб бериш бугунги кунда қийин вазифа змас.

Ҳаёт даражаси ўсишига эришмоқ учун, албатта, меҳнатчилар оладиган маош, нафақаҳўрларга бериладиган нафақа, студент ва ўқувчиларнинг стипендиаси, умуман одамларнинг даромадлари ўсиши керак. Лекин пул ҳажми ўсишига нисбатан, ундан ҳам олдин ички бозоримиздаги моллар ва пулли хизматлар ҳажмини тез суръатлар билан оширишни таъминлашимиз лозим.

Содда қилиб айтганда: ҳар қайси кишининг киссасида бўлган пулига бозоримизда етарли даражада керакли мол ва эқтиёжимизни қопладиган хизмат турлари бўлиши керак.

Азиз дүстлар!

Ислоҳотларимизнинг муҳум тамойилларидан бири — аҳолининг кам таъминланган табақаси, яъни, қариялар, ногиронлар, болаларни муҳофаза остига олиш, уларни пухта ҳимоялаштириш. Ёшларининг билим олиши, касб-хунар эгаллаши, иш билан таъминланишига ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир.

Бундай керакли ва савобли мақсадларни амалга оширишда биз аҳолининг ўз-ўзини бошқариш тизимиға, бугунги ҳаётимизда катта аҳамиятга эга бўлган маҳаллаларга суняниб ишлашга қарор қилдик.

Ҳар бир банкнинг маҳаллий бўлимларида маҳсус ҳисоб варақалари орқали, маҳаллалар қарорларига биноан, кам даромадли ва муҳтоҷ оиласаларга ёрдам бериш ҳақида фармон чиқардик.

Ишонамизки, бундай олижаноб ишларни ҳаётга татбиқ этишда, адолат сақлашда маҳаллаларимизнинг оқсоқоллари ва ишончли фаоллари ўз куч-гайратини кўрсатади ва халқимиз назарида обрўсини янада оширади.

Йжтимоий ёрдам беришнинг ҳам яхлит, пухта бир тизими ишлаб чиқилиши даркор. Бунда давлат ва жамоатчилик идоралари, айниқса касаба уюшмалари, турли хайрия жамғармалари биргаликда ҳаракат қилмоғи жоиз.

Азиз дүстлар!

Биз құдаётган жамият адолат құннатишни, қеч қимни оғир ақвонда ва муҳтоҗликда қолдирмасликни ўзининг энг катта мақсади деб билади. Унинг оёққа туриши учун зарур ёрдам беради. Шундай экан, илгари айтган бир гапимни яна тақрорлайман: Инсон — ислоҳот учун эмас, ислоҳот — инсон учун хизмат қилиши керак.

Айни вақтда ҳар қайси инсон, авваламбор, фарзандларимиз республикамизнинг тараққиёт сари қўйган ҳар бир қадамини ўз орзу-ниятлари ушалиши учун түғилган яна бир имконият деб англаши лозим. Бунинг учун биз болаларимизни событқадам, ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътибор беришимиз керак.

Бундай тарбия асосида авлодлар ворислиги ётмоғи керак. Бизнинг онгу шууримизга катталарга ҳурмат, ишда, одамлар билан муомала-муносабатда ота-онамиздан ўриак олиш, ота-боболаримиз бошлаган ишни давом эттиришдек олижаноб туйғулар сингдирилган. Халқимизнинг бу анъа-

насини ҳар томонлама ўстиришимиз ва мустаҳкамлашимиз зарур.

Бу муҳим вазифани бажариш учун ўқув ва тарбиядаги услубларни муттасил такомиллаштироқ керак.

Ҳам давлат, ҳам ижтимоий ташкилотлар, янги пайдо бўлаётган бирлашмалар ва жамғармалар ўз кучларини мужассамлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб, маҳалла-мактаб-оила ҳаракатларини амалга оширишда, жисмонан бақувват, ахлоқан етук, руҳан соғлом авлод тарбиялашда ҳеч қандай куч ва маблағларини аямасликлари керак.

Бундай сиёsat фаровон ва мустақил Ўзбекистонимизнинг пойдеворини мустаҳкам қилишимизда устувор давлат дастурига айланishi даркор. Бизнинг барча маънавий, ахлоқий, иқтисадий, ижтимоий-сиёсий муносабатларимиз ана шунга суюниши лозим.

Ахир, маданиятимиз, тарихимиз — бизнинг энг катта, кўз қорачигидек асрайдиган бойлигимиз. Улар ҳеч қачон эскирмайди, инқирозга юз тутмайди, яроқсиз ҳолга келмайди. Улар одамни, жамиятни маънан ёшартириб турадиган бебаҳо неъматлардир. Ана шу неъматдан ҳар бир кишини баҳраманд этиш — биз қураётган жамиятнинг асосий мақсадидир.

Яқинда, шу ўқув йили бошланиши билан, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 24-мактабнинг янги биноси қуриб битказилди. Бу мактаб бугунги замонавий ҳаёт талабларига жавоб берадиган ўқув даргоҳига айланди. Бир қарашда, бу мамлакат миқёсида Тошкент шаҳри миқёсида унчалик кўзга ташланмайдиган воқеа. Лекин, бунга бошқача кўз билан қарасак, шу мактабда тарбия олаётган 1800 боланинг 1800 оиласи мана шу гамхўрликдан баҳраманд ва баҳтиёр бўлганига мен ишонаман.

Қани энди, шундай олижаноб воқеалар юртимизда, ҳар бир шаҳар, туман ва қишлоқда янада кўпроқ бўлса! Қани энди, ҳар қайси ҳокимлик вазифасида ўтирган, ўзини халқ етакчиси деб ҳисоблайдиган раҳбар биттадан шунга ўхшаш мактаб қурса!

Шундай олижаноб вазифани ўз зиммасига олиб, ҳамма имкониятларини сафарбар этиб, жойлардаги ҳокимларимиз ҳар бир туманда камида биттадан замонавий, ҳавас қилса арзигулик мактаб қуради деб ишонаман!

Ўзларинг бир ҳисоблаб чиқинглар, шу ишимиз билан қанча фарзандлар ва уларнинг ота-оналарини рози қилардик!

Биз қураётган жамият чинакам инсонпарварлик жамияти бўлиши даркор.

Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир миллат вакили ушбу ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи ва имкониятларидан фойдалана олсин.

Уларнинг ҳар бири бошини баланд кўтариб, фахр ва ғурур билан: "Мен — озод ва обод Ўзбекистоннинг эркин фуқаросиман!", дея олсин.

Ҳурматли депутатлар!

Ўзбекистон парламенти ўз вазифасини шароғ билан адо этди.

Давлатчилигимиз, иқтисодий ислоҳотлар ва умуман янги ҳаёт биносига тамал тошларини қўйиш сизларга — мана шу муҳташам залда ўтирган инсонларга насиб этди. Бу — катта бахт.

Конституцияда кўзда тутилган ва сизлар тасдиқлаган Олий Мажлис фаолиятига келсақ, сайловга ҳозирдан тайёргарликни бошлашимиз керак.

Илгари баёнот берганимиздек, янги сайлов кўп партиялий асосида, жамиятдаги барча сиёсий кучлар, ижтиёмий табақаларнинг кенг иштирокида, халқаро ташкилотларнинг кузатуви билан, ҳақиқий демократик тарзда ўтишига шак-шубҳа йўқ.

Табиийки, сайловда қатнашадиган ҳар бир партиянинг, ҳар бир жамоат ташкилотининг ўз дастури ва ўз шиорлари бўлади. Аммо, бизнинг фикримизча, янги сайловларда бизнинг умумий миллий шиорларимиз, давлат аҳамиятига эга умумий мақсадларимиз ҳам баралла жаранглаши зарур.

Шундагина биз умуммиллий жипсликни ва аҳилликни таъминлай оламиз. Айни замонда умуммиллий шиорлар сайловга қатнашувчи турли партиялар ва жамоат ташкилотларининг дастурларига ҳам ижобий таъсир этади деб ишонсак бўлади.

Сайловдан олдин халқимизнинг эътиборини ва ҳарачатини жалб этувчи мақсадларни ҳаётимизнинг ўзи аниқ ва равшан этиб олдимишга қўйяпти. Уларнинг барчаси халқимизнинг дилида ва тилида турибди.

Хўш, бу шиорларнинг мазмунни ва моҳияти нималардан иборат?

Биринчидан, бугунги устувор ақидамизда событ бўлайлик, яъни — жамиятимиздаги тинчлик, осойишталик ва барқарорликни янада мустаҳкамлайлик!

Иккинчи шиоримиз: Маънавият ва маърифатни юксак даражага кўтарайлик! Умумбашарий ва миллий қадриятларни уйгуналлашиб негизида миллий онг ва демократик тафаккур тарбиясини кучайтирайлик!

Учинчидан, қонун устуворлиги заминида кучли тартиб ва интизом ўрнатайлик! Ирқи, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайлик!

Тўртинчи шиоримиз: иқтисодий ҳаётимизда мулк шаклини ўзgartириб, мулкни ўз эгасига топширайлик! Эркинлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик асосида ҳалқимизга фаровон ҳаёт яратиб берайлик!

Бешинчидан, жамиятимизда ўтказилаётган ислоҳотлар ва иқтисодимизни тақомиллашиб эвазига ҳалқимизнинг реал даромадларини ва ҳаёт даражасини кўтарайлик!

Олтийчи вазифа. Давлатчилик тизимини мустаҳкамлайлик, дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликни бош мезон этиб, дунё ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллайлик!

Еттинчи ва барча эзгу орзуларимизни мужассамлаштирган шиоримиз: келажагимиз учун, фарзандларимизнинг баҳту саодати учун яшайлик ва ҳалол меҳнат қиласайлик! Авлодларга озод ва обод ватан қолдирайлик!

Ўйлайманки, бундай олижаноб мақсадлар ҳаётимизни эзгу мазмун ва мақсад билан бойитади, ҳар бир партияниң, ҳар бир жамоат ташқилотининг, ҳар бир ижтимоий табақанинг, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг орзу-ўйларига монанд келади ва улар томонидан маъқулланади.

Азиз дўстлар!

Кўялаган мақсадларга эришиш йўли жуда мураккаб ва мушкул. Лекин биз унинг маълум қисмини — авваламбор энг оғир қисмини босиб ўтишга муваффақ бўлдик. Асоратли тебранишлар ва зиддиятлар бўлмади. Ишлаб чиқаришда ўпирилишларга ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайишига йўл берилмади. Давлатимиз, миллатимиз, эл-юритимизнинг обру-эътиборини юксалтишиб йўлида катта

БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН

қадам қўйилди. Бунда депутатлар меҳнати, улар қабул қилган қонунлар ва қарорларнинг хизмати ва улуши катта бўлди. Буни ҳеч ким ва ҳеч қачон инкор қилолмайди.

Йиллар ўтар, лекин сизларнинг, ҳурматли халқ ноибари, фаолиятингиз, қилган ишларнингиз ўз тарихий аҳамияти билан миннатдор халқимиз ва авлодларимизнинг қалбида абадий сақланади.

Тарих ва халқимиз олдида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, шу заминда яшаётган барча кишиларга муносиб ҳаёт яратиб беришдек янгидан-янги ва улкан вазифалар турибди.

Ишонаманки, бугун шу залда ўтирган, катта ҳаёт мактабини кўрган инсонларнинг ҳаммаси эртага қаерда бўлишидан, қандай лавозимда, ким бўлиб ишлашидан қатъи назар, ватан олдидаги бурчини охирига қадар шараф билан адо этади.

Яратган Тангirimizga ато этган тақдир насибаси учун шукроналар айтиб, эл-юртимизни бало-қазолардан асрани, ҳалол ва пок ниятлар билан яшаётган халқимизга, унинг эзгу ниятларига мадад беришини тилаб қоламиз.

Ўн ижкинчи чакириқ
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг
XVI сессиясида сўзланган нутқи,
1994 йил 22 сентябрь

МУСТАҚИЛЛИК — УЛКАН МАСЬУЛИЯТ

1994 йил 13 октябрь куни Тошкентда Вазирлар Маҳкамасининг йигилиши бўлди. Уни республика Президенти Ислом Каримов бошқарди. Йигилишда вазирликлар, давлат қўмиталари, ташкилотлар, уюшмалар, концерн ва корпорациялар раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамаси йигилишида 1994 йилнинг тўққиз ойида республика бюджети бажарилишининг якунлари, ўзаро ҳисоб-китобларни яхшилаш, пул муомаласини янада барқарорлаштириш, миллий валюта — сўмнинг харид қувватини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари ҳамда республика ички бозорини озиқ-овқат, саноат моллари билан тўлдирни масалалари муҳокама этилди.

— Мустақиллик шароитида яшаёт, ишлаш кўнгилга бир олам гурур ва шукуҳ баҳш этибгина қолмай, ҳар бир вазир, раҳбар, ҳатто оддий фуқаро зиммасига улкан масъулият ҳам юқлади,— деди Президент Ислом Каримов мажлисни очиб. — Зеро, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг куни қандай кечади, таъминоти нима бўлади, мустақил ватанимизнинг порлоқ келажаги нечук барпо этилади — бу саволлар қаршисида барчамиз жавобгармиз. Илгари бирон бир муаммо туғилса, Москвада ҳал этиларди. Бугун эса, тақдиримиз ўз қўнимизда, демакки, ҳар бир муаммонинг ечимини ҳам ўзимиз топишимиш керак. Бу эса теварак-атрофимизда, қўшни мамлакатларда рўй берадиган воқеаларга тийрак кўз билан қарашимиз, сезгир бўлишимиз, улардан ўзимизга керакли хулоса чиқариб олишимизни тақозо этади. Чунки, ҳеч бир мамлакатнинг иқтисодиёти, умуман ҳаёти ташки оламдан узилган ҳолда кечмайди.

Шу маънода, куни кеча Москва Банклараро валюта биржасида рўй берган фавқулодда воқеа, яъни Россия

рублининг АҚШ долларига нисбатан қадри кескин пасайиб кетиши бизни ҳушёр торттириши даркор, деди Президент. Бу, таъбир жоиз бўлса, огоҳлантирувчи қўнгироқdir. Бундай деганимнинг сабаби шундаки, биздаги кўплаб йирик корхоналарнинг фаолияти ҳали ҳам Россия билан чамбар-час боғлиқ. Биз у ердан турли маҳсулот ва кўплаб бутловчи материаллар оламиз. Рублнинг қадрсизланиши ана шу материалларнинг нархига таъсир этиши мумкин. Шу жиҳатдан, тузилган шартномаларни бажаришда, янгилари ни тузишда вазирликлар, корхоналар раҳбарлари, мутахассислар ўта ҳушёrlик билан иш кўришлари талаб этилади.

Масаланинг яна бир томони шундаки, Москвада рўй берган ана шу воқеа бизнинг бозоримизга қандай таъсир ўтказди? Бизда ҳам шунга ўхшаш вазият вужудга келмайдими? Бунинг олдини олиш учун нималар қилиш керак? Бугун бу ерда мана шу мураккаб саволларга ҳам жавоб топишимиз, амалга оширишимиз зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаб олишимиз лозим.

Шу ўринда пулнинг қадрсизланишига асосан нима сабаб бўлади, деган саволни ўртага қўйиб, таҳлил қилиш жоиздир.

Мутахассислар, қолаверса, ҳаммамиз ҳам яхши била-мизки, бунинг сабаби муомалада ортиқча, бошқача қилиб айтганда, товар билан таъминланмаган нақд пулнинг кўпайиб кетишидир. Хўш, бу "ортиқча" пул қандай пайдо бўлади? Мана шу ерда ўзаро тўловлар муаммоси келиб чиқади. Айтайлик, бир корхона заарар кўриб ишлайди, бошқа корхоналардан қарз, банкдаги ҳисоб варақасида пули йўқ. Лекин унга турли йўллар билан кредит берилаверади. У шу ҳисобдан ходим ва ишчиларига маош тўлайди. Кўриб турибсизки, ортиқча, товар билан таъминланмаган пул муомалага чиқади. Агар бундай корхоналар мамлакат бўйича ўнта, юзта бўлса-чи? Буёгини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Демоқчиманки, пул қадрсизланишига асосий сабаб — корхоналарнинг амалга оширилмаган ўзаро тўловлари — бир-биридан қарзидир. Биз бу хавфнинг олдини олиш мақсадида марказ ва вилоятларда кредит бериш бўйича маҳсус комиссиялар тузган эдик. Афсуски, улар зинмасига юклатилган вазифани тўла бажармаяпти. Йўқса, республика корхоналарининг ўзаро қарзи 5 миллиард сўмдан ортиб кетганини қандай тушунмоқ керак?

Энди ўзаро қарз қандай пайдо бўлишини кўриб чиқайлик. Дейлик, бир корхона муайян маҳсулотни ишлаб чиқаради. Албатта уни сотиши керак. Шунда беларвоникка йўл қўйилади. Маҳсулот тўлов қобилиятига эга бўлмаган, яъни пули йўқ харидорга жўнатиб юборилади. Демакки, сотувчи маҳсулоти учун пул ололмайди. Бундан ташқари, маҳсулот ишлаб чиқариши учун бирордан хом ашё олган, электр қуввати, газ ва бошқа сарф-харажат қилган. Ўз навбатида ишлаб чиқарувчи ҳам бирордан қарз. Шу йўсин охири топилмайдиган "қарзлар занжири" пайдо бўлади.

Бунга йўл қўймаслик учун нима қилиш керак? Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси тўлов қобилиятига эга харидоргагина маҳсулот етказиб бериши, бунга ана шу вазирлик, корхона раҳбари шахсан масъул бўлиши лозим. Афсуски, бизда кўплаб раҳбарлар ҳисоб-китобни пухта билмайди, бу ишлар билан жиддий шугуулланмайди. Гўё бу масалаларни улар учун ҳукумат, Молия вазирлиги, банк ечиб бериши керак! Энди ишга бундай ёндошишга чек қўйиш пайти келди. Қайсики раҳбар "текин"га маҳсулот берса, ҳақини вақтида ундириб ололмаса, бунинг оқибатида ишчилари маошсиз қолса, ана шу одамлар олдида ўзи жавоб беради. Токи улар маошсиз қолишига ким сабабчи эканини аниқ билиб қўйисин, ҳукуматдан, банкдан пул берилмаяпти, деб бехуда ранжиб юрмасин. Ёки ўзаро тўлов амалга ошмаслиги оқибатида ун, ўсимлиқ ёғи, шакар каби зарур маҳсулотлар таъминотида бирон узилиш рўй берса, бундан албатта аҳоли жабр кўради. Хўш, бунга ким жавоб беради? Яна такрорлайман, вазирлар, корхона раҳбарлари, билиб қўйинглар, бу борада талаб қаттиқ бўлади, деди Президент.

Биз бозор иқтисодиётини щакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш борасида бир қанча қонунлар қабул қилганимиз. Мен келтирган мисоллардан кўринниб турибдики, вазирликлар, корхона раҳбарлари ана шу қонунларга тўла амал қилмаяпти. Шундай экан, Адлия вазирлиги, Прокуратура, Хўжалик суди қаёққа қарайапти? Нега улар баъзи муттаҳамларга қарзни тўлаш шартлигини эслатиб қўймайди. Қонунга мувофиқ жавобгарликка тортмайди? Ахир, биз ҳуқуқий давлат барпо этяпмиз-ку! Шундай экан, бу давлатда қонунлар сўзсиз бажарилиши шарт эмасми?!

Умуман, бу вазиятдан чиқишининг йўли борми? Бор. Бу йўл — хусусийлаштиришни жадал амалга оширишdir, дея таъкидлади Ислом Каримов. Чунки, корхонанинг ҳақиқий эгаси бўлса, у бир мисқол ҳам маҳсулотни бирорга текинга бермайди. Ҳақини нима қилиб бўлсада, ундириб олади. Шунинг учун мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнини цуқурлаштириш, одамлар онгига мулкка эгалик ҳиссини янада теранроқ сингдириш даркор.

Инфляцияни пасайтириш, миллий валютамизнинг ҳарид қувватини мустаҳкамлашнинг яна бир йўли пул эмиссиясини камайтириш, яъни одамлар қўлида пул тўпланиб қолишига йўл қўймаслик, уни товарлар тақлиф этиш, хизмат кўрсатиш орқали банкка қайтаришdir. Афсуски, жойларда бу борада ҳам етарли чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Қорақалпоғистон Республикасида, Хоразм, Жizzах, Сурхондарё вилоятларида берилган пулнинг ўртача 70—75 фоизи одамлар қўлида қолиб кетяпти. Вилоят ва туман ҳокимлари эса ойлик бериш учун пул юборинг, дейищдан нарига ўтмаяпти. Ваҳоланки, улар ички истеъмол бозорини тўлдириш, янги пуллик хизмат турларини ташкил этиш ҳақида қайғуриши керак!

Биз Ўзбекистоннинг танлаган ўз йўли бор деймиз. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларига инвестициялар бериш, аҳолининг турмуш даражаси пастлаб кетишига йўл қўймаслик ана шу йўлимизнинг муҳим жиҳатлариданdir, деди Президент. Ўзингиз ўйланг, пахта ва ғалла етиширишга, Дўстлик ва Асакадаги автомобиль заводлари қўрилишига, Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ нефть конларини ўзлаштиришга, ободонлаштириш ишларига маблағ ажратмай бўладими? Ахир, улар орзу қилаётган буюк келажагимизни таъминлайдиган, охир-оқибатда бизни иқтисодий мустақилликка олиб чиқадиган соҳалар-ку! Қолаверса, нефть ва ғалла билан ўзимизни таъминласак, шунинг ўзиёқ йилига қарийб 1 миллион тонна пахта толасини тежаш имконини беради. Ҳадемай, бу сарфлаган маблағларимизнинг, фидокорона меҳнатимизнинг самарасини кўрамиз! Ёки бавзи Ҳамдўстлик мамлакатларидаидек, одамларнинг 2-3 ойлаб, ҳатто ярим йиллаб маош олмаслигига йўл қўйиш мумкинми?

Йўқ, асло! Ҳалқимизнинг табиати шундайки, уйида бир қоп-ярим қоп ун, озгира ёғ, шакар, чой захираси бўлмаса, ўзини хотиржам сезмайди. Шукрки, республикамизда ана

ИСЛОМ КАРИМОВ

шундай энг зарур мақсулотлар етарли миқдорда ғамлаб қўйилган. Бундан одамларнинг қўнгли тўқ бўлсин. Шундай экан, халқимиз яратган бойликни асраб-авайлашимиз, мамлакатимизда молия интизомини янада мустаҳкамлашимиз, ички бозоримизни зарур озиқ-овқат ва саноат моллари билан тўлдиришимиз, қисқача айтганда, иқтисодиёт қонунларига амал қилиб ишлашимиз ва яшшимиз лозим. Зеро, барчамизning мақсадимиз бир. У ҳам бўлса, ватанимизни обод, халқимизning ризқини тутал кўриш, ана шу эзгу мақсад йўлида хизмат қилишдир, деди Президент пировардидা.

УЛУҒБЕК РУҲИ БАРҲАЁТ

Хонимлар ва жаноблар!

Муҳтарам дўстлар! Ватандошлар!

Бугун биз буюк аждодларимиздан бири, дунёга машҳур аллома Муҳаммад Тарагай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш учун қадимий ва наққирон, гўзал шаҳри азим — Самарқандга йиғилдик.

Шу ҳаяжонли дақиқаларда инсоният тараққиёти тасдиқлаган бир ҳақиқатни яна бир бор эслатмоқчиман: тарихи бўлмаган ҳалқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Неча асрлар, неча минг йилларни қамраб олган улуғ тарихимизнинг инсоният ривожида катта из қолдирган бир қисми Мирзо Улуғбек фаолиятида мужассам бўлган.

Бугун насл-насабимизни эслаш ва тиклаш замони келган бир даврда, келажакимизни қураётган бир вақтда катта турур ва ифтихор билан айтишимиз мумкин: бизларнинг томирларимизда Улуғбек қони бор, юрагимизда Улуғбек руҳи барҳаётдир.

Бугун бизнинг маънажатимизни, бизнинг салоҳиятимизни тан олаётган давлатлар ва ҳалқтар бир нарсани яхши англамоқда: Улуғбекдай муносиб фарзандлари бўлган миллат ҳар қайси замонда ва ҳар қандай шароитда ҳам янгидан-янги ғояларни яратишга ва ривожлантиришга қодир ҳалқдир.

Бугун Улуғбекни эсламоқ — асрлар тарихий адолатини ва буюк қадриятларимизни қайтадан тикламоқ, кўнгилларни ифтихорга тўлдирмоқдир. Ва бизнинг миллий-маънавий илдизларимизнинг нақадар теран ва нақадар бақувват эканлигини исботламоқдир.

Биз бошқаларни камситиш ниятидан йироқмиз. Аммо бугунги айrim салтанатлар аҳли қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму фан барқ уриб яшингани, табиий илмлар, хусусан, тиббиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда

ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, мағрибу машриққа ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча ғуурлансак арзиди.

Азиз дўстлар!

Мирзо Улуғбекдай беназир алломанинг ўрта асрлар шароитида намоён этган илмий жасорати бугунги күн олимларини ҳам ҳайратга солмасдан қўймайди.

Тақдир бу улуғ зотнинг зиммасига беҳад улкан ва машаққатли вазифалар юклади. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек мислсиз синов айнан унга насиб этди.

Чексиз ақл-идроқи, азму қатъияти, одилона сиёсати билан Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори бўлиб, халқларнинг азалий орзуси — тинчлик, тотувлик, ҳар томонлама тараққиётни қарор топтириш йўлида мислсиз шижоат ва матонат кўрсатди.

Мирзо Улуғбек, аввало, илмий фаразлар билан эмас, балки соғ амалий услубда ижод қилди. Минглаб юлдузларни жамлаган мукаммал ҳарита ва бугунги энг замонавий ҳисоблардан деярли фарқ этмайдиган мукаммал астрономик жадвалини яратди.

Унинг ҳаёти ва ижоди ўзбек халқи маънавияти пойдеворига қўйилган тамал төшларидан бири бўлиб, халқимизнинг ўрта асрларда фундаментал фанга нечоғлик буюк аҳамият берганини кўрсатади.

"Зижи жадиди кўрагоний" деб номланган Улуғбек астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалгани бу фикримизнинг яққол исботидир.

Мирзо Улуғбек ўз умрини келажак учун, бугунги ҳаёт учун фидо этди. Ўша узоқ замонларда башарият тараққиётини ўйлаб яшади, ўз авлодлари асрлар оша тартиб этажак маърифатли бир жамиятни орзу қилди. Ҳар қандай миллат ҳам Улуғбекдай фарзандни тарбия этгани учун ғуурланиши табиий ҳолдир. Чунки бундай инсонлар фақат ўз халқига эмас, балки умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қиласиди ва жаҳоннинг эътиборини қозонади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз бугун тафаккуримизда, ҳаётимиз ва тақдиримизда рўй бераётган улкан ўзгаришларни Улуғбек сингари аждодларимиз руҳига таяниб амалга оширмоқдамиз.

Буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга муносиб ўринни эгаллашда Ал-Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қиласди, ҳалқимизнинг кучига-куч, гайратига-ғайрат, ишончига-ишонч қўшади.

Азиз юртдошлар!

Биз бугун узоқ давом этган ғафлат уйқусидан уйғондик. Тарихимизни, маданиятимизни, ўзлигимизни танидик ва тиклай бошладик.

Улуғбекнинг муборак қадами теккан заминда янги ва эркин жамият барло этиш вазифаси сизу бизга насиб этди.

Буюк давлат қуришни кўзлаб, порлоқ келажак учун, фарзандларимиз иқболи учун, авлодларга озод ва обод Ватан қолдирмоқ учун яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Хонимлар ва жаноблар!

Азиз дўстлар!

Мирзо Улуғбекнинг умумбашарий қадриятларга қўшган ҳиссаси бекиёс бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмоқда ва Ўзбекистоннинг ҳалқаро обрўсини ошириш йўлида катта хизмат қилмоқда. Буюк аждодимиз Улугбек номи берилган маънавият масканлари, маҳаллалар, кўчалар ва шаҳарлар жуда кўп. Юртимизда дунёга кўз очаётган ҳар ўн чақалоқнинг бирига эзгу ният билан Улугбекнинг муборак исми бериляпти деб айтсан, муболага бўлмайди.

Буларнинг барчаси — миллатимизнинг буюк алломага бўлган чексиз ҳурмати ва эҳтиромидан дарак беради.

Улугбек таваллудининг 600 йиллиги дунёning кўплаб мамлакатларида нишонланаётгани биз учун ғоят қувончлидир. Биз бу воқеаларни дунё афкор оммасининг Мирзо Улугбекка ва уни вояга етказган юртга, ҳалқа ва унинг тарихига самимий ҳурмати деб биламиз.

Сўзимни якунлар эканман, узоқ-яқиндан келган сиз, азиз меҳмонларга ва шу қутлуғ анжуманинг барча иштирокчиларига биз билан биргаликда Мирзо Улугбек

руҳини шод этганингиз учун чин қалбимдан ташаккурлар билдиримоқчиман.

Улугбек кунларида дунёning кўплаб мамлакатларидан келган азиз дўстларимизга алоҳида миннатдорлик сўзларини айтмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Мана шу кўпни кўрган, ҳаммамиз учун муқаддас майдонда туриб:

— Шу кунларга етказгани учун, юртимизнинг тинч ва осуда, озод ва обод бўлиб яшаётгани учун тангримизга шукроналар айтамиз.

— Шу заминнинг ва шу заминда яшаётган ҳалқимизнинг умри ва бахту саодати боқий бўлсин!

— Юртимизни ёмон кўздан, бало-қазодан асрасин!

— Ер юзининг сайқали аталмиш жаннатмонанд Самарқанд шуҳрати бундан ҳам зиёда бўлсин!

— Мирзо Улугбекнинг тафаккур юлдузи бундан буён ҳам бошимиз узра ёрқин порлаб тураверсин!

— Мехнаткаш ва пок ниятли ҳалқимиз мурод-мақсадига етсин!

*Мирзо Улугбек таваллудининг
600 йиллигига багишланган
тангтанали маросимда
сўзланган нутқ,
1994 йил 15 октябрь*

САМИМИЙ МУЛОҚОТ

1994 йил 29 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг республикамиздаги ваколатхоналари раҳбарлари, маҳаллий ва чет эллик журналистлар билан учрашиди.

Ислом Каримов йигилганларга шу йилнинг августидаги бўлган учрашувдан сўнг ўтган вақт мобайнида мамлакатимиз ижтиёмий ва сиёсий ҳаётидаги рўй берган муҳим воқеалар хусусида сўзлади. Ўзбекистон раҳбари, жумладан, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг шу йил сентябрь ойида Тошкентда ўтган минтақавий семинари халқаро аҳамиятга эга муҳим воқеа бўлганини таъкидлайди. Жаҳоннинг 30 дан зиёд мамлакатидан вакиллар қатнашган ушбу анжуман иштирокчилари семинарнинг ғоят фойдали бўлганини қайд этганини таъкидлар экан, мамлакатимизда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг минтақавий ваколатхонасини очишга келишиб олинши семинарнинг жуҳум натижаларидан бирор бўлганини айтди.

— Биз Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг жаҳонда, жумладан, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва осойишталиқ қарор топиши йўлида қиласётган ишларини юксак баҳолаймиз,— деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон бу обрўли ташкилотнинг Венгрияда яқинда ўтадиган анжуманига ҳам жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

Америка Қўшма Штатлари давлат департаментининг МДҲга аъзо мамлакатларга нисбатан сиёсий бош мувофиқлаштирувчилиси Жеймс Коллинз раҳбарлигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистон—АҚШ мунисабатлари тарихида муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон Президенти ўзаро музокаралар чогида жаҳонда ва Марказий

Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлашга ҳамда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантириш имкониятларини тўлароқ рўёбга чиқариш мақсадида, ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилганини, музокаралар якунида ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан муҳим ҳужжатлар имзоланганини учрашув иштирокчиларига маълум қилди.

Шу йил 21 октябрда МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Ислом Каримов йиғилганларни ушбу учрашув якунлари билан танишитирар экан, айрим сиёсий кучлар МДҲ мамлакатларидаги мавжуд иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб, ҳалқларни чалғитишга уринаётганини, давлат тепасида турувчи сиёсий тузилмалар тузишни таклиф этиш билан собиқ империяни тиклашга интилаётганини айтди. Ягона парламент, ягона фуқаролик, ягона армия бўлишини кўзда тутувчи Евроосиё деб аталмиш иттифоқни тузиш каби таклифлар истиқололга эришган давлатлар мустаҳкилигига жиддий хавф солишини таъкидлади.

— Ягона тўғри йўл иқтисодий интеграция йўлидан боришдир, — деди Ислом Каримов.— МДҲ давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви чоғида давлатлараро иқтисодий қўмитанинг ташкил этилиши бу борадаги муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутади. Афсуски, орадан бир ярим ойга яқин вақт ўтса ҳам қўмитанинг ишида жонланиш сезилмаяпти. Агар МДҲ мамлакатлари замалий ишга киришмас экан, бу муҳим ақднома ҳам қроғозда қолиб кетади.

Ислом Каримов Ўзбекистон — Хитой муносабатларига тўхталиб, яқинда Ўзбекистон давлат делегациясининг Хитойга ташрифи ўзаро алоқаларни ривожлантириш йўлида муҳим босқич бўлганини айтди. ХХР Бош вазири Ли Пэн жоноблари мамлакатимиизда расмий сафарда бўлганидан бўён ҳамкорликнинг мустаҳкам асосини яратган 26 битим ва ҳужжатлар имзоланганини, бу галти ташриф давомида яна икки муҳим аҳдномага эришганини билдириди.

Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг Истанбулда ўтган учрашуви ҳам ҳалқаро майдонда сезиларли воқеа бўлди. Бироқ, айрим сиёсатдонлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари бу учрашувни нотўғри талқин қилишга уринмоқдалар. Ислом Каримов бундай уринишларининг асоссизлигини яна бир карра таъкидлар экан,

Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Туркия қардошлиқ анъаналарига таянган ҳолда кўп томонлама ва икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга аҳдлашганини ва бу ҳамкорлик ҳар бир давлатнинг миллий мустақиллиги ва эгаменлигига ҳурмат руҳида амалга ошишини баён қилди. Истанбулда қабул қилинган баённома Россия билан муносабатларга асло нифоқ солмаслигига ишонч билдириди. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия минтақада тинчлик ва осойишталикни кафолатловчи мамлакат сифатида муҳим ўрин эгаллашини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон расмий делегациясининг Украина га ташрифи ва Ўзбекистон-Германия маслаҳатлашувларининг учинчи босқичи якунларига ҳам тўхталиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон раҳбари Тожикистондаги вазият масаласига муносабат билдириди. Тожикистонда аҳволнинг яхшиланиши, миллий тотувлик борасидаги илк ижобий ўзгаришлар юз берадиганидан мамнуният изҳор этар экан, ҳали республикада тинчлик ва осойишталик қарор топгани ҳақида гапириш эрталигига эътибор қаратди. Халқаро ташкилотлар, ривожланган мамлакатлар ёрдамисиз жабрдийда тожик ҳалқи бу йилги қишини талафотсиз кечириши гоят қийин. Бироқ, айрим мамлакатлар, халқаро ташкилотлағ қисонпарварлик ёрдамларини у ёки бу гуруҳчининг сиёсий ақидаларига қараб тарқатмоқдалар. Ислом Каримов инсонларварлик ёрдами мухолиф гуруҳлар сиёсий қарашларини эътиборга олиб эмас, сиёсий ўйинлардан энг кўп талафот кўрадиган халқقا мўлжалланиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов Афғонистон ташқи алоқалар давлат вазири Н. Лафроиннинг мамлакатимизга ташрифи чоғида Ўзбекистон Кобулга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга тайёр эканини маълум қилди. Бу юкларни Афғонистон халқига етказишида БМТ ёрдам кўрсатишига умид билдириди. Президент Афғонистон вазирининг ташрифи Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ташаббуси билан амалга ошганини, музокаралар чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожи, Ўзбекистон — Афғонистон, Тожикистон — Афғонистон чегараси дахлислигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар мұхокама қилинганини қайд этди.

Мамлакатимиз муҳим сиёсий воқеа арафасида турибди. Юртимиэда 25 декабрь куни илк бор парламентга кўппартиялийик асосида сайлов бўлиб ўтади. Юртбошимиз бу муҳим тадбирнинг мамлакатимизда демократияни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги аҳамиятига тўхтади. Сайловда кузатувчи сифатида қатнашиш учун БМТ, ЕХҲҚ, Европарламент ва МДҲ вакиллари таклиф этилганини айтди. Шу йил 14-16 ноябрь кунлари сайловни ташкил этиш юзасидан ўтказилган семинар ўзининг ижобий натижаларини беришига умид билдириди.

БАРҚАРОР ТИНЧЛИК ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН

Мұхтарама раис!

Хонимлар ва жаноблар!

Үтган давр мобайнида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашши тузилмаларидағи ҳамкорлигимизни танқидий күз билан таҳлил қылар эканмиз, биз мазкур кенгашшыннан мақсад ва дастурий вазифалари Ўзбекистон манбаатларига тұла мос келишига яна бир бор амин бўламиз.

ЕХҲК доирасидаги күп томонлама мулоқотлар биз — янги мустақил давлатлар учун демократик янгиланиш ва ёркин бозор иқтисодиёти қурилишининг мураккаб йўлини босиб үтган мамлакатлар қўлга киритган мислсиз тажрибадан баҳраманд бўлишда кенг имкониятлар очади.

Ҳозирги замон шароитида ЕХҲК ўрнини босадиган бирон-бир ташкилот йўқ. Бошқа минтақаларда ЕХҲК сингари тузилмалар барпо этиш лозимлиги хусусида пайдо бўлаётган турли-туман фикрлар ҳамда бундай тузилмалар тузишга уринишларни биз ноконструктив деб ҳисоблаймиз. Чунки, мубҳам, аниқ қиёфага эга бўлмаган бундай лойиҳалар, мулойим қилиб айтганда, Умумевропа ҳамкорлиги борасида вужудга келаётган ижобий жараёнлар ҳамда бу жараёнларга бошқа минтақаларни ҳам тортиш ишига кўмаклашмайди.

ЕХҲК демократияни мустаҳкамлаш ва давлатлар ўртасида ишонч чоралари масалаларида шундай универсал тамойил ва йўналишларни ишлаб чиқиб, ўз фаолиятида фойдаланмоқдаки, бугунги кунда бутун-бутун минтақалар бу тамойил ва йўналишларга амал қилишдан манбаатдордир.

Мисол учун, бугунги кунда минг йилликлар давомида шаклланган тарихий, иқтисодий, маънавий тараққиёт борасида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган юздан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётган Марказий Осиё минтақасини олиб кўрайлик.

Табиийки, бундай ноёб шароитда бу минтақадаги давлатларда янги ижтимоий муносабатларни шакллантиришда барқарорлик, тинчлик, бу ерда истиқомат қилаётган кишилар ўртасидаги миллатлараро ва фуқаролик тотувлиги энг муҳим кафолат ва мустаҳкам пойdevор бўлиб хизмат қилади.

Бироқ, айни пайтда биз Марказий Осиёning улкан табиий-хом ашё, стратегик ва жуғрофий-сиёсий геополитик салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, унинг таъсир доираси ва кучлар мутаносиблигини сақлаб қолиш ҳамда тақсимлаш учун ўзаро кураш майдонига, Европа мамлакатларига ҳам хавф түғдирадиган, наркобизнес ва қурол савдоси кенг тарқалаётган минтақага айланиб бораётганини ҳам кўрмаслигимиз мумкин эмас.

Вужудга келган бу мураккаб шароитда бизнинг мустақиллигимизни ҳамда янгидан ташкил топган давлатлар суверситетини мустаҳкамлаш саъӣ-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашда ўтмишни соғиниш хусусида тобора кучайиб бораётган майлларнинг олдини олишда, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг мустаҳкамланишида ЕХҲК ва бошқа ҳалқаро ташкилотларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Афғонистонда давом этаётган фуқаролар уруши, Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги кескин вазият ва Тожикистоннинг ўзидағи нотинчликни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳудудимиға экстремизм ва ақидапарастликнинг бостириб кириш хавфига йўл қўймаслик биз учун ҳаётий аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда Ўзбекистон жамиятни қайта қуриш, кишиларнинг сиёсий ва миллий онги, янги демократик қадриятлар тикланиши ва мустаҳкамланиши сингари қийин, бироқ табиий жараённи бошдан кечирмоқда. Мамлакатда очиқ демократик давлат қуриш, бозор муносабатларини шакллантириш жараёни изчилилк билан бормоқда.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган уч йил биз таълаган йўл тўғри эканини кўрсатди. Биз ўтказаётган ислоҳотларнинг моҳияти, энг аввало, иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, унинг сиёсатдан устунлиги, бизнинг шароитимизда "фалаж қилиб даволаш" деб аталмиш усулни қўллаб бўлмаслиги, энг муҳими, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, ўтказилаётган ислоҳотларнинг изчилилиги ва босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

Демократия ва бозор ислоҳоти йўлидан муваффақият билан бориш учун миңтақанинг ўзига хос хусусияти, яъни, айтган бўлардимки, маданий-тарихий заминини, шунингдек, ҳалқимизнинг руҳиятини яхши билиш ва ҳисобга олиш талаб қилинади.

Биз кишилар тафаккурини ва уларнинг хусусий мулк ҳамда демократик қадриятларга муносабатини тубдан ўзгартирмай туриб, ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлаб бўлмаслигини яхши биламиз. Бу ўринда ўн йилликлар давомида ҳукм сурган тоталитар тузум даврида бир неча авлод бу қадриятларга мутлақ беписандлик руҳида тарбияланганини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Биз ЕХҲКнинг миңтақамиздаги аҳамияти ва нуфузининг янада мустаҳкамланиши, "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастурида фаол иштирок этиш — ҳодисалар номақбул йўналишининг оддини олиш ҳамда тикланиш жараёнларини демократик ислоҳотларнинг амалий ўзани сари йўналтириш учун зарур имконият яратишига аминмиз.

Энди ЕХҲКдек ноёб анжуман фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан мулоҳазаларимни баён этмоқчиман.

Совуқ уруш тамом бўлгани ва СССР тарқаб кетганидан кейин ҳалқаро майдонда давлатларнинг янги тури — иқтисодий ўтиш давридаги мамлакатлар пайдо бўлганини эътироф этиш лозим.

Шу муносабат билан, назаримизда, ЕХҲК, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий дастурларида мақкур мамлакатлар иқтисодини жаҳон иқтисодиёти билан мувофиқлаштириш масаласига кўпроқ аҳамият берилиши зарур. Бу мамлакатларга нисбатан ёндашувларда ва уларга берилган баҳоларда гоҳо кўзга ташланиб қоладиган кескинликни юзага келтирувчи фикрлаш асоратидан бутунлай воз кечиш керак.

Яна бир мулоҳаза. Равшанки, ЕХҲКга фақат Европа мамлакатларигина аъзо эмаслигини унумаслигимиз лозим. Бироқ бугун мунозаралар асосан Европадаги вазият ҳақида бўлаётганини таассуф билан таъкидлашга тўғри келади. Мен бу фикрни бугунги Европанинг хавфсизлиги фақат Европадаги осойишталиқкагина эмас, балки унинг атрофидаги миңтақалар барқарорлигига ҳам боғлиқлигини аниқ англаётганим учун таъкидлаяпман.

ЕХҲК фаолиятида миңтақавий ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш масалалари тобора

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ТАНТАНАСИ

1994 йил 7 декабрь күни пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2 йиллигига бағишиланган тантанали иғилиш бўлди. Республика Президенти Ислом Каримов иғилишда сўзга чиқди.

Бугун мустақил диёримиз тарихидаги энг улуғ саналардан бири — Асосий қонунимиз қабул қилинган куннинг икки йиллигини нишонлаяпмиз, деди Президент. Зоро, Конституция жамият ҳаётининг пойdevори, мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тутувликнинг асосидир. Ишонаманки, унинг кечәётган куннимизга таъсирини, озодлигимиз, эркинлигимизнинг ҳуқуқий кафолати эканини шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаро сезиб, ҳис этиб турибди.

Мен кеча йирик халқаро ташкилот — Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Бўдалешгиз ўтган мажлисида иштирок этиб келдим. Шуниси диққатга сазоворки, жаҳондаги 53 та давлатни ўзида бирлаштирган мазкур кенгаш ишида Ўзбекистоннинг ҳам тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қатнашиши барчамизни қувонтиради, бу Ватанимизнинг дунёда ўз ўрни, овозига ва нуфузига эга бўлиб бораётганидан шаҳодат беради.

Баъзиларда Ўзбекистон Осиё қитъасида бўлса, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида иштирок этишидан қандай манфаат бор, деган савол туғилиши мумкин, деди Ислом Каримов. Аввало, шуни таъкидлаз қеракки, 1975 йилда 33 давлат иштирокида ташкил топган бу халқаро кенгаш таркиби йиллар оша кенгайиб бормоқда. Модомики, биз янги жамият, озод ва обод ватан қурмоқчи эканмиз, жаҳондаги, хусусан, Европадаги тараққий этган давлатлар тажрибасидан имкони борича фойдаланмогимиз ке-

рак. Бундан ташқари, ана шу давлатларнинг иқтисодий салоҳияти, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш имконияти бағоят катта. Буни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Мұхими, мазкур халқаро ташкилотнинг асосий мақсади, нафакат Европада, балки бутун дунёда осойишталик, тинчликни қарор толтириш, моддий фаровонликка эришмоқ бўлиб, бу ғоялар бизнинг энг олий мақсадларимиз билан муштарақдир. Қолаверса, ана шундай улкан анжуманларда фаол иштирок этиш, давлатга жаҳон аҳлини ўз овози, нияти ва сиёсати билан воқиф этиш имконини беради. Обрўйига обрў қўшади.

Биз бу кенгаш ишида қатнашар эканмиз, қандай масалаларни ўртага қўйдик? Биринчидан, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгashi фақат Евролага доир муаммолар билан чекланиб қолмаслиги, балки Марказий Осиёда ташкил топган мустақил давлатлар, уларнинг муаммолари билан ҳам изчил шуғулланиши керак, деган таклифни айтдик. Ҳусусан, собиқ Югославиядаги мамлакатлар билан бир қаторда оғир вазиятни бошдан кечираётган Тожикистонга ҳам инсонпарварлик ёрдами ажратилиши лозим. Шунингдек, Тожикистон ва Афғонистондаги вазиятга, умумжаҳон муаммосига айланган Орол фожиасига ҳам мазкур нуфузли ташкилотнинг зътиборини яна бир бор жалб этдик, бу борада амалий ишларга ўтиш вақти етганини таъкидладик.

Тараққий этган давлатларда сафарда бўлсам, у ердаги тўкин ҳаёт, фаровон турмушни кўриб, беихтиёр тарихни эслайман, деди Ислом Каримов. Шунда буюк марказлашган давлат бунёд бўлиб, Туронзамин гуллаб-яшнаган, бу ерда яшаган халқлар дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган даврларда Европа қандай аҳволда эди, нега тарих ғилдираги чаппа айланиб кетиб, биз тараққиётнинг пастки ўринларига тушиб қолдик, деган саволлар хаёлимдан ўтади.

Ана шу вазиятдан чиқиб олишининг, ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароити яратиб беришининг йўли борми? Менимча, биз, мана шу азиз юртимизнинг ҳар бир фарзанди қўйидаги учта шартга амал қилсак, иншооллоҳ, буюк орзуларимизга эришгаймиз. Авваламбор, толеимизга шукронга айтишимиз керакки, гўзалликда дунёда тенгсиз юртимиз, меҳнаткаш халқимиз бор. Уларни асраримиз, авайлашимиз, керак бўлса, бу йўлда кўксимизни қалқон

қилишимиз зарур. Иккинчидан, ҳар бир ватандошимиз, миллати, тили, дүни, мавқеи ва мансабидан қатыи назар, ватан менга нима берди деб эмас, балки мен ватанга нима бердим, унинг равнақи йўлида нима иш қилдим, деган эътиқод билан яшаши лозим. Учинчидан, энг катта бойлигимиз — диёримизда қарор топган осойишталик, ҳамжиҳатликни кўз қорашибидек авайлашимиз шарт. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ота-боболаримиз "Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади", деб бежиз айтишмаган.

Ўтиш даврининг мураккабликлари, шу боис иқтисодий аҳволимиз ҳали қўиглимиздагидай эмаслиги, ҳалқимиз вазиятни тушуниб сабр-тоқат билан ҳаёт кечирастгани маълум, деди Президент. Бунинг учун улардан миннатдор бўлишимиз лозим. Лекин ҳеч ким мустақилликка, ҳурликка осонлик билан эришган эмас. Бу ҳақиқатни ҳам унутмайлик.

Мен Ўзбекистонни 23 миллионли улкан оила деб тасаввур этаман, деди Ислом Каримов пировардида. Биз ҳамжиҳат бўлсак, ўз кучимизга, табиий ва илмий салоҳиятимизга таяниб иш кўрсак, ёруғ кунларга албатта етамиз, авлодларга орзу этганимиз — озод ва обод ватан қолдирамиз! Бунга Конституциямиз ҳалқимизнинг хоҳиш-иродаси сифатида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ КЕЛАЖАГИ

1994 йил 16 декабрь куни Тошкентда Республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро Кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда мамлакатимизда ҳусусий тадбиркорликни янада ривожлантириши ва уни давлат томонидан рағбатлантириши масалалари муҳокама этилди.

Маълумки, биз янги жамият қуриш, демократик ҳуқуқий давлат тузиш, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш мақсадида ўзимизга хос ва мос йўл танлаганимиз, деди Президент. Унинг асосий пойdevори, барча ҳаракатларимизнинг дастуриламали бўлмиш беш тамойил ҳақида кўпчилик билади. Ана шу тамойиллардан бири — устувор мақсадларимизни унутмасдан, йўлимиздан адашмасдан, ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини назарда тутиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъмин этган ҳолда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишдир.

Мамлакатимизда ана шу янги тизимга ўтиш жараёнинг биринчи босқичида кўп муҳим ишлар амалга оширилди. Уларни таъриф-тавсиф қилиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Чунки, бу ишларнинг барчасини бошимиздан кечирдик, натижасини ҳаётимизда кўриб, ҳис этиб турибмиз.

Энг муҳими, давлат, жамият ҳаётининг асосий қонуни — янги Конституциямиз қабул қилинди, мазкур жараённинг ҳуқуқий асослари яратилиб, тегишли қонун ва фармонлар чиқарилди ва ҳаётга татбиқ этила бошлади. Давлат бошқаруви, вазирликлар, ташкилот ва корхоналар тизими ўзгартирилиб, улар янги тартиб — ҳаёт талаблари асосида ишламоқда. Бозор инфраструктурасини шакллан-

тириш мақсадида банк, молия, солиқ тузилмалари янги шароитта мослаштирилди.

Миллий валютамиз — сўмни муомалага чиқариб, унинг мавқенини мустақкамлаш, харид қувватини кучайтириш чора-тадбирларини кўришга киришдик. Қўйи погоналардаги ташкилот ва корхоналарга иқтисодий эркинлик бериб, уларни давлат тазайиқдан холос этиб, янги усулда ишлаш йўлига ўтдик. Иқтисодимиздаги заифликка барҳам бериш, ҳалқ хўжалигининг кўп муҳим соҳаларида бошқа минтақа ва давлатларга қарамликдан қутулиш, яъни иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида катта қадамлар қўйдик. Ҳусусан, илгари республикага олиб келинадиган маҳсулот миқдори четга чиқариладиганига нисбатан ортиқ эди. Ҳозир бу нисбат ўзгарди. Бунинг нечоғлик аҳамиятга эга экани кўпчиликка аён.

Маънавий ҳаётимизда, миллий онгимизни, сиёсий савијамизни ошириш, миллий мафкура ва тафаккурни такомиллаштириш борасида қилинган ишлар, энг муҳими, одамларнинг дунёқарашида рўй берадиган ўзгаришларни энг катта ютугимиз деб ҳисоблаш лозим.

Ислоҳот одамлар тақдирига, онгига қандай таъсири этяпти? У одамларга нима берялти? Бу ўзгаришлар ҳалқимизга маъқулми, йўқми? Мана шу — фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиши керак. Зоро, ислоҳот ҳалқ манфаати учун қилинади. Биз вақти-вақти билан ўзимизга ана шу саволларни бериб, ишимизни таҳдил этиб туришимиз даркор.

Келажагимиз учун, эл-юргимизнинг фаровонлиги учун, мустақил давлатимизнинг тараққиёти ва истиқболи учун мана шу йўналишлардаги ишларимизни охирига етказиш муҳим аҳамият касб этади, дея таъкидлади Ислом Каримов. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнининг навбатдаги босқичи, бу йўлдаги вазифалар ҳусусида гапирап эканмиз, қўйидаги муаммолар ва устувор йўналишларга алоҳида аҳамият бермоқ даркор.

Биринчи ва асосий масала — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳусусийлаштириш борасидаги ишларни охирига етказишдан иборат. Ислоҳотнинг асосий маъноси ва, керак бўлса, негизи бу — мулкни ҳақиқий эгасига топшириш, тадбиркорликка кенг имкониятлар очиб беришдир.

Иккинчи муаммо ва устун йўналиш — иқтисодимиз таркибини кескин ўзгартириш, яъни хом ашё эмас, тайёр маҳсулот чиқаришга ўтиш, унинг сифати ва рақобатбар-

дошлилигини дунё бозори талабларига жавоб берадиган ҳолга етказиш. Ана шу мақсадда юртимизга янги технология, замонавий жиҳозлар, ускуналар келтириш, ихчам, қилинган харажатни тез қопладиган корхоналар қуришидир. Бу хорижий сармояларга кенг йўл очиб беришни тақозо этади.

Ҳеч бир мамлакат хорижий сармояларсиз тараққиётга эришмаган. Ҳозир дунё бўйича 160 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги чет эл сармояси айланади. Шундан бир қисмини Узбекистонга жалб этиш имкони борми? Бор! Биз билан ҳамкорлик қилишни истаган чет эл фирмалари, компаниялари кўп. Фақат ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиш керак. Инвестициялардан фойдаланиш лойиҳаларимизда мана шу инвестиция қаерга сарфланади, Мингбулоққа қанча, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига қанча, у қандай самара беради — бари олдиндан аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқилади. Фақат бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш лозим.

Бунинг йўли эса чет эл фирмалари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар тузишдир. Мен бу ҳақда илгари ҳам айтган эдим. Яна такрорлайман, хориж билан алоқа боғламаган корхонанинг, тадбиркорнинг келажаги йўқ. Лекин бизда шундай раҳбарлар борки, чет эллик бизнесменлар билан гаплашишни истамайди. Бундай кайфиятларга барҳам бериш вақти етди.

Учинчи муҳим вазифа — миллий пулнимиз қуфузиниң янада мустаҳкамлаш, унинг Америка доллари, немис маркаси, япон иени каби дунёдаги обрўли валюталар билан эркин алмашувига эришмоқдир. Зеро, миллий пул кучли бўлгандагина иқтисод бақувват бўлади. Биз банклараро валюта биржасида бир миллиард АҚШ доллари айланишига эришмоғимиз даркор. Токи, ҳар бир корхона, тадбиркор ва фуқаро истаган вақтда, истаган миқдордаги пулини эркин муомаладаги валютага ёки ишлаб топган валютасини миллий пулнимизга алмаштира олиш имконига эга бўлсин.

Шуни яхши англаб олишимиз керакки, ислоҳотимизнинг тақдири, ҳаёт-мамоти, унинг самараси — ҳалқимизнинг турмуш даражасини кўтариш, фаровон ҳаётга эришиш — ҳаммаси биринчи масалага тақалади. Яъни, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, иқтисодий фаолият учун эркин шароит туғдириб

бериш муаммосини ҳал этмай туриб кутилган натижага эришиб бўлмайди, дея таъкидлади Президент.

Вазиятга шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, муайян ишлар қилинганига қарамай, республикада тадбиркорлик кўнгилдагидек ривожланмаяпти. Бу йўлда қандай тўсиқлар, ечимини кутаётган муаммолар бор? Уларни бартараф этиш учун қандай чора-тадбирлар кўриш, ҳужжатлар қабул қилиш лозим? Бугун ана шу муаммоларни мухокама этғшимиз, тадбиркорликни янги погонага кўтариш, кенг қулоч ёйдириш йўлларини белгилаб олишимиз зарур.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринbosари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен кун тартибига қўйилган масала юзасидан маъруза қилди.

Маърузада таъкидлаб ўтилдики, шу йил 21 январда чиқарилган "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонига асосан республикада тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Бозор муносабатларини тартибга солувчи зарур ҳужжатлар қабул қилинди. 1994 йилнинг ўзида хусусийлаштиришдан 300 миллион сўмдан зиёд пул тушди. Бу 12 минг хусусий тадбиркорни, асосан, фермерларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имконини берди. Республикада тижорат банклари, компаниялари, жамғармалари, биржалари кенг фаолият кўрсатмоқда. Ташкил этилган 1300 қўшма коркона шу йилнинг 9 ойи мобайнида 830 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Лекин хусусий тадбиркорларнинг сёёқта туриб олиши, ривожланиши қийин кечмоқда. Мулк хусусийлашгандан кейин уни ишга солиб юбориш жараёнида маълум тўсиқлар бор. Хусусан, бир кичик корхонани рўйхатдан ўтказиш учун бир неча идорадан рухсат олиш керак. Бунинг учун тадбиғкор ойлаб вақт йўқотади. Навбат кутишлар, мансабдор шахсларнинг тўраларча муносабати, айрим ҳолларда очиқчасига тамагирлик қилиши тадбиркорларнинг ишдан кўнглини совутмоқда, ислоҳотга, келажакка ишончини сўндиromoқда. Бундан ташқари банкда ҳисоб рақами очиш, муҳр тайёрлаш, кредит олиш, пул ўтказиш масалаларида тадбиркорларга ўгай кўз билан қараш

ҳоллари мавжуд. Уларнинг солиқ идораларига топширадиган ҳисоб ҳужжатларини соддалаштириш, хом ашё билан таъминлашда давлат корхоналари билан бир хил шароит яратиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улгуржи савдо ярмаркаларини ташкил этиш долзарб вазифалардандир.

Йиғилишда сўзга чиққан тадбиркорлар, вазирлик, бирлашма, концерн, банк ва бошқа алоқадор ташкилотлар вакиллари мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш ўйлари кусусида фикр-мулоҳаза билдирилар.

Бизда янги шахсий мулк эгаларига кўз олайтириш, уларга ҳавас билан эмас, аксинча, ҳасад билан қарашдек эскидан қолган ёмон одат бор, деди Ислом Каримов мажлис ниҳоясида. Айниқса, раҳбарлик лавозимида ўтирган айrim шахслар бундан воз кечиши керак. Баъзи зўравон, турли текшириш, ков-ковларни уюштирадиган, шунинг орқасидан манфаат топадиган тамагир ва порахўр кимсаларнинг танобини тортиб қўйиш, иқтисодиётимизнинг келажаги бўлган тадбиркорларни турли тазийқлардан холи этиш даркор. Ана шунда уларнинг сафига янги-янги одамлар қўшилади.

Хом ашё сотиб, юрганинг табиий бойликларини совуриб, эл фаровонлигини ошираман дейиш — хомхаёлдан ўзга нарса эмас. Вақтинча тўкинилик мамлакат келажаги учун қимматга тушиши мумкин. Чунки бундай шароитда одамларда боқимандалик кайфияти кучаяди, меҳнатни унутади. Бойлик, фаровонлик асоси — меҳнат эканини унутмайлик.

Илгари четдан 4 миллион тонна мефт сотиб алар эдик. Ўзимизда ишлаб чиқариш ҳисобидан бу кўрсаткични йилдан-йилга камайтириб келяпмиз. У 1995 йилда 750 минг тоннага тушади. 2-3 йилда галла масаласида ҳам ўзимизни ўзимиз таъминлашга эришишимиз керак. Бу нафақат иқтисодий, балки катта сиёсий масаладир.

Аллоҳ таоло ҳам, сендан ҳаракат — мендан баракат деган. Мен орзу қиласманки, ҳар бир одам, давлат нима берар экан деб ўтирмасдан, даромад топишга ҳаракат қиласа — қимирлаб турса. Зоро, одам ўзини боқа олсагина бой бўлади. Ҳар бир одам бой бўлса, давлат бой бўлади, ҳар бир оила обод бўлса, мамлакат обод бўлади.

ФАОЛИЯТИМИЗ ДАВР РУҲИГА МОС БЎЛСИН

1995 йил 4 январь куни ҳалқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг биринчи сессияси бўлди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Бугун мамлакатимиз меҳнаткашлари ўз келажаги, ўз тақдирларини ўз қўллари билан бунёд этмоқдалар, деди Президент. Мустақилликимиз эълон қилинганидан бўён қисқа давр ўтган бўлса-да, ҳалқимиз ва давлатимиз ҳаётида ғоят катта ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди.

Ҳуқуқий-демократик давлат қуришда, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига ўтишида, янги жамият барпо этишда биз ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлни танлаб, ўтган давр мобайнида бу йўлда улкан қадамлар қўйдик.

Шу вақт мобайнида биз мустақил давлатимизга мустақам пойdevор яратдик, деб бугун тўла ишонч билан айта оламиз.

Буни давлатимизнинг Асосий Қонуни ҳисобланган янги Конституциямизни қабул қилганимизда, яратилган ҳуқуқий асос негизида қонунлар, тегишли Фармонларни ва низомларни ҳаётимизга қатъият билан татбиқ этишга киришганимизда яққол кўриш мумкин. Ўтган йил 25 декабрь куни республика Олий Мажлисига, ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашларига биринчи бор кўп партиявийлик асосида ўтказилган сайлов мустақил давлатимизнинг ҳалқаро обрўсига обрў қўшди.

Ишончим комилки, ислоҳот йўлида келажагимиз пойdevорини қуриш учун қилган меҳнатларимиз, тортган қийинчиликларимиз зое кетмайди. Улар тез орада ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини кўтаришда, уни ижтимоий

ҳимоя қилишда ўз маҳсулини бера бошлайди, деб таъкидлади И. Каримов.

Шундан сўнг юртбошимиз Навоий вилоятининг Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятида тутган ўрни хусусида сўзлади.

Собиқ СССР тузуми даврида бу юрт мустамлакаликнинг яққол тимсоли эди, деди Президент.

Бу ерда ишлаб чиқарилган ер ости ва ер усти бойликлари Ўзбекистон билан, унинг меҳнаткаш халқи билан ҳисоб-китоб қилинмай ташиб кетиларди. Ишлаб чиқарилган юрт бойлигига ўзбекистонликлар эмас, аксинча, четдан келган раҳбарлар эгалик қилганилар, улар ўз хоҳишларига қараб иш тутганлар.

Яна бир афсулланарти жиҳати шундаки, вилоят ўша даврларда сарсон ва саргардон бўлиб бошқа вилоятларга қўшиб юборилган эди. Мустақиллик туфайли вилоят ўз ўрнини топди қайта ташкил этилди.

Бугунги кунда мустақил давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётida навоийлик меҳнаткашлар ҳам фасл иштирок этмоқдалар. Сахийқалб ва меҳнаткаш навоийликлар саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа соҳаларда бирмунчада ижобий натижаларни қўлга киритмоқдалар, деб қайд этди мамлакатимиз раҳбари.

Шу билан бирга бугунги вазиятни танқидий баҳолаб, таҳдил қилсак, Навоий вилоятида раҳбарликнинг бўшаштириб юборилгани халқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларнинг давр талабларидан орқада қолишига сабаб бўлмоқда.

Савол туғилади: нега вилоятда талабчанлик ва қатъият бўшаштириб юборилган? Нега вилоят раҳбарларида бугунги кун долзарб масалаларига лоқайдлик, хотиржамлик, беларволик кайфияти пайдо бўлган? Вилоят аҳлини, меҳнаткашларни бир мақсад йўлида бирлаштириш, бир ёқадан бош чиқарип ишлаш, одамларнинг ғам-ташвишидан, дардидан ҳабардор бўлиш, уларнинг ғами билан яшаш раҳбарнинг асосий бурчи эмасми? Афсуски, бугунги ҳолат Навоий вилояти раҳбарларининг бундай ғоялардан узоқлигини кўрсатмоқда.

Шундан сўнг Ислом Каримов вилоят халқ хўжалиги тармоқларидағи мавжуд камчиликларни мисоллар билан кўрсатиб ўтди.

Авваламбор, вилоятда ислоҳот суръатлари жуда суст бораётгани кўзга ташланади. Шуниси ачинарлики, 48та корхонадан 16 таси мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказилган бўлса-да, уларда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот атиги 5,5 фойизни ташкил этди, деди Президент.

Минерал ўғит, нитрон толаси, цемент, чорвачилик озуқалари ишлаб чиқариш 1994 йилда 1993 йилга нисбатан камайтириб юберилди.

Вилоятда йирик, иқтисодий жиҳатдан бақувват корхоналар бўлишига қарамасдан, уларнинг имкониятларидан яхши фойдаланилгани йўқ, бу корхоналар кўпинча ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ғоят ачинарлидир.

Капитал қурилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам талабга жавоб бермайди. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш 1994 йилда 1993 йилга нисбатан ниҳоятда паст даражада.

Вилоят меҳнаткашлари ўзи ташаббус кўрсатиб, уй-жой қуриш учун ҳаракат қиласа-ю, раҳбарлар бунга йўл бермай ўтиrsa! Ваҳоланки, биз уларни қўллаб-қувватлаб, ёрдам беришимиз зарур.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасида ҳам вилоятда ташкилотчилик, ташаббускорлик сезилмаётir. Жойларда тузилган меҳнат биржалари ходимлари аксарият ҳолларда ўз зиммаларига юкланган вазифалар билан шуғулланмайди. Қўшимча иш жойлари, хусусий, кичик, қўшма корхоналар ташкил этиш билан ҳозиргacha ҳам ҳеч ким жiddий шуғулланмаяпти. Айниқса, Гомди ва Конимех туманларида аҳвол ёмон. Бу ҳудудларда меҳнат ресурсларининг таъминланиш даражаси 56 фойизни ташкил этганини вилоят раҳбарлари ўйлаб кўрмаган ҳам. Қўшимча иш жойлари яратилмагани сабабли туман фуқаролари Зарапшон ва Навоий шаҳарларига иш излаб боришга мажбур бўлмоқда, деди Президент.

Айниқса, вилоятда аҳолини ичимлик сув ва газ билан таъминлаш бўйича Президент фармонининг ўта сусткашлик билан амалга оширилаётгани кечирилмас ҳолдир. Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида ана шу хусусда ҳам фикр юритди.

Агар вилоят ва туман раҳбарлари ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, эл манфаатини шахсий манфаатла-

ридан юқори қўйғанларида эди, газлаштириш Нурота, Ко-
нимех ва Навбаҳор туманларида 5-10 фоизни, аҳолини
ичимлик сув билан таъминлаш Қизилтепа, Навбаҳор, На-
воий, Нурота туманларида 10-35 фоизни ташкил этмаган
бўларди, "Мен сенга, сен менга тегма" қабилида иш тува-
диган бундай раҳбарларга орамизда ўрин бўлмаслиги ке-
рак! Ахир, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, турмуш шарон-
тини яхшилаш ҳақидаги Фармон ва қарорларнинг ижроси-
ни таъминламайдиган, халқнинг оғирини енгил қилишга
интилмайдиган, унинг ташвиши билан яшамайдиган
раҳбар қандай раҳбар бўлди?

Мустақил давлатимизнинг равнақи нафақат саноатни
ривожлантириш, балки қишлоқ хўжалигига ҳам чамбар-
час боғлиқлиги ҳаммамизга маълум деди Президент мам-
лакатимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг тутган
ўрни ҳақида тўхталиб. Ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли тур-
муш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самара-
дорлигини ошириш, халқимизни боқиши, истиқболимизни
режалаш — куллас қандай муаммо, қандай масалани
кўрмайлик, уларнинг эксарияти биринчи навбатда қишлоқ
хўжалигига бориб тақалади. Мана шу соҳада Навоий
вилоятида қилинаётган ишлар ҳам талабга жавоб бер-
майди.

Деҳқончилик саноати уюшмаси хўжаликлари ўтган
йили жуда ёмон ишлагани сабабли уларнинг молиявий
кўрсаткичлари ниҳоятда паст бўлди. Сабзавот ҳосилдор-
лиги 1993 йилга нисбатан 6 центнер, полиз маҳсулотлари
4 центнер камайтириб юборилди. Бундан ташқари ўтган
йили дон етиштириш режаси 71,7, сабзавот 86,8, полиз
маҳсулотлари 77,7, мева 72,4 фоиз бажарилганини қандай
баҳолаш мумкин?!

Галла мустақиллиги тўғрисида жуда кўп гапирияпмиз
деб сўзида давом этди мамлакатимиз раҳбари. Аммо Навоий
вилоятида бу борада олиб борилаётган ишлар мутлақо
талабга жавоб бермайди. Ўтган йили Нурота туманида дон
етиштириш 20,7 фоиз, Навбаҳор туманида 59 фоиз, Навоий
туманида 76 фоиз бажарилгани шу ҳудудларда
ҳақиқий раҳбар йўқлигидан, ўзини раҳбар санаганлар эл
учун ҳам, юрг учун ҳам қайғурмасдан, фақат ўз манфа-
атларини ўйлаб иш кўраётганидан далолат беради, холос!

Эътибор беринг, Нурота туманида ҳар гектар ердан атиги 2,1 центнердан, вилоятда эса бор-йўғи 14 центнердан дон ҳосили олинган. Табиий савол туғилади: бу вилоятда раҳбар борми ўзи ё йўқми? Дон режаси уддаланмаса, мева етиштириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлса, сабзавот маҳсулотлари йилдан-йилга камайиб кетаётган бўлса, унда шу соҳаларнинг мутасаддилари нима билан шуғулланаятилар??

Вилоятда пахтачилик борасидаги ишлар ҳам қониқарли аҳволда эмас. Ҳар гектар ердан олинаётган ҳосил салмоғи ниҳоятда паст. Утган йили пахта тайёрлаш режаси зўрга 97,7 фоизга етказилди. Сўрасанг, ҳамма раҳбарлар ўзини пахта билан шуғулланяётган қилиб кўрсатади. Аниқроқ билмоқчи бўлсанг, вилоятда пахтачиликнинг эгаси йўқ!

Вилоятда чорвачилик ҳам эътибордан четда қоляпти. Натижада кейинги икки йил ичida қорамоллар сони 2 минг 700 бош, майда моллар сони эса 100 минг бош камайиб кетган. Қўйлардан қўзи олиш 1994 йилда 1993 йилга нисбатан 302 мингта кам бўлди. Жун сотиш 881 тоннага, қоракўл тери сотиш эса қарийб 380 минг донага, гўшт етиштириш 1992 йилга нисбатан қарийб 13 фоизга, тухум 82,3 фоизга, қоракўл тери тайёрлаш 25,4 фоизга камайтириб юборилган.

Чорвачилик тармоғидаги самарадорлик 1992 йилда 20,5 фоизни ташкил этган бўлса, 1994 йилга келиб бор-йўғи 1,1' фоиз сўйлани учун; вилоятда ким жавоб беради??

Хўжаликда чорвачилик маҳсулотларининг камайиб кетиши асосан молларнинг озуқа базасига эътиборнинг сусайгани туфайли бўлмоқда. Сўнгти уч йил ичida Конимех, Томди ва Учқудуқ туманларида яйловларнинг ҳолатини яхшилаш борасида биронта ҳам тадбир амалга оширилмаган.

Ҳисоб-китобларга қараганда, бу туманларда чорва қишлоғини ўтказиш учун тайёрланган озуқа 10 февралга қадар зўрга етиши мумкин, холос.

Бундай ачинарли вазиятни изоҳлаб, эътиборингизни муҳим бир масалага жалб қилмоқчиман, деди Президент. Албатта, бугун ҳалқимиз бошидан оғир кунларни кечирмоқда. Буни ҳаммамиз тан оламиз. Лекин саноатда ишлаб чиқариш ўсмаса, қишлоқ хўжалигига аҳвол яхшиланмаса,

ғалла ҳосили әкилган уруғидан кам бўлса, чорвадорнинг подаси очликдан нобуд бўлаверса — халқнинг косаси оқарадими, ҳаётимиз фаровон бўлиши мумкинми?

Раҳбарларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги, моддий ва маънавий қўллаб-қувватламаслиги туфайли фермер хўжаликлари, жумладан, ўтган йили Томди туманида 5 та фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган. "Тадбиркор" банки эса кредит ресурслари ажратмаётир.

Биргина шу тумандаги фермер хўжаликларининг техника сотиб олиш учун 139 минг сўм кредит ресурси олиш ҳақидаги аризаси бугунги кунга қадар қондирилмаган. Бундай аҳвол юзага келишига сабаб нима? Очигини айтиш керак, бунинг асосий сабаби раҳбарларнинг ўzlари ҳали ҳам ислоҳотларнинг асл моҳиятини тушуниб етмаганлигидadir. Уларнинг ўzlари тушуниб етмаганликларидан кейин одамларга мулк, ерга эгалик қилиш моҳиятини қандай тушунтириб берсиндар?

Вилоятда мулк шаклларини ўзгартириб, жамоа, ширкат ва ижара хўжаликларига айлантириш номигагина амалга оширилган. Хўжалик бошқаруви ҳамон эскича қолаётир. Бошқарув идорасида аввал 80-100 нафар киши ишлаган бўлса, ҳозир ҳам шунча ходим фаолият кўрсатмоқда. Ўроқда йўқ, машҳуда йўқ, хирмонда ҳозир бўлганлар билан раҳбарларнинг ҳали-ҳамон муросасозлик қилаётгани айниқса ташвишланарли ҳолдир, дея қайд этди республикамиз раҳбари.

Хўжаликларнинг ичидаги маҳсулот этиштириш бўйича ички шартномалар тузилмаган, ер одамларга бир неча йилга ижарага бўлиб берилмаган, бошқа асосий воситалар белул мулк қилиб топширилмаган. Чўпонлар ва бошқа ходимлар мулк эгаси экани ҳақидаги тушунчага ҳам эга эмаслар. Даромадларни мустақил тасарруф қилишни билмайдилар, фойдадан улуш олиш тартибини тушунмайдилар.

Бозор иқтисодиёти шароитини англаб етмаган раҳбарлар республика идораларига, давлат бизга ёрдам берсин, деб мурожаат қилишни ҳали ҳам давом эттирмоқда. Одамлар бир нарсани тушуниб олиши керак, эски вақтлар қайтиб келмайди. Кимки ўша даврни қўймсаётган, қайта-

ришга уринаётган бўлса, у ўз жойини бошқаларга бўшатиб қўйгани маъқул!

Вилоятда қурилиши тугалланмаган обьектларни сотиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Шу кунга қадар 267 та чала обьектларнинг бор-йўғи 5 таси сотилганини қандай тушуниш мумкин?!

Хусусийлаштирилаётган обьектларни ер майдони билан баҳолаб сотиш ташкил этилмаган. Ҳозирча бирорта ҳам обьект ер майдони билан бирга сотилган эмас. Вилоят, туман раҳбарлари бу билан давлат бюджетига тушадиган фойдага тўсқинлик қилмоқдалар. Бу аҳволга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди.

Савдо, майший хизматни яхшилаш чоралари давр талблари асосида қайта кўрилмаётир. Савдо дўконларини хусусийлаштиришдан мақсад маҳсулот турларини кўлайтириш, аҳоли талабларини қондириш йўлларини излаб топиш бўлса-да, вилоят раҳбарлари унинг моҳиятини тушуниб етмаяпти.

Вилоят раҳбарларига, нима учун пулнинг қайтиб тушиби кам, нега одамларга ўз вақтида маош тўланмайди, деган саволни берсанг, бизда бозор йўқ, савдода мол кам, одамлар бошқа шаҳарларга бориб савдо қилиб келади, деган жавобни айтади.

Оғзингизни очиб ўтирган билан бирор сизларга молларни келтириб берармиди? Нима учун хусусийлаштирилган савдо шоҳобчаларига етарли моллар келтирилмайди, янги хусусий дўконлар, бозорлар қурилмайди. Нима учун бундай ишлар қўлидан келадиган тадбиркорлар излаб топилмайди? Ё Навоийда ишбилармон кишилар йўқми? Яқинда Президент ҳузуридаги идоралараро кенгашда иштирок этган ишбилармонларнинг фикрларига аҳамият бердингизми? Нима учун улар қилаётган ишларни Навоийда амалга ошириш мумкин эмас? Боқимандалик қачонгача давом этиши мумкин?

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам камчиликлар талай. Болалар боғчалари, мактабларни таъмирлаш, ўқитувчи, тарбиячи, тиббиёт ходимларини ижтимоий ҳимоялаш масалалари эътибордан четда қолмоқда. Касалхоналарда дори-дармон, керакли жиҳозлар етишмайди. Оналар ва болалар ўлими бўйича кўрсаткич вилоятда ҳамон юқорилигигча қолмоқда.

Республикамиз бўйича жиноятчилик 1994 йили 1993 йилга нисбатан 20 фоиз камайган бўлса, Навоий вилоятида бу кўрсаткич 10 фоиз оргтан. Оғир турдаги жиноятлар 20 фоиз, қасддан одам ўлдириш 11 фоиз, иномусга тегиш 9,5 фоиз, талончилик 5 фоиз, фирибгарлик 54 фоиз, безорилик 57 фоиз кўпайган. Ҳозирга қадар содир этилган жиноятларнинг 668 таси, шу жумладан, 518 та оғир турдаги жиноят очилмасдан қолган.

Бундан кўриниб турибдики, маъмурий органлар олиб бораётган ишлар талабга жавоб бермайди, деди Ислом Каримов. Жойларда ҳокимлар билан улар ўртасида ҳамкорлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш олиб боришда жамоатчилик ёрдами сезилмаяпти. Мазкур камчиликларнинг содир бўлишига жойларда раҳбарлик лавозимларига нолойиқ, тасодифий кадрлар келиб қолиши сабаб бўлмоқда.

Вилоядта кадрларни тарбиялаш, танлаш, жой-жойига қўйиши, ёш мутахассислар, ишбилармонлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилмаган. Кадрларни тарбиялашга эътибор берилмаяпти. Натижада кадрлар тез-тез алмаштирилмоқда. Айниқса, Навоий, Нурота, Томди, Конимех туманларида кадрларни танлашга эътибор йўқ.

Хулоса шуки, вилоядта раҳбарлик тизими ташаббускор, тадбиркор, масъулиятни чуқур ҳис эта оладиган кадрлар билан мустаҳкамланмаган.

Айрим раҳбарлар эл-юрт манфаатидан ўз манфаатини устун қўймоқда, нопок ишларга қўл урмоқда. Натижада халқ хўжалигининг барча соҳаларини жадал ривожлантириш давр талабларидан орқада қолган. Фармон ва қарорлар бажарилиши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Раҳбарлар ўртасида хотиржамлик, ўзибўларчилик ҳоллари юзага келган. Бу эса вилоядта ижтимоий-сиёсий аҳволнинг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда.

Аминманки, Навоий вилояти меҳнаткашлари орияти, танти, фидойи инсонлар. Оддий меҳнаткашдан тортиб раҳбаргача — ҳамма қўлни-қўлга бериб меҳнат қилиши, миллатидан қатъи назар, элим деб, юртим деб ёниб яшаши керак. Маҳаллийчиликка барҳам бериш, республикамиз тараққиёти, ривожига ўз ҳиссасини қўшиш шу заминда яшаётган ҳар бир кишининг қалб амрига айланмоғи зарур, деди Ислом Каримов пировардида.

ХАЛҚ ИШОНЧИ — ЮКСАҚ МАСЬУЛИЯТ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Янги Йилнинг дастлабки кунларида, сизларни сиҳат-саломат, бардам кўриб турганимдан мамнунман.

Сизларни ва сизлар орқали пойтахт вилоятимизнинг барча аҳолисини Янги — 1995 йил билан муборакбод этиб, ҳаммангизга бахт-саодат, хонадонингизга файз-барака ва омадлар тилайман.

Шу билан бирга мана шу залда ўтирган депутатларни халқимиз билдирган юксак ишончни оқлаш йўлидаги фолиятларида улкан муваффақиятлар тилашга рухсат бергайсизлар.

Ҳаммангизга аёнки, бугунги кунда — юртимиз, жамиятимиз машаққатли синовлардан ўтасётган бир пайтда халқимизнинг ишончига мушарраф бўлиш ҳар қайси инсон учун катта обрў, катта ишонч, шунингдек, жуда катта масъулиядир. Ишонаманки, бундай шарафли ишончга сазовор бўлган депутатлар буни яхши тушунадилар, унинг қадр-қимматини қалбларидан ўтказиб баҳолайдилар.

Бундай мураккаб пайтда халқ кимнинг кимлигини айниқса яхши билиб олади. Ким эл-юрт манфаати учун чинакам қайғуряпти-ю, ким қуруқ, ҳавоий вазъдалар билан ўз мақсадини кўзлаяпти — одамлар сезиб-билиб турадилар.

Шу маънода Ўзбекистон ҳаётида, жамиятимиз тарихида илк бор эркин, кўп партиявийлик асосида сайловлар ўтказилиши улкан тарихий воқеа десак, асло муболага бўлмайди.

Чунки биринчи марта ҳам Ўзбекистон парламентига — Олий Мажлисга, ҳам маҳаллий туман, шаҳар, вилоят кенгашларига номзодлар кўрсатишида, улар орасидан ҳақиқатда энг муносиб шахсни сайлаб, танлаб, ажратиб олишга имконият туғдирилди.

Биринчи бор сайловчи инсон учун Конституция берган ҳуқуқдан фойдаланиб, ўзининг ҳоҳиш-иродасини тўла намоён қилишга замин яратилди.

Бугун биз ўз юртимизда эркин ва озод жамият — адолатли ҳаёт пойдеворини, демократик давлатимизнинг асослари ва қадриятларини қураётган ва тикилаётган бир даврда ўтган сайловлар ва уларнинг натижаларидан Ўзбекистоннинг халқаро обрўйига обрў қўшилаётганини жамоатчилигимиз сезиб турганига аминман.

Шу билан бирга ўтган сайловлар фуқароларимиз сиёсий савиясининг ўсишида, одамларимиз онгида адолатга ишонч пайдо бўлишида ғоят ижобий таъсир қилаётганини ҳам кўриш мумкин.

Тарихимиздан маълумки, қадим замонлардан буён инсонларнинг энг катта ва эзгу орзу-ниятлари, мақсадлари ҳаётда адолат ўрнатиш, адолат ҳукмронлигини жамият ва ўз ҳаётида кўриш, ҳақиқат тантанаси учун курашдан иборат бўлган. Мен бир гапни кўп такрорлаб айтганиман: халқимиз ҳар қандай қийинчлиликка чидаши мумкин, лекин адолат, ҳақиқат мезони бузилса чидолмайди. Адолат устун бўлган жойда иш юришади, юртда файзу барака, одамларда меҳр-оқибат устуворлик касб этади. Адолат бўлмаган жойда адоват пайдо бўлади, кишилар орасида низо-нифоқлар кучаяди. Буни тарихимиздан ва сўнгти йилларда ўлкамизда юз берган воқеалар мисолидан ҳам яққол кўриш мумкин.

Она юртимиз Туркistonга ёв бостириб келганда ҳам, инқилоб даврида ҳам, "босмачи" деган уйдирмалар чиққан пайтда ҳам, сўнгти йиллар давомида "ўзбек иши", "пахта иши" деган маломат ва бўхтонлар авж олган, десантчилар келиб хонадонларимизни хонавайрон қилган вақтларда ҳам, Фарғона фожиаси туфайли халқимиз бошига ёғилган бало-офатларнинг барчасининг сабаби ва илдизини юртимизда адолат мезони бузилганидан кўриш керак. Ўйлайманки, қачонки шу кўз билан тарихимизнинг аламили саҳифаларига тўғри баҳо-изоҳ берсак, кўп нарсани жой-жойига қўйишимиз мумкин. Шундай вазифани аввалимбор олимларимиз, тарихчиларимиз, адабиётчиларимиз, эл-юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари ўз зиммасига олиши даркор.

Ҳаётда адолат ўрнатиш, албатта, ижтимоий тараққиётнинг кўпдан-кўп омилларига боғлиқ. Аммо энг муҳим, ҳал қилувчи омиллардан бири — бу эркин, одил сайлов тизимири. Яъни ҳар қайси поғонада — жамоами, маҳаллами, корхонами, туманими, шаҳарми, вилоятми, давлатми, унинг

ривожи ва тақдирни кўп жиҳатдан муносаб ёки номуносаб шахсларни, ваколатларга эга бўлган раҳбарларни, шу жумладан, ҳаётимиз — келажагимизни ишониб топширган ноиб-депутатларни сайлаб олишимизга боғлиқдир.

Бу оддий ҳақиқатни ҳеч ким инкор қилмаса керак, деб ўйлайман. Чунки одамларнинг бошини қовуштириб, тинчлик-тотувлигини сақлаб, уларнинг эзгу ниятларини амалга ошириш йўлига бошлайдиган, ҳамдард ва раҳнамо бўлиб, ўзидан ном қолдирадиган ҳам раҳбар. Ёки аксинча, мансаб курсисига ўтириб, ваъдаларига вафо қилмасдан, ўз манфатини кўзлаб, ҳаром-харишга қўл урадиган, ишнинг кўзини билмасдан, қўлидан иш келмасдан жамоа ҳаётини вайрон қилиб ўзидан дод қолдирадиган ҳам раҳбар. Бу фикрларнинг асосий маъноси шуки — депутатлар ҳам, улар орасидан танлаб олинадиган раҳбарлар ҳам сайлов пайтида сайланади, қандай инсон эканлиги намоён бўлади.

Сайловлар маълум бир қолип ва тартибда, яъни эски замондан қолган усулда — хоҳлайсизми-йўқми, ёқадими-ёқмайдими, маъқулми-номаъқулми, ишонасизми-ишонмайсизми ҳаёт-мамотимизни ҳал қилувчи "улуг партияимиз" — КПСС белгилаб берган танҳо номзодга овоз беришга мажбур бўлган замонимизда қандай эркинлик бўлиши мумкин эди?

Демократик давлат қураётган ҳозирги бир шароитда кўппартиявийлик, муқобиллик йўли билан ўтказган дастлабки сайловларимиз ҳаётимизга катта ўзгаришлар олиб кириши табиий. Шу сайловни ўтказиш жараёнининг ўзидаёқ одамларнинг онги ўзгарди, ҳаётга янги кўз билан қарайдиган бўлди.

Илгариги сайловларни эсга оладиган бўлсак, ҳар беш йилда бир хил одамларни депутатликка сайлар эдик. Сайлов арафасида улар катта ваъдалар берарди-ю, ваколати тугаётгандан эса ҳеч ким улардан ҳисобот талаб қилмасди. Муқобиллик, кўппартиявийлик асосида сайлов ўтказар эканмиз, буларнинг ҳаммасига ҳаётнинг ўзи чек қўйди.

Шунинг учун ҳам ўтган сайловларда сайловчиларга берилган ҳуқуқ — ўз овозини, ўз хоҳиш-иродасини билдириб, икки-уч номзоддан битта номзодни танлаб олиш ҳуқуқи ҳаётимизнинг янги босқичига қадам қўйиш билан баробар.

Келажакда жамиятимизда қандай партиялар тузилмасин, уларнинг сони қанча бўлмасин, қайси партия олдига

қандай вазифа қўйилмасин — улар ўз мақсадларига, ўз ғояларини амалга оширишга сайловчиларнинг овозини, яъни ишонч-эътиборини қозонибгина эришиши мумкин.

Бошқача айтганда, одамларни ҳар хил бақириқ-чақириқлар билан майдону кўчаларга чорламасдан, уларнинг тинчлиги, тотувлиги, ижтимоий барқарорликни бузмасдан, адолатли сайлов орқали ҳокимият органларига вакилларини ўтказиш, ўзига ваколат олиш, туман, шаҳар, вилоят, республика қенгашларида ўzlари берган ваъдаларни, дастурларини амалга оширишга куч-ғайратини бағищлаш, сайловчилар олдида олган ваколатларини ўз муддатида масъулият билан адо этиш — бу партиялар фаолиятининг бош йўналиши бўлиши лозим.

Партия дегани — бу мансаб учун, лавозим учун кураш эмас, балки муайян ғоя учун, унинг жамиятда устувор бўлиши ва рўёбга чиқиши учун кураш демакдир. Агар партия маъносини мана шу нуқтаи назардан тушунар эканмиз, қанча партия бўлса бўлаверсин, уларнинг фаолиятига тегишли шароит яратиб берилади.

Аммо жамиятни бўлиб ташлаш, одамларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш, турли бекарорликлар келтириб чиқарадиган ғоялар тарғиб қилинадиган бўлса, бундай партиялар бизга керак эмас.

Ўзбекистонда ҳали ўзини тутиб олган, мустаҳкам ғоясига эга бўлган партиялар шаклланиб ултурганича йўқ. ХДПнинг тузилганига мана уч-тўрт йил бўлди. Лекин ҳали бу партиянинг ҳам амалий ҳаракатлари, ғояси билан одамларни ўзита жалб ҳаллиш, янги дастурлар ишлаб чиқиши борасида кўп заиф томонлари бор. Келажакда бу партия ҳам ўзини тутиб олишига ишонаман.

Мен бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман: куни кечга "Яшасин КПСС!" деб қичқириб юрган баъзи кимсалар бугун ҳам ягона бир сиёсий куч, ягона бир партиянинг яккаҳокимлигини орзу қилиб юришибди. Яккапартиявийлик тузумида яшаган кунларимизнинг қандай хунук оқибатларга олиб келганини назарда тутиб, биз бунга асло йўл қўёлмаймиз. Бу ҳаммага аён бўлиши керак.

Умуман, чуқурроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, нима учун ёлгиз қандайдир сиёсий гурӯҳ ўз манфаатини кўзлаб, ҳаётдан узоқ, сохта, баландпарвоз гаплар ва чақириқлар туфайли одамларни алдаб, ўз мансабараст мақсадларига эришиши керак экан? Биз масаланинг бу тарзда

қўйилишига бутунлай қаршимиз. Биз аввало ҳалқимиз, жамиятимизнинг барча аъзолари фаровон ҳаёт кечириб яшасин, деган ақида тарафдоримиз. Ишончим комилки, шундагина биз фуқаролар тотувлигига, миллатлар ҳамжиҳатлигига асосланган мустаҳкам демократик жамият қуришга эришамиз.

Сўнгги сайловларда маҳаллий кенгашлар, Ҳалқ демократик партияси, "Ватан тараққиёти" партияларидан кўрсатилган номзодлардан депутатлар сайланди. Энди депутатлар қайси тоифадан, партиядан, қайси гуруҳдан сайланган бўлсалар, шулар номидан ишлиши, фаолият кўрсатиши лозим.

Кечаги сайловлар натижасида маҳаллий кенгашлардан таҳминан 67 фоиз, ХДПдан 28 фоиз, "Ватан тараққиёти" партиясидан эса 5 фоиз депутат сайланди.

Кейинги сайловлар пайтида яна бир бор сайловчилар билан юзма-юз бўлганда ишга ноқобил, қуруқ ваъдалар билан сайловдан ўтган номзодларга ҳалқ ўзи ҳакам бўлади. Агар одамлар дастлаб адашган бўлишса, навбатдаги учрашувларда анча лишиқ бўлиб қолишлари муқаррар.

Ишонаманки, ҳалқаро тажрибада ўзини оқлаган мана шундай тизим-тартибга биз ҳам босқичма-босқич етиб борамиз, албатта.

Бугун Тошкент вилояти Кенгашига сайланган депутатлар ишга киришар экан, мана шу фикрларнинг мағзига етиб, ўз масъулиятларини чуқур англаб олиб, фаолиятларини бошлашлари керак.

Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларга танқидий кўз ташлаб, аввалимбор, йўл қўйилган камчиликлар, католарни баҳолаб, ундан кейин янги йил режаларини кўриш лозим.

Тошкент вилояти — катта салоҳиятга эга бўлган, меҳнаткаш, билимдон, ишнинг кўзини биладиган, омилкор аҳолисининг маҳорати билан донг қозонган, доимо бошқаларга намуна бўлиб келган вилоятdir.

Буни ҳеч ким ҳеч қачон инкор қилолмайди. Саноат, қурилиш, деҳқончилик, хизмат тармоқлари — қандай соҳани олсангиз ҳам, буларнинг барчасида республиканинг, узоқ-яқин жойларида маълум ва машҳур бўлган Тошкент вилоятининг меҳнат жамоаларини кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимиздаги энг улкан, катта имкониятларга эга бўлган корхоналар ҳам Тошкент вилоятида. Кадрлар

ҳақида гапирадиган бўлсак, зиёлилар ҳақида гапирадиган бўлсак — ҳар доим Тошкент вилоятини фаҳр билан тилга оламиз.

Республика миқёсида ҳавас қиласидиган одамлар, Ўзбекистоннинг шуҳратини оламга таратаётган инсонлар ҳам шу вилоятдан чиққан. Буларнинг ҳаммасини инобатга олсак, Тошкент вилоятидан кўп нарсаларни кутиш лозим бўлади. Авваламбор, бугун юртимизда бўлаётган янгилашиш, ислоҳотларда бу вилоятнинг пешқадамлар сафида бўлишини кутишга ҳақлимиз.

Яна бир бор таъкидламоқчиман: Тошкент вилоятини республика илғорлари қаторида кўриш ҳаммамиз учун табиий ҳолдир.

Лекин, минг афсуски, вилоятда олиб борилаётган ишлар билан танишганда, ҳавас қилгувлик жиҳатлар йўқлигини кўриб ҳам ачинасиз, ҳам таажжубга тушасиз. Нима бўлди-ю, кейинги йилларда вилоятда иш юришмай қолди. Халқ хўжалиги соҳаларидағи кўрсаткичлар йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Бундай ҳолни тушуниш жуда қийин. Чунки бундан бир йил аввал — 1993 йил декабрь ойида Тошкент вилояти фаоллари билан учрашувда айни шу мазмундаги гаплар айтилган, бугун шу йигинда ўтирган кўпгина туман, вилоят раҳбарлари иштирокида аҳвол ба-тафсил таҳлил қилиниб, очиқ-оидин баҳо берилган эди.

Бугунги мажлисда ўтган давр мобайнида вилоятда қилган ишларимизга якун ясасак, мақтаниш у ёқда турсин, кўп соҳалардаги вазиятни түшуниш қийин. Хўш, 1994 йилда 1993 йилга нисбатан қандай ўзгаришлар юз берди?

Саноат соҳасини қараб чиқайлик.

Вилоятдаги қайси йирик корхонани олсангиз ҳам аҳвол тоят ташвишланарли эканини кўрасиз. Айниқса, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида, Ўзбекистон металлургия заводи, Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, "Электрохимпром", Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида (бу рўйхатни давом эттириш мумкин), аҳвол ниҳоятда ачинарлидир.

Вилоятда тахминан 2500 та кичик ва хусусий корхона тузилганига қарамасдан, улардан биронтаси ҳам рақобатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир эмас.

Ташкил қилинган 66 қўшма корхоналардан 50 фойзи фаолият кўрсатмоқда, холос. Кўпчилик раҳбарлар бугунги вазиятни собиқ Иттифоқ пароканда бўлгандан кейин

алоқалар узилишига боғлаб ўтирибдилар, шу сабабларни рўкач қилмоқдалар.

Албатта, ҳаммамиз тушунамиз, букинг таъсири катта. Лекин ундан бўён орадан уч йил ўтиб кетди. Хўш, токайгача яна эски замонни қўмсаб ўтирамиз? Ишлашни истаган, изланувчан раҳбар ва жамоалар ўз ишини бошқатдан ташкил қилиб, ўзини анча тутиб олди.

Иккинчидан, агар Россия билан алоқалар узилгани сабаб бўлса, у ҳолда нима учун Россиянинг ўзидағи корхоналар тўхтаб қолган? Бунга сабаб нима? Уларга ким халақит беряпти? Уларнинг ўзаро алоқаларини ким бузяпти? Асосий масала — алоқалар узилишида эмас, балки ишни янгича ташкил қилолмасликдадир, бозор иқтисоди қонунларининг бугунги қайфиятларга тўғри келмаслигидадир.

Асосий сабаб шундаки, баъзи катта корхоналарнинг раҳбарлари, шояд бирон-бир шаклда, айтайлик, Евроосиё ниқобида яна СССР қайта тикланармикан, деган умидда хомхаёл қилиб юришибди. Бундай қайфиятлар ҳам борлигини очиқ айтишимиз керак.

Ҳаммамиз яхши англаб олишимиз керакки, гап СССРнинг емирилганида эмас, балки илгари бошқача иқтисодий тизим шароитида ишлаган ва яшаган бўлсан, эндиликда бутунлай янги иқтисодий тузумга ўтаётгандигимиздадир.

Муайян кучлар Ўзбекистон халқ ҳўжалигининг стратегик тармоқлари — олтин, металлургия, рангли металл ишлаб чиқариш соҳаларини барбод қилишга интилмоқдалар. Ва шу тариқа бизнинг бўйнимизга яна бўйинтуруқ илиб марказга тобе қилишга уринмоқдалар. Биз буларнинг барчасига ҳушёр кўз билан баҳо бермогимиз даркор.

Биз дунё бозоридан хом ашё билан эмас, аксинча, сифатли, рақобатга бардош бера оладиган тайёр маҳсулот билан ўз муносиб ўрнимизни эгаллашимиз лозим. Муаммоларни, олдимизда турган тўсиқларни бартараф қилишнинг асосий йўли шу.

Шундай кунлар келади, келмоқда ҳам. Ўзбекистон тобора жаҳон бозорига чиқиб бормоқда.

Аммо бу улуғ мақсадларга етиш учун, фарзандларимизга озод, эркин, фаровон ҳаёт яратиб бериш учун қийинчиликларга мардана бардош бериб, сидқидилдан меҳнат қилишимиз керак.

Афсуски, шу нүқтаи назардан вилоятдаги бошқа соҳалар ишига назар ташласангиз, қурилиш, хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳам кўпиди деярли ўзгаришлар йўқлигини кўрасиз... Эски ҳаммом, эски тос. Кўпгина ҳолатларни таҳлил қилганда авваламбор боқимандалик кайфияти ҳамон ҳукм суроётганини сезиш мумкин. Аввало раҳбарлар ўзини мустақил ва мустаҳкам сезмасдан, ниманидир пойлаб ўтирганини кўриш мумкин.

Яна бир бор аниқ ва қатъий айтмоқчиман: эски замон энди ҳеч қачон қайтмайди! Бекорга пойлаб-қўмсаб ўтирибсизлар. Вақти-соати келди энди жавоб беришга. Ёки бугунги замон талаби билан ишлайсизлар ёки овора бўлмасдан, бизларни ҳам овора қилмасдан, йўлни тўсмасдан, жойингизни бўшатиб берасизлар!

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги аҳвол саноатдагидан ҳам ночор. Айтинглар, бу ҳолга ким жавобгар? Ким четдан туриб вилоятга халақит бермоқда, ишингизга ғов бўлмоқда? Балки шу залда ўтирган туман ҳокимлари ва хўжалик раҳбарлари ўтган йил мавсуми натижаларини, якунларини изоҳлаб, тушунтириб беришар?

Шуниси ачинарлики, вилоятда пахтачилик бўйича йиллик режани уddyalай олмаган туманлар ва хўжаликларининг дехқонлари 33 фоизлик имкониятдан, янги қўшимча катта даромадлардан маҳрум бўлдилар. Мен буларнинг ҳаммаси раҳбарлик ва бошқарувнинг нотўғри ташкил этилганлиги оқибати, деб биламан. 1994 йил мавсумида бошқа сабабларни рўкач қилишга ва ўзини оқлашга ўрин йўқ, деб ўйлайман.

Галлачиликда ҳам ўтган мавсумда ҳосилдорликнинг яна пасайиб, маҳсулот умумий ҳажмининг янада қониқарсиз даражага тушиб қолганлиги эътиборни жалб қиласди.

1994 йили вилоятда дон ҳосилдорлигининг 3-4 центнерга камайиб кетганилигини ҳеч қандай сабаб билан оқлаш мумкин эмас. Бундай аҳволда Ўзбекистоннинг галла мустақиллигига эришиш масаласини ҳал этишда пойтахт дехқонларининг ҳиссаси қандай бўлади, буни бир чуқурроқ ўйлаб кўрайлик!

Сабзавотчилик соҳасини олиб кўрадиган бўлсак, яна нохуш манзарага дуч келамиз. Тошкент вилоятининг кўп туман ва хўжаликларининг сабзавотчиликка ихтисослаштирилгани маълум. Хўш, шундай экан, ўтган даврда бу соҳада қандай ютуқларга эришдик? 1994 йили 1993 йилга

нисбатан вилоятда 22,5 минг тонна сабзавот, 16 минг тонна картошка, минг тонна узум кам етиштирилди. Агар Тошкент вилоятида сабзавотчилик шу суръатлар билан ривож топадиган бўлса, Тошкент шаҳрининг 2 млн. 300 минг кишилик аҳолисини таъминоти у ёқда турсин, вилоят аҳолисини боқиши ҳам амримаҳоддир.

Энг оғир аҳвол чорвачилик тармоғида мавжуд. Биргина 1994 йилнинг ўзида хўжаликлар ҳисобида қорамолларнинг сони 14 мингтага, қўй-эчклилар 52 мингтага, паррандалар сони 500 мингтага камайиб кетганини қандай изоҳлаш керак?

Бундай ачинарли, ноchor аҳволнинг сабабларини кўп нарсаларда кўриш мумкин. Лекин бу иллатнинг асосий сабаб ва илдизларини ишни эскича ташкил қилиш, бепарвонлик, лоқайдлик, раҳбарлар ва мутасадди мутахассисларнинг сяги эски тизим қоидаларида қотиб қолганлигига кўриш мумкин.

Ислоҳотларни ўтакетган расмиятчилик, хўжакўрсинлик усулида ўтказиш, ҳар қандай янгиликка қарши туриш, бугунги замон талабларини мутлақо тушунмаслик ва уларга қаршилик кўрсатиш ҳам бу ҳолатнинг сабабларидир. Мулк шаклини ўзгартириш бўйича эълон қилинган фармон ва қарорларни бажариш ўрнига ҳар қадамда уларга тўсқинлик қилаётган бюрократик тартиблар ҳам бунинг яна бир сабабидир.

Заҳматкаш, оддий деҳқонни ҳурмат қилмаслик, унда мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялаш у ёқда турсин, янги пайдо бўлаётган фермерларга, мулк эгаларига тўсқинлик қилиш — ўтказилаётган ислоҳотларнинг самарасини йўқча чиқаради.

Яна бир бор айтаман: бугунги босқичда кўп нарса ҳокимлар ва хўжалик раҳбарларининг савиясига, инсофига, ишбилармонлиги ва тадбиркорлигига боғлиқ. Ҳамма белгилаган тадбирларимиз, дастурларимизнинг бажарилиши шуларга боғлиқ бўлиб туриди. Бироқ, минг афсуски, эски замон тарбияси билан сяги қотган, ўртача погонада ўтирган кўпчилик раҳбар ва фаолларимиз аксарият ҳолларда бугунги ислоҳотларга ғов бўлиб туриди. Чунки бундай кимсалар аввало янгиликдан қўрқади, масъулиятни ўзига олмайди, эшигимизни қоқиб турган бугунги ҳаёт

талабларини тушунишни хоҳламайди, давлат-жамоа мулкини худди ота-бобосидан қолган меросдай билади.

Бу ҳолатнинг энг ёмон, ҳавфли томони шундаки, буларнинг барчаси давлат номидан гапиради, одамларга ўзини давлат вакиллари деб кўрсатади, ислоҳотларнинг обрўйини тўқади. Оддий фуқаролар, деҳқонларимиз эртага ҳам шу ҳолат давом этса, ислоҳотларга ишончини йўқотиши мумкин. У ҳолда уларнинг ишдан қўли совиб, ҳафсаласи пир бўлиб қолиши табиий ҳолдир.

Демак, йўлимидаға бўлиб турган мана шундай ўтакетган бюрократларни, бугунги сиёсатни англамасдан, ўз шахсий манфаати билангира юрган раҳбарларни уйғотмасак, онгини, тушунчаси ва дунёқарашини ўзгартирмасак, лозим бўлса, алмаштирмасак, биз ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришолмаймиз. Бу — аниқ гап, буни ошкора айтишимиз ва бу йўлда азму шижсат билан аниқ фаолият олиб боришимиш шарт.

Шундан келиб чиқиб, Тошкент вилояти аҳолисини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи халқимизнинг ижтимоий аҳволини, уларнинг ичимлик суви ва газ билан таъминотини баҳоласак, жуда ачинарли хуносаларга дуч келиш мумкин.

Бўка, Пискент, Оққўргон туманларида газлаштириш бор-йўги 20-25 фоизни ташкил қиласди. Ангрен шаҳри эса табиий газ билан яхши таъминланмаганилиги, Бўстонлиқ, Қуйи Чирчиқ, Оққўргон ва Зангиота туманларида тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари қониқарсиз аҳволда эканлиги, наҳотки, бу жойларда йўлбошчи бўлиб юрган раҳбарларни ташвишга солмаса?!

Билмадим, бугун шу залда ўтирган ҳокимлар қишлоқларда ящаётган одамларнинг аҳволини шу нуқтаи назардан баҳолайдими-йўқми? Вазиятнинг масъулиятини, унинг оқибатларини англайдими? Англайдиган бўлса, ўз сайловчиларининг юзига қандай қарайди? Берган ваъдаларининг устидан чиқолмайдиган депутатлар, авваламбор, ҳокимлар эртага қай аҳволда қолишлирини сезадими-йўқми?

Куни кеча бўлиб ўтган сайловларда айрим туманларнинг ҳокимлари ҳатто туман қенгаши депутатлигига ҳам сайланга олмай қолганиликлари барча каттаю кичик раҳбарларимизнинг кўзини очиши, уларни ҳушёрликка

даъват этиши лозим. Энди ёлғон-яшиқ ваъдалар билан одамларни алдаб бўлмайди. Ким бўлишимиздан, қандай юксак лавозимни эгаллаганлигимиздан қатъи назар, эртага кўпчилик олдида, халқ олдида жавоб беришимиз, ҳисоб беришимиз муқаррар эканлигини унтишга асло ҳаққимиз йўқ.

Раҳбар шахс учун эса эл-юрт назаридан қолиш, жамоатчилик ишончидан маҳрум бўлишдан кўра оғирроқ жазо йўқ.

Тошкент вилоятида соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасаларининг моддий-техника аҳволини мустаҳкамлаш бўйича ишлар етарли даражада олиб борилмаётганлигини афсус билан қайд этиш зарур. Бир қанча хўжаликларнинг молиявий шароити оғир ҳолатда экани айниқса ачинарлидир.

Банкларнинг фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим. Илгарилари савдо-таъминот соҳасида ишлайлётганлар орасида нопок кимсалар бор, деган фикр мавжуд бўлса, бугун ўз хизмат вазифасини сунистеймол қиладиганлар асосан банк муассасаларида жойлашган, десак, хато бўлмайди. Бу соҳани тез кунларда тозалаш, мустаҳкам тартиб ўрнатиш, ишни янги услубда ташкил қилишга ўтиш бизнинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифамиздир.

Вилоятда вазиятни барқарорлаштириш, тинчлик ва осойишталикни, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда ҳам қатор камчиликлар мавжуд. Жиноятчиликнинг слдини олиш, унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш бўйича жиддий ишлар олиб борилмаганилиги туфайли 1994 йилнинг ўн бир ойлик маълумотларига қараганда қасдан одам ўлдириш, порахўрлик ва тамоғирлик каби жиноят турлари кўнаймоқда. Аҳвол шу даражага етиб борганки, ҳатто ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари орасида жиноятга қўйл урганлари ҳам йўқ эмас. Ахир қонун ҳимоячиларининг ўзлари қонунбузарлик билан шугулланса, оддий фуқаролардан нимани талаб қилишимиз мумкин?

Ислоҳотларнинг тақдири, уларнинг самараси, ҳаётимизга таъсири авваламбор кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишини қай даражада ўзлаштириб олганлигига,

юртпарварлығи ва фидойилигига боғлиқдир. Бугунги ўтиш даврида бу муаммо әнг мураккаб, әнг оғир масалага айланыб қолиши күпчиликка маълум. Бу муаммони түғри ечишга эриша олсак, халқ ғамини, ташвишини ўз дардидай ҳис қиласидан, ишбилармон, тадбиркор, билимдон, инсофли, диёнатли, элим деб, юртим деб ёниб турган одамларни жой-жойига қўйиш масаласини ҳал эта олсак, аминманки, ишларимиз доимо бароридан келади, зафар ва омадлар ёр бўлади.

Бугунги кунда эски тизим янги, эркин тизимга ўз жойини бўшатиб бераётган бир пайтда — бу масала әнг муҳим, ҳал қилувчи вазифага айланмоқда.

Бугун муҳокама этаётган масалаларимизнинг негизида кадрларни тўғри танлаш, масъулиятли лавозимга муносиб раҳбарларни тайинлаш масаласи бор. Нега деганда ҳисобот даврида йўл қўйилган кўпгина хато ва камчиликлар замира танланган раҳбарларнинг ҳақиқий раҳбарлик қобилиятига эга бўлмаганилиги, бугунги замон талабларига жавоб беролмаганилиги ётибди. Шу маънода Тошкент вилоятининг ҳокимини тайинлаётганида католикка йўл қўйилгани бугун аниқ. Буни очиқ тан олишимиз лозим. Мирзамурод Икромов тайинланаётган, сайланаётган пайтда биз холис ният, катта умид билан, уни ёш мутахассис раҳбар сифатида, Ўрта Чирчиқ туманидаги меҳнат фаолиятида ҳам ўзини иши билан кўрсатганини инобатга олган эдик. Кўпгина номзодлар орасидан у кишини ажратиб олган эдик. Лекин, минг афсуски, Мирзамурод Икромов билдирилган ишончини ўз фаолияти билан оқлай олмади.

Яхши биласизлар, юртимиздаги ҳар бир шаҳар, қишлоқ, туман, вилоят дейсизми, ўзига хос бир файзи бор. Оллоҳ таолонинг шу юртга ато этган марҳаматлари, берган неъматларини ҳам мана шу файз-бараканинг ифодаси деб биламан. Ўзини етакчи деган ҳар қайси раҳбар мана шу файз-бараканинг маъносини, мазмун-моҳиятини чуқур англаши, кўз қорачиғидай асрраб-авайлаши лозим. Ўзининг пок орзу-ниятлари билан, соғ ва холисона ҳаракатлари билан эл-юртнинг ишончини қозониши ва мустаҳкамлаши даркор.

Афсуски, шундай вазият Мирзамурод Икромов раҳбарликка келиши билан Тошкент вилоятида мавжуд бўлмади.

Ҳар қайси раҳбар ўз фаолиятини авваламбор одамларнинг бошини қовуштириш, бирлаштиришдан, аҳиллик ва тотувликни қарор төлтиришдан бошлаши керак. Атрофида ишлаётгани фаолларга иши билан ибрат бўлиб, уларни изидан эргаштира олиши зарур. Икромовнинг раҳбарлик фаолияти кадрларни бошқаришдан эмас, уларга қарши курашдан бошланди. У ишни кўпчиликни ўзига қарама-қарши қўйиб, муҳитни бузишдан бошлади. Албатта, ишда талабчанлик, қаттиққўллик керак. Қаттиққўлликни ҳам одамлар тўғри тушувади, агар қаттиққўллик адолатга, одамларни ҳурмат қилишга асосланган бўлса, ҳар қандай инсон ҳам буни тан олади.

Ҳар қайси раҳбар — авваламбор инсон. Инсоннинг ўзи га хос камчиликлари бўлиши табиий. Лекин манманлик, бошқаларни менсимаслик, ўзини катта тутиш, гердайиш, ўзбошимчалик энг хунук, ҳеч кимга ёқмайдиган хусусиятлардандир. Афсуски, Икромов бундай хусусиятлардан катта лавозим эгаси бўлганида ҳам қутула олмади.

Албатта, ҳеч ким осмондан тайёр раҳбар бўлиб тушмайди. Инсон фақатгина олижаноб фазилатларга эга бўлиб туғилмайди. Агарки, одамзод ўрганмоқчи бўлса, кундалик ҳаёт ўзининг сабоқлари, аччиқ тажрибалари билан уни кўп нарсага ўргатиши мумкин. Йил давомида Икромов кўп марта огоҳлантирилди, лекин бундан хулоса чиқармади.

Ориялти, мард одам бундай пайтда албатта тегишли хулоса, сабоқ чиқаради, ишини, фаолиятини ўзгартиришга ҳаракат қиласи. Мана шундай аччиқ ҳақиқатни инобатга олган ҳолда, Икромовнинг ўзи вазиятни англаб, вилоят ҳокимлиги лавозимидан озод қилишни сўраб ариза берди. Ўйлайманки, Икромовнинг аризасини қондириш керак.

Ҳурматли дўстлар!

Сўзимнинг охирида эътиборингизни буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ушбу ҳикматларига қаратишни истар эдим. У киши "салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилиш лозим" деб айтган эканлар:

- кенгаш
- маслаҳату машварат
- қатъний қарор
- тадбиркорлик, ҳущёrlик ва эҳтиёткорлик.

Бу тўрт омил, яъни — кенгаш, маслаҳату машварат, қатъият ва тадбиркорлик кейинчалик оқибатда надомат

БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН

Чекишдан сақлайди ва пушаймон бўлишнинг олдини олади, деб уқтиради соҳибқирон бобомиз.

Истар эдимки, Тошкент вилоятининг бугунги сайланадиган янги ҳокими, шу залда ўтирган барча катта-кичик раҳбарлар шу доно ўгитларга оғишмай амал қилсак, уларни ўз фаолиятимизнинг асосий дастуриламали деб билсак, фарзандларимиз камолини ўйлаб, уларга улуғ ва озод Ватанини мерос қилиб қолдириш орзуси билан яшаб-меҳнат қилсак, иншооллоҳ, Тангри ҳам, буюк аждодларимизнинг руҳлари ҳам бизни ҳамиша қўллаб-қувватлайди, эзгу мақсадларимизга етказади.

*Халқ депутатлари
Тошкент вилояти Кенсаши
сессиясида сўзланган нутқ,
1995 йил 10 январь*

ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

Жаноб Раис!

Хонимлар ва жаноблар!

Давосдаги Жаҳон Иқтисодий Кенгашида Ўзбекистон вакилларининг иштирок этиши яхши анъанага айланиб қолди.

Бу ердаги фикр алмашувлар амалга оширилаётган ислоҳотларга диққат билан ва танқидий баҳо бериш, зарур хуносалар чиқариш, бундан буён ташланадиган қадамларни ўлчаб олиш имконини беради.

Ўзбекистон мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини, ҳалқимизнинг руҳиятини ҳисобга олган ҳолда ўзининг тараққиёт йўлини танлаб олгани маълум. Мустақилликка эришганимиздан бери ўтган уч йилдан ошиқроқ вақт танлаб олган йўлимининг тўғрилигини исботлаб турибди.

Ўзбекистон бугунги кунда ўз салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда бозор муносабатларига изчилилк билан, турли ларзаларсиз ўтишдек бош масалани ҳал қилмоқда.

Бу вазифа хорижий шериклар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик қилинганидагина амалга оширилиши шубҳасиз, албатта.

Мамлакатимизнинг бой табиий ресурслари, унинг жуғрофий ўрни, мўътадил иқлими Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимига қўшилиши учун барча шарт-шароитни яратади. Аслини олганда, Ўзбекистон Гарбни Шарқ билан, Шимолни Жануб билан боғлайдиган кўприкдир.

Алоқаларимизнинг кенг кўламлиги ҳам ана шундан. Бу кўлам деярли барча қитъаларни қамраб олади.

Муболагасиз айтиш мумкинки, ўтган 1994 йил биз учун муҳим бурилиш йили бўлди. Бозор инфраструктураси барпо этилди, ишбилармонлар синфини шакллантириш жараёни тезлашди. Деярли барча бюрократик устқурмалар ту-

гатилди. Биз миллий валютамиз — СҮМни муюмалага киритдик.

Қатъий бюджет ва пул сиёсати юритилиши сўмнинг барқарорлашувига, давлат бюджетида камомаднинг озайишига, пул қадрсизланиши жараёнларининг сустлашувига кўмаклашди. Биз ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда аҳоли даромаднинг кескин камайиб кетишига йўл қўймасликка муваффақ бўлдик.

Маълумки, жаҳондаги бирон-бир давлат хорижий сармояларни жалб қилмасдан туриб тараққиётга ҳамда иқтисодиёт ривожига эришолган эмас.

Шунинг учун ҳам бу иш бизнинг иқтисодий сиёсатимиз устувор йўналишларидан бирига айланган. Биз бу сиёсатни қўйидаги тамойиллар асосига қўрмоқдамиз:

— ташки иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш;

— Республика иқтисодиётига капитал маблағларни жалб этишини таъминловчи ҳуқуқий асос, ижтимоий-иктисодий ва бошқа шарт-шароитларни шакллантириш;

— Жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган технологияларни етказиб берувчи ҳамда халқ ҳўжалигининг замонавий тузилмаларини барпо этишга кўмаклашувчи хорижий сармоядорларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини мунтазам равишда юритиш;

— маблағларни рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш билан боғлиқ энг муҳим устувор йўналишларга сарфлаш.

Биздаги мавжуд қонунчилик хорижий сармоядорларга бир қатор кафолат ва имтиёзлар берилишини таъминлайди.

Турли хавф-хатардан кафолатлаш мақсадида Ўзбекистонда "Ўзбекинвест" миллий сугурта компанияси барпо этилган. Асосий капитали 100 миллион АҚШ долларидан иборат "Ўзбекинвест Интернейшнл" халқаро компанияси таъсис этилган.

Биз жаҳондаги 20 мамлакат билан сармояларни рафбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича битим тузиб қўйдик. Хорижий сармоядорларга уларнинг қонуний фаолият натижасида қўлга киритган фойда ва бошқа маблағларини хорижга ўтказиш кафолати; даромадни республика ҳудудида бемалол яна сармояга қўйиш ёки мулк эгасининг ихтиёрига қараб ундан бошқа тарзда фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Шуни алоқида таъкидлаш лозимки, хорижий сармоялардан фойдаланаётган корхоналар даромадининг ишлабчиқариш ва технологик янгилашии кенгайтиришга сарфланадиган қисми солиқдан озод қилинади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қонуни кеинчалик қабул қилинган қонунчиллик сармоя шарт-шароитларига салбий таъсир кўрсатадиган тақдирда ҳам, хорижий сармоядорлар иш бошлаган пайтда амалда бўлган қонунчиллик уларга нисбатан 10 йил давомида амал қилишини белгилаб қўйган.

Шунингдек, ижозат бериладиган товарлар рўйхатининг қисқартирилгани ҳам муҳим ҳол ҳисобланади. 1993 йилда бундай товарлар миқдори 74 тани ташкил этган бўлса, бу йил 11 тагина товарга ижозат олиш лозим, холос. Биз бундан буён бу рўйхатни янада қисқартириш ниятидамиз.

1995 йил ёзига қадар республикага олиб келинаётган товарлардан бож тўлови олиш бекор қилинган.

Мамлакатимиз хорижий кредитларни тўлаш бўйича қарздор бўлиб қолаётгани йўқ. Биз зиммамизга олган мажбуриятларни қатъий равишда бажаряпмиз.

Хорижий, жисмоний ва ҳукуқий шахсларга давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнига кириш учун бемалол йўл очиб қўйилган. Кўчмас мулки сотиш, хусусийлаштирилган корхоналарнинг акцияларини сотиб олиш ҳам шунга киради. Ўларга туаржой, савдо обьектлари ва хизмат соҳаси корхоналарини хусусийлаштириш пайтида туаржой ва хўжалик бинолари қурилаётган ерларни хусусий мулк қилиб сотиб олиш ҳукуқи берилган.

Кўриб турибсизки, биз барча шарт-шароитни муҳайё қилиб қўйғанмиз. Энди буёғи сиз бизнесменларга боғлиқ. Бир нечта рақам келтиришга ижозат беринглар! Ўзбекистонда ҳозирнинг ўзида иқтисодиётнинг турли соҳаларида 1300 қўшма корхона ишлаб турибди, хорижий компания ва фирмаларнинг 170 дан ортиқ, йирик хорижий банкларнинг 5 та ваколатхонаси рўйхатдан ўтган.

Умумий қиймати 3 миллиард АҚШ доллари миқдоридан ошиқ бўлган 20 йирик лойиҳани амалга ошириш бошлаб юборилган. Кон қазиши саноати, туризм, енгил сансат соҳалари бўйича яхши-яхши лойиҳалар ҳам ўз навбатини кутиб турибди.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Яширмайман! Ўзбекистон иқтисодиётини қайта тиклаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хорижий сармояга муҳтож. Бизга инфраструктурани, шу жумладан ижтимоий соҳани ҳам, қишлоқ хўжалигини ҳам ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулот миқдорини ошириш учун техник ва молиявий кўмак зарур.

Хуллас, биз бир дақиқалик муваффақиятга интилаётганимиз йўқ, аксинча узоқ муддатли самара берадиган лойиҳаларни афзал қўрамиз.

Бундай лойиҳалар тижорат жозибаси билан йирик сармоядорларни ўзига жалб этишига ишончим комил.

Тенг ва ўзаро ҳамкорлик учун Ўзбекистоннинг эшиклари очиқ ҳамда биз келажакка — XXI асрга ишонч билан қараймиз.

*Давос шаҳрида
ишибилармоналар доиралари
вакиллари билан учрашууда
сўзлансан нутқ,
1995 йил январь*

САВДО ЎЙИДАН ИПАК ЙЎЛИНИ ТИКЛАШ САРИ

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало сизларга ёш давлатимиз учун шонли воқеа бўлган хорижда дастлабки Ўзбекистон иқтисодиёт уйини очиш маросимида иштирок этажтанингиз учун миннатдорлик билдиришга руҳсат этгайсиз.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг атиги уч йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. У дадил оёққа турмоқда, бошқа мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли сиёсий ва иқтисодий муносабатлар ўринатмоқда, жаҳон бозорига чиқмоқда.

Шу қисқа давр ичида эски иқтисодий тизимни тутатиш учун, эркин бозор тамойиллари асосида миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш учун кўп иш қила олдик.

Миллий валютани мустаҳкамлаш ҳамда уни эркин алмаштиришга тайёрлаш юзасидан жадал иш олиб борилмоқда.

Саноат ишлаб чиқаришини ўстиришда биз яхши суръатга эришдик. Пулнинг қадрсизланиши даражасини анча камайтиришга муваффақ бўлдик.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида, майдага корхоналарни хусусийлаштириш жараёни ниҳоясига етди. Ўртача ва катта корхоналарни хусусийлаштириш бошланди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон жаҳондаги 75 давлат билан савдо-сотиқ қилмоқда. Мамлакатимиз четга пахта сотишида иккинчи ўринни, пахта етиштиришда тўртинчи ўринни, олтин қазиб чиқаришда еттинчи ўринни эгаллаб турибди.

Халқимиз тарихи ва маданияти қадимийдир. Бизнини мамлакатимиз орқали, унинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Фарғона каби гўзал шаҳарлари орқали Буюк Ипак йўли ўтган. Бу йўл Осиё билан Европа ўртасида ишончли маданий ва савдо кўприги бўлиб хизмат қилган. Ҳозир биз шу қадимий Ипак йўлинни тиклаш ва уни замонавий мазмун билан тўлдириш учун бутун кучгайратимизни сарфляяпмиз.

БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН

Европанинг марказида, Альтендорф шаҳрида очилган Савдо уйимиз қайтадан тикланаётган қадимий Ипак йўлининг муҳим бўғини бўлиб қолишига ишонаман. Бу ерда одамлар дам олибгина қолмай, шу билан бирга мамлакатимиз тўғрисида, ўзларининг бўлажак ўзбек ҳамкорлари ҳақида, бизнинг бозорда қандай қилиб муваффақиятли ишлаш тўғрисида тўла маълумот олишлари мумкин.

Бу ерда Савдо уйимиз очилгач, биз Европадаги ҳамкорларимиз билан тез-тез ва яхшироқ мулоқот қила оламиз. Бу уйнинг фаолияти Ўзбекистон бизнеси оперативлиги ва очиқлигини кучайтиради.

Фурсатдан фойдаланиб, Альтендорфда Ўзбекистон иқтисодиёт уйини барпо этишдаги ёрдами ва кўмаги учун Швейцария федерал ҳокимиятига ва Швиц Кантони ҳокимиятига миннатдорлик билдираман.

Савдо уйининг очилиши Европа иқтисодиётидаги вакиллик ишида дастлабки қадам, холос. Шу қадам қутлуг ва баракали бўлсин.

Хонимлар ва жаноблар, Савдо уйининг обод ва баравж бўлиши сизларга, дўстларимиз ва мижозларимизга ҳам боғлиқ. Умид қиласизки, ёрдамларингизни аямайсизлар.

Бу уй сизнинг ҳам уйингиз бўлсин. Сиз бу ерда ҳамиша дўстларингиз ардоғида бўлишингизга, қалбимиз ҳароратини сезиб туришингизга ишонаман.

Хуш келибсиз!

*Швейцариянинг
Альтендорф шаҳрида
Ўзбекистон Савдо уйини
очиш чоригида сўзланган нутқ,
1995 йил январь*

ИСЛОҲОТ ЙӮЛИДА ЯНАДА ҚАТЪИЯТЛИ БӮЛАЙЛИК

1995 йил 18 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда айрим вазирликлар раҳбарлари иштирокида мажлис бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловдан кейин вилоят, туман ва шаҳарларда ўтказилган биринчи ташкилий сессияларнинг якунлари, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида амалта оширилаётган ишлар, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Республика Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга бўлган сайловнинг Ўзбекистон ҳаётидаги ўрни, одамлар онгига таъсири катта аҳамиятга эгадир, деди Президент Ислом Каримов. Зоро, у демократик руҳда, муқобиллик асосида ўтгани билан халқаро миқёсда ҳам юртимиз обрўсига обрў қўшди. Сизларни ана шундай кескин курашда халқ ишончига сазовор бўлганингиз — депутат этиб сайланганингиз билан табриклайман. Қолаверса, Маҳаллий кенгашларнинг биринчи ташкилий сессияларида ҳам мана шу ерда ўтирган ҳокимларга юксак ишонч билдирилди, модомики ҳокимлар — Президентнинг жойлардаги вакили экан, мен буни ўзимга билдирилган ишонч каби қабул қиласман. Аввал айтганимдек, мамлакатда амалта оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотнинг биринчи босқичи якунланди. Биз бу даврда,

аввало, давлат бошқарув тизимини шакллантириб олдик. Маҳаллий кенгашлар, маҳалла оқсоқоллари йигинлари ҳозирги осойишталик ва барқарорликнинг пойдевори бўлиб хизмат қиляпти, десак хато бўлмайди. Мустаҳкам бошқарув тизими қабул қилингач фармоқ ва қарорларнинг юқоридан қуийи погонагача етиб боришини таъмин этмоқда. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бошқача айтганда, бошқарув тизими мустаҳкам бўлсагина иш юришади.

Ўтказилган сайловнинг энг катта сиёсий аҳамияти — ана шу тизимни шакллантириб олганимиздир. Энди асосий иш шу тизимни жонлантириш, улуғвор вазифаларни бажара оладиган ҳолга келтиришдан иборат.

Бу туман ва шаҳар кенгашларини қандай одамлар бошқаришига ҳам боғлиқ. Биз бугун шу масалани пухта ўйлаб ҳал қилишимиз лозим. Чунки ҳамма иш — ислоҳотнинг амалга оширилиши ҳам, аҳолининг таъминоти ҳам, ободонлаштириш ҳам кўп жиҳатдан ҳокимларнинг даражасига, қатъиятига боғлиқдир.

Конституцияга биноан вилоят ҳокимларини Президент тавсия этади. Мен кимни шу масъулиятли лавозимга лойиқ топган бўлсан — унга ишонч билдирганимдир. Бошқача айтганда, мен уларнинг кафолатини зиммамга оламан. Вилоят ҳокимлари эса туман ва шаҳар ҳокимлигига муносаб номзодларни тобиб, тақдим этишлари ҳамда уларнига фаолияти учун жавоб беришлари шарт. Бундай лавозимларга масъулиятсиз, қатъиятсиз, йўлдан тоядиган, халқ ҳақига хиёнат қиласидиган одамлар тасдиқланиб қолмаслиги керак.

Илгари юртимиздаги тинчлик, осойишталик — энг катта бойлигимиздир, деган эдим. Яна бир улкан давлатимиз эса мана шу юрт фуқароларининг, халқимизнинг юксак ишончиидир. Ҳаммамизга ана шу ишончни оқлаш насиб этсин. Халқни меҳр-оқибатли қилиш, бир мақсад йўлида бирлаштириш борасида чеккан заҳматларимиз, қийинчиликларимиз, билингки, ҳеч қачон зое кетмайди. Одамлар ҳамма нарсани, кимнинг қандайлигини доим кўриб, билиб туради.

Сайловда учта сиёсий-ижтимоий куч — Халқ демократик партияси, маҳаллий ҳокимлик вакиллари ҳамда "Ватан тараққиёти" партиясидан кўрсатилган номзодлар депутат-

лик мандати учун курашди ва энг муносиблар бу юксак ишончга сазовор бўлди, дея тарьидади Ислом Каримов. Энди ҳар бир депутат уни қайси сиёсий куч тавсия этган бўлса, амалий фаолиятида ана шу партия ёки ҳокимлик органининг дастурига амал қилиши, унинг ғояларини олға сурини даркор. Бундай деяётганимнинг сабаби шуки, баъзи депутатлар бошқа сиёсий куч ҳомийлиги остида мандатга эришиб, энди ўзини Халқ демократик партияси вакили деб эълон қилмоқда. Марказий сайлов комиссияси ҳам бундай ҳолларга бефарқ қарамаслиги керак. Қисқаси, ҳар ким ўзини тавсия этган, сайловда қўллаб-қувватлаган сиёсий куч номидан иш кўрсин.

Шу маънода Олий Мажлисда ҳам, маҳаллий кенгашларда ҳам турли фракциялар, блоклар ташкил топиши мумкин. Зоро, демократик тамойиллар шуни тақозо этади. Бир масала хусусида турли-туман фикрлар, қарашлар бўлиши, уларни таққослаб, ақл тарозисидан ўтказиш орқали бир тўхтамга келиш одатий ҳолга айланмоғи керак. Фақат ҳар кимнинг мана шу ҳаётни ўзгартириш, янада якшилаш борасида ўз ғояси бўлсин. Бошқача айтганда, мақсад бир — унга етишмоқ йўли турлича бўлиши мумкин. Бундан кўз юммаслик керак. Қолаверса, парламент фаолиятида, умуман жамиятда фикр эркинлиги, ғоялар ранг-бараанглиги бўлмаса, айниқса, унга йўл берилмаса, тараққиёт, олға силжиш қийинлашади. Яқин ўтмишнимиз — бунинг яққол далилидир.

Яширишнинг ҳожати йўқ, бизда эскидан қолган бир иллат бор: "Яшасин яқдиллик" деган хитобларга ўрганиб қолганимиз. Гўё бирор сал бошқача фикрласа, ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетадигандай хавотирга тушамиз. Унга душманимиздай қараймиз. Энди у замонлар ўтди. Ҳар қандай фикрни муҳокама қилиб, ҳақиқат баҳсларда туғилади, деган ақидага амал қилиб, энг маъқул, энг тўғри йўлни топиш мумкин. Фақат Конституция доирасида, ортиқча ҳою ҳавасга, шовқин-суронга берилмасдан ҳаракат қилиш керак, холос. Очиқ, демократик давлат барпо этишнинг йўли шу ва биз бу йўлдан қатъият билан бораверамиз. Чунки, барчамизнинг энг эзгу мақсадимиз бир, у ҳам бўлса — ҳуқуқий демократик жамият қурмоқ, эркин иқтисадиёт барпо этмоқ. Авлодларга озод ва обод ватан қолдирмоқдир.

Митингбозлик, бақир-чақирлар авжга чиққан йиллардағи шиорларни эслайлик, Деди Президент. Улар асосан ватан мустақиллиги, тилимизга давлат мақомини бериш, пахта яккаңокимлигини тұгатиши, экологик вазиятни яхшилаш, деңқонларға ер бериш, әркін иқтисодиёт барпо этиш, миллий қадриятларни тиқлашдан иборат әмасмиди? Бугун, айтинглар-чи, ана шу ишлардан қайси бири амалға ошмасдан қолди? Бизге ўзини мухолиф санайдиганлар ҳам ҳақиқатнинг юзига тик қараб, шу саволға жавоб берсін! **Уларның яна нима армоми қолди?**

Ҳаммасига осойишта, тиңч йүл билан, миллатлар орасында нифоқ солмасдан, ҳеч кимни камситмасдан эришса бұлар экан-ку! Агар ўша пайтда қуруқ ваддаларға учиб, йўлимиздан адашиб кетганимизда нима бўларди? Бундай адашишларнинг аянчли оқибатларини ён қўшниларимиз ва бошқа кўплаб собық иттифоқ республикалари мисолида кўриб турибмиз-ку! Хайриятки, халқимиз, унинг онгли қисми тўғри йўлни танлай өлди.

Ҳамма мана шу ҳақиқатни, ҳаёт ўзгариб бораётганини тўғри тушуниб олиши, айниқса раҳбарлар буни чуқур ҳис этиши, дунёқарашини ўзgartириши, фаолиятини бугунги кун мезонларига мослаб ташкил этиши шарт, дея таъкидлади Ислом Каримов. Акс ҳолда, у замон талабларига жавоб берга олмайди, охир-оқибатда аравадан тушиб қолади. Шуни таъкидлаш керакки, баъзи ҳокимларда кадрларга иисбатан талабчанлик етишмаялти, янги кучлардан — билимдон, ўзидан устун ёшлардан чўчиш, уларга йўл очиб бермаслик кайфиятлари бор. Бу бир кун келиб панд бериши мумкин. Қолаверса, айрим жойларда ҳокимлар майда хўжалик ишлари билан ўралашиб қояпти. Оқибатда элъортни ободонлаштириш, аҳоли таъминотини, ҳаёт шароитини яхшилаш борасидаги ишлар кўнгилдагидек амалға оширилмаялти. Ҳолбуки, халқ етакчиси бўлган ҳар бир раҳбарнинг энг муқаддас бурчи — одамларга ғамхўрлик қилиш, уларни бирлаштириш, сиёсатимиз — эзгу мақсадларимиз йўлида жиплаштиришдан иборатдир. Чунки йўл қурилса — ободлик бўлади, газ келса — ҳаёт тарзи ўзгариши, сув — одамларга саломатлик бахш этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги ишлар кўнгил-

дагидек эмас, деди Ислом Каримов. Бунинг сабаби шундаки, кўплаб ҳокимлар боқимандалик кайфиятидан ҳали ҳам халос бўлолгани йўқ. Ҳамма республика ҳукумати таъминлайдиган — марказлашган манбаларга кўз тикиб ўтирибди. Бизнинг бугунги энг катта душманимиз — боқимандалик. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларнинг бир қисмини ўзида етиштиришга, қамини ўз йўли билан четдан олиб келишга етарли ҳаракат йўқ. Биронта вилоятнинг бу борадаги топшириқни бажармагани шундай хulosса чиқаришга мажбур қиласи. Ўзингиз ўйланг, Жиззах вилоятида лалми ерлардан бор-йўғи 7 центнердан ҳосил олинганини, аҳолиси кўп бўлган Фаргона вилоятида — 62 минг гектар ерга дон экилганини қандай баҳолаш мумкин? Қорақалпоғистондаги аҳвол бундан ҳам баттар! Ёки машиқат билан келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларини четга чиқиб кетаётганига чираб бўладими? Қисқаси, ҳар бир вилоят аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқсан. Марказдан қанча маҳсулот олади, ўзи қанчасини топади — буни келишиб олсин. Ҳукумат ўзига тегишли қисмини етказиб беради. Муҳими ҳар бир дўконда бўлиши белгилаб қўйилган ун, ёғ, шакар, чой каби саккиз турдаги маҳсулот доимо турсин. Токи одамлар ишонч билан, хотиржам яшасин.

Лекин бу ўринда ўзингни бил, ўзгани қўй қабилида иш бўлмаслиги керак. Ўзбекистон яхлит мамлакатлигини унутмайлик. Масалан, Ҳоразмда ортиқча гуруч бўлса, Қашқадарёда галла бор. Четга юргургандан кўра, улар ўзаро маҳсулот алмашса, яхши эмасми?

Қишлоқ хўжалигига ислоҳотнинг амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга, деди Президент. Чунки бу ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларига таъсир этади. Қишлоқ хўжалиги ўзгармас экан, ҳаётда ўзгариш бўлмайди. Бунинг учун эса шу соҳада хусусийлаштиришин жой-жойига қўйиш керак. Афсуски, биз бунга ҳали тўла эриша олганимиз йўқ. Негаки, энг катта камчилик — ҳамон расмиятчилик кучли. Давлат, жамоа хўжаликларининг номи, мулк шакли ўзгаргани билан моҳият ўзгармаяпти. Ҳамон ўша раҳбар, қотиб қолган раҳбар бошқарув тизими билан жойида ўтирибди. Энг ёмони — ислоҳот йўлида тўсиқ-ғов бўляпти. Бунга барҳам берилмас экан, токи ҳар бир деҳқон ерга, ишлаб чиқариш воситаларига ўз мулким деб қараб,

шунга яраша муносабатда бўлмас экан, мақсадга эришиш қийин.

Бу борада кескин чоралар кўриш, фермерларни қўллаб-қувватлаш зарур. Завод ва жамоа, деҳқон хўжаликлари иштирокида агрофирмалар тузиш, уларга бир киши эмас, балки ана шу фирма бошқаруви раҳбарлик қилиши керак. Гўшт, мева, узум маҳсулотларини қайта ишлашда ҳам шундай йўл тутиш лозим. Хуллас, ҳокимликлар, олимлар бу борада бир фикрга келиб, ўз тавсияларини беришлари даркор.

Қишлоқ хўжалиигига дахлдор ҳар бир ташкилот — у банкми, техника таъминоти билан шугулланадими — барчasi шу соҳада ҳақиқий ислоҳотни амалга ошириш учун жон куйдирмоғи шарт. Ҳеч ким бу ишдан четда турмаслиги керак.

Мамлакатда ҳисоб-китоб ишлари ҳам пухта бўлмоғи лозим. Чунки хорижий давлатлар ана шу ҳисоб-китобларда қайд этилган кўрсаткичларга қараб бизнинг иқтисодий салоҳиятимизни баҳолайди, муносабатда бўлади. Қолаверса, ўзимиз ҳам шунга қараб муаммоларимизни аниқлаб оламиз.

Бир мисол: биз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайди, деймиз. Собиқ Иттифоқда ҳар бир киши ўртача 68 килограмм гўшт истеъмол қиласди. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 26-28 килограмм эди. Ҳозир 40 килограммдан ортди. Ҳўш, бизда гўшт ишлаб чиқариш камайдими, ортдими?

Биз устувор йўналишлар — ғалла ва нефть мустақиллигига эришишни мақсад қилган эдик.

Худо хоҳласа, қолган соҳаларда ҳам ўзимизни ўзимиз таъминлайдиган даражага етамиз. Чунки иқтисодий мустақилликнинг нечоғли аҳамиятга эга эканини халқимиз теран тушунади.

Бу йил катта синов йили бўлади. Биринчи босқич даврида қилган саъй-ҳаракатларимиз илк натижаларини бера бошлияди. Қолаверса, мақсадимиз аниқ, унга етишиш йўлларини таңлаб олдик, ниятимиз эса холис. Кимнингки нияти пок бўлса, яратган ҳам қўллайди, дейдилар. Зоро, мана шу барчамизга азиз бўлган ватан, заҳматкаш халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилишдан ортиқ савоб йўқдир, деди Ислом Каримов пировардида.

ИСЛОХОТ МЕЗОНИ — ОДАМЛАР ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШДИР

1995 йил 8 февраль куни Тошкентда Президент Ислом Каримов иштирокида республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, концерн ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари тақлиф этилган мазкур мажлисда 1994 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва уларни янада чуқурлаштиришининг асосий йўналишлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Мажлисда республика Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди.

Бугун биз фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, қандай ютуқларга эришдик, қандай камчиликка йўл қўйдик, қандай имкониятлар мавжуд — буларнинг барчасини назардан ўтказиб, ўз ишларимизга өўй-рост, ҳаққоний баҳо бермөгимиз лозим, деди Президент. Айниқса, ислоҳот ҳар биримизнинг зиммамизга нақадар улкан масъулият юклашини, уни охирига етказмасак, ҳалқимиз олдида жавоб беришга тўғри келишини унутмаслигимиз керак.

1994 йил якунлари ҳақида тапирав эканмиз, аввало, шуни айтиш жоизки, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг кескин камайиб кетишига йўл қўйилмади, ҳалқ хўжалигининг устувор йўналишларида эса ўсишга эришилди. Ҳақиқат таққосларда намоён бўлади, дейдилар. Шунуктаи назардан қарасак, 1994 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми бизда 3,5 фоиз камайган бўлса, бу кўрсаткич Россияда 16 фоиз, Қозоғистонда 25,4, Беларусда 20 фоизни ташкил этди. Агар солишириш учун 1991 йилни оладиган

бўлсак, фарқ ундан ҳам катта. Масалан, бизда саноат ишлаб чиқариши 1991 йилга нисбатан атиги 2 фоиз камайган бўлса, Россияда 44 фоиз, Беларусда 32 фоиз, Украинада 38 фоиз, қўшнимиз Қозогистонда эса 48 фоизга етди.

Бундай таққосларни чакана савдо товар обороти, капитал сарфлар ҳажми, аҳолининг пул даромадлари каби бошқа энг муҳим кўрсаткичлар бўйича ҳам келтириш мумкин.

Бу меҳнаткаш халқимиз йил мобайнида фидокорона меҳнат қилганини, иқтисодий тараққиётнинг тӯғри йўлини танлаганимизни кўрсатади. Қолаверса, гап рақам ва кўрсаткичларда ҳам эмас. Балки, ислоҳотнинг одамлар тушунчасига таъсирида, уларнинг ҳаётини, дунёқарашини нечоғли ўзгартираётганидадир. Бошқача айтсак, барча фолиятимиз, ўтказаётган ислоҳотимиз халқимиз ҳаётида ниша ўзгарди, деган асосий мезон билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан қараганда, 1994 йил биз учун кескин бурилиш йили бўлди ва унинг натижалари билан фахрлансан, самарали меҳнат учун халқимиздан миннатдор бўлсак арзиди.

Ўтган йилнинг муҳим воқеаларидан бири — республиканинг ўз миллий валютасига ўтиши бўлди, дея таъкидлайди Ислом Каримов. Бу мустақил ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар йўлини ўтказиш, суверен валюта сиёсати олиб бориш учун янада тўлиқроқ имкон берди. Бу, айниқса, пулнинг қадрсизланишини пасайтиришда намоён бўлди. Бизда шу йил январь ойида эмиссия 1,2 фоизга тушди. Бу катта ютуғимиздир.

Биз хусусийлаштиришни иқтисодий ислоҳотнинг асосий шарти, деб биламиз. Шу маънода давлат мулкими хусусийлаштириш жараёни суръати ошмоқда. Республикада маҳаллий саноат корхоналарини, савдо, умумий овқатланиш ва майший хизмат кўрсатиш обьектларини хусусийлаштириш амалда тугалланди. Ўтган йили республикада 10 мингга яқин обьект мулкчилик шаклинни ўзгартирди. Энди халқ хўжалигининг базавий тармоқларини, оғир саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш бошланмоқда.

Бугунги кунда давлат тасарруфидан чиққан ва хусусийлаштирилган корхоналарда 4 миллиондан ортиқ киши иш-

ламоқда. Яъни, бутун халқ хўжалигида ишлаётгандарнинг ярмиси эркин бозор муҳитида, боқимандалик асоратларидан қутулиб, тирикчилигини ўтказмоқда. Бу ҳам эътиборга молик воқеадир.

Лекин қишлоқда ислоҳот суст кечмоқда. Бизнинг қишлоқ аҳлидан қарзимиз кўп. Биз уларнинг газини, сувини, йўлини жой-жойига қўйиб, юзларига тик қарайдиган бўлишимиз керак. Буни мен Президент сифатидаги бурчим деб биламан. Айниқса, қишлоқда ишловчиларнинг 60 физини саноатга, хизмат соҳаларига ўтказишни ташкил этиш зарур.

Республикада хорижий инвестиция соҳаси кенгаймоқда. Хорижий инвестицияларни жалб этиш, республика тадбиркорларининг ишбилармонлик фаолиятини ошириш учун қулай шароитлар яратилди ва уларнинг кафолатлари мустаҳкамланди. Хорижий инвесторлар иштирокида бир ярим минг коркона ташкил этилди.

Ўзбекистон иқтисодини қарамлик, боқимандалик асоратидан холос қилиш ва устувор соҳаларда бутунлай мустақилликка эришиш, бу — иқтисодий мустақиллик демакдир. Иқтисодий мустақиллик — аввало, ҳар бир давлатнинг ўз аҳолисини озиқ-овқат, халқ хўжалигини ёқилғи-энергетика маҳсулотлари билан таъминлаш ва чет элга маҳсулот экспорт қилиш имкониятлари билан белгиланади. Хўш, бу соҳада нима ишлар қилинди?

Масалан, илгари Россиядан 4,5 миллион тонна нефть келтирилган бўлса, бу йилги режамиз бор-йўғи 750 минг тонна нефть сотиб олиш. Насиб этса, 1996 йилдан бошлаб халқ хўжалик эҳтиёжларини тўла ўз нефть маҳсулотларимиз билан таъминлаймиз. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган газ миқдорининг ошиши ҳисобига 320 миллион долларни тежаб қолиц имконига эга бўлдик! Бундай мисолларни металлургия, химия, машинасозлик ва бошқа йирик тармоқларда ҳам кўриш мумкин.

Озиқ-овқат, айниқса, дон маҳсулотлари билан ўзимизни таъминлаш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Масалан, илгари 5-6 миллион тонна ғалла четдан келтирилган бўлса, ҳозир бу миқдор 3,5 миллион тоннани ташкил этди. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари келтириш 7 баравар камайди, сут ва сут маҳсулотлари эса 28 фоиздан

5 фоизга тушди. Бундан ташқари, кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган бир қанча маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, олинган кредитларнинг барчаси аниқ жойига эга бўлиб, келажакда ўзини оқлади ва фойда келтиради. Бу пухта ҳисоб-китоб қилинган. Улар бирордан тилаб олинган қарз эмас. Ўзини ҳурмат қилган халқ, давлат бундай қилмайди, бирорга қўл чўзиб бормайди. Биз ана шу ақидага амал қилиб келдик ва бундан кейин ҳам шундай қиласиз. Кўплаб йирик иншоотларга ўзимиз ишлаб топган валюта ҳисобидан 550 миллион доллар миқдорида кредит бердик. Асака автомобиль заводига 120 миллион сарф қилдик. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи эса 400 миллион доллар туради, Дўстлик шаҳридаги "Мерседес-Бенц" автомобиллари заводига эса йилнинг ҳар чорагида 24 миллион доллар ажратилмоқда. Буни ким изоҳлади? Бундай манзарани сабиқ Иттилоқ республикаларининг қайси бирида учратиш мумкин? Бундан ташқари, 600 миллион доллар хорижий банкларда турибди.

Хўш, биз ҳам фақат шу кунни ўйласак, ана шу пулга озиқ-овқат олиб келиб одамларнинг қорнини тўйғазишимиз мумкин эмасми? Мумкин. Лекин эртага нима бўлади? Биз шуни ўйлашимиз керак. Бу сарфланган маблағ эртага бўлмаса, индинга самара беришини унутмаслигимиз лозим. Халқимиз буни яхши тушунади. Шунинг учун ҳам бу сиёсатни — иқтисодий мустақилликка эришиш йўлини қўллаб-қувватламоқда.

Республикада ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида 1994 йилда нархларнинг эркинлаштирилиши билан бир вақтда иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар миқдори бир неча марта оширилди.

Кам таъминланган оиласаларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ўз-ўзини бошқариш органларининг маҳсус ҳисобларига давлат бюджетидан 310 миллион сўмдан зиёд маблағ ўтказилди. Болали оиласаларга давлат ёрдами кўрсатишнинг ягона тизими жорий этилди.

Ҳа, бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодий вазият МДҲдаги кўплаб мамлакатларга қараганда анча яхши десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди, дея таъкидлади Пре-

зидент. Лекин бу республика халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи бизни қониқтиради, деган маънони билдирамайди. Шу маънода 1995 йилдаги ва истиқболдаги вазифалар асосан нималардан иборат?

Бу йил ҳам хусусийлаштириш асосий масала бўлиб қолади. Чунки бу жараён умуман олганда, ҳали туталлангани йўқ. Ўртacha ва йирик корхоналарни давлат тасарру-фидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳар бир ҳолатни алоҳида кўриб чиқсан ҳолда ўтказилиши керак. Муҳими, тармоқнинг ишлаб чиқаришдаги улуши кескин ошишига эришмоқ даркор. Ўтган йилги кўрсаткич — 8 миллион сўмлик маҳсулот ҳеч кимни қониқтирамайди.

Иккинчи муҳим вазифа — миллий валютамиз қудратини янада ошириш, инфляцияни жиловлаш, нарх-навони барқарорлаштиришдан иборатdir. Шу йўл билан аҳоли даромадларини нарх-наво билан мувофиқ келишига эришмоғимиз лозим. Умуман олганда, бошқа барча ишлар ҳам ушбу муаммони ҳал этишга боғлиқдир.

Айниқса банклараро биржада айланадиган чет эл валютаси миқдорини кескин ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги ҳамкорлигини янада кенгайтириш лозим.

Муҳими, қабул қилинган фармон ва қарорларнинг тўла ишлашига эришмоқ даркор. Зоро, уларни қабул қилиш биринчи масала бўлса, ҳётга татбиқ этиш иккинчи, асосий масаладир.

Одамлар руҳиятини ўзгартириш борасидаги ҳаракатларимиз ҳам сезиларли натижа бермоқда. Одамлар астасекин боқимандалик кайфиятидан холос бўлмоқда. Бу ҳол, айниқса, ёшлар орасида кузатилаётгани кишини қувонтиради.

Бир пайтлар қарамлик туфайли дон, гўшт, сут сингари асосий тирикчилик воситаларига ҳам муҳтоҷ бир аҳволга тушшиб қолган эдик. Биз мана шундай вазиятда мустақил давлат қуришга киришдик. Бирорга қарамлик, боқимандалик кайфиятининг аста-секин дунёқарашимиздан йўқолиб бораётгани катта ютуқларимиздан биридир. Ён-атрофимиздаги кўнгина давлатлар фақат ўзини сақлаб қолиш ҳақида қайгураётган бўлса, биз келажак ривожи ҳақида, иқтисодий-маънавий тараққиёт ҳақида ўйламоқдамиз.

Бу ҳақиқатни очиқ эътироф этмасак, менимча, гуноҳ бўлади.

БИЗДАН ОЗӨД ВА ОБӨД ВАТАН ҚОЛСИН

Үзлигини аңлаган ва ўзгаларни ҳам тан оладиган, ўз маданияти, саңъати ва күп асрлик ноёб меросини янада бойитиш ҳақида доимо қайғурадиган халқ билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Биз истиқлол шарофати туфайли эришган энг катта ютуғимиз одамларда пайдо бўлаётган ва тобора мустаҳкамланиб бораётган келажакка ишонч ва масъулият туйғусидир.

Мен жойлардаги учрашувларда, кундалик мулоқотларда ҳаётдаги янги ва яхши ишлар туфайли одамлар юзида ишонч, мамнуният ифодаси акс этиб турганини кўрсам, бир олам куч-ғайрат топаман. Эгнига тўн, бошига дўлни кийган, қўли қадоқ меҳнатқаш кишилар билан, фариштали отахонлар билан учрашганимда, уларнинг юз-кўзида, чеҳрасида ўтган кунидан розилик, ҳаётдан хурсандлик аломатларини кўрсам, бошим кўкка етгудай бўлади. Улар бизнинг ишларимизни қўллаб-қувватлаб турганини, уларнинг юрагида ортанги кунга ишонч барқарор эканини ҳис этмоқдан ортиқ бахт борми!

Шу маънода, 1995 йил — мамлакатимизда иқтисодни барқарорлаштириш йили бўлиши керак. Синовларга барҳам бериш вақти етди.

Барчамиз ана шу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмасдан, шу жафокаш ва мард халқнинг содиқ фарзандлари бўлиб, унга садоқат ва ҳалоллик билан хизмат қиласак, биз албатта ўз мақсадимизга етамиз, деб таъкидлади Ислом Каримов пи-ровардида.

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашин <i>XII</i> сессиясида сўзланган нутқ, 1993 йил 2 сентябрь	3
ЯКУНЛОВЧИ НУТҚ. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашин <i>XIII</i> сессиясида сўзланган нутқ, 1993 йил 3 сентябрь	29
БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН! "Туркестон" саройи очилиши. маросимида сўзланган нутқ, 1993 йил 4 сентябрь	37
ХАЛҚАРО БАНКЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛИШИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 1993 йил 6 сентябрь	39
БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 48-СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗА. 1993 йил 28 сентябрь	47
ВАТАН, ЭЛ МАНФААТИ МУҚАДДАСДИР. Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашин сессиясида сўзланган нутқ, 1993 йил 9 октябрь	58
ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН РАСМИЙ ҚАБУЛ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 1993 йил 27 октябрь	71
ФАН ВАТАН РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. Республика Фанлар академияси 50 йиллигига багишланган тантанали йигилишида сўзланган нутқ, 1993 йил 4 ноябрь	76
ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК — ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ	83
БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КаФОЛАТИ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига багишланган тантаналийигилишида сўзлансан кунтқ, 1993 йил 7 декабрь	92
МАРД МАЙДОНДА СИНАЛАДИ	112
ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗ АСОСИ	122
ВАТАНИМИЗНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ОБРЎЙИНИ ЯНАДА ОШИРАЙЛИК. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашин <i>XIV</i> сессиясида сўзланган нутқ, 1993 йил 28 декабрь	128
ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ. Саноатчилар ва шабдилармонлар халқаро конгресси Кенгашин йигилишида сўзланган нутқ, 1994 йил 25 январь	144

ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ — ФАРОВОНЛИК МАНБАИ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йигилишида сўзлансан нутқ, 1994 йил 18 февраль	158
ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ: МАСЪУЛИЯТЛИ БОСҚИЧ. Ҳалқ депутатлари Буҳоро вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ, 1994 йил 18 март	175
ЕТАКЧИЛИК — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ	202
"СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН" ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ 1994 йил 2 мај	207
ИЎЛИМИЗ — МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ. Ўн иккакчи чакрик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессиясида сўзланган нутқ, 1994 йил 5 мај	210
ТАРИХИМИЗ ҲАМ, КЕЛАЖАГИМИЗ ҲАМ МУШТАРАК Ўзбекистонда Қозогистон кунларининг очилишига багишланган тантаналий йигилишида сўзланган нутқ, 1994 йил 23 мај	233
ТОШКЕНТДАГИ 1 ХАЛҚАРО ТЕННИС ТУРНИРИ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 1994 йил 30 мај	243
ЭЛ МАНФААТИ — ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ	245
ИЛМУ ФАН МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий йигилишида сўзланган нутқ, 1994 йил 7 июль	249
ҲАЛОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК — ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ БЎЛСИН. Ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ, 1994 йил 15 июль	265
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ БОҚИЙ БЎЛСИН. Ўзбекистон мустақилликининг уч йиллиги муносабати билан 1994 йил 31 авгуастда байрам қатнашчиларига қараша сўзланган нутқ	283
ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ	285
ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА	288
ИЖОБИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ОХИРИГА ЕТКАЗАЙЛИК. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида сўзланган нутқ, 1994 йил 22 сентябрь	292
МУСТАҚИЛЛИК — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ	314
УЛУГБЕК РУҲИ БАРҲАЁТ. Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигига багишланган тантаналий маросимда сўзлансан нутқ, 1994 йил 15 октябрь	319
САМИМИЙ МУЛОҚОТ	323

БАРҚАРОР ТИНЧЛИК ВА ЎЗАГО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК	
УЧУН. Европада Ҳавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашыга аъзо мамлакатлар давлат башликтарининг Будапештда бўлиб ўтган конференциясида сўзланган нутқ, 1994 йил декабрь	327
АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ТАНТАНАСИ	332
ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ КЕЛАЖАГИ	335
ФАОЛИЯТИМИЗ ДАВР РУҲИГА МОС БЎЛСИН	340
ХАЛҚ ИШОНЧИ — ЮҚСАК МАСЬУЛИЯТ. Ҳалқ депутатлари Ташкент вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ, 1995 йил 9 январь	348
ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА.	
Даво: шаҳрида ишбилиармонлар доиралари вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқ, 1995 йил январь	362
САВДО УЙИДАН ИПАК ЙЎЛИНИ ТИКЛАЦ САРИ.	
Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон Савдо уйини очиш чоригида сўзланган нутқ, 1995 йил январь	366
ИСЛОҲОТ ЙЎЛИДА ЯНАДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК	368
ИСЛОҲОТ МЕЗОНИ — ОДАМЛАР ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШДИР	374

Ислам Абдуганиевич Каримов

**НАША ЦЕЛЬ:
СВОБОДНАЯ И ПРОЦВЕТАЮЩАЯ РОДИНА**

том 2

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон"
700129, Ташкент, Навои, 30.

**Нацр учун масъул К. БЎРОНОВ
Расмлар муҳаррири О. СОИБНАЗАРОВ
Техн. муҳаррир С. СОБИРОВА
Мусалҳидлар Ш. ОРИПОВА, ў. АБДУҚОДИРОВА**

Теришга берилди 20.04.96. Босишга рухсат этилди 23.05.96. Қогоz
формати 84x108 1/32. "Таймс" гарнитурада оғсет босма усулида
босилди. Шартли босма тобоқ 20,16. Нацр тобоги 19,5. Тиражи 10000.
Буюргма Д-754. Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашиёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.
Нацр № 127-96

Оригинал-макет масъулияти чекланган "Ношир" жамияти техникавий
ва программавий воситалар базасида тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот қўмитасининг изжарадаги Тошкент матбаа комбина-
тида босилли. 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Каримов И. А.

Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2.— Т.:
Ўзбекистон, 1996.-380 б.

ISBN 5-640-02098

Ушбу томга Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов-нинг республикада бозор муносабатларини йўлга қўйиш, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, хусусий мулкни ҳамда тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиши масалаларига багишиланган, янгиланиш жабхасида учраётган мураккабликлар ва тўсиқларни енгизиши йўллари кўрсатиб берилган асарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессияларида қилган маърузалари, чет зясафарларида, ҳалқаро миқёсдаги анжуманиларда, республика Вазирлар Маҳкамаси йигилишларида, турли учрашувларда сўзлаган нутқлари жамланган.

ББК 66.3(2) + 65.9(2У)

№ 342-96

Алишер Навоийномидаги Ўзбекистон
Республикасининг давлат китобхонаси